


Ҳамилжон
Ҳомидий

ЖУХНАШИРД МАРИ



Ҳамиджон Ҳомидий

КУХНА
ШАРҚ
ДАРФАЛАРИ



АЛМАСХ НОЖИСЫ

Алматы - Астана - Нур-Султан

алматы астана нур-султан

Алматы - Астана - Нур-Султан

© «Шарқ» наурыз-матбаа концерни
Баш таҳририяты.
1999

МУҚАДДИМА

Ривоят қишиларича, подшоҳ Жамишид шикорга кетаётса, олдидан жсаннатсимон бир bog чиқибди. Юз хил мева гарк пиишиб ётган эмиши. Шоҳ bogбондан ичишига сув сўрабди. Bogбон уйига кириб бир анорни сиққан экан, пиёла тўла шарбат тушибди. Келтириб Жамишидга берибди. У бир симириб пиёлани бўшатибди.

— Отакон, бу bog кимга қарайди? — сўрабди шоҳанишоҳ.

— Xеч кимга. Мен парварии қиласман, мевасидан эл, ўтган-кетган мусофиirlар баҳраманд бўлади, — жавоб берибди чол.

— Мен Жамишидшоҳ бўламан. Шунча катта боғни бир ўзингиз еб ётмасдан, ҳар йили подшилик хазинасига юз тангадан жарима тўлаб туринг, — дебди-да йўлида давом этибди шоҳ.

Жамишид овдан қайтишида яна боқча кириб, шарбат сўрабди. Bogбон ўнта анорни сиққан экан, бир қултумча шарбат чиқибди, холос. Шоҳ bogбоннинг ҳаяллагани сабабини сўрабди.

— Адл билан эл фаровон, зулм билан юрт хароб деганлар. Сендан зулм зоҳир бўлгани учун ўнта анорни сиқсан ҳам ярим пиёла сув чиқмади, — дебди bogбон.

Жамишид қилмишидан пушаймон бўлиб, уни солиқдан озод қилибди.

Bogбон уйига кириб икки анорни сиққан экан, пиёла шарбатга тўлибди. Шундан сўнг Жамишид xеч кимга зулм қилмайдиган, адолатли шоҳ бўлибди.

Ўзбек халқ романи «Барзунома»дан олинган бу ҳикояда адолат гояси теран тасвирланган. Шарқ мутафаккирларининг ҳаёти, ижодий мероси ҳам ана шундай ибратомуз, одамийликка, жасоратга чорловчи ҳикоятлар, ривоят ҳамда нақллар билан йўғрилган. Мен уларни из-

лаш, ўрганишида қўп кўхна дастхатларни, улкан олимлар-нинг асарларини ўқиганман. Ҳикмат пёйла бу саҳифаларни ҳар гал варақлаганимда ўзим учун янги таассурот, маърифат оламан. Кейинги йилларда Маҳмуд ибни Валининг «Баҳр-ул-асрор» («Сирлар уммони»), Ҳожи Юсуф-нинг «Арз-ул-афлок», Гардизийнинг «Зайн-ул-ахбор», Байҳақийнинг «Тарихи Масъуд» китобларини, «Маснавии маънавий», «Асрорнома», «Тазқиротул авлиё», «Тарихи томм» каби асарларни, «Авесто»нинг аслини, профессор Ҳ. Ҳасановнинг «Сайёҳ олимлар» китобини ўқиб чиқдим, айрим мулоҳазаларим янада тўлишиди, мукаммаллашиб. Баъзи қасбдошларимнинг буюк алломалар ҳақидаги мақолаларидан файз топдим. Мазкур лавҳалар кенг китобхонлар оммасига донишманд боболаримиз ҳақида дастлабки маълумот беришга мўлжалланган. Улардан Зардўшт, Самарқандий, Убайдий, Шарофиддин Роқими, Муҳаммад Мурод Самарқандий, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий сингари сиймолар ҳақидаги лавҳалар олдинбошқа китобларда битилмаган далиллар, дастхатлардаги маълумотлар асосида ёзилиб, илк бор китобхонлар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Биз фикр юритган алломалар қайси халқ фарзанди бўлмасин, уларнинг ибратли ҳаёт ўйли, боқий руҳи, бебаҳо ижодий мероси барча қавм ва авлодлар учун ҳамиши мўътабар ва ардоқлидир.

Ж ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ ^ Ж

%

*2a

*5&

*£&'

<й

*>й

*5й

* ^

•«-»

'4|

'4|

ΛΤΛΛΛ%

:?'

55У

Λ

йГ

5_>η*

&*

х_{04**}

^»v

1^1*

ÿ_{4*}

2*

^ ?

—{£v

III*

4-4*



ЗАРДҮШТ

Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»нинг алоҳида боблари ҳамда Гуштасп достонида Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг исломгача бўлган дини — зардўштийлик ҳамда унинг асосчиси Зардўшт ҳақида меҳр билан ёзди, уни мўъбадлар мўъбади — донишмандлар пешвоси, пайғамбар деб таърифлайди, у асос солған қомусий китоб «Авесто»ни кўп тилга олади. Ҳақиқатда ҳам, Зардўшт Шарқнинг биринчи файласуфи, нотики, шоири, донишманди хисобланади.

Чет эл ва Шарқ олимларидан Ян Рипка, К. В. Тревер, Е. Э. Бертельс, С. П. Толстов, И. С. Брагинский, Б.Faфуров, М.Дяконов, X.Мирзозодаларнинг тадқиқотларидаги мулоҳазаларга қараганда, Зардўшт эрамиздан олдинги VII асрнинг охири ва VI асрнинг биринчи ярмида яшаган. У Хоразм ҳокимлигига қарашли чорвадорлик билан шуғулланган Спитама уругидан бўлган. Отасини Пурушаспа, онасини эса Дугдова, деб аташган. Болалигиданоқ от ва тия боқиши билан шуғулланган Зардўшт чорвадор қавмлар орасида юриб, уларнинг урф-одатлари, дину удумларини ўрганганд, ҳар хил эътиқоддаги кишилар-пешволарнинг сухбатларида бўлган. (Биз ушбу лавҳани ёзишда зикр этилган олимларнинг асарларидан, «Авесто»нинг «Маориф ва маданият» газетаси, «Садои Шарқ» журналида эълон қилинган матнидан фойдаландик — X. X.).

Маълумки, қадимги ота-боболаримиз турли-туман динларга топинган, у билан боғлиқ кўплаб расм-русларни бажарган. Ана шулардан бири ҳар бир қабила-нинг ўз худосига курбонлик қилиш одатидир. Чорвадорлар орасида кезиб юриб, мўйсафиidlар гурунгига бўлган Зардўшт кўп қурбонлик натижасида борган сари молларнинг камайиб, қирилиб кетаётганини кўриб азият чекади, бунинг оқибати хунук бўлишини кўра билади; қабилалар орасида тез-тез бўладиган низо, қирғин урушларнинг негизи ҳам мана шу одат билан боғлиқлигини ҳис этади. Турфа дунёқаращдаги кексалар билан бўлган сухбат, баҳслар натижасида Зардўшт кўпхудоликнинг зарарини тўла тушуниб етади ва йигирма

ёшида ўзининг нор туясига миниб (Зардўшт — сариқ түя эгаси демакдир) қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезади, яккахудолик гоясини тарғиб этади; уч ўғли, уч қизи билан оиласини хавф остида қолдириб, бу йўлда фидойилик кўрсатади. Натижада, ўн йилдан кейин ягона худо Ахурамаздони кашф этади ва қабила, уруғчилик эътиқоддарига қарши яккахудолик гоясини тарғиб қилишни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу ишда у инсон руҳиятига яқин турадиган халқ шеъриятидан усталик билан фойдаланган. Зардўшт илгари сурган гоянинг негизини икки нарса ташкил қиласди: мутлақ моя Хурмузднинг яккаю ягоналигини тан олиш; яхшилик билан ёмонлик, ростгўйлик билан ёлғончилик, зулмат билан нур ўргасидаги доимий қураш ҳақидаги таълимот — борлиқни иккига бўлиб қарашиб дуалистик қарашга содик қолишдир. Зардўшт камбағал бўлган. У оту туяси камлиги, ўз ақидаларини ёйиш йўлида маблағсизлигидан шикоят қиласди, нолийди.

Зардўшт таълимоти тобора халққа таъсир ўтказаётганини сезган муҳолифлари унга қарши қатъий қурашга киришадилар. Ҳаёти хавф остида қолган Зардўшт бир гурух тарафдорлари билан Эронга ўтади ва ўз таълимотини узил-кесил шакллантиради.

Зардўшт шоҳ Гуштаспнинг вазири Фрашаштранинг кизи Ҳавовига уйланган бўлиб, Иставатра, Урвататнара, Хверечитра номли уч ўғли ҳамда Френи, Трити, Поуричиста номли уч қизи бўлган. Доро I хукмронлиги даврида (эрамиздан олдинги 522—486 йиллар) хоҳомашинлар сулоласининг расмий дини зардўигтийлик бўлган.

Фирдавсий ва Берунийларнинг тасвирича, Зардўшт биринчи бўлиб ўз динини Эрон шохи Виштаспга асослаб кўрсатиб, унинг эътирофини қозонади. «Шахристонҳои Эрон» китобида Виштасп фармонига кўра Зардўшт 1200 бобдан иборат панднома — «Авесто»ни олтин таҳтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширган» деб ёзилган. Шундан сўнг шоҳ пайғамбарнинг тарафдори сифатида янги диннинг ашаддий тарғиботчисига айланди. Бу орада Амунинг икки соҳилидаги юртларнинг ҳокими Аржасп акаси Виштаспни аждодлар эътиқодидан қайтганликда айблаб, унга қарши лашкар тортади. Тенгсиз муҳорабада Аржасп ўлдирилади. Натижада Эрону Туронда маздопарастлик — зардўштийлик дини тўла жорий этилади. Зардўштнинг ҳоҳиши ва Виштаспнинг фармонига мувофиқ барча шаҳар-

ларда оташкадалар — ибодатхоналар қурилади. Ана шундай оташкадалардан бири — энг улкани Балх шаҳрида қад кўтаради. Зардўшт 77 ёшида ушбу олтин суви билан зарҳалланган бинода ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори Браторваҳш томонидан чавоқлаб ўлдирилади. Аммо унинг таълимоти, асое солған дини Ажам ўлкаларида ислом мажбуран қабул қилдирилгунга қадар муқаддас эътиқод бўлган. Ҳозир ҳам Жанубий Ҳиндистонда юз мингдан зиёд, Шимолий Эронда бир неча минг киши зардўштийлик эътиқодидадирлар.

Ўрта Осиё ҳалқлари орасидаги турли маросимларда, баъзи удумлар юзасидан шам ёкиб кўйиш, тўйларда гулхан ёкиб унинг атрофида базм уюштириш, келинни кўчага гулхан ёкиб унинг атрофида бир айлантиргач, уйга олиб кириш; чавандозларни катта гулхан алангасидан сакраб ўтишлари, йўргакланган чақалокни гулхан устидан у ёқ-бу ёққа отиб олиш ва бошқа анъаналар ҳам зардўштийликнинг ҳамон сакданиб келаётган удумларидандир.

АВЕСТО

«Авесто» зардўштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, унинг илк сахифалари Зардўшт томонидан VII асрнинг охирларида Амударё соҳилларида яратилган. Кейинчалик Жанубий Эронда оташпарастлик динининг уламо-коҳинлари томонидан тўлдирилиб, такомиллашибирилган. Бу китоб 12 минг хўқиз терисига битилган, македониялик Искандар Шарқни забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини эса ёқтирган. Эрамизнинг биринчи асррида ашконийлар хукмдори Валагес Аршакид ва учинчи асрда ҳамда Хусрав Парвиз, Шопури Хурмузд даврида «Авесто» бир неча бор кўчирилган, кайта тикланган. Кейинги вактларга қадар «Авесто»нинг ватани хусусида олимлар ўртасида жиддий бахслар бўлиб келарди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб барча тадқиқотчилар «Видевдад»да учрайдиган Марв, Бақтрия, Ҳирот, Сўғд, Нисо, Хоразм, Сиистон, Амударё, Сирдарё каби жуғрофий атамаларга асосланиб, РАвесто»нинг ватани Урта Осиё ва унга чегарадош юртлардир, деган қатъий хulosага келдилар. Ҳақиқатда ҳам «Авесто»даги жуғрофияга доир маълумотлар бу хulosани тўла тасдиқлайди. Зероки, унда икки

дарё ҳудудидаги жойлар, тоғлар, яйловлар ҳақида мулоҳазалар кўп.;

Араблар VIII асрда Эронни забт этганда зардўштийликка садоқатини сақлаган бир неча минг маҳалий аҳоли Жанубий Ҳиндистонга қочиб ўтадилар. Улар қадимги маданият, адабиёт ва эътиқодга доир ёдгорликларни ҳам ўзлари билан элтадилар. Жумладан, «Авесто»нинг тўртдан бир қисмининг энг нодир нусхасини ҳам ўзлари билан саклайдилар.

1723 йили инглиз олими Жорж Боуже «Авесто»нинг бир нусхаенини Ҳиндистондан элтиб, Оксфорд коллежининг кутубхонасига топширади. Шундан сўнг бир неча йил оташпастлар орасида юриб, уларнинг қадимги тилини ўргангандан француз олими Анкетиль Дюпперрон 1771 йили «Авесто»нинг бир қисмини сўзбоши, асл матн ва таржимаси билан нашр этади. Бу иш туфайли Фарбий Оврўпада «Авесто»га қизиқиши ва ўрганиш авж олади.

Ҳозир ана шу дастхатлардан бири Бомбайдаги Кома шарқшунослик институтига сакланади. Бу институт зардўштийларнинг маданий маркази бўлиб, шу жамоа маблағи хисобига ишлайди. Китоб 1615 йилда парфиёни ёзувида кўчирилган бўлиб, 672 бетдан иборат.

Бизга қадар «Авесто»нинг қўйидаги қисмлари етиб келган:

1. Ясна — ибодат пайтида ижро этиладиган матнлар. 72 бобдан иборат бўлган бу қисмнинг 17 боби Зардўшт қўшиклари — Гот мадхияларидан иборат.

2. Яшт — оташпастларнинг Оллоҳни тавсиф эта-диган маҳсус оҳанглар асосига курилган мадхиялари.

3. Вендиод — девларга — зулмат тимсолига қарши қонунлар мажмуаси. Мазкур бўлимда диний қонунлар матни, қадимги достонлар, мифларнинг мазмуни, парчалари сақтанган, мифологик қаҳрамонларнинг номлари зикр этилган.

4. Виспарад — бутун борлиқ Оллоҳники. Ибодатлар тўплами, ибодат йўсинлари.

«Яшт» ҳамда «Вендиод» Зардўштнинг шахсияти, руҳий олами, ижтимоий келиб чикишига оид далиллар, зардўштийликнинг тарқағашш йўлидаги зиддиятлар ҳақида маълумотлар мавжуд.

«Авесто» зардўштийликнинг муқаддас китоби бўлишиб билан бирга, илм-фан, ҳаётнинг бирча соҳалари бўйича мукаммал маълумот берадиган улкан, энг кўхна манба ҳисобланади. Грек олими Плиний «Авесто»ни 2

миллион байтдан ибор^ат (эрэмиздан олдинги III аср) деган эди.¹ Биз ундан Урта Осиё, Эрон ва Озарбайжон халқдарининг энг қадимги маросимлари: урф-одат, эътиқод, ибодат пайтида қироат қиласиган оятлари, диний маросимларда ижро этадиган қўшиқлари, минглаб халқ оҳанглари ҳақида маълумот оламиз., Бундан ташқари, китобда қадимги халқ оғзаки ижодига таалукли ягона сюжетлар — достонлардан парчалар мавжуд; Жамшид, Каюмарс, Митра, Анахито, Заххок, Фаридун, Баҳром сингари кўплаб мифологик образлар, осмоний ривоятлар билан боғлиқ атамалар тилга олинади; «Мавзун сухан» — алоҳида хижо ва қофияли шеър» ҳақида маълумот берилади. Чорвадорлик, дехқончилик, савдо-сотигу ҳунармандчилик билан боғлиқ жуда кўп лавҳалар, мулоҳазалар баён этилади. Масалан, Зардӯшт кургоқчилик юз бериши билан дехқончиликка завол келиб, яйловлар камайиб, чорва моллари кирилиб кетаётганидан Ахурамаздога илтижо билан мурожаат этади.

" Бундан ташқари, «Авесто»да эрамиздан олдинги икки мингинчи йиллардан тортиб то олтинчи асрларгача бўлган даврдаги Ўрта Осиё ва Эрон халқлари тарихига доир, Сирдарё ва Амударё соҳилларида яшайдиган халқларниң ижтимоий турмушига оид маълумотлар бор. Чунончи, китобда шу сарзаминаларда истиқомат қилган халқларниң қасб-кори, савдо-сотифи, қўшни халқлар билан муносабатлари баён қилинган; ҳар бир қасб, ҳунар эгасининг жамиятда тутган ўрни алоҳида қайд этилган. Дехқонлар билан чорвадорлар жамият моддий неъматларини яратувчилар сифатида таърифланган[^]

Мазкур обидада иқтисодий ҳаёт, жуғрофия, фализиёт, илми нужум, юкимиёт, биология, фалсафа ва тиббиётга доир кўплаб қимматли маълумотлар мавжуд. «Авесто»даги тиббий далиллар ота-боболаримизнинг табобатга доир қарашлари Рим, Юнон ва араб табобатидан кўхна ва узок тарихга эга эканлигини кўрсатади. Ундаги тиббий маълумот кўпроқ «Венди-дод»нинг турли жойларида учрайди. Биз шу ўринда «Авесто»даги тиббий қарашга кенгроқ тўхтаемиз. Ундаги тиббий фикрларни тахминан қўйидагича тасниф этиш мумкин:

1. Ташрех (анатомия) ва мизож (физиология).
2. Беморликларниң олдини олиш воситалари.
3. Касалликлар ҳақидаги маълумотлар.
4. Беморларни даволаш йўллари.

5. Табибларнинг ахлоқи ва табобатга оид баъзи қонун-қоидалар.

«Авесто»да инсон организми, мушак, суяқ, тери, мия, асаб, бадан юнги, томир ва қонга (асаб ва мия — ерга, бадан туки дараҳтга ўхшатилган), бадандаги томирлар ва оқ яъни қонсиз томирлар (асаб)га бўлинган.

Баданнинг қуввати эса жон, виждон, равон (тан), идроқ ва азалий (қадимий) рух каби 5 қисмга бўлинган. Мижозни эса ҳарорат (иссиқлик), рутубат (совуклик), брудат (намлик) ва қуруқликка бўлинган. «Жигар қон манбай бўлиб, ўнг томонга жойлашган», дейилади.

«Авесто»да сув, замин, хона, бадан, кийим-кечак, озиқ-овқатларни тоза тутиш ва сақлашга алоҳида эътибор берилган. Унда гўристонларни шаҳар ва қишлоқлардан йироқда ташкил этиш, уни ўраб қўйиш, мурдашўйларнинг маҳсус тозаликка риоя қилиши, мурда теккан либос, палос, ерларни қатрон қилиш хусусида фикрлар мавжуд. Инсон ёки ҳайвон ўлиги тушган сой, ариқ, ҳовуз, қудукларни бир неча бор қатрон қилиш (сувга тўлдириб бўшатиш, ёмғир суви билан ювиш) таъкидланган. «Унинг (сувнинг) устига уч марта ёмғир ёғиб ўтсин, сўнгра у олдингидек инсон ва ҳайвон ичадиган сувга айланади». Ахурамаздо жавоб берди: ўт-ўланлар ҳамда мевали дараҳтлар экилган, сувлари ҳамиша равон бўлган замин энг яхши ерdir. Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган (ғизо топилмайдиган) ер энг ёмон заминдир. Ерни ифлос қилган ва уни асраш қоидаларини бузган шахслар «400 қамчи уриш жазосига» гирифтор қилинарди. Инсон яшаётган хонадаги обрез-ханада ювениш ва чўмилиш қатъян манъ этилган. «Авесто»даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш воситаларини қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Ахлатларни бекитиш, ифлосланган жойларни туфроқ, тош, кул билан кўмиб ташлаш. Шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

2. Оташ, иссиқлик ва совуклик йўли билан йўкотиш. «Авесто»да оташ покловчи ва оғнатни кеткизувчи восита. У билан, ҳатто, кийим-кечакни заарсизлантирилган.

Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд, меҳак, садаф, пиёз, алой, сандал) тутатиш йўли билан. Буларнинг кўпи ҳозир ҳам микробкушдир. «Вендиндот»нинг 5-бобида шамол, ҳайвон, парранда, пашиша орқали турли касалликларнинг тарқалиши қайд этил-

ган. Касаллик тарқатадиган ҳайвон ва ҳашоратларни йүқотишига даъват этилган ҳолда «Авесто»да уй жониворларини эҳтиёт қилишга даъват кучли бўлган. «Венди-дот»да «... сув ёки (ов) итини ўддирган киши 10 000 барсум, 10 000 руҳиятни тетиклаштирадиган ўсимлик барги бериш лозим. Шунингдек, у 1000 та эчкиэмар, 1000 та сув қўнғизи, касал тарқатувчи пашшани ўлдириб, гуноҳини ювиши лозим».

«Венди-дот»нинг 5 ва 17-бобларида доимий бадантарбия билан шугулланиш, кунда юз-кўлни бир неча марта ювиб туриш, сочни тоза тутиб, тирнокларини тез-тез олиб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан доим тўқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиши лозимлиги уқтирилган. «Авесто»да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик ва пурхўрлик, руҳий изтироб, бузилган таомни ейиш, тозаликка риоя қилмаслик; Ахриман юборган курт, пашша ва бошқа ҳашоратлар, ёмон ҳаво касалликларининг асосий манбаи дейилади. Унда 9999 касалликни Ахриман пайдо қилди, дейилади.

Эркак зурриёт қолдириш кобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишади ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солиб калтаклашган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруг қонини тоза, авлодни бенуксон саклаш учун шундай қилинган. Кўп болали оиласаларга давлат ҳисобидан нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган, бирйўла 2—3 та туқкан аёллар мукофот олишга сазовор, деб уқтирилади.

«Венди-дот»да касалликларни режим, пархез, дуо, дори, жарроҳлик йўллари билан даволаш айтилган ва доривор ўсимликларнинг номи берилган: шира, барг, гул, дон, мева, бута, гиёҳ илдизи ва ҳоказо. Улар забъфарон, коский, кунжут, кўкнор, сипонд, зира, пиёз, сиёҳдана, (яъни седана), савсан, қатрон, найшакар, туруп, хурмо, сабзи, бехи, шакар, асал, зайдун мойи ва бошқалардан тайёрланган. Жарроҳликда асл шаробга наша қўшиб бериб, бехуш қилиб кесишган. Букротнинг табиблар қасамёди ҳакидаги фикрларидан бир неча аср бурун «Авесто»да табибларнинг маҳсус қасамномаси келтирилган; табобат рамзи — илон заҳар сочаётган идиш — жом тасвири ҳам илк бор шу китобда тасвиirlанган. Унда қадимги кишиларнинг ўртача умри 800-900 йил бўлиши, айрим одамлар яшаш шароити, мухитига қараб 1400 йилгача умр қуриши мумкинлиги уқтирилган.

Хуллас, қадимги аждодларимиз яратган «Авесто» дунёдаги энг қадимий, ноёб билимлар хазинаси. Унда оламдаги барча —диний, дунёвий, табиий фанлар бўйича теран мулоҳазалар мавжуд. Биз Гипп^кратдан олдин тиббиётнинг нозик жумбокларини ечган, фала-киёт, мусика бўйича шоҳ фикрларни ўргатга ташлаган, ўз донишмандлиги, нотиқлиги билан Ажам халқари-ни ўзига эргаштира олган Зардўшт билан ҳар қанча фаҳрлансак арзиди.

ШАРҚ МУСИҚАСИННИГ АСОСЧИСИ

Ҳар гал Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Низомий, Ҳусрав Дехлавий, Жомий ва Навоий сингари алломалар асарларини мутолаа қилганда «суруди Борбад», «Борбад оҳангি», «Борбад усули», «Борбадона тарона» сингари сўз ва ибораларга дуч келардим. Ана шундай кезларда «Борбад ким экан?», «Бу қандай оҳанг бўлди?» каби саволлар аклимини банд қиласарди. Бу жумбокни ечмоқ учун қўп кўхна манбаларни титкиладим, қомусларни варакладим, шарқшунос ва мусиқашунос-ларнинг асарларини ўқиб чиқдим. Ва ниҳоят, топгандарим, ўқиганларимни ўқувчилар хукмига ҳавола қилишни лозим топдим.

Борбад етук мусиқашунос, бастакор, раққос, ҳофиз ва шоир бўлган. У таҳминан 589 йили Марвда дунёга келган. Туркманистоннинг ҳозирги Байрамали музофоти яқинида жойлашган Марв VI—VIII асрларда илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, хунармандчилик ривожланган шаҳар бўлган. VII асрда мўйна, чарм буюмлари, мусика асбоблари, айниқса, турли-туман бўз, ҳарир шойи матолари билан жаҳонга шуҳрат қозонган. Ҳатто араблар унга Шоҳижаҳон (жаҳон шоҳиси) деб ҳам ном берганлар. Марвда муҳташам кутубхона, илмий марказ, мадрасалар қад кўтарган. XI—XII асрларда Марв Салжуқийлар ҳамда Хоразмшоҳлар давлатининг маркази бўлган. Бағдоддаги «Байтул ҳикма» ёки «Маъмун академияси» деб номланган илмий марказда ал-Хоразмийга ҳамроҳ бўлиб келган Марвазий таҳаллусли бир неча риёзиёт ва фалакиёт (астроном) олимлари ишлаган. Анварий Марвазий, Абдуллоҳ Марвазий, Абдураҳмон Марвазий, Мухаммад Солиҳ Музофар Марвазий, Мухаммад Кисои Марвазий сингари ўнлаб санъаткорлар ва қомусий билим соҳиблари хаё-

тининг асосий қисми Марв билан боғлиқ. Бундан ташкари Фирдавсий ва Табарийлар Марвда дунёга машхур баҳшилар, Озодвар Чангий сингари созандалар яшаб ўтганларини қайд этишган.

Бўлажак бастакор ана шу гўзал маданий марказда, Араб ва Ажам мамлакатларидағи мадрасаларда таълим олган. Йигитлик йилларидаёт ҳалқ куйларини маҳорат билан чалиш ҳамда кўшиқ айтишда ном чикарган. Замонасининг хукмронлари Борбадни ўз саройларига жалб этмоқчи бўладилар. Аммо ёш ҳофиз Эрон шаҳаншохи Хусрав Парвиз саройига боришга жазм этади. Зероки, Хусрав адабиёт ва санъатнинг, умуман маданиятнинг тараққиётига жиддий эътибор бериб, кўплаб санъаткорларга ҳомийлик қиласди. Борбад саройдаги ортиқча базм-дабдабалар, бехуда юриш-туришларга қарамай, ижодий ишлар билан жиддий шуғулланади: ёш ҳофиз, мусиқачилар тарбиясига алоҳида эътибор беради. Сосонийлар сулоласи даврида этишган машхур созандалар Некисо Чангий, Озодвар Чангий, Гесёи Новагар, Саркаш ва Саркаблар бевосита ёки бильвосита Борбад шогирдлари ҳисобланадилар. Борбад бастакор ва ҳофизгина бўлиб қолмай, истеъодди шоир ҳам эди. Унинг аксарият куйлари ўз шеърлари матнига ёзилган. Ўша даврдаги хижоли (бармоқ вазнига яқин) янги шеърий шаклнинг ихтиро қилиниши ҳам Борбад номи билан боғлиқ.

Табиатан шоир, созанда, бастакор, ҳофиз ва раккос бўлган Борбад ижодининг илк паллаларидан бошлибок, асарларида табиат кўрки, баҳорнинг бетакор чиройи, хаёт нашидасини куйлашга, ифодалашга интилган. Бастакор ижодининг тадқиқотчилари унинг «Гулзор», «Сабз баҳори», «Роҳи гул», «Ороиши хуршеду моҳ», «Абҳари кухан», «Равшан чароғ», «Полизбон», «Дилангизон» сингари асарларида бевосита табиат гўзаллиги акс этганлигини уқтирадилар. У ҳафтанинг етти кунига нисбат бериб «Хусравоний» оҳанглари тўпламини, ойнинг 30 кунига қиёслаб 30 лахн (куй, мақом йўли), йилнинг 360 кунига бағишлаб шунча тарона яратган. Борбаднинг «Сигона»сидағи 19 ва 20-кўшиқлар «Кини Эраж» ҳамда «Кини Сиёвуш» VII—X асрларда Бухоро ахли томонидан қадимги баҳодирларни хотирлаш маросимида ижро этилган.

Борбад яратган куй ва тароналарнинг кўпчилиги бизнинг замонамизгача ўзгаришсиз етиб келган. Мусиқашуносларнинг аниқлашича, борбат чолғу асбоби-

ни ҳам Борбад ихтиро қилган. Унинг «Зефарканд», «Нуҳуфт», «Гулнўш», «Оромиши жон», «Дарғам» каби куй ва тароналарини араб, турк созанда ҳамда машшоклари то ҳануз ижро этадилар. Бастакорнинг араб мамлакатларида Баҳлбад, Борид, Паҳлапаз ва Фаҳлбаз тахаллуслари билан кенг шуҳрат қబзониши ҳам шундан далилат беради. Борбад мусиқий мажмуналарида барча қўшиқ матнларини ўзи ижод этган. Шарқ мусиқий билими донишмандларининг уқтиришича, «Яздан оғарид», «Сабз андар сабз», «Партави фарҳор», «Ганжи Бодовард», «Кини Сиёвуш», «Боги Шаҳриёр», «Роҳрави Шабдиз» сингари тарихий, ҳаётий ҳамда мавсум ва маросим қўшиклари ана шулар жумласидандир. «Шашмақом» оҳанглари силсиласидаги «Зерафканд», «Хусравони», «Наврўзи Бузург», «Наврўзи Ажам», «Наврўзи хоро» мақом йўлларида Борбад ижодининг анъаналари бевосита давом этмоқда. Борбад ижоди ўтмиш мусиқашунослари томонидан юксак баҳоланган. «Эрон мусиқаси билан танишиш» китобининг муаллифи Азиз Шаъбоний «Борбад Шарқ мусиқаси тарихида ёрқин сиймолардандин». У бу сарзамин халқлари мусиқий илми, нотаси, созу овозининг асосчисидир» деб юқори баҳо беради. Форобий, Ибн Сино, Абдураҳмон Жомийлар мусиқага доир рисолаларида Борбаднинг мусиқий истеъодини эъзозлаб унга юксак баҳо берганлар. Борбад VII асрнинг ўрталарида она шаҳри Марвда вафот этган. Кейинги йилларда тожик олими А. Ражабов Борбад ҳақида маҳсус китоб ёзди. Биз бу лавҳани янада тўлдиринда ундан ҳам фойдаландик.

САРКАШ НАКЛИ

Ростини айтсам, Борбад сафимизга келиб қўшилган кундан бошлаб тинчим йўқолди. Қалбимда аллақандай гашлик пайдо бўлди. Зероки, у фавқулодда истеъодод соҳиби, ҳофиз, бастакор сифатида кундан-кунга ўзини кўрсата бошлади. Ўзи шеър ёзиб, унга куй басталар, табиат эҳсон этган ноёб овоз билан ижро этар эди. Мартабам, обрўйим кўлдан кетаётган, ҳар сонияда у ўрнимни олиб қўяётгандек туюларди менга. Шунинг учун саройдаги хос базмларга Борбадни яқинлаштирмасликка, Хусрав ҳузурида ўз санъатини намойиш этишига йўл қўймасликка интилардим.

Баҳор кунларидан бирида Хусрав аъёни давлат, му-

ваккилони мамлакат иштирокида Фирдавс отлиг бодида гул сайри, шеъру соз базми ўтказадиган бўлди. Жиддий тайёргарлик, машқдардан сўнг бир гуруҳ созандаю ҳофизлар билан бокқа жўнайдиган бўлдик. Борбад хам базмда иштирок этишини жуда-жуда истади. Ҳатто ёлворди ҳам. «Ҳали ёшсан. Бунча шуҳратпараст бўлмасанг? Ё эҳсон истайсанми?» — дедим-да, учта тилло танга бериб жўнаб кетдим.

Боғ сайри, гул гаштидан сўнг барчамиз сарвзор ўртасидаги муҳтаигам кўшқка тўпландик. Шеър баҳси, созу овоз жарангни кўкка ўрлади. Бир тарафда раққослар Борбад янги ўргатган раксни қиёмига етказиб ўйнамоқда эдилар. Айвон тўридаги шоҳ супада Некисо Чангий бошчилигидаги машшоқлар куй «додини» беришмокда. Шу пайт айвон ёнидаги сарвлар орасидан бир куй таралди. Кўтаринки, шодиёна руҳдаги бу куй шу даражада ёқимли, сехрли эдики, бутун табиат гўзалиги унда мужассамланган, дейсиз. Бир сонияда йигилганлар оғзи хандаю шўхликдан, созандалар тори ноладан, раққослар оёғи хиромдан қолди. Куй авж нуқтасита етгач, аста-секин пасайиб, майсазорлар узра ёйилиб бориб, сарвлар ичига ғарқ бўлди.

Хусрав ишораси билан уч киши сарвзорга юурдик. Не кўз билан кўрайким, дараҳтлар ичидаги ям-яшил ўтлар устида майсараг либослар кийиб олган Борбад ўтирганди. Ҳатто қўлидаги сози ҳам яшил рангда эди. Қўлтиғидан олдимда, кўшк томон етакладим. Ҳамма уни хушвақт пешвозд олди. Мен ҳам таъзим қилдим. Сарвлар орасидан таралган оҳанг устида баҳс бўлди. Ҳамма бир оғиздан куйда табиат кўрки, файзу таровати жозибали, мукаммал акс этганини таъкидладилар. Хусрав Борбаднинг оғзини тиллога, этагини дурру жавоҳирга тўлдирди. Куйни «Сабз андар сабз» деб атадилар. Шу бугундан бошлаб Хусрав Борбадни менинг ўрнимга сарой санъаткорларининг бошлиғи этиб тайинлади. Мен унинг даҳоси олдида бош эгдим ва бир умрга шогирдликча қолдим.

Маълум бўлишича, менинг «шуҳратпараст» деб уч танга беришим Борбаднинг иззат-нафсига теккан экан. У тўғри уйига бориб баҳор манзарасига ўхшатиб майсараг либослар кийибди, борбатини ҳам яшилга бўябди. Сўнгра боғбон Бомдуй хузурига келиб шу кунги базм пайтида бокқа киришга руҳсат сўрабди. Борбад санъатнинг чин муҳлиси Бомдуй боғ сайрига киришга ижозат берган экан.

НЕКИСО НАКЛИ

Баҳор ойлари эди. Биз бир гурух машшоқлар билан Исфаҳонда Наврӯз тантаналарида иштирок этиб, ўз куй ва қўшиқларимиз билан халқ сайлига файз бағишилаб юрар эдик. Иттифоқо Хусрав ўғли Шеруя томонидан ўлдирилганини эшитдик. Мен яшин тезлигига Мадошинга этиб келдим. Лекин, ҳайҳот, кечикибман. Аллақачон Хусрав дағн этилган. Саройдаги алғов-далғовлар ҳақида дув-дув гап. Пойтаҳт одамни тутиб ейман дейди. Кўхна ошнолардан ҳеч кимни топа олмадим. Ҳамма зада бўлган қушлардай тумтарақай бўлган.

Не қиласаримни билмай довдираб қолдим. Ўзимни қўлга олдимда, тўғри устозим Борбад ҳовлисига қараб юрдим. Етиб келдиму ўз қўзларимга ишонмай донг қотиб қолдим. Эвоҳ, бу қандай қўргилик. Эй фалак, бу не бедодлик! Наҳотки шундай кошонанинг кулини қўкка совурсанг! Қандай куч билан бақирганимни билмайман. Кўз ўнгим қоронғилашиб, бошим айланана бошлиди. Гандираклаб юриб, култепаларни айландим. Ҳамма нарса куйиб хоку туроб бўлган эди.

Кечгача шаҳар айландим, қўни-қўшнилардан устозимни сўроқладим. Бир икки йўловчиликар бозор бошида девонавор айланиб юрганини, дарвешлар жандасини кийиб олганини айтишди. Шундан сўнг шаҳар четидаги карvonсаройларни кездим, дарвешхоналардан қидирдим. Ва ниҳоят, дарвеш хужраларидан биридан топдим. Эшиқдан салом бериб киришим билан бурчакда ўтирган Борбад менга қараб, ўрнидан турди. Шамшоддек қомати дол, арғувондек рухсори заъфарон бўлган. Бағрига отилдим, ота-боладек бир-биrimизни кучиб саломлашдик. Навбат қўл бериб кўришишга келганда, қўлим олдинги ипакдек майин, ҳамиша оташдек иссиқ кафтларга эмас, аллақандай қаламланган, совук навдаларга теккандай бўлди. Бир сесканиб тушдим. Қарасам устозимнинг ҳар икки қўлининг бош ва кўрсаткич бармоклари тагидан кесилган, ўрни корайиб, буришиб ётарди. Кўзларимдан тиркираб ёш чиқиб кетди. Томоғимга бир нарса тиқилиб келарди: «Наҳотки куйга суиқасд қилган бўлсалар?! Наҳотки!»

Нак^т этишларича, устозим тонг-саҳарда Хусравга суиқасд қилинганини эшитиб, саройга чопибди. Ўзининг хос хонасида қонга беланиб ётган ҳомийсини кўриб зор-зор йиглабди. Ўзи ювиб-тарабди, дағн маросимида бош-қош бўлибди. Шоҳона мақбарага элтиш йў-

лида машхур «Хусравони» куйини чалиб борибди. Ҳомийсини ўз қўли билан лаҳадга қўйибди. Дафн маросими ҳам ғарифона бир тарзда ўтибди. Устоз назарида маърифат ва адолат офтоби сўниб, дунёни зулмат эгаллагандек бўлибди. Диёнат ва урфон, санъат ва нафосат оламини жаҳолат булути қоплабди. Бундай ҳаётга лаънат ўқиб, бу дунёдан бош олиб кетгиси келибди. У мақбара ёнидан тўғри уйига келиб, аввал созини синдирибди, сўнгра бармоқларини болта билан чопибди, кейин уйига ўт қўйиб, дарвешона ҳаёт кечиришни ихтиёр этибди.

Мен устозимни уйимга элтмоқчи бўлдим. Аммо у ўз қароридан қайтмади. Деярли ҳар куни унинг олдига келиб турардим, ёлғизлатиб қўймасликка интилардим.

Шаҳар ҳамон алғов-далғов, сарой нотинч эди. Ҳамма ёкни айғоқчилар, ғаламислар босган. Хусрав вафотидан олти ой ўтгандан сўнг фитначила Шеруяни ҳам ўлдириб кетишиди. Отасини ўлдирган фарзанд шоҳликка ярамайди, яраса ҳам олти ойдан нарига ўтмайди, деган қўйидаги ҳикмат ўшандан қолган.

Падаркуш подшохиро нашояд,
Агар шояд, зи шашмоҳе напояд.

Кунлардан бир кун келиб устозни дарвешлар кулбасидан топа олмадим. «Марвга кетиб қолдилар» дейишиди ҳамхоналари. Орадан кўп ўтмай «Борбад вафот этди» деган хабар келди. Ҳа, мункайиб қолган мўйса-фидни ватан хоки меҳри тортган экан... Бориб қабрини зиёрат қилиб қайтдим.

* # &

Борбаднинг айрим куйлари яратилиши тарихи билан боғлиқ ривоятлар ҳам китоблардан китобларга қўчиб юради. «Ганжи гов», «Ганжи бодовард», «Роҳрави Шабдиз» оҳангларининг ижод этилиши билан боғлиқ ривоятлар шулар жумласидандир. Уларнинг айримлари тарихий далиллар билан тасдиқланган.

АЛ-ЖАБР, ЯЪНИ АЛГЕБРА

Халифа Хорун-ар Рашид Хурносонга Амир этиб тайинлаган Маъмун бугун ҳам Марвнинг Жомеъ мачи-

ти пешайвонида қўллари орқасига боғланган собиқ Амир Али ибни Исо устидан халқ арз додини эшитиб, олиму уламолар кенгаши билан уларнинг тортиб олинган мол-мулкини ундириб бермоқда. Оломон орасидан қотмадан келган, саллани чорпеч ўраб, сипогина кийинган йигитча амирга яқинлашди.

— Сенга не азият етди, йигит?! — хитоб қилди амир.

— Мен Али ибни Исонинг Хурросону Мовароуннахр халқига қилган бедодликларини эшитган эдим. Ўзини ҳам бир қўрай деб келдим, ҳеч қандай арзим йўқ, — жавоб берди йигит.

— Бу йигит Мавлоно Мусо бўладилар, таксир. Риёзатда кўп доно. Марвга таҳсил учун келганлар. Ҳоло у киши Жавҳарий ва ал-Хосиблар даврасида илм ўрганиш билан машгуллар, — деди амир ноибларидан бири.

Илм-фан кишиларига хайриҳоҳ, ўзи ҳам ёшлигидан илм нужум (астрономия)га меҳр қўйган Маъмун Абдулло Муҳаммад ибни Мусо Хоразмийни саройга жалб этади. 783 йили Хоразмда тугилган Мусо дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олади. Кейинчалик ўша даврнинг илм-фан маркази бўлган Марвга келиб, мадрасада ўқииди, мустакил мутолаа, илмий кузатишлар билан шуғулланади. Хорун-ар Рашид вафот этгач, Халифанинг ўғиллари Муҳаммад Амин ва Маъмунлар ўргасида таҳт учун кураш кетади. Бу курашда Маъмун ғалаба қозониб, 818 йили Бағдодда халифалик тахтига ўтиради. Маъмун Муҳаммад Мусо Хоразмийни ҳам ўзи билан Бағдодга элтиб «Байтул ҳикма» («Ҳикматлар уйи») деб номланган ўзига хос Фанлар академияси бўлган илмий марказга бошлиқ этиб тайинлайди. Бу ерда Хоразмий Абдулвафо Бузжоний, Исҳоқ Ибодий, Ахмад Фарғоний, Абдулаббос Найрезий, Абдужаъфар Хурросоний, Абдулфатҳ Исфаҳоний, Муҳаммад Ахмад ва Ҳасан ибни Шокирлар билан биргаликда дарс айтади, аниқ фанларнинг турли соҳаларига доир кашфиётлар билан шуғулланади. Ўзининг ilk асари «Сурат-ул-арз» («Ер сурати») китобини ёзади. Унда Шарқ мамлакатлари шаҳарлари, тоғлар, дарёю сахроларнинг жойлашиши ҳақида, экваториал ҷизиқ остида жойлашган курукликлар хусусида аниқ маълумотлар келтирган.

; Маъмун Бағдодда Муҳаммад ал-Хоразмий иштирокида расадхона, табиий фанлар ўқитиладиган мадраса/улкан кутубхона курдирган, қадимги юонон олимлари-

нинг асарларини араб тилига таржима қилдирган. Даврнинг буюк мунажжими даражасига етган ал-Хоразмий умрининг охирги дамларигача шу ерда қолиб, ал-Маъмун, ал-Мўтасим ва ал-Восик каби халифалар ҳомийлитида илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Халифа Восик Хоразмийга катта ишонч билдириб, уни куйи Волга Хазар хоқонлигидаги ваколатхонасига бошлиқ этиб тайинлаган.

Бу вазифани тарк этгач, Хоразмий қадимги ёдгорликлар ва элатлар турмуш тарзини ўрганиш мақсадида сафарларда бўлади. Кичик Осиёнинг Афесус шахри яқинида жойлашган машхур ғорни текширишда иштирок этади. Аммо Хоразмийнинг асосий вақти Халифа Маъмун номига нисбат бериб «Маъмун академияси» деб юритиладиган илмий марказ «Байтул ҳикма»да ўтади. У дастлаб ҳиндларнинг астрономия ва математикага доир асари «Сидханта»нинг 773 йили бажарилган арабча таржимаси «Синди ҳинд»ни таҳрир қилади.

Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзди. «Ал-жабр вал муқобала» — «Тенгламалар ва қаршилантириш», «Ҳисоб ал-ҳинд» — «Ҳинд ҳисоби», «Зижи Хоразмий», «Рисолаи мусикий», «Китобат тарих» — «Тарих китоби», «Китоб ал-амал устурлабат» — «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб» сингари асарлар илмда янги қашфиёт бўлиб, олимга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Хоразмий ҳар бир асарини ёзишда унинг амалий аҳамиятига жиддий эътибор беради. Олимнинг ўзи тенгламалар ҳақидаги китобида қўйида гиларни ёзади: «Мен арифметиканинг содда ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб ёздим. Чунки у одамларга мерос тақсимлаш, васиятнома ёзиш, бойлик бўлиш ва аддия ишлари, савдо-сотиқ, канал қазиш, геометрик ҳисоблашлар, шунингдек бошқа турли муносабатларда жуда ҳам зарур».

Мазкур китобда алгебранинг қонун-қоидалари содда бир тарзда баён этилган.

Хоразмийнинг тарихга доир китоби араб халифалигининг илк даври, Ҳурросон, Кичик ва Ўрта Осиёнинг VIII—IX асрлар тарихига доир энг аниқ ҳамда лўнда маълумот берадиган асардир. Олимнинг астрономияга доир китоблари ўзидан кейинги асрлар Шарқда астрономия фани тараққиётига сезиларли таъсир этган. Ўша йиллари Бағдод, Дамашқ, Қохира

сингари шаҳарлардаги мактабларда ҳандаса, илм нујум, риёзиёт, тиббиёт, мусалласот (тригонометрия) фанлари кенг ўқитиларди. Бунда Хоразмий бошчилигидаги Эрон, Хурсон ва Мовароуннахрдан борган олимларнинг хиссаси ҳам катта бўлган. Чунончи, Хоразмий бошчилигидаги 70 олим жаҳон картасини тузишга киришади. Профессор X. Ҳасановнинг аниқлашича «Маъмун дунё картаси» деб аталган бу иш 840 йили тугалланган.

Хоразмий «Ҳинд ҳисоби» китобида ҳозир биз ишлатадиган бирдан тўққизгача бўлган рақамлар ва ноль ёрдамида исталган сонни ёзиш, улар билан арифметик тўрт амални бажариш, ўша рақамлар билан ифодалangan сонлардан квадрат илдиз чиқариш қоидаларини изоҳлаб борган.

Таникли файласуф, профессор Омонулло Файзуллаевнинг таъкидлашича Хоразмий арифметиканинг алгоритмлари бўлган кўшиш, айриш, кўпайтириш ва бўлиш қоидаларини яратган. Шунингдек, турли «жинс»-лардаги инсонларни кўпайтириш алгоритмини ҳам ишлаб чиққан. Масалан, минут, секундларни бир-бирига кўпайтириш учун, аввало уларни бир хил шаклга, яъни секундга ёки минутга айлантириб олиш кераклигини кўрсатган.

Ҳозирги замон алгоритм тушунчаси ҳам ал-Хоразмий исмининг лотинча талаффузи «алгоритм» сўзидан олинган. Тенгламалар ҳақидаги фаннинг бир соҳасини ифодаловчи «Алгебра» сўзининг келиб чиқиши ҳам Хоразмийнинг «Ал-жабр вал-муқабала» рисоласи билан боғлик. Хоразмийнинг бу асари ҳозирги Испания ва Португалияда яшовчи араблар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар «ж» товушини «г» тарзида талаффуз этиб, «алжабр»ни «алгебр» деганлар. Мазкур китоб лотин тилига таржима қилингач, Фарбий Оврўпада ушбу сўз «алгебра» тарзида қабул қилинган ва тенгламалар ҳақидаги фаннинг номи бўлиб қолган.

Буюк математик ватандошимиз Хоразмий 850 йили Бағдодда оламдан ўтган. Хоразмийнинг илмий асарлари юонон, лотин, немис, инглиз, голланд, рус тилларига қайта-қайта таржима қилинган.

Хоразмийнинг илмий фаолиятига буюк олим Беруний, шоир ва математик Умар Хайём юксак баҳо берганлар. Олимнинг бой илмий мероси ҳамон ўз қимматини сақлаб, авлодлари олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

ТАБАРИЙ САБОҚЛАРИ

Мехмонхона мўйсафид қариндошлар, доимий гурнг қатнашчилари — ҳамсоялар билан лиқтўла. Таомдан сўнг яна Куръон оятларию Пайғамбар ҳадислари шархи атрофида баҳс бўлди. Мехмонлардан бири:

— Абужаъфар бобосидан ўрганган ҳадислардан ўқиб берсин, — илтимос қилди қўққисдан.

Отасининг розилиги ишорасидан сўнг 6—7 яшар бола ўрнидан туриб Ҳадис айтди:

— Эй мўмин! Баний одамийга яхшилиқ қил, яхшилик қила билмасанг, бори ямонлик қилмағайсанким ул ҳам яхшилиқдур.

— Ўғлим «Ёсин»ни кўп яхши қироат қиласидилар-да, яна бир эшитсанкев демадим, — илова қилди бир нуроний мезбон.

Бола Куръони Каримдан «Ёсин» сурасини чунонам қиёмига етказиб ўқидиким, аҳли мажлис бир сонияга сеҳрлангандай жим бўлиб қолишиди. Сўнгра:

— Илоҳо умринг узок бўлсин, Оллоҳ сени маърифат кимёсидан саодатманд этибди, нури илоҳий сени асло тарк этмасин, — деб дуо қилишиди.

Бу гўдак Куръону Ҳадиснинг бўлажак тарғиботчиси, тарихчи олим Табарий эди.

Абдужаъфар Муҳаммад ибни Жарир ибни Язид Табарий 838 йили Табарон вилоятининг Омул шаҳрида зодағонлар оиласида дунёга келади. У она шаҳрида хусусий муаллимлардан таълим олади. Бўлажак олим етти яшарлигига «Куръон»ни тўла ёддан билади, қадимги тарих, араб тили ва адабиётини ўрганиш билан жиддий шуғуллана бошлайди. Табарий тўққиз яшарлигига авлодидаги кексалар оғзидан Пайғамбар ҳадисларию халқ ҳикмат, ривоятларини ёзib ола бошлайди. Мадраса таҳсилидан сўнг турли ўлкалар бўйлаб саёҳатга чиқади: Бағдод, Шом, Басра, Рай, Кўфа шаҳарларида бўлади; даврнинг машҳур олимларию шайхларининг маърузаларини тинглайди, илмий мажлисларида иштирок этади.

Табарий қаерга бормасин, ноёб китобларни қидириб ўқиуди, халқларнинг қадимги тарихи, маданияти, адабиётини ўрганади; ровий, ноқиллардан турли ривоят, воқеаларни ёзib олиб юради: 867 йили Мисрга келганида Табарий илм-адаб аҳли томонидан эътироф этилган олим даражасига етган эди. Кўп йиллик сафар орасида бир неча марта Омулга бориб қайтган Табарий Бағдодда муқим яшаб қолади. У бу ерда хукуқшунос-

лик мактабини очади, мударрислик қиласы. Айни пайтда олим күхнә тарихий асарларни күздан кечиради, фикә донишмандларидан пайғамбарлар тарихи, улар ҳақидағи ривоятлар, ҳадислар ёзиб олади. Чунончы, Мұхаммад бинни Ҳумайра ар-Розийдан ўн мингдан ортиқ ҳадис ёзиб олган.

Табарийнинг иқтидору тинимсиз изланишлари, кунига юзлаб саҳифа иш ёзиши, халқ оғзаки ижоди асарларини түплашдаги жасорати ҳақида шогирдлари ибратомуз фикрларни ёзиб қолдирған. Табарий 923 йили Багдодда вафот этған. У тарих, фикә, хуқуқшунослика, илми бадеъ, тиб илміга доир ўнлаб асарлар ёзиб қолдирған. Аммо бизга қадар олимнинг «Тарих-ар-руслул ва ал-мулук» («Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи»), 20 жилдан иборат «Китобу жомеъ-ул-баён фи тафсир-ил «Қуръон» («Қуръон тафсири баёни ҳақида китоб»), «Китоб ихтилоф ал-фуқаха» («Хуқуқшуносларнинг турилтуман қараашлари») сингари асарлари мұкаммал сакланып қолған. Машхур арабшунос В. И. Беляевнинг таъқидлашича, Табарий тафсири ўзининг аниқ-хакқопийлиги бадиийлиги билан шу соҳа донишмандларини ҳайратта солған.

Табарийга оламшумул шұхрат келтирған асари ўн уч жилдан иборат «Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи» китобидир. Зероки, унда олим ўзигача ўтган тарихчилар асарлари, халқ нақллари ҳамда ўзи гувоҳ бўлған далиллар асосида Араб, Ажам, Каспий бўйи, Кавказ, Хурросону Мовароуннаҳр ҳалкларининг энг қадимги даврлардан тортиб 915 йилгача бўлған тарихи ҳақида хийла мұкаммал маълумот беради. «Тарихи Табарий»-нинг биринчи жилди мұқаддима ҳамда Яқин Шарқ ҳалкларининг милоддан олдинги тарихи баёнига бағишиланған, иккинчи жилди Эрон сосонийлари хўкмронлиги тарихига, 3—5 жиллари эса, Мұхаммад пайғамбар саргузашти, фаолияти ҳамда Абўбакр, Умар, Усмон, Ҳайдар сингари халифалар хокимлиги, улар ўтрасидаги ихтилофлар, халифалик худудини кенгайтириш учун олиб борилған босқинчилик урушлари баёнига бағишиланған бўлиб, воқеалар хронологик тарзда, изчил ҳикоя қилинған.

Асарнинг қолған қисмлари Уммавийлар ҳамда Аббосий халифалар сулолалари тарихи баёнидан иборат. Китобда Марв, Балх, Хоразм, Сўғд, Ҳутталиён, Хурросону Мовароуннаҳрнинг бошка шаҳарлари тарихига доир далиллар ҳам жуда кўп. Муаллиф араблар-

нинг Мовароуннаҳрга хужуми, босқинчиларнинг бу ўлка шаҳарларида қилган хунрезликлари, маҳаллий халқларнинг ажнабий қонхўрларга қарши олиб борган ватанпарварлик курашларини ҳам анча жонли ҳикоя қилган; маздакийлар, бармакийлар ва Бобак қўзголонлари сингари халқ харакатлари жараёнини яхши ёритган.

«Пайғамбарлар ва шоҳтар тарихи» китобини 936 йили сомонийларнинг донишманд ва маърифатпарвар вазири Бальамий дарий-форсийга таржима қилиб, уни «Тарихи Табарий» деб атади. Таржима жараёнида Бальамий эроний халқлар ҳаётига оид баъзи лавҳаларни, ривоят ва қадимий достонларни китоб матнига ҳамроҳ қилган. Чунончи, форсий нусхадаги «Баҳроми Чўбина» достони асл арабча қўлёзмаларда учрамайди. Китоб турк, немис, инглиз, ўзбек (XIX асрда) тилларига таржима қилинган. Унинг алоҳида боблари Н. А. Медников, А. Э. Шмидт, В. И. Беляевлар томонидан рус тилига таржима қилинган. 1987 йили «Фан» нашриёти «Тарихи Табарий»дан сайланма қисмларни рус тилида алоҳида китоб ҳолида нашр этди. «Тарихи Табарий» Мұхаммад Содик Қашғарий томонидан XVIII асрда уйғур тилига таржима қилинган. Мутаржим иш жараёнида асар таркибига «Мирнома», «Қиссасул-анбиё», «Равзат-ус-сафо», «Меърожнома», «Шоҳнома» сингари асарлардан воқеалар силсиласига қараб баъзи бир лавҳаларни илова қилган. Ана шу таржима асосида Ш. Зокирова ва М. Қутлуқовлар асарнинг «Яздигирднинг ўлдирилиши ва Хуросоннинг босиб олиниши воқеааари», «Қутайбанинг Мовароуннаҳрга хужуми» бўлимларини рус тилига ағдариб, «Ўрта ва Марказий Осиё тарихидан материаллар» («Фан», 1988) тўпламига киритганлар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Б. Аҳмедов «Ўзбекистон халқлари тарихининг манбалари» (1991) деган китобига ҳам Табарийнинг Мовароуннаҳр тарихига доир маълумотларининг бир қисмини таржима қилиб киритган.

«Тарихи Табарий»нинг дастхат нусхалари Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе қўлёзмалар хазиналарида, Низомий номидаги педагогика университети ўқув музейида сақланмоқда.

Табарийга хос илм ўрганиш йўлидаги заҳматкашлик, фидойилик, халқ қадриятларига меҳр билан қарапаш, ўтмиш тарихини, оғзаки ижод асарларини, Қуръо-

ну Ҳадисларни эъзозлаш, илмий изланишлар йўлидаги, мухолифлар билан бақсу талашлар жараёнидаги саботу матонат барчага ибрат бўларлидир.

МУАЛЛИМИ СОНИҚ/

Шом шаҳри мадрасаларидан бирида арабшунос олимларининг йигилиши давом этарди. Раислик қилувчи ёш бир йигитчага сўз берди. У араб тили шевасининг товуш хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Маъруза жиддий баҳсга сабаб бўлди. Охирида барча машхур тилшунос олимлар бу йигитчани араб тили донишманди, деб тан олдилар. Бу толиби илм қомусий билим соҳиби, машхур файласуф, шоир, адабиётшунос ва мусиқашунос Абу Наср Форобий эди. «Форобий етмиш тилни биларди», деган накл ўшандан қолган экан.

Абу Наср Форобий 870 йили Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрига яқин Восинч қишлоғида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келган. Бошлангич мактабни ўз қишлоғида тутатган Форобий Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида билим олади. Отаси билан Исфаҳон, Ҳамадон ва Рай шаҳарларига сафар қиласди. Сўнг Форобийлар оиласи ўша пайтлари Кичик Осиё, Ҳурросон ва Мовароуннахрда асосий илмий марказ бўлмиш Бағдод шаҳрига кўчиб боради ва бўлажак олим илм ўрганиш билан жиддий шуғулана бошлайди. У Абубашир Маттондан қадимий юон тилини, Юҳан ибни Ҳайлондан тиб илми ва мантиқ бўйича таълим олади. Ёш йигит Форобий ҳам илм ўрганар, ҳам муаллимлик қиласди экан. Чунончи, машхур олим Абу Сирожиддиндан астрономия ва математикани ўрганади, ўзи эса унга мантиқ бўйича дарс беради. Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Форобий бутун умрини илм ўрганишга бағишилаб, араб мамлакатларида мадрасаларда дарс бериш билан камтарона, факирона ҳаёт кечирган. Биргина Шом шаҳрида унинг мингдан зиёд шогирдлари бўлган. Фанимларнинг фитнаси билан ҳаёти хавф остида қолганда, уни кутқазган ҳам шогирдлариридир. Форобий Ҳалаб шаҳрида яшаган пайтида шаҳар ҳокими, илм-фан ҳомийси Сайфутдавла унга давлат хисобидан маош тўларди. Шуниси қизиқки, олим бу пулдан кундалик тирикчилиги учун етадиганингина оларди. Форобий 950—951 йиллар орасида вафот этган.

Абу Наср Форобий қомусий билим соҳиби бўлган. У фалсафа, мантиқ, адабиётшунослик, мусиқашунос-

лик, сиёсат, психология, математика, астрономия, геометрия, илм-фэннинг бошқа соҳаларига доир қўплаб рисолалар ёзган. Нафақат фалсафада, балки араб грамматикаси, шевашунослигида ҳам ўз даврининг пешқадам олимни эди. Олим ижодини ўрганиш билан машғул бўлган тадқиқотчилар унинг 160 та асар ёзганини таъкидлайдилар. Уларнинг 17 таси турли олимларнинг фалсафий асарларига ёзилган шарҳ, 50 таси алоҳида китоб, бештаси бир қанча мақолаларни ўз ичига олган мажмуалар ҳисобланади. Булар орасида «Сиёсат ва маданият», «Рухнинг моҳияти ҳақида рисола», «Фозил кишиларининг а^хлоқий қарашлари», «Ҳажм ва миқдор ҳақида сўз», «Ўлчовлар ҳақида китоб», «Бўлак ва бўлинмас нарсалар ҳақида сўз», «Фалсафанинг муқаддимаси», «Шеър ва қоғиялар тўғрисида сўз», «Шеър санъати қонунлари ҳақида мақола», «Осмон ва олам», «Юлдузшуносликка оид рисола», «Олий жисмлар ҳақида китоб», «Илмлар мажмуаси» асарлари машҳурдир.

У юонон илмининг буюк вакили Аристотелнинг барча фалсафий, табиий, илмий асрларига, Птоломей, Эвклид, Гален, Гиппократларнинг рисолаларига шарҳлар битди.

Форобий шеърият ва мусиқа назариясига доир китоблар ҳам ёзган. Қонун мусиқа асбобига бир қўшимча тор илова қилиб, такомиллаштирган, унинг овоз имкониятини оширган. Унинг шеъриятга доир рисоласи ўзбек ва рус тилларида нашр этилган. Форобийнинг бу асарлари Шарқ халқлари тарихида алоҳида ўрин тулади. Илм-фандада дунё фалсафасининг асосчиси — биринчи муаллим, қадимги юонон файласуфи Аристотель ҳисобланади. Форобий антик юонон файласуфларидан Платон асарларини таржима қилиб, шарҳлаб, Шарқда кенг тарқалишига катта хисса қўшгани ва жуда қўп фалсафий масалаларни ўша олимлар даражасида талкин этгани учун «муаллими соний — иккинчи муаллим» деб ном олган. Унинг ижодини ўрганиш ва араб тилидан таржима қилишда академик М. Хайруллаевнинг хизмати катта.

Ўтмиш мутафаккирлар Форобийнинг ижодига юксак баҳо берганлар. Ун иккинчи асрнинг охири ва ўн учинчи асрнинг бошларида яшаган тарихчи Байҳақий «Исломда унга тенг келадиган одам дунёга келган эмас. Дунёда гўртта йирик олим бўлган. Уларнинг иккитаси исломгача яшаган. Чунончи, Аристотель ва Буюк

Александр (Афродизий); иккитаси ислом даврида яшаган; Абу Наср ва Абу Али (Сино), Абу Али Абу Насрнинг асарларидан жуда кўп фойдаланган», деб ёзган «Тарихи Масъуд» китобида. XIX аср немис шарқшуноси Фридрих Рюккерт «фалсафани ҳақиқий қатъий илмий асосда ишлаб чиқкан киши деб фақат Форобийни ҳисобламоқ лозим», — дейди. Рус шарқшуноси Э. Бертельс бўлса, Форобийни комусий билим соҳиби сифагида таърифлаб: «Форобий яхши математик бўлган, ўша даврдаги тиббийтнинг барча томонларини билган, мусиқа назарияси бўйича бир қатор рисолалар яратган, бастакор сифатида шуҳрат қозонган», дейди.

ФОРОБИЙ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Инсон юксак комолатга эришув йўлида харакат қилганидек, ақлий билишга ҳам харакат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнгги даражадаги баҳт-саодатга эришади.

* * *

Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари сабабли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

* # *

Инсон ҳар доим қувноқ, хушчақчақ бўлиши ва баҳтиёр яшамоғи зарур.

* * *

Илмий масалалар билан етарли шуғулланувчи ҳамда турли-туман ишларга берилган одамларга келганда уларнинг ишларида тартиб ҳам, интизом ҳам бўлмайди.

* * *

Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.

* * *

Бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жа-моаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирлари-га ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

* * *

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилгани-ки, у яшashi, олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нар-саларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун ин-сонлар жамоасига эҳтиёж сезади.

* * *

Ҳар кимки илм-ҳикматини ўрганаман деса, уни ёш-лигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига ин-тилсин, ахлок-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чик-син, ёмон ишлардан сақлансан, хиёнат ва макр-хийла-дан узоқ бўлсин.

* * *

Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларниги-на билимдон, дейиш мумкин.

АСРНИНГ НОЁБ ҲОДИСАСИ

Улоқнўён ва Сектўбўқо бошчилигидаги мўғул аскар-лари Сирдарёни кечиб ўтиб, сонсиз лашкар билан ша-харга ҳужум қилдилар. Халқ тенгсиз душман билан ўн кун мардонавор курашди: тунги юришларда душманни таҳликага солди, кундузи қалъа деворлари устидан туриб ганимлар бошига ўқу тош ёғдирди. Озиқ-овқат танқис-лигига қарамай қалъа ҳимоячилари сўнгги томчи қонла-ри колгунча курашишга аҳд килишганди. Лекин бир турух савдогарлар хоинлик қилиб, кечаси дарвозани очиб бердилар. Халқ нафрatiдан чўчиган босқинчилар 8 минг асири олдиларига солиб, шаҳарга бостириб кир-дилар, қариялар, хотин-қизлар, фидойи жангчиларни

кириб ташлаб, обод шаҳарни ер билан яксон қилдилар. 50 минг йигит кўпrik қуриш учун тоғдан тош ташишга хайдалди. Атоқли ўзбек тарихчиси ва олими Абулғозий Баҳодирхон (XVII аср) «Шажараи турк» — «Турк-ўзбек авлодлари тарихи» асарида таърифлаган бу шаҳар Шарқда «Тирози жаҳон» — «Жаҳон кўрки» номи билан шуҳрат қозонган Хўжандир. Хўжанд қадим замонлардан Мовароуннахрнинг ҳунармандчилик, савдо-сотик, илм-фан тараккӣй этган обод шаҳарларидан бўлган. Жумладан, X—XII асрларда бу ердан Абу Маҳмуд-Хўжандий, Абу Жаъфар Муҳаммад Хўжандий, Абдуҷаббор Хўжандий сингари дунёга шуҳрати кетган мунажжим (астроном)лар етишиб чиққан.

Улар орасида Абу Райҳон Беруний томонидан «асрнинг ноёб ҳодисаси» деб таърифланган Абу Маҳмуд Хўжандий алоҳида ўрин тутади. Зероки, Абу Маҳмуд Шарқ илм-фани тарихида астрономиянинг амалий ва назарий масалалари билан шахсан шуғулланган олим қисобланади. Бўлажак олим X асрнинг йигирманчи йиллари ўрталарида Хўжандда туғилади. Абу Маҳмуднинг болалик ва ўсмирлик йиллари она шаҳрида ўтади: астрономия, математика, геометрия ва тиб фанларини зўр қизиқиш билан ўрганади. Марв ва Урганч шаҳарларida мадрасада таълим олади ва хусусий муаллимларда таҳсил кўради. Профессор П. Б. Булгаковнинг аниқлашича, Абу Маҳмуд бир оз вақт Хоразмшоҳ Маҳмуд томонидан Урганчда ташкил этилган илмий марказда ишлаган.

Шундан сўнг Абу Маҳмуд халифаликнинг маркази бўлмиш Бағдодга боради. Лекин тез орада Рай шаҳри ҳокими Фахруддавла (976—997) олимни ўз саройига даъват этади. Бу ерда Маҳмуд Хўжандий жиддий ижодий ва амалий ишлар билан шуғулланади. Тахминан 993 йили Таборак тоғида Абу Маҳмуд раҳбарлигида расадхона курилади ва 994 йилнинг бошларида олим ўзи ясаган радиуси 43 метрли астрономик асбоб — секстант ёрдамида қуёш ҳаракатининг баландлиги ва юлдузлар мувозанатини кузатади. Жумладан, олим қуёш баландлигини ўлчаш ёрдамида Рай шаҳрининг кенглиги 350—35 градусга тенглигини аниклаган. 22 яшар Беруний худди мана шу даврда Рай шаҳрида Абу Муҳаммад билан учрашиб, дўстлашган, унинг фаолияти билан танишган.

Абу Муҳаммад Хўжандий ўзигача бўлган ва замондош мунажжимларнинг илмий фаолиятини пухта ўрганган. Яқин ва Ўрта Шарқда қурилган барча расадхо-

наларнинг тузилишини синчиклаб кузатган, улар тажрибасидан Таборак расадхонасини куришда ижодий фойдаланган. Ҳатто тадқиқотчилар Абу Маҳмуд болалигига ёки бузилиб ётган Хўжанд расадхонаси қолдикларини ҳам кузатган, деган фикрни баён этдилар.

Абу Маҳмуд кейинчалик ана шу кузатиш ва тажрибалар натижалари ўлароқ математика ва астрономияга доир ўнлаб асарлар яратган, астрономик асбобларнинг ихтирочиси сифатида шуҳрат қозонган. Олимнинг «Умумий астрономик асбоблардан фойдаланиш қоидалари», «Мамлакатнинг тузилиши ва жойлашишини аниқлаш ҳақида рисола», «Астрономия қонунлари» сингари бир неча рисола аригина бизга қадар етиб келган. Абу Маҳмуд Хўжандий 1000 йили Рай шаҳрида вафот этган.

Абу Райхон Беруний яқин дўсти Абу Маҳмуд Хўжандийнинг астрономик асбоблар ихтирочиси сифатида «асрнинг ноёб ҳодисаси» деган бўлса, унинг вақт бирлиги доирасида «секунд»ни аниқлашини «бекёс кашфиёт» деб баҳолаган. Абу Маҳмуд Хўжандийнинг илмий ва амалий мероси кейинги асрлар Шарқ астрономияси тараққиётига катта таъсир ўтказди. Чунончи Марога (Эрон, XIII аср), Самарқанд (XV аср) ҳамда Жайпур (Хиндистон XVII аср) расадхоналарига ана шу Абу Мухаммад сектантни ўрнатилганди. Кўхна манбалярнинг гувоҳлик беришича, Марога кутубхонасида 40 минг китоб сакланган. Самарқанддаги Улуғбек расадхонасини куришга бевосита раҳбарлик қилган Жамшид Коший ўзининг «Астрономик асбоблар шархи ҳақида рисола» китобида ушбу расадхонага ўрнатилган Абу Маҳмуд сектантини алоҳида шарҳлаган: «Гусий йигирма бобининг шарҳи» (XVI асрнинг бошлари) китобининг муаллифи Биржандий Шарқ мамлакатларида яратилган астрономик асбоб ва ускуналарни батафсил шарҳлар экан, Абу Маҳмуд Хўжандий ясаган асбобларни биринчи ўринда таърифлайди.

Буюк бобомиз Беруний томонидан таърифланган ватандошимиз, Рай расадхонасининг меъмори, астрономик асбоблар ихтирочиси Абу Маҳмуд Хўжандий билан ҳар қанча фаҳрланса арзиди.

ТЎНҒИЧ ТАРИХНАВИС

Илм-адаб аҳли орасида кўпдан бери «Бухоро тарихи», «Наршахий тарихи», «Бухоро хабарлари», «Бухоро ви-

лоягининг таҳқиқи» номи билан машхур бўлган асарнинг муаллифи Абубакр Муҳаммад ибни Жаъфар Наршахийдир. Наршахий 943 йили Бухоро вилоятига қарашли Наршах мавзесида туғилган. Ёшлигидан қадимги тарих, жуғрофия, арабтилини пухта ўргангандан, мадрасада таҳсил кўрган. Олимнинг вафот этган йили номаълум. Бизгача унинг «Бухоро тарихи» китоби етиб келган.

Бу асар Ўрта Осиё тарихнавислигининг тўнгич асари бўлиб, Сомоний амирларидан Нух ибни Наср Сомоний (942—954 йиллари ҳукмронлик қилган) топшириғи билан ёзилган. Асар араб тилида битилган бўлиб, асл нусхаси бизгача сақланиб қолмаган ёки ҳали топилмаган. Муаллиф китобни битишда бизгача етиб келмаган айrim арабий китоблар ҳамда ўзининг шахсий кузатишлидан фойдаланган. «Бухоро тарихи» 1192 йили Абу Наср Аҳмад ибни Муҳаммад ибни Наср ал-Кубовий томонидан форсийга ихчамлаштирилиб таржима қилинган; худди шу нусхани 1198 йили Муҳаммад ибн Зуфар ибн Умар қайта таҳрир қилиб, 1178—79 йиллар воқеаларини илова қилган. Кейинчалик ҳам бу китоб бир неча мартаба таҳрир килиниб, унга мўғуллар истилосигача бўлган даврдаги Бухоро тарихи воқеаларини ҳамроҳ этган. «Бухоро тарихи»нинг ўзбекча таржимасига сўз боши ёзган тарих фанлари доктори А. Ўринбоевнинг уктиришича, таржимон Абу Наср Аҳмад Наршахийнинг араб тилидаги нусхасидан мавжуд бўлган баъзи мавзуларни ташлаб кетиши билан бир каторда асарга катта тарихий қимматга эга бўлган кўпгина маълумотларни кўшган ва бунда у ўз давридан илгариги воқеаларни ёритиш учун бошқа тарихий манбалардан фойдаланган. Бу манбалардан бири Абу Наср Аҳмаднинг ўзи кўрсатиб ўтган Абулҳасан Абдураҳмон (ибн) Муҳаммад Нишопурийнинг «Хазойинул-улум» номли асаридир. Бу асарнинг бизнинг давримизгача етиб келган-келмаганлиги маълум эмас. Аммо ундан келтирилган «Бухоро тарихи»даги сатрларнинг ўзи ҳам Абулҳасан Абдураҳмоннинг китоби нақадар муҳим бир тарихий манба бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари мутаржим ва таҳрирчилар асар воқеаларидан келиб чиқиб, фасл ҳамда сарлавҳалар кўйиб чиққанлар.

«Бухоро тарихи» бошқа шу хилдаги китоблар сингари алоҳида бобларга ажралмайди. Унда Наршахий Бухоро шаҳри, унга тобе бўлган ноҳиялар, қишлоқлар, маҳалла, бозор, амалдорлар, бинолар, киборларнинг

манзилгоҳлари, Бухоро тангалари, бу ерда жорий этилган олиқ-солиқ турлари, шаҳарни Кутайба ибни Муслим томонидан забт этилиши, Мовароуннаҳрда ислом динининг жорий қилиниши, сомонийлар сулоласи ва хукмронлигини ғоятда изчилик билан тадрижий такомилда баён этган. Бошқа тарих китобларидан бу асарнинг фарқи шундаки, олим ҳар бир манзил ҳалқининг қасбкори, одати, диний ва маданий удумлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳақида кенг маълумот беради.

Маълумки, форсий тил ва ундаги адабиётнинг асосчиси Абу Абдулло Рудакийнинг «Жўйи бўйи Мулиён ояд ҳаме» мисраси билан бошланадиган қасидаси орқати Бухорода Мулиён анҳори бўлганлигини билар эдик.

Наршахий маълумотларидан бизнинг у ҳақдаги тасаввуримиз янада бойийди. Манзилгоҳларни таърифлаган Наршахий ёзади: «Жўйи Мулиён» ерлари қадим вақтларда Тоғшоданинг мулки бўлиб (Бухоронинг ҳокими — X. X.), у ўз фарзанди ва қуёвларининг ҳар бирига тақсимлаб берган эди. Мархум Амир Исмоил Сомоний бу ерларни халифа ат-Мустаъян ибн ал-Мутасимнинг лашкарбошиси бўлган Ҳасан ибни Мұхаммад ибн

Толутдан сотиб олди. Амир Исмоил Жўйи Мулиёнда саройлар ва боғлар барпо килиб, унинг кўпроқ қисми-маловийларга (озод этилган куллар. Улар Амир гвардиясида хизмат қилган — X. X.) вақф қилди. У ҳозирингача ҳам вақф. Амир Исмоил доим ўз маволийларига ғамхўрлик кўрсатиб келар эди.

Бир куни Амир Исмоил Бухоро ҳисори (қалъаси)дан Жўйи Мулиёнга қараб турганида унинг ёнида отасининг мавлоси Симоул-кабир — «Улув сиймо» турган эди. Амир Исмоил уни дўст тутар ва яхши кўрар эди, унга қараб: «бир вақти келса худои таоло бирор сабаб туғдириб бу ерларни сизлар учун сотиб олсан ва менга умр берса, бу ерларни сизларники бўлганини кўрсам, чунки бу ерлар Бухоронинг барча ерларидан қимматлироқ, яхшироқ ва хушҳавороқdir», дейди. Худои таоло насиб этиб амир Исмоил ул ерларни сотиб олиб мавлавийларга берди ва у ерлар Жўйи Мавлиён деб аталди. Кўпчилик ҳалқ эса уни Жўйи Мулиён деб атайдилар».

Биз тарих китоблари, бадиий асарларни ўқиганимизда кўпинча риёкор, золим, кишиларни ноҳақ жазога ҳукм этадиган, шоқу феодапларнинг лаганбардори қозилар ҳақидаги маълумотларга ёки тасвирга учар пар эдик. Наршахий бўлса, Бухорода қозилик қилган

одамлар ҳақида гапирганда уларнинг инсонпарвар, ҳалолу пок, адолатпешаликларини алоҳида ифтихор билан тасвирилаган: «Яна қозилардан бири Абу Зар Мұхаммад ибн Юсуф ал-Бухорий бўлиб, у раҳматли Имом Шофийнинг сұхбатдошлари жумласидан ҳамда олим ва зоҳид эди. Уни барча Бухоро олимлари орасида юқори қўяр эдилар. У кишини яширин пора бериш ва ҳар хил йўллар билан синааб кўрдилар, аммо у бирон нарса билан ҳам ўзини булгатмади, балки кундан-кунга ундан адолат ва инсоғ равшанроқ содири бўлди... Аҳмад ал-Марвазий ас-Суламий кўп йиллар давомида Бухорода қозилик қилди ва заррача ҳам ўзига айб юқтирмади. У барчага баробар адолат ва инсоғ юзасидан иш кўрар ҳамда унинг даврида олимлик ҳамда зоҳидликда бутун дунёда унга тенг келадиган киши йўқ эди».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Наршахий у ёки бу шахар, манзилгоҳнинг, иморатнинг бунёд этилиши ҳақида гапирганда ном ва атамаларнинг келиб чиқиши, маъносини ғоятда аниқлик билан изоҳлайди, у хақдаги накл ва ривоятлардан фойдаланади, воқеалар тафсилотида холис фикр юритади. Муаллиф маълумотларига қараганда, араблар Бухоро атрофидаги энг обод, серхосил ерларни халқдан тортиб олган экан. Машхур Мулиён анҳори бўйидаги хушманзара ерларини ўз она юртининг бир парчасинихалифалашкарбошиданамир Исмоилнинг сотиб олиши бунга яққол мисол бўла олади. Китобда келтирилган кўплаб далиллар, босқинчиларга қарши халққўзғолонлари, ерли халқнинг жасорати ва матонати тасвиirlари ўқувчи қалбида ифтихор хиссими, ватанпарварлик туйғусини жўш урдиради.

Шунинг учун ҳам «Бухоро тарихи» китоби ўтмишда ҳам, хозир ҳам Ғарбу Шарқ олимлари дикқатини ўзига тортиб келмоқда. Уни 1892 йили Ч. Шеффер француз тилида, 1954 йили Мударрис Ризавий Техронда, 1897 йили Н. Лиқошин Тошкентда французчаси, асли ва русча таржималарини нашр эттирган. 1954 йили уни Р. Фрай Кембриж шахрида инглиз тилига таржима қилиб, батафсил изоҳлари билан чоп қилдирди. «Тарихи Наршахий» машхур шарқшунос А. Расулов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1966 ва 1991 йиллари босилиб чиқарилди. Асарни ўрганиш ва тарғиб этишда машхур шарқшунослар Б. Гафуров, Б. Аҳмедов ва А. Ўринбоевларнинг хизматлари катта.

ҚОМУСИЙ БИЛИМ СОҲИБИ

Бир куни Хоразмшоҳ от устида туриб Берунийнинг хужрасидан чақиришни буюрган. Нима сабабдандир Беруний бир оз кечиккан. Сабри чидамаган Хоразмшоҳ буни ўзича талкин килиб, от жиловини Беруний томон бурган ва уловдан энди тушмоқчи бўлиб турганда Абу Райхон хужрадан чиқкан ва шоҳ олдига тез этиб келиб:

— Худо ҳаққи шоҳим, бундай қилмасинлар, — деб ялинган. Шунда Хоразмшоҳ тамсил тариқасида бундай деган:

— Эга бўлинадиган нарсаларнинг энг шарафлиси илмдир. Барча унга қараб боради-ю, лекин у келмайди. Илм ҳар нарсадан юксак, ҳеч нарса ундан юқори бўйлмайди.

«Мен болалик чоғимданоқ, — деб ёзганди Беруний,— ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим. Бунинг далили сифатида қуидагини келтириш кифоя: биз турадиган жойга бир юонон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳакозаларни олиб бориб, унга кўрсатиб ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб кўяр эдим». Демак, Беруний ёшлигиданоқ чидам ва матонат билан билим ўрганган, ҳатто юонон тилини ҳижжалаб эгаллаган. Ундаги ақл-заковат, теран билим Хоразмшоҳу Султон Маҳмудларни ҳайратта соглан.

Қомусий билим соҳиби Абу Райхон Беруний 937 илии Хоразмнинг Кот шаҳрида дунёга келади. У дастлабки таълимни она шаҳрида олади, ёшлигидан аник фанларга, тил ўрганишга қизиқади. Ўша даврнинг машхур олими Абу Наср ибн Али Ироқдан (астрономия) илми нужум, риёзиёт (математика)дан дарс олади: ўн саккиз яшарлигига илк астрономик кузатишларини Хоразм обсерваториясида ўтказа бошлайди. Бушкотир деган жойда юлдузларни кузатганда Беруний етук олим даражасига етганди. Беруний қадимги хоразм, сўғд, юонон, сурёний ва қадимги хинд тили — санскритни пухта ўрганади. Қораҳонийлар ва ғазнавийлар зарбалидан сўнг марказлашган Сомонийлар давлати ларзага келади. Сомонийларги тобе бўлган Хоразмда тож-таҳт учун кураш кучайиб кетади. Йигирма икки яшар Беруний ватанини тарқ этиб, Эроннинг Рай шаҳрига боради: кўп олимлар билан, жумладан, астрономик асбоблар ихтирочиси Абу Маҳмуд Хўжандий билан учраша-

ди. Икки йилдан сўнг Беруний ўз она шаҳрига келади. Ҷуҳоролик ёш олим Ибн Сино билан мунозаралар ўтказди. 998 иили Гурганж вилоятининг амири Қобус ибни Вашмгир Берунийни ўз саройига таклиф килади, У бу ерда Абу Саҳл Масиҳий билан дўстлашади. Масиҳий астрономия ва математикага оид 12 та рисоласини Берунийга бағишилган.

Беруний бу ерда жиддий ижодий ишлар билан шугулланади ва Қобусга бағишилаб «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарини ёзади. Бу асарда олим ўзига маълум бўлган барча халқларнинг йил хисобини чукӯр таҳлил қилган: этнография, минералогия, картография ва бошқа ўнлаб фанлар ҳақида ҳам фикр юритган.

Хоразмшоҳали ибни Маъмун (998—1009) ва, айникина, Абдулаббос Маъмун ибни Маъмун (1009—1017) давлатининг янги маркази Урганч тез ривожланади. Узюртига кайтиб келган Беруний Маъмуннинг ҳомийлиги ва хайриҳохлиги билан бу илмий-маданий марказ тараккиётига катта ҳисса қўшади. 1016 иили Султон Маҳмуд Ғазнавий Маъмундан батамом ўзига бўйсуниб, Хоразмни Ғазнавийлар давлатининг таркибий қисми, деб тан олишни талаб қиласди. Хоразмшоҳ Маъмун бунга рози бўлади. Исён кўтарган аскарлар ҳақоратомуз шартномага кўнган Маъмун ва унинг барча амалдорлари ни қатл этдилар. Бундан фойдаланган Султон Маҳмуд катта лашкар билан Хоразмни забт этади ва Беруний бошчилигидаги олимларни Ғазнага олиб келади. Беруний ўша йиллар «Қуёш ҳаракатини аниқлаш йўли», «Геодезия» сингари тадқиқотлар муаллифи бўлиб, олим ва фозиллар орасида обрўйи баланд эди.

Абу Райҳон Беруний Султон Маҳмуд хукмронлиги даврида Шимолий Ҳиндистоннинг кўп вилоятларига саёҳат қиласди. Умуман, Беруний Шарқнинг Рай, Журҷон, Бағдод, Жузжон, Балх, Бомиён, Ғазна, Қобул, Динпур, Пешовар, Жайлам, Лоҳур, Мўлтон, Бадаҳшон, Аттон каби йигирмадан ортиқ шаҳарларида бўлган. У 13 йил давомида хинд ҳалқи адабиёти, маданияти, тарихи, урф-одатини ўрганиш билан шуғулланиб, «Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ёки сифмайдиган таълимотларини ҳақиқатини аниқлаш» ёки «Ҳиндистон» рисоласини ёзади. Беруний умрининг охирги йилларида «Минералогия», «Қонуни Масъудий», «Сайдана» сингари асарлар яратган. Беруний астрономия ва математика фанларига кўп янгиликлар киритади; у тузган три-

гонометрик жадваллар аниқлиги билан бошка жадваллардан ажралиб турган. Тиббиётга бағищланған «Сайдана»да мингдан ортиқ доривор моддаларни таърифлаган. Уларнинг номини 30 тилда берган Беруний ўз асарларини ўша давр илмий анъансига кўра араб тилида ёзган, шеърлар битган, араб шоирларининг шеърларини шарҳлаган. У Газнада мадрасада дарс берган, шогирдлар етиштирган, расадхона курдириб, кузатишлар олиб борган. Буюк бобокалонимиз 1048 йили Газнада вафот этган.

Абу Райхон Беруний ҳокимлар ҳузурида катта обрўва эътиборга эга бўлса ҳам изланиш, ижодни ҳар қандай мансаб-мартабадан устун қўйган, бойлика интилмай камтарона хаёт кечирган. Чунончи, Қобус ибни Вашмир унга вазирлик мансабини инъом этганда кабул қилмайди. «Қонуни Масъудий» китобини ёзис туттаганда газнавийларнинг сўнгти ҳокими, математика ва астрономияга ихлосманд Султон Масъуд унга бир фил кумуш танга жўнатади, лекин Беруний «бунга менинг эҳтиёжим йўқ» деб совғани қайтариб юборган.

Берунийнинг 152 та асар ёзгани, 1036 йилгача битилган китоблари рўйхатини шахсан ўзи тузгани бизга маълум. Афсуски, бу асарлардан 30 тасигина бизгача сакланиб қолган. Беруний Шарқ олимлари орасида дунёнинг энг муқаммал ҳаритасини чизган, 995 йили ер шарининг шаклини — глобусни ясаган. Бундан ташқари Беруний «Сайдана»нинг муқаддимасида «Вомиқ ва Узро», «Урмуздёр ва Мехриёр», «Бомиённинг икки санами», «Додмоҳ ва Кирмондўхт», «Нилуфар» сингари қисса ва достонларни, Унсурийнинг «Хингбут ва Сурхбут», «Шодбаҳр ва Айнулҳаёт» маснавийларини форсийдан араб тилига назм ва насрда таржима қилганлигини маҳсус қайд этган. Берунийнинг бизгача стиб келган аксар байтлари ҳасби ҳол (ўз дарди, кўнглини изҳор қилиш)ни эслатади⁴.

Беруний асарлари Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқлари илм-фанининг кейинги асрлардаги тараққиёти учун бир замин бўлиб хизмат қилди. Олимнинг асарлари ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маданий, амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Хусусан, «Ҳиндистон» асари ҳинд ҳалқининг қадимги маданияти, тарихи, тиббиётини ўрганишда ҳиндшунослар учун ҳамон ягона манба бўлиб келмоқда. Беруний ижодини ўрганиш ва асарларини ўзбек тилига таржима қилишда А. Қаюмов, А. Расулов, Б. Булгаков,

Л. Ирисов ва бошқа олимларнинг хизматлари бекиёслир.

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Жонли мавжудотнинг барчаси, шу жумладан, инсоннинг ўзи ҳам, табиий равишда пайдо бўлган ва у табиатнинг ривожланиши ҳамда ўзгаришининг натижаси ҳисобланади.

* * *

Киши кўнгли тартибли ва келишган нарсаларга мояил бўлади, тартибсиз нарсалардан нафратланади.

* * *

Нодонлик бедаво дарддир.

* * *

Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир.

* * *

Номуродларни камситма.

* * *

Билимсиз кишиларнинг кўнгли хурофотга мояил бўлади.

* * *

Елғончилик кишини адолатдан юз ўгиритиради.

* * *

Билиминг шундай нарсаки, у ялангоч бўлганингда ҳам ўзингда қолади, ҳаммомга кирсанг сув билан юваб бўлмайди. Билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир.

* * *

Ёмонликнинг шахбочлари кўп бўлса, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир.

Эртаю кеч душманга зарару дўстга фойда келтирган киши мардлар мардидир.

* * *

Ориятли йигит ўзини қурбон килишга хам бориб етади ёки зулмни даф килишга: кўни-кўшниларни, халқни муҳофаза килишга ўтади.

* * *

Тил сўзловчи истагини эшитувчига етказадиган таржимондир.

* * *

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради.
Яхшилик жамики одамларга яхшилик қилмоқдан иборатдир.

* * *

Ҳаким ва олимлар ахлоқидан таълим олиш яхши хулқни тиргизади, ёмон қилиқни ўлдиради.

* * *

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтиослар, ғам-ғусса бўлмайди.

* * *

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақллидир.

* * *

Хар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришидир.

ХАЛҚ ҚАҲРАМОНЛИГИ КУИЧИСИ

Тонг саҳарлаб Рустам севимли оти Раҳшга миниб оша чиқди. У бутазорлар оралаб борар экан, қўқкисдан усти ўт-ўланлар билан беркитилиб, ичига ханжарлар қадаб қўйилган чоҳга қулади... Дубулға ва ўқ-ёйи учиб кетди.

— Ҳа-ҳа, энди қалайсан, ахволинг шу экан-ку, — масхараомуз овоз эшитилди.

Рустам тепага каради. Чукурлик лабида ўгай укаси Шоғод тиржайиб турар эди.

— Э-э, сенмисан, ука яхшиям келиб колдинг, камонимни олиб бер, қарға-қузғун ўтса отаман, — деди Рустам ёлвориб

— Ўзи нима ахволда-ю, яна ов қилар эмиш, ма олақол, — хиринглади Шоғод Рустамга куролини узатаркан.

Ярадор Рустам охирги кучини йигиб Шоғодни мўлжалга олди ва ўқ узди. Ўқ номард уканинг кураги ос-Иидан тешиб чиқди.

Эртаси куни Рустамнинг Шоғод қазиб қўйган чоҳга қулақ ўлгани хабари бутун мамлакатга ёйилиб, халқ баҳодирнинг азасига тўпланди. Ватан бир неча кун мотам либосида бўлди. Ҳа, элнинг кўзидан нур, белидан кувват кетгандек эди. Бутун ёшлик шиҷоатини эл-юрт учун баҳшида этган халқ қаҳрамони Рустам мардона-вор жанг майдонида эмас, номард Шоғод макри туфайли халок бўлди.

Абулқосим Фирдавсий ана шундай халқ — Ватан учун фидойи юзлаб баҳодирлар образини яратган беназир санъаткордир. Фирдавсий 941 йили Эроннинг Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида ўртаҳол дехқон оиласида туғилган. Бўлажак шоирнинг отаси Тус ҳокимининг «Фирдавс», яъни «Жаннат» номли боғида боғбон бўлган. Фирдавсий аввал қишлоғидаги мактабда, сўнг Тус шаҳри мадрасаларида таҳсил олади. Отаси вафотидан сўнг боғбонлик килади ва тахаллус сифатида ўзига шу боғнинг номини танлайди. Фирдавсий ёшлигидан қадимги халқ афсоналари, қаҳрамонлик дос-гонларига қизиқади. Шарқ халқлари тарихини зўр қизиқиш билан ўрганади. Кўп шаҳар ва қишлоқларда бўлиб, меҳнаткашлар оғзидан кўхна ривоятларни ёзib олади. Ажойиб шоир сифатида элга танилади. У 1025 йили ўз ватанида вафот этади. Лекин руҳонийлар шоирнинг жасадини мусулмонлар мозорига қўйдирмайди-

лар. Уни ўз богига дағын этадилар. Чунки, Фирдавсий исломгача бўлган зардўштийлик-маздопарастилик дини тарафдори эди, халқ озодлик ҳаракатларини, адолатни кўллаб-кувватларди. Феодал ҳукмронлар, уларнинг яқин одамлари бўлмиш руҳонийларга бу ёқмас эди, албатта.

Х—ХII асрларда Урта Осиё халқларининг маданияти, илм-фани, бадиий адабиёти юксак даражага кўтарилиди. Форсий гурӯх шеваларида гапирадиган қабилалар биргалашиб, халқ сифатида шаклланди: уларнинг ягона тили — дарий тили вужудга келди; туркий лаҳжаларда гапирувчи элатлар ҳам бирлашиб, халқ сифатида шаклланди, эски туркий (ўзбек) адабий тили илм-фан, бадиий ижод воситасига айланди. Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Форобий сингари олимлар, Рудакий, Умар Хайём, Носир Ҳисрав, Фирдавсий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий каби шоирлар худди мана шу даврда етишиб, оламшумул обрў ва шуҳратга эга бўлдилар.

Халқ орасида ўтмиш аждодлар тарихига, қадимги афсоналар, ривоят ва достонларни қайта тўплашга қизиқиш кучаяди. Ана шу боболар меросига қизиқиш натижаси ўлароқ қадимги воқеаномалар, афсоналар тўпланиб, «Шоҳнома мансур» номи билан алоҳида китоб ҳолига келтирилади. Сомоний амирлар бухоролик шоир Дақиқийга бу насрий китоб асосида шеърий «Шоҳнома» ёзишни топширадилар. У минг байтдан иборат «Гуштасп» достонини ёзганда қули томонидан ўлдирилади. Энди бу ишни давом эттириш кўхна қиссалар донишманди Фирдавсийга топширилади. Фирдавсий 30—35 йил ишлаб «Шоҳнома»ни тугатади. Бу орада сомонийлар даштати кулаб, ҳокимият ғазнавийларга ўтган эди. Шоир асарни Султон Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этади. Ривоят қилишларича, Султон шоирга 120 дона олтин танга бермоқчи бўлади. Лекин жоҳил, инвогар вазири Аёз «сон-саноқсиз лашкарларга кийимкечак, озиқ-овқат лозим бўлиб турган бир пайтда оддий шоирга шунча олтин бериш ақлли кишининг иши эмас», дейди. Султон Маҳмуд шоирга 120 дона кумуш танга беради. Бундан ғазабланган Фирдавсий тўғри ҳаммомга боради. 60 тангани ҳаммомчига, 60 тангасини эса шаробфурушга бериб, Султон Маҳмудга қарши ҳажв ёзib бош олиб чиқиб кетади. Буни эшитган Султон шоирни тутиб фил оёклари остига ташлаб ўлдиришни буюради. Фирдавсий қувгинда юриб, қариб-қартайиб қолганида ўз кишлоғига қайтиб, вафот этади. Умуман,

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»ни Султон Маҳмудга тақдим этиши билан боғлиқ ярим ҳақиқат, ярим чин риностялар жуда кўп. Кейинги тадқиқотлар бу ижодкорлар ўртасидаги ғаразгўйликнинг натижаси, атайлаб уюш-шрилган ғаламуслик эканини тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам «Султон Маҳмуд ҳажвияси»ни Фирдавсий ёзганлиги ҳақиқатдан анча йироқ масала. Бу муаммо жиддий ўрганишни талаб қиласди.

Фирдавсий «Шоҳнома»си ҳажми, мавзуси, образла-ри, ғоявий мотивлари ва бадиий қиммати жиҳатидан дунёдаги энг катта эпик асардир. У юздан ортиқ достонлардан ташкил топган бўлиб, уларда мингдан зиёд бир-бирига ўхшамаган образ ва персонажлар тасвирланган. Бу асар мавзу ва ғоявий жиҳатдан ҳам энг зўр асар хисобланади. Чунки, шартли равишда мифологик, қаҳрамонлик, тарихий қисмлардан иборат бўлган «Шоҳнома»да Фирдавсий ватанпарварлик, ҳалқпарварлик, гинч-тотув яшаш, байналмилаллик, адолат, маърифат-парварлик каби юксак ғояларни илгари суради. Ўзаро конли урушлар, феодал ички можаролар, зулм-зўрликни, марказлашган давлатга футур етказишга каратилган исёнларни қоралаган шоир Маздак бошчилигидаги ҳалқ ҳаракатига ҳайриҳоҳлик билан қарайди: ислом ғазавотчилари бўлмиш араб ҳалифалигининг босқинчилигига қарши ҳалқ, ватанпарварлик курашини зўр меҳр билан тасвирлайди. Ҳалқ оддий темирчи Кова бошлигига қўзгалиб, икки елкасидан илон ўсиб чиқкан, инсониятга қирғин келтираётган Заҳҳокни қулатиб, унинг ўрнига одил Фаридунни шоҳликка кўтаради.

Ҳалқ қаҳрамони Рустам бутун умрини Ватан ва ҳалқни бало-казодан асраш, чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилишга сарфлайди. Ўз ҳаётини ҳавф остида қолдириб бўлса ҳам ҳалқни Яман сехргарлари ва Мозандарон девлари қўлидан халос этади. У бу йўлда етти даҳшатли тўсикни енгигб ўтади. Ёш баҳодир Бижон дўсти Гургиннинг хоинлигига қарамай арман ҳалқини оғатдан, тўнғизлар ҳужумидан қутқаради. Сиёвш ҳамиша адолат учун, турли ҳалқларнинг тинч яшashi учун курашади, қонли урушлар олдини ақл-заковат билан сулҳ йўли билан олишга интилади. Асардаги Золи Зар, Судоба, Сухроб, Гударз, Гев, Тус, Ҳожир, Гурдофарид, Ҳумой, Манижа сингари образлар ҳам ер юзида адолат тантанаси учун курашадилар. «Зол ва Судоба» ҳамда «Бижон ва Манижа» достонларида чинакам байналмилаллик ғоялари илгари сурилган.

Фирдавсий «Исфандиёр», «Шоғод», «Ўн икки муҳораба» достонларида, айникса, мамлакатнинг бутунлигига таҳдид солувчи, ўзаро уруш чиқариш учун баҳона изловчи шоҳлар, шаҳзода ва лашкарбошиларни қаттиқ қоралайди. Манманлик, мансабпарастлик, худбинлик, ношукурлик, қососкорлик ва фитнагарлик Исфандиёр ва Шоғод сингари шавкатли баҳодирларни бевақт ҳало-катга элтди. Буларнинг бебошлиги, калтафаҳмлиги юрт ва эл бошига кўп кулфатлар келтиради.

Абулқосим Фирдавсий феодал ўрта асли шароитида халқ қаҳрамонлигини улуғлади, ватанпарварлик ҳамда халклар бирдамлиги гоясини тарғиб этди: маърифат, ақл-заковатни жаҳолатга қарши қўйди. Арзимаган баҳоналар билан уруш чиқаришни коралаган шоир тинчликни олқишилади.

Фирдавсийнинг мангу барҳаёт «Шоҳнома»си узок ўтмишда аслида ҳам, таржимасида ҳам халқимиз орасида машхур ва манзур бўлган. У Шоҳ Ҳижрон, Хомуший (XVIII аср), Нурмуҳаммад Бухорий, Очилдимурод Мирий (XIX аср)лар томонидан назм ва насрда ўзбек-чалаштирилган. Бизнинг замонимизда «Шоҳнома» достонлари сюжети асосида «Захҳоки морон», «Сиёвуш», «Рустам ва Суҳроб» сингари саҳна асарлар яратилди, опера ёзилди. Шоирларимиздан Ҳамид Гулом, Назармат, Жуманиёз Жабборов, Шоислом Шомуҳамедовлар «Шоҳнома»нинг янги шеърий таржимасини яратдилар. Бундан ташқари ўзбек ва тоҷик тилларида баробар ижод этган шоир Васфий ҳам Фирдавсийнинг бир неча достонини ўзбек тилига асл вазнида ўғирган, лекин улар чоп этилмаган. Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол тоҷик ёзувчиси Сотим Улугзоданинг «Фирдавсий» романини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттириди; Р. Инъомхўжаев Сотим Улугзода насрый баёнини ўзбекчалаштириди.

ФИРДАВСИЙ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Ҳамиша ақлингни раҳнамо этгил,
Нолойиқ ишлардан олисга кетгил.

* * *

Мехнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,
Ганж топмас ҳеч кимса топмас эса ранж.

Хунар бирла ақлинг бириккан ҳамон,
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.

Қудратлидир кимки бўлса билимдон,
Билимдан кексалар дили навқирон.

Нодонликдан ёмонлик келади факат,
Нодонга ёндошма, босмасин ғафлат.

Икки дўст тураркан елкама-елка,
Тоғларни ҳам осон айлади тилка.

Кишига яхшилик қил. берма озор,
Қаросин юқтиради доимо қозон.

Тўғрилиқдан келмиш ҳамма яхши от,
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.

Ширин сўзли бўл, эй сен билимдон,
Тилинг совуқ сўзла булғатма осон.

«ОФАРИННОМА» МУАЛЛИФИ

Араб халифалиги хукмронлиги барҳам топиб, Хуро-
сону Мовароуннахрда маҳаллий Сомонийлар давлати
вужудга келгач, амиру умаро, вазиру вузаро она тили
ва ундаги адабиётни ривожлантиришга, аждодларнинг
қадимий қуттулғудум-анъаналарини қайта тиклашга аҳд
этадилар. Шу мақсадда шаҳару қишлоқлардан олиму
фозиллар, шоири ҳофизларни марказзга — Бухорога

йигиб, маҳаллий тилда ижод қилишга даъват этади, улар давлат ҳомийлигига олиниб, маънавий ва моддий жиҳатдан кўллаб турилади. Сарой доирасидаги ана шундай ижодкорлардан бири Абўшукур Балхийдир.

Шоирнинг таржимаи ҳоли, ижтимоий келиб чиқиши тўла маълум эмас. Эрон олимси Саид Нафисий, профессор Холиқ Мирзозодаларнинг аниқлашларича Абўшукур 915—16 йиллар орасида Балҳда туғилган, аввал хусусий муаллимда, сўнг мадрасада билим олган. Йигитлик айёмида Нух ибни Наср (943—954) саройидаги адабий доирага дохил бўлган, Муродий, Рудакийлар билан ҳамсұхбат бўлган. Буни шоирнинг ўзи айрим байтларида ҳам қайд этган. Унинг вафот этган йили ҳам номаълум.

Абўшукур Балхий истеъдодли лирик шоир ва достониавис бўлган. У лирик турнинг барча жанрларида шеърлар ёзган, ишқий, фалсафий мавзуларда тўртта достон битган. Аммо «Лубоб-ул-албоб» (Негизларнинг негизи) тазкирасининг муаллифи Авфий ҳамда устод Саид Нафисий таъкидлаганларидек бизга қадар ундан бир қанча қитъя ва рубоийлар, 947 йили ёзган «Офариннома» достонининг маълум қисмигина сақланиб қолган, холос.

Шоир ўз рубоий ва қитъаларида, маснавийларидаги лирик чекиниш ва қистирмаларда комил инсонни улуғлайди, унинг гўзалликка, ҳаётга, яшашга муҳаббатини куйлайди; лирик қаҳрамоннинг ишқ-севги хусусидаги нозик кечинмаларини нафис, ўйноқи байтларда тасвирлайди, юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, кибру ҳаво, танбаллигу судхўрликни, дилозорлигу таъмагирликни, жоҳиллигу аччиқзабонликни қаттиқ қоралайди:

Дўстнинг дийдорию донишманднинг сўзи,
Инсон қалбидан ғам-андуҳни аритади.
Кимда ким фойдаю манфаатни кўзлаб дўстлашса,
Шубҳасиз, уни ўзингга душман, деб бил.

«Офариннома»да шоир инсоннинг турмуш уринишлари, мавжуд ижтимоий тузум билан боғлиқ кўплаб сиёсий, маънавий, майший масалалар хусусида, ахлоқий-таълимий муаммолар борасида бир мутафаккир файласуф сифатида мушоҳада юритади, ибратли хулосалар чиқаради; ўзининг назарий мулоҳазаларини ҳаёт тажрибасидан, оғзаки ижоддан олинган мўъжаз ҳикоят-

тр билан исботлаб боради, панд насиҳатлар беради; адолатли ҳукмрон гоясини илгари суради. Хусусан, дос-гомнчнг хунар ва илм ўрганишнинг фойдаси, яхшилик иа хайру эҳсоннинг шарофати, адолатнинг нафию, зулм-пинг касофати тасвирига бағишланган бўлимлари катла гарбиявий аҳамиятга эга. Бу дунёга яхшилик уругипм сеп, ўзинг ўтиб кетсанг ҳам, номингни кишилар ихшилик билан зикр этишсин, дейди шоир.

Яхши ном билан ўлсам розиман, ризо,
Танам ўлимга, отим яхшиликкараво,
Зероки Хусрав демиши: «Яхши ном билан ўлмоқ бил,
Душманга таслим бўлиб яшашдан аъло».

* * *

Айтмишлар: тилдан чиқса сўз агар
Ўткирдир мисоли олмосу ханжар.
Сўз кулатажак минбару дорни,
Сухан инидан чиқарар илонни.

* * *

Кўнглингга сигмагач ўзгалар сири,
Дил сўзингни сақлар қай бир киши.
Ўттиз икки тишингдан чиққан сухан,
Ўттиз икки қулоғу дилга қўнмиш албат.
Оғиздан чиққан сўз, отилган ўқдир
Қайта ўз ўрнига тушмоғи йўқдир.

Ууман, Абушукур Балхий шеъриятидаги панд-насиҳат Ҳ аср адабиётидаги ахлоқий-таълимий йўналишда ўзига хос бир сахифаларни ташкил этади. Уларни тўплаб, батафсил тадкиқ этиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифаларидандир.

БИРИНЧИ СУЛТОН ЎҒИЛ ЖАЗОГА МАҲҚУМ

Низомулмулк лутф этибдур: нақл қилибдурларким кунлардан бир кун бир савдогар Султон Махмуд хузурига кириб, шахзода Маъсүд устидан шикоят қилибди: мен бир савдогар одамман. Кўпдан бери бу ерда сар-

сон қолиб кетдим. Ўзюртимга кетолмай юрибман. Чунки сизнинг ўғлингиз мендан 60 минг динорлик молимни харид қилди-ю аммо пулини бермаётир. Сиздан илтимос, орани очик қилиш учун амир Маъсъудни мен билан қозининг олдига юборсангиз.

Бу хабарни эшитган Султон Маҳмуд жуда хафа бўлибди ва ўғлига қуидаги мазмунда^нома йўллабди: савдогарнинг ҳақини дарҳол бергин. Йўқса, унинг олдига тушиб, шариат қозиси ҳузурига боргин, улар қандай хукм чиқарса, ўшани тутгин.

Шундан сўнг хабарчи Маъсъуд уйига, савдогар эса, қозихонага қараб йўл олишибди. Хизматкор шаҳзода хонадонига келиб, номани тутқазибди. Уни ўқиган Маъсъуд ҳангуманг бўлиб қолибди. У хизматкорни чорлаб дебди:

— Хазинани қарачи, қанча пул бор?

Хазинабон бориб, пулларни ҳисоблаб кўрибди ва қайтиб^к келиб дебди:

— Йигирма минг динор қолган экан.

— Ҳаммасини олгину савдогарга элтиб бер ва қолганини уч кундан сўнг олар экансан, дегин, — уқтирибди Маъсъуд. Ва хабарчига қараб дебди:

— Султонга бориб, йигирма мингини берибди ва қолган қарзини уч кунда узаркан дегин. Мен либосларимни кийган ва этигимни ечмаган ҳолда у кишининг фармонига тайёр турибман, нимани буюрсалар, шуни бажараман. Айтсинлар: қози мажлисига борайми ёки тижоратчи пулини топиб бериш пайдан бўлайми.

Хабарчи бу воқеани Султонга баён этибди.

— Савдогарнинг пулини тўла бермагунча, кўзимга кўринмасин! — дебди ғазаб билан Султон. Буни эшитган Маъсъуд тўрт томонга одам юбориб, дўстларидан қарз олиб, аср намозигача савдогарнинг 60 минг динорини элтиб берибди. Бу воқеа бутун оламга ёйилибди: Султоннинг адолатпешалигини эшитган Чину Хитой, Хўтану Миср ва Адану Басрадан Ғазнага қараб савдогарлар оқиб кела бошлабди. Шаҳар бозорлари ажойибу гаройиб матоларга тўлиб кетибди.

Шунинг учун ҳам у замонда оддий фаррошдан тортиб, амалдорларгача Исфаҳон амирию Ҳурросон раиси шоҳ фармонидан бўйин товлашмас экан.

Қизиқ, «Сиёсатнома», «Чаҳор мақола» (XI аср) «Жоме-ул-ҳикоёт» «Лубоб-ул-албоб» (XIII аср) «Гулзор», «Мифтоҳул адл» (XVI аср), «Жоме-ул ҳикоёти туркий» (XVII аср) ва бошқа ўнлаб тўплам ҳамда солномалар.

тарихий китоблар таркибида келтирилган хикоятларда Султон Маҳмуд адолатли, фуқаропарвар, тадбиркор, сермулоҳаза ва келажакни кўра биладиган, ҳар кандай мурраккаб муаммоларни ақл билан одилона ҳал этишга интиладиган шоҳ сифатида тасвирланади. Абу Саид Гардизий «Зайн-ал-ахбор»да Мовароуннахрнинг ҳалқка жабр-зулм ўтказган ҳокимларини Султон Маҳмуд адолатга ундангани хусусида кўплаб далиллар келтирган. Айрим илмий, тарихий асарларида, бизнинг замонамиизда ғазнавийлар тарихига бағишланган барча хилдаги асарларда эса «Султон Маҳмуд золим, жоҳил», «ашаддий ғазавотчи», «қотилу ботил», «фосик», «маърифат кушандаси» қабилидаги гаплар билан чалпиб, булгаб бир ёклама баҳоланганди. Нега энди сарчашмаларда бир фикру, улар асосида ёзилган китобларда унинг тескариси. Ана шу «нега?» кўпдан бери бизнинг фикризни банд килиб келарди. Шу боис, Султон Маҳмуд шажараси, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишга киришдик ва мавжуд китоблару тадқиқотларни, нашрий ва дастхат манбаларни кўздан кечириб чиқдик.

ТЕМИР ИНТИЗОМ

Асли сотиб олинган кул бўлган Сабуктегин Сомонийлар лашкарида кўплаб жасорат, мардлиги, қаҳрамонликлари туфайли оддий аскардан бош қўмондон даражасига етади. 977 йилнинг мартада Ғазна нойиби этиб сайланади. Унинг ноиблиги даврида Ғазна вилоятига Буст, Заминдовар, Кусдар, Бомиён, бутун Тоҳристон ва Ўр вилоятлари кўшиб олинади. Ҳинд рожаси Жаяпал сўнг эса Кошгар хукмдори Бўғроҳон қўшинларини тор-мор келтириб, ўз давлати мустақиллигини тиклайди. Бутун Ҳурсонда ички низоларга барҳам беради. Муаррих Абулфазл Байҳақий Сабуктегинни оқил, одил ва фозил хукмдор эди, деб таърифлайди. 994 йили Хоразмшоҳ Абу Али Маъмун (992—997) қўшинларини тор-мор келтиргани учун Сабуктегин ха-лифадан Носируддавла вад-дин унвонини олади.

Абул Фазл Байҳақийнинг ёзиича, Сабуктегиннинг отасини Қора бажкам дейишган. Оти эса Жук бўлган. Туркий тилда Қора Бажкам — Қора Ҳўқиз дегани. Бутун Туркистонда у ўзининг баҳодирлиги ва жасорати билан шуҳрат топган Сабуктегин 20 йил хукм сурди ва 56 ёшида 996 йил ёзида Балх яқинида вафот этди...

Отаси вафоти хабарини эшитгач Хуросон пойтахти Нишопур волийиси Маҳмуд Балх ва Ғазна волийиси Исмоилга таъзиянома юбориб, ўзига бўйсунишни талаб килади. Укаси кўнмайди. Шунда Маҳмуд Ҳиротга жўнайди. Бу ерда амакиси Қарочоқ (Буғроҷӯқ)нинг Исмоилга ён берганлигини билиб, Бўстга ўтади. Маҳмуднинг яна бир укаси Наср Бўст ҳокими эди. У билан бирга Ғазнага юради. Ғазна яқинида Исмоил билан жанг бўлади. Исмоил енгилади. Исмоилни тутиб Жузжон зиндонига ташлайди. У шу ерда вафот этади. Исмоилнинг онаси Алтегиннинг қизи эди. Маҳсуднинг онаси эса Зобил (Қандахор) раисининг қизи эди. Бу даврда 20 ёшда эди. Ҳалифа Қодир номини Хутбага қўшиб ўқитгани учун халифа унга Хуросон тожи, Яминнуддовла ва амид унмилла лақабини тақдим этади. Қорахонийлар хони Насрнинг қизига уйланади.

Аслида катта ўғил Маҳмуд таҳт вориси бўлиши лозим бўлса-да, аммо Сабуктегин беморлик пайтида ўғли Исмоилни валияҳд этиб тайинлайди. Унинг хукмронлиги 7 ой давом этади, холос. Табиатан бетадбир, узокни кўра билмайдиган, одамларни қовуштириб, бир ишни уddaрай олмайдиган, мутакаббир, ландавур Исмоил вилоят ҳокимларининг исёну хуружига бардош беролмайди. Бундан фойдаланган Маҳмуд катта қўшин билан Ғазнага бостириб киради ва таҳтни эгаллайди. Ҳалифалик ҳам уни марказий ҳокимият бошлиғи сифатида тан олади, инъом-эҳсон жўнатади ва номига хутба ўқитилади. Бу эса Маҳмуднинг обрўсини ошириб, ғайратига-гайрат қўшади, тарафдорлари кун сайин ортиб бораверади. Натижада у жанг ҳаракатларини кучайтириб, Саистон вилояти ва унинг атрофидаги ерларни ҳам қўлга киритади.

Сабуктегин давридаги келишувга кўра Ғазнавийлар билан Қорахонийлар давлати оралиғидаги чегара чизиги Самарқанд яқинидаги Қатвен чўли чегара қилиб белгиланади. Аммо қорахонийлар битимни бир неча марта бузуб келадилар. Султон Маҳмуд Ҳинд юришида эди. Қорахонийлар Илигхони Хуросонни ҳам ўз ерларига қўшиб олиш мақсадида Субоши тегин бошчилигида ўн минг суворийни жўнатди. Субоши тегин Жайхундан ўтиб Балх ва Термизни ва ноҳияларини босиб олди. Бу ҳақдаги хабар Султон Маҳмудга етганда у Мўлтон шаҳрини ва катга ғаниматни қўлга киритган эди. Султон Маҳмуд ҳеч қаерга тўхтамасдан Марвга етиб келди ва амирлари Олтунбош ва Арслон Жозиб

бошчилигига Субошига қарши қўшин жўнатди. Бу қўшин Марв чўлини кесиб ўтиб, қазойи осмонийдек Субоши қўшинларига ташландилар. Уларнинг кўпи кириб ташланди. Қолганлари минг мاشаққатлар билан кутулиб қолди. Бу ваҳшатли хабарни Илигхон эшишиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Туркистоннинг ҳамма бурчакларидан қўшин тўплашга киришди. Унинг акаси, Кошғар хони Арслонхон уни бу йўлдан қайта-ришга уринди: «Маҳмуд иқтидорли ва бахти чопган султон, бехуда уринма», — деди. 998 йили икки ўртада жанг бўлди. Илигхон енгилиб, бор-бунидан ажралди. Иккинчи бор қўшин тўплаш унга муяссар бўлмади. Натижада бу жанг Хурросоннинг ҳаммасини, Чагониён ва Ҳутталиён вилоятларини узил-кесил қўлга киритиши билан тугалланади. Маҳмуд Ғазнавий оз фурсатда яшин тезлигига ҳаракат қиласиган улкан лашкарга эга бўлади. Унинг хукмронлиги даврида оддий дарвозабондан тортиб вилоят ҳокимигача, саисхона хизматкоридан тортиб бош қўмондонгача фармони олийга сўзсиз итоат этадиган, подшоҳнинг ҳар қандай кўрсатмаси факат итоат этилиши ва бажарилиши шартлиги бир эътиқодга айланган эди. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Ғазнавий қисқа муддат ичида Мовароуннаҳрдаги ягона мухолифи Қораҳонийларни забун этди; Самарқанддан тортиб Исфаҳону Райгача бўлган ерларни забт этиб, улкан бир империяни ташкил қилди. Унинг бу юришларини халифалик қўллаб-куватлаб турди. Шунинг учун у Ҳиндистонга қилган 13 юришини ислом шуҳратини ошириш, бу минтақаларга ҳам ана шу динни тарқатиш шиори остида ўтказди. Унинг лашкарида маҳсус, «ғазавотчи» қўшинлар мавжуд бўлган. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳаммаси давлат ҳисобидан старли миқдорда маош билан таъминланган. Султон Маҳмуд давлат идора ҳайъатида ҳам, вилоят ҳокимлари девонидаю қўшин саркардалари орасида ҳам қаттиқ интизом орқасидан жиддий назорат ўрнатган; маҳаллий ҳокимларнинг ички ва ташқи ахволидан маълумот етказиб гурувчи маҳсус маҳкамам тузган; унинг лашкарида 700 дан 1300 гача жанговар ҳамда ҳарбий ногора ортилган филлар, қўргонларни қуршаб олганда тош, нефть қуйилган идишлар отадиган манжаниқлар дарёларни кечиб ўтиш учун сузуви чўприклар, маҳсус паромлари бўлган; Чистон ва Марвда бир корхона паром ҳамда осма чўприклар учун алоҳида палма пўстлоги ва ипакдан аркон ишлаб чиқарган. Султон қўшинининг асосий

қисмини ҳарбий хунарлар ўргатилган қуллар ташкил этган. Бундан ташқари сарғанглар таркибида маҳсус дурадгорлар, темирчи ва қуролсозлар, айгоқчи-айёрлар гурухи бўлган. Хуллас, Султон Маҳмуд энг замонавий куроллар билан мусаллаҳ этилган, 32 ҳарбий хунар ўргатилган, юксак жанговар руҳдаги юз минглаб суворий ва пиёда лашкарга эга эди. У ҳар бир жанг олдидан аскарнинг тайёргарлигини шахсан ўзи кўрикдан ўтказарди. Масалан, Ҳиндистоннинг Нанда қалъасига ҳужум олдидан 50 минг суворий, 300 фил, 30 минг пиёда бир неча минг «оташбарон»ларни назардан ўтказади.

Бизга маълумки, Хоразм воҳаси халқи ҳамиша мустақилликка интилиб, ҳукмронлари «хоразмшоҳ» унвонини сакдаб келган. Маҳмуд Ғазнавий ҳокимиятининг дастлабки йилларида хоразмшоҳлар билан куда-андачиликни йўлга қўяди. Маъмун ўлдирилгач, «уларни қорахонийлар тажовузидан ҳимоя қилиш» баҳонаси билан Хоразмни ҳам ўз давлатига қўшиб олади ва «Маъмун академия»сини Ғазнага кўчиради. Маҳмуддинг назаридаги мамлакат аҳолиси асосан икки гурухга лашкар ва оддий халққа бўлинади. Бошқа тоифалар ана шу икки гурухтаркибига киради.

Ҳар қандай юртгирлик, марказлашган ягона давлатни тузишга интилиш қирғинсиз, турли ўлкалар ва халқларни талашсиз юзага келмайди. Метиндек интизом, қаттиққўллик ва даҳшатли қўрқитув сиёсатига асосланган Маҳмуд Ғазнавий юришлари ҳам кўп халқларга кулфат келтириди. Ғазна ва Марв шаҳарларини обод қилиш учун турли ўлкалардан қўплаб бойликлар келтирилди, юзлаб хунармандлар, усталар, қуллар ҳайдаб келинди. Масалан, Ҳиндистонга қилган 1019 йилги юриши пайтида қўплаб қимматбаҳо тошлар, олтин, кумуш ва бошқа металлардан ясалган бутлар, 350 фил, 57 минг қулларни келтирган, ўлжага олинган бойликларнинг сон-саноги бўлмаган. Биргина Пешовар ҳокими Жаяпалнинг бўйнидаги тақинчоқ 180 минг динорлик бўлган.

Абу Саид Гардизий «Хабарлар зийнати» китобида Ҳиндистоннинг Матхура вилоятининг Султон Маҳмуд томонидан забт этилиши баёнida қуидагиларни ёzáди:

«... У ердан амир Маҳмуд ҳиндларнинг пайғамбари Кришна туғилган Матхура қўрғонига қараб юрди. Оллоҳ охиратини обод қилгур Маҳмуд Матхурага келганда ҳеч ким унга қарши жангта чиқмади. Амир ўз қў-

шинига бу мулкка ҳужум қилишни буюрди. Барча ёдгорликлар бузиб ташланди, горат қилинди, бутлар парчалаб юборилди, сон-саноқсиз бойликлар таланди. Амир Маҳмуд бу вилоят хазиналаридан шунч&чик қўп ўлжа олдиким, ҳеч ким унинг саноғига етолмади. У оғирлиги тўрт юз эллик мисқол келадиган яхонтни қўлга киритди. Ҳали инсоният тарихида ҳеч ким бунчалик улкан рангли тошни кўрмаган. Бу ердаги кумуш ва олтин бутлар ҳам хисобсиз эди. Худо раҳмат қилгур Маҳмуд бир олтин бутни майдалаб тортишни буюрди. Тортиб кўришса, 98 минг 300 мисқол чиқибди». (Абу Саид Гардизий, «Зайн-ал-ахбор», Т., «Фан», 1991, 98—99-бетлар).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Султон Маҳмуд баъзан урушдан кўра сулҳни маъқул кўрган. Гардизий асарида бунга кўпгина мисоллар мавжуд. «Амир Маҳмуд у ердан Калонжар вилоятига ўтиб, Нанда кўргонини куршади... Қалъани ҳалқа сингари қисиб, бутун йўлларни тўсиб кўйган улкан кўшинни кўрган Нанда сулҳ йўлини тутиб, элчилар жўнатди. Музокаралар натижасида Нанда жузя тўлайдиган ва 300 та сара филлардан юборадиган бўлди. Нанда ўша заҳотиёқ кўргондан уч юз филни хайдаб чиқазишни буюрди. Маҳмуднинг фармонига кўра кўшиндаги турклар ва бошқа аскарлар филларни ўртага олиб, тутишди. Ҳиндлар уларнинг жасоратига қойил қолишиди». (Ўша асар, 101-бет).

Султон Маҳмуд баъзан ўта кўнгилчан, одамларга меҳрибон, инсон қадрига етадиган амирлардан бўлган экан. Гардизийнинг ёзишича, Нанда Маҳмудга шеър — васф ёзади. Султон уни форс ва араб тилларига таржима қилдириб, замонасининг улкан шоирларига кўрсатади. Улар шеърни юксак баҳолайдилар. Султон Нандага кўп инъом жўнатади. Султон Маҳмуд Мовароуннахрда бўлганида 4 минг хонадон туркман сарҳанглар ўз бошликларидан шикоят қилиб, Хурросонга ўтиб яшашга рухсат сўрайди. У бунга рози бўлади. Келажакда ана шулар унинг авлодларини қон қақшатади.

Манбаларнинг хабар беришича Фазна атрофида куллар манзилгоҳлари курилган экан. Ана шу тўпланган сонсиз бойликлар, текин ишчилару усталарни Фазна шаҳрини қайта куриш ва обод этишига, Балх яқинидаги машҳур қароргоҳини ривожлантиришга сарфлаган, сафарбар этган. Кўхна китоблардаги маълумотларга карамонда Маҳмуд Ғазнавий урушдан бўш вақтларида асосий эътиборни пойтатхни ривожлантиришга, карвон-

слройллр, млсжид ва мадрасалар қуришга қаратган. Жумдлдли, унинг бевосита назорати остида қурилган 1лшлпиш Жомеъ масжиди ва машҳур Султон мадрасаси Ҳинду Хуросоннинг энг нозиктабъ мөймурлари томонидан, минглаб қуллар меҳнати эвазига қурилди. Уларга ишлатилган қимматбаҳо ёғочлар, тошу оқ мармарлар юзлаб фарсаҳ ерлардан қўлда тайёрлаб, ташиб келтирилган.

Бундан ташқари Ғазнада улкан маданий марказ, минглаб нодир китоблар сақланадиган китобхона қурилади. Нишопур, Балх ва Рай сингари шаҳарларда кўплаб масжид, мадрасалар бунёд этилади. Масалан, Нишопурда Ҳожа Абуали Ҳасан, «Саидия» сингари бир неча мадраса қад кўтарди; Султон Маҳмуднинг ўғли Муҳаммад ўз тасарруфидаги Гургон вилоятида Жомеъ масжиди, мадраса қурдиради, ариқ чиқаздиради. Бу ҳақда шоир Фаррухий бир қасидасида куйидагиларни ёзган:

Дар диёри Гузгонон андар ин ақди қариб,
Чор чизи номвар кард аз пай музду савоб;
Масжиди одинаву олийманори маймуна,
Садди руди судёбу чўи оби кавсароб.

(Бу хушбахт замонда Гургон диёрида савоб учун тўрт улуғ ишни амалга оширди; бири Жомеъ масжиди, иккинчиси баҳт минораси, учинчиси улкан девор ва тўртинчиси зилол сувли анҳор).

Айрим бинолар бир неча йиллар давомида қурилган. Жумладан, Султон Маҳмуднинг чизгиси асосида тикланган «Кўшки Ғазнин» тўрт йилда қуриб битказилган; шу йиллар Эрону Хурсон, Мовароуннаҳрдаги кўхна марказий шаҳарларда адабий, маданий ҳаёт нисбатан сустлашиб, Ғазна асосий адабий доира маскани бўлиб қолади.

Бу даврда Ғазна Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланади. Шунингдек, Маҳмуд Ҳиндистоннинг ўзи вайрон қилган, талаган шаҳарларида, бутхоналар ўрнида ҳашаматли масжидлар, хонақоҳлар ҳамда мадрасалар қурдирган, ерли аҳолига ислом қоидаларини ўргатиш учун юзлаб мударрис ва муаллимларни сафарбар этган. «Маҳмуд ўз даврининг билимдон кишиларидан эди. У уч тилни, жумладан, араб тилини мукаммал биларди. Султон Маҳмуд қонли жанглардан бўш вақтларида тавсир яратган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, унинг илми бадеъни билмаслиги асло мумкин

эмас». (Е. Э. Бертельс, История литературм и культурун Ирана, М., «Наука», 1988, 203-бет). Султон Маҳмуд Газнавий 1030 йили узокдавом этган касалликдан сўнг вафот этади.

ОЛТИННИ ДЎСТ ТУТМА

Низомулмулк келтирибдур: эшитишимча кунлардан бир кун Газна нонпазлари ишламай, нонвойхоналарнинг эшигини беркитиб қўйибдилар. Бундан бева-бечоралар, хусусан, қаландарлар азият тортибдилар. Улар гўпланишиб, Султон Маҳмуд даргоҳига шикоятга келибдилар. Султоннинг фармонига кўра нонвойлар сардорини тутиб келиб, филнинг оёклари остига ташлаб ўлдиришибди. Унинг мурдасини фил тишларига боғлаб-осилтириб шаҳарни айлантиришибди ва «кимдаким нонвойхонасини очиб нон сотмаса, бошига шу кун тушади» деб жар солишибди.

Аср намози вақтига келганда барча нонвойхоналар очилиб, пештахталарида нонлар тахлаб қўйилибди.

Келтирибдурларким, Султон Маҳмуд ғозий бадбашара, чўтири, чўкка бурун, бўйни узун, кўса бир киши эди; доим шароб ичиб юришига қарамай, ранги сапсарик эди. Раҳматли отаси Сабуктегин оламдан ўтгандан сўнг у подшолик тахтига ўтириб, Ҳиндистонни ҳам ўзига тобеъ қилди.

Кунлардан бир кун Султон намози бомдод пайти ўзининг хос хужрасида жойнамоз устида ўтирганида вазири Шамсулмукофот Аҳмади Ҳасан кириб келди. Унга бош қимирлатиб, «ўтири» деган ишора қилди. У Маҳмуднинг ёнида ўтирди. Намоздан фориг бўлган Султон чопонини кийиб, кулохини бошига қўйиб, этигини кийгач, ойнага қаради ва башарасини кўриб, мийифида кулди.

— Хозир дилимдан нима ўтганини биласанми? —
қўққисдан сўради Маҳмуд.

— Уни худонинг ўзи билади, — жавоб берди Ҳасан.

— Халқ менинг башарамга қараб хурмат қилмаў қолади, деб кўрқаман. Авом одатда хушчехра, очиқ юзли подшоларни яхши кўради. Нима қилсан бўлар экан-а?! — гапини давом эттириди Султон.

— Сен олтин, бойликни ўзингга душман тутсанг, ундан кўлингни йифсанг, халқ сени севади, — таъкидлади Ҳасан.

Вазирнинг гапи Маҳмудга хуш ёқди ва деди:

— Шу бир сўзнинг остида минг хил маъно ётибди.

Шундан сўнг Маҳмуд халққа таом улашиш ва хайротлар беришга қўл узатди ва халқ уни севиб қолди. Натижада у улкан ишларни уддалади, ҳисобсиз бойликлар қўлига кириб келаверди. У Суманотга бориб, у ерни кашиф этди. Самарқандни мусаххар этди ва Йроққа юз тутиб, зафар қучди. Кунлардан бир кун Маҳмуд Ҳасанга деди:

— Мен зардан қўл йиққаним учун икки жаҳон илкимга кирди, дунёни хор тутган эдим, икки жаҳонда азиз бўлдим.

Унга қадар «султон» калимаси бўлмаган. Ислом оламида ўзини «Султон» эълон қилган биринчи подшоҳ Маҳмуд эди.

Машҳур тарихчи Мирхонд «Равзат-ус-сафо» асарида ёзибдур: Айтишларича, Султон Маҳмуд ўлимдан икки кун олдин хизматкорларига хазинасидаги кумуш дирамлар тўлдирилган қопларни, олтин динор тўла халталару ранг-баранг ноёб рангли тошлар сақланган қутичаларни ҳамда бисотидаги барча қимматбаҳо нарсаларни — шоҳлиги давомида тўплаган бойликларни келтириб, рўпарасидаги майдончага ёйишни буюрибди. Хизматкорлар шундай қилишибди. Бу майдонча бир пасда қизил, сарик, савсар, пушти ва бошқа хил гуллар билан безанган гулзордек жилваланибди. Султон уларга афсус ва надоматлар билан боқибди ва хўнграб йиғлаб юборибди. Узоқ йигидан сўнг уларни йиғиб, хазинага элтиб қўйишни буюрибди. Аммо шунча бойликтан бирон кишига бир мири ҳам бердирмабди».

Халқ ҳикоят ва ривоятларида Султон Маҳмуд бу даражада одил ва халқпарвар этиб тавсифлансаю тарихий китобларда ўта зиқна, мол-дунёга ҳирс қўйган шахс этиб тасвирланса. Ажабланарлиси шундаки, халқ яратган асарларнинг биронтасида Султон Маҳмуд Фазнавий бадном қилинмайди. Ёки ҳикоятлар маҳсус ровийлар томонидан тўқилиб, халқ орасида тарқатилдими?! Агар шундай бўлса, Низомулмулк ва Кайковус, Низомий Арўзий Самарқандийдек адолатли, маърифатли зотлар бундай ҳикоятларни пандномаларида ибрат на-мунаси сифатида келтирган бўларди. Афтидан, Султон Маҳмуднинг исломпаноҳлик шиори остида олиб борган урушлари, улардаги узлуксиз зафарлар, хадсиз ўлжалар эвазига шаҳарларни обод қилишга интилиши, олиму фозилларни ўз атрофига жамлаш йўлидаги ово-

*алар унинг шахсини халқ орасида идеаллаштириб юборган кўринади. Ўттиз йилдан зиёд давр орасида шаҳаншоҳлик таҳтида ўтириши ҳам унинг халқ назидаги обрусига шуҳрат кўшган. Гардизий Султон Маҳмуднинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдан айрим ҳокимлар устидан шикоят қилиб келган халқнинг додига қулоқ согланини ҳам алоҳида ёзиб қолдирган. Натижада у оддий меҳнаткаш назарида юртнинг пушту панохи, адолатсизлик олдини тўсадиган саддек бўлиб кўринган ва номи оғиздан-оғизга ўтиб, тилларда достон бўлиб, халқ оғзаки ижоди образларидан бирига айланди. Бундан ташкари халқ қаттиқўл подшони ёқтиради. Зеро-ки, осойишталик ва интизом учун метиндеқ қонун шарт.

МЕЗОН - ХОЛИСЛИК

Низомулмулк ёзибдур: Султон Маҳмуднинг шундай одати бор эрди: у ўз лашкарини туркийлардан, хурсонлигу хиндлардан, гўрию дайламилардан саралаб тузарди ва алоҳида бир даста тузиб, тун бўйи уларни назоратда тутарди. Шунинг учун лашкарлар бир-биридан ва сокчилардан ҳадиссираб ўринларидан қимирамас, ҳамиша зийрак, жасорат кўрсатишга тайёр туришарди. Улар бир-бирининг устидан «фалоний жангда бўшанглик қилди» деган гап тарқалишидан қўркишарди. Шу боис Султон Маҳмуд лашкарининг бари жасур, шижаотли ва номдор эдилар. Улар кўлига курол олгач, душманга шикаст етказмасдан орқага қайтишини хаёлига келтиришмасди. Султон лашкари хужумга ўтиб душман устидан зафар қозонгач, шундай даҳшатли кирғин бўлардики, муҳолифнинг минг отлиқ йигити, буларнинг юз отлиғ лашкарига юзланолмай қоларди. Натижада чор атрофидаги юртлар бу подшоҳдан қўркишар ва унга қарши бош кўтаришга юраги дов бермасди.

Демак Султон Маҳмуд лашкар танлаш, жангларда улардан қандай фойдаланиш, назорат ва интизом, ҳарбий бурчга садоқат, муҳораба сиёсати масалаларида ҳам ўзига хос йўл ҳамда усуулларни қўллаган. Масалан, баъзан муҳолиф томон лашкари орасида ваҳима қўзгаш учун 300 маст филга юкланган ногораларни чалдириб, қайқириғу қийқириқ билан жанг бошлаган; оташ ва ўқ отувчиларни олд қўшинга жойлаб, хужумга ўтган. Биз бу ерда Султон Маҳмуднинг 13 йил давомида Ҳиндинсонда мағлубиятсиз уруш олиб. бориб, кўп ерларни забт

этиб, обод шаҳарларни вайрон этгани, маданий обидаларни нест-нобуд қилгани, мусулмонлаштириш сиёсатини олиб боргани, у туфайли кўхна ҳинд ерига ислом маърифати кириб боргани ёки Султоннинг маҳрами Аёз билан муносабати, унинг чақимчилиги туфайлик кўп олиму фузало, аркони давлатнинг ёстиғи куригани ва бошқа масалаларни тадқик этмоқчи эмасмиз. Фақат Султон Маҳмуд ўта жоҳил, конхўр, бекорга қирғин қилувчи, ишратбоз, шаробхўр бўлганда бу даражада шухрат қозонмаган, тилларда достон бўлмасди, демоқчимиз. Ўзингиз ўйлаб кўринг, фақат гайриинсоний хислатга эга шахс шунча улкан империяни тузга оларми? 30 йилдан зиёд вақт давомида уни темир интизом билан бошқара оларми? Нима учун фақат ислом аҳкомларига суюниб иш кўрган биринчи Султон биргина пойтахт — Ғазнада 408 (Давлатшоҳ Самарқандий) шоир ва олимларни давлат ҳомийлигига асрари? Асли туркйнажод бўла туруб, форсий тил ва ундаги маданияту адабиётни ривожлантиришга бу қадар эътибор беришининг боиси нимада? Ўзига ҳамду сано ўқитиш учунми?! Йўқ. Бизнингча у маънавиятнинг жамият тараққиётида, салтанат қурдатида тутган ўрнини тўғри тушунган, маданият, илм-фан, бадиий адабиёт давлатнинг шонига шуҳрат кўшажагини англаган, ҳис этган. Ўтмишда «фалон амир» ёки «фалон подшо саройида мунча шоиру олим бор» дейишининг ўзи ўша давлатнинг шавкатини кўрсатган. Қолаверса, у чор атрофда маънавият ҳомийси сифатида донг таратган. Ҳатто Султон Маҳмуд турли шаҳар ва ўлкаларга киши юбориб, шоиру олимларга пул, инъом-эҳсонлар бериб, уларни ўз пойтахтига даъват этар, жалб қиласар экан. Шунинг учун ҳам у ва ўғли Масъуд даврида маданий, адабий ҳаёт бошқа жойларга нисбатан бу ерда равнақ топади. Ўнсурий, Фаррухий, Манучехрий, Асжадий, Маншурый, Уторидий, Масъуди Розий, Лабибий, Зийнатий, Масрур сингари ўнлаб соҳибевон санъаткорлар ижоди ғазнавийларнинг сулолаласи даврида авж чўққисига кўтарилди. Айниқса, бу сулола замонида қасида ва маснавий адабий доирада етакчи жанрларга айланади; форсий тилда энг кўп қасида шу даврда яратилади, наср жанр сифатида тўла шаклланади.

Шу ўринда Фирдавсий ва Султон Маҳмуд ўртасидаги можарога ҳам ўз муносабатимизни билдириб ўтишни лозим кўрамиз. Зероки, бу масала ҳамон холис баҳосини, ёнимини олмай келмоқда. Маҳмуд Ғазнавий

илм-фан, адабиёт ва санъатга жиддий эътибор берган. Беруний атрофида ўнлаб олимлар ишлагани, буюк олим Ҳиндистон юришларида ҳамроҳ бўлиб, 13 йил давомида қадимги хиндларнинг тили, маданияти, илм-фани, адабиёти, урф-одатлари, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, тарихи, жуғрофияси, тоғларию дарёларини ўргангани маълум. Ҳусусан, шаҳзода Масъуд даврида Берунийга катта ижодий шароит туғилган. Унсурий сарой доирасидаги олиму адилларга садор бўлган. Маҳмуднинг вазири даражасидаги обрўга эга бўлган атоқли шоирга пойтактдаги адабий ва илмий доирага доҳил бўлиш орзусида юрган ҳар бир ижодкорни имтиҳон қилиш вазифаси топширилган. Унсурийнинг синовидан ўтиб, унинг фатвосини олган қалам соҳибгина Ғазна маънавий муҳитига қабул қилинган.

Маълумки, Ҳурросону Мовароуннахрда араб ҳали-фалигининг 200 йиллик ҳукмронлиги тугаб, ҳокимият маҳаллий феодаллар кўлига ўтиб, Сомонийлар давлати вужудга келгач, амиру зодагонлар қадимги аждодлар анъанасини қайта тиклашга интилиб, дарий (форсий) тилни давлат тили деб эълон қиласидар ва олиму адилларни шу тилда ижод қилишга даъват этадилар. Улар энг қадимги афсоналар, ривояту тарихий далилларни тўплаб, бир китоб ҳолига келтиришга киришадилар. Натижада «Шоҳномаи мансур» номли бир ёднома вужудга келади. Бухоро амирлари ана шу китобни назмда қайта яратишни шоир Дақиқийга топширадилар. У «Гуштасп ва Аржасп» достонини ёзиб бўлгач, бир базмда қули томонидан ўлдирилади. Шундан сўнг бу муҳим вазифа туслик шоир Абулқосим Фирдавсийга (941 — 1024) топширилади. Фирдавсий, «Авесто», қадимги ёдномалар ва бошқа китобларни ўрганиб чиқади. Нишопур, Марв, Сиистон, Балх, Бухоро, Чоч ва бошқа юртларни кезиб чиқиб, баҳши, равий, нақиллардан кўхна ривоятларни, қаҳрамонлик достонлари мазмундорларини, тарихий шахслар ҳакидаги ҳикоятларни ёзиб олиб, «Шоҳнома» ёзиш билан жиддий шуғулланади.

Натижада, Абулқосим Фирдавсий 35 йил меҳнат килиб, 200 йиллик Ажам тарихини шеърда тирилтириб, «Шоҳнома»дек дунёда энг катта достонлар мажмуасини Ғазнага келтирганда Унсурий ҳам икки достон ва бир девон муаллифи эди. Бу асар лашкарининг ҳамиша жанговар руҳда бўлишини, доим олдинга — ғалабага интилиш тактикасини кўллаган Маҳмудга шубҳасиз маъқул бўларди. Зероки, Ғазна адабий доирасида кў-

шинни жасорат, шижиоат, мардлик ва матонатга ундовчи сара жангномалар ҳали яратилмаган эди. Бундан ташқари, Фирдавсий Асжадий, Фаррухий ва Унсурийларни даҳанаки мушоирада ўзига тан бердиради. Ана шуларни ҳисобга олиб, ўз обрўсининг пасайишидан кўркиб, «маликушшуаро» Унсурий Султон Маҳмуд хузурида «Шоҳнома»нинг қадрини пастга уради, бир қишлоқи шоирнинг мамдуҳи назарига тушиб қолишига баҳиллик қиласи. Шундай улкан асарни ўқиб чиқишига эса, Султон Маҳмуднинг вакти йўқ эди. Бу эса буюк шоир иззат-нафсига тегади. Домла Е. Э. Бертельснинг Султон Маҳмуд «Шоҳнома»ни қадрсизлантиришни ўзи уюштирган. Чунки, у ўзини Рустами Достон ўрнида кўришни истарди, деган гапларига кўшилиб бўлмайди. Зероки, анча зукко, шеърият қадрини биладиган ва тушунадиган шаҳаншоҳнинг бундай қилиши мантиққа зиддир. Бунинг устига бу даврда Султон Маҳмуд аллақачон шуҳрат чўққисига эришганди. Фирдавсийнинг «Султон Маҳмуд ҳақидаги ҳажвияси» масаласига келсақ, бу ҳам ниҳоятда чигат ва жумбоқ муаммо. Чунки, ҳажвиянинг бу қадар тез ёзилиши ва ўша куниёқ Султонга бориб тегиши ақлга сифмайдиган ҳодиса. Бу ғаламуслик ва атайлаб тўқилган фитна маҳсули бўлиши керак. Анварий ҳали Балхга етиб келмасданоқ, унинг номидан шаҳар ҳалқини масҳараловчи ҳажвий шеър ёзилиб тарқатилиши, Ҳоконий Шервоний Ҳаж сафаридан қайтиб, дўстлари ва болаларини кўриб улгурмасданоқ, унинг имзоси билан Исфаҳон ҳақида ҳажвий қасида ёзилиб, бир неча нусхада у ерга юборилишини эслайлик. Буларнинг бари у ёки бу адабий доирадаги ижодкорларнинг бир-бирини кўра олмаслиги, туғма истеъодод соҳиблари билан ўртамиёна ижодкорлар орасидаги зиддият, ижодий рақобат ва маънавий ғаламуслик оқибатидир. Мазкур масала, у билан боғлиқ бўлган ҳикояту ривоятларнинг асл мөҳияти узоқ ва жиддий тадқиқот олиб боришни тақозо этади.

Охир-оқибатдаги ниятимиз шуки, биз келажакда Султон Маҳмуд Ғазнавий фаолиятини холис ўрганишимиз, унинг жаҳонгирлик йўлидаги жангларию ҳалқ бошига солган кулфатларини ҳам, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳалклари ҳарбий хунарларини ривожлантиришдаги ўрнини ҳам, илм-фан, маданият, адабиёт, шаҳарларни кайта куришга ҳомийлигини ҳам бирдай ўрганиб, ҳалқка бор бўй-басти билан кўрсатиб бериши-

миз зарур. Токи авлодларимизнинг бу бекиёс тарихий шахс ҳақидаги тасаввури бир ёқлама бўлиб қолмасин.

ҲАЙРАТАНГЕЗ ИСТЕДОД

Газнавийлар сулоласи даври адабий мухитнинг йирик вакилларидан бири Абдулҳасан Али ибн Чулуг Фаррухийдир. У 980 иили ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Сиистон вилоятида камбағал оиласда дунёга келади. Бўлажак шоир ўз шаҳрида ўқиган, хусусий муаллимлардан мусика ва илми бадеъдан дарс олган; йирик заминдор-дехқон қўлида ишлаган. Абдулҳасан 12—14 яшарлигидан ёки серзавқ шоир, хушловоз хонандаю салиқали чангнавоз сифатида шуҳрат қозонади.

Маълумки, ўтмишда аксарият истеъдод соҳиблари илмий, маданий марказларга интилиб, у ёки бу ҳукмрон даргоҳи билан боғлиқ бўлган адабий мухитга киришга, ўзларига ҳомий топишга ҳаракат этишган. Ёш Фаррухий ҳам ўзига пушту паноҳ излаб Ҷағониёнга келади ва амир хизматкори Амид Асъадга учраб, бир қасида билан ўз истеъдодини намойиш этади. Асъад ёш йигит қобилиятига шубҳа билан қараб, ҳоким Абдулмузаффар табиатнинг сўлим гўшаси — дала қароргоҳи — Доғгоҳида дам олаётганини айтади. Шунда фавқулодда салоҳият соҳиби Фаррухий қўйидаги байтлар билан бошланадиган машхур «Доғгоҳ» қасидасини ёзади:

Чун паранди нилгун бар рўй пўшад марғзор,
Парниёни хафтранг андар сар орад кўҳсор.
Хокро чун нофи оҳу мушк зояд бекиёс,
Бедро чун парри тўти барг рўяд бешумор.
Дўш вакти субҳидам бўй баҳор овард бод,
Ҳаббазо, боди шамолу хуррамо бўй баҳор.

(Яйловлар нилий ҳарирдан либос кийган, тоғлар боши камалак рангли гилам ёпинган, оҳунинг кўкраги тупроққа мушк баҳш этган. Толда эса тўти қанотлари сингари барглар қайнаб чикқан. Субҳидам чоғи баҳор ели димогимга хуш ҳид келтирди. Эй баҳор насими, оромбахш ҳид таратишини тарк этма).

Хизматкор шеърни ўқийди-да шоирни тўғри амир боғига бошлаб боради. Илм-адаб аҳлини эъзозлаб, ўзи ҳам баъзан ғазаллар ёзиб юрадиган Абдулмузаффар Фаррухийни хуш қабул қилади ва қасидани юксак баҳолаб,

муаллифга шоҳона чапон, от ва пул инъом этади. Фаррухий бир йил давомида саройда ишлайди. Бу ҳол унинг ижодий камолотига сезиларли таъсир этади. Низомий Арўзий Самарқандий «Чаҳор мақола» (ХII аср) китобида бу ҳақда маҳсус ҳикоя келтирган.

Марказлашган давлат Султон Махмуд қўлида мустаҳкамлангач Фаррухий Ғазнага келади ва сарой адабий доирасига дохил бўлади. Машхур шарқшунос Е. Э. Бертельс ёзишича Фаррухий Ҷағониёнда бир йил тургач, Султон Маҳмуднинг биродари, Ҳуросон ҳокими Абўякуб Юсуф хизматига ўтади. Адабиётшуносликка доир асалар ҳамда тарихий манбалар муаллифлари Фаррухийни чинакам мадхғўй, сарой вассофи сифатида тилга оладилар. Шоир таржеъбандларининг барчаси девонга кирмай, турли тазкира ва қўллэзма баёзларда пароканда қолиб кетган. Фаррухий ижодини тадқиқ этиш ва оммалаштиришда профессорлар Р. Ҳодизода, А. Абдуллаев ҳамда доцент М. Муллааҳмадовларнинг хизматлари катта. Аммо шоир девони бизда ҳали мукаммал нашр этилмаган.

Ҳақиқатда ҳам юзаки қаралса, Фаррухий Султон Махмуд ва ғазнавий амалдорларни мадҳ этувчи қасидалар муаллифидек туюлади. Зероки, у аксарият қасидаларини султон ва унинг зодагонларига бағишилаган ва улардан мурувват қўрган. Аммо шоир асаларини синчилкаб ўрганилса, улар тематика, жанр, гоявий йўналиш, хусусан, бадиийлик нуқтаи назаридан ўзига хос бир янгилик эканини сезиб олиш мумкин. Чунки, шоир ўз қасидаларида бир томондан, ҳукмрон табақаларни мақтайди, уларда мавжуд бўлган ва бўлмаган сифатларни атайлаб бўрттириб санаб, энг одил, раиятпарвар, тадбиркор, жасоратли ҳукмдорлар, деб таърифлайди, яъни мамдухларини ўзи орзу қилган тафаккурида тажассум этган давлатдор даражасида бўлишини умид қиласди, шунга даъват этади. Демак қасидаларнинг қўпида инсондўстлик, ҳаётсеварлик, ватанпарварлик гоялари ҳам ўз аксини топган.

Иккинчидан, Фаррухий чинакам табиат ошиғи, она юрти Сиистон ва Ғазнанинг шайдоси. Шунинг учун ҳам шоир девонида юздан ортиқ баҳор, наврўзи олам, олтин куз, кофур киш тасвирига бағишиланган қасидалар мавжуд. «Доғтоҳ»дан тортиб деярли барча қасидаларида табиатнинг бетакрор, турли-туман кўринишиларию жозиб лавҳалари факат Фаррухийга хос образлиликда тасвириланган, тазод, ташбех, иғроқ, ғулу, тарсеъ,

галмех сингари шеърий ҳамда лафзий санъатлардан; ўнлаб ҳалқ иборалари, мақол ва ҳикматли сўзлардан юятда усталик билан фойдаланган. Ҳар бир баҳория характеридаги қасида табиат гўшасининг бир парчасини китобхон кўз ўнгида намоён этади. Шоир манзара гасвирида кўпинча муайян жой-юрт, шаҳар, боғ кўришини, Сиистон, Фазна, Балх, Гургоннинг беатқорор баҳорининг сержило файзини чизишга интилади, китобхоннинг она заминга меҳрини оширади. «Марҳабо эй Бомиён Баҳори, марҳабо! Нўшод дарасидан келдингми ёки Навбаҳор боғидан чикцингми, хуш келибсан Балхнинг сўлим навбаҳори, баҳор Балхдан бошланганлиги учун ўзгача гўзалдир» каби фикрлар билан бошланади «уммул билод» — шаҳарлар онаси Балх тасвирига бағищланган бир қасида. Барча тадқиқотчилар Шарқ мадҳ қасидасининг энг таъсирчан қасида-марсия ҳақида гапирганда «Султон Маҳмуд мотами» қасидасини тилга оладилар. Ҳақиқатдан ҳам бу қасидаларнинг бирида табиат гўзаллиги кўтаринки руҳда тасвирланса, иккинчисида, faznaviyllar xonadoni, сарой аъёнлари бошига тушган мусибатнинг мунгли оҳанглари назм риштасига тортилган.

Фаррухий қасидаларини нашр ва тадқиқ этган олимлар бу асарларда табиатга, ватанга меҳр уфуриб туришини айтиб, улар шу санъаткоргагина хос-саҳлу мумтанеъ (осону номумкин) усулида яратилганлигини уқтиришади. Ҳар бир қасидада мавзу, образ, ғоя, қофия, бадиий унсурлар мутлақо янги.

Шу билан бирга шоир қасидалари катта маданий тарихий аҳамиятга ҳам эга. Чунки, бир қанча қасидаларида муаллиф турли йилларда Ҳиндистон, Хурросон, Мовароуннаҳр сингари минтақаларда рўй берган воқеадарни тасвирлайди, саналарни хронологик тарзда беради; шу ўлкалар ҳалклари касб-корига доир кўплаб қизиқарли далилларни келтиради. Барча faznaviy hukmronlari ning safariyu zaفارلарида ҳамроҳ бўлган шоир ўз қасидаларида тарихий ҳақиқатни ёзган. Фаррухий XI аср форсий шеъриятида кўп қасида ёзган санъакорлардан бири ҳисобланади. Унинг қасидалари сюжет ва композицияси нуқтаи назаридан мутлақо ўзига хосдир. Баҳор васфидаги қасиданинг муқаддима байтларига эътибор беринг:

Яке ҳуфта дар паанд, яке ҳуфта дар ҳарир,
Яке раста аз нуҳуфт, яке часта аз ҳисор,

Зи булбул суруди хуш, зи сулсул навои нағз,
Зи сари ҳадиси хуб, зи қумри хурӯши зор.
Яке бар канори гул, яке дар миёни бод,
Яке зери шохи сарв, яке бар сари чанор.

«...Бири тош қабигида ётарди, яна бири ҳарирга бурканиб ухларди, бири масти уйкудан турди, бошқа бири эса улкан кўргон бўготидан чиқди. Булбулнинг хушнаво нағмаси, сулсулнинг эса хуш оҳанглари. Какку, яхши ҳадис айтади, қумри эса нафис хониш этар, бири гул бағрида, ул бири эса мажнунтол қуршовида. Бири сарв тубидаю бошқа бири чинор шохидаги мастона куйлади.»

Қасиданинг насибу гурезгоҳи ҳам, муқаддимову хотимаси ҳам баҳор келишида бошланган табиат кўрки, хушилхон кушлар базми таърифига бағишиланган. У ўқувчи қалбида Наврӯзи оламга нисбатан рағбат, шукуҳли оламга муҳаббат уйғотади.

Фаррухийнинг ғазал ва рубойлари ҳам айрича тароват, оҳангга эга. Уларда шоир ишқ мавзусини хосса бир услубда тасвирлаган. Ёр мижгонларию қоши, оташин яноғиу, исонафас гуфтори, жонбахш лаъли, мушкин сочию сарву тубини шарманда қиласидаган алифдек қомати нафис чизилади; ошиқ учун висол нашъаси қанчалик тотли бўлса, айрилик дарди, ҳижрон азоби ҳам шу қадар руҳафзодир:

Сиёқчашмак меҳри ту ғамғусори ман аст,
Бар рўзгори ҳазон рўй ту баҳори ман аст.
Дилам шикори сиёҳчашмакони туvu равост
Аз онки ду лаби ширини ту шикори ман аст.

(Қоракўзлигим сенинг меҳринг менга ғамғусордир, ҳаётим ҳазонрезгисида сенинг юзинг баҳоримдир. Менниг қалбим сенинг ҷарос кўзларингни овлашга интилса, раводир, зероки истагим икки ширин лаъли лабинга эришмоқдир).

Баъзи тадқиқотчилар Фаррухийни жонли ҳалқ тили билан адабий тилни бир-бирига яқинлаштирган санъаткор сифатида алоҳида эъзозлайдилар. Чунки шоир асарларида оддий ҳалқ орасида, турли шеваларда қўлланиладиган кўплаб сўз, ибора, ном, гиёҳ, ўсимликлар, паррандалару набототга доир атамаларни моҳирлик билан қўллаб, она-тили лексик қатламига олиб кирган. Демак Фаррухий хушваз хонандаю нозиктабъ машшоқ,

чинакам табиат ва гўзаллик вассофи-санъаткор, ғазнавийлар даври адабий-маданий ҳаётининг забардаст арбоби сифатида ҳамиша ардоққа лойиқдир.

ҒАЗНАВИЙЛАР МАЛИКУШШУАРОСИ

Султон Маҳмуд (978—1030) Исломий Сомонийдан сўнг мамлакатни тадбиркорлик ва қаттиқўллик билан бошқарган хокимлардан хисобланади. Унинг даврида ғазнавийлар давлати равнақтотди. Ички ва ташки савдо, хунармандчилик, маданий ҳаёт тез ривожланди. Иктиносидий жиҳатдан курдати кучайган давлатнинг обрўси ошди, ислом дини жанубий Ҳиндистонгача ёйилди. Кўпроқ юргирлик билан банд бўлган Султон Маҳмуд мамлакат ҳудудида илм-фан, маданият ва адабиёт ривожига ҳомийлик қилиш, эътибор беришга ҳам вақт топди. Муҳаммад Авфий (ХІІІ аср), Давлатшоҳ Самарқандий (XVI аср) сингари тазкиранавислар ғазнавийлар саройи доирасида 400 дан зиёд шоир жамлангани ва «мамлакат ҳудудидаги барча ижодкорларга Унсурий Маликушшуаро эканлигини» алоҳида таъкидлашган. Бу суолола ҳукумронлиги даврида Эрону Хуросон ва Мовароуннахрдаги қадимий марказий шаҳарларга нисбатан Ғазна гуркираб ривожланади, ягона маданий, илмий, адабий марказга айланади.

Абулқосим Ҳасан бинни Аҳмад Унсурий 970—980 йиллар орасида Балх шаҳрида тугилган; унинг болалик ва ўқиши йиллари Хуросоннинг энг гўзал ва гавжум шаҳарларидан бўлган она шаҳрида ўтган. У ибтидоий маълумотни ҳамда мадраса таҳсилини Балхда олган. Давлатшоҳ Самарқандий ва Низомий Арўзий Самарқандийлар Унсурийни «замонасидағи барча илм-фанда камолот касб этди» деб ёзиб колдиришган.

Шундан сўнг у Султон Маҳмуднинг укаси амир Наср Сабуктегин даргоҳида хизмат қиласи. Амир Наср вафотидан кейин эса шоир Ғазнага келиб, Маҳмуд саройидаги адабий муҳитга дохил бўлади. У ўз қасидалари ва зуккотаблиги билан султонга маъкул тушади. Натижада шоир унинг «Маликушшуаролик» унвонига эга бўлиб, Маҳмуд Ғазнавийнинг барча юришлари-ю базму тарабларида ҳамроҳ бўлади. Унсурийнинг обрўси кундан-кунга ошиб боради. У Султон Маҳмуд мамлакати ижодкорларининг сардори даражасига стиб, «бир надимдек» (Давлатшоҳ Самарқандий) обрў ва таъсирга

эга бўлади. Шунинг учун ҳам у кўп оғир ва ғамгин ҳолларида лутф ёки донишмандона айтилган байтлар билан Султоннинг табъини хуш этиб, инъом-эҳсонларга сазовор бўлади. Унсурий Фазнадаги энг бой кишилардан ҳисобланаркан. Унинг 4000 кўйи, 400 туяси, сон-саноқсиз мулки, зару кумушлари бўлган экан. Бу хақца тазкиралар, кўхна сарчашмаларда кўп ҳикоятлар мавжуд. Накл қилишларича кунлардан бир кун кечаси Султон Унсурийни чақириб келишга одам юборибди, Унсурий шундай жавоб берибди: «Султонга бориб айтинглар, биз у киши давлати баҳти соясида соғар ичмоқдамиз, гонг саҳарлаб ҳузурларида ҳозир бўлурмиз». Хизматкорлар бу хабарни Султонга еткизишган экан, у «гиламга солиб кўтариб келинглар» дебди. Тўрт киши бориб шоирни бир гиламга ўтиргизиб, тўрт бурчагидан кўтариб келтиришибди. Султон хушёр экан. У Унсурийни синаб кўрмокчи бўлиб олдига борибди ва сўрабди:

— Мен кимман?

Унсурий дарҳол бадеха тарзида қуидаги байтларни ўқибди:

Ту он шоқе, ки андар Ғарбу Шарқ,
Чуҳуду тарсову габру мусулмон.
Ҳамегўянд дар тасбеху таҳлил,
Илоҳр, оқибат Маҳмуд гардон.

(Сен шундай бир шоҳсанки Ғарбу Шарқда жуҳуд ҳам, габру тарсо ва мусулмонлар ҳам сажда ва тасбех, ўгириш пайтида, эй худо, Маҳмудни ўзинг аспа, деб дуо қилишади).

Бу сухан Султонга фоятда хуш ёқибди ва шоирнинг оғзини гавҳарга тўлдирибди. (Кўхна Шарқ подшоларида энг эъзозли кишиларни оғзига гавҳар тўлдириб, ардоклаш одати бўлган).

Ушбу ҳикоя, бир томондан, Унсурийнинг Маҳмуд Фазнавий салтанатида накадар обрў ва мартабага эга эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, шоирнинг жуда катта фавқулодда истеъдод соҳиби эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. У фоят хушёр, заковатли, ҳозиржавоб бўлган; илмий мажлисларда замонасининг анчайин алломалари унинг нозикбинлигига тан беришган. Бундан ташқари Унсурийнинг шахсияти, Яқуб Юсуфи ибни Сабуктегин билан муносабати ҳақида ҳам бир қанча ҳикоят ва ривоятлар мавжуд. Уларнинг

айримлари Абулфазл Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» китобида ҳам турли муносабатлар билан келтирилган. Унсурий 1039—40 йиллар орасида Ғазнада вафот этган.

Унсурий ўз даври адабий ҳаётида расм бўлган жанрларнинг барчасида мумтоз асарлар яратган. Аммо бизга қадар унинг кичик ҳажмдаги бир шеърлар девони, уч достонигина етиб келган, холос. Ризокулихон Ҳидоят, Е. Э. Бертельс ва А. Абдуллаев каби шарқшуносларнинг таъкидлашларича, бизгача етиб келган асарлар Унсурий меросининг учдан бир қисми ҳам эмас экан. Мухаммад Авфий «Унсурий сохибдевон устод эди» деса, Давлатшоҳ Самарқандий «унинг девони яқин ўттиз минг байтдан иборатдир» сингари аниқ фикрларни баён этган. Бизга қадар сакланиб қолган ихчам девонидан қасида, рубои, қитъа ва ғазаллар жой олган. Низомий Арўзий Унсурий қасидалари «мадҳиянинг энг олий на-мунасиdir» деб баҳо берган.

Ҳақиқатда ҳам шоир қасидалари бу жанрнинг барча талабларига жавоб беради, улар мазкур шеърий кўриниш инкишофида янги бир босқич ҳисобланади. Зероки, Унсурий қасидаларида, бир томондан, табиатнинг ранго-ранг кўринишлари нафис бир тарзда, бетакрор ҳолатларда тасвирланса, иккинчи томондан, уларда турли тарихий воқеалар, айрим мухим саналарнинг, халқудумларнинг моҳияти ҳаққоний тарзда ўз ифодасини топган. Масалан, энг қадимги мифлар, «Авесто» ҳамда «Шоҳнома»даги маълумотларга кўра ҳалқнинг исломгacha бўлган расмий байрами Мехржон, Сада каби байрамлари Жамшид ва Фаридунлар даврида расм бўлган. Унсурий бир қасидасида ана шу ҳалқ ийди тарихи, уни ўтказиш русумларини батафсил тасвирлаб, Маҳмуд Ғазнавий замонида ҳам бу куттуғ анъанага, хусусан, хосил байрами Мехрjonга эътиқод кучли эканлигини жўшкин тасвирлаган. Бошқа қасидасида эса шоир Наврӯзни «дехқонлар байрами» деб атаган. Маълумки, Унсурий Султоннингбарча юришларида, зафарларида рикобдор сингари ҳамроҳ, ҳамнафас бўлган. Шунинг учун ҳам шоир йигирмадан зиёд қасидасида бевосита ўзи шоҳид бўлган тарихий воқеаларни юксак кўтаринки руҳда акс эттирган. Улар ажойиб шеърий лавҳалар бўлиш билан бирга, у ёки бу тарихий воқеа ҳақида аниқ тасаввур хосил килишга ёрдам беради.

Машхур шарқшунос Е. Э. Бертельс шоир қасидаларини таҳлил қилас экан, Унсурийнинг 162 байтдан

иборат бир қасидасида Султон Махмуднинг Хуросону Мовароуннахрда 998 йилдан 1014 йилгача олиб борган жанглари тадрижан тасвирланганлигига эътибор қартиб, бу шеър шоир ижодий биографиясини, Ғазнавийлар салтанатида тутган мавқенини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этган. Чунки, уларда шоир ҳам, Султон Махмуд ва унинг лашкарлари юртгирлик жараёнида кўрсатган мардлик, жасорат ҳам, забт этилган ўлкаларнинг тарихи, ҳалқ урф-одати, маданияти, табиати манзаралари ҳам аллақандай бир кўтаринки руҳда тасвирланган, жанглар, воқеалар ривожи айнан ҳаққоний акс топган. Унсурий қасидаларида баҳория характеристидаги тасвирларнинг кўплаб учраши ҳам унинг турли ўлкалар табиати жозибасидан олган таассуротларининг бир инъикосидир. Шоир лирикасида табиат, Наврӯзи олам тасвирининг ранго-ранг кўринишларининг кўзга ташланиши ҳам унинг чинакам табиат ошиғи эканлигини кўрсатади.

Унсурий девонидаги қитъя, рубоий, ғазалларда (ғазал бир нечтагина холос) севги мавзуси ўзига хос бир тарзда нозик тасвирланган. Шоир арузнинг енгилроқ баҳрларида ижод қилган. Ғазалнинг аксаияти 5—6 байтдан иборатdir. «Ўтажак», «Очилибдур», «Нега?», «Ойсан», «Пинҳондур» радифли ғазалларда гўзалликда беҳамто маъшуқа чиройининг бир жиҳати: мушк ҳидини таратадиган тим қора сочи, ойдек юзи, жонбахш лаби, тўбию сарвни шарманда этадиган алифдек қомати тасвири берилиб, китобхонга олам-олам завқ, фараҳ бахш этади. Унсурий ғазалларида мавзу яхлитлиги, фикрнинг тадрижий такомилда, якпораликда берилиши хийла устундир.

Рубоий ва қитъаларида шоир мўтлако бетакрор санъатларни, сўз ва ибораларни кўллаб, тўрт ёки олти мисрада яхлит, лўнда фикрларни ифодалашга эришади; камёб сўз ўйинларини кўллаб, табиий ички оҳанг ҳосил қиласди. Масалан, бир рубоийсида Унсурий изтиробда нола чекаётган ёр дийдасидан оқаётган қон ёшларини ёрнинг гулгун юзидан ошиқ кўз ёшларининг ранг олгани натижасидир, деб тасвирласа, қуйидаги тўртликда эса ўзгача манзара яратган:

Гуфтам: санамо, дилам туро чўён аст,
Гуфто: ки лабам дарди туро дармон аст.
Гуфтам: ки ҳамеша аз манат ҳичрон аст?
Гуфто: ки парён аз одамиён пинҳон аст.

Дедим: эй санам, дилим сани қидирмоқда.
Деди: лабларим дардингга дармондир.
Дедим: қачонгача мени хижронда саклайсан?
Деди: парилар одамзоддан пинхондир.

Унсурий Шарқ адабиётида ажойиб достоннавис си-фатида ҳам ном қозонган. Унинг «Шодбаҳр ва Айнулаёт», «Хингбут ва Сурхбут», «Вомиқ ва Узро» сингари достонлар битгани Низомий Арўзий, Муҳаммад Ав-фий, Абутоҳир Тартусий, Давлатшоҳ Самарқандийлар юмонидан зикр этилган. Бу уч маснавий Махмуд Фаз-павийга бевосита тақдим этилгани сабабли ўша давр-даёқ «Хизонаи Яминуддавла» («Махмуд хазинаси») но-ми билан шуҳрат топган. Шунинг учун ҳам Эрон оли-ми Забиҳулло Сафонинг маълумотига кўра «Хингбут ва Сурхбут» ҳамда «Шодбаҳр ва Айнулаёт»ни Беруний араб тилига таржима қилган экан. Бу икки достон ҳалқ оғзаки ижоди сюжетлари асосида яратилган бўлиб, «Вомиқ ва Узро»нинг мазмуни қадимги юонон афсонала-рига бориб тақалади. Афсуски, Гуз хукмдорларидан Алоуддин Ҳусайн Жаҳонсўз томонидан Газнага ўт қўйилгандан бошқа нодир ёдгорликлар қатори Унсурий асарларининг дастхатлари ҳам куйиб кул бўлган.

Накл килишларича юонон амалдорларидан бири Фу-лукротнинг Узро номли қизи бўлган экан. Фулукрот-нингбошқа шаҳарда Макзитус номли қариндоши бўлиб, унинг яккаю ягона ўғли Вомиқ ёшлигидан онадан етим қолибди. Ўгай онаси болани кўп қийнаб отасига чакиб, ёмон кўрсатиб қўйибди. Оғир ахволда қолган Вомиқ уйидан бош олиб чиқиб кетибди. Кўп сарсон-саргардон-ликлардан сўнг Вомиқ Фулукротнинг юртига келиб, тасодифан Узрони кўриб, икки ёш орасида ишқ пайдо бўлибди. Аслида ақлли, чакқон Узро 32 ҳарбий хунарни эгаллаб, ўз даврининг энг зўр баҳодири ва чавандози дараражасига етган экан. Икки ёш бошларидан кўп воқеа-ларни ўтказишибди, йўлларида учраган ёвуз кучларни, тажовузчиларни мардонавор енгиб, охир-окибатда му-роду мақсадларига етибдилар. Достон китобхонни садо-қатли, вафодор, ҳалолу пок, мақсад йўлида жонфидо бўлишга, ҳамиша инсонларга яхшилик қилишга инти-лишга ўргатади, хушёrlикка даъват этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Унсурий шеъриятининг характерли хусусиятларидан бири улар-даги ахлоқий-таълимий, маърифий хислатларнинг бўр-тиб туришидир. Агар шоир шеърларида мақолларни

кўп кўлласа, маснавийларида бевосита дидактик лавҳаларни учратамиз. Уларда юксак даражадаги ахлоқийтаълимий фикрлар ўз ифодасини топган.

Феъли олуда гавҳар олояд,
Аз хуми сирка сирка полояд.
(Бадфъель киши қўлида гавҳар булғанади,
Сиркали хумдан сирка олинажак).
Ҳар киро роҳбар заған бошад,
Манзили ў ба марғзин бошад.
(Кимнинг феъли олақарғага ўхшаса,
Қўниш жойи гўнгтепа бўлади).

Унсурий ўз асарларида ранг-баранг тасвирий воситалардан усталик билан фойдаланган санъаткордир, у ташбех, жами тақсим, истиора, таносиб, тардиакс, талмех, такрор, тавсиф, тажнис, ифрок, ирсолу масал, лаф ва нашр каби лафзий ва шеърий санъатларни кўп ва турли-туман қўринишларда ишлатадиким, улар фақат шу шоир услугига хосдир. У баъзан бир ғазалда бир неча санъатдан истифода этишнинг юксак намунасини яратган. Тадриж санъати ғоятда мукаммал қўлланилган бир қасидасида Унсурий қўйидаги байт билан бошлигандиган гўзал «тавсиф» яратилган:

Паризоде, парирӯе, паричехре, парипайкар,
Дилороме, дилорое, ғаманжоме, ғамафзое.

Хулоса килиб айтганда, Унсурий XI аср форсий тилдаги шеъриятни, хусусан, қасида жанрини санъаткорлик жиҳатдан ғоятда бойитган шоирдир. У ўз маснавийларида ҳам, ғазал ва қасидаларида ҳам давр ижодкорларида учрамайдиган сўз сехрини каашф этгани билан алоҳида ажralиб туради. Унсурий асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамон галдаги вазифа бўлиб қолмоқда.

ТИББИЁТ БОБОКАЛОНИ

Шайхур раис — донишмандлар устози номи билан шуҳрат қозонгтан табиб, шоир, қомусий билим эгаси Абу Али Ҳусайн ибни Абдуллоҳ ибни Ҳасан ибни Сино 980 йили Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилади. Отаси Абдулло асли Балхлик бўлиб, Сомо-

ний хукмдорлар маҳкамасида хизматчи бўлган, онаси Ситора эса афшоналиқ эди. Ибн Сино 5 ёшга киргач, болани ўқитиш учун оила Бухорога кўчиб боради. Аввал чусусий муаллимдан — Абу Абдулло Нотилий ва Исмоил Зоҳидлардан мантиқ асосларини, риёзиёт, фалса-(>а, фикҳ-диншуносликни мукаммал ўрганади, кейин мадрасада таълим олган Ибн Сино ўткир зехни, фавқу-юдда қобилияти билан алоҳида ажralиб туради. У кунт билан мустақил мутолаага берилади.

Ибн Сино ўз кўли билан ёзган таржимаи ҳолида илм ўрганиш борасида чеккан захматларини қуидаги-ча баён этади:

«Кейин яна бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг барча қисмларини қайтадан ўқиб чиқдим. Ўша кезларда мен кечалари кам ухлаб, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шугулланмас эдим... Агар бир оз уйқуга кетсам тушимда ҳам ўнгимдаги ўша масалаларни кўрардим, кўп масалалар ечими тушимда аён бўларди. Ана шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллаб олдим ва улардан инсон имконияти даражасида хабардор бўлдим.

Бир куни шоҳдан (Бухоро амири Нуҳ ибни Мансурдан) кутубхонасига киришга ва у ердаги тибга оид китобларни мутолаа қилишга руҳсат сўрадим. Шоҳ менга руҳсат берди. Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб кўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб китоблари, шеърлари, бошқасида фикҳшуносликка доир асарлар турарди. Шу тартибда ҳар бир хонада бир фанга оид китоблар тўпланган эди. Кейин биздан олдин ўтган китоблар рўйхатини ўқиб чиқдим ва ундан керакларини талаб қилдим. У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик уларнинг ҳатто номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Бу китобларни ўзим ҳам аввал кўрмаган эдим, бундан кейин ҳам учратмадим. Ўша китобларни ўқиб, улардан баҳраманд бўлдим».

Ўн учинчи асрнинг бошларида минг сандиқ китоб сақтанган ана шу қироатхона, ҳар бири ўн мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган Ўтрор ва Марв кутубхоналарини мўғул босқинчилари ёкиб, кулини кўкка со-вурган.

Ибн Сино мустақил мутолаа билан шугулланиб, математикани, астрономияни, физикани, араб ва форс тилларини пухта билиб олади. Машхур табиб Абу Ман-

сур Қамарийдан илми тибни ўрганади. Ўн етти яшарлигига Ибн Сино атоқли олим ва табиб сифатида донг чиқаради. Қўшниси Абулҳасан Арузтога турли билимларни ўргатишга ёрдам берадиган «ал-Мажмӯъ» («Тўплам») рисоласини, Абу Бакр Баракийга йигирма жилд келадиган «Саховат ва жиноят ҳақида китоб» қўлланмаларини ёзиб беради. Бухоро амири Нух ибни Мансурнинг ошқозон касалини даволашга муваффақ бўлади. Афсуски, юқоридаги китобларнинг дастхати ўша одамлар қўлида қолиб, йўқолиб кетган ёки ҳали топилмаган.

Ибн Сино аввал Урганчга, кейин Афғонистон ва Эронга ўтиб кетишига мажбур бўлди. У Гургон, Рай шаҳарларига боради, бир оз вакт Ҳамадон ҳокими Абутохирга вазир бўлади. У ердан Исфаҳонга ўтиб 1023 йили «Китоб-ун-нажот», «Ишора ватанбиҳлар», «Донишнома» сингари асарларини ёзади. Ўн етти ёшида Ибн Сино мактуб орқали Беруний билан табиатходисалари хусусида мунозара қилган; даврнинг Абусаҳли Масеҳий, Абунасири Ироқ, Абулҳайри Ҳаммор сингари машҳур олимлари сұхбатида бўлган. Ушбу далиллар ҳам Ибн Синонинг фавқулодда истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатади. Умринингоҳиригача саргардонликда юриб, 1037 йили Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Унинг қабри устига ўн икки кирра устунли мақбара ўрнатилган.

Ибн Сино умрининг кўп қисмини дарбадарликда ўтказганига қарамай, муттасил ижод қилди. Дориворлар тайёрлаш, юрак касаллиги, жарроҳлик каби тиббиёт масалатарига, мантиқ, фалсафа, мусиқа, адабиёт-шунослик, тил билими, табииёт, астрономия ва бошқа соҳаларга доир 400 дан зиёд асар ёзди. Ибн Синонинг йигирма жилдан иборат «Китоб-ун-инсоф» асари ҳали топилмаган. Унинг «Тиб қонунлари» номи билан шуҳрат қозонган асари ўтмишда Шарқда ҳам, Фарбда ҳам тиббиётда асосий қўлланма ҳисобланган. Олимнинг тиббиётта доир кашфиётлари, айниқса, турли ўсимликлардан кимёвий йўл билан дори-дармонлар тайёрлаш ҳақидағи фикрлари ҳамон ўз қимматини саклаб келмоқда.

Ибн Сино олим бўлиш билан бирга истеъдодли адид ҳамдир. Унинг форсий тилда ёзган шеърлар девони, турли билимлар бўйича баҳс юритиладиган «Донишнома» китоби, араб тилида ёзилган «Саламон ва Ибсол», «Юсуф қиссаси», «Қуш» ва бошқа қиссалари бизга қадар етиб келган. Ибн Сино ҳалқ оғзаки ижодидаги

юрмалар асосида ёзма адабиётта рубоий жанрини олиб кирди; араб ва форс тилида шеърлар ёзди. Уз ғазал ва рубоийларида шоир гўзалликни, илм-фанни тарғиб этади, жаҳолат, зулм-зўрликни қоралайди. Бир рубоийсида илмда камолот чўққисига ётишса-да, ҳамон кадрлнмаганидан шикоят килса, бошқа бирида ўз илмий кудратини таъкидлайди.

Кора ер қаъридан то авжи Зухал,
Коинот мушкулни барин мен қилдим ҳал.
Қўп чигал тугунни англадим, ечдим,
Ечилмай қолган биргина ажал.

Ўз қиссаларида Ибн Сино мардликни тарғиб қилиб, мунофиқлик, сергаплик, ёлғончилик, ишёқмасликни, риёкор имомларнинг иккюзламачиликларини фош этади. Ибн Сино кишиларни илм-фанни ўрганишга, касб-хунар эгаллашга даъват этади. Ибн Сино асрлари Ўрта Осиё халклари педагогик қарашлари, фани тарихини ўрганишда ҳам энг муҳим сарчашмалар ҳисобланади.

Улуғ олим ва истеъододли адибнинг нодир асрлари биз учун ҳамиша азиз ва мўътабардир.

ИБН СИНО ҲАҚИДА ИККИ РИВОЯТ

Узуқ воеаси

Абу Али ибн Синонинг онаси уни чакалоқлигига чўмилтираётганида қимматбаҳо узугини йўқотиб қўйган экан. У узугини кўп қицирибди. Лекин ҳеч қаердан топа олмабди. Кейин уни канизак олган, деб гумон қилиб, бечора канизакни роса калтаклашибди. Канизакни уришаётганда Абу Али йиғлай бошлабди, калтаклашдан тўхташса, чакалоқ ҳам йигидан тўхтабди. Ҳамма бундан ажабланиб, узукни йўқолдига чиқаришиди.

Ибн Сино тилга кирганида, биринчи айтган гапи шу бўлибди:

— Сизлар ўша вақтда канизакни ноҳақ урган эдинглар. Онам мени чўмилтираётганда, узуги тогорага тушиб кетган эди. У тогорани ағдарганида узук ҳам сув билан бирга кир ўрага тушиб кетган. Менинг тилим чиқмаганидан, сизларга айттолмаган эдим. Канизакни

урганингларда йиғлаб, тўхтаганларингда йигидан тўхтаганимнинг сабаби шу эди.

Шундан кейин ўрани кавлашган экан, узук топилибди.

Бу воқеани эшитгану билганлар Ибн Сино зехнига койил қолишган экан.

«Мен хўқизман»

Бухоролик бир киши касал бўлиб, «Мен хўқизман; мени сўйинглар» дейдиган бўлиб қолибди.

Касалнинг қариндош-уруғлари буни Абу Али ибн Синога айтишибди. Абу Али касалнинг олдига қассоб бўлиб келибди ва «Қани сўядиган хўқизинглар!» — деб бақирибди. Бемор унинг олдига чопиб бориб, «Сўйиладиган хўқиз менман», дебди. Абу Али дарров bemорнинг қўл-оёғини боғлатибди, сўнг қўлида пичокни ўйнатиб, bemornинг биқинидан ушлаб кўрибди-да:

— Хўқизимиз семиз демабмидиларинг, бу жуда орикку, буни мен ҳозир сўймайман, сал семирсин, кейин сўяман, — дебди.

Бемор бу гапни эшитиб: «Қани менга овқат бeringлар, мен семираи» деб овқат талаб қиласверибди.

Абу Али ибн Сино bemornинг оиласига дори қолдириб, уни овқатга қўшиб, bemorgа беришни уқтирибди. Уйдагилар шундай қилишибди. Натижада bemор ҳадемай тузалиб кетибди. Кейинчалик Абу Апи ибн Сино bemornинг уйига келиб:

— Семирган хўқизинглар қани, сўйиб берай, — дебди ва согайган bemorgа кўзи тушиб:

— Э, анча семирибсан-ку, энди сўйса бўлади, — дебди.

Бемор табибининг гапидан жуда таажжубланибди ва:

— Мени сўядиганнинг боши ўнта, тегиб кўрчи, менга, — дея дўқ урибди.

Йиғилган қариндош-уруғларнинг ҳаммаси аввалги воқеани эслаб хоҳолаб кулиб юборишибди.

#

Ибн Синонинг бадиий ва илмий асарларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр этишда арабшунослардан А. Расулов, У. Каримов, А. Ирисов ҳамда Ҳ. Ҳикматуллаевлар заҳмат чекиб келмоқдалар. Жумладан, А. Ири-

сон шоирнинг «Уржуза» деб аталмиш тўққизта тиббий манзудаги достонларини ҳам ўзбекчалаштирган.

БАЙҲАҚИЙ-БОШ МИРЗО ВА ТАРИХЧИ

Султон Маъсуд аъёнлари, лашқарбошилари, ўз томопига ўтган Хирот зодагонлари билан муҳташам саройда ўтирганди. Мулозимлар шаҳарнинг олдинги Хос Ҳожиби Али ўз одамлари билан келганлигини айтишади. Султон киришга ижозат этди. Али хизматкорлари иплан ичкирига ташриф буюриб, таъзим қилди, ер упди, султон этагини юз-кўзларига суртди; унинг оёғига икки халта олтин тангалаарни нисор этди. Маъсуд юам меҳмонга керагидан ортиқ илтифот қилди: ўнг кўлидан — юқоридан шоҳона курси кўрсатдиги. Қизгин сухбат ва зиёфатлардан сўнг Али кетишга ижозат сўрали. Сулгон ишораси билан уни кузатиб чиқцилар. Ҳовлидаги катта издиҳом ичидан икки киши келиб Алииинг кўлларини орқасига қайирди, учинчиси либосларини ечди⁸ ва гарданидан босиб туриб, калласини олиб гашлади. Ўзининг қаттол муҳолифи хузурига инъом-эҳсон келтирган ҳар бир кишининг тақдири шундай бўлади. XI асрнинг машҳур мирзобоши ва тарихчиси Байҳақий ўз фаолияти давомида ана шундай юзлаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган, жангу жадалларни кузатган.

Хуросон ва Мовароуннаҳрда ғазнавийлар сулоласи кукмронлиги даврида ўнлаб шоир, олим ва давлат арабблари етишиб чиқди. Ўзи астрономия ва математикага қизиқкан Султон Маъсуд Ғазнада олимлар учун маҳсус ижодхона — қаср ҳам қуриб берган. Абул Фазл Байҳақий ана шу Ғазна муҳитидаги ижод қилган олимлардан биридир.

Абул Фазли Маҳмуд Ибни Ҳусайн Байҳақий тахминан 994—96 йиллар орасида Хуросоннинг Байҳақ мавзеида амалдор хонадонида туғилган. Отаси Султон Маҳмуднинг Сиистондаги надимларидан бўлган. Унинг ўқиши ва йигитлик йиллари Нишопурда кечган. У аввал мактабни, сўнгра Нишопур мадрасасини тутатган, замонасидаги барча билимларни, жумладан, давлат идораси ишларини пухта эгаллаган. Шунинг учун ҳам Байҳақий 25—26 ёшларида Султон Маҳмуд саройига дабирлик вазифасига, кейинчалик бош мирзолик лавозимига кўтарилиган.

«Сиёсатнома» ҳамда «Қобуснома» муаллифлари дабирнинг сифати, бурчи ҳамда вазифалари ҳақида гапириб, у ўз давридаги барча билимлардан тугал хабардор бўлиши, бир неча тилни, хусусан, араб, форсий тилларни мукаммал билиши, хушсухан, воиз, нотик, хушхат, ишбилармон, турли давлат элчиларини қабул қила оладиган, ўз нутқида Қуръони Карим ва Пайғамбар ҳадисларидан далиллар келтира оладиган ва хусниҳат эгаси, истаган пайтда чиройли гапирадиган, шеър айтиб, бадиҳагўйликда бошқаларга ибрат бўла оладиган комил инсон бўлиши керак, дейишган. Байҳақий ана шундай фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ёш арбоб эди. Шунинг учун ҳам у узоқ вақт давлат котиботининг бошлиғи — Мирзобошининг ўнг кўли вазифасини бажарди. Бош мирзо Абу Наср Мишкан вафотидан сўнг бу ишга Абу Сахл Завзаний тайинланади. Абул Фазл Байҳақий Мишканга яқин бўлгани учун Завзаний уни унчалик хуш кўрмайди. Ораларида жиддий келишмовчилик бўлишига қарамай Байҳақий Султон Маъсуд хоҳишига кўра Завзаний билан узоқ муддат бирга ишлашга мажбур бўлади

Лекин Султон Маъсуд салжуқийларга қарши жангларда кетма-кет мағлубиятга учрайверди. Байҳақий Мұхаммад, Мавдуд ва Фаррухзодалар ҳукмронлиги даврида ҳам бош мирзолик лавозимида ишлайди. Бу орада саройдаги ва юқори ҳарбий лавозимлардаги фитналар натижасида бир неча йил ҳибсда ҳам ётади. «Маъсуд тарихи»ни рус тилига мукаммал таржима қилган машҳур олим А. К. Арендс Байҳақийнинг тўла ижодий биографиясини яратишга интиларкан, унинг нима сабабданdir маълум вақтларда фитначиларга ён босганлигини ҳам уқтирган. Олим ва давлат арбоби Байҳақий таҳминан 1076—77 йиллар орасида вафот этган.

Байҳақий беш султонлик даврида яшади ва ишлади. Ундан 11 йил Маъсуд салтанати даврида бош Мирзо муовини вазифасини ўтади. Султонларнинг тож-тахт талаши, Завзаний билан доимий зиддият, салжуқийларнинг марказий ҳокимиётни кўлга киритишга интилиши — жиддий сиёсий курашлар жараёни Байҳақийнинг кексалик йилларига тўғри келди; у шахсан Беруний билан кўришган бўлиши мумкин ва унинг асарлари билан таниш бўлган.

Айрим тадқиқотчилар Байҳақийнинг илмий, ижодий мероси 30 жилдан зиёд дейдилар. Тарих фанлари доктори А. К. Арендс эса, олим асарларининг олти жилдигина бизгача стиб келганини аниқлаган. «Котиб-

ллр зийнати», «Сабуктегиндан султон Иброҳимгача бўл-1лн давр тарихи», «Тарихлар мажмуи», «Сабуктегин тарихининг сайланмаси», «Маъсуд тарихи» ёки «Байҳақий тарихи» китоблари шулар жумласидандир. Афсуски. — дейди Арендс, — бу китобларнинг кўпчилиги муғул истиносигача бўлган бошқа илмий асарлар синтри бизгача сақланиб қолмаган. Аммо улардан баъзиларининг номи ёки парчалари Муҳаммад Авфийнинг «Жомеъ-ут таворих» (1261), Қози Минҳожи Сирожпинг «Табақоти Носирий» (1333), «Тарихи Ҳофизи Абрўй» (1427), Сайфиддин Уқайлойнинг «Осор-ал-вузор» (1430) сингари асарларида тилга олинади.

Бизга қадар Байҳақийнинг «Масъуд тарихи» тўла сақланиб қолган. Бу ва бошқа асарларини ёзишда олим ўз тажриба ва қундаликларидан ташқари Махмуд Варроқнинг бизгача етиб келмаган асарлари, Берунийнинг «Хоразмнинг машҳур кишилари», «Хватайнамак» («Худойнома»)нинг Ибни Муқафа қаламига мансуб арабча таржимаси ҳамда «Қадимги Ажам шоҳлари тарихи» ки-гобларидан фойдаланган. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи гурли муносабатлар билан маълумот бериб ўтган. «Масъуд тарихи»ни рус тилига ўтирган шарқшунос А. К. Арендс Байҳақийнинг ижтимоий келиб чиқиши, уни вояга етказган маданий-илмий, сиёсий мухит, давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва ниҳоят ижодий мероси-асарларининг ёзилиши тарихи, санаси, унда қамраб олинган давр ҳамда воқеатар сираси, олим ижодининг ўрганилиши тарихини хийла синчкошшк билан тадқиқ этган.

Маълум бўлишича, Байҳақий «Масъуд тарихи»да Султон Махмуднинг отаси Сабуктегиндан бошлаб 50 йиллик воқеани қамраб олмоқчи бўлган. Лекин асарнинг ёзиш жараёни бир текисда кечмаган. Кейинчалик олим умрининг охирги йиллари воқеаларини ҳам айрим боб-дафтар сифатида унга қўшган. Баъзан воқеаларни ровий номидан ёки замондошлири тилидан «У менга шундай деб ҳикоя қилган эди», «Мен бу воқеа тафсилотини ундан эшитиб эдим», «Абу Али Исҳоқдан шундай эшитиб эдим», сингари киритмалар билан баён этади. Муаллиф ёзганларининг тарихан тўғри ва рост эканлигини бир неча ўринда қайта-қайта таъкидлаган.

Китоб ғазнавийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келишидан таназзулигача бўлган давр ҳақида хийла пухта маълумот беради; ғазнавий ҳукмронларининг салтанатдорлиги, уларнинг бошқа ўлкалар, вилоят ҳоким-

лари билан муносабатлари, жангү жадаллари, турли фармонлар, дипломатик алоқалар айнан ҳикоя қилинади, келтирилади. Ора-сира муаллиф ўзидан олдин яшаган Рудакий, Абулрайх, Абу Дулаф, Румий ва ўша даврда ижод этган шоирлар, олимлар ҳақида маълумот беради, шеърларидан намуналар келтирилади, халқ орасида кенг тарқалган ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланган, уларга ишора қилинган. Чунончи, Али фожиасида Абомуслиминг ўлдирилиши эслатилади. Бу эса китобнинг адабий-бадиий қимматини, таъсирчанлигини оширган, ўқишли қилган. «Масъуд тарихи», араб, инглиз, француз тилларига таржима қилинган; Калкutta, Лондон, Қоҳира, Техрон ва Тошкентда чоп этилган. У ҳақда академик Б. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон халқлари тарихининг манбалари» (1992) китобида ҳам қисқача маълумот берилган.

Хуллас, Абулфазл Байҳақийнинг асарлари Хурросон ва Мовароуннаҳр халқлари тарихини, хусусан, газнавийлар сулоласи салтанатдорлиги даври воқеалари, маданий, илмий ҳаётини, халқ турмуш тарзини ўрганишда муҳим ҳазинадир.

МАЪРИФАТПАРВАР ВАЗИР ВА ОЛИМ

Кўхна Шарқ маданияти тарихида шундай буюк сиймолар борки, улар халқ, илм-фан, маърифат йўлида жонфидолик қилган, жаҳолат ва разолатга тик қарши борган. Низомулмулк ана шундай улкан маънавият ва сиёsat арбобларидан биридир.

Абуали Ҳасан ибни Али ибни Исҳоқ Низомулмулк 1017 йили Хурсоннинг Тус вилоятида амалдор оиласида туғилади. У ўз даврининг тил, адабиёт, сиёsat, фалсафа, риёзиёт, хуқуқшунослик, нужум ва бошқа билимларини эгаллайди. Низомулмулк салжуқий хукмдор Алпарслон ва кейинчалик Маликшоҳи Салжуқ саройида ишлаб, вазирлик даражасига кўтарилади. Унинг даврида барча катта шаҳарларда мактаблар очилади, янги мадрасалар курилади; илм-фан, маданият тез равнақ топади; олим ва адилларга давлат ҳисобидан маҳсус маош гайнланади. Уларга ижодхоналар куриб берилади. Исфаҳон расадхонаси бевосита олимнинг раҳбарлиги ва маблағи ҳисобига барпо этилади.

1079 йилнинг 15 мартадан машҳур олим ва шоир Умар Хайём ҳамкорлигига тузилган янги тақвим жо-

рий қилинади. Ана шу календарь Фарбий Оврўпода Напа Григорий 13 томонидан 1582 йили амалга тадбиқ пилади. Аммо 1090 йили Маликшоҳнинг маҳрами Тожулмулук ва хотини Турконхотун фитнаси туфайли Нијомулмулк хибсга олинади ва 1092 йилнинг 15 октябррида Бағдод сафарида, йўлда ўлдирилади. Унинг жасади Исфаҳонга дағн этилади.

Давлат арбоби ва маърифатпарвар адаб Низомулмulk XI аср Эрону Хурросон илмий, маданий ва сиёсий ёаётида жуда катта мавқега эга эди. Унинг хайриҳоҳли-И, моддий қўмагида ўнлаб шоир ва адиллар балогат пуктасига етдилар. Ўзи ҳам расадхонада илмий кузатишилар олиб бориб кўплаб илмий рисолалар ёзган, аммо бизга қадар унинг «Сиёсатнома» асари етиб келган. Бу асар Шарқ сиёсатшунослигида давлатни бошқаришга доир илк маҳсус китобдир. Унда шоҳ, қози, вазир, лашкарбоши, элчи, хазинабон, сарой амалдорлари, бош қўмондон, лашкарбошилар, девонбеги ҳамда бошқаларнинг вазифалари, ҳунармандлар, савдогарлар, кенг ҳалқ оммаси билан муносабат, кўшин ва куроляроқни сақлаш, улардан мақсаддага мувофиқ фойдаланиш, фуқаронинг арз-додини эшитиш, солик-ларни тартибга солиш, унинг ундирилишини назорат қилиш, мамлакатнинг бутунлиги, давлатдорларнинг адлу инсофи, химмат, эҳсон, тўғрилик, хайриҳоҳлик, маърифатпарварлик, инсондўстлик, раиятпарварлик ҳақида эллик фаслда адолатпеша сиёсатдан сифатида фикр юритади. Ҳатто, ёзувчи айrim хикоятлар орқали амалдорларни хусусий ишларда, қуллари, хизматкорларини жазолашда ҳам қонунга, юксак ахлоқ меъёрига риоя қилишни уқтирган; жамият тараққиётida амалдорларнинг ҳалоллиги поклигининг муҳим омилигини қайд этган. Бунда у 27 йиллик вазирлик фаолияти давомида ортириган тажрибасига суюнади; ҳар бир мулоҳазасининг исботи учун Доро, Искандар, Баҳром Гўр, Анўширвони Одил, Исмоил Сомоний сингари ўтмиш шоҳлар, ҳалифалар, вазирлар, давлат арбоблари фаолиятидан қизиқарли, ибраторумуз ҳикоятлар келтиради. Низомулмulkнинг фикрича, давлат бошлини донишманд, тадбиркор, маърифатли бўлиши, юртни олимлар кенгаши маслаҳати билан, қонун асосида, ўтмиш давлатдорлигининг илгор тажрибаларидан фойдаланган ҳолда бошқариш зарур; шоҳу қозининг ҳукми одил бўлмоғи лозим.

«Сиёсатнома»да салжуқийлар салтанатдорлиги, Шарқда турли даврларда юз берган ҳалқ ғалаёнию қўз-

ғолонлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. У XI аср Эрону Ҳурросон халқларининг тарихини, турмуш тарзини, форсий тилдаги наср тарихини ўрганиш учун мухим манба ҳисобланади. Зероки, Низомулмулк ўз сиёсий, ижтимоий, ахлоқий, фалсафий қарапашларини нуктадон ёзувчи сифатида ғоятда нафис, турли-туман бадиий-тасвирий воситалар орқали ифодалаган. Ибрат тариқасида келтирилган ҳикоятлар мумтоз ва жозибидир. Ҳикоятлардан олдин ёки сўнг Ҳасан Басрий, Соф-вон Сурий, Фузайл, Абу Али Даққок, Абу Али Илёс, Луқмон, Ибни Аммор, Боязид Бастомий, Жунайд Бағдодий сингари донишмандларнинг ҳикматларидан келтирилади. Масалан «Анўширвон ва 90 яшар боғбон», «Хусрав ва созанда», «Баҳроми Чўбина ва Парвиз» ҳикоятларида ростгўйлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, чин эътиқод, вафо ҳамда садоқат, баний одамига яхшилик қилиш, рост гапнинг фойдаси тарғиб этилади.

Шуниси характерлики, «Сиёсатнома»да эслатилган юзлаб тарихий шахслар, жой номлари, атамалар, дин, санъат, тарих, мусиқа, ахлоқ, ҳикмат, ҳадис, сўғизм, фалсафа, табиий фаннинг барча соҳалари Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихию жуғрофияси, маданиятию мусиқаси, ақидасиу ахлоқини ўрганишга кўмаклашади. Уларнинг шарҳи ва изоҳининг ўзи катта бир рисола бўлади.

Китоб ўтмишда араб, инглиз, немис, француз тилига таржима қилиниб, асли билан чоп этилган. 1949 йили уни ёзувчи ва олим Б. Н. Заходер рус тилига мукаммал изоҳлар билан тўла таржима қилган. «Сиёсатнома»дан баъзи ҳикоятларни Б. Аҳмедов ўзбек тилига ўгириб, «Аждодлар ўгити» (1991) тўпламига киритган.

Шуниси характерлики, «Сиёсатнома» Шарқ халқлари насрода, хусусан кичик ҳикоя жанрида анъана ва ўзига хослик масаласини ўрганишда биринчи манба ҳисобланади. Зероки, китобда учрайдиган Анўширвони Одил, Хусрав Парвиз, Борбад, Баҳроми Чўбина, Султон Маҳмуд ва Қози, Султон Маҳмуд ва Кампир, Исмоил Сомоний ва амалдорлари хусусидаги ўнлаб ҳикоялар кейинги асрларда яратилган турли асарларда учрайди. «Жомеъ-ул ҳикоёт» (XIV аср), Хондамирнинг тарихий асарлари, Пошшохўжанинг «Гулзор» ва «Мифтоҳул адл», Кошифийнинг қатор китобларида (XVI аср) айнан ёки қисман ўзгартиришлар билан келган. Демак, бу ҳикояларни Низомулмулк халқ ижодидан олиб,

\1 китобига киритган. Натижада ўша мазмун ва мавзу асардан-асарга кўчиб, сайёр хикоятларга айланган.

Илму урфон ҳомийси, нужум аҳли пешвоси, адаб, Шарқ давлатшунослиги назариясининг асосчиси Ни-зомулмулкнинг фаолияти ва «Сиёсатнома» асари фан тарихида. хусусан, ҳуқуқшунослик тарихида энг ёрқин сахифалар бўлиб қолаверади. Асарни «Адолат» нашриёти А. Эркинов ва Шодмон Юсуф таржимасида 1997 йили чоп этди.

РИЁЗИЁТШУНОС ФАЙЛАСУФ

Юлдузлар асрори ҳакидаги баҳс ярим тунгача давом этгани учун дўстлар донг қотиб ухлаб ётишарди. Тонг саҳарлаб дарвоза тақиллади. Соҳиби хона эшикни очди:

— Устоз қани, устозни чорланг, — ўпкаси тўлганча ичкарига отилди келган одам.

Бу орада ҳамма уйғониб, зўрга юз-қўлини ювишга улгурди.

— Тез бўлинглар, бу ерда қолиш хавфли. Оломон расадхонани будзи, хизматкорларни ур-калтак қилишибди. Низомулмулкни хибсга олишибди, — гапида давом этди кўз ёшларини артатуриб ҳалиги киши.

— Устоз, ҳозир карvonсаройдан бир гуруҳ уламолар ҳажга жўнамоқчи, уларга кўшилиб Макка тавофига бормоқ жоиз, — маслаҳат берди дўстлардан бири.

Тўртволон шошилинч шаҳар четидаги карvonсаройга бориб, издиҳомга кўшилиб ҳаж йўлини тутдилар.

Бу устоз машхур риёзиётшунос олим, файласуф шоир Умар Хайём эди.

Ғиёсиддин Абдулфатҳ Умар ибни Иброҳим Хайём 1048 иили Нишопурда ҳунарманд оиласида дунёга келди. У ёшлигига Балхга келиб ўша давр уламоларидан бўймиш Муҳаммад Мансур кўлида тарбия кўради. Салжуқийларнинг тож-тахт учун кураши кучайган бир пайтда Умар Хайём Балхни тарқ этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абутоҳир паноҳида, сўнгра эса Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қораҳоний даргоҳида яшайди. Умар Хайём 26 ёшарлигига салжуқий хукмронлардан Жалолиддин маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Ни-зомулмулк таклифига кўра Исфаҳонга келиб расадхона ташкил этишга киришади. Демак, бунга қадар Хайём астрономия, геометрия, математика, жуғрофия, физика, кимё фанларида баркамол олим даражасига етган

эди. Бундан мақсад Яздигурд III даврида, яъни 632 или жорий этилган зардўштийлик йил санасини ислоҳ қилишни бошлаш эди. 1074—1079 йиллар Абухотам Музаффар Исфизорий, Абулаббос Лукарий, Абдураҳмон Ҳазиний, Маймун ибни Нажиб Воситий сингари олимлар Хайём бошчилигига нисбатан янги, мукаммал йил тақвимини ишлаб чиқадилар. 1092 йили Маликшоҳ вафот этгач, у курдирган расадхона, маданият ўчоқлари ер билан яксон этилади, Низомулмулк ўлдирилади. Хайём касбдошлари билан ҳажга бориб, қайтишда салжукийларнинг янги пойтахти Марвга кетишига мажбур бўлади. Умрининг охирги йилларини Нишопурда ўтказган Хайём 1131 йили вафот этади. Буюк олим ва шоир ижодининг ишқибозлари унинг қабри устида муҳташам мақбара бунёд этишади.

Умар Хайём Шарку Фарбда улкан олим, бетакрор санъаткор сифатида барча қарнларда эъзозлаб келинган. Зероки, Хайём шоир сифатида форсий тилдаги шеъриятда рубоий жанрини янги тараққиёт чўққисига кўтаради. У ўз рубоийларида ҳаёт ва коинот, инсон ва табиат, борлиқнинг худудсизлиги гўзалликка, ҳаётга муносабат, имон-эътиқод, яшаш, хушчақчақлик, ғам-ҳасратни даф этиш воситаси бўлган май ҳақида мушоҳадалар юритди. У разолат ва жаҳолатни, риёкорлигу дилозорликни, мўъминларнинг бекорга қонини тўкилишини қоралади, илм-маърифат, ақл-заковату комил инсонни улуғлади. Шоирнинг ақидасича, дунёнинг самари бўлган инсон умрини шоду хуррамлик билан ўтказмоғи, ҳар жиҳатдан камолат сари интилмоғи зарур; май, шодликни тавсиф этишдан мурод инсоннинг умри мақсади, хуш ўтказишга даъватдир.

Дунёнинг тиласи, самари ҳам биз,
Ақл кўзин қраси-жавҳари ҳам биз.
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Умар Хайём рубоийларида ишқ ва ҳаётни жўшқин мадҳ этиш билан бирга инсоннарварлик, маърифат, қасб-корни тарғиб этди. Бир рубоийсида «ток қонини ичадиган» комил инсонни «одам қонини сўрадиган» золим, риёкор муфтига қарши қўйса, бир қанча тўртликларида инсон тафаккури кудратини улуғлайди, ҳақиқий маърифатни олқишлияди, дўстлик, биродарликни тараннум этади; панд-насиҳат беради:

Дўстлар иноклиқда бўлингиз обод,
Тез-тез дийдор кўриб этингиз дилни шод,
Соки тоза майни сузганда айланг —
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд.

* * *

Бир кун келар экан қўлингдан зинхор,
Азизлар хотирин шод эт, эй дилдор.
Нокасдан сир беркит, тилингни боғла,
Абраҳдан яширин бўлмоққа чоғла.

Хайём рубоийларида кулол, кўзагар, хумдон, гишт куювчи, хунарманд образлари, унинг иш жараёни билан боғлиқ лавҳалар ҳам кўп тилга олинади. Авваламбор, улар санъаткор гоявий ниятини ифодалайдиган бир восита, унинг илмий-фалсафий қарашлари, моддий оламнинг азалийлиги ҳакидаги мушоҳадаларини инъикос эттиради. Чунончи, инсон туғилади (диний ақидага кўра унинг асл мояси тупроқдан яратилган), маълум замон ва маконда яшайди. Охир-оқибат ўлгач яна тупроққа айланади; шоҳ ҳам, гадо ҳам, хунугу гўзлалар ҳам бир. Кулол ўзининг ҳам шу ҳолга айланишидан бехабар, лойни тепкилаб, муштлаб кўза, идиш ясайди:

Бозорда бир кулол кўрсатиб хунар,
Бир бўлак ҳом лойни тепиб пишитар,
Лой ингрраб айтади: хой, секинроқтеп,
Мен ҳам кулол эдим, сендек биродар.

Маълумки, Шарқ классик шеъриятида май ва ринд образи анъанавийдир. Умар Хайём ана шу азалий тимсоллардан ўзгача бир маҳорат, ўта жўшқинлик, кўтарикилик билан фойдаланган. Шоир майда — ҳаёт рамзи, хушчақчақлик омилини кўради. У шоир учун замон жабри, турмуш азиятларини унутиш, нобоп, мунофиқ кишилар дийдоридан етадиган малолликни унутиш, баҳор нашидасию гўзаллар яногининг тафтини хотирда тутиш, самимий дўстларнинг қайноқ сұхбатиу гул гаштини кўмсашиб воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кишини бадмаст қиласиган, оғзидан нобоп сўз чиқишига, нолойиқ ишларга қўл уришига сабаб бўладиган шаробхўрликни қаттиқ қоралайди. Хайём забардаст олим сифатида геометрия, тригонометрия, ал-

гебра, дин, маданият, мусиқага доир 15 та илмий рисолалар яратган. Улардан «Зижи Маликшоҳий», «Наврӯзнома», «Рисола фил бароҳим ало масоҳил ал-ҷабр вал муқобала», «Рисола фи шарҳи мо ашқала мин мусодарат китобул Иқлидис», «Мушкилот ул ҳисоб», «Рисола ф'и куллийтул вужуд» ҳамон ўз қимматини сақлаб келмоқда. Бу рисолаларида Хайём, бир томондан, қадимги юонон олимларининг аниқ фанларга доир китобларидағи назарий фикрларни араб тилида мукаммал шарҳласа, иккинчи томондан, тенгламалар ҳақидаги фикрларни давом эттириб, физик, геометрик ва тригонометрик тенгламаларнинг муодилларини топди. Умуман, Хайёмнинг математика, геометрия ва тригонометрия соҳасидаги назарий фикрлари, кашфиётлари (хусусан, тўртбурчак, тўғри тўртбурчак, тўғри чизик ва кесма чизик), хулосалари астрономия, меъморчилик кенг тараққий эта бошлаган ўша давр талабига бир аксадо сифатида вужудга келган эди.

Умар Хайёмнинг «Наврӯзнома» асари жуда катта тарихий, маърифий аҳамиятга эга. Зероки, унда муаллиф Шарқ ҳалқларининг қадимий удумларини, хусусан, Наврӯзнома ҳалқ байрами сифатида расм бўлиши тарихини батафсил ёритган, у билан боғлиқ нақлу ривоятларни келтирган. «Наврӯзнома» омиёна тил — ҳалқ жонли тилига яқин бир ибораю ифодаларда ёзилгани учун енгил ўқилади. У XII аср форсий тилдаги насрнинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

Хайём рубоийлари ўрта асрлардан бери илм-адаб, адабиёт ва санъат аҳлини сеҳрлаб келмоқца. Унинг Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд каби пайравлари пайдо бўлди. Шоир асарларининг дунё тилларига шеърий, насрый таржималари, шарҳлари яратилди. Америкада Хайём рубоийлари асосида театрлаштирилган саҳна асари, Лондонда махсус хайёмхонлар саройи мавжуд. Уларда шоир рубоийлари ҳам аслида, ҳам таржимасида бадиий сўз усталари, машҳур наттоқдар томонидан қироат қилинади, ижро этилади. Бу саройларга кириш патгалари бир неча ҳафта олдин сотиб бўлинади. Шарқца бундай саҳна асари — «Ўз-ўзим билан сухбат» Тожикистон ҳалқ артисти Маҳмуджон Воҳидов томонидан яратилди, тасмага ҳамда грампластинкага ёзилди. 1976 йили Маҳмуджон Воҳидов Покистон, Эрон ва Ироқ мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарга чиқади. Машҳур санъаткор Покистон ва Эрондаги ҳашаматли санъат саройлари-

да хаилемхонлик қиласи, шеърият мухлислари уни оекда тикка туриб қарсаклар билан олқишлийдилар. Лекин мутаассиб кишилар рубоийлардаги «худо», «муфти», «сўфи», «тангрига хитоб»ларни нотўги талқин этиб, унинг изига тушадилар. Ироқقا келиб Бағдод меҳмонхоналаридан бирида танҳо яшаётган Маҳмуджон Воҳидовни номаълум шахслар тўртинчи қаватдан ташлаб юборадилар. Ҳамроҳлари унинг сафардан ўлигини келтирадилар. Лекин ҳамон санъаткорнинг жозабали, майин овози Хайём рубоийларини ватанида ги ҳар бир хонадонга олиб кирмоқда.

Хайём ижодий мероси ўтган асрларданоқ ўзбек адабиёти муҳибларининг дикқатини ўзига жалб этиб келмоқда. Жумладан, 1914 йили «Шўро» журналининг бир неча сонида бир қанча рубоий тўлиқ илмий шархи билан насрый таржимада эълон қилинади. Кейинчалик Фитрат, О. Шарафитдинов ва Абдураҳмон Саъдийларнинг мақолалари ҳамда Фаттоҳ Абдуллаевнинг 14 та рубоийнинг ўзбекча шеърий ағдармаси чоп қилинди. Аммо, шоир рубоийларини ўзбек китобхонларига яқинлаштиришда машҳур шарқшунос, профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг хизматлари бекиёсdir. Заҳматкаш устоз дастлаб «Умар Хайём» рисоласини (1963) ёзди, кейин эса 300 дан ортиқ рубоийларни маҳорат билан ўзбекчалаштириди. Бу таржима ҳозиргача уч марта чоп қилинди. Зукко ўзбек илм-адаб аҳли орасида Хайёмдан гап кетса, албатта, бирор шоир рубоийларидан беихтиёр намуна ўқыйди. Бу эса, буюк шодлик куйчисининг ҳалқимиз орасида нечоғлик ардоқланишининг нишонасидир.

ХАЙЁМ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Бир сўнгакка сордек қаноат қилғон,
Афзалдир нокасга бўлгандан меҳмон,
Нокаснинг шиннилик нонидан яхши,
Ўзинг топиб еган бурда арпа нон.

* # *

Токай пастлар хизматин этасан бажо,
Хар емишга пашшадек кильма жон фидо,
Бир нонни икки кун е, тортма ҳеч миннат,
Ўзга нонидан ўз дил қонинг кўп аъло.

Бир нон топиб агар есанг икки кун,
Синик кўзанг бўлса сув ичмак учун,
Ўзингдан пастларга ёлланмоқ нега,
Ўзингдек хизматин қилмоқаик нечун.

Хушвакт бўл, гуссанинг чеки йўқ бир он,
Бу чарх юлдузларга солади кирон.
Сенинг тупроғингдан ясалган гишталар,
Бўлар ўзгаларга манзилу макон.

Нокасдан сир беркит, тилингни боғла,
Аблаҳцан яширин бўлмоқни чоғла.
Кишилар жонига ўз қилмишин кўр,
Сен ҳам шунга кўз тут, шуни сўроғла.

Дил унинг дардига тўлса яхшидур.
Бош—йўлин тупроғи бўлса яхшидур.
Фам—тиғин дўст отса, унга ранжима,
Хар нарса дўстингдан келса яхшидур.

Ҳар сирни дилида сақласа доно,
У яширин бўлсин мисоли анқо,
Садафнинг ичиди қатра дур бўлур,
Сир қилиб қалбида яширган дарё.

ТИЛ БИЛИМИНИНГ ДОНИШМАНДИ

...Кемага тушиб Ила дарёсида сузид бораётганимизда ўнг томонда узокда бир куруқлик-манзилгоҳ кўзга ташланди. Уйгурлар юртига кетаётган бўлсак-да, кемани ўша томонга бурдик. Одамлар бизни яхши кутиб олишди. Кейин билсак, бу ер Минглоқ эли экан. Ҳозиргача уни ҳеч ким билмас эди:

Кема ичра ўлтириб,
Ила сувин кечдик биз.
Уйгур томон юзланиб,
Минглоқ элин очдик биз.

Мазкур фикр Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») китобида зикр этилган. XI асрда яшаб ижод этган Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳакида етарли маълумот сақланиб қолмаган. Уни тахминан 1029—1030 йиллар орасида туғилган, деган фикр мавжуд. Олимнинг тўлиқ исми Маҳмуд ибни Мухаммад Кршғарий. Буваси Мухаммад ва отаси Ҳусайн Қашғардаги Берегон шаҳридан бўлиб, ўз замонасининг донишмандларидан бўлган. Қошғарийлар оиласи Балосоғунга (ҳозирги Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳри) кўчиб келишганда Маҳмуд ҳали ёш бола эди. Бўлажак олим бу маданий ва илмий марказда қунт билан ўқийди, араб, форс тилларини ўрганади. У Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур шаҳарларида бўлган, Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Маҳмуд ёшлигидан ҳалқ жонли тилидаги сўз ва ибораларни, ҳикматли сўз, мақолларни ёзиб юради, уларни шарҳлаш, маъносини англашга интилади. Ана шу қизиқиши туфайли у туркий ҳалқлар тарихи, тили, урф-одатларини пухта ўрганиш мақсадида бутун Урта ва Кичик Осиёни кезиб чиқади. Бағдод шаҳрига келиб, араб тили ва адабиётини чуқур ўрганади, арабшunosларнинг илмий ишларини кузатади. Кейинчалик ана шу тўплаган далиллари асосида ўз даврининг энг чўнг олими Маҳмуд Қошғарий «Жавоҳирун нахв фи лугати турк» («Туркий тилларнинг синтаксиси дурдоналари») ва «Девону луғотит турк» асарини ёзган. Олимнинг биринчи асари йўқолган ёки ҳали топилмаган. Маҳмуд Қошғарийнинг 1072—1078 йиллар орасида ёзилган «Девону луғотит турк» асари муқаддима ва луғатдан иборат. Муқаддимада олим сўзларнинг тузилиши, турк қабилалари табақаларининг номини, турк тилларйнинг баёнини беради.

Маҳмуд Қошғарийнинг бу асари ўша даврдаги Урта Осиё ҳалқлари тарихи, турмуши, маданияти, урф-одатлари, адабиётини ўрганишда энг ноёб манбадир. «Девону луғотит турк»да туркий ҳалқлардан ташқари араб, форс, хитой, рус ҳалқлари ҳакида ҳам маълумот бор.

«Девону луғотит турк» асарида туркий ҳалқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига доир 300 дан зиёд шеърий парчалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва лавҳалар берилган. Бу намуналар мавзуи, гоявий йўналиши ва бадиийлиги жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, қадимги туркий ҳалқлар оғзаки ижодини, айрим лирик тур жанр-

ларини, ҳатто баъзи адабиётшунослик атаматари тарихини ўрганишда катта илмий аҳамиятга молик. «Девон»нинг беқиёс қиммати яна шундаки, олим ўз асарига дунё ҳаритасини илова қилган. Ўз ҳаритаси ва унда қабилаларнинг жойлаштирилиши ҳақида олим қуидагиларни ёзди: «Шарқдан бошлаб ҳар бир қабиланинг турар жойларини бирин-кетин тартиб билан кўрсатдим. Румдан кун чиқаргача мусулмон ва бошқаларини кўрсатдим. Румга яқин биринчи қабила бейэннэн, сўнг қипчоқ, ўкуз, яман, бошғирт, басмил, сўнг қаў, сўнг ябақу сўнг'татар, сўнг қирғиз келади. Қирғизлар Чин яқинидадирлар. Бу қабилаларнинг ҳаммаси Рум яқинидан кун чиқар томонга чўзилгандир. Сўнг чигил, сўнг тухси, сўнг яғма. Хитой «Чин»дир. Сўнгра тавғач: бу «Мочин»дир. Бу қабилалар Жануб ва Шимол ўртасидадир. Бу қабилаларнинг турар жойларини бу доирада кўрсатдим».

Машхур географ олим, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг аниқлашича, Маҳмуд Қошғарий ўз ҳаритасида ер юзининг марказини Урта Осиёга — она юрти Иссиккўл билан Болосоғун оралиғида бўлган ерларга тўғрилаган. Уша даврларда тузилган ҳариталарда ер юзи одатда Ислом маркази Макка ва Мадинадан бошли нарди. Маҳмуд Қошғарийнинг ана шу анъянани ўша даврда бузиши катта жасорат ва ибратлидир.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асари давр тақозосига кўра араб тилида ёзилган. Уни немис олими Карл Бреккелман 1928 йили немис тилига, шарқшунос Босим Аталой 1939 йили турк тилига таржима қилган. Асар озарбайжон тилига ҳам таржима бўлган. 1960—1963 йиллари эса С. Муталлибов уни ўзбек тилига ўгирди. Ундаги сўз ва ибораларнинг изоҳли луғатини тузди, мақол ва ҳикматли сўзларни тўплаб нашр этди. Шеърларни эса А. Қаюмов ағдарган. Машхур рус шарқшуноси В. В. Бартольд таъкидлаганидек, «Маҳмуд ҳаёт воқеаларини, факт ва далилларни ўз кўзи билан кўриб, билиб ёзгани учун» бу асар ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маърифий қимматини сақлаб келмоқда.

«ДЕВОНУ ЛУГОТИТ ТУРК»ДАН

Эшитиб ота-онангнинг
Сўзларини қадрла.
Молу мулкинг кўпайса,
Мағурланиб кутирма.

Боқмас жақон совук сўз,
Шилқим, юзсиз, баҳилга.
Ёқимли бўл, хушхуқ бўл,
Қолсин номинг кўп йилга.

Кулса киши юзингга,
Кўрклик бўлиб қўрингил.
Ширин, очик сўз сўйла,
Ёқмоқ учун урингил.

Унданб улуғ чақирса,
Тезлик билан чопиб кел.
Очлиқда бирга бўлтил,
Не ҳолда бўлса юрт, эл.

Суқ одамлар мол-мулкка интилар,
Улимтикка ташлангандек қузгуналар.

Кенг тўн тўзимас,
Кенгашиблик иш бузилмас.

* * *

Ботир жанг-да, доно мажлисда синалади.

* * *

Одобнинг боши тил.

ДОСТОННАВИС ВА ЛУҒАТШУНОС

Шарқ маданийти тарихида шундай алломалар бор~ки, улар яратган илмий, бадиий асарлар маданий ҳаёт~нинг барча соҳалари тараққиёти, истиқболида муҳим роль ўйнаган, келажак авлод учун муайян соҳа калити вазифасини ўтаган. Ана шундай серқирра ижодкорлар~дан бири Асади Тусийдир.

Асади Тусий 1005 йили бобомиз Алишер Навоий канал қаздириб, обод этилишига катта ҳисса күшган қадимий Тус шаҳрида туғилған, Тус ва Нишопур шаҳарларида таълим олган. Ғоятда факирона кун кечирған шоир ёшлигидан қадимги эроний тиллар, халқ оғзаки ижоди, тарих, жуғрофияга қизиққан. Асади Тусий профессор X. Ҳасановнинг таъкидлашича, турли шаҳарларга саёҳат қилган, Нахичеванга бориб, бир оз вақт Абдулафи Дайроний даргоҳида ишлайди. У 1073 йили ўз ватанида вафот этган.

Асади Тусий шоир, ёзувчи, адабиётшунос, тилшунос, юлдузшунос, географ, диншунос, достонсаро сифатида ўзидан кейин кагга мерос қолдирган. У 1065—66 йиллари Нахичевандага эроний халқларнинг оғзаки ижоди асосида, буюк Фирдавсий «Шоҳномаси»га эргашиб 9000 байтдан иборат «Гершаспнома» достонини яратди. Уни ёзишда шоир Абулмуайяд Балхийнинг «Китоби Гершасп» ва «Тарихи Сиистон» сингари китоблардан ҳам баҳраманд бўлган. Достон ҳудо, пайғамбар, тўрт халифага бағишлиланган ҳамд ва наътлардан сўнг Сом, Наримон, Зол, Рустам сингари Сиистон баҳодирларидан бўлмиш Гершаспнинг қаҳрамонлигию севги саргузашти тасвирига бағишлиланган. Унда бош қаҳрамондан ташқари ўнлаб ёрқин яратилган образлар мавжуд. Шоир асарда халқ қаҳрамонлиги, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини илгари сурдиган.

Тур, Шидасп, Тувург, Шам, Атрат, Мехрож, Баху сингари образларнинг ҳаёти ва тақдири тасвири бош қаҳрамон сиймосини янада мукаммал ифодаланишига хизмат қиласди. Достонда «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Жамшид, Захҳок, Рустамлар тилга олинади, холос. Воқеа Турон, Сарандиб, Ҳиндистон ва Рум ўлкаларида кечади. Гершасп Ҳиндистонни забт этиши, Шикванд тогидаги аждарни ўлдириш ва Рум шохи шартларини бажаришда чинакам қаҳрамонлик кўрсатади. Асади Тусий асарда кўплаб ахлоқий-таълимий, ижтимоий-фалсафий мулоҳазаларни ҳам илгари сурган:

Маяндоз санги гарон аз барад,
Ки чун баргардад, фитад бар сарад.

(Этагингдаги оғир тошни осмонга отма, чунки қайтиб ўз бошингга тушиши мумкин.)

Эрта қиёмат куни «имону яхшилигинг» сенга асқо-

гади, деган шоир бошқа бир байтида шундай таъкидлайди:

Гиристан ба ҳангом бо сўзу дард,
Беҳ аз хандидан ба ҳангоми сард.

(Бемаҳал кулгандан кўра, ўз ўрнида хўнграб йигла-
ган афзал.)

«Гершаспнома»ни машхур француз шарқшуноси X. Массэ 1953 йили француз тилига ағдариб, нашр этди. Унинг энг қадимги (ХІІІ асрга оид) нусхаси ҳам Париж қутубхонасида сақланади. Шундан сўнг достоннинг алоҳида боблари дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган. Ўзбек тилида ҳам насрый «Гершаспнома» мавжуд, Лекин у ҳали ўрганилмаган, қайси манбалар асосида яратилганлиги номаълум. Давлатшоҳ Самарқандий тазкираси ва бошқа сарчашмаларда Асади Тусий ва «Гершаспнома»нинг яратилиши ҳақида бир қанча ривоятлар мавжуд. Улар тарихий ҳақиқатга тўла муво-
фиқ келмаса ҳам, шоирнинг шуҳратидан далолат беради.

Фами он касе хўрдан оин бувад,
Ки ў бар ғамат низ ғамгин бувад.

(Сенинг ғамингга шерик бўлган кишининг ташви-
шини тортсанг бўлади.)

Шоир форс-тожик адабиётида мунозара жанрининг асосчиси хисобланади. У ҳалқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт ва араб адабиёти анъаналаридан ижодий фойдаланиб, ижтимоий-фалсафий, диний, ахлоқий-таълимий рухца кўплаб мунозаралар битган. «Тун ва кун мунозараси», «Камон ва найза мунозараси», «Мўъмин ва гайридин мунозараси» сингари асарлари шулар жумласидандир. Бу асарлар кейинги асрларда Шарқ адабиётида мунозара жанрининг пайдо бўлиши ва такомиллашишида муҳим ўрин тутди.

Олим ҳалқ жонли тили материалларини, кўхна адабиёт намуналарини йиғиш борасида ҳам улкан ишларни амалга оширган. У 1068—1070 йиллар орасида «Лугати фурс» номли машхур асарини яратган. Унда Асади Тусий, бир томондан қадимги эроний тил, унинг лаҳжаларига оид минглаб сўзларни илмий — филологик таҳпили, шарҳларини берган; иккинчидан, ҳар бир калиманинг маъносини изохлашда форсийзабон

халқларнинг шифоий шеъриятидан, Дақиқий, Рудакий, Робиа Балхий, Абушукур Балхий, Шахиди Балхий, Фирдавсий, Үнсурий, Лабибий сингари X—XI асрларда яшаган шоирлар асарларидан минглаб мисраларни келтирган. Шарқшунослар Рудакийнинг «Синдибоднома» ҳамда «Калила ва Димна» каби достонлари хусусида фикр юритганда ана шу манба орқали сакланиб қолган парчаларга суюнадилар. Бундан ташқари, мазкур китоб қадим эроний тил морфологияси, лексикаси ва грамматик қурилишини ўрганишда ягона, камёб манба сифатида хизмат қилмоқда.

Асади Тусий хушнавис ҳаттот сифатида ҳам шухрат қозонган. Машхур шарқшунос Е. Э. Бертельснинг аниклашича, Абумансур Муваффақ Хиротийнинг доришуносликка доир «Қитоб-ул-абния» асарининг энг қадимий нусхаси олим томонидан 1056 йили китобат қилинган. Профессор Е. Э. Бертельс шоир ижодини «Форс-тожик адабиёти тарихи» асарида биринчилардан бўлиб анча батафсил ёритган.

Буюк адид ва олим беморлик тўшагида ётганида шогирдларидан бири сўрабди:

— Устоз, илмнинг барча соҳатарида камолотга етдингиз, кўплаб ўринбосарлар етиштирдингиз, ўтган умрингиздан розимисиз?

— Йўқ, умрни бекор ўтказганимдан афсусланаман. Оллоҳ менга ҳозиргача ҳеч нарса билмаганимни энди англатди, — деб жавоб беридилар атлома.

Ҳа, киши қанча ихтиrolар қилмасин, билим чўққиларини ишғол этмасин, бу дунёю у дунёning янги янги сирру синоати унинг қаршисида забт этиб бўлмайдиган чўққидек намоён бўлаверади. Асади Тусийнинг фаолияти ва охир-оқибатдаги холосаси бунга далиллар.

ФИДОИЙ ЭЪТИҚОД

Шаҳар қозиси маҳбусни шариатга шак келтирганликда, даҳрийликда айблаб, Хўжай Атамдор тоғидан ташлаб ўлдириш хусусида хукм чиқарди ва хукмни ижро этишни икки жаллодга топширди. Жаллодлар икки қўли орқасига боғланган маҳбусни ҳайдаб тоғ этагига келдилар ва гуноҳкорни олдинга ҳайдаб тоққа чиқа бошладилар. Тоғ йўли ниҳоятда тик ва тор бўлганидан қиличларини ялонгочлаб олган қотиллар маҳбус боғ-

ланган арконни қўйиб юбориб, юз мاشаққат билан тепага интилишарди. Шу пайт баландрокқа чиқиб олган маҳбус улкан бир харсанг тошни силжитиб юборди. Ҳалиги тош икки қонхўрни пастга суриб кетди. Маҳбус бўлса тогма-тоғ қочиб юриб, умрининг ўн беш йилини Бадахшондаги Юмғон қишлоғи горида ўтказли. Бу киши файласуф шоир, маърифатпарвар адаб Абўмуиниддин Носир Хисрав эди.

Бўлажак шоир ва давлат арбоби Носир Хисрав 1004 йилда ҳозирги Тоҷикистоннинг Қубодиён шаҳрида дехқон оиласида туғилади. Бўлажак ҳалқпарвар шоир дастлаб ўз она шаҳрида ўқиб, яхшигина билим олади, кейинчалик Марвга бориб, мадрасада ўқийди, мустақил мутолаа билан шуғулланади. Носир Хисрав фалсафа, мантиқ, математика, тил билими, жуғрофия, табиётшунослик, тиб, адабиётшунослик, фикҳ, астрономия ва бошқа фанларни пухта ўрганиб олади. Бир шеърида шоир доим ўқиб, ҳамма илмларни ўрганишга интилганлигини қуидагича қайд этган:

Билим қидиришга урдим бошимни,
Бекорга ўтказмадим умримни бир дам...
Қайдаки, эшитсам илмудонишни,
Эшиги тагида ўлтурдим маҳкам....

Илмда камолотга эришган Носир Хисрав Балх, Марв шаҳрида давлат идораларида ишлайди, бир неча йил Марвда солиқ йиғувчиларга бошчилик қиласи. Маҳмуд ва Масъуд Ғазнавийларнинг мажлисларида иштирок этади, саджуқийлар маҳкамасида ҳам хизмат қиласи. Мана шу лавозимдалигига у шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнаткаш ҳалқнинг оғир иқтисодий ахволини, хонавайронлигини ўз кўзи билан кўради, виждони қийналиб, вазифасидан воз кечади. Шундан сўнг шоир 1046 йили укаси ва шогирди билан етти йиллик сафарга чиқади. У Шарқнинг жуда кўп мамлакатларида бўлади. Крхирада икки йил яшайди. Бу сафар шоирнинг меҳнаткаш ҳалқка бўлган меҳр-муҳаббатини ошириб боради, у ўз даври учун прогрессив бўлган ҳалқ ҳаракатини мавжуд тузум, ҳукмрон синфларга нисбатан норозилигини қўллаб-қувватлайди, илғор фикрларни тарғиб этади. Ҳукмрон синф ва руҳонийлар эркесевар шоирни кувғин қиласилар, таҳқир этадилар. Балх ҳокими ва уламолар уни қатл этиш ҳақида фармон чиқарадилар. Носир Хисрав дарбадарликда юриб, охири, 1063 йили укаси Абу-

саид билан Бадахшоннинг Юмгон ноҳиясидан паноҳ топади. Бадахшоннинг ўша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад исмоилия мазхабини қабул қилгани учун шоирни ўз химояси остига олади. У 25 йил давомида барча асарларини шу ерда битади, муаллимлик қиласди.

Айрим ривоятларга кўра, шоир горда яшаган. Носир Хисрав 1088 йили шу ерда вафот этади. Ҳазрати Сайид қишлоғидаги минорали мақбараси халқ зиёратгоҳидир.

Носир Хисравдан бизга қадар катта ҳажмда адабий ва илмий мерос сақланиб қолган. «Сафарнома», «Саодатнома», «Рӯшноинома», «Ҳикматлар мажмуаси», «Мусофириларнинг йўл озуқалари», «Важҳидин», «Күшшиш ва раҳоиш», «Хон-ул-ихвон» («Биродарлар хотни»), араб ҳамда форс тилларидаги иккита шеърлар девони шулар жумласидандир. Уз асарларида шоир илм-фани, касб-хунар, фойдали меҳнатни улуғлайди, илм ва касб ўрганишни тарғиб этади. Илмни баҳт-саодат қалити, деб билган шоир донишманд ва олимларни, билимдонларни таърифлайди, кишиларни улардан таълим олишга чакиради. Маърифатпарвар шоир зулм-зўрлик, жаҳолат ва нодонликни, талончилик ва товламачиликни қоралайди: халқ меҳнати, бойлиги эвазига айш-ишрат билан шугулланувчи, бойлик ортирувчи ҳукмронларни танқид қиласди. Хурросон амирларини бўрига ўхшатади:

Гурги ту, на мир Хурросонро,
Султон набувад чунин, ту шайтон.

(Сен Хурросоннинг амири эмас, бўрисан, султон эмас, шайтонсан.)

Носир Хисрав меҳнаткаш халқни, хунарманд, бинокор, дехконлар ва бошқа касб-кор эгаларини алоҳида таърифлаб, уларни жамиятнинг моддий неъматларини яратувчилар, деб билади:

Жаҳон шодлигининг боиси деққон,
Унинг бирла экинзор, боғу бўстон.
Бу ишдин яхши оламда не бордур,
Одам наслига бу иш ёдгордир.

Носир Хисравнинг «Сафарнома» асари алоҳида қимматга эга. Чунки унда адаб Озарбайжон, Афғонистон, Эрон, Суряя, Фаластин, Ирок, Туркия, Миср

сингари мамлакатларнинг географияси, табиати, илмфлни, хўжалиги, архитектураси, турли ҳалкларнинг турмуш маданиятига доир қимматли маълумотлар берган, қизикарли воқеаларни ёзиб қолдирган, холис баҳолаган.

Эркесвар шоир Носир Хисрав ўзи олқишилаган ҳалқпарварлик, маърифатпарварлик ҳамда инсонпарварлик гоялари билан ҳамиша бизга яқин ва меҳрибондир.

НОСИР ХИСРАВ ҲИКМАТЛАРИДАН

Доно сухбатидан сира қочмагил,
Таъсирин ўтказар сенга ҳам у тил.

Ақлга илм бирла бергил кўмак,
Ақл бу илмга харидор, демак.

Ақлнинг олтиндан ортиклиги бор,
Одам олтин билан бўлолмас хушёр.

Косибдан шоду хуррам йўқ жаҳонда,
Хунардан яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.

Кимки шогирдликка чин дилдан шод,
Бир куни ўзи ҳам бўлгуси устод.

Илм бирла етиш мумкин, биродар,
Заррачадан чиқиб қўёшга қадар.

Жаҳолат аҳли бирла қурма сухбат,
Етар ҳар дам бу ишдин жона заҳмат.

Ҳамиша халқинга меҳрибон бўлгил,
Яхшиликка тириш ва омон бўлгил.

* * *

Тутгил қариларнинг қалтироқ қўлин,
Қаригач билурсан кексалик йўлин.

* * *

Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан,
Онанг хизматида бўлгил ёшингдан.

* * *

Дўст топсанг сақлагил фидо этиб жон,
Дўст этагин қўлдан чиқарма осон.

«САФАРНОМА»ДАН

Искандария шаҳри Нил дарёси соҳилида жойлашган. Шу ердан Мисрга кема орқали мева олиб борадилар. Бу шаҳарда гаройиб бир минора кўрдим. Миноранинг қуббаси — учига қандайдир бир ойна жойлаштирилган бўлиб, ўзидан кучли нур чиқаарди. Румдан, яъни Истанбулдан чиқиб дарё орқали шу томонга келаётган ҳар қандай кема ана шу минора қаршисига келгач, ҳалиги нурда куйиб кетаркан. Румликлар (турклар) турли хийла ва жосусликлар билан бу ойнани синдирибдилар. Бир киши Миср султонига ўша ойнани аслига келтиришни ваъда берибди. «Бунга ҳожат қолмади, турклар усиз ҳам бизга совға-саломлар беряптилар, таъзим бажо келтираётлар», деб жавоб берибди султон...

Тунис шаҳрида буқаламун номли заррин мато тўқиляркан. Бу матодан тикилган либос бир кунда бир неча тусда товланаркан. Бундай матони бошқа ҳеч бир мамлакат ҳалқи ишлаб чиқмас экан. Шунинг учун Тунис буқаламуни Мағрибу Машриқда шухрат қозониди.

Макка шаҳрининг ҳавоси ҳаддан ташқари иссиқ бўлади. Қишида ҳам Макка бозорларида таррак, бодринг, бодинжон (помидор) кўрдим.

БИЛИМЛАР ХАЗИНASI

Ўн биринчи асрнинг ўрталарига келиб ҳозирги Фарғона водийси ва Қашқар ерларини ўз ичига олган Қорахонийлар давлати вужудга келади. Бу давлат худудида яшовчи элатларнинг кўпчилигини туркӣ шеваларда сўзлашадиган уруғлар ташкил қиласди. Қорахоний феодаллар бу тилни ўзаро сўзлашув қуроли, илм-фан, бадиий ижод тили сифатида жорий қиласди. Ҳокимлар турли қишлоқ ва шаҳарлардан олимлар, ижодкорларни саройларга йиғиб, уларни шу тилда ижод этишга ундар эдилар. Натижада X—XI асрларда Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Яссавий каби бир неча санъаткорлар етишиб чиқиб, туркӣ тилда ижод этдилар ва унинг тараққиётига муносиб улиш кўшидилар.¹¹

Ўз даврининг қомусий билим соҳиби, давлат арбоби Юсуф Хос Хожиб ана шу туркӣгўй ижодкорларнинг пешқадамидир. Юсуф 1020 йили қорахонийларнинг марказий шаҳарларидан бўлмиш Болосоғунда зиёлий оиласида дунёга келди. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, қорахоний ҳукмдорларнинг, феодал зодагонларнинг сайргоҳи дала ҳовлиси шу шаҳар атрофида жойлашган экан. Давлат бошлигининг ёзги кароргоҳи ҳам шу шаҳарда бўлган. Болосоғун Шарқ билан Фарб ўртасидаги савдо йўли устида жойлашгани учун савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, илм-фан анча тараққий этган, кўтшаб мактаб ва мадрасаларга эга бўлган шаҳар эди. Юсуф ана шу маданият ўчогида вояга етди, араб, форсий тил ва ундаги адабиётларни пухта ўрганди. Фалсафа, мантиқ, математика ва бошқа билимларни мукаммал эгаллади, давлат ишлари, идора қоидалари билан қизиқди. Шарқ донишмандларининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини кузатди. Юсуфнинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақидаги маълумотлар жуда оз. У 1069 йили «Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи билим») асарини Болосоғунда ёза бошлайди ва 1070 йили Қашқарда тутатиб, ҳоким Буграхонга тақдим этади. Китоб Буграхонга маъқул бўлади ва у Юсуфга «Хос Хожиб» унвонини беради. Ушандан бошлаб шоирни Юсуф Хос Хожиб деб атай бошлайдилар. Манбаларда, тадқиқотларда Юсуф Хос Хожиб умрининг охирги йилларини қандай ўтказганлиги ҳақида бошқа маълумотлар йўқ.

Юсуф Хос Хожибининг ҳаёти ҳамда унинг «Қутадғу

билиг» достони В. Радлов, С. Е. Малов, А. Фитрат, А. Валирова, Н. М. Маллаев сингари йирик олимлар томонидан анча пухта ўрганилган. Филология фанлари номзоди Қ. Каримов Наманган, Ҳирот — Вена, Қохира нусхаларини узоқ йиллар жиддий қиёсий ўрганиб достоннинг танқидий матнини нашрга (1971) тайёрларди. Асарнинг тўла русча таржимаси икки марта нашр этилган. Бундан ташқари «Қутадғу билиг»нинг поэтикаси, тил хусусиятларига багишланган докторлик диссертацияси ҳам ёкланган. Шуни ҳам мамнуният билан қайд этиш керакки, профессор Бокижон Тўхлиев достоннинг болаларбоп ихчам нусхасини яратди.

Юқорида таъкидланганидек, достон муқаддимасида шоир «Қутадғу билиг»ни 50 ёшида, яъни 1069—1070 йиллар орасида ёзиб тутатгани ҳақида маълумот беради:

Тегурди манга элги эллик яшим,
(Эллик ёшим менга қўлини тегизди)
Ўқир алтмиш менга эмди манга кел тею.
(Эмди олтмиш манга кел дея чорлаётiri).
Йил алтмиш ики эрди тўрут юз била,
(Тўрут юз олтмиш иккинчи йил эди)
Бу сўз сўзладим ман тутуб жон сура.
(Бу сўзни жонга яқин тутиб битдим).
Тугалўн саккиз ойда айтим бу сўз,
(Саккиз ой давомида тугатиб бўлдим).
Узурдим, азиредим сўз эвдим тера.
(Терлаб, ҳориб-чарчаб сўзни териб тиздим).

Асарда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида бундан бошқа аниқ бир ишора йўқ. «Қутадғу билиг» туркий тилда ёзилган илк дидактик достон, пандномадир. Муқаддима ҳам хотимадан ташқари 73 бобдан иборат бўлган бу асарда шоир ахлок-одоб, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидаси, турмуш тарзи, инсон маънавий оламиининг кўп масалалари хусусида бир маърифат жарчиси сифатида фикр юритади. Юсуф Ҳос Ҳожиб достонда марказлашган давлат учун кураш, донишманд, адолатли хукмрон гоясини илгари суради, халқ ва давлат, давлат бошлиги ва фуқаро, олимлар ва ҳоким, қўшни давлатлар билан иқтисодий маданий алоқалар, хукмрон табакаларнинг ҳокимиият, хачқ олдидаги бурчи ҳақида дав-

ри учун гоятда илгор бўлган ижтимоий-фалсафий мушоҳадалар юритган. Дехқонлар, хунармандлар, чорвадорларни жамиятнинг моддий неъматларини яратувчи тоифалар сифатида алоҳида таърифлаган. Фирдавсий, Ибн Сино, Беруний, Носир Хисрав анъаналарини давом эттирган Юсуф Хос Ҳожибининг мазкур асарида математика, астрономия, география, фалсафа, мантика, сиёсат, тибиёт, туш таъбираини айтиш, хуллас, ўша замоннинг барча билимларига доир фикрларни учрашиш мумкин. Бу эса Юсуфнинг чуқур ва кенг билимли бир санъаткор эканлигини кўрсатади.

Асарнинг айрим бобларида мулоҳаза ва қайдлар синчилаб кузатилса, Юсуф Хос Ҳожиб умрининг сўнгги йилларини хор-зорликда ўтказганлигини илғаб олиш кийин эмас. Жумладан, «Китоб эгаси Юсуф-Улуғ Ҳожиб ўзига панд беради», «Замонга бузуқилигини, дўстлар жафосини айтади» бобларида шоирнинг моддий ахволи, яшаган ижтимоий ҳаёт ҳакида жиддий фикрлар бор. Ўқувчилар тўла тасаввур ҳосил қилиши мақсадида «Қутадғу билиг»нинг Қ. Каримов ҳозирги адабий тилга табдили билан нашр этган нусхасидан ўша ўринларининг мазмунини келтирамиз:

Турайин, борайин, оламни кезайин,
Вафоли ким экан оламда, кидирайин...
Вафо қаҳати бўлди, дунё жафо билан тўлди,
Вафо кимда экан мен озроқ сўрайин.
Агар мен бирорта вафоли, одамни топсам,

Елкамга кўтариайн, юзимга сурайин,
Агар мен вафоли одамни топа олмасам,
Ёввойи кийик билан тириклик қиласайин.
Емишим ўт бўлсун, ичишим ёмғир бўлса бас.

Кум тепада тунайин, қоп тўн кияйин,
Ё мен ваҳший бўлиб, биёбонларда югуриб,
Одамлардан йироқлашайин, оламдан йўқолайин.
Бу ҳам етмайдиган бўлса, дунёни мутлақтарк этдим,

Дарёдек окайин, тўзондек тўзайин.
(Эй) эгам, мунгта гирифтор бўлдим, вафосизларга
дуч келдим.
Вафоли ким экан, севикли жонни бағишлайин.

Одамнинг оти қолди, кишиларни (яхши) феъли кетди,
Бу феъл қаерга кетди, кетидан мен (ҳам) борайин.
Дунёда меҳрибон одам йўқ, (анчайин) қидирдим,
Мехрсиз(лар)га кўнглімни қандай қилиб boglaiin.
Кимни ўзимга кўздек якин тутган бўлсанм,
Шайтондек душман бўлиб чикди, шайтонни нима
килайин.

Кимни севган бўлсанм, ширин жон каби тутдим,
Ундан жафо келди, бас кимни севайин.

Шундан сўнг шоир энг севикли кишилари, ёру биродарлари, қариндош-уруглари, ош-тузини ичганлари ҳам ундан юз ўигрганларини бирма-бир санаб ўтиб, чин одам топа олмай ёлғиз изтироб чекаётганини, одам ҳам, олам ҳам бузилганини баён қиласди:

Ҳамма эзгу(лар) ўлди(лар), (эзгу) қонун-қоида, одатларни ўzlари билан олиб кетдилар.

(Эдам(лар)нинг энг пасти қолди, қанақа эзгу топайин.
Ушбу қомат кериб юрганлар барчаси одам бўлса,
Улар (яни, ўлганлар) фаришта эканларми, қаердан билайин.
Улар ўлиб кетдилар, мен булар билан қолдим,
Қандай юрайин, қайси феълим билан ярайин.
Мен қанча сўзлаганим билан барибир сўз тутгамайди,
Мана шунчаси бас, яна сўзнинг нимаси, кўздан гойиб
бўлайин.

Ўзим учун бундан яхшироқ ҳеч нарса топмадим.
Қишлоқ, шаҳарни тарк этайин, одамлардан йирокдашайин.

Отимни билмасинлар, ўзимни кўрмасинлар,
Излаб топмасинлар, сўзимни тутгатайин.
Чаёндек чақадилар, чивиндек сўрадилар,
Кўппакдек қопадилар, қайси бирини урайин.
Жабру жафо барчаси менга тегмасин,
Тубан, бевафо(лар)дан четроқда юрайин.

Кўриниб турибдики, шоир мавжуд ижтимоий муҳитдан, замондан, ўзи мансуб бўлган ижтимоий табакалардан қаттиқ шикоят қилмоқда. Афтидан, Юсуф Хос Ҳожиб ҳаётининг сўнгги йиллари марказлашган Қораҳонийлар давлати парчаланиб, ўзаро феодал урушлар авж олиб олдинги хукмонлар кувғин қилинган бир даврга тўғри келган. Чунки, юкоридаги парчаларда муаллиф зулм-зўрлик кучайган, вафо ва садоқат, осоиишта турмуш, дўстлик қаҳати бўлган замона «чаён-

'нк чақадиган», «кўпакдек қопадиган» кишилар биш тўлган давр ҳақида гапирмоқда. Тўғри, ўтмишдаги парча гуманист санъаткорлар ҳам чархнинг кажраф-юр.шигию, зулм-зўрлик, вафосиз, беоқибат дўстлардан юрланишган, мавжуд тузум иллатларини қаттиқ танқид қилганлар. Лекин Юсуф Хос Ҳожибдаги шикоят пошқача. Шоир ўтмиш, осойишта даврни, кўлдан кети: мавқени қўмсамоқда, мархум маслакдошларини изшмоқда. Демак, бу даврда Юсуф мансабдан кетиб, барча пмгиёзлардан маҳрум бўлган. Энди ҳеч ким уни назар-исанд қилмайди, таҳқир этади, камситади, баъзи яқин-при, дўст деб юрганлари ҳам душманлик қиласидар. Шунинг учун у ўзи яшаётган муҳитни рад этади, дашту саҳороларга бош олиб чиқиб кетгиси келади. Бундай ёётдан ўлимни афзал кўради. Адабиёт тарихида бу хилдаги фактлар кўп учрайди. Чунончи, юз элининг юкори Ілбақаларидан бўлмиш Турди Фароғий Абдулазиз дарго-ида хизматда эканида катта обрўга эга эди. Ҳокимиёт-11и Субхонкулихон эгаллагач, шоир саройдан четлаштирилади. Энди барча дўстлари, қариндош-уруглари Турдидан юз ўгиради. Шоир ҳалқ томонига ўтади, қўзғолонларда иштирок этади, зулм-зўрлик, номардликни лаънатлаб, ўзбек элатларини бирликка чорлайди. Белдан кучи, қўзидан нури, ӯнаридан барака кетгач, Мужрим Обиднинг уруғ-аймоқлари ҳам, бир ўғил, беш киз ва хотини ҳам унга қайрилиб бокмай, шоир дарбадарликда умр кечирган.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам мансаб-мартабадан маҳрум бўлгач, феодал зодагонлар назаридан қолган, олдинги самимийлик, одамийликдан асар ҳам йўқ. Натижада шоир «мудом мунг чекиб» ҳасрат-надоматда, ҳаётдан қатъий норозилиқда яшаган.

Бас шундай экан, Буғрохонга тақдим этилиб, Хос Ҳожиблик мансабига сазовор қилган «Қутадғу билиг» таркибида бу шикоятнома қандай қўшилиб қолди, деган савол туғилади. Бизнингча, асарнинг бир нусхаси шоир тасарруфида бўлган. Ҳаётининг ғам-асрат тўла кунларида китоби унга ҳамдаму ғамроҳ бўлган. Ана шу пайтларда асарнинг охирига ҳасби ол характеридаги мазкур бобни илова қилган.

Достоннинг ҳозирги қўлёзмалари шоир қўлидаги дастхатдан кўчирилган нусхалар бўлиши керак. Профессор Б. Тўхлиев «Қутадғу билиг»нинг бадиий қимматини тадқиқ этган бўлса-да, унинг кўп жиҳатлари ҳамон ўз ечимини кутмокда.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ҲИКМАТЛАРИДАН

Билимни буюк, ўқувни улуг бил,
Бу икки нарса инсонни улуглайди.
Заковат қаерда бўлса улуглик бўлади,
Билим кимда бўлса буюклик бўлади.

Сўзингта эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин,
Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин.

Сен ўзингга эсонлик тиласанг
Тилингдан яроқсиз сўзни чиқарма.

Билиб сўзлаган сўз донолик саналади,
Нодоннинг сўзи ўз бошини ейди.

Сўзни кўп сўзлама, бир оз сўзла,
Туман сўз маъносин бир сўзда кўзла.

ҲИКМАТЛАР АТРИЁТИ

Нақл қилишларича бурунги ўтган замонда бир бадавлат одам яшаган экан. У умр бўйи йиккан бойликларини олтин тангаларга айлантириб бир ҳамёнга тўплаб юрар экан. Иттифоқо ўша давлатманд вафот этибди. Кунлардан бир кун ўғилларидан бири туш кўрса, отаси мушукка айланиб қолган эмишу ўша ашрафий тангалар солинган ҳамённи беркитган жой атрофида айланиб юрганиши.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, Сизни ким бу кўйга солди, отажон, — сўрабди ўғли.

— Кимдаким дунё молига хирс қўйиб, йиғса, шубҳасиз мушук сичқонни пойлагандек, бойлиги атрофида саргардан юради, — дебди отаси.

Шундан сўнг ўғиллари отадан қолган бойликни бева-бечоралару мадраса талabalariга тақсимлаб бериб,

нлфси амморини чеклаб, ишқи илохий йўлида фидойи-
|пк билан риёзат чекиб, яшай бошлабдилар.

1'ивоят қилишларича бир Хожа кундан-кунга бойиб
костиерибди, замонасадаги энг гўзал қизга уйланибди.
Флиқулодда омад, гўзал маликага эришган Хожа босар-
|усарини билмай қолибди, ортиқча айш ишратга, ис-
рофгарчилигу қиморга берилибди. Натижада орадан кўп
VI май бойлигининг қули қўкка совирилибди, ночор қол-
.1нилан хурлиқодек хотинини ҳам қул сифатида сотиб-
ли. Энди ҳеч иши ўнгидан келмай, килмишидан афсус,
надоматлар чекиб дунёдан ўтибди. Ношуқрлик, ноте-
АЛМЛИК, такаббур уни шу кўйга солибди.

Бу икки ҳикоят форс-тожик адабиётининг даҳола-
ридан бири, Шарқнинг буюк мутафаккири Фаридид-
111Н Атторнинг «Илохийнома» китобида зикр этилган.
Шоир асарларини кўздан кечирав эканмиз уларда ин-
сонларни раҳмоний йўлга даъват, шайтоний йўлдан пар-
|сз қилишга ундаш етакчи эканлигини билиб оламиз.
Бўлажак беҳамто санъаткор Фаридиддин Абўҳамид иб-
пи Абубакр Иброҳим 1145 йили Нишопур вилояти-
нинг Кадакон қишлоғида аттор ва табиб оиласида ду-
пёга келган. Бир шеърида Аттор доришунос ва дўкон-
дор бўлган «отам ҳузурига баъзан беш юз киши тўпла-
парди», дейди. Адиб болалиги ана шу шоиру фузало,
олиму ҳозиклар даврасида ўтади, хусусий муаллимда
(амонасадаги барча билимларни ўрганади. Бир тўртли-
гида Аттор билимларимнинг поясини «фикҳ, тафсир
ва ҳадис ташкил этади» деган бўлса-да Нишопур ва
Машҳад мадрасаларида таҳсил кўриб, нужум, ҳайъат,
габобат, фалсафа, мантиқ каби билимларда ҳам камо-
лот касб этган, забардаст шоир, олим, хаттот, машойих
даражасига етади. Аммо ота касби дорифурушлик, ат-
торлик билан кун кўради. Фаридиддин дўкондорлик
билан бирга муттасил бадиий, илмий ижод билан шу-
гулланган. Барча тазкиранавислар унинг меросини
71 — 149 та асардан иборат деб кўрсатишади. Лутфали-
бек Озар «Мусибатнома», «Илохийнома», «Асрорно-
ма»— шогирди Жалолиддин Румийга бағишланган,
«Мухторнома», «Мантиқут тайр», «Хусравнома», ғазал-
лар девонию рубоийларининг миқдори 50 минг байт,
деб таъкидлаган. Шоир рубоийларининг ўзи 5000 минг
байтдан ортиқdir; юзлаб қасидаю мингдан зиёд ғазал-
ларни ўз ичига олган шеърлар девони бизга қадар му-
каммал етиб келмаган. Адибнинг насрий асарларидан
фақат «Тазкирот-ул-авлиё»гина бизгача тўла сакланиб

қолган. Шоир 1221 йили Нишопурда вафот этган. Замонасининг кўп шоҳу зодагонлари Атторни ўз даргохларига тортмоқчи бўлган. Лекин мутасаввиф шоир бу таклифларни рад этиб, ота дўконида умргузаронлик килган.

Фаридиддин Аттор ўз ғазалларию рубоийларида кўпроқ мажозий ва ҳақиқий ишқни тарғиб этган, ирфоний маърифатни мӯъминлар руҳиятига сингдиришга интилган. Аксарият ғазалларида шоир ҳаёт маъбуласини мадҳ этади, ундан нозу карашмали висол онларини дарег тутмасликни, ҳеч бўлмаса жаврини кам қилмасликни илтижо этади. «Офтоб», «Бу кеча», «Дам урманил», «Келибдур», «Биздан», «Ишқинг» каби радифли ғазалларида ишқ дардида «қалби бирён», «дида гирён», «жигарсўзон» бўлган ошикнинг ранг-баранг руҳий холатлари, шодниклари ўйноқи байтларда гоятда нафис тасвирланган; табиат жозибаси, Наврўзи оламнинг бетакрор фусункорлиги васф этилган:

Надидам ҳеч вақте лаъли хандонаш,
Ки хун аз чашми гирёнам наёmad.
Чи тебе буд дар зулфи чу шасташ,
Ки он сад бор дар жонам наёmad.
Басе достон бикардам, лек дар даст,
Сари зулфаш ба дастонам наёmad.
Сари зулфаш басе дорад раҳи дур,
Вале як раҳ ба поёнам наёmad.

(Лаълингни ҳеч кўрмадим, шунинг чун кўзимни қон ёшсиз кўрмадим. Зулфинг гажаги тобланган билан, жонимга бир ором бермади. Қўлларимни неча илтижо билан узатсан ҳам, соchlари қўлимгага келмади. Зулфига етмоқ йўли олис бўлгани учун, бу йўл бизга ҳечам яқин келмади.)

Бошқа бир ғазалида шоир «ёrim дардида бир оҳ тортсам, даҳонимдан чиққан тутундан оламни зулмат қоплади» — дейди. Баъзи ғазалларида шоир ҳақиқий ишқни ўзига хос йўсинда тасвирлаб, китобхон қалбida ҳақ нурига талпиниш ҳиссини уйғотса, бир қатор шеърларида замона иллати-ю кишилар ўртасида юз берадиган каззобликни рўйрост танқид қиласди, уларга шайтоний йўлдан раҳмоний йўлга киришларини кўрсатади.

Аммо Фаридиддин Атторга жаҳоний шухрат келтирган асарлар унинг рубоийлари, маснавийларию «Тазкирот-ул-авлиё»сидир. Зероки бу асарларида адиб, бир

тмондан, сўғизм таълимотидаги таваккул, ишқ, маъри-(>п, шариат, тариқат, шукр, ризо, қаноат, нафс, тав-иҳид, қақиқат, адолат, ҳиммат, хайр-саҳо, жавонмард-лик сингари талаб ва йўлларни ташвиқ этади, мутлақ мояга етмоқ учун заҳмат-риёзат чекмок" шартлигини уқтради, иккинчи томондан эса, ўз илмий-назарий фикрлари, таълимотини асослаш, тасдиқлаш учун тарихий воқеалардан, ўз хаётий тажрибаларидан, ўтмиш майоийхлари кечмишларидан юзлаб ҳикоялар, масал-шр, маъвизалар келтиради. Жумладан «Илоҳийнома» достонидаги воқеанинг асосини би-лан савол-жавоби ташкил этади. Ўғиллар мажозий тим-соллар бўлиб, нафс, шайтон, акл, илм, факт ва тавхид-пи билдиради. Савол-жавоблар асносида санъаткор ўзидан олдин ўтган машоийхлар, тарихий шахслар ҳамда (амондошлари ҳаёти билан боғлиқ 282 та ҳикоят келгиради. Уларнинг айримлари тарихий ва илмий аҳамиятга ҳам моликдир. Жумладан, Фаҳриддин Гургопий, Маҳости Хўжандий, Робиа Балхий ҳақидаги ҳикояту ривоятлар бу санъаткорлар ҳаёти, ижодий биографиясини яратишда ҳам қимматлидир.

Гарчи шоир «Мантикут тайр» достонида ўттизта күш саргузашти орқали ишқи илоҳийни қўйлаган бўлса-да, аммо асар тарқибидаги «Шайх Санъон» қиссасида дунёвий севги тамойиллари хийла кучлидир. Буни биз

Шайх Санъон томонидан Тарсодухтар қўйган шартларни бажаришдаги садоқати, охир-оқибатда христлан-канинг ҳам мўйсафид фидоийлигига акс жавоби, уни излаб Маккага бориши лавҳалари тасвирида кузатамиз.

Юқорида таъкидланганидек ахлоқий-таълимий мөҳиятдаги «Асрорнома» Мавлавий Румийга бағишлиланган. Зероки, Румий отаси билан ҳаж сафари пайтида бир неча кун Нишопурда Аттор сұхбатларидан баҳраманд бўлган, унинг меҳрини қозонган. Румийдаги билимга чанқоқлик, теран мушоҳидаю ҳалимлик шоирга хуш ёққан. Жалолиддин Румий ҳам ўз асарларида Атторни кўп тилга олади, ундан муруvvват қўргани, файз топганлигини алоҳида уқдиради. Ун икки мақолатдан иборат бўлган мазкур достонда тасаввуф таълимоти ҳақида маълумот берилади; сўғизм истилоҳлари шарҳланади, жавонмардлик таълимоти кенг изоҳланади. Мақолатларда келтирилган ҳикоятларда Аттор акл-заковат, хушёрлик, сир сақааш, яхшилиқ, эҳсон, ширинсу-ханлик, ростгўйлик, вафодорликни ташвиқ этиб, зулм, гафлат, гаразгўйлик, фитна, фийбат, ёлғончилик ва гина-кудратни танқид қиласди.

Фаридидин Аттор сўфизмдаги солик ва пир муносабатларини муқаддима ва хотимадан ташқари 40 мақола (боб)дан иборат «Мусибатнома» достонида хийла батафсил ёритган. Достон инсоннинг спермадан пайдо бўлиб, то камолот чўққисига етгунча қадар бўлган босқични батафсил тасвирлашга бағишланган. Инсон балофат ёшига етгач, ўз аслини англаш пайига тушади; оламнинг тузилишини ақл тарозуси билан ўлчай бошлияди. Шунда уни тўғри йўлдан бошловчи бир пайдо бўлади. Шоир ана шу раҳнамо тилидан сўфизм тарафдори, шогирд-соликнинг қандай бўлишини, бурч ҳамда вазифаларини бирма-бир баён этади. Натижада ўзининг ҳаёт ва коинот, инсоннинг ўзлигини таниши; ҳаққа етмоқ учун ҳис, ҳаёл, ақл, дил ва жон водийларини босиб ўтиш хусусидаги, ақлий ва қалбий фикр ҳақидаги мураккаб назарий мулоҳазаларини изҳор этади. Булар «Баҳлул», «Мажнун», «Девона қиссаси», «Нух ибни Мансур», «Маъсуд Ғазнавий», «Хизматкор ва шоҳ қизи», «Наср бинни Аҳмад» сингари 340 та ҳикоят ва масаллар орқали тасдиқланиб, зийнатланиб борилади.

Муаллиф нафс ва уни асраш, маърифат ва одамийлик, саховат ва жавонмардлик хусусида «Мухторнома»да фикр юритар экан, юздан ортиқ сўфиистик истилоҳларни изоҳлаб-шарҳлаб ўтади; замонасидағи айрим хукмронлар, уламолару руҳонийларда учрайдиган зулм, разолат, риёкорлик, фиску фужур, ҳаромхўрлигу таъмагирчиликни қаттиқ қоралайди. «Мухторнома» сўфизм назариясига доир жиддий қўлланма бўлиш билан бирга пиру солик ўртасидаги садоқат хусусидаги бир панднома ҳамдир. «Хусравнома» достони ҳам ижтимоий-фалсафий, ахлоқий таълимий, комил инсон масалаларига бағишланган.

Аттор ижодининг фалсафий, ирфоний жиҳатларини машҳур олимлар Е. Э. Бертельс ва А. Муҳаммадхўжаевлар томонидан маҳсус ўрганилган; профессор Н. Комилов «Илоҳийнома»нинг бир қисмини насрда таржима қилиб, «Тавҳид асрори» тадқиқоти билан (1994) бирга нашр эттиради; олим Маҳкам Маҳмудов «Аттор ва Навоий» номли мақола эълон қилди.

Юртимизда маънавият ва маърифат тарғиби, таълимига маҳсус эътибор берилаётган шу кунларда бобомиз Навоийдек даҳоларни ўзига ром этган Фаридиддин Аттор ижодини ҳар томонлама ўрганиб, тарғиб этиш фақат наф келтиради, холос.

МАЬНАВИЯТ ПЕШВОСИ

Кунлардан бир кун бир Қурбақа анҳор бўйига сув-
||,|м сакраб чиқса, уясидан чикиб турган Сичқон салом
Г’к-рибди. Қурбақа алик олибди. Икки орада дўстлик
плайдо бўлибди. Сичқон дўсти билан сухбатлашиб тур-
1иси келаркан. Аммо Қурбақа сувга шўнгигб кетаверар-
к;ш.

— Мен сен билан чақ-чақлашиб юргим келади. Сен
(>ўлсанг бир сония сухбатлашмасданоқ сувга тушиб ке-
ишерасан, — дебди Сичқон ўпкалаб.

— Ундай бўлса, узун ип топайлик-да, бир учини
сенинг белингга, иккинчи учини эса менинг белимга
боглаб кўяйлик, қачон керак бўлсам, ипни тортсанг
чиқиб келавераман, — маслаҳат берибди Қурбақа.

Шундай қилишибди ҳам. Иттифоқо бир куни Сич-
қон уясидан чиқиб, офтобда ётган экан, учиб бораёт-
1ин Лочин таппа чанглаб осмони фалакка кўтари-
либди. Ипнинг иккинчи учида Қурбақа ҳам жон хо-
иучлаб бораркан. Нодон ва ножинс дўстнинг ақлсиз
маслаҳати икковини ҳам овчи домига гирифтор этиб-
ди.

Дунё эпик шеъриятининг гултожиларидан бири «Маснавии маънавий» мингдан зиёд ана шундай ибра-
томуз хикоятлар мажмуаси бўлиб, 25 минг байтдан ибо-
рат. Унинг муаллифи буюк мутафаккир, файласуф шоир
Жачолиддин Румий ёки Мавлавий Румийдир. Бўлажак
санъаткор Жалолиддин 1207 йили Балхда зиёли оила-
сида туғилади. Унинг отаси Баҳоваддин Валад сўфизм
ва фикҳ донишмандларидан бўлиб, замонасининг энг
обрўли алломаси эди. Шунинг учун ҳам Султон Му-
ҳаммад Хоразмшоҳ (1199—1220) уни саройга даъват эта-
ди. Лекин Валад бу таклифни рад этиб, мактабдорлик
камда илмий-ижодий ишлар билан машғул бўлади.
Унинг обрўси кундан-кунга ошиб, турли ўлкалардан
шогирдлар оқиб кела бошлайди. Буни кўролмаган Хо-
размшоҳ саройда унга нисбатан бўхтон тарқатади. Сул-
тон ғазабидан кўрқкан отаси Жалолиддинни б яшар-
лигига 400 шогирди ва оиласи билан Маккага караб
сафарга жўнайди. Баҳоваддин Валад йўлда Хуросону
Эроннинг кўп шаҳарларида тўхтаб, замонасининг буюк
донишмандлари билан ҳамсуҳбат бўлади. Жумладан,
Нишопурда Фаридиддин Аттор хузурида бир неча хаф-
та яшайди. Аттор ёш Жалолиддинни севиб колади,
кейинчалик «Асрорнома» достонини унга бағишлиайди.

Жалолиддин Дамашқ ва Бағдод мадрасаларида, буюк олимлар хузурида илм ўрганишни давом эттиради, Ҳалабда ҳадис, тарих, фалсафа, калом ва илми бадеъ алломаларидан бўлмиш Умар бинни Аҳмад бинни Ҳиббатуллоҳдан дарс олади. Ана шу йиллардан бошлаб у «Румий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Шундан сўнг Жалолиддин Румий Кунё шаҳрига келиб муким яшай бошлайди ва мадрасаларда дарс айтади.

Барча манба ва тадқиқотларда Жалолиддин Румий шахсияти камолотида буюк шоир ва шайх Шамси Табрезийнинг таъсири кучли эканлиги таъкидданади. Румийнинг ўзи ҳам бир шеърида «Агар Аттор менга рух баҳш этган бўлса, Шамси Табрезий тилсим қалитини тутқазди», дейди. Зероки 1244 йили Шамси Табрезий Кунёга келади ва Румий уч йил давомида ундан муттасил дарс олади: фалсафани, хусусан, сўфизм таълимотини мукаммал эгаллайди, батамом унинг руҳиятига ўтиб кетади. Шунинг учун 1247 йилги бир исён пайтида Шамси Табрезий бедарак йўқолгач, Румий ўз ғазалларида «Шамси Табрезий», «Шамс» тахаллусларини кўллай бошлайди. Шоир ғазалларининг «Шамси Табрезий девони» номи билан шуҳрат қозонишининг боиси ҳам шунда. Жалолиддин Румий 1273 йили вафот этган.

Жалолиддин Румийдан бизга қадар шеърлар девони, «Макотиб», «Фих мо Фих» ҳамда «Маснавии маънавий» китоблари мерос бўлиб қолган. «Фих мо Фих» насрый асар бўлиб, олимнинг турли мажлис ва сұхбатлардаги фалсафий нутқларининг мажмуасидир. «Макотиб» эса муаллифнинг замондошлари ва устозлари билан бўлган турли ёзишмалари — мактубларидан иборат. Ҳар икки китобда ҳам муаллифнинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий мушоҳадалари, сўфиёна қарашлари ўз аксини топган. Шоир девони 25 минг байтдан зиёд шеърларни ўз ичига олган. Жалолиддин Румий мажозий ишқ билан илоҳий севгини шу даражада юқори пардада, жўшу хурӯш билан тасвирлайдики, профессор Р. Ҳодизода таъкидлаганларидек, «ўкувчи ғазалларнинг сўфиёна маъносини батамом унутиб, уларни лирик шеъриятнинг тенгиз намуналари» сифатида қабул қиласи. Шоирнинг аксарият шеърларида айрилиқ дарди ҳам, ошиқнинг ёрига илтижоси-ю хусну камоли ҳам ажиб бир жозибада тасвирланади:

Аз руҳу лаб гулшакар бисёр дорад ҳусни ту,
Кошки, бифрўхти, то порае бихаридаме.

(Сенинг хуснинг — юзингу лабларинг гулшакар ман-Оайдир, кошки сотсанг эди, бир оз сотиб олган бўлардим). Шунинг учун ҳам ўтмишда яратилган кўп ишқий қиссаларда гоҳ ошиқ тилидан, бальзан маъшуқа нутқи-пан Румийнинг ғазаллари кўплаб келтирилади.

Шоир рубойлари ҳам мавзу жиҳатидан ранг-Г>аранг, гоявий йўналиши, бадиий қудрати нуқтаи на-шридан ғоятда мумтоз ва жозибdir. Уларда ишқ-му-аббат, ахлоқ-одоб, ижтимоий-фалсафий масалалар ифодаланган:

Дури зи бародари мунофиқ беҳтар,
Парҳез зи ёри номувофиқ беҳтар.
Хоки қадами ёри мувофиқ, ҳаққо,
Аз хуни бародари мунофиқ беҳтар.

(Мунофиқ биродардан йироқ юрган яхши, номуво-фиқ ёрдан кўнгил узмоқ яхши. Худо ҳаққи, содик ёр-нинг хоки пойи, мунофиқ биродар қонидан яхши).

Хоҳики ҳамеша шоду хуррам боши,
Ҳаржо ки рави, азизу маҳрам боши.
Покиза шаву рост бизи, илм омуз,
То тожи наберагони Одам боши.

(Ҳамиша шоду хуррам яшаб, қаерга борсанг азизу мукаррам бўлишни истасанг, покиза бўл, тўғри яша, илм ўрган. Ушанда Одам Ато набираларининг тожига айланасан).

Буюк мутафаккирга оламшумул шуҳрат келтирган асар «Маснавии маънавий» китобидир. Зероки бу маснавийнинг ўзига хос яратилиш тарихи бўлгани каби, унда ифодаланган масалалар қамрови ҳам ҳад-худудсиз. Етти жилд (дафтар)дан иборат асарнинг дастлабки қисмларини шогирди Ҳисомиддин Чалабий устози оғиздан ёзib олиб, кейин таҳриридан ўтказган. Чалабий вафотидан сўнг Румий асар давомини ўн йилда ёзib тутатди. Китоб ўз вақтида ва кейинчалик ҳам муаллиф номини дунёга кенг тарқалишига сабаб бўлади. Чунки, биринчидан, Жалолиддин Румий маснавийда Шарқу Фарб олимларининг, ҳатто, антик дунё файласуфларининг фалсафий қарашларини кенг ўқувчилар оммасига тушунарли ва содда бир услубда шеърий йўл билан таърифлаб беради, шарҳлайди; турли сўфиистик оқимлар ҳамда уларнинг таълимот ва талаблари билан боғлик

назария, атамаларни лўнда тарзда тушунтиради. Иккинчидан, ўзининг ижтимоий-фалсафий, диний, сўфистик қарашлари баёни жараёнида жуда кўп ҳикоят, афсона, масал ва латифалардан фойдаланади. Саноий ва Аттор каби сўфи шоирлардан фарқли ўларок Румий ҳикоятлари ҳаёт ҳақиқатига яқинроқ; уларнинг ҳар бирида қиссадан ҳисса тарзида алоҳида ҳикматомуз хулосалар, танбехлар мавжуд. Масалан, «Баққол ва Тўтининг ёғни тўкиб юбориши», «Савдогар ва унинг Тўтиси», «Саховатда Хотами Тойдан ўтган халифа», «Қазванийнинг кураги остига нақш тушириши», «Карнинг бемор қўшнисини кўришга боргани», «Луқмон ва куллар», «Муҳтасиб ва маст» сингари юзлаб ҳикоятларда Жалолиддин Румий ношудлик, фирромлик, тухмат, калтафаҳмлик, такаббур, судхўрлик, баднафслик сингари ғайриинсоний ҳатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралаб, аклу фаросат, сабру қаноат, ростгўйлигу ҳалоллик, камтарлигу саховатпешаликни тарғиб этади. «Мен етмиш икки миллат билан иттифоқда ва бирлиқдаман» деган Румий жуда кўп ҳикояларида инсон қадрини улуғлайди, инсонпарварлик ғояларини исломий аҳкомлар билан чамбарчас боғлаган ҳолда тарғиб ва ташвиқ этади.

«Уч ўгри ва боғбон», «Лўли бола», «Туя ва ҳаммом», «Муаллим ва шогирдлари» сингари бир туркум ҳикояларда Румий ҳаётий иллатлар, инсонларда учрайдиган салбий хислатлар устидан лутф билан кулади, ҳажвий ҳолат яратади. Муаллимнинг лоқайдлиги, ўз касбига бефарқ қарashi, камфаросатлигидан фойдаланган ўқувчилар «устоз, бугун рангингиз сарғайиб қолибди, кўзларингиз қаърига тортиб кетяпти» деб ваҳимага солиб, ўзларига қўшимча «озод кун» олишга муваффақ бўладилар.

Истамбул шаҳридан 200 чақиримчалик Ғарбий-Шимолда Кунё шаҳри жойлашган. Бу кўхна маънавият манзилгоҳига яқинлашганингизда кўз олдингизда осмонўпар нилий гумбазли мақбара намоён бўлади. Обида рўпарасига келсангиз, унинг юз хил нақшу нигорли зийнати кўзни қамаштиради. Унга ганч ўймакорлиги, ёғоч ва мис қандакорлиги санъатининг қилқалам усталари қадимий услубда зеб берган. Бутун пештоқлар, деворлару устунларга, ҳатто дарча панжараларига Қуръони Карим оятлари сабт этилган. Уларни ўқишга «тишингиз ўтмаса» ҳам моҳиятини мақбара гумбазининг қайси бир гўшасидан тарапаётган най садоси вужудин-гизга сингдириб юборади. Жалолиддин Румий бир

Оайтида Оллоҳ бизга барча фарз ва суннатларни бажа-риш, бир-биримизга ғамхўрлик қилиб яшаш учун умр Оерган, деган фикрни изҳор этади:

Зиндаги омад барои бандаги
Зиндаги бебандаги шармандаги.

Найнинг сеҳрангез оҳанглари бандаларига шоир-пинг ана шу байтларини ҳам эслатаётгандай туюлади. Унинг мақбарасини зиёрат қилиш ва даъваткор най навосини эшитиш ҳаммага насиб этсин!

ЖАҲОЛАТНИ ҚОРАЛАБ

Ахмад Яссавий умр бўйи Худо йўлида фидоийлик билан хизмат қилган, ислом фарзу суннатларини тар-ғиб этиб, инсон қадрини эъзозлаган санъаткордир.

Бўлғувси шоир ва дину шариат пешвоси Хўжа Ахмад Яссавий XI асрнинг ўрталарида Сайрамда Иброҳим ота оиласида дунёга келади. У гўдаклигига ёқ она-сидан, 7 яшарлигига отасидан ажралади. Уни бобоси Арслон бобо (Арслонбоб) тарбиялайди. Балофатга етгач, у отаси Шайх Иброҳимнинг мурид-халифаларидан бири Мусо шайхнинг қизи Ойшага уйланади. Унинг Иброҳим отли ўғли, Гавҳари Шаҳноз отли қизи бўлган. Ахмад дастлаб Яссида ўқийди, сўнгра бобосининг тавсияси билан Бухорога бориб, мадрасада таҳсил кўради. Бу ерда у фикҳ илмининг устози Шайхулислом, тасаввуф фалсафаси донишманди Юсуф Ҳамадонийдан таълим олган.

Асли Эроннинг Ҳамадон вилоятидан бўлган Юсуф Эрон ва Ҳиндистонда ўқийди. Имом Фаззолийнинг устози Шайх Абу Али Фарюмодийдан дарс олади. Сўнгра Хурросону Мовароуннахрга келиб Марв, Самарқанд, Ҳирот, Балх, Бухоро шаҳарларида фаолият кўрсатади, Бухоро мадрасаларида бир неча йил дарс айтади. Умрининг охирида Марв сафарида Бомиёнда вафот этади, шогирдлари жасадини Марвга элтиб дафн этадилар.

Ахмад Яссавий устози вафотидан кейин бироз вақт Бухорода унинг ишини давом эттиради. Яссавий фаолиятининг дастлабки йилларида ёқ ўз дунёқарашини халқ орасида кенгрок ёйиш мақсадида туркий кўшиқларга яқин шеърлар ижод қила бошлайди. Кейинчалик, Яс-

сига қайтиб кўплаб тарафдорлар, шогирдлар орттиради. Ривоятлага кўра Аҳмад Яссавий 63 ёшга, яъни Пайғамбар ёшига етак, ер остига — ертўлага кириб, умрини тоат-ибодат, худо йўлида риёзатда ўтказиб, 125 ёки 133 ёшида 1166-67 йиллар орасида вафот этган. Шарқда ўтган аксарият художўй, ҳақ йўлида фидойи сўфи-донишмадларнинг 100—120 йил умр кўрганларини инобатга олсан, Яссавийнинг шунча йил умр кўргани ҳам айни ҳақиқатдир.

Бизга қадар Яссавийдан «Девони ҳикмат» номли шеърлар китоби сақланиб қолган. Бу асар ҳамма замонларда, барча туркӣзабон ашюодларга манзур ва мақбул бўлиб келган. Зероки, у инсонни асл комиликка элтадиган дин, имон, Худо йўлида фидойилик, эътиқодда сабитлик, ҳалоллик, покликни тарғиб-ташвиқ этди. Кишиларни асл мақсад — Худога эришмоқ пайида машаққат-риёзат чекмоққа, маърифат касб этмоққа, исломий ва дунёвий аҳкомларни эгалламоққа чорлади. Филология фанлари доктори Эргаш Рустамов «ХўжАҳмад Яссавий Масжиди пештоқига Ҳазрати Расулуллоҳнинг «Талабул илми фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин» — «Илм талааб қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарз», деган ҳадис битилганини қайд этган. Бугина эмас, Яссавий ҳикматларида тўғрилик, меҳнатсеварлик, мўъминларга меҳрибонлик, инсоф, мурувват фояларини илгари сурган. Айрим ҳикматларда биз ижтимоий адолатсизликка қарши кескин фикрларни, дилозор, мардумозор, муфтхўр бўлмасликка даъватни кўрамиз. Айни пайтда Яссавий, нодонлик, жаҳолат ва разолатни қаттиқ қоралади. Шунинг учун ҳам ўтмишда Яссавий ҳикматлари сингари унинг шахсияти, шухрати ҳам Туркистонда кенг тарқалган. Халқ орасида Яссавийни донишманд, башоратчи ва нозикбин аллома Ҳаким сифатида васф этувчи кўплаб ривоятлар, латифалар яратилган. Афсуски, бу ҳикоятлар кўхна дастхатлардан сараланиб, тўпланиб бир китоб ҳолига келтирилмаган.

Саксонинчи йилларга қадар Яссавий ижоди тарки-дунёчилик, умидсизликни тартиб этади, деб камситиб келинди. Ҳатто, Э. Рустамовнинг «Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси» номли жиддий мақоласи атрофида ифво уюштирилди. Ўтмиш маданий меросга муносабат ўзгарган шу кунларда эса, заҳматкаш олимларимиздан Ориф Усмонов, Иброҳим Ҳаққуловлар Яссавий ижодини ўрганиб, ўз меросхўрларига етказиш,

шажарасини аниқлаш борасида хайрли ишларни амал-
I!) оширмокдалар. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти Иброҳим Ҳаққулнинг сайъ кўшиши
Пилан Яссавий ҳикматларини биринчи бор 1990 йили
кўп нусхада нашр этди. Шундан кейин «Ҳикматлар»нинг
бошка нусхаси 1992 йили М. Ҳасаний сайъ харакати
 билан чоп эттирилди.

ҲИКМАТЛАРДА ЗАМОНДАН ШИКОЯТ ВА ЗУЛМ-ЗЎРЛИКНИ ТАНҚИД РУХИ

Исломни халоскор дин сифатида қабул қилган, ле-
кин унинг жорий қилинишидан моддий манфаат кўр-
маган меҳнаткашлар уни эзиш қуролига айлантирган
хукмдорлар, расмий дин арбобларига қарши кучли но-
розилик билдиримоқда эдилар. Тасаввуф ўзининг илк
даврларидан (IX асрнинг бошларидан) бошлаб мана
шу норозиликларни ўзида акс эттирувчи фалсафий оқим
сифатида майдонга келди. «Унинг йирик вакиллари
уруш ва кирғинга қарши чиқар, хукмдор ва амалдор-
ларни нафсни чегаралаш, ҳалол меҳнат билан кун ке-
чиришга даъват қилас, дунёпаастликка қаттиқ наф-
ратланар эдилар. Улар ҳирс ва хавасни бойлик ортти-
риш ва хусусий мулкчиликка берилиш каби инсондаги
нуқсонларни адолатсизликнинг асосий манбаи ҳисоб-
лар эдилар» (Эргаш Рустамов).

Маълумки, Аҳмад Яссавий даврида ҳам мана шун-
дай зулм-зўрлик, манфаатпаастлигу — худбинлик, риё-
корлигу — мунофиқлик, ўзаро қирғин урушлар авж
олиб турар эди; газнавийлар ва салжуқийлар давридаги
узлуксиз давом этган ғазавотлар, ўзаро феодал қирпи-
чоқ, корахитойларнинг қораҳонийлар юртини хона-
вайрон этгани, тоғли ғузларнинг Марв ва Фазна ша-
ҳарларига ўт қўйиши ҳалқнинг тинкасини қуритган эди.
Шунинг учун ҳам Яссавий «Ҳикмат»ларида ана шу давр
иплатларига қарши акс-садо ўз ифодасини топган. Куйи-
даги шеър босқинчилар, ўзаро тахт-тоҷ талашувчилар то-
монидан таланиб, ўғил-қизлари асирикка олиниб, кул
сифатида ҳайдаб кетилган ва сотилган ҳалқнинг дард ҳас-
ратининг оташин алангасидир:

Кун кўрмаган эсиз маҳбуб маҳпоралар,
Юраклари куркиб бўлди садпоралар,

Дардларига даво топмай бечоралар,
Мунглуг булбул, кофирга хор бўлди, кўрунг.
Жондин ортуқ кўрган жононалар,
Юзи — ой, кузи — чулпон мастоналар,
Бўйларини хеч кўрмаган бегоналар,
Кофирларга зору хайрон бўлди, кўрунг.
«Онам» тею кеча кундуз йиғлаюрлар,
Ориб қолғон бўталардек бўзлаюрлар,
Етим қолғон кўзи янглиғ мангроюрлар,
Нолишишига тош эриб сув бўлди, кўрунг.

Айрим ҳикматларда Яссавий меҳнаткаш ҳалқни талаётган замон гаддорларини рўй-рост танқид қиласди, адолатли, меҳр-шафқатли бўлишга чорлайди. Хусусан, шайх-зоҳидлар, айрим муллолардан диёнат кетгани, зулм-зўрликка берилиб, етим-есир, фуқаро хаққини ейишдан кўркмаётгани фош этилади. XI—XII асрларда Хурросону Мовароуннахрда юз берган қаҳатчилик, мўгуллар истилосининг асоратлари танқид килинади. Адолат, инсоф, раҳм-шафқат ўрнини бедиёнатлик, тақобур олганидан нолийди, ҳимоясиз қолган ҳалққа ҳамдардлик изҳор этади. Бундай ҳикматларда ижтимоий рух билан маънавият ҳақидаги фикрлар қоришиб кетади:

На анода раҳм қолди, на атода,
Оғо-ини бир-бириға можарода.
Мусулмонлик даъво килур, ичар бода,
Мастлиғ билан кариндошдин тонди, кўрунг.
Нокас, хасис, бедиёнат куллар ҳоким,
Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим,
Ҳалқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим,
Ҳимояни ҳалқни кофир бўлди, кўрунг.
Эшон, шайх, хўжа, мулло дунё излар,
Ул сабабдин подшоҳларга ёлғон тузлар,
Оят, ҳадис сўзин кўюб, мулкни кўзлар,
Ҳақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ.
Охир замон шайхлар иши ҳамма риё,
Рўзи маҳшар риёлари бўлғай гувоҳ,
Шайхман теку мунча ҳаво мунча бино,
Олло учун зарра жавоб эткони йўқ.

Айни пайтда шоир бева-бечораларга раҳм-шафқатли бўлиш, хайр-саҳоват, муравватли, очик қўл бўлишга ҳам чорлайди, ҳалқ бошига «турли бало» ёққанидан афсус, надомат чекади:

Ахли дунё халқимизда саховат иүк,
Подшоларда, вазирларда адолат ийүк.
Дарвишларни дуосида ижобат ийүк,
Турлук бало халқ устига ёғди дүстлар.

Яссавий ҳикматларыда жаҳолат ва разолатни қоралаш, нодонлик, дүстликка хилофлик қилиш, манманликни ҳам танқид қилади:

Дуо қилинг нодонларнинг юзин кўрмай,
Хақ таоло рафиқ булса, бирдам турмай,
Бемор бўлса, нодонларни ҳолин сўрмай,
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.
Аё дўстлар нодон бирла улфат бўлуб,
Багрим куюб, жондан тўюб улдим мано.
Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб, ғам заҳрига тўйдум мано.
Қайда кўрсанг қунгли синуқ марҳам бўлғил,
Андок мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлғил.
Уммат бўлсанг ғарибларга тобеъ бўлғил,
Оят, ҳадис ҳар ким айтса, сомъ бўлғил.
Оқил эрсанг, ғарибларнинг кўнглин овла,
Мустафодек элни кезиб, етим ковла.
Гариф, факир, етимларни қилғил шодон,
Ҳақлар килиб, азиз жонинг айла қурбон.
Таом топсанг жонинг била қилғил эҳсон,
Ҳақдин эшитиб, бу сўзларни айдим мано.

Бир гурух ҳикматларда шоир кишиларни қадрдон, ҳалолу пок, илм-денишли, диёнатли, имон-эътиқодли бўлишга даъват этади; дилозордан ҳақ безор, барчага яхшилиқ қилмоқ — ҳар бир мўъминнинг бош шиоридур; чунки, мардумозорликнинг жазоси қаттиқ;

Суннат эрмиш кофир бўлса, берма озор,
Кўнгли қаттиғ дилозордан худо безор.
Оқил эрсанг эранларга хизмат қилғил,
Амри маъруф қилғонларни иззат қилғил.

Сабру қаноат, жавонмардлик, мақсад йўлида фидойилик қилмоқ ҳам ҳақиқий ошиқнинг фазилати; у йўлдан озган гумроҳларни йўлга солмоғи даркор; характеристиси шундаки, ҳар бир сўз, ибора ниҳоятда сода, айни пайтда мазмуни теран, ундан кузатилган фоявий ният умумбашарий моҳиятга моликдир.

Нафсдан кечиб, қаноатни пеша қилғон,
Хар ким топса, рози бўлуб, бўйин сунғон.
Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олғон,
Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Банда бўлсанг манманликни зинҳор ташла,
Саҳарларда жонинг қийнаб, тинмай ишла.
Йўлдан озғон гумроҳларни йўлга бошла,
Бир назарда дилларини сафо қилдим.

Мутакаббир, манманликка берилган одамни, ўз қадрини билмаган, ўзгалар қадрини эъзозламаганларни инсон санаб бўлмайди:

Хайфи одам ўз қадрини ўзи билмас,
Манлик қилиб, яхшиларни кўзга илмас.

Бу дунёда кимда ким нафснинг гапига кирса, нафс йўлида югуриб-елса, охир-оқибат расво бўлади. Шунинг учун нафси баддин йирок юрган маъқул!

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб, гумроҳ бўлур.
Нафснинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини ғорат қилиб, адo қилғай,
Оқил эрсанг нафси баддин бўлғил безор.

Ҳақиқатда ҳам орифликнинг асосий белгиси, комилликка эришмоқнинг йўли икки нафсдан ҳам парҳезкорлик, саховатпешалик, жавонмадрлигу ҳақгўйликдир. Ҳикматларда ёлғончилик, икки юзламачилик, товламачилик, ҳирс, таъмагирлик сингари чин ошиқка, орифларга номуносиб гайриинсоний хислатлар лаънатланади; мунофиқлар қораланади, танқид қилинади:

Тўғри юрган ошиқлардин худо рози,
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози.
Ёлғончилар ошиқ мен, дер Оллоҳ қози,
Имонини пучак пулга сотар эрмиш.
Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,
Ким улфатдур, боши узра юз минг кулфат
Бошдин оёқ мунофиқни зиён-захмат.

«Девони ҳикмат» таркибидаги қуйидаги фикрлар ки-
юбдаги бутун ахлоқий, маърифий, ишқий, инсоний
мулоҳазаларнинг умумлашма якунига ўхшаб кўринади:
мупки бу байтларда комил инсон учун мажбурий бўл-
1пн барча фарз ва суннатлар ғоятда ихчам тарзда ўз
ифодасини топган:

Хайру сахо қилгонлар, етим қўнглин олғонлар,
Чаҳор ёрлар ҳамроҳи кавсар лабинда кўрдум.
Омил бўлғон олимлар, йўлға кирғон осийлар,
Андоғ олим жойини доруссаломда кўрдум.
Муфти бўлғон олимлар, ноҳақ фатво берганлар,
Андоғ муфти жойини сирот қўфругда кўрдум.
Золим бўлуб зулм этган, етим қўнглин оғритган,
Қаро юзлуг махшарда кўлин арқода кўрдум.
Туну қуни ухламай ху зикрини айтқанлар,
Малойиклар ҳамроҳи аршни устида кўрдум.

Аҳмад Яссавий ҳикматлари нафакат ғоявий жихат-
дан, балки бадиий нуктаи назардан ҳам XII аср туркий
шешъирятнинг мумтозидир. Зероки, улар ғоятда равон
оҳангда, жонли тилга яқин иборатларда битилган. Ҳар
бир сўз ва ибора катъий мезонга, мувозанатга эга. Охир-
ги мисра — накоратомиз бўлиб, бандларини бир-бира-
га пайваст этиб туради. Бундан ташкари биз ҳикмат-
ларда Фиръавн, Корун, Фаридун, Мусо, Вомик, Узро,
Юсуф, Фарҳод, Мажнун, Од, Шаддод, Мансур, Шибли,
Боязид, Жунайд, Зуннун, Яъкуб, Зулайҳо, Зол, Рус-
там сингари ўнлаб афсонавий, тарихий номлар билан
боғлиқ ривоятлар, нақллар, ҳикоят ва масалларга ишо-
раларни, рамзларни кўрамиз. Шунингдек, пули сирот,
оби кавсар, салсабил, махшаргоҳ, арафот, арасот ва
бошқа атамалар, Расулуллоҳ, сахобалар, чаҳорёлларнинг
фаолиятларига доир тафсилотлар ҳақидаги қайдларга
ҳам дучор бўламиз. Улар китобхонни ўйлашга, фикр
юритишга ундейди, тафаккур қирраларини чархлашга
ёрдам беради. Қуйидаги байтларда бутун бир тарих ўз
аксини топгандай. Уларни тўла шарҳлашга бир китоб
битмоқ лозим:

Юнусдек ҳам дарё ичра балиқ бўлсам,
Юсуфдек ҳам қудуқ ичра ватан қилсам,
Ёкубдек ҳам Юсуф учун кўп йигласам,
Бу иш бирла, ёраб, сени топгаймумен?
Шиблицек ҳам ошиқ бўлуб само урсам,

Боязиддек тун-кун тинмай Каъба борсам,
Каъба ичра юзум суртуб зор чнграсам,
Бу иш бирла, ёраб, сени топғаймумен?
Маъруфдек ҳам ушбу йўлга қадам қўйсам,
Мансурдек ҳам жондан кечиб дорга қўнсам,
Дор узра шавқданибон ҳақни айсам
Бу иш бирла, ёраб, сени топғаймумен.

Кўриниб турибдики, Яссавий ҳикматларида инсоният пайдо бўлгандан бериги тарихий ҳақиқат, афсоналар, ривоятлар, турли исломий арбоблар, диний-фалсафий оқимларнинг асосчиларининг ҳаёти, турмуш тарзи, комиллик йўлидаги тутган русуми ғоятда нафис, тадрижий-такомилда ўз аксини топган. Бундай ҳикматларни ўқиганда бизнинг билимимиз чукурлашади, имонимиз бут бўлади, ҳаётга ва охиратга қарашимиз теранлашади, Оллоҳга эришмоқ изнида риёзат чекмок машакқатларини хис этамиз. Бу байтлардаги ҳар бир сўз, ибора, ҳатто изофа замирида нозик нукталар қатқат бўлиб ётибди. Ана шуларни тўғри идрок этиб, аник тушунгандагина биз мақсадга эриша оламиз. Яссавий ҳикматлари ботинида яшириниб ётган панд-насиҳатлар, инсон камолоти йўлида амалга оширилиши, бажарилиши лозим бўлган бурч, вазифалар тасвири ҳамон ўз тадқиқини кутмоқда.

ҲИҚМАТЛАРДАН НАМУНАЛАР

Дуо қилинг нодонларнинг юзин кўрмай,
Ҳақ таоло рафиқ бўлса, бирдам турмай.
Бемор булса нодонларни ҳолин сўрмай,
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

Аҳли дунё ҳалқимизда саховат йўқ,
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ.
Дарвешларни дуосида ижобат йўқ,
Турлик бало ҳалқ устига ёғди, дўстлар.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлуб,
Бағрим қуюб, жондан тўюб, ўлдим мано.

Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлғар,
Қонлар ютуб, ғам заҳрига тўйдим мано.

* * *

Ер остига кирдим нодонлардин,
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.
Фариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай ер остига кирдим мано.

* * *

Қайда кўрсанг кўнгли синуқ марҳам бўлғил,
Андоқ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлғил.

* * *

Фариб, факир етимларни Расул сўрди,
Ўшал туни меъроj чикиб дийдор кўрди.
Қайтиб тушиб фариб, етим излаб юрди.
Фарибларни изин излаб тушдим мано.

АНДУҲ КОШОНАСИ

Форсий тилдаги шеъриятнинг буюк сиймоларидан бири Ҳоқоний Шервонийдир. У Шарқ шеъриятида ўзига хос соz ва овозга соҳиб санъаткордир. Бўлажак шоир 1120 йили Шервонда дурадгор оиласида дунёга келган. Онаси христианка, отаси озар бўлган. Шоирнинг тўла исми Афзалиддин Бедил ибни Алидир. Гўдаклигига ёк отаси вафот этиб, шоир ва табиб амакиси Умар бинни Усмон Кофиддиннинг қўлида тарбияланиб, сарфу нахв, риёзиёт, фалсафа сингари замон фанларини эгаллайди. Шундан сўнг истеъодли йигитча шоир Абулаъло Ганжавийдан бадиий ижод сирларини ўрганиб, «Ҳақойи-қий» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлайди. Тахминан 25 ёшларида устози ёрдамида Шервоншоҳлар саройига дохил бўлади ва «Ҳоқоний» тахаллусини қабул қиласиди. Лекин ундаги фавқулодда истеъодд, оташқалблик, кун сайин ортиб бораётган шуҳратини кўролмаган ғаламуслар Ҳоқоний билан устози орасига совуғлик туширадилар. Натижада устоз-шогирд бир-бирларини бадном қиласидан ҳажвиялар ёзиб тарқатадилар. Аҳвол мураккаблашгач, Ҳоқоний 1156 йили ҳажга бориш баҳо-

наси билан бу мажародан кутулади. У салкам икки йил Ажаму Арабдаги кўп шаҳарларни кезиб чиқади, Макка ва Мадинада бўлади. Шервонга қайтгач, шоир З минг байтдан иборат «Тухфат-ул-Ироқайн» маснавийсини ёзди. Шервонда шоир атрофидаги иғво ва тухмат яна аланга олади. Бунинг устига кетма-кет бошига кулфатлар тушади: хотини билан кенжа ўғли вафот этади. Мужрииддин Байлоқоний Хоқоний номидан Исфаҳон халқини масхаралаб ҳажвия ёзиб тарқатади. Аммо шоир «Сифаҳон» номли қасида ёзиб, бу тухматдан қутилади. Демак, саройга яқин бўлган ёки «Сарой шоири» деб аталмиш ижодкорлар биз ўйлагандек ҳамиша роҳат-фароғатда бўлмаган. Уларнинг ҳаёти доим хавфда, кил устида турган.

Атоқли шарқшунос Е. Э. Бертельс «Низомий ва Фузулий» (Москва, 1962) китобида Хоқонийнинг Низомийга мактуби таржимасини келтирган. Унда шоир ўзининг тухмат ва надоматга дучор бўлгани, мунофик, риёкор, икки юзламачи, кўринишда мўъмин, аслида кофирдан ҳам баттар, илондек заҳар сочадиган одамлар орасида қолганидан шикоят қиласи, иғво, жаҳолат ва разолатни, нопок муҳитни қаттиқ танқид қиласи. Оғир аҳволда қолган Хоқоний Шервонни тарк этмоқчи бўлади, лекин улгурмайди. Уни тутиб олиб, Шаброн зиндонига ташлайдилар. Шоир шеърий мактуб билан Аҳсатандан мадад сўрайди. Аммо у номани жавобсиз қолдиради. Унинг машхур «Ҳибсиёт» қасидаси ана шу зиндонда битилган. Афтидан Хоқоний сафар пайтида Рум (Византия) шахзодаси билан дўстлашган кўринади. Зероки, хибсхонадан Андроник Каменга нома-қасида ёзиб, мадад сўрайди ва шоир зиндондан халос топади. Шундан сўнг Хоқоний иккинчи марта ҳажга жўнайди. Сафардан қайтгач, уни яна мусибат пешвоз олади: тўнгич ўғли Изиддин Аҳмад вафот этади. Шоир умрининг охирини Табрезда муҳтоҷлик, бекасу бенаволикда ўтказиб, 1199 йили вафот этади. У шаҳарнинг Сурхоб қабристонидаги «Мақбарат-уш-шуаро»га дағн этилган.

Хоқонийдан бизга қадар улкан шеърлар девони ва бир достон мерос бўлиб қолган. Девон 17 минг байтдан иборат бўлиб, унда 220 та қасида 330 ғазал, 300 рубоий, 230 та қитъя ҳамда 450 байт араб тилидаги шеърлар жамланган. Шоир девонининг дунё қўлёзмалар хазиналарида кўплаб нусхалари мавжуд. У ўтмишида ва бизнинг кунларимизда Техрон, Боку ҳамда Тошкентда аслида нашр этилган.

Хоқоний шеърияти мавзу жихатидан ҳам, гоявий йўналиш ва бадиийлиги томонидан ҳам ранг-барангдир. Шоир форсий тилдаги шеъриятда қасида жанрининг такомилиги энг кўп хисса қўшган санъаткорлардан бири ҳисобланади. Айрим адабиётшунослар «Хоқоний қасидаларининг аксарияти ҳукмронлар ва зодаганлар таърифига бағишлиганлиги учун мавзуси қашшоқ, гоявий томондан чекланган» деган фикрни баён этадилар. Бу мулоҳаза бир ёқтамадир. Зероки, шоир қасидаларини ўқиган киши, уларда адлу адолат, инсофу диёнат, поклигу садоқат, меҳр-шафқату инсонпарварлик, аждодлар анъанасиға фидойилик, қасб-хунар, илм-маърифатга эътибор гоялари улуғланганлигини сезади. Айни пайтда шоир мутакаббирлик, фитна ва иғво, зулм-зўрлик, бадқаҳрлик, мардумозорликни каттиқ танқид этади, ўз мамдӯҳ-таърифлаётган кишиларда бундай ғайриинсоний хислатларнинг бўлмаслигини орзу қиласди. Энг характерлisisи шундаки, Хоқоний қасидаларида шоирона хиссиётдан кўра илмий-фалсафий тафаккур кучли. У ўзининг илмий мушоҳадаларини қабарик ифодалашда тадриж, илтизом, таждид, мажоз, истиора, тазод, тарсөъ, ғулу, иғроқ каби ўнлаб бадиий санъатлардан гоятда маҳорат билан фойдаланганким, бу ҳол ўша даврдаги бошқа қасиданависларда учрамайди.

Масалан, «Мадойин айвони» номли қасидасида муаллиф аждодлар анъанасиға меҳр билан қараш, тарих сабоктаридан тўғри хulosи чиқариш, дўстлик, инсонларга яхшилик қилиш, тенглик ва биродарлик ғоясини илгари суради; шеърда ўндан зиёд тарих, жуғрофия, ҳандаса, мейморморчилик, фалакиёт, фалсафа, фикҳга доир ном ва атамаларни қўллайди; фикрларини нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларини қиёслаш орқали бўрттириб кўрсатишга муваффақ бўлган.

Хуни дили Ширин аст он май, ки дихад разбун,
З-обу гили Парвиз аст ин хум, ки ниҳад дехқон.
Чандин тани чабборон, к-ин хок фурӯ бурдаст.
Ин гурусначашм охир ҳам сер нашуд з-эшон.

(Узумчи берадиган май Ширин дилининг қонидир, дехқон келтирган хум Парвизнинг лойидандир. Неча одамларнинг танини тупроқ дамига тортган бўлса ҳам, бу очкўз улар билан ҳам тўймади).

Бир қатор қасидалар жиддий ижтимоий моҳиятга

эга. Уларда фожиаларга, иғво ва тухматларга тўла шоир ҳаётининг айрим қирралари, қалб дард-хасратлари яшириниб ётиди. «Зуҳдиёт», «Ҳибсиёт», «Сифаҳон» сингари қасидалар хар жиҳатдан мумтоз асарлар хисобланади. Шунинг учун ҳам Шарқнинг улкан санъаткорлари Хоқоний қасидаларига назиралар ёзишган. Чунончи, «Дили ман пур таълим аст» сўзлари билан бошланадиган қасидага Амир Хусрав Дехлавий, Жомий, Навоий, Насими, Фузулий сингари шоирлар назира ёзишган.

Микдор жиҳатидан ғазал Хоқоний девонида иккинчи ўринда туради. Гарчи унинг ғазаллари гоявий мундарижа, бадиий тасвирнинг ранг-баранглиги жиҳатидан қасидалари даражасига етмаса ҳам, услугуб, ифода тарзи, поэтик тилнинг лексик қатлами нуқтаи назаридан мутлақо ўзига хосдир. Фикрдаги яхлитлик, воқеъ-бандликка, ихчамликка интилиш унинг етакчи хусусиятидир. Бундан ташқари, асосан, форсий, қисман араб тилида ижод этган шоир ғазалларида туркий сўз ва ибораларни кўп кўллади:

Тан гарчи суву ўтмек аз эшон талаб кунад,
Кай меҳри шаҳ ба Отсизу Буғро барафганад?

Ушбу байтда Мұхаммад Хоразмшоҳ Отсиз ҳамда қорахонийлар сулоласининг асосочиларидан бири Буғрохоннинг тилга олиниши характерлидир. Маълумки, Хоқоний Хоразмшоҳнинг (1128—1156) сарой шоири Рашидиддин Вотвот билан нома орқали дўстлашиб, шоҳ номига маҳсус қасида йўллаганди. Хоқоний ғазалларида мураккаб ибораларни ишлатмайди, бадиий-тасвирий воситалар занжирини яратишдан кочиб, содда, халқона байтлар яратишга интилади:

Лашкари ғамзай ту берун тоҳт,
Сафи ақлам ба як назар бишикаст
Нарасад номахои ман ба ту з-онки.
Пари мургони номабар бишикаст.

(Ғамзанг лашкари ҳужумга ўтгач, бир назар билан ақлим лашкарининг сафи синди. Нома элтувчи кабутар қаноти сингани учун менинг хатларим сенга етиб бормади). Умуман, шоир ғазалларида кўпинча бир сониядаги таассуротнинг мўъжаз нақши кўзга ташланади.

Хоқоний шеърларини мутолаа килар экансиз, қитъа и;| рубоийлари диққатингизни ўзига жалб этади. Зеро-ки, шоир бу кичик шеърий жанрларда жиддий фикрларни дангал айтишга, ўз дард-ҳасратларини тўкиб сочишга, замон иллатларини фош қилишга эришган. Биз нюир рубоийларида мардлик, ҳалоллик, инсонпарварлик, камтарлигу сабр-қаноат ҳақидаги панд-насиҳатларни кузатамиз; ўз бошига не-не кулфату надоматларни соглан тескари айланувчи фалакни лаънатлаш, киш-ҳасрат билан ўтган умридан афсус-надомат чекиш, посоз замонани қоралаш оҳангини туюмиз. Улар гўё шоирнинг машаққатли ҳаёт йўлини кўз олдимиизда гав-далантиради. Бир рубоийсида тоғнинг гоф билан учрашишга ишонмай, инсоннинг инсон билан учрашишига ишониб юрувдиму бу дунёда бирон чин одамни учратолмадим, деган шоир, бошқа бир рубоийсида бу-гун умри ғам билан ўтганини уқтиради:

Дар ғусса маро жумла жавони бигузашт,
Айёми сигар чунонки дони, бигузашт:
Дари марг ҳаваи зиндагони бигузашт,
Умрам ҳама дар марсияхони бигузашт.

(Йигитлик ғуссада ўтди, сагирлик айёми, билсанг, шундай ўтди. Ўлим остонасида яшаш ҳавоси ўтди. Бутун умрим марсияхонлик билан ўтди).

Кўпгина рубоийларда «Жаҳонга сифмайдиган ғусса-си борлиги», «умр боғида на сабза, на лола ва на сарв унгани» ҳақида дард-алам билан фикр юритган санъаткор саройда ўтган умридан афсус чекиб, қуидаги ху-лосага келади:

Ҳар кас, ки зи даҳр ними ноне дорад,
В-аз баҳри нишаст як маконе дорад.
На ходими кас бувад, на маҳдуми касе,
К-ў, шод бизист, хуш жаҳоне дорад.

(Кимда ким жаҳонда яримта нон топиб, ўтиришга жойи бўлса, бировнинг хизматкори ёки амалдори бўлмай, бир жаҳон эгасидай шод яшасин).

Юқорида таъкидлаганимиздек, Хоқоний «Тухфат ул-Ироқайн» сафарнома достонини ҳам ёзган. Достон 1157 йили битилган бўлиб, олти мақолат ва бир неча кисмлардан иборат. Ҳар бир маколат кўёш тасвири ва унга хитоб билан бошланади. Унда шоир Шервондан Ма-

динагача бўлган шаҳарларни таърифлайди, уларнинг хашаматли иморатлари, боғу роғаларию қадамжоларни тавсиф этади; машхур кишилар билан сухбатларини келтиради; у ёки бу шаҳар ҳалқининг касб-кори, шаклу шамойили, лаҳжаси, феъл-хўйи, турмуш тарзи ҳакида ҳикоя қиласди. «Шоҳнома»дан кейин Шарқ шеъриятида қуёш тасвирининг энг яхши намунасини Хоқонийда учратамиз. Ушбу маснавий Ажам ва Араб ҳалқларининг ХІІ асрдаги маданияти, хунармандчилиги, илм-фани, шаҳарсозлигу турмуш тарзини ўрганишда бир манба сифатида ҳам хизмат қиласди. У ўзига хос бир шеърий сафарнома ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, сарой доирасидаги адабий муҳит ҳамма даврларда ҳам ғоятда мураккаб кечган. Шоҳ ёки амир ҳокимияти марказидаги барча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий носозлик маънавий муҳитга жиддий таъсир этган. Бунинг устига ижодкорлар ўртасидаги рақобат, обрў, мартаба талашиш кўпинча фожия билан тугаган. Ҳазрат Навоий атрофидаги ғаламусликлар, унинг Астрободга четлаштирилиши бунга яқол мисолдир. Хоқоний Аҳсатан бинни Манучехри Шервоншоҳ ҳомийлигига суюнсада, энг оғир пайтларда ҳомий ҳам шоир тақдирига бефарқ қарайди. Зероки, Хоқоний душманлари-ракиблари уни шу ҳолатга келтирадилар. Шунинг учун ҳам шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси чинакам жасорат намунасидир. У олқишилаган юксак хислатлар ҳамиша китобхон қалбида илиқ таассуротлар уйғотаверади.

АХСИКАТ АНДАЛИБИ

Наманган вилоятининг Тўрақўргон туманидан чиққач Задарёга қараб юрсангиз ҳар жой-ҳар жойи қазиб ташланган, ёзнинг чилласида чуқурларда ниманидир қидираётган одамлар юрган манзилгоҳга дуч келасиз. Бу IX—XVI асрлар мобайнида Фаргона водийсининг марказларидан бири бўлган, маданият, илм-фан, адабиёт гуллаган кўхна Ахсиқент қолдиқларидир. Археолог-қадимшунос олимлар қўлга киритган далиллар, Ёқут Ҳамавий, «Қомус-ул-аълом» муаллифи Маҳмуд ибни Вали (**XVI** аср) ва бошқа тарихчилар бу шаҳардан кўплаб олимлар, фузалою шоирлар етишиб чиққанлигини таъкидлайдилар ва улар орасида шоир Асириддинни алоҳида тилга оладилар.

Уз даврининг аллома суханпардози бўлган Абулфазл Муҳаммад бинни Тоҳир Асириддин Ахсикатий 1126—1128 йиллар орасида туғилган. У дастлабки таълимни ватанида олгач, Фарғонага бориб, ўқишни лавом эттиради. Лекин, бу ердаги ўқиш уни қаноатлантирумай, таҳсилни Балх шаҳри мадрасаларида давом лтиради. У ўз давридаги тиб, риёзиёт, кимё, нужм, ҳайат, фалсафа ва мантиқ каби илмларни пухта ўрганиди; Ҳирот ва Марв шаҳарларига сафар қиласиди; у срдаги илм-адаб доиралари билан яқиндан танишади. Лекин нима сабабдантир у Султон Санжар саройидаги катта маданий ва адабий ҳаракат доирасига кирмайди ва унинг шеърлари орасида Султонга бағишиланган қасида ҳам учрамайди.

Шу йиллари Хуросондаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт издан чиққан, гўз қабилалари шаҳару қишлоқларда катли ом ўюштириб, Султон Санжарни асир олган эдилар. Ана шу даҳшатдан қўрқкан Асириддин Ироққа кетишига мажбур бўлади. У дастлаб Ҳамадонда яшаб, Арслон ибни Тўғрал (1160—1179) ҳамда Қизил Арслон (1185—1191) даргоҳида хизмат қиласиди. Ҳамадондан бир неча бор Озарбайжонга сафар қиласиди. Асириддин Ахсикатий 1198 йили ватанидан йирокда, Озарбайжоннинг Ҳолҳол қишлоғида вафот этади. Демак, шоир ёшлигидан умрининг охиригача ғурбатда, моддий мухожликлда яшаб ўтган.

Асириддиндан бизга қадар қасида, ғазал, китъа, рубойӣ, фард, таржиєбанд сингари лирик тур жанрларидаги асарларни ўз ичига олган, 1313 йили Улвий Коший томонидан кўчирилган, шеърлар девони сакланниб колган. У Лондон кутубхонасида сакланмоқда. Юкорида таъкидлаганимиздек, Асириддин умрида бирон бир хукмрон саройида муқим турмади, Ҳамадон ҳокими Муҳаммад Салжуқ ва Озарбайжондаги айrim хукмронларни мадҳ этиб қасидалар ёзган бўлсада, сарой билан доимо боғлиқ бўлмагани учун уларда ўзининг эркин, дадил мулоҳазаларини ҳам изҳор этаверган; баъзи қасидаларида саргордонликда чеккан азиятлару қон ютиб кечган умридан қаттиқ зорланади. Бир қасидасида ватандан жудолигу дўстлардан йироқликда ўтиб кетган ёшлигини кўмсаб, тескари айланадиган фалакни лаънатлади:

Дар аҳди мо, модари роҳат ақим монд,
Шоди зи ҳалқ рўи нуҳуфта чу дуҳтар аст.

(Бизнинг замонамизда роҳатнинг онаси қисир қолди, шодлик халқ учун юзини ёпиб олган қизга ўхшайди).

Кўп ўринларда ҳасби хол характеридаги руҳий кечинмалар ҳаёт ҳақидаги чуқур фалсафий мушоҳадалар билан қоришиб кетади. Бундай қасидаларда Асиридин Ахсикатий шоир-олим сифатида намоён бўлади. Чунки, шоир ранг-баранг ташбеҳларни кўллайди, сонсаноқсиз илмий тушунчаларни ишлатади.

Асиридин Ахсикатий ўз ғазалларида дунёвий ишқ-муҳаббатни ўзига хос содда ва равонлиқда тасвирлайди, қасидаларидагидек мураккаб ташбеҳ ва қиёслару рамзларни ишлатмайди. Ғазалларида ҳам биз ноаҳил дўстлару замона зулмидан азият чеккан, кимни дўст тутса, муҳолиф иш тутишидан ғаму андухлар гирдобида қолган лирик қаҳрамонни кўрамиз. Аммо ошикни ёрнинг нозу фироки, жабру жафоси «дида пурхун» этса, бир қайрилиб боқиши гулгун этади:

Об мегирад зи рўяш чашми кас,
Акси ў он об гулгун меқунд.

(Унинг юзини қўргач, кўзим сув олади (яъни йиф-лайман), аммо унга (сувга) тушган акси оби дийдамни гулгун этади.)

Асиридиннинг айрим ғазаллари бошдан охиригача замондан шикоят, ўзи яшаётган мухит иллатларини рўйрост танқид килиш, фош этишдан иборат. «Менингдир», «Келмади», «Ўтажақдир» радифли ғазаллар шундай характерга эга. Шоирнинг баъзи ғазаллари ҳам ҳасби хол моҳиятидадир:

Бо ки гўям роз, чун ҳамдам намонд,
Дард бигузашт аз ҳадду, марҳам намонд
Нақши як ҳамдам ба ман нанмуд чарх,
В-ин батар, к-аз умр ҳам як дам намонд.

(Бир ҳамдамим қолмагач, розимни кимга айтай, дард жондан ўтиб кетдию бир малҳам қолмади, бу чарх менга бир ҳамдам нақшини ҳам кўрсатмади, бунинг устига умрдан ҳам бир дам қолмади).

Аммо аксарият ғазалларида шоир машуқанинг лутт-фу назокатию висол онларининг завқини тараннум этади; дилбари билан лола сайрию боғ гаштини суришни орзу килади; гулу бўстон томошаси ёр билан хушдур:

Ба тан будам имрўз чун нотавоне,
Шудам бо рафиқе сўи бўстоне,
Зи хар сў, ки кардам назар гулистоне,
Дараҳтоне бўston арусону хар як,
Кушод аз замин лолагун бар баёне.

(Бутун вужудимла нотавон бўлган бу кун бир дўст билан бўston сари юзландим. Қайси томондан лолазорга боқмайин, кўзим гулистонга тушди. Лоларанг заминдан бош кўтарган хар бир дараҳт келинчакларни эслатади.)

Демак, Асириддин шеърларида танқидий руҳ билан бирга ҳаётга, гўзалликка, шодликка меҳр ҳам хийла кучлидир.

Шоир асарлари ўтмишда яратилган тазкиралар, баёзлар ва турли тўпламлардан жой олган. Унинг ижодий меросини тадқиқ ва тарғиб этишда Е. Э. Бертельс ва И. Ҳидоятовларнинг хизматлари катта.

ХОРАЗМ ФАХРИ

Хар галгидек бугун ҳам Маҳмуд ўрнидан кўзини уқалаб турди-да онасининг «юз-қўлингни ювиб, но-нушта қил, ўйин қочмайди» дейишига қарамай, варрагини олиб томга чиқиб кетди. Ҳур-хур эсаётган баҳор шабадаси бирпасда варракни осмонга кўтарди. Варрак ҳаволаб юқорилаган сари, Маҳмуд уни янада баландга чиқармоқчи бўлиб орқасига тисарилаверди. Ногаҳоний чинқириқ онани хушёр тортириди: не кўз билан кўрсинки варрак аллақаёқларга учиб кетган, Маҳмуд эса томдан қулаб, инграб ётарди. Онанинг додвойига қўни-қўшнилар тўпланишди. Болани кў- тариб уйга олиб кирдилар. Бу орада отаси Абулқо- сим ҳам етиб келди. Табиб чақирдилар. У оёқнинг синганини айтиб, албатта, жарроҳлик муолажаси за- рурлигини уқтириди. Жарроҳ келиб муолажа қилди, жароҳатни очиб, суяқ заррачаларини олиб ташлади, асосий суякларни ўрнига солиб, малҳам кўйиб, тах- такачлади... Жароҳатлар тузалди-ю, аммо Маҳмуд бир умрга оқсоқ бўлиб қолди.

Бу шўх-шанг бола кейинчалик Замахшарий таҳаллуси билан ўзбек маданияти тарихига кириб, ўз замонасининг улкан ижодкорлари сафидан ўрин олади.

Абулқосим Маҳмуд ибни Умар ибн Аҳмад Замах-

шарий 1075 йилда Кўхна Урганч яқинида дунёга келган. Бу диёр қолдиклари Тошҳовуз вилоятининг Тахта туманидаги Измиқшир қишлоғидадир. Ногирон бўлиб қолганига қарамай Маҳмуд дастлабки таълимни қишлоғида олади, сўнгра Урганч ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўриб, мустақил мутолаа билан шуғулланган. Урганчда Замахшарий машхур тилшунос Абумузар ибни Жарир Заббие Исфахонийдан таълим олиб, тил, фалсафа бўйича мукаммал савод чиқаради. Бухоро мадрасаларида ўқиб юрганида эса Носир Ҳосирий, Абусаъд Законий, Абулхаттоб ибни Абулбатир сингари замонасининг машхур олимларидан сабоқ олади; хаттотликни пухта эгаллаб, одамларга китоблардан нусха кўчириб бериб, тирикчилик юритади. Таҳсилдан сўнг Исфахон, Хурсон, Бағдод, Хижозга, икки марта Маккага сафар қиласди. Замахшарий бироз вақт Марвда Салжуқийлар саройида хизматда бўлган. 1118—1119 йиллар оғир касалликка чалинган Замахшарий тузалгач, давлат хизматини тарк этиб, араб мамлакатлари бўйлаб саёҳатга чиқади. Бир неча йил Ироқ ва Арабистон ярим оролида яшаб, ерли халқларни тили, турмуш тарзию, илм-фани, маданиятини ўрганади. Халқ жонли тили, араб адабиёти билан қизиқади. Замонасининг забардаст, фидойи олими Маҳмуд Замахшарий 1144 йили ватанида вафот этади. 1333 йили Хоразмни зиёрат қилган араб сайёҳи Ибни Батутта (1304—1377) Замахшарийнинг мақбарасини Кўхна Урганч яқинида кўрганлигини ва унинг устига қубба ўрнатилганлигини ёзиб қолдирган.

Замахшарий тил билими, тарих, география, адабиёт-шунослик, этнография, ахлоқ-одобга доир 50 дан ортиқ асар ёзган. У истеъоддли шоир ҳам бўлган, ғазал, қасида, нома, қитъаларини тўплаб, алоҳида девон тузган. Шеърларда Замахшарий кўпроқдунёнинг моддийлиги ҳақида фалсафий мушоҳадалар юритади, китобхонга ахлоқий масалалар хусусида панд-насиҳатлар беради. Олим асарларининг ўттиздан ортиқ турли даврларда кўчирилган нусхалари бизгача етиб келган. Олимнинг «Ал-қустос фил-аруз» («Аруз ўлчови»), «Насойиҳ-ул-кибор» («Улуглар насиҳати»), «Асос-ул-балоға» («Сўзамоллик асослари»), «Ал-кашшоф» («Аён этувчи»), Куръони Карим тафсири китоблари Шарқ шеърияти назариясини, адабий-эстетик қарашлар тарихини, тил тарихини, ахлоқий-таълимий фикрлар такомилини ўрганишда ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Чунончи, у яраттан таф-

сир ҳозирга қадар арабшунослар, фикхдонишмандлари-и ҳайратда қолдирмоқда. Замахшарий «Муқаддиматул идаб» («Нафис адабиёт муқаддимаси») асарини хоразмшох Аловуддин Абул Музаффар топшириғи билан ёзган. У араб грамматикаси, шевашунослигига доир ўнлаб рисолалар битган, луғатлар тузган. Олимнинг «Амоул авдия вал жибол» («Водий ва тоғ номлари») китоби қадим-1 и Арабистон ва Ироқ мамлакатлари географияси ҳамда ҳалқдари турмуш тарзларини ўрганишда мухим аҳамиятга эга. Ироқолими Фозил Солиҳаз-Самарний Замахшарийнинг 56 асар ёзганини аниклаган.

Буюк ватандошимиз Замахшарийнинг асарлари барча замонларда Шарқу Ғарб ҳалқлари орасида шуҳрат қозонган. Шунинг учун уни илм-адаб ахли «Хоразм фахри», «Ажам ва Араб олимларининг устоди» («Устод-ул Араб вал Ажам») сингари номлар билан эъзозлашган. Абусайд Самъоний-Марвазий (1113—1167), Ёкут Ҳамавий (1179—1227) каби олимлар «Насабнома», «Адиблар ҳакида тўплам» асарларида Замахшарийни «адиблар пешвоси» деб таърифланганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий «Сабъай сайёр» («Етти сайёх») достонининг устози Абдураҳмон Жомий таърифига багишланган бобида Замахшарийни эслаб ўтади:

Арабиятда дарс аниңг вирди.
Ибни Ҳожиб камина шогирди.
Ибни Ҳожиб демайки, Жоруллоҳ,
Онча тафсир ишинда йўқ огоҳ.

(Арабчадан дарс бериш унинг доимий иши, Ибни Ҳожиб унга камтарин шогирди, Ибни Ҳожибгина эмас, ҳатто Жоруллоҳ ҳам араб грамматикасида унга тенглаша олмайди).

Замахшарий оила ташвишлари ижодга ҳалақит беради, деб дунёдан ток ўтган, аммо кўплаб шогирдлари ва асарларини ўз фарзандларидек билган. Айрим олимлар Замахшарий икки марта Маккай мукаррамада бўлган, Қуръон ва ҳадисни чукур билиб, мукаммал шарҳлагани учун Жоруллоҳ «Оллоҳнинг қўшниси» деган лакаб олган, деб уқтиришади. Замахшарийнинг адабиётшунослик, тиљшунослик, ва ахлоқ-одобга доир асарлари бизга ҳамиша ҳамдам ҳамроҳdir. Унинг ижодини ўрганишда ва ўзбек тилига таржима қилишда профессор А. Рустамов ҳамда шарқшунос У. Узватовларнинг хизматлари каттадир.

ЗАМАХШАРИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Инсоннинг кийимиға қарама, билимиға қара. Илм — бу ота, балки у сут беришда онадан фойдалироқдир. Ўёмонликни тузатиш учун ҳамма нарсадан яхшироқдир. Агар тилингни тиймасанг, жиловингни душманингга бериб қўясан.

Ақилли ғофилнинг ҳоли нодон ғофилнинг умрига силтov бўлади.

* * *

Сенга энг яхши маслаҳат мутакаббирлик билан юзингни тескари бурма ва шон-шуҳратинг билан фаҳрланма.

* * *

Урушқоқ ва жанжалкаш киши хафалик билан шодлик орасида яшайди.

* * *

Ҳаддан ошишингни пасайтири, кибирланишдан возкеч.

Яхшилик билан инсон камоли, ани қилургача йўқтирил мажоли.

Қуёш нури беркитилмайди, ҳақиқат шамъи сўнмайди.

* * *

Виждонли киши хавфдан ҳоли яшаса, хиёнат қиувчи киши беҳаловат яшайди.

* * *

Савдогарнинг шуҳрати чўнтағида.

* * *

Чайқовчи — овчи ити.

Хатолар килишда оворалардир. Хато — алар тушган аробалардир.

НУКТАСАНЖ ШЕРШУНОС

Тонг сахарлаб дарвоза такиллади. Энди намози бомдоддан фориг бўлган мўйсафид бориб дарвоза занжирини туширди. Эшик олдида 35—40 яшар аёл гармсел урган ниҳолдай рангпар қизча билан туарди.

— Пирим, қизим оғир дардга чалиниб қолди, кўрсатмаган табибим қолмади, охирги умидим сиздан.

— Марҳамат, қани ичкарига киринглар.

Мехмонлар ичкарига кириб, тор пешайвондаги кўрпача устига ўтиришди. Табиб қизчанинг томирини кўрди, икки чаккасини, қовоқларини босиб, кўзини тафтиш этди, қовургаларини ҳам, куракларининг остини бармоқдари билан силаб кўргандай бўлди.

— Қизингиз кўп қон йўқотибди, қоринда балғам йифилган, зардоб ҳам кўп, қолдириб кетсангиз, муолажа қилиб кўраман, — деди табиб.

— Майли худо хайрингизни берсин, эти сизники, суюги бизники, — ялинди онаизор.

— Ундей деманг, рози бўлсангиз, қизингизни мен фарзандликка ола коламан.

— Мингдан-минг розиман, жони омон қолса бўлди.

Табиб қизчани кампири билан бир ой давомида боқишиди, ювиб тарашди, томирдан қон олишиди, энг ноёб дориларни тайёрлаб беришиди. Қизча аста-секин рангига келиб, қайт қилишу қон кетишлари тўхтаб, соғайиб кетди. У янги ота-онанинг юмушини қилиб, тогу тошлардан доривор гиёҳлар теришда ёрдам бериб юрди.

Бутун умрини илм-фан, давлат ишларию табобатга сарфлаган бу зот ҳамюртимиз Низомий Арузий Самарқандийдир.

Низомий XI асрнинг 90 йилларида Самарқандда туғилган. Унинг болалик йиллари она шаҳрида ўтган, мадрасада таҳсил кўриб, ижтимоий ва табиий фанлар бўйича мукаммал билим олган. Вилоят ҳамда таҳт учун феодал урушлар авж олган¹²⁹ бир пайтда Низомий Арӯзидир.

зий Самарқандий ҳозирги Афғонистон худудига ўтиб, ғўрийлар сулоласи ҳукмдорлари саройида ишлайди. Ғазна, Ферўзкух, Бомиён ва бошқа шаҳарларда бўлади. Салжуқийлар, газнавийлар ва ғўрийлар олиб борган хонавайронгарчилик урушларининг бевосита гувоҳи бўлади. Низомий Аврўзий Самарқандий XII асрнинг 60 йилларида Бомиёнда вафот этади.

Олимнинг бизга қадар ягона «Чаҳор мақола» китоби етиб келган. Олим ўз асарини 1156—1157 йиллар орасида Бомиёнда ёзган. Худо, пайғамбар ва тўрт ҳалифа таърифига бағишланган ҳамд ва наътдан ташқари тўрт фасл ҳамда бир ҳикоятда дунёнинг тузилиш, ер сфераси, табиатнинг моддийлиги, сезги аъзолари ҳамда билиш ҳақида мушоҳада юритилган.

Шундан сўнг дабирлик илмининг сехри, шеър мөҳияти ва шоир салоҳияти, юлдузшунослик ва мунажжимликнинг моҳияти, табиблик ва тиб илмининг аҳамияти ҳақида тўрт мақола келади. «Чаҳор мақола» Ўрта Осиё ва Хурросон халқлари илм-фани, маданияти, адабий-эстетик қарашлари тарихи, у ёки бу ёзувчининг ҳаёти ҳамда ижодий меросини ўрганишда беназир манба ҳисобланади. Зероки, муаллиф китобда олдин ўтган ҳамда ўзига замондош бўлган кўплаб астроном, математик, тиб олимлари, адабиётшунослар, шоирлар ҳамда илм-фаннинг бошқа соҳалари вакиллари номини тилга олган, асарлари хусусида баҳс юритади, турли муносабатлар билан эслаб ўтади, баҳоли кудрат баҳолайди. Айниқса, рисоланинг «Шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти», «Шоир ва шеърнинг қандай бўлиши» сингари қисмлари катта илмий, амалий қимматга молик. Чунки, бу бўлимларда олим ҳозирги кунда ҳам долзарб масалалар ҳисобланган ижодкорнинг бурчи, масъулияти, ўзига талабчан, ҳамиша изла нишда, ўрганишда бўлиши хусусида жиддий фикрларни ёзган. «Агар шоир ёшлиқ айёмида ва йигитлик давронида, — деб ёзади Низомий Арўзий, — ўтмиш шоирларининг шеърларидан 20 минг байтни хотирасида тутмаса, замондошларининг асарларидан 10 минг мисрани ёд билмаса, устодлар девонини доимо мутолаа қилмаса, сўзнинг нозик томонлари ва қийин жойла рини қандай йўл билан ҳал этганликларини ўрганмаса, юксак даражага етмайди. Ҳамда шеър навлари ва йўллари унинг табиатида ўз ифодасини топмайди, шеърнинг яхши еки нуқсонли томонлари ақлининг саҳифасида ўз аксини кўрсатмайди, сўзлари буюклик томон,

1,п»би нозики эса камолат сари майл кўрсатмайди». Нжодга лоқайд қарайдиган, нўноқ шоирларни қорала-М11 адид ёш олимларга, соҳибистеъдод қаламкашларга шмхўрлик қилиш, уларнинг тарбиясига жиддий эъти-(>ор бериш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтади. «Шоир (.‐ш бўлса‐ю, шеърлари яхши бўлмаса, аммо қобилият‐т бўлса унинг яхши шоир бўлишига умид қилса бўла‐И. Олийжаноблик коидаси бўйича бундай шоирнинг шрбиясига киришиш вожиб, у ҳақда қайгуриш фарз, меҳрибонлик кўрсатиш шартдир», — деб таъкидлайди муаллиф. Шундан сўнг муаллиф ёш ижодкорлар шеъ‐рият назариясига доир ўтмиш аждодлар яратган асар‐ларни пухта билиши, хусусан, аруз ва қофия масалала‐рига доир китобларни ўрганиш зарурлиги ҳакида фикр юритади ҳамда мутолаа қилиш лозим бўлган илмий рисолаларнинг номларини санаб ўтади.

Бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги, шеърият‐нинг инсон тафаккурига таъсири, бадиий‐эстетик, таъ‐лим‐тарбиявий аҳамияти, ўтмиш аждоддарнинг мада‐ний‐адабий меросига ҳурмат билан қараш, уларни тўп‐лаш, кўчириб китоб қилиш хусусидаги мулоҳазалари катта аҳамиятга эга. Шоир ва шеърнинг қандай бўли‐ши, яхши бадиий асарнинг қадри, мангу барҳаётлиги хусусидаги мана бу мулоҳазалар ҳам foятда мароқли‐дир.

Муаллифнинг фикрича, ҳукмронлар ижодкорларга, шоирларга эътибор бериши лозим, уларни эъзозлаш, асарларини қадрлаши зарур. «Чунки подшо... ўлим фар‐монини олгач, унинг лашкарлари, хазинаси ва қим‐матбаҳо нарсаларидан ҳеч вақо қолмайди. Факат но‐мигина шоирларнинг шеъри орқали боқий қолади... Шоир мажлисларда ширинкалом ва дўстлар даврасида очиқ чехра бўлиши лозим. Шеърлари эса ҳаёт сахифа‐сида боқий қоладиган, покиза табиатли кишилар тили‐дан тушмайдиган, баёзларга ёзиб олинадиган ва ша‐харларда ўқиладиган даражага етган бўлиши зарур».

Яхши бадиий асарнинг барҳаётлиги, инсон камоло‐тига, эстетик дидига таъсири борасида фикр юритганда Низомий Арўзий Ҳанзала Бадғисий, Абу Абдуллоҳ Рӯ‐дакий ва Абулқосим Фирдавсийларнинг номи ҳамда асарларини ҳурмат билан тилга олади. Чунончи, оддий қўшчи Аҳмад Абдуллоҳ ал‐Хўжастоний Бадғисмийнинг икки байти таъсирида жанговор сипохий, машхур лаш‐карбоши, оқибат натижада ҳукмдор даражасига етади. Форсий тилдаги шеъриятнинг асосчиси Рудакийнинг

«Бўйи жўйи Мулиён ояд ҳаме» — деб бошланадиган машхур қасидаси амир Наср Ибни Аҳмад бошчилиги-даги аёнларда ватанга меҳри туғён урдиради. Султон Маҳмуд «Шоҳнома»ни етарлича қадрламади, аммо бу асар ҳамон кишиларни гуманизм, ватанпарварлик, қаҳрамонлик руҳида тарбиялаб келмоқда. Муаллиф ўнлаб шоирлар тақдирни ва ижоди мисолида ана шу хилдаги мулоҳазаларни баён этади.

Низомийнинг бу асари инглиз, немис, рус тиллари-га таржима қилинган. Уни ўзбек тилига эса шарқшунос Маҳмуд Ҳасаний ўтирган.

Хуллас, Низомий Арўзий Самарқандийнинг илмий қарашлари, хусусан, адабиётшуносликка доир назарий мулоҳазалари ҳамон ўз қимматини сақлаб келмоқда.

ХАЛҚ ДАРДИГА ҲАМРОЗ

Ўтмишдаги аксарият шоирларимиз Анварийни устод санъаткор сифатида зикр этадилар. Фарбий Оврўпа адилари эса уни форсий тилдаги шеъриятнинг «пайғамбарларидан» деб атайдилар. Бунингсири нимада? Гап шундаки, ҳали кичик шеърий жанрларда катта тажриба бўлмаган бир даврда Анварий лирик турнинг барча жанрларида мумтоз асарлар яратди, қасиданинг шакл ва мавзу доирасини кенгайтирди, шеъриятни замон руҳига яқинлаштириди. Натижада салжуқийлар сулоласи адабий муҳитида ўзига хос бир мактаб яратган шоир даражасига етди.

Авҳадуддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий 1105 йили Ҳоварон ўлкаси, Абевард вилоятининг Бадка қишлоғида туғилди. Анварий ёшлигиданоқ илм ўрганишга берилиб нужум, тиб, ҳандаса, илми бадеъ, ҳикмат, фалсафа ва бошқа фанларни ўрганди. Тус мадрасасида ўқиб юрганидаёқ «Ҳоварий» тахаллуси билан ишқий шеърлар ёза бошлади. Худди шу даврда салжуқий хукмронлар саройида, хусусан, Султон Санжар ҳокимияти пайтида (1118—1157) турли хил ижодкорлар жамланган адабий муҳит мавжуд эди. Анварий тахминан 20 яшарлигида ана шу шеърият доирасига дохил бўлди. XII асрнинг ўрталаридан бошлаб, Ҳурросонда но-тинчлик содир бўлади. Марказий ҳокимият билан вилоят феодаллари ўртасида жиддий келишмовчилик юз берди. Хоразмшоҳлар бир неча бор бош кўтардилар. Хусусан, Афғонистоннинг тоғли вилоятларидаги ғўз-

||шинг марказга ҳужуми кўп фалокатлар келтириди:
оОод шаҳарлар вайрон қилинади, ёндирилади, илм-фан,
маданият қишилари ўлдирилади ёки тўрт гомонга тар-
қалиб кетишади, илму урфон таназзулга юз тутади,
Марв, Газна каби шаҳарлар ҳувиллаб қолади.

Анварий дастлаб Марвдан Нишопурга, у ердан эса
1>алхга ўтиб яшашга мажбур бўлади. Лекин Футухий
Марвазий номли шоир ғаразли ният билан Анварий
номидан Балх ва унинг ҳалқини масҳараловчи хажвия
I/ шб тарқатади. Шоир оғир аҳволда қолади ва «Қаса-
мёд» номли қасида битишига ҳамда шаҳар қозиси Ҳаму-
диддин ёрдамида бу маломатдан кутулишга эришади.

Ҳасби ҳол характердаги қасидаларидан бирида шоир
узининг дарбадар юриши, тухмат, фитнаю маломат ўқига
иишон бўлиб, ғам-ҳасратда умр ўтказиб юрганлигини,
қай юртга борса ҳам нохушлик пешвоз чиқканлигини
ифодалайди:

То омад аз адам ба вучуд асли пайкарам,
Чуз ғам набуд баҳра зи чархи еитамгарам.
Хун шуд дилам дар орзуи он ки як нафас,
Баҳри ғам зи гулшани шоди гуле барам.

(Танам йўқлик оламидан вужудга келгандан буён
ситамгар чарҳдан ғамдан ўзга нарса насибам бўлмади.
Шодлик гулшанидан тиконнинг заҳрисиз бир гул те-
риш орзусида бағрим қон бўлди.)

Оғир, машаққатли ҳаётга қарамай, шоир ишқий,
хажвий шеърлар, қасидалар ёзиш, илмий рисолалар би-
тиш билан машгул бўлди. Анварий 1187 йили Балхда
вафот этади. Анварийдан бизга қадар ғазал, рубоий,
қитъа, қасида каби жанрлардаги шеърларни ўз ичига
олган катта ҳажмдаги девони, илмий рисолалар мерос
бўлиб қолган. Табиатан шўх, ҳазил-мутойиба, рост-
гўйликка мойил Анварийнинг шеърлари лирик қаҳра-
моннинг нозик туйгулари, ҳикматомуз байтлар, муно-
фиқ қишилар, золим феодаллару риёкор дўстларни тан-
қид ва фош этувчи шеърлар билан омухта бўлиб кета-
ди. Шоир асарлари инсон камолати, ҳаёт ва коинот,
ижтимоий борлик ва инсон тафаккури ҳақидаги ил-
мий, фалсафий мушоҳадаларга бой, турли-туман руҳий
кечинмаларнинг ранг-баранг бекиёс тасвиirlарига се-
робдир. Унинг нуктасанжу нозикбинлиги табъ аҳлини
хайратга солади.

Биз ошиқнинг вафосизликдан, муруватсизлигу

паймонбузарликдан шикояти замираид мавжуд ижтимоий тузумдан, хукмрон табақалардан нолишини сезазисиз. Шунинг учун ҳам юксак аҳлоқ-одобни, инсонпарварлигу самимийликни тарғиб этган шоир мардумазор, жангжўй одамларни танқид остига олади, ҳалқнинг зулм-зўрликка нисбатан нафратини ифодалайди. Икки кишининг мунозараси шаклидаги битилган бир ғазалда шоир «Ҳокимлардаги барча мулк ҳалқникидир» деган фикрини илгари суради:

Дурри марварид чашми ашкни атфоли ман аст,
Лаълу ёкути ситамаш хуни айтами шумост.
Онки тоби сабу пайваста ас хостаст,
Гар бижўй, то ба мағзи устихонаш они мост.

(Тожидаги дурру марварид фарзандларимнинг кўз ёшидир. Зеб-зийнатидаги лаълу ёкут аждодингизнинг конидир, мадомики биздан шароб сувини олар экан, билсангиз, суюкларидағи илиги ҳам бизнидир.)

Анварий саройга яқин туриб, хукмронларга атаб қасидалар ёзган бўлса ҳам, моддий қийинчиликда яшади, замонасининг мураккаб зиддиятларини, оддий меҳнаткаш ҳалқнинг ҳаётини, юртда юз беряётган ижтимоий адолатсизликни зукколик билан кузатган, унга ҳамнафас ҳамдард санъаткордир. Шоир ишқ-муҳаббатни, ҳаёт гўзаллигию табиат жозибасини рангбаранг образларда тасвиrlаган, улуғлаган. У ёрининг нозу итобиyo, афёрганинг ғаламуслиги, жудолик дардини ўткинчи деб билади, висол онлари келишига ишонч билан, келажакка умид билан яшайди:

Гар балое мекашам, айбам макун,
К-ин бало охир ба коре мекашам.
Захмати сармои сард аз мохи дай,
Бар умеди навбаҳоре мекашам.

(Бошимга бирон бало келса, айб этмагин, эртанги кун умиди билан унинг захмини тортаман. Бўлажак навбаҳор иштиёқида қишининг қаттиқ совуғига бардош бераман.)

Форсий тилдаги шеъриятда Анварий энг кўп қасида ёзган ва бу жанр имкониятларининг янги кирраларини очган санъаткордир. Бизга қадар унинг 250 дан зиёд қасидалари етиб келган. Шоир қасидаларини ўқир эканмиз, анъанавий васф-мадхиялар билан бирга ҳасбу ҳол,

ақюқий-таълимий, баҳория характеристидаги фикр муло-
ға ^аларини кузатамиз, даврнинг турли-туман воқеала-
лар билан ошно бўламиз: халқ дарди, ватан тақдирни
ақидаги дардкаш мушоҳадаларга шерик бўламиз. Демак, Анварий сиртдан қараганда факат мадхия моҳия-
Ш1 а молик бўлиши лозимдек туюлган қасидага ижти-
моий-фалсафий, ахлоқий-сиёсий масалаларни олиб
кирди, халқпарварлик, инсондўстлик, ватанпарварлик
тиларини ифодалашга эриши. Бу гоя «Хуросон кўз
сшлари» қасидасида, айниқса, мукаммал ўз аксини топ-
1ап. Унда шоир хонавайрон бўлган халқнинг ғам-ҳас-
ратини, душман оёғи остида ҳаробага айланган обод
шаҳарлару боғу-бўстонлар манзарасини қалб изтироб-
аари билан чизади. Самарқанд ҳокимидан мадад сўраш
оғангидга битилган байтлар китобхон қалбидан ватан-
дўстлигу инсонпарварлик туйғуларини жўш урдиради;
ўзаро феодал урушлар, таҳт-тоҷ талашиш, беҳудага
жалқ қони тўкилишига нафрат уйготади.

Бар бузургони замона хурдон шуда солор,
Бар каримони жаҳон гашта лаймон меҳтар,
Бар дари дунон ахрор ҳазину ҳайрон,
Дар кафи риндон аброр асиру музтар,
Шод, илло дари марг набини мардум,
Бикр, чуз дар шиками мом, наёби духтар...
...Халқро з-ин ғам фарёдрас, эй шоҳнажод,
Мулкро з-ин ситам озод кун, эй покгухар.

(Замона улуғларига гўдаклар бош бўлди, жаҳон буюк-
ларига пасткашлар раҳнамо бўлди, донолар нодонлар
даргоҳида ҳайрону ғамгинидур, шаробхўрлар чангалида
оқиллар асиру ғамгин, ажал остонасида турган халқда
шодлик на қылсун, она қорнидан ўзга жойда қиз бола-
ни тополмайсан... Эй шоҳнажод, бу ғамгин халқнинг
фарёдига ет, мулкни бу ситамдан озод эт, эй покгав-
хар).

Қасида бошидан охир ана шундай оташин мулк-
парварлик, фуқаропешалик, илму урфон топталишига
ачиниш руҳи билан сугорилган. Демак, Анварий
шеърияти ўзининг жанр жиҳатидан ранг-баранглиги,
гоявий нуқтаи назардан ўша давр адабий мұхитидан
бир даража юксак туриши билан ҳамиша шуарою фу-
зало дикқатини жалб этиб келган. Шоир ижодини ўр-
ганиш ва нашр этишда В. А. Жуковский, Р. Ҳодизода,
А. Абдуллаев сингари олимларнинг хизмати катта. Уз-

бек адабиётшунослигига Анварий ижодига бағишиланган тадқиқот яратилмаган, шеърлари ўзбек тилига ҳали таржима қилинмаган.

ХАМСАЧИЛИК КАШШОФИ

Баҳром гўр шикорга чиққанида ўз маҳоратини на-
мойиш қилиш учун ёнидаги маликадан узоқда кўрин-
ган кийикни қандай отиб беришни сўрайди. Малика
унга «бир ўқ билан қўлини қулогига михла, иккинчиси
билан бўғизла», дейди. Баҳром бир ўқ билан оҳунинг
кулогини нишонга олади. Жароҳатланган қулогини қаш-
лаётган кийикни оёғини иккинчи ўқ билан «қулогига
михлайди» ва ҳунарига баҳо истайди. Қиз бўлса, «бу
ерда ҳеч қандай сир, маҳорат йўқ, бу машқнинг маҳсу-
ли», дейди. Ғазабланган Баҳром суюкли қизни саҳрода
қолдиради ва бир сардорга ўлдириб юборишни буоради.
Шоҳ кетгач оқила аёл «шоҳ ғазабида шундай қил-
ди, кейин афсусланади. Сен мени бир пана манзилга
элтиб қўй», деб бўйидаги дурнинг бир донасини сар-
дорга беради. Ҳалиги ҳизматкорнинг шаҳар четида ул-
кан боғи бор экан. Сардор ракқоса, созанда қизни ўша
ерга элтибида ва унинг илтимосига кўра 60 зинали бир
айвон курдирибди. Қиз ҳар куни янги туғилган бир
бузоқни ўша зиналардан юқорига кўтариб чиқиб, олиб
тушаркан. Бузоқ новвос бўлганида ҳам зиналардан эр-
кин кўтариб чиқиб, олиб тушар экан. Қунлардан бир
кун қизнинг илтимосига кўра ҳизматкор овдан қайтаёт-
ган Баҳромни ўша айвонга меҳмондорчиликка таклиф
этибида. Айни зиёфат қизиган пайтда малика буқачани
айвонга кўтариб чиқибди ва пастга олиб тушиб қўйишини
шоҳдан илтимос қилибди. Шунда Баҳром «бунинг ажаб-
ланадиган жойи йўқ. Бу машқ маҳсули», дебди. «Нега
энди кийикнинг оёғини ўқ билан қулогига тушовлаш
машқ ҳосили эмас экану бузоқни олтмиш зинага кўта-
риб чиқиши машқ маҳсули экан», дебди таъна билан
қиз. Баҳром қилмишидан пушаймон бўлиб, севгилиси-
ни саройга элтибида.

Шарқда беш достондан иборат «Хамса» ёзишни бош-
лаб берган Низомий Ганжавий ана шунақа кўплаб иб-
ратомуз ҳикоялар муаллифидир. Абу Муҳаммад Илёс
бинни Юсуф Низомий 1141 — 1143 йиллар орасида ҳо-
зирги Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида маърифатли ои-
лада дунёга келади. Унинг отаси Эроннинг Қум шаҳ-

рилан бўлган, онаси эса ҳарбий саркарданинг қизи чп\). Болалигидәёқ ота-онаси вафот этгач, ёш Юсуф-Н111И гарбияси билан тоғаси Хожа Умар шуғулланади. 11и юмийнинг аждодлари, таҳсил йиллари ва кайси мадрслларда ўқигани маълум эмас. Ганжа X—XII асрларла маданият, илм-фан, савдо-сотик анча ривожланган шп\ар бўлган. Шоир асарларидағи далиллар унинг фор-І ий ва араб тилларидан ташқари юонон, қадимги паҳла-Ш1 й, санскрит ва бошқа тилларни ҳам билганлигини гасдиқлади. Низомий ўз давридаги фалсафа, мантиқ, илоҳиёт, адабиётшунослик, кимё, астромия математика сингари фанларни пухта билган, илмнинг инсон камолатида тутган ўрнига алоҳида эътибор берган. У (амонасидағи Абулалои Ганжавий, Изуддин Шервоний, Музириддин Байлоқоний, Анварий, Жамолиддин Абдураззоқ ижоди билан таниш эди. Хоқоний Низомийнинг яқин дўсти эди.

Ёшлигиданоқ шеър машқ қилиб юрган Низомий йигитлик палласида шоир сифатида шуҳрат қозонган. Унинг араб ва форсий тилда ёзган ғазал ҳамда қасидалари илм-адаб ахли назарига тушади. Уни хукмронлар сарой шоирига айлантироқчи бўладилар. Моддий мухожлиқда яшаган ва баъзан амалдорларни мадҳ этиб қасидалар ёзган Низомий умрининг охиригача саройга бормади. Низомий Офоқ номли хотинидан таваллуд бўлган ўғли Мұхаммадни илм-маърифатли қилиб тарбиялаган. Шоир достонларидағи ўғлига насиҳатномалар шундан далолат беради. Буюк мутафаккир ва даҳо санъаткор 1209 иили ўз ватанида вафот этган.

Низомий бадиий ижод билан эрта шуғулланади. Шоир қасидалари васфия ҳамда фахрия моҳиятига эга бўлиб, кўпроқ ижтимоий ҳаёт, моддий борлиқ ҳакида фалсафий мушоҳадалар юритади, адолат ва ақл-заковатли, тадбиркор хукмронларни васф этади. Ана шундай қасидалардан бири ғоятда маъкул бўлгани учун Дарбанд шаҳри ҳокими Офоқ номли қул қипчоқ қизини инъом этади ва шоир унга уйланади. Давлатшоҳ Самарқандий (1487) Низомийнинг 20 минг мисрадан иборат шеърлар девони мавжудлигини таъкидлаган. Шоирнинг ўзи «Хусрав ва Ширин»да ғазаллари Дарбанд саройидаги созандалар дастаси томонидан қўшиқ қилиб куйланиши ҳақида маълумот беради. Баъзи ғазалларида Низомий ижтимоий адолатсизликдан нолийди, ахлоқий-таълимий фикрларни илгари суради Афуски, бизга қадар шоирнинг ўнга яқин қасидаси ва

бир неча ғазалларигина етиб келган, холос. Унинг шеърлар девони ҳанузгача топилмаган.

Шоирнинг Эрон олимлари томонидан турли манбалардан йиғиб чоп этилган девони 10 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубоййдан иборат.

Низомийга оламшумул шуҳрат келтирган асар «Хамса»дир. Шоир ҳалқ оғзаки ижоди, қадимий воқеаномалар, ёзма манбалардан ижодий фойдаланиб, ҳаётнинг долзарб масалаларини акс эттирувчи бешта достон ёзида ва улар «Хамса» номи билан бир китобга жамланган.

Низомий «Хамса»нинг илк достони «Махзанул асрор» («Сирлар хазинаси»)ни 1173—1180 йиллар орасида ёзган ва Кичик Осиёдаги Эрзинжон шаҳрининг ҳокими Баҳромшоҳга йўллаган. Достон Баҳромшоҳга маъқул тушиб, шоирга талай инъом-эҳсон жўнатган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Низомийнинг муҳолифлари бу тухфани талон-тарож этганлар. Шунинг учун ҳам шоирнинг моддий ахволи умрининг охиригача оғирлигича қолган. «Махзанул асрор» ижтимоий-фалсафий, ахлоқий-таълимий достон бўлиб, мукаммал муқаддима ва йигирма боб-мақолатдан иборат. Мақолатларда Низомий одам ва оламнинг яратилиши, адолатнинг файзи ва зулмнинг зарари, одамгарчилик, яхшилик, аждодлар урф-одатига ҳурмат ҳамда садоқат, поклик ва сахийлик, инсоф сингари жуда кўп ҳаётий масалалар хусусида улкан мутафаккир сифатида мулоҳаза юритади, ўз мушоҳадаларини ҳаётий ҳикоя ва масаллар билан тасдиқлаб, исботлаб боради. Низомий «Золим шоҳ ва одил киши», «Кампир ва Султон Санжар» сингари қатор ҳикоятларда адолатли шоҳ гоясини илгари суриб, ўз давридаги зулм-зўрлик, инсофизлизикни қатъий қоралайди, замон ҳукмронларини одил бўлишга ундейди. «Махзанул асрор»даги инсонпарварлик фояси, ахлоқий-таълимий карашлар шоир пандномаларининг энг мумтози эканлигини кўрсатади.

«Хусрав ва Ширин» ишқий саргузашт асар ҳисобланади. «Хамса»нинг иккинчи достони бўлмиш бу ишқномани Низомий ҳалқ оғзаки ижоди, воқеаномалар ва «Шоҳнома»дан ижодий фойдатаниб яратган. Фирдавсий Эроннинг сосоний ҳукмронлари охириги вакили Хусрав Парвизнинг (590—628) тарихий саргузаштини жангнома тарзida ёзган. Низомий бўлса шавкатли шоҳ Хусрав Парвизнинг Арманистон маликаси Ширинга бўлган муҳаббатини тасвиrlаган. Достонда Хусрав, Ме-

ушбону, Ширин, Шакар, Марям, Шопур, Шерўя, Фаръол, Баҳроми Чўбина ва сарой амалдорлари образи тас-инрланган. Шоир Ҳусравни жасур, тадбиркор, давлат-11Ц](1 бутунлигини сақловчи шоҳ сифатида таърифласа ҳам, севги-муҳаббатда бекарорлиги ва шахсий манфаат учун муқаддас нарсадан ҳам воз кечиш, маънавий нуқсоиларини танқид этади. Ширин адолатли, тадбиркор ӯукмрон Мехинбонунинг жияни, гўзаликда танҳо. Айни иантда у билимли, донишманд қиз: турмуш қийинчи шкларини сабот билан енгади, холосидан сўнг давлат-ип адолат билан бошқаради, юртнинг тинчлиги, халқпинг фаровонлигини таъминлайди. Ширин Ҳусравни чин дилдан севади, уни яхшиликка, маърифат ва адочатга йўллаб туради. Низомий моҳир уста ва наққош Фарҳоднинг хунари ва санъатини маҳорат билан чиз-1пп. Умрининг сўнгги нафасигача Ҳусравга содиқ қол-1ан Ширин Фарҳодни чин инсон, моҳир уста сифатида ӯурмат қиласди. Унинг бевакт вафоти муносабати билан мунг чекади. Босқинчилик урушларини, давлат бутунлигига раҳна соладиган исён, ўзаро феодал можараларпи, разолатни қоралаган Низомий маърифат ва санъатни олқишлийди: Борбад, Некисо, Саркаш сингари созанди ва хофизларни зўр самимият билан тасвирлайди.

Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Арабистондаги Бани Омир қабиласи бошлигининг ўғли Қайснинг Лайлига муҳаббати тасвирланади. Шоир бу асарда ҳақиқий севгини тасвирлаб, фидоий ошиқмаъшуқалар образини яратиш билан бирга юксак инсоний фазилатларни улуғлайди: олийҳимматлиқ, билимдонлик, дардманларга ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, инсон қадр-қимматини эъзозлашни таъкидлайди.

«Хафт пайкар» («Етти гўзал») достони шавкатли Баҳром Гўрнинг севги саргузашти тасвирига бағишлиланган. Асар Баҳромнинг саргузашти, унинг канизак Фитнага бўлган муҳаббати тасвиридан ташқари яна етти киссани ўз ичига олади. Шоир достонда тадбиркор, адолатли, шижаоткор шоҳ Баҳромни мактайди: Яман шоҳи Нўъмон томонидан машҳур месъмор Симнорнинг ми-норадан ташлаб ўлдирилиши, вазир Ростравшаннинг хиёнати, зулмини, саройдаги низо-адоват, маккорлик, мансаб-бойлик талашиш, мол-мулкка ҳирс қўйишни қаттиқ қоралайди. Халқ осойиши ва юрт оройишини ўйлайдиган ҳукмронларни улуғлайди.

Достон охирида Баҳром Гўрнинг вақтини кўпроқ кийик овлаш билан ўтказишини тасвирлаган. Кунлар-

дан бир куни бир гўзал охуни қувиб ғорга кирган Бахромнинг қайтиб чиқмайди. Асар Бахромнинг ҳалокати ва шоирнинг насиҳати билан тугайди.

Низомий «Хамса»сининг бешинчи достони «Искандарнома» бўлиб, у «Шарафнома» ва «Иқболнома» сингари икки қисмдан иборат. «Шарафнома»да шоир Искандарнинг туғилишидан то Нўшобани асиридан озод этиб, оби ҳаётни қидириб зулматга киришигача бўлган воқеаларни тасвиrlайди. Бунда Низомий асосий эътиборни Искандарнинг Никумжис ва унинг ўғли Арасту қўлида вояга етиб, фаолият кўрсатиши, ер юзида адолат ўрнатиб, турли юрт ва элатларда тинч ва фаровон ҳаётни таъминлаш учун олиб борган уруши тасвирига қаратган. «Иқболнома»да эса Искандарнинг турли соҳа олимлари билан инсон ва коинот, объектив борлиқ ва ижтимоий ҳаёт, илоҳиёт хусусидаги савол-жавоблари батафсил ёритилган. Искандарнинг тўрт саёҳати тафсилотлари, идеаллик тасвири, етти буюк донишманднинг ҳаёти ва бошқа жуда кўп воқеалар баёнида Низомий дунёкарашининг гумманистик, ижтимоий-сиёсий жиҳатлари бадиий юксак даражада ифодаланган. Бош қаҳрамон барча билимларнинг донишманди, замин ва коинотнинг ҳамма сирларидан воқиф, кароматгўй ва пайғамбар даражасига кўтарилади. Бундан шоирнинг мақсади «Махзанул асрор», «Хусрав ва Ширин», «Ҳафт пайкар» достонларида йўл-йўлакай ифодаланган маърифатли, адолатли шоҳнинг мукаммал сиймосини яратиш эди. Ҳақиқатда ҳам Искандар ёшлигидан барча билимларни пухта ўрганади, ақлий ва жисмоний жиҳатдан баркамол бўлгач, илм-фанга рағбат қиласиди. Унинг зангиларга карши биринчи жангийёқ камбағалларни ҳимоя қилиш мақсадида бошланди. Дорони енггач, ҳароб юртни обод, хонавайрон ҳалқни шод этади. Хуллас, Искандар сиймосида Низомий ўзи орзу қилган донишманд, тадбиркор, барча ҳалқларнинг тинчтотув яшаши учун, ер юзида зулм ва қабоҳат уруғини куритишга қаттиқ бел боғлаган, ҳалқ орзу қилган одил шоҳ образини мужассамлаштирган.

Низомий «Хамса»сидаги аксарият образлар биринчи дафъя бадиий адабиётда мукаммал сайқалини то-пиб, кейинчалик Шарқ достончилигига анъанавий образларга айланди. Бугина эмас, Хусрав Дехлавий, Ҳожжу Кирмоний, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Очилдимурод Мирий сингари санъаткорлар Низомий анъанасини давом эттириб, ўзларига хос услугуб ва ма-

\орат билан «Хамса» ёзгандар. Дехлавий, Жомий ва Павоий «Хамса»лари катта шуҳрат қозонди. Уларда Нижомийнинг мавзуу, образлари янгила ранг ва оҳангларда куиланади, шоирларнинг ижодий нияти давр талаби (>нлан ривожлантирилди ва янги тараққиёт чўққисига кўтарили).

Низомий асарлари ўтмишда аслида ҳам, туркйча гаржимаси орқали ҳам халқимиз орасида кенг тарқаллан. Ўзбек хаттотлари шоир «Хамса»сини қайта-қайта кўчирдилар, мусаввирлари эса минатюралар билан бетдилар. Истеъодли шоир ва достоннавис Кутб 1341 илии «Хусрав ва Ширин»ни маъно нозикликлари, бадиий жозибасини сақлаган ҳолда турк тилига ўтирган. Шоир Хайдар Хоразмий бўлса, «Махзанул асрор»дан илқомланиб, ижодий файз топиб, «Гулшанул асрор» достонини ёзди. Атоқди шоир, тарихнавис ва сермахсул таржимон Оғахий «Хафт пайкарни» ўзбек тилига пасрда таржима килган. Навоийдан тортиб барча ўзбек июирлари Низомийни ўзларига устоз деб билишган. Улуғ озар шоири достонлари сюjetи асосида сахна асарлари ҳам яратилган. Таникли шарқшунос, профессор Ш. Шомуҳамедов Низомий газал ва қасидаларини, достонларидан айрим хикоятларни таржима килиб, нашр эттиради. Хуллас, Низомий асарлари, у улуғлаган юксак фоялар халқимизга ҳамиша қадрдан.

ЖАСОРАТЛИ АДИБ

Хоразмшоҳ Отсиз марказий ҳокимият бошлиғи Султон Санжарга нисбатан доимий адоваратда бўлиб, баъзан исён кўтарар, қирғинбарот урушлар келтириб чиқарар эди. Ана шундай мажороларнинг олдини олиш мақсадида ва вилоятдаги воқеаларни марказга етказиб туриш учун Санжар олим ва шоир Адиг Собирни Хоразмшоҳ даргоҳига элчи сифатида йўллади. Отсиз шоирни яхши кутиб олади. Бу орада Хоразмшоҳ икки тажрибали жоссунис махсус тайёргарлиқдан сўнг Санжарни ўлдириш, ҳеч бўлмаса шаҳардаги ахволни билиб келиш учун Марвга жўнатади. Жосусларни яхши таниган Адиг Собир уларнинг суратларини чизиб, бир кампирнинг махсиси кўнжига жойлаб Санжарга йўллади. Султон Санжар ана шу расмларга қараб шаҳар четидаги саройлардан бирида жосусларни тутиб катл эттиради.

Гоятда пухта ўйланган бу тадбирнинг фош бўлиши

сабабини Хоразмшоҳ жиддий тафтнш этади ва саройида ягона сураткаш Адиб Собир эканлигини аниқлаб шоирни ҳибсга олади ва орадан кўп ўтмай дўстларининг химоя қилиб қолишидан ҳадиксираб, яrim тунда қўкрагига тош боғлатиб, Амударёга чўктириб юборади. Бу фожия 1147 йилнинг куз ойларида юз беради.

Даштат арбоби даражасига етган оддий косиб фарзанди Адиб Собир Термизий 1089 йили кўхна Термизнинг Дуоба гузарида хунарманд зиёли Адиб Исмоил хонадонида дунёга келади. Бўлажак шоир шахар мактабида ўқыйди. Адиб Исмоилнинг ўзи шахсан боласининг тарбияси билан шуғулланади, барча диний ва дунёвий билимларни ўргатади. Онаси Садоқат отин ҳам ўғлининг тарбиясига алоҳида эътибор беради. Адиб Собир 10—11 ёшларида шеърлар машқ қила бошлайди. Ўғлидаги иқтидорни сезган Адиб Исмоил уни Ҳирот мадрасасига ўқишига юборади. У мадрасада илм ўрганиш, шеър машқ қилиш билан машғул бўлади: фалсафа, мантиқ, астрономия, математика сингари билимларни қунт билан ўзлаштиради. Мадраса хатмидан сўнг Адиб Собир Термизга қайтади.

Бу орада Адиб Исмоилнинг яқин дўсти, «Хурросон раиси» деб ном олган маърифатли донишманд, илм адаб аҳлининг ҳомийси Абулқосим Али Собирни ўз ҳузурига даъват этади. Ва ниҳоят, 22 яшар шоир 1100 йили Нишопурга қараб сафарга отланади. Абулқосим Али бинни Жаъфар ўз даврининг таниқли давлат арбоби бўлиши билан бирга математика ва астрономия билан муттасил шуғулланади. У марказий ҳукуматдан маддад олиб, Умар Хайём ва Имом Музаффар Исфизорий ёрдамида расадхона курдирган эди. Ана шундай илмий марказда Адиб Собир ҳам ишлади ва ўзининг табиий фанларга бўлган майлини такомиллаштириди. Адиб Собир Абулқосим Али сиймосида маърифат ҳомийси, ажойиб жасоратли олимни кўрди ва шунинг учун ҳам уни мадҳ этиб қасидалар битди.

Адиб Собирнинг кундан-кунга мартабаси ошиб, шухрати чор атрофга тарқала бошлайди: Сайқалий ва Насимий номли шоирлар билан яқиндан дўстлашади. Бу-хородан келган ёш шоир Заргар Жавҳарийга устозлик қиласиди. Муизий Нишопурий, Саъди Салмон сингари машҳур санъаткорлар билан ҳамкор бўлади. Аммо лаганбардор шоирлар, шуҳратпараст амалдорлар шоирнинг ҳоким олдидаги обрў-эътиборига бахиллик қиласидилар: унинг имзоси билан «Хурросон раиси» Абулқо-

сим Агини бадном қиладиган ҳажвия ёзіб тарқатадилар, нүфузли амалдорлардан Аминалмұлк билан шоир уртасыда жанжал чиқарадилар. Натижада Адіб Собир мірзоликдан ҳайдалиб, мол-мұлки, қароргоҳи мусодада қилинади. Шоирнинг ахволи кундан-кунга ёмонлашади, бу тұхматлардан күтқариш ҳақидаги додига ҳеч ким қулоқ солмайды, ҳаёті хавф остида қолади, фәқат 1125 йили яқин дүстлари ёрдамидагина Термизга қайтишга муваффақ бўлади. Аммо Адіб Собирни Район шахриға бадарға қилишни мўлжаллаб қўйган Аминалмұлк унинг ватанига кетганидан дарғазаб бўлади ва геэлиқда сургун қилиш ҳақида шаҳар ҳокимига чопар жўнатади. Адіб Собирнинг оила, ватан хузуридаги осойишта дамлари узокқа чўзилмайды, У Равонга мажбурий маҳбус сифатида кетади. Факат 1127 йилдагина Ҳажга бориши баҳонаси билан Арабистон сари йўл олиб, гутқунликдан озод бўлади. Тўрт йил давомида Арабисъюн шаҳарларини кезиб чиқади, Исфаҳонда бўлиб шоир Имодий билан учрашади, қайтишда Нишопурга тушади. Абулқосим Али уни авф этиб, ватанига қайтишга рухсат беради. Бу йиллар Адіб Собир балхлик Рашидиддин Ватвот, Анварий, Абулвоссеъ Жабалий, Низомий Арўзий Самарқандий сингари замон шоирлари билан яқиндан алоқа боғлаган, устоз шоир сифатида улар томонидан эътироф этилган эди.

XII асрнинг 40-йилларига келиб Султон Санжар бошлигидаги салжуқийлар давлати заифлаша бошлади. Бундан фойдаланған вилоят ҳокимлари Санжарга қарши исён кўтарар, мустақилликка интилар эдилар. Жумладан, Хоразмшоҳ Отсиз 1141 йили Султон Санжар Балхдалигида Марвга ҳужум қилиб, қирғинлар уюштирган эди. Бир йилдан сўнг Султон Санжар катта қўшин билан Хоразмга юриш қиласи. Мағлубиятга учраган Хоразмшоҳ тавба-тазарру билан Санжарга сўзсиз итоат этиш ҳақида қасамёд этади. Султон бу ҳийла эканлигини сезади ва Отсизнинг хар бир хатти-харакатидан огоҳ бўлиб туриш учун Урганчда элчихона очади. Кўп маслаҳатлардан сўнг Абулқосим Алининг тавсияси билан Адіб Собир Хоразмга элчи қилиб юборилади. Натижада унинг бу фаолияти фожия билан тугайди.

Адіб Собир гоятда донишманд, сергайрат, тиниб-тинчимаган ижодкор бўлган. Турли фитна, иғво, таҳқиқир ва ҳақоратларга қарамай 37 йил давлат идораларида ишлади, қайноқ ҳаёт багрида бўлди, замонасининг барча зиддиятларини ўз қўзи билан кўрди.

Шунинг учун шоир ижодининг етакчи ғоявий мазмунини давр иллатларини танқид қилиш ташкил этади. У вилоят ва марказий ҳукумат идораларида ишлашига қарамай, золим, фитначи, ишратпараст, шаробхўр феодалларни, мунофиқ руҳонийларни фош этувчи шеърлар битди. Жумладан, Термиз ҳокими, жоҳил ва майпараст Амир Ахти кирдикорларини рўй-рост танқид қиласди. Ахти шароб тиқилиб ўлганида ҳажвий шеърлар ёзди. Бу шеър Термиз халқи орасида оғиздан-оғизга кўчиб юради.

Адид Собир ғаламислардан азият чекканида, эътиборсизликда кун кечираётганларида, танҳолигини ҳис қилганида изтироб тўла, дардли дилнинг фифони уфуриб турувчи, тескари айланувчи фалакни лаънатловчи шеърлар битди:

Умидим йўқ замонда яхшиликтан,
Умид бирла ва лек ўтди умрим.
Разиллардан бўшалса, яхши олам,
Сахиллардан бўшабдур энди билсам.

Лекин Адид Собир шеърлари фақат танқид руҳида, замонадан шикоят оҳангни билан сугорилган эмас. Шоир чинакам инсоний муҳаббат, шодлик ва гўзаллик шайдоси. Унинг аксарият шеърлари соф ишқни куйлашга, инсон руҳий кечинмаларини, табиат жозибасини боғуроғлар, гулу гулзорлар нафосати билан уйғун тасвирлашга, китобхон қалбидаги она-Ватанга, кўхна оламга меҳр ўйғотишга бағишлиланган. Адид Собирнинг талайги-на ғазаллари пейзаж лирикасининг мумтоз намунаси ҳисобланади:

Бахор гул шоҳида минг турли оҳанг айлагай
булбул,
Анинг оҳангни бирла шодликни бешумор айла.
Сенинг базминг қизитгай созу май, созандаю ялла,
Йигишига тўртовин, албатта, қатъий ихтиёр айла.

Кўп жабру жафолар чеккан Адид Собир ҳамиша шодликни куйлади, яхшилика интилди, хур онларни кўмсаб яшади, шеърларида хаётга, келажакка ишонч оҳангни янгради:

Нихоят тунимиз уланар тонгга,
Юлдузимиз порлар шараф буржида.

Шоир ижодини ўрганишда Тожикистонлик олим А. Абдулаевнинг хизматлари каттадир. Унинг сайлан-

мм шсьрлар тўпламининг ўзбекча таржимаси икки марта
нишр этилди. Унга нуктадон адабиётшунос Ё. Исоқов
IV |Сюши ёзган.

АДИБ СОБИР ТЕРМИЗИЙ ХИКМАТЛАРИДАН

Эрур давот, ўғил, давлат яроғи,
Дагал давлатни унга ром қилғил.
Давотдан давлат этмоқ хоҳласанг гар,
«Алиф»ни сен пайванди «лом»қилғил.

* * *

Давот топди қаламдин номдорлик,
Қалам тут, яъни шуҳрат ном қилғил.

* * *

Емон ниятли бўйма эл хақида,
Ўзингга бу ишинг сўзсиз зиёндур.
Киши яхшилик ҳар кимга қилса,
Бу майдон ичра у соҳибқирондур.

АДИБ ВА АДАБИЁТШУНОС

Тўққизинчи ва ўн учинчи асрлардаги Ўрта Осиё
халқлари адабиёти туркий, араб ва форсий тилларда
яратилиб, жанр, мавзу гоявий йўналиш, бадиий кудрат
жиҳатидан жаҳоншумул шуҳрат топди. Айрим адиблар
бир йўла бир неча жанрларда ижод этдилар, бадиий
ижодни илмий-назарий, фалсафий ва тарихий асарлар
яратиш билан уйғун тарзда олиб бордилар. Бухоролик
Муҳаммад Авфий ана шундай серкирра бадиият соҳи-
бидир.

Муҳаммад Авфий тахминан 1172—1177 йиллар ора-
сида Бухорода туғилган. Унинг болалик ва ийгитлик
ииллари она юртида ўтди. У Рукниддин Маъсуд Имом-
зода Бухорий, Али Бурҳон, Кутбиддин Сарахсий каби
замонасининг машҳур олимларидан таълим олади. Са-
марқанд, Хоразм, Нисо ҳамда Хурсоннинг турли ша-
ҳарларида бўлиб, илм-адаб аҳллари сухбатларида бўла-
ди, юрт кўради, эл танийди. Нишопурда ўша давр араб
ҳамда форсий тилдаги шеъриятни ўрганиш билан маш-

гул бўлади. Лекин бу орада мўғуллар Ўрта Осиёга ёпирилиб келади. Муҳаммад Авфий ўз ватанига қайтолмай Ҳиндистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Олим Ҳиндистоннинг Ўчх, Гужорот вилоятларида яшаб, турли вазифаларни бажариб, ижодий ишлар билан шуғулланади. Умрининг охирги йилларини Дехлида ўtkазган Муҳаммад Авфий 1227 йили вафот этади. Муҳаммад Авфийдан бизга қадар бир таржима, «Лубоб-ул албоб» («Негизларнинг негизи») тазкираси, «Жавомеъ-ул ҳикоёт, лавомеъ-ул ривоёт» («Ҳикоятлар мажмуаси ва ривоятлар нури») ҳикоятлар тўплами етиб келган. Маълумки, XIII асрга қадар форсий тилда кўп тазкиралар ёзилган. Лекин улардан бизга қадар тўла етиб келгани «Лубоб-ул &1боб»дир. Икки жилд, ўн икки бобдан иборат бўлган ушбу тазкирада олим шеърият назариясига доир фикр-мулоҳазаларини баён этади, араб ҳамда форсий тилда шеър ёзган шоирлар ҳакида мулоҳаза юритади. Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Ҳурносон, Ироқ, Эроннинг жанубий қисмида яшаб ижод этган 299 шоирнинг ҳаёти, ижодий фаолияти ҳакида маълумот беради, уларнинг турмуши, айрим асарларининг яратилиши билан боғлиқ ривоятларни келтиради.

Тазкиранинг биринчи жилди 7 бобдан иборат бўлиб, дастлабки икки бобда муаллиф шеър фазилати ва шоирнинг салоҳияти ҳакида, 3—4 бобларида форсий тилда яратилган биринчи шеър ва шоир хусусида баҳс юритади, маълумот беради. Колган уч бобда эса асли шоир бўлмасалар ҳам баъзан ғазал ёзган, илм-адаб аҳлига ҳомийлик қилган подшоҳ, вазир, амир, олим ҳамда фозил кишилар хусусида маълумотлар келтирилган. Шундай қилиб, биринчи жилдда 130 шоир ёки адабиёт муҳиблари хусусида фикр юритилади. Асарнинг иккинчи жилди 5 бобдан ташкил топган бўлиб, унда IX асрнинг бошларидан XIII асрнинг биринчи чорагида яшаган, яъни Ҳанзала Бадғийсидан тортиб Зиёуддин Санжарга қадар 169 шоирнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳакида маълумот келтирилади. Характерлиси шундаки, форсий тилда ижод этган ўндан ортиқ шоирларнинг меросидан баъзи намуналар ана шу тазкира орқалигина бизгача етиб келган, холос. Бу асар IX—XIII асрлар форсий тилдаги адабиётни ўрганиш, Ҳурносону Мовароуннаҳр халқлари адабий-эстетик қараашлари тарихини аниқлашда энг ноёб ва мўътабар манба ҳисобланади.

Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ-ул ҳикоёт» асари,

\.фп\ фанлари доктори, профессор И. Низомиддинов-И111П аниқлашича, икки мингдан зиёд ҳикоят, ривоят ма тамсилларни ўз ичига олган. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, Муҳаммад Авфий мазкур асарни яратишда ўзигача яшаган арабийнавис ва форсигўй ошмларнинг 90 дан зиёд тарихий, илмий, бадиий асар-придан фойдаланган. «Осор-ул-бакия», «Дастур-ул-вуларо», «Тарихи Табарий», «Сиёсатнома», «Қобуснома», •• Гарихи Яминий», «Тарихи Туркистон» шулар жумла-сидандир. Бундан ташқари, олим кўпгина ҳикоятларни (кчюсита ўз ҳаёт тажрибалари асосида оғзаки ижод да-шллари, халқ нақллари асосида биттгани ҳам шубҳасиз. Ўаъзи ҳикоятларда бунга ўзи ҳам ишора қиласди. Адаб \икоятларининг аксарияти, инсоф ва адолат, ақл ва тковат, вафо ҳамда садоқат, инсонпарварлик, мард-шк, жасорат, илм-хунарга даъват сингари ранг-баранг \аётий масалаларни, юксак инсоний ахлоқ-одобни, ид-рок ва донишини тарғиб этишга бағищланган. Унинг нжодини ўрганиш, оммалаштиришда М. Бақоев, Ш. Шомуҳамедов, мутаржим Кибриё Қаҳхорованинг хиз-матлари катта. Шарқшунос олим М. Бақоев Авфий ижоди хақида жиддий тадқиқот олиб бориб, энг нодир дастхат асосида «Жавомеъ-ул-хикоёт»нинг бир қисми-ни 1966 иили нашр эттирган эди. Кейинчалик Кибриё Қаҳхорова, И. Низомиддинов ҳамда Т. Файзиевлар бу асардан бир қанча ҳикоятларни ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттиридилар.

Филология фанлари доктори Султон Воҳидов ватан-дошимиз, ёзувчи ва шеършунос олим Муҳаммад Авфий ижодий меросини тадқиқ ва тарғиб этишда хайрли иш-ларни амалга оширган. Авфий ҳикоятларини ўзбек ти-лигатўлатаржима қилиб, нашр қилдириш адабиётшунос ва шарқшуносларнинг галдаги вазифасидир.

МАЗЛУМЛАР КЎЗ ЁШИ ОТАШ...

Сайфиддин Муҳаммад Фарғоний **XIII** асрда яшаган атоқли қасиданавис, ғазалгўй санъаткордир. Шоир асар-ларининг мукаммал нусхалари (учта қўлёзма девони) ҳозир Туркияда сакланмоқда. Улар 1348 ва 1498 йилларда кўчирилган. Ана шу қўлёзмаларни чоп этган турк олими Аҳмад Оташ, Эрон адабиётшуноси Забехулло Сафо ва шу нашрлар асосида тадқиқот олиб борган тожик олими Ансор Афсаҳовларнинг аниқлашларича, Сайфиддин **XIII** асрнинг 20-йилларида, мўгуллар вата-

нини талаётган бир пайтда дунёга келган. Бу ҳақда шоирнинг ғазал ва қасидаларида ҳам ишора бор. Сайфиддин Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида тълим олган, деб тахмин қилиш мумкин. У бальзи шеърларида «мадрасага бориб, илм ўрганишга ружу қилгани», ғоятда муҳтоҗликда кун кечиргани ҳақида шикоят килади.

Мўгуллар босқини кучайгач, Сайфиддин бошқа ижодкорлар сингари ўз ватанини тарк этиб, Табрезга боради ва ҳоким Жувайнин саройида ишлайди. 1230 йилларнинг ўрталарига қадар шоир Жувайнин паноҳида Табрезда яшайди, мана шу ерда шоир ҳаётида муҳим воқеа рўй беради. У буюк шоир Саъдийнинг шеърлари билан танишади ва у билан дўстлик алоқаларини ўрнатади. Чунки, Саъдий нисбатан адолатли, илму адабни дўст тутувчи Жувайнийга асарларини жўнатор, уни таърифлаб қасидалар ёзар эди. Сайфиддин Саъдий билан шеърий нома орқали дўстлашади ва бу алоқа икки буюк санъаткор ижодини руҳий жихатдан бир-бирига яқинлаштиради. Тадқиқотчилар Саъдий Табрезга келган пайтда (1265) Сайф ҳамда машҳур шоир Хумоми Табрезий билан шахсан учрашиб, дўстлашган, деган фикрни баён этадилар. Чунки Сайф ўз ғазал ва қасидаларида Хумом номини ҳамда Саъдийнинг «Гулистан» ва «Бўистон» сингари шоҳ асарларини кўп тилга олади, таърифлайди.

1248 йили феодал урушлар натижасида Шамсуддин Жувайнин хонадони билан қатл этилади, ҳокимиятни кўлга олган Шамсуддин Яхуд мусулмонларга нисбатан қатли ом уюштиради. Илм-адаб ахлининг ҳаёти хавф остида қолгач, Сайф Ҳажга бориш баҳонаси билан сафарга чиқади. Макка зиёратидан сўнг Сайф Кичик Осиёдаги Оқсарой шаҳрида паноҳ топади. Ватандан, дўстларидан (1292 йили Саъдий вафот этади) жудо бўлган шоир ғам-ҳасратда, моддий муҳтоҷликда яшайди. Табрезга қайтишни истаб Фазонхонга (1295—1304) қасидалар ёзib юборади. Аммо бунга мұяссар бўла олмайди. Замонасининг айрим ҳукмронлари унга турли вазифа ва мансабни, ҳатто девонбеги вазифасини тавсия этадилар. Лекин сарой билан бевосита боғланниб қолишни истамаган шоир бу таклифларни рад этади. Ҳақиқатда ҳам Сайфи Фарғоний шеърлари орасида бирон тарихий шахс, ҳукмронни шахсан мадҳ этувчи газаллар учрамайди. Шоир тахминан XIV асрнинг бошларида ватанидан узокца — Оқсаройда вафот этган.

Сайфи Фарғонийнинг бизга қадар катта ҳажмдаги шсьрлар девони сақланиб қолган. Унинг 1348 йили Мұхаммад Али Оқсарой томонидан күчирилған нускаси, юқорида эслатганимиздек, ҳозир Истанбул университетининг кутубхонасида сақланади. Девоннинг нашрий нусхалари ушбу дастхат асосида амалга оширилған Пўлиб, у 573 ғазал, 116 қасида, 13 рубоий, 4 китъадан поборат.

Сайфи Фарғоний ўз ғазал ва қасидаларида Саъдий, Саноий, Аттор, Хоқоний, Рудакий, Анварий, 50ҳири Фарёбий сингари улкан санъаткорларнинг амъаналарини давом эттириб, дунёвий севгини куйлади, ҳаётга, гўзаллик, табиат кўркига муҳаббатни олқишилди, инсонпарварлик, ахлоқий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий фикрларни илгари сурди. Бу билан у форсий тил ва ундаги шеърият тараққиётига мухим улуш кўшди. Шоир асарларида замона зулмидан, но-донларнинг бедодлигию ағёрларнинг ғаламуслигидан шикоят қилинади, жамият иллатларига муносабат билдирилади:

Бозам аз жаври фалак ин дили ғамнок пур аст,
Бозам аз хуни жигар дидай намнок пур аст.

(Ғамгин кўнглимга фалак жаври тўлибdir, кўз ёшимга жигар қони тўлибdir).

Аммо ижтимоий ҳаёт иллатлари, зулм-зўрлик, тенгсизликдан шикоят, босқинчлилик, ўзаро урушларни лаънатлаш, вайронага айланган ватан учун, абгор бўлган халқи учун куюниш Сайфи Фарғоний қасидаларида ғоятда мукаммал ифодаланган. Ижтимоий-сиёсий, фалсафий мушоҳадалар кучли бўлган бу қасидаларда биз анъанавий мадхиябозликни кўрмаймиз. Ҳатто, давр ҳукмронларидан бўлмиш Ғазонхонга бағишланган уч қасидада ҳам замона носозликларидан шикоят мотивлари хийла кучлидир. Биз уларда мўғул истилоси натижасида култепага айланган шаҳарларни хонавайрон бўлган бечораларни, дарбадар юрган халқни кўрамиз. Гўё шоир қасидаларида Чингизхон ҳужуми давридаги Ўтра Осиё ҳалқлари ҳаёти манзаралари чизилгандек туюлади. Бир қасидасида истилочиларнинг давлатни бошқара олмай, уни идора этишни маҳаллий сотқин амалдорларга топширгани устидан кулса, куйидаги байтларда уларни лаънатлайди:

Мардуми беақлу дин гирифта вилоят,
Холи барра чун бувад, чу гург шубон буд.
Бингару имрўз бин, ки аз они киёнаст,
Мулк, ки дию парер аз они Каён буд.
Мулки шаётин шуда аз зулми таадди,
Он чи ба мерос аз они одамиён буд.

(Вилоятни ақлу динсиз кишилар эгаллади, бўри чўпон бўлгач, қўйнинг аҳволи нима кечади. Ўтган кунлар Каёнийлар мулки бўлган юрт бугун кимларнинг кўлига колганини кўр. Инсониятдан қолган барча мерос зулм-зўрликдан шайтонлар мулкига айланди).

Мана бу байтларда эса мўғул истилоси давридаги халқнинг оғир турмуши, мамлакатнинг хонавайрон бўлгани аниқтаъкидланган:

Чу баста зери пои пил мулке,
Ба дасти ин овонон уфтода.

(Бу лаънатилар қўлига тушган юрт, филнинг оёғи остига тушган мулкка ўхшайди).

Гуфтам андар кунжи узлат ру ба девор оварам,
Чун кунам, дар шахри мо як хонаро девор нест.

(Фам-ҳасрат кўйида бир деворга юз ўгириб суюнай десам, бизнинг бу шаҳарда девори бутун бирон уй топилмайди).

Қасидаларидан бирида шоир Ғазонхонга Румнинг харобалиги манзарасини чизади ва уни юртни обод, элни маъмур қилишга чорлайди. Шаҳар нообод, халқ очялангоч, дейди Фарғоний, хукмронлар жабр-зулмни кундан-кунга оширмоқда, олик-солиқлар кўп, нарх-наво баланд, лекин мазлумлар додига етадиган инсон йўқ. Шоир зодагонлар ҳаёти билан мазлумлар турмушини қиёслаб, меҳнаткаш халқ аҳволининг нақадар аянчли эканлигини рўйрост қўрсатган. Бу қасида Анварийнинг «Хурросон аҳлининг номаси» (инглиз олими Эдуард Броун қасидани «Хурросон кўз ёшлари» деб атаган)га ўхшатма тарзида ёзилгани учун турк олими Аҳмад Оташ уни «Рум кўз ёшлари» деб атаган.

Золимон мурдадилу мазлумакон навҳакунон,
Ҳеч дилсўзе набошад мурдаро бар навҳагар.

(Золимлар қалби ўлигу мазлумлар нолакаш, уликлар қандай қилиб тирик йиғловчиларга таскин беришсин).

Шундай қилиб Сайфи Фарғоний қасидалари том маъноси билан замон иллатларини: зулм-зўрлик, судхўрлик, товламачилик, мунофиқлик, риёкорлик, таъматрлик, муттаҳамлик, талончиликни қоралашга, диний урф-одатларни, шариат қоидаларини сусистеъмол қилиб, ҳалқни куллик ва жаҳолатда саклашни қаттиқ танқид қилишга қаратилган. Шоир илм-маърифатни тарғиб этади, нодонлар иззатдаю доналар хор-зорликдалигидан ношиди, хукмронларни инсоф, адолатга, инсонпарвар бўлишига чорлади. Ўз ахволидан нолиган шоир «жабр кўрган мазлумлар», «паришонхотир бечоралар» ғамидан афсуснадоматлар чекади, мўғул босқинчилари вауларнинг маъллий малайларини «халқнинггўштигатушган куртга»га ўхшатади:

...Басе мардум зи сармо дар заминанд,
Чу барф андар зимиston уфтода,
Ба жои анбару мушкаш кунун ҳаст,
Газанда дар гиребон уфтода.

... Аё мазлуми саргашта ки ҳаста,
Чунон маҳруму ҳайрон уфтода.
Зи жаври золимон дар мулки хеш,
Ба хори чун ғарибон уфтода.

(Кўп ҳалқ қишида ёққан қордек совуқдан ер билан битта бўлиб ётиди. Эндиликда (халқнинг) ёқасига мушку анбар ўрнига газандалар ёпишиб олган. Эй саргардон мазлумлар, нечун бу қадар ҳамма нарсадан маҳруму ҳайронсан. Золимлар жавридан ўз ватанингда гариблардек хор-зорликка йўлиқибсан).

Афсуски, бу ватандошимизнинг шеърлари ҳанузгана ўзбек тилига таржима қилинмаган. Ваҳоланки, Сайфи Фарғоний асарлари XIII асрнинг охири ва XIV аср бошлари Ўрта Осиё ҳалқдари адабиётидаги ижтимоий-сиёсий рухнинг тараққиётида муҳим ўрин тутади. У халқнинг куч-кудратига ишонган, уни эъзозлаган санъаткордир.

Оташ аст оби дидаи мазлум,
Чун равон гашг ҳушку тар сўзад.

(Мазлумларнинг кўз ёши оташдир, у аланга олса, ҳўлу куруқ баробар ёнади).

Сайфиддин Фарғоний ижодини топиш, тарғиб ва ташвиқ этишда Ўзбекистон Республикаси ФА академиги Б. Аҳмедов, У. Каримов ҳамда А. Афсаҳовларнинг хизмати катта.

ЖАҲОНГАШТА ШАЙХ

Бир куни эрталаб тогам Алоуддин томдан тараша тушгандай:

— Мен сени ўқитиб бўлдим, энди бошқа устоздан таълим оласан, деб қўшни маҳалладаги шайх Али Дўстийга олиб бориб топширди.

Мен у кишидан сўғизм таълимотининг зикр, сабр, сидқ, вафо, нафс, риёзат, фано сингари қоидалари бўйича дарс олардим. Кунлардан бир кун борсам, устозим нима юмуш биландир банд эканлар. Менга ҳовлининг бир бурчагида ётган катта харсанг тошни у бурчагига олиб бориб — олиб келишни буюрдилар. Мен чошгоҳгача шу ишни бажариб, терлаб-пишиб кетдим. Ва ниҳоят шайх ўз ишларидан бўшаб, мен билан сабоқ бошлидилар. Гап орасида:

— Устоз, шундай катта тошни бекорга у ёқдан бу ёққа кўтариб бориб, кўтариб келишнинг фойдаси нима? — деб сўраб қолдим.

Муаллим бир оз жим турдилар-да, ковушларини оёқларидан ечиб олиб:

— Унинг фойдаси мана бу бўлади, — деб — орқамга, юмшоқ жойимга чунонам туширдиларки, кавшнинг наъли баданимда нақш боғлади.

Кейинчалик билсам шайх қўлига тушган ҳар бир шогирд ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан чиникиши, бирон дақиқа ҳам бекор қолмаслиги, устозига ҳеч қандай ножӯя савол билан мурожаат қиласлиги, унинг ҳар қандай топширигини сўзсиз бажариши шарт экан.

Сайд Али Ҳамадоний 1314 йили Эроннинг Ҳамадон шаҳрида зиёли оиласида дунёга келган. Отаси ёшлигиданоқ унинг тарбиясига жиддий эътибор беради. Падари вафотидан сўнг унинг тарбияси билан тогаси Алоуддин шуғулланади. У ёш йигитчага математика, астрономия, табииёт, Шарқ юртлари жуғроғиёсини ўргатади. Табиий фанларни мукаммал эгаллаб бўлгач, Алоуддин жиянини Машриқ заминнинг машхур файласуф шайхлари Маҳмуд Маздақоний ва Али Дўстий қў-

1ига топширади, Ҳамадоний улардан сўғизм таълимо-
И и бўйича дарс олади.

Кунлардан бир куни Маздақоний шогирдига шун-
дай дейди:

— Сен бу дунёю у дунёга керакли барча билимлар-
пи ўрганиб бўлдинг. Аммо ҳаётни яхши билмоқ ва
инсон қалбини тўғри тушумоқучун сафар қилиб, юрт
кўрмоқ керак.

Шундан кейин Али Ҳамадоний 21 йиллик сафарга
чиқади. Шарқнинг барча мамлакатларини кезиб чиқа-
ди, кўплаб шогирд ва муридлар ортиради, Арабистон-
да бўлади. У энди машхур олим, сўғизм таълимоти
жавонмардлик (борини йўқпар билан баҳам кўриб, йў-
1ига шукр қилиб, фақат ўз хунари эвазига кун кечи-
риш) оқимининг пешқадам донишманди сифатида шух-
рат қозонганди. Сафарларидан бирида Ҳамадоний 1372
йили Ҳатлон вилоятининг (Ҳозирги Кўлоб вилояти)
Алишоҳ қишлоғига тушади. Бу ер шайхга ёқиб қолиб,
бир умрга шу ерда яшайди, уйланиб, бола-чақали бў-
лади.

Кашмирда Исломнинг тарқалиши ва ислом маъри-
фатини ерли халқقا сингдирилишида Али Ҳамадоний
катта хизмат қилган. У 1374 йили буюк Соҳибқирон
Амир Темур маслаҳати билан 700 шогирдини олиб Каш-
мирга борган ва бу ерда илмий мажлислар ўтказиб,
ваъзлар айтиб халқни ўзига эргаштиришга эришган.
Шундан кейин умрининг қолган йилларини қўпроқ
Кашмирда ўтказган Сайид Али Ҳамадоний 1384 йили
вафот этган.

Али Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли барчага бир ибрат-
дир, у ҳар бир сўфи, шайх, дин арбобидан мукаммал
билимдон, бирон касб эгаси, исломий фарз ва суннат-
ларни, билимларни элга ўргатиб ҳалол ҳамда фидой
бўлмоғини қатъий талаб қилған. Шунинг учун барча
мурид ва шогирдлари бирон бир хунар эгаси бўлган.
Ўзи қалпоқ тикишдан келадиган даромад эвазига кун
кечирган. Шайхдан бизга кадар араб ва форсий тил-
лардаги шеърлар девони, «Шайхлар одоби», «Нафс
маърифати», «Жавонмардлик асослари», «Давлатни бош-
кариш қоидалари» сингари юздан ортиқ катта-кичик
ҳажмдаги асарлар мерос бўлиб қолган. Уларда олим
илм ўрганишнинг аҳамияти, хунарнинг инсон фаолия-
тидаги ўрни, шайх, сўфиларнинг маънавий пок бўли-
ши, имон, эътиқоднинг мустаҳкам бўлмоғи, ким ва
қайси эътиқодда бўлишидан қатъи назар барча одам-

ларга яхшилик қилиш, бева-бечораларга нисбатан муруватли бўлиш хусусида насиҳат килади, йўл-йўриқлаб кўрсатади. У ўз асарларида маърифатли, узокни кўра биладиган, тадбирли, адолатпеша, инсонсевар, амир бошлигидаги марказлашган, мустаҳкам давлат фоясини илгари суради.

Али Ҳамадонийнинг шахси, унинг Амир Темур билан мулоқотлари ҳақида Шарқда кўп накдлар тарқалган. Уларда икки буюк шахснинг давлат, юрт, эл, илм-маърифат, инсондўстлик, мардлик ва жасорат, ўзи танлаган иш ва йўлда сабот ҳамда матонат кўрсатиш хусусида ажойиб, ибраторумуз фикрлар мужассамланган.

РИВОЯТЛАР

Шоҳ Нуриддин Неъматулло Вали Ҳазрати Мирни кўргани боргандарида у киши бетоб эканлар. Шунда бошларидаги саллаларини олиб, Шайхнинг муридларидан бирига бериб дебдилар:

— Буни пирингга элтгин, пайтава қилсинлар ва ўз пайтаваларини лутфан берсинлар, мен салла қилиб ўрайман.

* # *

Али Ҳамадоний икки йил шайх Али Дўстий хузурида бўлиб, сўнг Маздақонга қайтаркан, ҳижрий 732 (1358) йили иккинчи куни Сайд хайри хуш қилиш учун устози ҳовлиси яқинига келибди. Ўша куни шайх доимий одатига кўра ҳовлисидан чиқмабди. Дўстлари Али Ҳамадонийга устознинг кулбасига кириб хайрлашиб кетаверишни маслаҳат беришибди. Али Ҳамадоний хонага кириб не кўз билан кўрсинки, Дўстий зикрга бош этган ҳолда жон таслим қилган экан.

Али Ҳамадоний ва бошқа шогирдлар шайх Алини дағн этиб, учинчи куни Маҳмуд хизматига этиб борибди. Ўша кунлари Сайднинг муридлик муддати тугаган экан. Шунинг учун Маҳмуд Маздақоний Али Ҳамадонийга куруқлик ва сув юзида сайр қилиш, жаҳонгашталикка юз тутишини маслаҳат беришибди. Шундай қилиб Ҳамадонийнинг мусофирилик ҳаёти бошланибди.

*

Кунлардан бир куни Али Ҳамадоний шайх Азконий хонақоҳида ётганида туш кўрибди. Тушида Азко-

мпп унга бир лочин тухфа қилибди. Буни шайх фар-
111Ш1 дсб тушинибди-да тезда уйланибди. Оллоҳ таоло
;|қмқатдаҳам унга ўғил берибди, номини Мұхаммад
кдиибди. Үшанда Ҳамадоний кирқ ёшда экан.

* * *

Ҳамадоний нақл этибдур: Ҳаж сафарим ўн ой да-
иом лди. Каерда дам олиб ётсам, ҳақ субаҳонаху тао-
машан «тур, халқни исломга даърат эт» деган нидо ке-
чарди. Шунинг учун бирон манзилда муқим турмадим,
оирон шаҳарда икки ойдан зиёд яшамадим.

* * *

Кашмир подшоҳи Султон Аловуддин тушида оғ-
тбнинг жанубдан чиққанини кўрибди. Шоҳ будда ула-
моларини йиғиб, туши таъбирини сўрабди. «Эй под-
иоҳ, дебди улар, Мовароуннаҳр заминидан бир киши
кслиб, ҳаммамизни мусулмон қиласи», дебди. Ҳақи-
қатдан ҳам Али Ҳамадоний Кашмирга бориб, бутун
халқни исломга даъват этибди.

* * *

Кунлардан бир кун Ҳамадоний Амир Барлос билан
биргаликда соҳибқирон Амир Темур ҳузурига борибди.
Сұхбат давомида Жаҳонгир Шайхдан сўрабди.

— Устоди аржманд, нега кора либос кийиб, кора
салла ўраб юрасиз?

— Улуг амир, мен Ҳақ йўлида ҳар икки нафсни
шаҳид этганман. Уларга мотам тутиб, шундай хирқа
кияман, — жавоб берибди Ҳамадоний.

Накл этишларича Али Ҳамадоний бир сафар 700
нафар саййидлар билан Кашмирга борибди. У ўз дўст-
лари ва яқинлари билан Алоуддин маҳалласидаги Аб-
хат (ҳозирги Чахрам) анхори соҳилига жойлашибди.
(Кейинчалик ана шу манзилда Шоҳи Ҳамадоний ном-
ли хонақоҳ ва жомеъ масжиди бунёд этилган). Ҳар
куни Ҳамадоний аср намозидан сўнг бир баландликда
одамларга панд ҳамда ваъз айтиб, уни маҳаллий тилга
таржима қилдирап экан. Оддий халқагина эмас, ҳинд

ва будда уламоларига ҳам ваъз айтаркан. Баъзан бундай мажлислар баҳсу мунозараага айланиб, Шайх ўз ақлзаковати, ўткир зехни, исломий тафаккури билан ғолиб келаркан. Натижада мажлис ахлидан бир неча киши бир йўла исломни қабул этган кунлар ҳам бўлган экан.

* * *

Султон Бахромшоҳ Саййиднинг муриду мухлислиридан бири экан. У бир неча кун шароб ичиб, бадмаст бўлибди, ёмон ишларга кўл уришга қасд этибди, яъни бирорвни қатл этишни мўлжаллабди. Иттифоқо кўзи уйкуга кетиб, тушида Али Ҳамадонийни кўрибди. У шоҳга қараб: «Эй подшоҳ, худои таоло ва эрта қиёмат кунидаги жазодан қўркмайсанми? Нега бундай бадбинлик ва қотилликка кўл урмокдасан?» дебди.

Уйкудан турган шоҳ ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, Али Ҳамадоний хузурига бориб, унинг қўлини ўпибди. Ана шу кундан эътиборан Бахромшоҳ адолат билан ва худодан қўрқиб ҳукмронлик қила бошлабди. Шунинг учун ҳалқ уни «Шайх Султон» деб атай бошлидилар. У баъзан Бадаҳшонни, қўпинча Балху Бадаҳшонни ўз тасарруфида тутаркан. Бир сафар Бадаҳшон ўзаро жангда унинг ҳарифи қўлига ўтиб қолибди. Шунда Али Ҳамадоний: «Эй худо, тез кунда Бадаҳшонни шайх Муҳаммад қўлига қайтар» деб дуо қилибди. Ҳақиқатда ҳам қўп ўтмай Бадаҳшон яна Шайх Султон қўлига кирибди. У шайх таъсирида ҳалқ учун қўп яхши ва хайрли ишларни бажарибди. Султон Ҳамадонийнинг «Воридоти амирия» рисоласини қўп мутолаа қилиб юаркан.

* * *

Али Ҳамадоний ҳалол ризқ топиб ейиш учун қалпоқ тикиш билан машғул бўларди. Айтишларича бу касб унга тушида башорат қилинган экан. Кунлардан бир кун у ўзи тиккан қалпоқлардан бирини Султон Кутбиддинга тухфа қилибди. Кутбиддин ўша қалпоқни доим тожи остидан кийиб юрар экан. Бир юз кирк йил давомида ўша шажара ҳукмронлари бу анъанани давом эттиришибди. Аммо Султон Фатҳ шоҳ ўша қалпоқни ўз кафанига қўшиб дафн этишни васият қилибди. Токим шу қалпоқ туфайли гўр азобиу қиёмат заҳмати

кммроқ бўлсин, деб умид килган экан. Шундай қилишбди.

Машхур донишманд Мавлоно Муҳаммад Они бу пшиинг хунук оқибатини қуидагича нақл этган: дав-
и ва салтанат Шамсуддин хонадонидан бошқанинг купна ўтажак. Шундай ҳам бўлибди. Накл этишлари-
чм, Ҳамадоний қулохи дафн этилгандан 37 йил ўтгач, I ошчак номли бир баходир майдонга чиқиб, «шоҳам-
ғифий» шажарасига барҳам бериб, тарих майдонига чак-
1мр сулоласини қазабиди ва улар 23 йил хукмронлик қилиб, Акбаршоҳ зарбаси, буюк Темур империяси таъсирида қулабди.

* * *

Кунлардан бир қуни отасининг яқин бир ошноси Сайид Шахобуддин йўлда Ҳамадонийга учрабди ва унга 200 динор ҳадя берибди. Сайид ўша қуни бир қанча дарвеш ва оддий кишиларни тўплаб, юз динорни чаржлаб меҳмон қилибди. Шу зайлда кеч кирибди. Ҳамадоний уйқусида Расули Акрамни зиёрат қилибди. Пайғамбаримиз шайхни бундай текин пулни олмоқ ва меҳнатсиз нарсани кўлга киритмоғини ман этиб дебдилар: «Сен ҳалол қасб эвазига ризку рўзи топмоғинг лозим».

«Хулосат-ул-маноқиб» китобининг муаллифи Сайид Ҳамадоний қалпоқ тикиш билан тириклик қиласи ва у бу қасбни тушида башорат бўлгандан кейин ўрганганд, унинг тиккан қалпоқлари ҳамманикidan чиройли бўларди, деб ёзиб қолдирган. Шунинг учун ҳам унинг аксарият муридлари бирон қасб эгаси эканлар. Ишлаган ҳар бир мурид ёки шогирд ишсизлик ва танбалликдан йироқ бўлишаркан. Шайх туфайли Кашмирдаги «Боги Сулаймон» маҳалласида хунармандчилик борган сари ривожланиб, ободлашиб кетибди.

* * *

Кашмир мусулмонлари Сайид Ҳамадоний ваъз айтадиган жойда кўркам ёдгорлик барпо этишган. Бу ер илмадаб аҳлининг зиёратгоҳи хисобланади. Кашмир-ликлар Ҳазрати имом Ҳусайнни эслаш маросимида Шайх қадам жойига келганда аламларини ҳам қилиб ўтадилар. Халқ қалбida бу зотга ҳурмат шунчалик зўр-ки, Кашмир дарёларидағи балиқчилар ундан мадад

сўрайдилар. Кашмир ахли ҳар йили зилҳижжанинг бу кунини байрам қилиб, Ҳамадоний ҳақида сұхбатлар уюштирадилар.

* * *

«Мастурот» китоби муаллифининг ёзишича Балх хукмронларидан бири Сайд Ҳамадонийнинг илмий кучи, кароматгўйлик кудратига ишонмай, мис ва пўлатдан отлар яссатираркан-да «агар сен ўз қавмингдан қайтиб, менинг саройимга бўйин эгиб келмасанг, ана шу қизиб турган отлардан бирига ўтқизаман» деб сиёsat қиласаркан. Лекин Сайд ҳақ йўлдан қайтмабди. Кунлардан бир кун подшоҳ қараса, яссатирган барча отлари тупроққа айланиб қолибди. Қилмишидан пушаймон бўлган шоҳ Шайхга қўл бериб, мурид бўлибди.

* * *

Али Ҳамадоний 1383 йили учинчи марта Кашмирга сафар қилиб, 1384 йилнинг зилқаъдаси бошларигача ўша ерда яшади. Шундан сўнг умра ёки Ҳаж сафарига бормоқ мақсадида ватанига қайтади. Йўлда Похли шахрига тушади. Шаҳар ҳокими Шайхдан бир неча кун шу ерда яшаб, ўз маърузалидан халқни барҳаманд этмогини илтимос қиласди. Сайд ўн кун давомида катта анжуманларда ваъз айтиб, халқни ўз маърифатидан баҳраманд этгач, йўлга тушибди. Йўлда касал бўлиб, беш кун ўтгач, вафот этибди.

* * *

Ҳайдари Бадахший «Мастурот» рисоласида шундай ёзади: Али Ҳамадоний Ҳатлондалигига Ҳазрати Расул-уллоҳни тушида кўрган экан ва ул ҳазрат «сенинг хокинг шу ерда бўлади» деб башорат қилган эканлар. Уйқудан турган Сайд бу башоратдан мамнун бўлибди. Чунки, у ўзини шу шаҳарга қаттиқ боғлиқ, деб юрарди. Бу воқеани шайх муридларига айтиб берган ва уларнинг «Сизнинг умр риштангиз қачон узилади» деб берган саволларига «мен мана шу воқеадан сўнг уч йилу бир кеча кундуз умр кўраман» дебди. Муридлари зор-зор йиглашибди. Ҳақиқатдан ҳам шайх ўзи айтган кунда вафот этибди.

* * *

Ли Ҳамадоний вафотидан хабар топган Султон Кут-оилдин жасадни Каширга элтиб дағн әтиш учун одам юборибди. Похли ҳокими эса, Сайдидни ўз вилоятида ллфи этмоқчи эди.

Хатлонлик муридлари эса устозни васиятига кура мурдани ўзлари олиб кетмоқчи бўлишибди. Ҳар ҳолда орада қаттиқ тортишув рўй берибди. Мурдани ювиб-мраб, кафанга ўрагач, Шайхнинг мурид ва шогирдларилан бўлмиш Қавомиддин Бадахшний дебди: «Кимда ким Шайхнинг мурдасини ўрнидан қимирлата олса, ун и хоҳлаган ерига элтиб кўмиши мумкин». Бу гапдан \амма таажжубга тушибди. Кашириллар ва похли \алқи бирин-кетин Сайд Ҳамадоний жасадини кўтариб кетишга уриниб кўришибди, лекин хеч ким ўрниллини қимирлатолмабди. Шундан сўнг Шайх Қавомиддин Бадахшний «Энди навбат бизга келди» дебди-да, устози мурдасини бир ўзи икки қўлида даст кўтариб пўлга тушибди. Йигилганлар ҳайрат бармоғини таажжуб дандони билан тишлаб, шайхни Хатлонга элтишга монеълик қилмабдилар. Шундай қилиб Али Ҳамадонийни ўзи севган Алишоҳ қишлоғига элтиб дағн әтибдилар. Унинг мақбараси хамон мўътабар зиёратгоҳ \исобланади.

«ДИЛ БА ЁРУ ...»

Ўн иккинчи ва XV асрларда Ўрта Осиё ҳалқлари орасидан Шарқ ирфоний тафаккури тараққиётига улкан хисса кўшган бир тизим мутафаккир мутасаввуфлар етишиб чикди. Исломий аҳкомлар ўчоғи Бухородан етишиб чиқсан Баҳовуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардандир. У 1318 йили Бухоро яқинидаги «Қасри Ҳиндувон» (кейинчалик у олим шарафига «Қасри Орифон» деб атала бошланган) қишлоғида хунарманд оиласида дунёга келган. Унинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳакида шогирди Муҳаммад Порсонинг «Кудсия», «Мақомоти ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳотул унс», Шарофиддин Роқимийнинг «Тарихи Роқимий», Амир Ҳамзанинг «Мақомоти Амир Сайид Кулол», Муборак ал-Бухорийнинг «Анисул толибин ва уддатус соликин», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Рашаҳот-ул-айнул ҳаёт», «Футу-

ватнома» асарларида қимматли далил ва маълумотлар мавжуд. Ана шу манбалар асосида тадқиқот олиб борган Е. Э. Бертельс, С. Олимов, А. Афсаҳзод, Х. Мирзозода, В. Зоҳидов, И. Мўминов, А. Мухаммадкулов, О. Усмонов, А. Ҳайитметов ҳамда Н. Комилов сингари олимлар бу буюк файласуфнинг тўла биографиясини яратишга қисман эришишган.

Шу илмий хуносаларга қараганда туғма зийрак ва зукко бўлган Баҳовуддинни ёшлигиданоқ дастлаб Ҳўжа Муҳаммад Самосий тарбиялай бошлайди. Зеро бир неча йил бурун «Қасри Ҳиндувон»да бўлган Самосий яқин оралиқда мана шу қишлоқда буюк бир шахс дунёга келишини баshoreт қилган эди. Унинг вафотидан сўнг эса Баҳовуддиннинг тарбияси билан ўша даврнинг машҳур мутасаввуфи Амир Сайид Кулол шуғулланади. Ана шу Сайид Амир Кулол Амир Темурнинг ҳам пири бўлган. Бу хақда «Темур тузуклари»да ҳам ишорат бор. Кейинроқ эса Абул Ҳолиқ Ғиждувонийдан сабоқ олади. Олимнинг отаси Сайид Жалолиддин, онаси Биби Орифа бўлган.

Маълумки, Аҳмад Яссавий Бухоро мадрасаларини хатм этгач, устози Юсуф Ҳамадоний ўрнида мударрислик қилган. Ўша кезларда Сайид Кулол билан Абул Ҳолиқ Ғиждувоний Аҳмад Яссавийдан таълим олишган. Демак, Баҳовуддин Нақшбанд бевосита Яссавий шогирдларидан ҳисобланади. У етти яшарлигига «Қуръони Карим»ни тўла ёдлаб, хуш овоз билан қироат қилган.

Ўн бир яшар Баҳовуддинни Сайид Кулол ўзи билан Қаршига элтади. У бу ерда кўп китоб ўқиёди, сўфизм назариясини пухта эгаллайди; устозларидан «махфий зикр» қоидаларини ўзлаштиради; орифлик шартларини ўрганади; ўн етти яшарлигига уйланади. Аммо Абу Муҳсин Муҳаммад Бакир ибни Муҳаммад Алининг «Макомоти ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд» китобида нақл этилишича, Сайид Амир Кулолдан дарс олиши тугагач, амакиси Баҳовуддинни Самарқандга элтади ва машҳур дарвишлар хузурига элтиб, улардан таълим олдиртиради. Қунлардан бир кун Баҳовуддиннинг тушига ҳазрати Хизр кириб, «агар сен ҳақиқий сўфи бўлишни истасанг, хотининг билан алоқани узишинг керак» дейди. Шундан сўнг Баҳовуддин оиласи билан ажралишади. Умуман, унинг камолотида «ғойибдан нидо», «хуфя зикр» пайтида кўз олдига пайғамбар, Сулаймон Ҳаким Ота, Хизр,

Иброҳим Адҳам, машхур авлиёларнинг келиши, башорат, ўзининг ногиҳоний руҳий қудратга эга эканлигини сезиши мухим омиллардан бўлган. Ўтмишда яшаган буюк мутасаввуфларнинг ҳаётида Хизр башорати ёки ундан таълим мухим ўрин тутган.

Гарчи Баҳовуддин оиласдан воз кечган бўлса ҳам ўзининг қатъий ақидаси «даст ба кору дил ба ёр»дан келиб чиқиб, дехқончилик билан шуғулланган, отаси-нинг ёнида туриб дастгоҳда гулли ҳарирлар тўқиган, мисга гул-нақш тушириш билан шуғулланган. Унинг лақаби — Нақшбанд ҳам мисгарлигидан олинган. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Баҳовуддин бир оз вақт шогирди Халил султон ёки Қазон султон даргоҳида яшаган ва унинг бой китобхонасидан фойдаланган, айрим масалаларда Султонга раҳнамолик қилиб турган.

Бухорога қайтиб келгач, олим шогирдлари Муҳаммад Порсо ва Алоуддин Аттор билан бирга Хуросон, Эрон ҳамда Ироқ орқали Ҳажга жўнайди. Улар йўлда Балх, Марв, Ҳирот, Нишопур, Бағдод ва Дамашқ каби ўнлаб шаҳарларда бўладилар: Юсуф Ҳамадоний, Боязид Бастомий, Жўнайд Бағдодий, Мансури Ҳаллож, Абу Абдулло Маҳосиби сингари машхур сўфи-машойихлар, Шарқ сўфизм таълимотининг алломалари мақбара-ларини зиёрат қиласди: «Анал ҳақ» ижодкорига катта ҳурмат кўрсатади.

Машхур тасаввуф донишманди, Бағдодда мадраса курдириб, ўн йил давомида ўн уч фандан дарс айтган Абулқодир Гелоний-Ғавсул Аъзам (ХII аср) Мансури Ҳалложга хайриҳо бўлган, унинг ақидасини тарафдорлик қиласди. Баҳовуддин Нақшбанд ҳам шогирди Муҳаммад Порсога «Мансур қалбида ишқ оташи-нинг алангаси бор эди. Тирд-атрофдагилар ана шу шуълани кўра олмай, уни дастгирилк этмади. Мен ўшандан Ҳаллож ёнида бўлганимда, уни қўллаб-куват-лардим» деган экан. Бу эса Нақшбанднинг «Худо билан қалбан бирга бўлмоқ лозим, у бизнинг вужуди-мизда бўлмоғи даркор» деган фикри билан ғоятда мутаносибдир. Уч йилдан сўнг улар Бухорога қайти-шади. Бундан кейинги барча ҳаётини Баҳовуддин Нақшбанд худо йўлига хизмат қилишга: муридлару шогирдларга дарс айтиш, амри маъруф ўтказиш, уларга «зикри хуфя» қоидаларини сингдириш, кўпроқ даврвишлар даврасида бўлишга интилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Муҳаммад Порсо ва Алоуд-

дин Атторлар унинг[^] нутқлари, ҳикматли сўзларини ёзиб, тўплаб юрган. Ўтмишда яратилган «Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд мақомотларига» кирган барча гаплар, устознинг фикрлари, унинг даҳоси хусусидаги кўплаб маҳоботли афсоналар ана шу манбалардан олинган ёки уларга суюниб ёзилган.

Ҳазрати Баҳовуддин касалланиб қолгач, умр охирига етаётганини сезиб, Бухоро четидаги бир карвонсаройга бориб ўрнашган. Кўплаб шогирдлар, дарвешлар қуршовида бир неча кун яшаб, 1389 йилнинг март ойида оламдан ўтган. У ўзигача ўтган барча сўфи, машойихлар таълимотини пухта эгаллади ва бу соҳада ўзича куйидаги йўналишни белгилади: таълимотининг асосини жавонмардлик — барча инсонларга яхшилик қилиш, ортиқча мол-дунёга ружӯ қиласлик, ўз қўл кучи, кўз нури эвазига кун кечириш, бирорларнинг дардига малҳам бўлиш, иложи борича кўлга киритилган ноннинг ярмини бир муҳтожга бериш, дилозор бўлмаслик, фарз ва суннатларни бирорга кўрсатиш учун ёки бошқалар ижро этаётгани учун эмас, балки қалбдан хуфя бажариш ташкил этган. У асосан турли касб эгалари давраларида, усталар расталарию гузарларда, карвонсаройларда фаолият кўрсатган. Бунда ўн бир шарт дастур сифатида кўлланилган:

1. Хуши дар дам, яъни шу тариқат аъзоси — солик худо шарафига қилинадиган хуфя зикр пайтида хушҳол ва хушчақчақ юрмоги лозим.
2. Назар дар қадам, яъни солик ҳамиша ҳушёр бўлиб, паришон хотирликка йўл қўймаслиги зарур.
3. Сафар дар ватан, яъни юксак ахлоқ соҳиби бўлган солик атроф-муҳит бағрида кезиб юрсин, юрт кўрсин, одамлар орасида бўлсин.
4. Хилват дар анжуман, яъни солик зоҳирлан халқ билан, ботинан холиқ билан бўлсин.
5. Ёд кард, яъни солик худо ёди билан яшамоги, зикрга гарқ бўлмоғи зарур.
6. Бозгашт, яъни солик ҳамиша худо ишқида ботинан муножот айтиб юрмоги даркор.
7. Нигоҳдошт, яъни солик хаёлини бир жойга йиғиб, хотиржам юрмоги лозим.
8. Ёддошт, яъни солик вахдати вужуд таълимотини билмоги керак.
9. Вукуфи замони, яъни солик ҳамиша ўз вақтини хисоблаб юриши, унинг қанчаси яхшиликка, қанчаси ёмонликка кетганини билиб туриши зарур.
10. Вукуфи адади, яъни солик ҳамиша ўзининг ягоналигини, танҳолигини назарда тутмоғи керак.
11. Вукуфи қалб, яъни со-

'шк хуфя зикрда ғарқ юриб, дилида Оллони сақлаши билан хотиржам юрмоги керак. Нақшбандийлик триқати аъзолари, тарафдорлари олдига қўйиладиган Пу галабларнинг тўрттаси, яъни «Хуши дар дам», «Натр дар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман» энг асосий шарт сифатида кенг тарқалган.

Баҳовуддин Нақшбанд 73 йиллик умри давомида Навоий таъбири билан айтганда кўплаб «авроқ мунаққаш этган» бўлса-да унинг тўла илмий мероси бизга кадар сақланиб қолмаган. Аммо «Чаноқ қалья» (1909 иил), «Бухорои шариф» (1912 йил), «Шўро» (1914 йил) журнал ва газеталаридағи маълумотларга қараганда буюк мутафаккир тасаввув назарияси ва амалиётига доир 13 га асар ёзган. Улар орасида «Ҳаётнома», «Далили ошиқон», «Одоб ал-соликин» («Муридлар одоби»), «Насиъат ул-соликин» («Муридлар учун насиҳат») асарлари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги уқтирилган. Лекин негадир Абдулаҳад Хўжаев ўзининг «Маҳдуми Аъзам» («Мулокот» журнали, 3—4 сонлар, 1993 йил, 45-бет) мақоласида сўнгги икки асарни бу шайх китоблари сирасига киритган.

Х—XI асрларда айрим мутасаввув машойихлар оriflikдаги таркидунёчиликка, мистика — ўзлигидан воз кечиши сингари хатти-ҳаракатларга ўзгача назар билан қаравшга, сўфизм назариясининг баъзи жихатларига ислоҳ киритишга интиладилар. Тасаввувнинг машҳур донишманди Абулҳасан Харақоний З ўғлининг бирини темирчига, иккинчисини дурадгорга, учинчи-сини куролсозга шогирд килиб беради. Муридларидан бири «ахир фарзандларингиз хунар эгаллаш билан банд бўлса, комиллик йўлидаги фарз ва суннатларни ўз вактида бажара олмайдилар-ку?» деб сўраганида «ошиқларни кўли ишда, қалби ёрда бўлмоги лозим, улар текинхўрлик, тамаъгарликка ўрган масликлари керак» деб жавоб берган. Баҳовуддин Нақшбанд ана шу фикрни бир таълимот даражасига кўтаришга, сўфизмни турмушшга, инсон ҳаётига яқинлаштиришга муваффақ бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, сўфизм таълимотида ислоҳотчи, янгилик яратувчи унвонига мұяссар бўлган Нақшбанд ҳаёти ва ижодий мероси энди ҳар томонлама чукур ўрганилмоқда. Унинг асарларини топиш, гадқиқ этиш ва нашр қилиш шарқшунос ва файласуфларнинг галдаги вазифаларидан ҳисобланади.

НОЗИКТАБЬ БДДИХАГҮЙ

Машхур шоир Жалолуддин Салмон ибн Хожа Алоуддин Соважий (1300—1375) баҳор ойида тўлиб-тошиб оқаётган Дажла дарёсини (Бағдод шахри яқинида) бир тепаликка чиқиб, томоша қилиб ўтирган экан, олдига юпун кийинган, устида намат чакману қўлтигида китоб билан бир йигит кулиб салом берибди:

— Кимсан, эй йигит? — сўрабди шоир.

— Мен ғарип бир шоирман, — жавоб берибди мусофири.

Шунда Салмон Соважий унинг иқтидорини синааб кўрмок учун куйидаги мисрани ўқибди:

Бу йил Дажланинг рафтори ажаб маstonага ўхшайдир.

Мусофири йигит шу заҳотиёқ бадеҳа тарзида байтнинг иккинчи мисрасини айтибди:

Аёғи банддаю оғзида купик, ажаб девонага ухшайдир.

Салмон тепалиқдан тушиб, жулдирвоқи йигитнинг қобилиятига оғаринилар айтибди ва улар бир умрга устод-шогирддай дўстлашиб қолибдилар.

Забардаст олим ва шоир Давлатшоҳ. Самарқандийнинг «Тазкират-уш-шуаро» китобида таърифланган бу дарвеш йигит жаҳонгашта шоир Носир Бухорийдир.

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Шамсиддин Сомий ва бошқа Шарқ муаллифлари Носирни зукко шоир сифатида таърифлаган бўлсаларда, аммо унинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси ҳакида аниқ маълумот келтиришмаган. Баъзи манбалар ҳамда шоир асарларидаги ишоралар, замондошлари билан мулоқотларига қараганда Носир XIV асрнинг бошларида Бухорода камбағал косиб хонадонида дунёга келган. Болалик ва йигитлик йиллари она шаҳрида ўтган. Эрон олими Саид Нафисийнинг таъкидлашича Носир Бухоро ва Балх мадрасаларида таҳсил кўрган. Шаҳардаги нотинчлик, охирги мўғил ҳукмронларининг ўзаро таҳт талашиши, ҳалқقا қилаётган бедодликлари шоирни она-Ватанни тарқ этиб, нисбатан осойишта ўлкаларга юз туттиради. Шоир ўз даврининг буюк шайхи ва маърифатпарвар донишманди Хожа Муҳаммад Порсо билан дўст бўлган.

Шундан сўнг Носир Бухорий Ажам ва Араб мамлакатларининг кўп шаҳарларини кезиб чиқади, икки ма-

ршапа Маккада бўлади; Ирокда Салмон Соважии ва 1а Презда Камол Хўжандийлар билан учрашади. Кўп помпю ва зодагонлар шоирни сарой доирасидаги ада-(>ий муҳитга тортмоқчи бўлишади, турли мансабларни 1,) к. 1иф этишади. Лекин «дунё молига қўл силтаган» шоир факат дарвешона хаёт кечиришни афзал кўради. Иосир Бухорий 1378 йилда мусофиратда вафот этган. Упинг хоки Табрез атрофидаги шоирлар қабристоничм, деб тахмин қилинади.

Утмиш тазкираларида Носир Бухорий катта ҳажммаги девон тузганилиги таъкидланиб, турли йилларда ўзилган баёз, мажмуя ва фехристларда шеърларидан омйтлар келтирилса-да, аммо 60-йилларга қадар унинг мастихати номаълум эди. Филология фанлари доктори, мрофессор Исматулла Абдуллаев Носир Бухорий девонинг ҳозирча фанда ягона нусхасини Наманганда кулга киритди ва у ҳақда «Носир Бухорий» деган рисомасини ёзди. Биз бу лавҳани ёзишда домланинг маълумотлари ва шоир девонидан фойдаландик.

Кўлёзма девон дебоча ҳамд ва наътлардан ташқари қмсида, газал, китъя, рубоий, маснавий, мухаммас, таржеъбанд, бир неча васфия (турли ҳайитларга бағишлиган шеър)лардан иборат. Уларнинг жами 7 минг Пайтни ташкил қиласи. Юқорида биз Носир бирон Пир шоҳ ёки амир саройини ихтиёр этмаган, дедик. Ҳақиқатдан ҳам девонда мавлоно Шамсиддин Мухаммад, Ҳожа Садриддин, Шайх Увайс, мавлоно Тожуддин, Ҳожа Убайдуллоҳ сингари илм-адаб аҳли, исломий аҳком уламоларига бағишлиланган қасидаларгина мавжуд, холос.

Носир Бухорий шеърлари тематик жиҳатдан ҳам, тоявий, бадий нуқтаи назардан ҳам ранг-барангдир. Гарчи шоир анъанавий муҳаббат мавзусида кўплаб газаллар битган бўлса-да, лекин уларда тасвиirlанган ишқ кўпинча ҳақиқий ишқ талқини билан, комилликка майл билан қоришиб кетади; бальзан эса соф лирикадек туулган ғазалларда ижтимоий рух омехта келади, айримларида лирик қаҳрамоннинг интим кечинмалари, саргардонликдаги оҳу-зори, ватан соғинчи, дўсту-ёрлар, хешлар ёди аралашиб кетади:

Саломимни еткургил, эй сабо, мендин Бухорога,
Дегин, Мажнун дилининг табригин ул шаҳри Лайлога.
Хабар бергил кириб Ширин саройи ичра Фарходдин,
Олиб кетди дили танҳо гарипни тогу саҳрога,

Муяссар бўлса кўрмоқ сенга дилдорим жамолини,
Жаҳонда мартабанг ошгай, етарсан жойи аълога.

Аммо Носир Бухорий шеърларининг етакчи мавзусини ватанпарварлик/ инсонпарварлик, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини танқид, адолат ва риоят-парварликни тарғиб этиш, номардлик, пасткашлик, судхўрлигу тамаъгириликни қоралаш ташкил этади.

«Дарвешга қаноат мулки таслим бўлса, у оламнинг сultonидир» деган шоир сабру қаноат, хайру саховат, жавонмардлигу етимпарварликни олқишилади; у доимо ёрига садоқат кўрсатиб, фидоийлик билан унга интилиб, меҳр-мурувват тилайди:

Онаи худой руҳсори туст моро,
Бигузар, то бубинам дар оина худоро.
Дар каъбаи висолат гар бошадам мақоме,
Аз замзамами ду дида об занам сафоро.

(Сенинг юзинг мен учун худонинг ойнасиdir, олдимдан ўтгил, шу ойнада худони кўрай. Сенинг висолинг каъбасида мақом тута олганимда эди, икки қўзим замзамидан сафога сув сепган бўлардим). Шоир бу ерда ғоятда нафис тасвири яратиб, мантиқан кучли қиёслар ясаш билан бирга, мажозий ишқни, суфизм фалсафасининг «ишқи кулл» ҳақидаги назариясига содиқлигини ҳам кўрсата олган.

Ғам-ҳасрат, ватан меҳри шоир қалбидаги жўшқин кайфиятларни сўндира олмайди. Танбур навоси, най ноласи, боданинг кайфиятию баҳорнинг жонбахш таровати унга таскин беради, табиат жилоси ипордек ҳид таратиб, қўзини яшнатади, киши қалби гул-гул яшнайди:

Баҳор келиб гуллар анжумани қизиди,
Лола тогу саҳроларга ўз аламини тикди.
Сарв бошига чодирини тортиб, булбуллар
хонишга киришди,
Доналарни тарс ёриб, ғунчалар юз кўрсатди.

Девондаги бундай ғазаллар шоирнинг чинакам гўзаллик ва табиат ошиғи эканлигини кўрсатади. Улар форсий тилдаги шеъриядда манзара тасвирига бағишлиланган лириканинг энг яхши намуналари ҳисобланади. Умуман Носир Бухорий шеърларида манзара тасвирига

шгт кенг ўрин берилғанлиги унинг табиат ошуфталишмн далолат беради.

Шоир девонини варақлар эканмиз, уни чинакам дүстлик вассофи эканлигини ҳам билиб оламиз. Зероки бир қанча ғазаллар, китъя ва рубоийлар бевосита ипсоннинг инсонга меҳр-оқибатли бўлиши, турли элат, 11Ии ва мазҳаб кишиларининг иноқлигини тараннум •цишга, дўстликка даъват қилишга қаратилган. Айти/1.ш шоир ўз ватанида жуда катта обрў, шұхратга эга оулган. Чунки бир шеърида «ески, содик дўстлардан рубоб, шатранж, най ва шароб қолди, холос. Энди мен учарни қанча қидирмайин, бари бир тополмайман» дей/Ли. Шунинг учун дўстнинг қадрига етмоқ, унга содик қолмоқ, «булбулдек гулдан айрилиб қолмасликка» ин-И иммоқ зарур:

Агар дўстонро тавони боз ёфт,
Тавон аз паси марг жон боз ёфт.
Касеки аз фироқ ба васл расид,
Дубора хаёти жаҳон боз ёфт.

(Агар дўстларимни қайтадан топсам, ўлик танамга қайта жон киргандай бўларди. Кимки айрилиқдан кеинин висолга етар экан, у иккинчи марта ҳаётга етишгандай бўлади).

Шоир ғазалларидағи дўстлик ва ҳамжиҳатлик ҳақидаги мулоҳазалар кенг камровли. Уларда муаллиф худо бандаларининг бари teng, шунинг учун улар бир бирига меҳрибон, хайриҳоҳ, ҳамдарду ҳамдам бўлиб, яхшилик уруғини сепиб, бу дунёда «яхшилик» деган ном қолдириб яшашга интилиши зарур. Бир ғазалида Носир дунёдан шундай яшаб ўтгинки, сендан сўнг «фалондан яхши ном қолди, деб юришсин» деган хулосага келади.

Қайд этганимиздек, Носир Бухорий ғазалларида мавжуд ижтимоий тузум иллатларини қоралаш, адолатсизлик, зулм-зўрликни танқид қилиш хийла кучли. Ана шундай ғазалларида шоир донолар назардан четдаю нодонлар иззатда бўлган, судхўрлик, риёкорлик, иккюзламачилик авжига чиқкан замонасидан нолийди, хукмрон табақаларни, умуман, замондошлирини инсофли, адолатли, хайр-саҳоватли, ҳалим, ростгўй, очиккўнгил, ширинсухан бўлишга чорлайди; ўз замонасида инсоф, диёнат тансиқ бўлганидан азият тортади:

Носир инсоф дар жаҳон маталаб,
Ки дар оғоқ аз ў наёби гард.
Хусрави одиле намонд магар,
Тождори хурӯс ҳоҳад кард.
Парварад осмон бо хуни дилаш.
Ҳарки дар даври мо суханпарвар аст.
Кори дониш замин фурӯ бурдааст,
Зуҳал нахсу Зуҳра номард.
Заррае меҳр агар буди дар чарх,
Чехрай меҳри ў набуди зард.

(Носир дунёда инсоф ахтариб овора бўлма, бутун оғоқда ҳам унинг гардини тополмайсан. Бошида тожи бўлған билан адолатсиз Хусрав шоҳ ҳисобланаверадими. Ундей бўлса, хўрзанинг ҳам бошида тож борку. Бизнинг замонимизда қуруқ вайсақиларни фалак дил қони билан эъзозлайди. Илм қадрини ер ютиб юборгани учун Зуҳал бахтсиз, Зуҳра номард бўлиб қолди. Чархнинг табиатида заррача меҳр бўлганда, Күёшнинг юзи сарғаймаган бўларди).

Аммо шоир ақидасича, турмуш қийинчиликлари, мунофиқидигу риёкорлик наздида ўзни мардона тутмок, тақдир тақозосига ризолик билан, ҳалол меҳнат, пешона тери билан ризқ топиб, сабр, қаноат билан яшаб, нодонларга мутеъ, сарватмандларга эҳтиёжманд бўл масликка даъват этади; бир мутафаккир сифатида панд беради; пасткашлик, тамаъгириликка йўл қўймасликни уқтиради:

Оташ андар тамаъ зану чун хок,
Бар дари нокасон сифла магард.
Боядаш сад синон хори дид
Ҳар, ки як нон з-нони дунон хўрад.

(Тамаъни оташда куйдириб, нокаслар эшигини остида тупроқ бўлиб юришдан сақлан. Пастлар дастархонидан бир нон егандан кўра, киши юзига юз хору зорлик найзаси санчилгани афзал).

Хулоса қилиб айтганда, Носир Бухорий ижоди XIV аср форсий тилдаги адабиётнинг ўзига хос зарваракдариридир. Нозиктабъ ватандошимиз девонини ўзбекча таржимаси билан нашр этиш адабиётшуносу мутаржимларимизнинг муқаддас бурчларидандир.

ЖОНБАХШ ШЕЪРИЯТ

Форсий тилдаги шеъриятнинг энг кўзга кўринган шимоларидан бири Камол Хўжандидир. Зероки, у цъваивий ғазал жанрини мавзу ва ғоявий йўналиши *и\атидангина эмас, балки ўзига хос бадиий нафосати нуқтаи назаридан ҳам янги погонага кўтара олган синъагкордир.

Камолиддин Масъуд 1318—1321 йиллар орасида Ху-Алндан таваллуд топган. Унинг болалик йиллари она к.ргида ўтган. Кўхна Урганчда таҳсил кўрган, бир неча 1Н11 Тошкентда яшаган. Навоий Хўжа Ахрор Вали маълумотига асосланиб, Камолнинг отаси тошкентлик ши, деган. Ёшлигидан зехни ўткир бўлган Камолиддин замонасидағи араб тили ва адабиётини, сўфизм фалсафаси, ҳадису тафсирни пухта эгаллайди. Мадраса члтмидан кейин бўлажак шоир ҳажга бориш баҳонаси Гжлан Ҳижозга жўнайди. Каъба тавоғидан қайтишда Табризга тушади ва бир умрга шу ерда қолиб кетади. 1375—1383 йиллар Ироқ ва Озарбайжонда хукмронлик қилган Султон Ҳусайн Жалойири шаҳардан унчалик узоқ бўлмаган Валиёнкўҳдан шоирга мулк инъом эта-ди. Камолиддин бу ерда Биҳишт отлиғ катта боғ барпо лади.

«Тарихи томм»нинг муаллифи Шарофиддин Роқимиининг ёзишича «ҳоқим ана шу боғда Ҳонақоҳи Но-дирий қуриб беради. У хизматкорлар каъбаси ва зоҳидлар қибласи бўлган. Султон бойлигининг ярмини шу чонақоҳга вақф қилиб берган».

Лекин шоирнинг бу осойишта ҳаёти узоққа чузилмади. 1385 йили Даشتி Қипчоқҳокими Тўхтамиш катта лашкар билан Табризга ҳужум қилиб, шаҳарни талайди ва бошқа асиrlар қатори Камолиддинни ҳам пойтахти Сарой шаҳрига элтади ва эъзозлайди. Гарчи Камолиддин саройда ардоқланган, Тўхтамишнинг сафарию зафарларида ҳамроҳ юрган бўлса-да, Табризни соғиниб мумтоз ғазаллар битади ва Амир Темур Тўхтамиш устидан ғалаба қозонгач 1396 йили севимли шаҳрига қайтишга муваффақ бўлади. У Мироншоҳ билан дўст бўлган, ундан муруватлар кўрган; шоир темурийларга атаб ғазаллар ёзган бўлиши керак. Баъзи олим-аарнинг таъкидлашича машҳур Эрон олимни ва ёзувчилари Ризокулихон Ҳидоят (XIX аср), унинг набираси Содик Ҳидоят (1956 йили вафот этган) Камол Хўжандидий авлодларидан экан. Камол Хўжандидий 1401 йили

Табризда вафот этади. Унинг қабри ўз боғида бўлиб, илм-адаб аҳли зиёратгоҳи ҳисобланади.

Камол Хўжандий шеърлар девонининг бир қўлёзма нусхаси бизгача сақланиб қолган. Остони Қудс (Машҳад), Боку, Душанбе, Санкт-Петербург шаҳарларидағи қўлёзмалар хазинасидағи дастхатлар нисбатан мукаммал ва қадимиyroқдир. Барча тазкиранавислар шоир девонининг 14 минг байтдан иборатлигини таъкидлашган. Аммо бизгача етиб келган нусхалардаги шеърлар 7 минг байт атрофида. Унда 4 қасида, 917 ғазал, 101 қитъа, 1 мустазод, 37 рубойи, 1 маснавий, 11 муаммо жамланган, ғазалларнинг кўпчилиги 7 байтдан иборат.

Камол Хўжандий шеърлари ғоявий-тематик ҳамда бадиий нафосат жиҳатидан ранг-барангдир. Аммо ғазалларнинг асосий мавзуси анъанавий ишқ-муҳаббатдир. Бу асарларда вафо ҳамда садоқат, инсондўстлик, самимийлик, ошиқнинг турли-туман кечинмаларию маъшуқанинг бетакрор ҳусну латофати, нозу карашмаси, ағёрнинг ғаламуслиги тошбагирлиги гоятда нафис бир тарзда, халқона соддалик билан чизилган. Ёрнинг вафосизлиги, ошиқ қалбига қадалган мужгон ўқлари дардини, нозик табассумиу, ширин гуфтори бартараф этади; ҳижрон азобида куйиб, адою тамом бўлаётган ошиқка маъшуқаннинг булут остидаги қуёшдек «ялт» этиб кўриниши жон бағишлайди. Шунинг учун ҳам Камол Хўжандий ғазалларидаги ишқ бу ҳаётга, яшашга, гўзалликка, яхшиликка меҳр, истиқболга ишонч ва умид билан қарашнинг жозибали инъикосидир.

Кўз ёшимни кўну күшнилар кўриб, хайрон қолиб,
Дедилар: бузмасмикин бу сел бизнинг хонани,
Гарчи ғам дилни ҳароб этди ва лекин сен ўзинг.
Бир қадамла тиклагайсен кулбай вайронани.

(Васифий таржимаси).

Профессор А. Ҳайтметов Аҳмад Тирозийнинг «Фунул-ул-балоға» (XV аср) асарига суюниб шоир ўзбекча шеърлар ҳам ёзган, деган хуносага келган.

Камол Хўжандий ишқни ҳою ҳавас, ўткинчи инсоний ҳиссиёт деб эмас, балки ошиқнинг маънавий эҳтиёжи, ҳаётнинг мазмуни, деб тушунади. Шунинг учун маъшуқаннинг нозу истиғносию жабру жафоси ошиқка куч-кудрат бахш этади, у висол онларини, ёрнинг лутфу карашмасини соғиниб яшайди, айрилиқ дардию жафодан нолимайди:

Гар тег кашад душману гар таъна занад дўст,
Катъ аз тую савдои ту қатъан натовон кард.

(Душманим қатлим учун тиф тортиб, дўстим таъна
кичем ҳам сен ва сенинг ҳасратингдан кечолмасман).

Камол Хўжандий ғазалларида табиатнинг бетакрор
жошибаси, чашмаю анхорларнинг зилол сувлари файзи
ониш қалбидаги нозик хислар тизимиға уланиб кетади.
Шоир ғазалларида биз Наврӯз латофатию булбуллар
м)11иши, кўшчилар овозиу боғбонлар хиргойисини хис
нммиз, боғу-бўстонлардаги шеър баҳсию созу куй, та-
ронмлар унини эшитамиз:

Канори обу лаби чўйбору гўшаи боғ,
Хуш аст бо санами сарвқад ба шарти фароғ.

Демак, шоир учун анҳор лабиу боғ сайри сарвқо-
ммт ёри билан файзли ва тотлидир.

Хуллас, Камол Хўжандийнинг ҳар бир шеъри ошик
қмчб торининг оҳангি, маъшуқанинг сеҳрловчи, жон-
омхш сиймосининг сувратидир. Шунинг учун улар ўқув-
чи қалбини ҳамиша тўлқинлантириб, гўзалликка, жўш-
кин ҳаёт қалбига даъват этаверади.

ПАҲЛАВОН ВА ШОИР

Маҳмуднинг галдаги Деҳлига сафари ҳинд ҳалқи-
иинг миллий байрамига тўғри келибди. Бундай айём-
дарда турли савдо расталари, ҳалқ сайллари, ҳар хил
томушалар, мусобақалар уюштирилар экан. Маҳмуд-
нинг шаҳар четидаги саройлардан бирига тушганини
эшитган султон уни эртанги курашда иштирок этиши
ва ёш сарой полвони билан беллашишини сўраб одам
юборибди. Маҳмуд ёш баҳодирнинг иззат-нафсига ши-
каст етказиши ўзига эп кўрмай бу илтифотни рад
зтибди. Ўз марҳамати қабул қилинмаганини эшитган
султон ғазаб отига минибди. Мулозимлар бу хабарни
Маҳмудга етказиб, курашда иштирок этишини ўтиниб
сўрабдилар. У розилик билдирибди.

Одатда мусобақалардан олдин Маҳмуд мусофиirlар
мазори улуғларининг қадамжоларини зиёрат қиласар экан.
Ўша кеча ҳам шаҳардаги қабристонни зиёрат қилиб
юрса, бир аёл эрининг қабрини кучоқлаб: «Эй худо,
икки болам ва эримни олдинг, эртанги кун майдонда

ёлгиз ўғлимнинг қўлини баланд қилгин» деб нола че каётган экан. Маҳмуд бу хотин султон саройидаги паҳлавоннинг онаси эканлигини сезибди.

Эртаси кун кураш майдонида Маҳмуд ўзини фоятд заиф ва лапашанг қилиб кўрсатибди. Еш баҳодир ик ки-уч даврадан кейиноқ Маҳмудни чирпирак қилиб кўтариб урибди. Султон бу ғалаба шарафига катта зиё- фат берибди. Тантаналардан сўнг ҳоким бошчилигига аркони давлат, барча хизматкорлар, меҳмонлар фил- ларга миниб ўрмонга-овга жўнашибди. Чангальзорлар'орасидан кетаётганда бехосдан султон тахтиравони ўр- натилган фил ботқоқقا ботиб қолибди, кўп уринишиб- ди, филни лойдан чиқаза олишмабди. Шунда Маҳмуд хизматкорларга филнинг олдинги оёклари орасини ков- лаб бўшатишни буюрибди. Шундай қилиашбди. Бўшликқа катта бир кундани ташлабдилар. Маҳмуд ана шу - кунда устига тушиб, фил оёклари орасига елкасини қўйиб, бир зўр билан икки оёғини ботқоқдан бўшатибди, фил ўзини ўнглаб ҳалокатдан қутулибди.

Ҳамма меҳмоннинг қудратига оғаринлар айтибди. Овдан сўнг яна зиёфат бошланибди. Гап орасида султон Маҳмуддан:

— Кечак майдондаги заифлигингиз билан бугунги жасоратингизни қандай тушунса бўлади, — деб сўрабди.

— Эй, олийхиммат султон! Бу йигит бир беванинг ягона фарзанди. Истиқболи порлок паҳлавон, лекин ҳали тажрибасиз. Мен у билан олишиб, майиб қилиб, умрига золим бўлишни истамадим. Аммо Сиз газабланганингиздан сўнг кураш тушишга розилик бергандим, — дебди у.

— Тиланг тилагингизни, нима истасангиз муҳайё қиласман, — дебди султон.

— Менга ҳеч нарса керак эмас, Сизнинг зинданларингизда 200 дан ортиқ юртдошларим асир экан, ўшаларни озод қилсангиз, ватанимга бирга олиб кетсам бас, — дебди Маҳмуд.

Султон баҳодирга от-улов, сарполар берибди ва асирларни ҳибсдан бўшатибди. Маҳмуд ватандошлари билан Хоразмга қараб йўл олибди.

Машхур файласуф олим, инсонпарвар шоир Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалий 1247 иили Хива яқинида пўстиндўз оиласида дунёга келган. Кўхна Урганч ва Хива мадрасаларида таълим олди, турли билимларни пухта эгаллаш билан бирга жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланди, миллий кураш қоидаларини ўр-

Гинлн. Йигитлик палласидаёқ кураги ерга тегмаган бацшир, нозик дидли шоир сифатида шұхрат қозонди. У Ширқнинг деярли барча мамлакатларида бўлиб, мусобмқаларда қатнашди, фақат зафар кучди, тушган инъом >|сонларни, соврин, мукофотларни бева-бечораларга улнишиб бериб, ўзи ота касби пўстиндўзлик билан кун мичирди. Паҳлавон Маҳмуд 1325 иили она шахрида мифот этган. Ҳамшаҳарлари унинг қабри устида муҳта- шам мақбара тикладилар. Ҳозир бу мақбара давлат томоидан муҳофаза қилинади.

Маҳлавон Маҳмуд дин назарияси — фикх, фалсафа иа мантиқка доир бир неча рисолалар ёзган. Жумладан, жанонмардлик ҳақида «Канзул ҳақойик» рисоласини нратган. Рудакий, Ибн Сино, Хайём анъаналарини даиом эттириб, форсий тилда рубоийлар битган, шеърларида Пурёрвалий ёки Қитолий тахаллусларини қўллаган. ••Мажолисун-ошиқин» китобида шоир ҳақида қизиқар-ап маълумотлар бор. Шоир ўз рубоийларида чин инсо-иий севгини бетакрор нозикликда тасвиirlайди, янги (>алииий-тасвирий воситалар ишлатади; зулм-зўрликни, кشاъирлик, пасткашлиқ, риёкорликни қаттиқ қора-лайди; ҳаллоллик, инсонпарварлик, мардлик ва маъри-фатни олқишилайди, кишиларни дўстликка, хушёрликка, и.ам ўрганишга даъват этади; айрим рубоийларида замо-масидаги тенгсизлик, жабр — ситамдан шикоят қиласи; мснаткаш ҳалқнинг оғир ҳаётига ачинади.

Ҳар ёқдан ғам отган тошни кўраман,
Кўз очсан чимирилган қошни кўраман.
Қачонгача поймол этиб фикримни,
Тизза кўзгусида бошни кўраман.

Номардлик, пасткашлигу нодонликни қоралаган шоирнинг қуидаги рубоийси ҳам ибраторузdir.

Уч юз Кўхи Қофни келида туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ.
Ёинки бир аср зиндонда ётмоқ,
Нодон сухбатидан кўра яхшироқ.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абдураҳмон Жомий «Силсалатуз заҳоб» — «Олтин занжир» достонида шу рубоийга яқин шеърлар битган, унинг гояларини ўзига хос йўсинда давом эттирган. Демак, Жомий жаван-мардлик ақидасидаги Паҳлавон Маҳмуд ижодини бил-

ган ва қадрлаган.

Шоир ҳаёти ва ижодий меросини ^рганиш, тўплаб таржима қилиш ва нашр эттиришда Узбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Яхё Фуломов ҳамда нозик дидли ёзувчи ва таржимон Тухтасин Жалолов, шоир Матназар Абдулҳакимларнинг хизмати катта. Паҳлавон Маҳмуднинг шахсий ҳаёти ва рубоийлари бизни доим инсонпарварликка, мардлик ва жасорат ҳамда ватанпарварликка чорлайверади.

ПАҲЛАВОН МАҲМУД ҲИҚМАТЛАРИДАН

Кўзгуга берардим кечкурун сайқал,
Боқдим унга тиниқ бўлган бил маҳал:
Шунча кўп куринди ўз айбимки, мен
Ўзгалар айбини унугдим тугал.

Қўрқоқлардан бирон чикқанмиди мард,
Хайрсиз одамдан лўлининг ити яхши.

Номард ит кабидир, мард — бир дарё,
Дарё ит дамидан нопок бўлмас.

Ҳамма дарддан кўра айрилиқ ёмон,
Ҳамма қайфудан ҳам ёмондир ҳижрон.

Ёмон билан улфат бўлма, юр йироқ,
Йўлингга дон сочиб, кўяди тузоқ.

Кийим эскиргани айбга қушилмас,
Айб шунда, гар бўлса кийимда ёмон.

Токи бор гайрату мардликдан асар,
Ахлу аёлингни этма дарбадар.

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга асло юқмас чангур гард.

ФАХРУЗЗАМОН

Кдцимий Шош, яьни Тошкентда яшаб ижод этган адиблардан бири Бадриддин Чочийдир. Бадриддин Мұммад 1285 йили зиёли оиласида туғилған. Болалиги Гошкентда ўтади, кейин Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида ўқыйди. Бўлажак шоир шеърият ва санъат Пилан бирга, замонасидағи барча билимларни, хусусан, габиий фанларни яхши эгаллайди. Мамлакатдаги ногинчлик, тахт-тоҳ учун курашларнинг авж олиб кетим шабабли Бадриддин Мұхаммад Шарқ мамлакатлари Пўйлаб саёҳатга жўнайди. Кичик Осиё ва Арабистон ярим ороли шаҳарларини кезиб чиқади, Маккада бўлади. Тарихий манъбаларга қараганда, у ҳаждан қайтишда 1333 йили Ҳиндистонга боради ва Дехли сultonни Гўғулук Мұхаммад саройига ишга киради. Адабий қопилияти, зукколигини муносиб тақцирлаб, Тўғулук Мұммад Бадриддин Чочийга 1344 йили Ҳиндистон султонлари томонидан таъсис этилган «Фахруззамон» — «замонасининг фаҳри» унвонини беради. Бадриддин Чочий бир қитъасида ўз қобилияти ҳақида фаҳрия сифагида қуйидагиларни ёзган эди:

Худовандо маро дар илми манкул,
Забону дидаи дил гашт бино.
Сўи маъкул тирам дастрас ҳаст,
Агарчи нестам чун пурни Сино

(Эй худо! Диний билимларда тилимни равон, дил кўзини равшан эттинг. Сино фарзанд бўлмасам ҳам дунёвий билимларда ўқим нишонга тегади.)

Шуни алоҳида қайд этиш керакки ўтмишда Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга бориб яшаган ва ишлаган олим ҳамда шоирлар жуда кўп бўлган. Лекин улардан факат Бадриддин Чочийгагина «Фахруззамон» унвони берилган. Бадриддин Чочий 1346—1350 йиллар орасида Дехлида вафот этган.

Шоир Дехли сultonлари даргоҳида ишлаган бўлсада, мухтоҷликда яшаганга ўхшайди. Қуйидаги мисралар шундан далолат беради:

Заифтар шуда з-он мўи дидаеки зи дард,
Дар оби дидаи худ хору пинҳон аст...
Ба шакли тори бирешим ки дар бари чанг аст,
Низору зор пур аз тоб саҳт нолон аст.

(Дарддан заифлашган киприклар кўз ёшлари о^ сида хору пинҳондир. Унинг ҳолати калтакдан хар ла зада нола чекувчи чангнинг ипак торларига ўхшайди.)

Чочий, шубҳасиз кўплаб илмий асарлар, достонл ҳамда ғазаллар яратган. Ҳатто ўтмишда Бадриддин Ч' – чий девонларидағи шеърларни шарҳловчи, изоҳловч алоҳида китоблар, луғатлар тузилган. Тазкираларда (ўтмишда антологиялар шундай номланган) Бадриддин Чо чийнинг Туғулуқийлар сулоласи тарихи тасвирига ба. гишлаб, Фирдавсийга эргашиб 30 минг мисрадан иборат «Шоҳнома» битганлиги ҳам қайд этилади. У **1345** йили 2 минг байтдан иборат шеърлар девонини тузган.

Бадриддин Чочий форсий тилдаги шеъриятда қасида жанрини янги тараққиёт босқичига кўтарган санъаткордир. У анъанага кўра ўз қасидаларида у ёки бу тарихий шахсларни мақтамайди, балки Ҳиндистон табиатининг бетакрор гўзалликларини тасвирлайди, баҳорнинг жозибали манзарасини чизиш орқали ўкувчи қалбida табиат кўркига, ҳаётга, яшашга завқ-шавқ уйғотади. Бадриддин Чочий ғазал ва рубоийларида узига хос бадиий санъатларни ишлатади, турли хил мажозий образлардан ҳаётий лаҳзалардан усталик билан фойдаланади. Шунинг учун ҳам ўтмишда «Бадриддин Чочий қасидаларининг шархи» деган, шоир шеърларини тушуниш ва таҳлил қилишга ёрдам берадиган алоҳида китоблар яратилган. Чунончи, 1848 йили Чочий шеърларига Муҳаммад Усмон Қайс икки жилдлик шарҳ яратади ва уни «Нусҳаи Усмонхон» деб атайди. Афсуски, ана шу забардаст адаб меросидан бизга юздан зиёд қасида, ғазал ва рубоийларигина етиб келган, холос. Мазкур шеърлар Бадриддин Чочийнинг чинакам табиат ошиғи, гўзаллик шайдоск, инсонпарвар шоир эканлигини кўрсатади. Шоир ўз асарларини ўша давр анъанасига кўра форсий тилда ёзган. Бадриддин Чочий асарларини Шарқ илм-фанининг билимдони, шоир ва таржимон Анисий ўзбек тилига таржима қилган.

Бу каттаижодий меҳнат ҳамон рўёбга чиқмаётир, яъни Чочий асарларининг таржимасини нашр этиш пайсалга солиб келинмоқда.

ИНСОНДЎСТЛИК КУЙЧИСИ

Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1320—1321 йиллар орасида Эроннинг жанубидаги Шероз шахрида, косиб оиласида дунёга келади.

Шамсиддин Мұхаммад қобилятли, зеҳни ўткір бола Оушан. Отадан эрта етим қолған Мұхаммадни онаси ноннойга шогирдликка беради. Бўлажак шоир бир ипқтпинг ўзида ҳам ўқийди, ҳам нонвойга дастёрлик кдлади, маърака ва йифинларда Қуръон ва бошқа ки-юбларни хушовоз билан ўқиб бериб, рўзгор тебратади. Хушвозлиги, бехато ўқиш ва ёзиши Мұхаммадга шухрат келтиради: уни Ҳофиз деб чақира бошлийдилар.

Шамсиддин Мұхаммад Ҳофиз жуда эрта ижод қила (юшлаган. У бир умр ўқиш, ижод билан банд бўлган санъаткор ва мутафаккирлардан ҳисобланади. У шеърларида «Кирқ йил ўқигани»ни алоҳида таъкидлаган. Ҳофиз умрининг охирига қадар она шаҳри Шерозда ишади. У 1389 йили шу ерда вафот этди.

Халқ ўзининг севимли фарзандини машҳур Мусалло боғига дағні этди.

Ҳофиздан бизга қадар катта ҳажмдаги ғазаллар китоби етиб келган. Шоир ўз ғазалларида ҳамиша инсон-пи улуғлади, чин мұхаббатни, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ватанпарварлик ҳамда инсонпарварлик гояларини тар-1 иб қилди. Кишиларни ҳалол меҳнат эвазига кун кечиришга, бу дунё ноз-неъматларидан, табиат кўркидан кўпроқ баҳраманд бўлишга чорлади.

Ҳофиз умр бўйи ёмон кишилардан узок юрди, давлатманлар, шоҳ ва сарой хизматига бормади. Шунинг учун шоир риёкор ҳукмрон табақалар томонидан таҳқир килинди, камситилди. Ҳофиз кўпгина шеърларида ўзаро феодал урушлар ва мавжуд ижтимоий тузум келтириб чиқарган хонавайронлик, зулм-зўрликка нисбатан ғазаб ва нафратини ифодалайди. Чунончи, куйидаги рубоийсида Ҳофиз замон бошига солған ғам, аламдан ҳасрат чекади:

Умримнинг ҳосили бўлди фақат ғам,
Иил ичра \ар қандай пайтларда ҳам.
Ғамдан бошқа топмадим мен бир улфат,
Дардан бўлак топмадим вафоли ҳамдам.

Ҳофиз ижодида илм-фанни, ростгўйлик ва меҳри-бонликни, маърифатни тарғиб этиш ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шоир кишиларни ҳамиша бир-бирига ҳамдам, ҳамдард, инсон фарзандига доим ғамхўр бўлишга чакиради, дилозорлик, мунофиқлик, такаббурликни қоралайди; инсонпарварлик, оддий меҳнаткаш хақида қайгуриш Ҳофиз ғазалларининг ўқ мавзуидир.

Шоир яратган май, ринд, маъшуққа, ошиқ ва маъшуқ образлари кейинги давр санъаткорлари ижодида анъана сифатида давом этди. Навоий «Девони Фоний»даги кўп газалларини Ҳофизга жавоб тарзида яратган. Гёте, Гейне, Пушкин, Есенин каби шоирлар ижодидаги кўп газаллар Ҳофизга татаббу тарзида ёзилган. Гёте «Фарбу Шарқ» девонини ёзишда унга эргашган.

Ёмондан узок бўл, яхшига ёндош,
Умринг зое кетгач, дилинг бўлур ғаш.
Ёлғон бевикор қилур одамни,
Ёлғон шармисор қилур одамни.

ҲОФИЗ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Кимки заҳмат чекмади,
Роҳатга ҳам етмади.
Мехр уруғин экмаган термас яхшилик гулин.

* * *

Сиртдан қўринганчамас ҳар нарсани ичи ҳам,
Баъзи ширин нарсанинг ўртасида заҳри ҳам.

* * *

Ёлғончидан ордир оқиллар иши,
Ёлғончини одам демас ҳеч киши.

* * *

Яхши бўлғай ўртага тушса синов тажрибаси,
Бу синовда қора бўлғай лофчиларнинг чехраси.

САРГАРДОНЛИКДА

Шероз ҳокими Шоҳ Шужоънинг сарой шоирларидан бўлған лаганбардор Имоди Фақеҳ Ҳофизнинг шоншухрати, истеъдодини кўролмасди. Кунлардан бир кун Фақеҳ Ҳофизни динсизликда айблаб, Шужоъга чақади ва дарҳол тутиб тошбўрон қилишга ундаиди. Шужоъ шоирни дарҳол тутиб келишни буюради. Мулозимлар Ҳофизни қидиришга тушадилар. Шоирнинг саройидаги дўст ва муҳлислари бу шум хабарни унга етказади-

лнр. Ҳофиз ўша тунни бир дўстиникида ўтказиб, эртаси азонлаб Язд шаҳрига қочиб кетади.

Язд Шероздан унчалик узоқ бўлмаган Шеркўх то-1111ШНГ жанубий этакларида жойлашган кичик шаҳар >ди. Унга шоҳ Шужоънинг жияни Яҳё ҳокимлик қишиарди. Ҳофиз йўлда Истаҳр ва Анжирак шаҳарларида 1умаб, бир неча кунда етиб келади. Лекин бу ерда ҳам нюирни ноҳушлик кутиб олади. Шаҳардаги масжид-чардан бирининг мусофирихонасига жойлашган Ҳофиз (»ир ғазат билан келганилигини шоҳ Яҳёга етказади. Ҷммо хасис ва зиқна Яҳё буюк шоирга эътибор бермаш; илтифот кўрсатмади. Бу сафаридан гоятда пушаймон Г»ў)1ган Ҳофиз яна Шерозга қайтмоқчи бўлади. Лекин мриблик, моддий муҳтожлик уни шу ерда қолишга мажбур этади.

Шоир ватанидан узокда ғам-алам билан кун кечиради. Тунлари мусофирихонада бўйра устида ухлар, кундузлари эса бева-бечоралар, дарвешлар билан сухбатлашарди. Она юртини кўмсаб, дард-алам тўла шеърлар сзарди.

НОЁБ ҚЎЛЁЗМА

Ҳофиз Шерозий ёшлигиданоқ хушловоз қиссанон бўлиш билан бирга чиройли ҳусниҳат эгаси ҳам эди. Замонидаги жуда кўп илм-адаб ахлига китоблардан нусхалар кўчириб бериб, шу йўл билан тирикчилик ўтказишга тиришган. Тошкентдаги Беруний номли Шарқшунослик илмий-текшириши институтида 1355 йилнинг апрель-май ойларида Ҳофиз томонидан Шерозда кўчирилган китоб сакланмоқда. Бу китоб машҳур шоир Амир Ҳусрав Дехлавийнинг «Искандар ойнаси», «Ширин ва Ҳусрав», «Мажнун ва Лайли». «Саккиз жаннат» достонларидан иборат.

ҲОФИЗ ДЕВОНИНИ КЎЧИРГАН ХАТТОТ

Ҳофиз асарларини ҳалқ орасида тарқатишида илмфан ахллари катта хизмат қилишган. Устоз Абдулқодир Муродий ана шундай билимдонлардан ҳисобланганлар. Домла Муродий асримизнинг бошидаёқ Ҳофиз шеърларини қайта-қайта кўчиргандар. Тошкентда нашриёт ташкил қилинганидан сўнг Ҳофиз ғазаллари бир неча бор асл нусхада босилади. 1913 йили «Ғуломия»

нашриёти чоп этган Ҳофиз девонини Муродий домла кўчириб берган эдилар. 1958—1962 йиллари Тошкент бадиий адабиёт нашриёти нашр этган Ҳофиз ҳамда **ХІІ** асрда яшаган шоир Камол Ҳўжандий девонларининг араб алифбосидаги сахифаларини ҳам домла Муродий битгандар. Ўзлари ҳам «Ўрта Осиё хаттотлари» (1974) асарини яратганлар. Бу рисола Хурросону Мовароуннахр хаттотлик санъати тарихи хусусида ягона китоб ҳисобланади.

ЗОКОНЛИК ҲАЖВЧИ

Ҳайбатуллоҳўжа Хислатнинг «Мушук ила Сичқон» қиссасини ўқиган бўлсангиз керак. Бу достонда ўзбоншимча, золим, худбин мушук устидан сичқонлар қандай ғалаба қозонгани ибратли тасвирланган. Ана шу қизиқарли қисса асли форс-тожик адаби Убайд Зоконий қаламига мансуб. Хислат бобонгиз уни сизларга мослаб ўзбекчалаштирган.

Серзавқ шоир, ажойиб ҳикоялар устаси ва достоннавис Убайд Законий 1280 йилда Эроннинг Қазвин вилоятидаги Зокон шаҳарчасида амалдор оиласида дунёга келди. У дастлаб Зоконда ўқиди. Ўша даврдаги Шарқнинг илмий маркази бўлмиш Бағдод мадрасала-рида таълим олди. Ўқишни тугатгач, Қазвина бир оз давлат идораларида ишлайди. Кейин Шерозга қайтиб машҳур шоир Ҳўжа Ҳофиз билан танишади. Гарчи Шероз ҳокими шоҳ Шужъо саройида паноҳ топган бўлсада, тахт-тоҷ талашишларнинг янада кучайиши натижасида Убайд гоҳ Бағдод, гоҳ Қазвина сарсону саргардон, муҳтожлиқда яшади. Шоир 1370—1371 йиллар орасида ўз ватанида вафот этди.

Убайд Законийнинг катта ҳажмдаги шеърлар девони, достонлари, «Дилкушо», «Даҳ фасл» («Ўн фасл»), «Сад панд» («Юз панд»), «Ахлоқул ашроф» («Улуғлар ахлоқи») сингари кўплаб ахлоқий-таълимий, ижтимоий фалсафий руҳдаги рисолалари сақланиб қолган. Аксарияти насрда, баъзилари наср ва назмда ёзилган мазкур асарларида ёзувчи ота-боболарнинг қутлуг анъаналарини тарғиб этади, аждодларнинг маънавий, моддий меросларига менсимасдан қарайдиган феодал зодагонлар ва руҳонийларни қаттиқтанқид қиласи, коралайди. «Ришнома» қоғияли наср ва назмда битилган ҳажвий асар бўлиб, ахлоқий-таълимий ҳикоятлар билан зийнат-

ишиан. Унда баъзи ғайриинсоний хислатлар танқид қилинади. Энг муҳими шундаки, кўп умрини муҳтоҗникда ўтқазган ёзувчи меҳнаткаш халқ ҳаётига ачинали, юрни вайрон, элни қашшоқ қиласиган урушларни, разолат ва жаҳолатни қаттиқ танқид қиласи. Шу-Н111И учун ҳам риёкор руҳонийлар, давлатни зулм-зўрчикка суюниб бошқарган ҳукмонлар, лаганбардор инопрлар Убайд Зоконийни таҳқирлаганлар, бадном ки-11! ш 1 а уринганлар. Лекин булар ёзувчи иродасини бука шмаган, асарларида танқидий руҳни сўндира олма-1,М1. Меҳнаткаш халқни мадҳ этган ёзувчи, тамаъгирилик, маддоҳлик, лаганбардорлик, баҳиллик, судхўрликни қоралаган, қокимларни адолатга чорлаган.

Юқорида таъкидланган «Мушук или Сичқон» қис-1-асида шоир имо-ишоралар билан Кимрон шохи Му-поризиддин билан Шероз ҳокими Абӯисҳоқи Инжу уртасидаги жангу жадалларни қоратаган. Шунинг учун юам бу доатонни шоир гувоҳи бўлган тарихий воқеалар асосида ёзилган реалистик асар дейиш мумкин.

УБАЙД ЗОКОНИЙ ҲИҚОЯЛАРИДАН

Бир киши Мавлоно Азудиддиндан сўради:

— Нега халифалик даврида кишилар худолик, иайғамбарлик даъво қилишарди-ю, энди ҳеч ким бундай даъво билан чиқмайди?

— Бизнинг давримизда халқ зулм ва очлиқдан шударажада адою тамом бўлганки, худони ҳам, пайғамбарни ҳам эслашга мажоллари етмайди, жавоб берди у.

Бир киши дўстидан сўради:

— Кўзим оғриб қолди, нима қилсан экан?

— Ўтган йили тишим оғриганди, суғириб ташладим, — жавоб берди дўсти.

* * *

Бир воиз минбарда ваъзхонлик қилаётган экан, мажлис аҳлидан бирор хўнграб йиғлай бошлабди. Шунда ваъзхон хитоб килибди:

— Эй халойик, анови кишидан сўранглар-чи, нега бунчалик йиғлайди?

Ҳалиги киши ўрнидан турибди-да, дебди:

— Эй мавлоно! Нима деб алжираётганингни тушунмадим. Аммо бир кизил эчким бор эди. Соколи сенинг соқолингга ўхшарди. Икки кун бурун ўлиб эди. Сен соқолингни қимирлатганда ўша эчким кўз олдимга келиб ўпкам тўлди, йиглаб юбордим.

* * *

Рамазоннинг ўн бешинчи куни «рўзахўрлик»да айблаб, бир кишини хибсга олишди.

— Рамазон ойининг неча куни ўтди? — сўради ҳалиги киши.

— Ўн беш куни ўтди, — жавоб беришди.

— Неча кун қолди? — яна сўради маҳбус.

— Ўн беш кун.

— Ундан бўлса, мен бечора рамазоннинг нимасини еб қўйибман, — дебди у таажжубланиб.

«ЮЗ ПАНД»ДАН

Чин дўстга фидойи дўст бўлинг.

* * *

Кашандаларга қарши курашинг.

* * *

Мастларни хибс қилишга ёрдам беринг.

* * *

Вақтни ғанимат тутинг.

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Шарку Фарбда Саъдий, Шайх Саъдий номи билан шухрат қозонган, кўп халқларнинг улкан шоирлари ўзларига устоз деб билган мутафаккир санъаткорнинг асл номи Мушаррафиддин ибни Муслихиддин Абдуллоҳдир. У 1189 иили шерозлик давлат хизматчиси оиласида дунёга келади. Саъдийнинг отаси Шероз ҳокими

('лъд бинни Занжи саройида хизмат қилган. Отаси Саъдийни ўқитиши билан жиддий машгүл бўлади, лекин куққисдан вафот этади. Етим қолган Саъдий ва укаси-Шерозда тахт-тож учун кураш авж олган бир пайтда 1226 йили Саъдий Бағдодга бориб, «Низомия» мадрасида таҳсил кўради. Уша даврнинг машхур олими Лбдулфарож Абдураҳмон ибни Жазвий (1186—1257)дан иарс олади. Мадраса таҳсилидан сўнг Эрон, Жанубий Онрўпа, Кичик Осиё, Араб ҳамда Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқади. Ўтгиз йил давомида турли юргуларни кўради, ҳар хил ҷалқлар орасида бўлади, баъзан мусофириларни, савдо қарvonларини ҳимоя қилиб, қарокчилар билан бўлган жангларда иштирок этади, салбчилар қуршовида қолиб асир тушади, бир дўсти уни куткариб олади. Умрининг охириги йилларини Саъдий муноғиқ ва разил кишилардан йирокда — гўшанишинлиқда ўтказган, ижодий ишлар билан машгүл бўлган. Саъдий узок яшаб, 1292 йили вафот этади. У дағн этилган бог ва мақбара Шероз меҳнаткашларининг қадамжоларидан биридир.

Саъдий Шарқ ижодкорлари орасида энг заҳматкаш ва жаҳонгаштасидир. У 30 йил илм ўрганди, 30 йил саёҳат қилди, 30 йил бадиий ижод билан шуғулланди.

Саъдий қасида, ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардаги шеърлардан таркиб топган «Тойибот», «Бадоеъ», «Хавотим» деб номланган тўртта девон тузган. Уларда Саъдий буюк шоир сифатида юксак гояларни янги боскичга кўтарган.

Саъдий беназир шоир ва мутафаккир сифатида мактаб яратган санъаткор. Юз йиддан ортиқ умр кўрган Саъдий даврнинг барча билимларини чуқур эгаллаб, юрт кўриб, ҳалқ орасида юриб, чинакам олим, мураббий, инсонпарвар санъаткор бўлиб етишди. Шеърий ва насрый ҳикоя ва масалларидан ташкил топган «Гулистан» ва «Бўстон», «Соҳибнома» асарлари унга жаҳоншумул шуҳрат келтирди. Саъдий ўз ҳикояларида бошқа Шарқ мутафаккирлари сингари ҳалқ фаровонлиги, юрт тинчлигию ободонлигини одил подшо шарофатидан деб билади. Унинг ақидасича, подшо илм-маърифатли, одил бўлса, мамлакатни илмга, донишманларга суяниб бошқарса, зулм-зўрлик, жаҳолат ва разолатни ер юзидан йўқотса, давлат мустаҳкам, юрт обод, фуқаро тўқ ва тинч бўлади.

У илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, таъзим-тавозе, кат-

таларга ҳурмат, кичикларга иззат, ота-онага эътибор (тил ва муомала, сўзлаш одоби, ширинсуханлик) ва бошқа жуда кўп масалаларда улкан мураббий, мутафаккир сифатида панд-насиҳат беради. Айни чокда ёзув-1 чи судхўрлик, товламачилик, тамаъгирилик, танбаллик, ёлғончилик, гирромлик, икки юзламачилик, фирибгарлик сингари ғайриинсоний иллатларни аёвсиз лаънат-, лайди ва покиза кишиларни бундай ярамасликларга қарши курашишга чорлайди.

Саъдий Шерозий асарлари ўзбек халқи орасида қадимдан машхур ва манзурдир. Хусусагѓ, унинг «Гулистан» ва «Бўстон» асарлари ўтмишда Ўрта Осиё мадрасаларида асосий қўлланма сифатида ўқитилган. Сайфи Саройи, Мухаммад Ризо Оғаҳий, Муродхўжа домла, Сидқий Хондойликий бу китобларни ўзбек тилига таржима қилишган.

Алишер Навоийдан тортиб барча ўзбек адиллари Саъдийни ўзларига устоз деб билган, унинг даҳосидан ижодий баҳраманд бўлишган. Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Махбубул қулуб», Авлонийнинг «Туркий гулистон» асарларида Саъдий ижодининг бевосита таъсири бор.

Саъдий асарларини тадқиқ ва таржима қилишда шоирлардан Чустий, Муинзода,Faфур Гулом, олимларимиздан профессор Шоислом Шомуҳаммедов ва Рустам Комилловларнинг хизматлари катта. Саъдийдаги тинимсиз риёзат чекиш, юрт кўриш, дунё кезиш, муттасил, сабот-матонат билан илм ўрганиш, бадиий ижода музъказ баёнлигу соҳирлик барча замонлар ахли учун юксак ибрат намунасидир.

САЪДИЙ ХИЗМАТЛАРИДАН

Мисрда икки ака-ука яшар эдилар. Улардан бири сultonга хизмат қилас, иккинчиси эса, ўз меҳнати билан кун кечирадиган бечора киши эди. Кунлардан бир куни акаси камбағал укасига қараб:

— Султон хизматига борсанг-чи, эртаю кеч меҳнат қилиш азобидан қутулардинг, — дебди.

Камбағал укаси унга шундай жавоб берибди:

— Сен нега меҳнат қилмайсан, миннатдан қутулар эдинг. «Амир хизматида олтин камар билан бел боғлаб тургандан кўра, арпа нон еб, қуруқ ерда ўтирган яхши», деганлар.

Лмир хизматида мунгли ва абгор,
Кўлларинг кўксингта қўйгинча ҳар гал.
Кўйса ҳам қўлларинг майли, биродар,
Кафтинга оҳак тош олганинг афзал.

* * *

Қачон сўзки, дилбанду ширин бўлур,
Сазовори тасдику таҳсин бўлур.
Вир айтдингми, айтма уни ўзга дам,
Тўйиб бир ёдингми етар ҳолва ҳам.

* * *

Йиллар ўтиб кетди тепангдан ғир-ғир,
Отанг мозорига бордингми бир дам.
Отанг хотирига нима эзгулик —
Қилдингки, ўглингдан кутасан сен ҳам.

* * *

Сўз айни савоблигини билмагунча гапирма,
Унга соз жавоблигини билмагунча гапирма.

* * *

Камолу фазлдан бебахра бўлсанг,
Оғзинг оча кўрма, тилингни тийгил.
Одамнинг ўз тили қилур шарманда,
Пус ёнгоқнинг вазни келгандек енгил.

Оз-оздан йигилиб бўлади бисёр,
Дона-дона ғалла тўлдирап омбор.

* * *

Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам,
Нодон каторига қўшилдинг ўзинг ҳам.

* * *

Чу кўрдинг кўр киши йўлинда чохдир,
Индамай ўтиранг, катта гуноҳдир.

Харчанд ўқибсан-билимдонсан,
Агар амал қилмадинг — нодонсан.

* * *

Үз аҳцига вафо килмаган киши,
На севимли бўлур ва на иззатманд.
Ажабланма ўйлаб-ўйлаб сўз деса,
Хаётга камолга етган бир кекса.
Ўйламасдан туриб ҳеч урмагил дам,
Соз сўзла, агар кеч сўзласанг ҳам.
Аввал ўйлаб, сўнгра сўзла, ур нафас.
Тўхтат, ҳеч ким сенга демасидан «бас!»

МАЪРИФАТНИ ОЛҚИШЛАБ

Ямуниддин Абдулҳасан Амир Хусрав ибни Ам1 Сайфуддин Махмуд Дехлавий 1253 йили Ҳиндистон нинг Патёли деган шаҳарчасида дунёга келади. Бу та рих шоир асарларида ўзи томонидан ҳам қайд қилин, ган. Амир Хусравнинг отаси Амир Сайфуддин Махму шаҳрисабзлик бўлиб, авлоди туркӣ элатларнинг ло-чин уруғидан. Аммо у Ўрта Осиёга мўгуллар хужуми-нинг дастлабки йилларидаёқ тарки ватан этиб, Дехли хукмрони Шамсиддин Элтутмиш (1211 — 1236) саройи-га хизматга киради. Сайфуддин Махмуд 1261 йили мў-гулларга қарши жангда ҳалок бўлади. Хусравни ўша даврнинг маърифатли кишиси бўлган бобоси Имодул-мулк ўз тарбиясига олади.

Бўлажак шоир хушхат бўлгани учун отаси Хусравни хаттот қилиб тарбиялаш мақсадида хушнавис мунши Қози Саъдуддин Муҳаммад хузурига юборади. Аммо болада хатдан кўра шеъриятга завқ ва рағбат кучлили-гини сезган Саъдуддин уни замонасининг фозил шои-ри Хожа Азизуддин билан таниширади. Азизуддин кич-кинтийнинг шеърий салоҳиятини синаш мақсадида «мўй» (соҷ), «байза» (тухум), «тир» (ўқ), «харбуза» (ко-вун) каби маъноси бир-биридан узоқ сўзлар иштиро-кида шеър айтишни сўрайди. Бола дархол бадиҳа тар-зида рубойй ўқийди:

Ҳар мў, ки дар зулфи сияҳи он санам аст,
Сад байзай анбарин дар он мўй зам аст.

Чун тир мадон рост дилашро, зеро,
Чун харбузда дандонаш доруни шикам аст.

(VI санам қора зулфининг ҳар мўйига юз анбар „*умп жамланган. Дилини ўқдек тўғри-рост деб анг-^{йми}. қовун сингари унинг тишлари бағрига жойлаш-0\1 Мъни ёрнинг жабру жафоси қалбидаги пинхон).

Шу воқеадан сўнг бўлажак шоир устози ва бобоси й«Г»; флигида адабиёт, шеърий санъатлар, тарих, муси- (уппунослик, мантик ва бошқа фанларни пухта эгал- лишил киришади. Йигирма ёшида Хусрав истеъодли цюир. крмусий билим соҳиби — олим, созандаги бас- шкор сифатида шуҳрат қозонади. Буни сезган Мўлтон цокими Кушлихон шоирни саройга жалб этади. Лекин орм/кш икки йил ўтгач, Дехли ҳокими Фиёсуддин Бала- Оон (1265—1267) саройга тортилади. Умуман, Хусрав Деҳлавий умри давомида етти хукмроннинг даргоҳида чи 1млт қиласи. Давлат арбоби сифатида шуҳрат топиб, имир унвонига эга бўлади. Хусрав Дехли ва бошқа ша- ѹирлар хукмдорлари саройидаги хизматда бўларкан, жан- IV жадалларда, мўгулларга қарши қурашларда қатнаша-)1и. Шундай жанглардан бирорида дўсти Ҳасан Деҳлавий Гашлан асир тушиб қолади. Аммо баҳтли бир тасодиф |у<|)айли икки дўст катлдан кутубиб қоладилар. Шоир умрининг охиригина ўттиз йилини Деҳлида ўтказади. Тархий манбалар ва асарларида ишораларга кўра, узок Ниллар масъул вазифаларда ишлашга ва хукмронлар уининг илми, шоирлик обрўсидан ўз манфаат, шуҳрат- иари йўлида фойдаланишга интилганликларига қарамай, Хусрав Деҳлавий камтарона ҳаёт кечирган. Улуғ июир 1325 йили Деҳлида вафот этади.

Амир Хусрав Деҳлавий, ўз таъбири билан айтганда, «хали тишлари тўкилиб юрган гўдаклик онлариданоқ» ажойиб лирик шеърлар бита бошлаган, кейинчалик фор- сий тилдаги шеъриятни янги тараққиёт чўққисига кў- тарган. Шоир умр бўйи ёзган шеърларини «Тухфат ус- сиғар» («Ёшлик тухфаси») «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўрта- си»), «Ғурат ул-камол» («Камолот ибтидоси»). «Бакияи нахия» («Сараларнинг сараси»), «Нихоят ул-камол» («Камолот чўққиси») номи билан беш китобга жамлаб, Шарқ адабиётидаги девон тузишни бир адабий анъанага айлантирган.

Амир Хусрав Деҳлавий ғазалнинг кўпроқ енгил вазн- ларида ғоятда мўъжаз, шакл ва мазмун жиҳатидан содда, оммабоп асарлари яратиб инсоф ва адолатни

куйлайди, разолат ва қабоҳатни қоралайди. Шу сали ҳам Ҳусрав лирикаси равонлиги, енгил ўқилиши шеърхон қалбига тез етиб бориши билан бошқа ғаз навислар ижодидан фарқ қилган. Маъшуқанинг ҳус жамолини таъриф этганда ҳам муҳаббатнинг ҳаётбах руҳафзо хислатини таъкидлаганида ҳам, ағёр иғвос жафоси, ёрнинг нозу таманносига боғлиқ рух кайфиятларини чизганда ҳам, шоир ҳамиша бади баркамоллик, айни пайтда, соддаликка эришади. X" равнинг лирик қаҳрамони гўзаллик ошиғи, у ҳами маъшуқадан вафо ва садоқат истайди, висолга етиш умиди, завқ-шавқи билан яшайди. Шоир ёрнинг заллигини қай даражада сехрли чизса, ошиқ ҳис туй. ларининг энг нозик ва ранг-баранг ҳолатларини ҳг шу қадар моҳирлик билан ифодалайди.

Амир Ҳусрав асарларида юксак инсоний фазила ларни, ахлок-одобни тарғиб этади, замон ва нобоп ки шилардан чеккан азиятларини қаламга олади. Мўту. истилочилари Ҳиндистонга муттасил ҳужум қилиб турган, ўзаро феодал урушлар авжига миниб, мамлакат ва; меҳнаткаш ҳалқнинг аҳволи оғирлашган бир замонд яшаган Ҳусрав шеърларидан бирида шундай нолийди:

Хуш эрди умр ўтса бир замон хуш,
Менга эмас, шундай хуш замон йўқ.
Фалак ваъда этар меҳрини, лекин,
Дилим айтарки, меҳри ончунон йўқ.
Агар шодликнинг нархи бўлса юз жон,
Сотиб олгум, фалак дерки, ҳамон йўқ.

(Чустий таржимаси).

Инсон маънавий баркамоллигини тараннум этган Ҳусрав Дехлавийнинг сон-саноқсиз байтлари ҳалқ ҳикматларига айланиб, диллардан дилларга, тиллардан тилларга кўчиб юради:

Истасанг дунёда баҳту саодат,
Айлагил қардошлар дийдорин одат.
Бу кўхна оламда айлагил бунёд,
Бир нарсаки, ҳалқнинг этсин сени ёд.

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси).

Ҳусрав Дехлавий Шарқ шеъриятида достоннавислик анъанасини давом эттириб, Жомийнинг таъкидла-

ичл, «Низомий Ҳамса»сига ҳаммадан яхшироқ жавоб •ЙШ||м шоирдир». У Низомийдан рух ва файз олиб, уч ил (1299—1301) мобайнида «Матлаъ ул-анвор» («Нур-Дирнинг чикиши»), «Ширин ва Ҳусрав», «Мажнун ва ЛпИли», «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат»), «Оинаи Йскандарий» достонларидан иборат «Ҳамса» яратади. Ҳусран достонларида Низомий асарларининг шакл ва вмжсти, образлар силсиласини асосан саклаган ҳолда улуг озарбайжон шоири тараниум этган ғояларини ян-1ича куйлади, уларга тоза мазмун бағишилади. Масалан, Щомийнинг «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси») цostonига жавобан битилган «Матлаъ ул-анвор»да шоир 1уим-зўрлик, қабоҳат ва разолат, риёкорлик ва муно-фикаликка нафрат, ахлок-одоб, илм-маърифат, инсоф 1ш адолат масалаларига доир ижтимоий, дидактик рух-диги оригинал ҳикоялар яратади. «Ширин ва Ҳусрав»да >са, Ҳусрав образи шон-шавкатли, адолатли, ҳамиша осойишталикка интилувчи, эл ва юрт ғамини сювчи, инсон, илм-хунар соҳиби сифатида талқин этилади. Лйни пайтда шоир Ҳусрав табиатидаги айшу ишратга Ьерилишни, шұхратпарастликни қоралайди. Фарҳод обра)ини ҳам шоир чин ошиқ, баҳодир, заҳматкаш, морир ҳунарманд, покдоман инсон сифатида меҳр билан ъасвирлайди. Шоир «Ҳамса»сининг барча достонлари мазмунан баркамол, бадийлик нұқтаи назаридан бе-иазир асарлардир. Шу жиҳатдан Жомий ва Навоии каби буюк сўз санъаткорларининг Амир Ҳусрав Дехлан-ний асарларига юксак баҳо берганликлари бежиз эмас.

Ҳусрав Дехлавий «Қирон ас-саъдайи» («Икки саодатли сайёранинг кўшилиши»), («Мифтоҳ ул-футух») («Ғалабалар қалити»), «Хазойин ул-фугух» («Ғалабалар хазинаси»). «Дувалроний ва Ҳизрхон», «Нух сипеҳр» («Тўккиз қават осмон») сингари ўнлаб достон, насрий асарлар ҳам яратди. Булар, бир томондан, шоир ижодининг тобора камолатга етиб, дунёқарашининг ранг-баранг қирралари намоён бўла борганлигини, гуманист мутафаккирни замонасининг долзарб масалалари ғоят қизиктирганлигини кўрсатади. Масалан, ҳалқлар дўстлиги, хотин-қизлар қадри, акл-заковати ва ҳақиқий ишқ-муҳаббатни олқишлигар шоир мусулмон йигит Ҳизрхон билан хинд кизи Дувалроний ишқий саргу- заштини тасвир этиш орқали хиндоллар билан мусул- монлар ўртасидаги мазҳабчиликнинг ёмон оқибатлари- ни кўрсатади. Ҳиндистон ҳалқларини мустаҳкам бир- ликка чорлайди. Бу эса ташқи хужумни даф этиш ва

мамлакатни хонавайрон қиласиган ўзаро феодал урларнинг олдини олиш, ички низоларга барҳам бери нинг асосий омили эди. Иккинчидан, тарихий воқларга бағишиланган мазкур асарларнинг аксарият шоир султонларни адолатга, иттифоқка ундаиди, дешатли урушларнинг аянчли оқибатларидан изтироб келади: факт ҳамда воқеалар тасвири ёки баёнида Ҳи дистоннинг табиати, илм-фани, маданияти, адабиёт санъати, урф-одатларига доир ажойиб маълумотлар бериради. Унинг «Тўғулукнома», «Тарихи Дехли» каби асалари ҳам шундай характерга эгадир. Шоир адолат одил шоҳ ҳақидаги фикрларини кўпинча афсонави ёки ҳаётий тамсиллар билан асослаб, қиссадан ҳисс чиқаради.

«Эъжози Хусравий» («Хусрав мўъжизаси») асари катта илмий қимматга моликдир. Адабиётшуносликка доир бу асар беш рисоладан иборат бўлиб, умуман, Шарқ шеъриятидаги бадиий санъатларни ўрганишда энг муҳим манба ва дастуриламал ҳисобланади.

Амир Хусрав Дехлавий асарлари қадимдан аслида ҳам, таржимасида ҳам халқимиз орасида машҳур ва манзур. Хусрав меросининг кўпчилик дастхатлари юртимизда қайта-қайта кўчирилиб, кенг тарқалган, илмадаб ахли анжуманларида мунозара ва муҳокамаларга сабаб бўлган. Чунончи, илм ва маданият ҳомийлари Улугбек ва Бойсункур Мирзолар Амир Хусрав Дехлавий «Хамса»си устида кўп баҳслашганлар. Зайнiddин Восифий «Бадоёй-улвақоёй»да 1515—1525 йиллар Шошдаги адабий йигинларда кўпинча Хусрав ижоди борасида сухбатлар қизиб, тортишувлар бўлиб турганлигини ёзган. Бойсункур Мирзо шоир девонларининг бир неча нусхаларини қиёсан ўрганиб, унинг 120 минг байтини тўплаган. Ҳусайн Байқаро эса, Хусрав Дехлавийнинг 18 минг байтдан иборат муҳтасар девонини кўчирирган.

Хусрав Дехлавий ижодининг ўзбек адабиётига таъсиси кучли эканлигининг боиси ҳам шунда. Аксарият забардаст шоирлар уни ўзларига устоз деб билганлар. Алишер Навоий «Хамса»ни яратишда Хусрав Дехлавий ҳам «руҳ» ва «қувват» баҳш этганини алоҳида эҳтиром билан таъкидлайди. Шоир деярли барча асарларида Хусрав номини тилга олади. Навоийнинг машҳур «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар совғаси») қасидаси «ҳинд» сеҳргарийнинг «Дарёи аброр» қасидасига жавобан битилган, «Девони Фоний»даги бир қанча газаллар Хусрав

"е>иий шеърларига татаббуъ тарзида яратилган. Али-У1гр Иавоий «Мажолисун нафоис», «Соқийнома» асардирида шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига алоҳида ТУчталиб ўтади. «Ягонаи замона», «Ишқ ва дард ахлимиш раҳбар ва пешвоси», деб юксак баҳо беради. Закирилдин Мұхаммад Бобур, Мунис Хоразмии, Мұхаммидризо Оғаҳий ва бошқа сўз санъаткорлари ҳам Ҳуспин Дехлавий даҳосидан баҳра топганлар.

Оғаҳий ўзбек китобхонларини шоир ижоди билан миада яқиндан танишириш ниятида «Ҳашт биҳишт» логгонининг насрый таржимасини яратади.

Буюк «ҳинд соҳири» (Навоий) ҳаёти ҳамда ижодии мгросини тадқиқ ва тарғиб этишда ўзбек олимлар барпкали меҳнат қылмокдалар. Профессорлардан Ш. Шомуғамедов, М. Имомназаров ҳамда доцент Б. Мусаев иипг рисолалари эълон қилинди. Тошкент Шарқшуносиҳ институтидаги «Хорижий Шарқ ҳалқлари адабиети» кафедраси ҳузуридаги ҳусравшунослик маркази иккита илмий тўплами оммалаштириди. Шоирнинг ғашнлар мажмуаси, ҳикматлари тўплами нашр этилди. Ўзулкан ишда профессор Ш. Шомуғамедовнинг хизмати каттадир.

Ҳусрав Дехлавий ўзи куйлаган юксак гуманистик ғояриар билан асрларга ҳамроҳ ва ҳамдамдир. ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқжоҳон тараққийпарварлари, илм-адаб аҳаи улуғ шоирнинг 700 йиллик юбилейини кенг нишонлади.

ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ ҲИКМАТЛАРИДАН

Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин,
Яхшидир егандан бирор оқ нонин.

Иш вақти бўлмагин ғофил, паришон,
Охири меваси бўлур пушаймон.

Дўстларинг кўпаяр фаровонликда,
Уларни синааб кўр нотавонликда.

Мева берса дарахт битта бутоғдан
Шу дарахт яхши минг мевасиз боғдан.

Нимаики ўзингта бўлмабди даво,
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.

Емон нафсингни одобга ғулом қил,
Одобсизни одобинг бирла ром қил.

Ёш ҳар қанча ишда бўлсин ибратли,
Кўп кўрган кексанинг иши ибратли.

Тўғри ўйлаб, тўғри юрса ҳар киши,
Билгилки, маҳкамдир унинг ҳар иши

Бу эски оламда бир нарса бунёд,
Айлаки, мангаликка халқинг этсин ёд.

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,
Энг баҳтли одам шу, хулласи калом.

Ишга яраб қолса илминг бир муддат,
Яна ошироққа айлагил шиддат.

Қисқа сўзлик, қара, не яхши ҳолдир,
Сергаплик тамоман дилга малодир.

Мардлар каби сен ҳунар талаб эт,
Хунарсизлардан узок-узок кет.

То қадам қўймасанг дастёрликка,
Ҳеч ким келмас сенга дўсту ёрликка.

Улуғлик шарафин истаган одам,
Кичикларга айлар ҳиммату карам.

ҲАЁТ ШАЙДОСИ

Ўрта Осиё мўгуллар тарафидан истило қилинган **XIII—XIV** асрларда босқинчилар таҳқир ва таъқибиға қарамай, ўз она тилида ижод қилган шоир, ёзувчи ва таржимонлардан бири Сайфи Саройидир.

Сайфи Саройи 1321 йили Хоразмнинг Қамишли деган жойида ҳунарманд-куролсоз оиласида дунёга келади. Даствабки билимини ўз юртида олган Сайфи ўқиши давом эттириш учун Олтин Ўрда давлатининг маркази Сарой шаҳрига боради. Бу ерда у кунт билан ўқийди, шоир сифатида танилади. Бу ҳақда унинг ўзи қуидагиларни ёзади:

Қамишли юрт менинг тувғон элимди,
Билинг, ғурбатта келтурған билимди.
Келиб булдум саройда шеър фидойи,
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.

Лекин ўзаро феодал урушларнинг авж олиши, тахт-гож учун курашнинг кучайиб кетганини, М1арказлашган давлат яратиш учун интилаётган Амир Темурнинг Олтин Ўрдага шиддатли зарбаси туфайли Сайфи Саройи юртини тарк этади. У аввал Эронга, сўнг Туркияга боради. Шоир сарсон-саргардонликда, муҳтоҷлиқда кечган кунларидан нолиб шеърлар битади:

Ўсиб тупроғим узра найзалар мен эвдан айрилдим,
Ватандан бенишон ўлдим-да, ўзга юрта эврилдим.
Нечун менга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор,
Илоҳо айла кам жавринг, мен элга содик ул эрдим.

Замондан, мавжуд ижтимоий тузумдан нолиш шоирнинг бошқа ғазалларида ҳам кўзга ташланади.

Сайфи Саройи умрининг охирги йилларини Мисрда ўтказиб, тахминан 1396 йили шу ерда вафот этган.

Сайфи Саройининг хаёт йўли ва ижодий мероси ҳали муқаммал ўрганилмаган. Адиб меросини тўплаш тадқиқ этишда филология фанлари номзоди Насрулло Даврон анча хайрли иш қилган. Бизгача шоирнинг бир қанча ғазал, қасида, робоий ва маснавийлари, «Суҳайл ва Гулдурусун» достони етиб келган. Бундан ташқари Сайфи Саройининг 1391 йили Мисрда Саъдийнинг «Гулистан» асарини ўзбек тилига таржима қилгани ҳам маълум. Бу Саъдий асарининг туркий тилларга илк таржимаси бўлиб, алоҳида қимматга эга. Чунки, таржимон асл нусха матнига эркинроқ, ижодий ёндашган: асар услубини ўзбек насрига, ҳалқ ҳикоятларига яқинлаштирган, бир хил мазмун ва гояга эга бўлган ҳикоялардан бальзиларини тушириб қолдирган; муқаддима, хотима тарзда, наср оралигига келадиган панд-хикмат характеридаги шеърларни кўпинчча ихчамлаштирган, айrim ҳолларда ўзидан янги байтлар кўшган. Аммо бу ўзгартиришлар Саъдий асарининг туб моҳиятига зарар етказмаган. Таржима буюк санъаткорнинг ҳалқпарварлик, адолатсеварлик, касб-хунарга, илмга меҳр қуиши, ҳалолу пок, диёнатли, хайр-эҳсонли бўлишга даъват каби юксак гояларини ўзбек ҳалқига яқинлаштиришга хизмат қилади.

Сайфи Саройи ўз шеърларида яхшилик, гўзаллик ва чин инсоний севгини, ҳаётга муҳаббатни куйлади, маърифатни тарғиб этди, кишиларни реал ҳаётга, элъортига меҳр қўйишига чорлади. Асарларида ўзига хос ранг-баранг бадиий-тасвирий воситаларни қўллайди, халқона ибораларни ишлатади. Шоир учун халқининг марҳамати, ватани, ҳаёт файзи ҳамма нарсадан афзал:

Хабарсизман у дунё жаннатидан,
Увурмам юз элимнинг раҳматидан.
Инонмам бўлгучи дорул вафоя,
Ёруғлик баҳрасин топсан кифоя.

«Суҳайл ва Гулдурсун» достонида шоир Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг ўғли Суҳайл билан Темурнинг қизи Гулдурсун ўртасидаги севги саргузаштини тасвиrlаган.

Амир Темур Кўхна Урганч учун Тўхтамиш билан қилган жангда ғалаба қозонади. Кўп лашкар кирилади, Тўхтамиш ўлдирилади. Унинг баҳодир ўғли Суҳайл бошчилигидаги асиirlар Урганч кўргонига ҳайдаб келинади: ҳамма ёқ ял-ял яшнаган, боғу роғларда мевалар гарқ пишган, мўл хосилдан дехқон юзи гулгун, лаби хандон. Аммо баҳодир Суҳайл ғамгин, бошига жафотоши ёғилган; хеч ким мадад қўлинни чўзолмайди:

Суҳайл хусни эрур Юсуфдин олий,
Этар мот олмани юзининг оли.
Бийик ардамлари бор, сўзи ширин,
Бўлур ошиқ ани кўрганда Ширин...
Фақат ҳолини кўрганлар этур ох,
Учар атрофда қушлар дардли ҳамроҳ.
Бўлуб мутриб гулистонларда булбул,
Қилур минг турли нағма бирла ғул-ғул.
Гунаш дунё юзиндин чоҳга ботти,
Узулган гул текин тупроқда ётти.

Суҳайл зинданда ётғонида тушида Соҳибқироннинг қизи Гуддурсунни кўриб севиб қолади:

Бу тушда бир пари боғда юармиш,
Юриб боғ ичра ул гуллар терармиш.
Деюб анга Суҳайл; «Не гул терурсан?
Ўзинг гулдан-да кўркли гул эрурсан?
Недур зотинг, париму ё одамизод?

Манга айт одингни, доим этай ёд!...»
Жавоб кутди, бўлиб у ишқ аро маст,
Вале тақдир кулуб, тез бермади даст.
Физолтек силкиниб қочти париваш,
Суҳайл кўнглига ташлаб катта оташ!!.

Гулдуруусун ҳам эл оғзида достон бўлиб кетган гўзал
иа паҳтавон Суҳайл таърифини кўп эшишиб, уни бир
кўриш иштиёқида юрганди. Асиirlарни зинданга эл-
гаётганиларида киз дугоналари билан гул сайрида юр-
ганди ва иттифоқо кўзи Суҳайлга тушди:

Суҳайлни кўрдию айланди биртек,
Гунаш гирдинда юрган мисли ертек.
Ўзин гул билдию булбул-Суҳайлни,
Ани севдию таслим этди майлни.
Ва не чора кисин булбул қафасда,
Керак гул фунчаси озод нафасда...


Машка посбонга инъом бериб, йигит билан аҳд-
паймон қилишади ва зиндандан чиқиб қочишади. Фа-
лак ҳам буларга ҳамдамлик кўрсатди, тун ганимлар кў-
зидан пинҳон тутса, ой йўлларини ёритади:

Алар кўйди иккиси йўл сари пой,
Бокиб турғонда йўлга зар сочиб ой.

Оч, чанқоқликдан тинкаси қуриган кизни колди-
риб, Суҳайл сув, гизо қидириб кетади. Қайтганида Гул-
дурсун ўлган бўлади:

Менга яхши деди ёр бирла ўлмак,
Не лозим ғам билан дунёда қолмак.
Шу сўзни айтти, тиф урду ўзига,
Кўринмай қолди кенг олам кўзига.
Суҳайл охидин шу дам кўпти бўрон,
Анинтекки бузулди чархи даврон.
Алар узра тўкулди, кўмди тупрок,
Бу сирни танҳо сахро билди кўпроқ.

Сайфи Саройи ижоди, хусусан, «Гулистанни бит
туркий» янада жиддий ўрганишни тақозо этади.



САЙФИ САРОЙИ ҲИКМАТЛАРИ

Оқил ўз сўзин ўрнида сўзлагай,
Ҳам жавобини муносиб кўзлагай.

* * *

Сирингни кўнгулда саклагил берк,
Мушфиқ сенга йўқ жақонда сентек.
Айтма деб ани бир кишига айтма,
Турмаским, ани эшитса тинч-тек.

* * *

Қил ҳазар душман сўзиндан, эй рафик
Неким ул айтса, анинг аксини эт.

* * *

Аё, келган жаҳонга, эзгулик эт,
Ёмон ишни ёмонларга кўюб кет.

* * *

Ор кўрма билмаганни сўрмага,
Сурмайнча илм ўрганмас киши.

НИГОРИСТОН СОҲИБИ

Ун бешинчи асрнинг атоқди маданият арбобларидан бири, истеъодли шоир, адабиёт ва санъатнинг жонкуяр ҳомийси бўлган Бойсункур 1397 йилнинг 16 октябрида Шохрух оиласида дунёга келади. Бойсункур тадбиркорлиги, ишчанлиги, билимдонлиги билан тенгдошларидан ажralиб турарди. Шунинг учун ҳам отаси 1414 или 17 яшар Бойсункурни Тус, Машҳад, Обивард, Ҳабушан, Нисо, Астробод, Мозандарон, Шумулқон, Журжон каби вилоятларга ҳоким қилиб тайинлайди. У давлатни иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтиришга, илм-фанни тараққий эттириш, қўшни мамлакатлар билан муносабатни яхшилашга алоҳида эътибор беради. Бойсункур Мирзо 19 яшарлигига Шохрух давлатининг вазири қилиб тайинланади. Отаси сафардалигига давлатни у бошқарган.

Унинг ишбилармонлиги, санъат ва маданият аҳлига ҳайриҳоҳлиги, мамлакатни ободонлаштиришдаги иш-

ларини замондошлари ғоятда завқланиб ёзиб қолдирганлар. Машхур тарихчи Абдураззоқ Самарқандий: «У ўзининг давлати гулшанида эҳсон ниҳолидан бошқа нарсани экмади. Давлат ахволининг ташвиши унинг равшан замиридан жой олган эди», — деб ёзган. Ҳирот ҳамда Машҳаддаги Гавҳаршодбегим масжидлари беза-гию катибаларини Бойсункур Мирзо бажарган.

Бойсункур Мирзо вазирлик ишини олиб бориш билан бирга бадиий ижод, маданий-маърифий, илмий ишлар билан ҳам шуғулланарди. Ўша вақтда у Ҳиротда жуда катта кутубхона ташкил қилиб, қиркқа яқин хаттот, саҳдоф (муқовачи), варроқ (қоғоз тайёрловчи), нақош, лаввоҳ (лавҳа чизувчи) ва бошқа хунар эгаларини шу ерга тўплайди. Улар хушнавис хаттот Мавлоно Жаъффар Табризий бошчилигига қўлёзма йигиб кўчириш, безаш ва тарқатиш билан шуғулланганлар. Давлатшоҳ Самарқандий унинг мана шу фаолиятини таърифлаб: «Шахзода Бойсункур хунарпарвар ва хунармандлиқда жаҳонда машҳур бўлди. Шеърият ва хаттотлик унинг замонида ривож топди. Ҳунарманд ва фазл эгалари унинг авозасини эшлитиб, теварак атрофдан хизматга келдилар. Хушхат котиблардан қирқ киши унинг кутубхонасида китобат қилиш билан машҳур эдилар. Бойсункур Мирзо хунармандларни эъзозлаб, шоирларни дўст тутар эди», — дейди.

Тарихий манбаларда кўрсатилишича, Бойсункур кутубхонасида китоб кўчириш билан бирга, китобларга зар билан лавҳалар чизиш, гўзал нақш ва суратлар солиш, ўтмиш мутафаккирларининг ижоди ва таржи-маи холига доир фактларни тўплаб ўрганиш, ноёб китобларнинг нусхасини кўпайтириш, айрим ижодкорларнинг мукаммал куллиётини яратиш каби илмий ижодий ишлар ҳам кенг йўлга қўйилган. Масалан, Бойсункур устод Сайид Аҳмад нақош, Ҳўжа Али мусаввир, саҳҳоф Қавомиддин Табрузийга Аҳмад Бағдодий чизган суръатлардан нусха кўчиришни топширади. Чунки, Аҳмад Бағдодий Амир Темур учун чизган суратлар мажмуаси (альбом)даги айрим расмлар нурсизланиб, ўз жилосини йўқотаётган эди. Бойсункурнинг илм даргоҳида бажарилган ишлар, кўчирилган, нафис санъат билан зеб берилган қўлёзмаларнинг баъзилари бизга қадар етиб келган. Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома»си, «Калила ва Димна», «Жомеъ ут-таворих» каби асарларнинг мавжуд нодир нусхалари ана шулар жумласидандир.

Маълумки, Эрон ва Ўрта Осиё халқларининг қадимга халқ оғзаки ижоди материаллари воқеаномалар асосида ёзилган «Шоҳнома» жаҳонда энг кўп тарқалган мумтоз асарлардан ҳисобланади. Бу асар ўтмишда шу даражада кўп кўчирилиб тарқатилганидан унинг қайси бири тўла ва асл нусхаси эканлигини аниқлаш кийин бўлган. Чунки, котиблар кўчириш пайтида айрим достонларни қисқартириб, тушириб қолдирар ёки Фирдавсий асарига ўзларидан янги эпизодлар, лавхалар кўшар эдилар. Бу ҳолни кўрган Бойсунқур Мирзо «Шоҳнома»нинг 41 та нусхасини тўплатади. Кутубхонада хаттот ва олимлар томонидан 1425—1430 йиллар давомида қиёсий ўрганиш натижасида «Шоҳнома»нинг асл нусхаси тикланади. Бу асарни машхур хаттот Жаъфар Табризий кўчиради, кутубхона мусаввирлари эса китобни ажойиб лавхалар ва суратлар билан безайдилар. Бойсунқур Мирзо эса унга «Муқаддимаи Бойсунқурий» номи билан сўзбоши ёзади. Бойсунқур унда Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларни баён этаркан, «Шоҳнома»нинг ёзилиш тарихи, шоирнинг фожиавий ҳаёт йўли, асарнинг манбалари, афсонавий образлар, насрый «Шоҳнома»га доир ажойиб маълумотлар келтириб, Фирдавсий ижодини тўғри баҳолайди. Мана шу нусха ҳамда «Бойсунқур муқаддимаси» хозиргача Фирдавсий ижодини тўлик ўрганиб, «Шоҳнома»ни илмий танқидий нуқтаи назардан тиклашда ноёб манба ҳисобланниб келинмоқца. Унга уч хаттот 22 та расм чизган. Ўша нусха Эроннинг Кохи Гулистон китобхонасида сақланмоқда.

Бойсунқур Мирзо Амир Ҳусрав Дехлавийнинг ижоди ва адабий меъросини ўрганиш ҳамда тўплаш билан ҳам шуғулланган. У шоир девонига кирган шеърларидан 120 минг байтини, девонига кирмаган ғазалларидан эса 2 минг байтини жамлаб, уни китоб ҳолига келтиради. Бойсунқур Мирзо истеъодли шоир, хушнавис хаттот ҳам бўлган. Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Сайфиддин Али Сафий каби санъаткорлар унинг ўзбек ва форс-тожик тилларида гўзал шеърлар ёзгани ҳақида хабар берадилар. Лекин ҳанузгача унинг шеърлардевони топилмаган. У олти хил хатни мукаммал билган. Айникиса, сулс ёзувида ундан ўтадиган топилмасди.

Бойсунқур Мирзо ўнлаб шоирлар, санъаткорлар ва олимларни ўз паноҳига олиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам ҳам берган. Ўз даврининг машхур шоирларидан Бобо Савдоий, Мухаммад Паҳлавон, Котиби Нишопурӣ, Мавлоно Юсуф Амирий, Амир Рукниддин

Пучлободий, Амир Шоҳи Сабзаворий, Ҳофиз Юсуф Лплигоний ва бошқалар бевосита Бойсункурнинг моди ий ёрдамидан файз топганлар.

Бобо Савдоий унинг бевосита ҳомийлиги, кўп муруватлари туфайли катта шуҳратга эга бўлган. Унинг боғи Сафедида доим мушоира мажлислари бўлиб тургай экан.

Кўплаб санъаткорлар, хаттот ва мусаввирлар ҳам Бойсунқур Мирзонинг марҳаматидан четда қолмаганлар. Машхур олим Хўжа Абдулқодир Мароғий, хушинаис хаттот Шамсиiddин Ҳиравий, бастакор ва хонанда Хўжа Юсуф Андугоний, тарроҳ ва мемор устод Қавомиддин, ўз замонаасининг пешқадам мусаввири мавлоно Халил шулар жумласидандир. XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда қад кўтарган гўзал иморатларнинг кўпчилиги устод Қавомиддин ва унинг шогирдлари томокидан курилган. Бойсунқурнинг моддий ёрдами ва ҳомийлигига ижодий камолатга етган Хўжа Юсуф Андугоний, кейинчалик Ҳирот мусиқа мактабининг пешвоси хисобланган. Ҳуеайн Байқаро ҳам мусиқа билимини ундан ўрганганд. Уз даврининг машҳур хаттотлари Жъффар Табризий, Мавлоно Захириддин Азҳар Табризий, Мавлоно Маъруф Бағдодий ва бошқалар Бойсунқур кутубхонасида ижодий иш билан шуғулланганлар.

Алишер Навоий Бойсунқурнинг фаолиятини қуидагича таърифлайди: «Бойсунқур Мирзо хуштаб ва саҳий ва айёш ва ҳунарпарвар подшо эрди. Хаттот ва наққош ва созандадин ва гўяндадин мунча беназир кишиким, аниңг тарбиятида ороға кирди, маълум эмаским, ҳеч подшоҳ замонида пайдо бўлмиш бўлгай».

Хуллас, XV асрнинг биринчи ярмидаги Ҳирот адабий ва маданий ҳаётини ривожлантиришда Амир Темурнинг невараси, Улугбекнинг укаси Бойсунқур Мирзо фаол қатнашиб, катта амалий ишларни бажарган. У маданият ва санъат ҳомийси сифатида кўплаб ижодкорларнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлган. Доцент Н. Норкуловнинг аниклашича, «Нигористон»да тиббиёт, жуғрофия, ҳандаса, ўсимликшунослик билан шуғулланувчи олимлар гурухи ҳам бўлган. Шоир Юсуф Амирийнинг «Дахнома»сидаги қуидаги байтлар ҳам бу фикрни тасдиклайди:

Кечиб олдида юз турлук дақоийк,
Маориф бирла анвой ҳақоийк.
Бири ҳайъат биёзидин териб гул,
Бири ҳикмат шафосидин бериб мул.

Бири Иқлидис ашколин ҳал қилиб,
Бири кўк жадвалида мадҳал қилиб,
Бири фикҳ ичида асраб мақомин,
Бири мантиқ сари элтиб қаломин.

Машхур шарқшунос М. М. Дъяконов Темурийлар даври маданий ҳаёти ҳақида фикр юритиб: «Навоий, Жомий ва Беҳзод даври Ҳироти — XV асрнинг иккинчи ярми Ҳирот маданий юксалиши ва гуллаб яшнаши сарчашмаларини Шоҳруҳ даври Ҳиротидан қидириш керак», — деган. Шубҳасиз, бу давр маданиятининг юксалишида Бойсунқур Мирзонинг хизмати катта.

Бойсунқур 1433 йили вафот этади. Гавҳаршодбегим мадрасасига дағн этилади. Амир Шоҳий, Сайфиддин Наққош Исфаҳонийлар марсия битган. Унинг уч ўғли — Рукниддин Мирзо Алоуддин, Қутбиддин Мирзо Султон Маҳмуд, Мирзо Абдулқосимлар қолган.

ЗАМИНИДА ОСМОН ЯРАТГАН ОЛИМ

Машхур рус олими В. Бартольд «Улуғбек ва унинг даври» китобида қўйидаги хикояни ёзib қолдирган: «Мадраса биноси битай деб қолганда, у ердаги одамлар Улуғбекдан мадрасага кимни муддарис қилиб тайинла-моқчисиз, деб сўраганларида, Улуғбек, барча фанлардан хабардор бўлган бирор одамни қидириб топаман, деб жавоб берган. Шу ерда гишталар орасида ифлос кийимда ўтирган мавлоно Мухаммад Улуғбекнинг бу гапини эши-тиб қолган ва шу онда ўрнидан туриб, бу вазифага мен лойиқман, — деган. Шундан сўнг Улуғбек уни имтиҳон қилган ва Мавлоно Мухаммаднинг чинакам билимдон одам эканлигига ишонч ҳосил қиласди ва уни ҳаммомда ювинтириб, яхши кийинтириш ҳақида буйрук берган. Мадрасанинг очилиши кунида Мавлоно Мухаммад нутқ сўзлаган. Мавлоно Мухаммаднинг нутқини Улуғбек ва Қозизода Румий билан бирга 90 доно ҳам тинглаган. Риёзиётдан баҳс этган бу ваъзни Улуғбек билан Румийгина тушуниб етганлар».

Ҳа, Улуғбек илм-фани, олимларни эъзозлаган буюк аллома эди. У 1394 йили Ҳиротда тугилади. Тўрт ёшидан бошлаб унинг тарбияси билан бувиси Сароймулкхоним ва бобоси Амир Темур шуғулланадилар, Шоиртабиат, билимдон, ривоятгўй Ҳамза бинни Али Тусий (Хўжа Ориф Озарий) шаҳзоданинг хизматига тайинла-

мади. У ёш Улугбекнинг тарбияси билан жиддий шу-
улланади, адабиёт, тарих билан боғлиқ нақллар, ри-
ноятларни қироат қилади. Ҳатто Амир Темур севимли
псварасини сафарларда, юришларда ҳам бирга олиб
юрган. Хусусий муаллимларда ўқитган. Саид Шариф
Журжонийдан риёзиёт бўйича дарс тинглаган. Улугбек
сшлигиданоқ диний ва дунёвий билимларни мукаммал
наллайди. Амир Темур 1405 йилда Ўтрорда фавқулод-
да касалга чалиниб вафот этади. Тўрт йил мобайнида
Лмир Темур ўғиллари орасида тахт-тож учун давом
птан жангда Шохруҳ ғалаба қозонади. У ҳозирги Ўтра
Осиё ерларини бирлаштириб пойтахти Самарқанд бўл-
гли Мовароуннахр давлатини тузади ва 15 яшар ўғли
Улугбекни унга ҳоким этиб тайинлади. Пойтахти Хи-
рот бўлган Ҳурросон давлатини эса ўзи бошқаради.

Бошқа хукмронлар сингари Улугбек кучи, ақл-за-
коватини жангу жадалларга, юрт олиш, бойлик ортти-
ришга эмас, адолат билан ҳукм суриш, мамлакатни
обод қилиш, адабиёт, илм-фанни ривожлантиришга
сарфлайди. Улугбек атрофига «Ўз даврининг Афлоту-
пи» деб ном қозонган машҳур математик, астроном
Қозизода Румий, Улугбек ва Қозизодаларнинг шогир-
ди, «Ўз замонасининг Птоломей» таникди математик
ва астроном Али Кушчи, математик ва астрономлар
Мансур Коший, Али ибн Мұхаммад Биржандий, Ми-
рам Чалабий, 1416 йили астрономик асбоблар ҳакида
рисола ёзган Ғиёсиддин Жамшид, Мұхаммад ибни Умар
Ҷағминий каби олимлар жамланган эдилар. Улугбек
ана шу олимлар маслаҳати, кенгаши, ҳамкорлигига ма-
тематика, астрономия, геометрия каби фанларга доир
гадқиқотлар олиб боради. Самарқанд шахри атрофида-
ги Обираҳмат сойи ёқасида расадхона курдиради. Унга
дастлаб Ғиёсиддин Жамшид, кейин Қозизода Румий,
Али Кушчилар мудирлик қилишган. Расадхона атро-
фида муҳташам бинолар, гўзал боғу-роғлар барпо этти-
ради. Ўч қаватдан иборат бўлган бу расадхонанинг ба-
ландлиги 50 метр бўлган. Унда Ғиёсиддин Жамшид
устурлоб ёрдамида осмоний жисмларни кузатган, 1018
га юлдузнинг мувозанати аникданган. Расадхонада олиб
борилган кузатишлари натижасида Улугбек 1437 йили
«Зижи Кўрагоний» рисоласини ёзиб тугатади.

Асар назарий қисм ҳамда расадхонадаги тадқиқот-
лар якуни — Улугбек тақвимидан иборат.

Профессор Ҳ. Ҳасановнинг уқтиришича Обираҳмат
расадхонасида 70 та олим ишлаган. Улар Берунийнинг
«Қонуни Маъсүдий» асаридан ҳам фойдаланганлар.

Улугбек илмий кузатишлар олиб бориши ва мадрасада фалакиёт илмидан ваъз айтиш билан бирга маданий ишларга ҳам жиддий эътибор берди, қўплаб мадраса, хонақоҳ, масҷит, карвонсаройлар курдирди. Олдинрок қурила бошлаган Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ансамбилини ниҳоясига етказди. Отаси Шоҳруҳ Ҳиротда диний билим донишмандлари қуршовида шариат ва динни мустаҳкамлаш учун кураша ётган бир вактда Улугбек маърифатни, илмни ривожлантириш учун интилди, адабиёт, илм-фан аҳлларини эъзозлади. Буюк олим Улугбек руҳонийлар фатвоси ва ўғли Абдулатифнинг бевосита розилиги билан 1449 йили ёлланган қотил Аббос томонидан ўлдиридди.

Улуг кишилар, даҳолар жисман ўлсалар-да, лекин уларнинг номи ўз асарларида мангу қолади. Улар ёқ-қан маърифат чироғи, илм зиёси ҳалқ йўлини ёритиб боради, авлоддан авлодга ўтиб, тараққийпарвар инсониятга хизмат қиласеради. Шунинг учун ҳам кўпгина ўтмишмутафаккирлари Улугбекни адолатли султон, донишманд мураббий, аниқ фанлар устози сифатида тилга оладилар, мадҳ этадилар, ҳалқ эса ўзининг ардоқли фарзанди ҳакида хикоятлар, ривоятлар тўқиган. Машхур туркийгўй шоир Саккокий Улугбекка бағишлаб қасидалар ёзди. Бу шеърлар лаганбардорлик мадҳияси бўлмай адолатпеша олимга берилган ҳаққоний таърифдир. Улуг бобомиз Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида «Улугбек мадҳияси» деган маҳсус боб мавжуд, унда шоир Улугбекни заминда осмон яратган олим деб таърифлайди:

Расадким боғламиш зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».
Қиёматга деганча аҳли айём,
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком.

Ўша замон тарихчиларининг ҳамда ёзувчиларнинг асарларида ҳам ана шундай таърифлар қўп. Чунончи, «Бобурнома»да, Сайфиддин Али Сафийнинг «Турли тоифалар ҳақидаги латифалар», Восифийнинг «Бадоеъ ул-вакоэъ» («Ажойиб воқеалар») сингари китобларида биз Улугбек ҳақидаги қўплаб ҳаётий ҳикоялар ва ривоятларни учратамиз. Чунончи, Бобур: «Яна бир олий иморати пуштаи Кўҳақ доманасида расаддурким, зиж

бнтиамкнинг олотидур. Уч ошёнлиқцир. Улугбек Мирк) бу расад била «Зижи Кўрагоний»ни битибдурким, оламда ҳоло (ҳозир) бу зиж мустаъмалдур. Узга зиж била кам амал қилурлар» деб ёзиб қолдирган.

Улугбек ижодини ўрганишда машҳур олимлар л. Кори Ниёзий, Б. Аҳмедов, А. Ашраповларнинг хизматлари катта.

УЛУҒБЕК ВА САЙЁҲ («БАДОЕЪ-УЛ ВАҚОЕЪ»ДАН)

Кунлардан бир кун бир киши Улугбек Мирзо хузурига келиб, таъзим-тавозеъдан сўнг шундай арз қилибди:

— Эй шоҳим! Менинг бошимга бир мушкул иш тушди. Уни ҳал қилиш менингтинга эмас, барча донишманларнинг қўлидан ҳам келмаяпти. Мен Хуросон карвонига ҳамроҳбўлиб, Ироқдан Самарқандга келмоқда эдим. Карвон Жайхун лабига етгач, мен бир чеккага бориб либосларимни ечдим. Менда бир парча лаъл бўлиб уни чарм халтачага тикиб, билагимга боғлаб олиб юрардим. Ушал лаъл халтачани ҳам билагимдан ечиб, кийимларим устига қўйдим-да, ювиниш учун сувга тушиб кетдим. Сувдан чиқсан халиги лаъл қўйган жойимда йўқ. Ўша атрофда бегона одам кўринмасди. Шунинг учун йўқолган нарсамни ўртокларимдан сўраб-суриштиришга уялдим. Лаъл қандай ғойиб бўлиши мумкин?

— Бу жумбокни ечиш учун бир йил сабр қилишингга тўғри келади. Шу орада ўша лаълинг топилса яхши. Мабодо топилмай қолса, унинг қимматини мен тўлайман, — дебди Улугбек Мирзо.

Халиги киши шукrona бажо келтириб кетибди. Шундан сўнг подшоҳ девонбегини чақириб, ўзига қарашли юрт ахолисининг ўша йили подшоликка қанча тўлов ва солиқ топширганини ном-баном ёзив беришни буорибди. Девонбеги шоҳ фармонини бажарибди.

Улугбек Мирзо рўйхатни бирма-бир кўздан кечириб чиқиб, ўзида сақлабди. Янги йил кириши билан шоҳ девонбегини чақириб, шоҳлик даромади ҳақида ўтган йилгидек ҳисоб-китоб топширишни сўради. Шоҳ солиштириб кўтаркан, Қоракўлдан ўтган йили давлатга эллик танга солиқ тўлаган бир кишининг бу йил подшолик хазинасига 500 танга кирим топширганини кўриб қолибди. Улугбек Мирзо ўша кишини топиб олиб, хилватда ўз хузурига киритишлиарини буорибди.

Подшоҳ фармонаига кўра ҳалиги кишини топиб келтиришибди. Улуғбек Мирзо у билан сұхбатлашиб, сұрабди:

— Сенинг солик тўлашингда икки йил орасида катта фарқ содир бўлибди. Бундан чиқчи сен отангдан қолган ёки бошқа бирон йўл билан катта бойликка эга бўлибсан. Ростини айт, шунча бойликни қаердан топдинг?

— Мен тўқувчиман, Қоракўлда яшайман, — дебди ҳалиги киши. Кунлардан бир кун ўз ишим билан банд бўлиб ўтирсам, бир қарға учиб келиб рўпарамдаги дараҳт шоҳига қўнди. Унинг тумшуғида гўштга ўхшаш бир нарса бор эди. Ўша нарса қарға оғзидан тушиб кетди. Олиб қарасам туморга ўхшатиб тикилган чарм экан. Очсан ичидан офтоби оламдек ярқираб турган лаъл чиқди. Уни худонинг садақаси деб билдим-да Самарқандга элтиб, бир гавҳаршуноснинг ранг-рўйи лаълдек чараклаб кетди ва мендан сўради:

— Буни қаердан топиб келтирдинг?

Мен бу нарсанинг қимматбаҳо тош эканлигини энди тушундим-да, жавоб бердим:

— Қаердан келтирганимни сўраб-суриштириб нима қиласан. Йстасанг, нархини келишиб ол. Бўлмасам молимни қайтариб бер.

— Неча пулга сотмоқчисан? — сўради у.

— Икки минг олтин тангага сотаман, — дедим мен.

Узоқ талашиб-тортишиб 1500 тангага сотдим. Пулинни олиб тўғри бозорга бордим: бир қул, бир канизак ва бошқа қимматбаҳо нарсалар сотиб олдим, бир отни эгар-жабдуғи билан олиб тўғри Қоракўлга бордим. Ўзтирикчилигимни, уй-рўзгор анжомларимни бадавлатларнига ўхшатиб яхшилаб олдим. Камбағалликдан кутулиб, мол-дунёли бўлганимни кўрган кўшнилар мендан сўрашди:

— Бунча мол-дунёни қаердан топдинг?

— Самарқанд шаҳрида бир бадавлат қариндошим бўларди. Иттифоқ у вафот этиб, давлати менга мерос қолди, — жавоб бердим мен.

Мирзо Улуғбекнинг буйруғи билан ўша гавҳаршуносни келтирибдилар. У гавҳарни сотиб олганига иқкор бўлибди ва яшириб қўйган жойидан келтириб кўрсатибди. Подшо уни олиб эгасига берибди. Гавҳаршуносни эса инсофисизлик қилиб ўша лаълнинг баҳосини паст ургани учун жазолабди.

ЁЛГОНЧИННИГ ИЗЗА БҮЛИШИ

Кунлардан бир куни бир киши Улуғбек Мирзо хурига келиб арз қилибди:

— Эй подшохи олам! Мен Самарқанддан Бухорога сафарга чикқанимда ҳамён-халтамда минг танга пулим бор эди. Шаҳардан чиқиб икки фарсах (16 километр) йўл юргач, бир дараҳт соясига-сув бўйига дам олгани утирдим. Мен энди овқатланаётган эдим, шаҳарга кегаётган бир дўстим пайдо бўлиб қолди. Уни дастурхон-1а таклиф этдим. Бирга овқатландик, Ҳамённи ўзим Оилас элтишни лозим кўрмадим-да, уни ҳалиги дўсгимга бериб, шаҳарга боргач, уйга элтиб беришни илгимос қилдим. Сафардан қайтиб келгач, билсан ўша дўстим ҳамённи уйимга элтиб бермабди. Унинг олдига Сюриб омонатимни сўрадим.

— Жинни бўлдингми?! Мен сени ҳам, хеч қанақа дараҳт-праҳтни ҳам кўрган эмасман, жавоб берди у.

Улуғбек Мирзо ўша одамни чақириб келтирибди ва икки дўст шоҳ ҳузурида рўбарў бўлишибди. Ўша одам «мен у дараҳтни ҳам, бу одамни ҳам кўрмаганман» деб сўзида катъий туриб олибди.

Улуғбек Мирзо даъвогарга «ўша дараҳтдан уч-тўрт барг келтиргин, мен унинг воситасида ҳақиқатни аник-лайман», дебди. Даъвогар йўлга тушиши билан шоҳ унинг шеригига бир ҳикоятни айта бошлабди. Воқеанинг энг қизиқ жойига борганда шоҳ:

— Даъвогар ўша дараҳтнинг олдига етиб бордими-кан? — деб савол ташлабди.

Ҳикоятни завқ билан тинглаётиб, фафлатда қолган \алиги киши бехосдан:

— У дараҳт шаҳардан анча узокда, ҳали етиб бормаган бўлиши керак, — дебди.

Улуғбек Мирзо кулиб юборибди-да ва:

— Ахир сен «мен бу одамни ҳам, дараҳтни ҳам кўрмаганман», — демабидинг, қандай қилиб дўстингнинг у ерга етиб бормаганини биддинг! Яхшиси ёлғон гапирмай, омонатини эгасига топшир, — дебди.

У киши айбига икror бўлиби ва омонатни эгасига қайтариб берибди.

КАМБАҒАЛ ВА ҚОЗИ

Кунлардан бир кун бир киши Улуғбек Мирзо хузурига арзга келиб дебди:

— Мен Рум сафарига тайёргарлик кўраётганимда беш минг тилла ортиқча маблагим бор эди. Мен ана шу пулларни бирон-бир диёнатли кишига топшириб, сафардан қайтгач, олмоқчи бўлдим. Қанча ўйласам ҳам замона қозисидан кўра диёнатли кишини топа олмадим ва ўша олтинларимни бир офтобага солиб қозига омонат топширдим. Сафардан қайтгач, ўша омонатимни қозидан талаб қилувдим, у:

— Жинни бўлиб қолибсан шекилли, нега менга тухмат қиласан? Мен сени кўрмаганман ва танимайман ҳам. Бундан кейин менинг олдимга келиб, бунақа но маъқул гапларни гапирсанг, тухмат қилсанг, одамларимга буюраман, уриб тишларингни синдиришади, тилингни суғуриб олишади, — деб дўқ урди. Нима қилишимни билмайман, шохим. Сиз менга йўл кўрсатинг, ёрдам беринг, — дебди шикоятчи.

— Мен эртага қозининг уйига бораман. Мен у ердан чиқиб, отга миниб кетмоқчи бўлаётганимда етиб келиб, шу арзингни айт, — дебди Улуғбек.

У киши кетибди. Улуғбек қозини чақиририб дебди:

— Менинг бойлигим ва жавоҳирларим шу даражада кўпайиб кетдики, хазинага сифмай қолди. Мен ана шу мол-дунёни ҳеч ким билмайдиган бирон жойга яшироқчиман. Токим вафотимдан сўнг фарзандларим олиб харж этсинлар. Хазинада турса, мен ўлганимдан сўнг талон-тарож бўлиб кетади. Лекин мен бу масалада ҳеч кимга ишонмайман. Кимгаки ишонсам, у ўлимимдан сўнг албатта тонади. Шунинг учун бу шаҳарда сиздан кўра ҳалол, ростгўй одам йўқ деб билдим. Зероки, сиз пайғамбарнинг ноибисиз, омонатга диёнат билан қарашда ҳеч ким сизга teng кела омайди. Ўша молларни сизнинг уйингизга қўйишга қарор қилдим, токим ўлимимдан сўнг авлодларим кунига ярасин. Бу сирни сиз билингу мен билайнин. Бошқа ҳеч ким хабар топмасин.

Бу гапларни эшитган қози хурсандлигидан ёрилиб ўрай дебди, зўрга ўзини тутиб олибди. Ва бармоқлари ни қўзларига босиб, шох илтимосини қабул этибди.

Шундан сўнг Улуғбек унга дебди:

— Мен эртага сизнинг уйингизга бораман. Икковлашиб хазинани қўйиш учун жой белгилаймиз. Шундан сўнг молларни яширинча ташиб ўша ерга беркитамиз.

Эртаси куни Улуғбек қозининг уйига борибди. Қози ҳовлисининг тўрт томонини дикқат билан кўздан

кесирибди. Ва ниҳоят, хазина учун бир жойни тайиншебди.

Улугбек қозининг уйидан чиқиб, отига минган чо-
I пда ҳалиги одам келиб ерга тиз чўкиб, арз қила бош-
||лбди:

— Жаҳонпаноҳ! Мен қозининг уиига омонат қол-
лнриб эдим.

Бу сўзларни эшитган ва даъвогарни курган қози
слросимага тушиб қолибди ва «Агар инкор этсам, Улуг-
Г>ск менга шубҳа билан қарайди, мендан ранжиб ўз
члзинасини менинг уйимга қўймаслиги мумкин» деб
уйлаб:

— Сен қанақа одамсан ўзи? Жинни-пинни эмасми-
сли? Бу гапни подшога арз қилиш шартмиди? Сен
качон омонатингни сўрадингу мен бермадим, — дебди.

Шундан сўнг қози хизматкорига қараб:

— Бор, фалон жойдаги боғичли обдастани келтириб, —

Хизматкор ичи тўла обдастани келтирибди. крзи
уни ўша ерда — подшоҳ ҳузурида эгасига топшириб,
ўзининг «тўғрилигию, ҳалоллиги»ни исботлабди.

ИЛМУ УРФОН ПЕШВОСИ

Хужрада юпунгина кийинган бир мўйсафид ва мадраса талабалари либосидаги икки йигитча ўтирибди. Улар кимнидир зориқиб кутишмоқца. Шу пайт хонага кавуш-маҳси кийган, эгнида яхтак-кўйлак, бўз аврастарли чакмон, қўлида тасбех ушлаган 45-50 ешлар чамасидаги уй эгаси кириб келди. Салом-алиқдан сунг тўрдаги кўрпачага ўтириди-да:

— Хўш тақсир, Сизни қандай юмуш бизнинг ҳузуримизга етаклаб келди, — сўради ҳалиги киши мўйсафиддан.

— Ҳазратим, мен бир бечора косибман, Ҳиротнинг Говкушон маҳалласида истиқомат қилурман. Девон хизматкорларидан бири ўз ҳаммомининг сувини менинг хонам орқасидан ўтказиб қўйган. Девор заҳ тортиб, нураш хавфи бор, хонам қуласа, мен уни қайта кура олмайман. Соҳибмансабга айтсангизу ҳаммом сувини бошқа ёқдан ўтказса, — дебди у ялинган^бир оҳангда.

— Сизларнинг не арзингиз бор?! — Иигитларга му-
рожаат килди уй эгаси.

— Биз Машҳадданмиз. Низомия мадрасасида тах-

сил олурмиз. Бир неча кундирким икковимизнинг маошимиш тугади. Сиздан нажот сўраб келдик, пиrim, — таъзим килди муллабачалардан бири.

Кўлидаги тасбех доналарини бирма-бир санаб ўтирган уй эгаси бир оз хаёл суриб турди-да, сўнг деди:

— Уста Мир Мақсуд, мен шу бугуноқ Амир Низомиддин Алишер Навоийга нома битурман. Ўша соҳиб-мансаб Сизга зарап етказмайди. Сизларга бўлса, — деди у йигитларга мурожаат қилиб, — Улуғ Амир шу бугундан эътиборан вақф мулки (мачитга қарашли ер, мулк ва иморатлардан олинадиган даромад) хисобидан ҳар ойга, албатта маош тайинлайдилар.

Хазратнинг ҳар бир айтган гаплари албатта, амалга ошажагини билган мезбонлар таъзим-тавозелар-ла раҳмат айтиб, ҳужрадан чиқиб кетиши.

Улуғ бобомиз Навоий ҳурмат қилган, бу баобрў, оддий халқ, илм толибларига ғамхўр шахс ким? Бу буюк зот Шарқнинг улкан шоири ва мутафаккири, бевабечораларнинг пушти-паноҳи, илм-адаб ахлининг пешвоси, Навоийнинг дўсти, маслақдоши, устод Абдураҳмон Жомийдир. Бўлажак аллома Абдураҳмон 1414 или Жом шаҳрининг Харжурд маҳалласида маърифат соҳиби Аҳмад ибни Муҳаммад Даشتий оиласида дунёга келади. Ёш Абдураҳмон оиласи Ҳиротга кўчиб кела-ди ва у Низомия мадрасасида таҳсил кўради. Бу ерда у Ҳожаали Самарқандий, Саид Шариф Журжоний, Мавлоно Шаҳобиддин Муҳаммад, Мавлоно Саъдиддин Тафтазоний сингари олим ва мударрислардан илм ўргана-ди. Жомий мадрасага келганда кўп китобларни ўқиб чиққанди. Абдураҳмоннинг иқтидори шу дараражага ета-дики, тез орада айрим устозлари ва мударрислар билан бемалол баҳс юритадиган бўлади. Шунинг учун уни Ҳиротдаги таълим қониқтирумай қолади ва ўқишини да-вом эттириш учун Самарқандга жўнайди. Жомий бу ерда машҳур олим Қозизода Румий тарбиясини олади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қозизода шогирдининг баъзи илмий мунозаралардаги эътиро-ларини мамнуният билан қабул қилган, унинг илмий кучига таҳсиллар ўқиган. Чунончи, атоқли олим Мавлоно Фатхуллои Табризий: «Улугбек мадрасаси битгач, Қозизода унга муаррис этиб тайинланди. Мадрасанинг очилишига бағишлиланган тантанада сўзлаган нутқида йи-ғилганларга қаратса Самарқанд пайдо бўлгандан бери бирон бир йигит илмий кувват ва салоҳиятда Жомий сингари мартабага етиша олмади, деб хитоб қидди»,

лсб ёзиб қолдирган. Хиротга қайтиб келгач, Жомий Марв, Бағдод яна Самарқанд, Эрон ва араб мамлакат-1лри шахарлари бўйлаб сафар қиласди, Маккада бўлади ка 1473 йили қайтиб келиб, умрининг охиригача Хиротда яшаб, 1492 йили вафот этади.

Жомийдан бизга қадар илм-фаннынг турли масалачарига доир рисолалар, кўплаб бадиий асарлар мерос қолган. Тўртта шеърлар девони, етти достонни ўз ичига олган «Ҳафт авранг» («Етти таҳт») асари, «Баҳорис-гон», «Арўз ҳақида рисола», араб тили дарслиги, «Ру-Гюй шарҳи», «Мусика ҳақидаги рисола», «Муншаот», <Қоғия ҳақида рисолалар» шулар жумласидандир. Утмиш тазкираларида Жомийнинг юзга яқин асар ёзганилиги қайд этилади.

Абдураҳмон Жомий бутун умрини илм ўрганиш, ижод қилиш ва ёш илм-адаб аҳлига ғамхўрлик қилишга, шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги можароларни даф этишга, бева-бечоралар, талабалар, етим-есирларга ёрлам беришга сарфлаган мутафаккирдир. Унинг бизга қадар Навоийга ва бошқа давлат арбобларига камбағалларни химоя қилиш, уларга моддий кўмак бериш ҳақида ёзган юзлаб мактублари сақланиб қолган.

Жомий ўз асарларида инсоф ва адолатни куйлади, дехкон ва хунармандларни жамиятнинг моддий неъматларини яратувчилар сифатида улуғлаб, хукмронларни уларни эъзозлашга, фуқарога зулм-ситам қилмасликка чакирди: маърифат ва адолатни жамиятнинг асосий мөҳияти деб тушунди. Бошқа санъаткорлар сингари Жомий ҳам шоҳларни одил ва золимга ажратиб, мамлакатнинг хуррамлигию элининг хушбахтлигини уларнинг фаолиятига боғлади. Жумладан, «Силсилатуз заҳоб» («Олгин занжир») достонида одил шоҳ ҳақида гапириб, куйидаги ҳикояни келтиради: бир кекса дехкон ер ҳайдәётиб бир хум олтин топиб олибди. У хумни кўтариб подшоҳ ҳузурига борибди. Подшоҳ кўпни кўрган, икки юз йил яшаган бир қарияни чақириб, бу хум тарихини сўрабди. У шундай нақл қилибди: ўтган шоҳнинг даврида бир киши бошқа бирордан боф сотиб олибди. Бофдан олтин тўла хум чиқибди. Бофбон эски хўжайнини чақириб олтинларини бермоқчи бўлиб: «Хум савдога қирмаган эди, шунинг учун у сизники, олинг», дебди. «Йўқ тақсир, — дебди бофнинг олдинги эгаси, — бу хум сизники». Икковлари орани очиқ қилиш учун хумни кўтариб шоҳ олдига боришибди. «Бу пуллар энди сизники, — деб хукм чиқирибди одил шоҳ, —

уни ўғлингизни уйлантиришга, қизингизни турмушга беришга сарфланг».

Жомий «Ҳафт авранг» достонлари таркибидаги хикоят ва масалларда, «Соломон ва Ибсол», «Юсуф ва Зулайҳо», «Лайли ва Мажнун», «Искандар хирадномаси» достонларида ҳам зулм-зўрлик, мунофиқлик, риёкорлик, пасткашлиқни коралаб, халқпарварлик, тинчликсеварлик, адолатпарварликни улуғлаган, дўстлик, чин инсоний севгини юксак бадиийликда тараннум этган. «Баҳористон» асарида Жомий ўзидан олдин яшаб ўтган шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб, асарларидан намуналар келтирган, кўплаб ҳикоя ва масалларда илм-маърифатни, инсонийликни, яхши ахлоқни тарғиб этган. Бу ҳикоялар жуда катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга.

Абдураҳмон Жомийнинг шеърият назарияси, мусиқа ва тилшуносликка доир асарлари ўша давр адабиёт-шунослигига муҳим ҳодиса бўлди. Кейинги асрлар Шарқ халқлари адабий-эстетик қарашлари тараққиётiga сезиларли таъсир этди. Унинг «Баҳористон»и ва айрим рисолалари ўтмишда мактаб ҳамда мадрасаларда ўкув кўлланмаси вазифасини бажарган.

Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий умринг охиригача устоз-шогирд бўлган. Навоий ўзининг барча асарларини Жомий маслаҳати билан ёзган, уларнинг биринчи ўкувчиси ҳам Жомий бўлган. Ўз навбатида улкан мутафаккир айрим китобларини Навоий маслаҳати ёки хоҳиши билан яратган. Жумладан, кўл-ёзма дафтарларда тарқоқ юрган шеърларини девон ҳолига келтиришни Жомийга Навоий маслаҳат берган. Баъзи рисолаларни шоир Навоийнинг бевосита истаги билан ёзган. Жомий «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Искандар хирадномаси» достонларида Навоий таърифига алоҳида боблар бағишлиланган. Алишер Навоий Жомий билан дўстлиги хусусида «Хамсатул мутахайирин» («Беш ҳайратланиш») асарини ёзган, унинг «Қирқ ҳадис», «Мұҳаббат шаббодалари» ва бошқа асарларини ўзбек тилига эркин таржима қилган.

Алишер Навоийнинг «Хамса» ёзиш ниятини биринчи бўлиб Жомий қўллаб-куватлаган, унга юксак баҳо берган. Шунинг учун ҳам «Хамса»нинг ҳар бир достони муқаддимасида Навоий бошқа хамсанавислар каторида Жомийга ҳам алоҳида боб ажратиб, уни даҳо шоир, маснавий устаси, меҳрибон устод сифатида таърифлайди.

Жомий билан Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик, умро ҳамкорлик бир умрга ажралмас дўстлик қадим-қадимдан бир сарзаминда яшаб, ҳаёт аччиқ-чучуклари и и бирга тотиб келаётган ўзбек ва тожик халқлари биродарлигининг олий намунасиdir. Жомий асарлари ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзбек тилига қайта-қайта таржима қилиниб, нашр этилиб келинмоқда.

ЖОМИЙ ҲИҚМАТЛАРИДАН

Китобдан яхши дўст йўқ жаҳонда,
Фамхўринг бўлгай у ғамли замонда.
У билан қол танҳо, ҳеч бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради такрор.

Илминг бўлса қочма амалдан,
Илминг қиммати амали билан.

Илм—барча ҳунарнинг тожи—бебаҳо,
Илм—ҳамма қулғунинг қалити—аъло.

Сенга улуғлик лозим бор жойда,
Отанг обрўйи бермайди фойда.

Илм олишга белингни чоғла,
Бошқа ҳар ишдан қўлингни боғла.
Устод, муаллимсиз қолса бир замон,
Нодонликдан қора бўларди жаҳон.

Энг яхши одам шу — кимдан халқига,
Қандайдир наф тегар ҳар куну ҳар дам.

Дўстга агар қўшилса дўст-ёр,
Орзу оғочи бўлур ҳосилдор.
Ҳар ким билан ошнолик истама,
Ҳар ошнодан рўшнолик истама.

УЛКАН МУАРРИХ

Ўтмишда Ҳирот шаҳридан кўплаб тарихчи, зироатшунос, фиқх, тил билимлари донишмандлари, адабиётшуносу мусиқашунослар етишиб чиқди. Машхур адиб, тарихчи Ҳондамир оламга донг таратган ана шундай донишмандлардан биридир.

Ғиёсиддин ибни Ҳумомиддин Ҳусайнний-Ҳондамир 1475 йили Ҳиротда зиёли оиласида дунёга келади. У дастлабки таълимни хусусий муаллимлардан олади, сўнгра Ҳироҳ мадрасаларида таҳсил кўради, Жомий, На-воий, Ҳусайн Бойқаро билан маслакдош бўлади. У замонасидағи кўпгина билимларни эгаллайди, бобоси Мирхонднинг анъаналарини давом эттиради. Ҳусайн Бойқаро саройида китобдор, Ҳирот мадрасаларида мударис бўлиб ишлаган олим 1528 йили Дехлига бориб, аввал Бобур, кейин унинг ўғиллари ҳузурида яшайди. Ҳумоюннинг барча юришларида тарихчи сифатида ҳамроҳ бўлади. Ҳондамир 1535 йили Ҳиндистонда вафот этган. Олимнинг ҳаёти ва ижодий мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари, адабиётшунос ва шарқшунослардан Иззат Султон, Бўрибой Аҳмедов, доцент Наим Норкуловлар томонидан ўрганилган. Доцент Ҳасан Кудратуллаев бўлса ёзувчи асарларидан айрим парчаларни аслида-форсийда оммалаштирган; машхур олим Порсоҳон домла Шамсиев «Макорим ул-ахлоқ»ни ўзбекчалаштирган.

Ҳондамирдан бизга қадар уч жилдан иборат «Ху-лосат ул-ахбор», «Дастур ул-вузаро», «Қонуни Ҳумоюн», «Чор унсур», «Макорим ул-ахлоқ» сингари асарлар етиб келган. Бундан ташқари, у бобоси Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарининг еттинчи жилдининг бир дафтарини ҳамда хотимасини ёзган.

Муҳаммад ибни Ҳовандшоҳ ибни Маҳмуд Мирхонд 1433 йили Балхда туғилган. Унинг отаси Бурхониддин Ҳовандшоҳ асли Бухоро саййидларидан бўлиб, Балхга кўчиб борган. Мирхонд Ҳирот мадрасаларида таълим олган. Темурийлар саройига яқин турган олим На-воийнинг илтимосига кўра 7 жилдан иборат «Равзат ус-сафо» асарини ёзган. Унда энг қадимги даврлардан тортиб XV асрнинг бошларигача ўтган пайгамбарлар, халифалар, амиру подшоҳлар ҳақида маълумотлар берган. Ҳирот илмий ва адабий доирасида катта обрўга эга бўлган Мирхонд 1498 йили вафот этади.

Ҳондамирнийг асарлари, бир томондан, XV аср-

негизги охири, XVI асрнинг биринчи чорагидаги Шарқ мұмлакатлари тарихини, хусусан, Ҳиндистон, Эрон, Хуросон, Мовароуннахр тарихини ўрганишда жуда катта пәннен сабактағы анықтамалар менен айрылады. Олим уларда ўзигача бўлган араб ва (»орс тарихчиларининг китобларидан кенг фойдалана-ИИ, ўз фикрларини айрим ривоят ҳамда ҳаётий ҳикоят-И, р билан тасдиқлашга интилади. Айниқса ушбу рисо-иаларда темурийлар салтанатдорлиги анча батафсил ёри-гилган. Олимнинг «Ҳабиб ус-сияр» асари, хусусан, жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Чунки, муаллиф унда Ҳиндистон, Хуросон ҳамда Мовароуннахр каби ўлкаларнинг табиати ҳакида анча пухта маълумотлар беради. Ҳондамирнинг ҳайвонлару паррандалар гўғрисидаги изчил мулоҳазалари бу жойларнинг ҳайво-нот олами тарихини ўрганишда, зотлари йўқолиб кет-ган баъзи даррандада ва қушларни аниқлашда бебаҳо манба ҳисобланади. Бу далиллар XV—XVI асрларда Ҳи-рот табиий фанларни тадқиқ этиши маркази бўлганли-гини яна бир карра тасдиқлайди.

Бир куни мактovга лойик Амир фикрини чархлаш учун Мавлоно Фасиҳиддин Соҳиб билан шатранж ўйна-моқда эди. Шу пайт тўсатдан Амир Бурхониддин Атоулло кириб келди. Ул ҳазрат иззат ва ҳурмат таомиллари-ни бажо келтириб, илтифот ва кўнгил сўраш йўли билан:

— Қаердан ташриф буюрдилар ва қандай юмушлар бор? — деб сўрадилар.

— Ҳар кун шаҳардан «Ихлосия» мадрасасига қат-нашдан кутулиш учун кўпдан бери унинг атрофидан бир ҳовли сотиб олиш иштиёқида юрардим. Ҳозир эса ўшандай жой топдим ва уч минг динор кепакийга сотиб олмоқчиман. Бироқ бу борада бир амалдор пайдо бўлиб, бу маблағ устига бир оз кўшмоқда. Сотувчи эса ҳовлисини ўшанга сотмоқчи. Үмид шуки, муло-зимларингиз у кишига ҳовлини сотиб олишдан воз ке-чиш ва менга қолдириш ҳакида шафқат юзасидан бир қоғоз ёсалар. Дарё кўнгилли Амир бу сўзларга жавоб бермасдан, ўртадаги шатранж машгулотини тугатишга киришди. Шунинг учун у жаноб ташвишланиб: «Менинг илтимосим олий ҳазрат кўнглига оғир тушди», деб ўйлади. Шатранж ўйини тугади. Эҳсон ва саҳоват соҳиби Амир ул зотга мурожаат этиб:

— Агар факирлардан бири майдони кенг, иморати

кўп, ҳавоси ёқимли ва суви ширин, мадрасага яқин ҳовлини сизга инъом этса, сизга муносаброқ бўладими ёки ўша ўзингиз айтган ҳовлини қўлга киритиш учун харакат қилинсинми? — дедилар.

Улуғ насаблик ул жаноб бу сўзни эшишиб, шодлик ва хурсандлик билан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Ушбу ҳикоят Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асарининг тўққизинчи мақсади (боби)дан келтирилди. Унда зикр қилинган талаба «Бадоеъ ус-саноеъ» («Бадий санъатлар») асарининг муаллифи, машҳур шоир, адабиётшунос, мударрис Атоулло Маҳмуди Ҳусайннийдир. Кейинчалик олим ўз асарида Навоийдан кўрган муруввати учун миннатдорлик билдириб, улуғ Амир ҳакида илик сўзлар ёзиб қолдирган.

Ҳа, Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асари, унинг ўз таъбири билан айтганда, «болалиги ва йигитлик палласида кўп марҳаматлар кўргани» ^азрат Навоийга бағишиланган энг баржаста асардир. Ўн мақсаддан иборат бу асарни Хондамир тутатиб, ҳали хушнавис қилиб улгурмасдан Алишер Навоий оламдан ўтади. Олим кўзизда нам, дилда ғам билан китоб охирида шоир вафоти тафсилотларини ҳам битади.

Мазкур асар Навоийнинг ҳаёти, фаолияти, ижодий мероси хусусида энг мукаммал маълумот берадиган мўътабар манбалардандир. Зероки, рисолада Хондамир Навоийнинг таржимаи ҳоли, у яратган боғу роғлар, қаздирган ҳовуз, ариқлар, давлат арбоби сифатида олиб борган ишлари, ўз маблағи ва подшолик ҳисобидан курдирган равоқ, табобатхона, хонақоқ, мадрасаю бошқа жамоат бинолари, ёш адиллар, олиму фузалоларга ғамхўрлик, ҳамтeng ва устозлари билан муносабати ва бошқалар хусусида хийла батафсил фикр юритган, асарларининг рўйхатини келтирган.

Хулоса қилиб айтганда, Хондамир XV асрнинг охири ва XVI асрнинг биринчи ярми давридаги Ҳурросон фанининг энг ёрқин юлдузлари сифатида абадий порплаб, ўз ворисларига маърифат нурини сочаверади.

ДАХОЛАР ДАЗРАСИДА



111,1! НПНПшиши,
25.1 и ; ' Ш»п!;,;§]] 1!ЮЬ Н
• ИЧ' .НИЧП^МНРИИ!,.'!!!
н;ш ШЖНШНЗШШШН;
1111 1 ШШШШПЦШШШ!
* ; Г* ---; 1;,-п!!>'::.

ҲАМИША БЕДОР ҚАЛБ

Маънавиятимиз тарихида шундай сиймолар борки, улар фаолиятини маълум бир соҳа билангина боғлаб ўрганиш мушкул. Чунки, бундай зоти киромийлар ўз мартабалари, вазифаю мавқелари тақозоси ўлароқ ўзлари яшаган ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига дахлдордирлар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ана шу зумрага кирадиган буюк шахслардан ҳисобланади.

Бўлажак Султон, илм-фан, адабиёту санъат ҳомийси, кўп ахли фазлнинг тарбиятгари Ҳусайн Бойқаро 1438 йили Ҳиротда зодагон оилада дунёга келади. Захиридин Муҳаммад Бобур уни «Каримут-тарафайн», яъни ҳар икки томондан ҳам насаби Амир Темурга боғланади, деган. Унинг отаси Ғиёсиддин Мансур Мирзо ҳам, онаси Феруза бегим ҳам бевосита Соҳибқирон авлодидан. Етти ёшида отадан етим қолган Ҳусайн Мирзо ўн тўрт ёшигача илм ўрганиш билан машғул бўлди. 1452 йили Абулқосим Бобур Мирзо саройига ишга кирган Ҳусайн Мирзо ижтимоий-сиёсий ишларга шўнғиб кетди. Бир оз вақт Самарқандда бўлган Ҳусайн Мирзо яна Ҳиротга қайтиб, Абулқосим Бобур саройида хизматни давом эттиради. Ҳурросон ҳокими 1457 йили вафот этади. Ҳусайн Марв, Жом ва Моҳан вилоятлари ҳокими Санжар Мирзо хузурига боради ва унинг қизи Бека Султон бегимга уйланади. 1469 йилнинг март ойигача турли вилоятларда жангу жадаллар билан юрган Ҳусайн Бойқаро Абусайид Мирзо вафотидан сўнг Ҳиротни эгаллайди, натижада унинг номига хутба ўқилади. Апрел ойида Навоий Самарқанддан келиб, дўстини бу зафар билан муборакбод этиб, «Ҳилолия» қасидасини ёзди. Ёдгор Муҳаммад, Султон Аҳмад Муштоқ ҳамда Улугбек Кобулийлар исёнлари, ўғиллари билан бўлган можароларни хисобга олмагандা Ҳусайн Бойқаро яқин 38 йил давомида мамлакатни қаттиқўллик, тадбиркорлик билан бошқаради. Жасоратли ва тадбиркор хукмрон, маънавият ва маърифат пушту паноҳи, зукко донишманд, нуктафаҳму нозикбин шоир Ҳусайн Бойқаро 1506 йили юрак хасталигидан вафот этган. Унинг 13 қизи, 14 ўғли бўлган. Шаҳаншоҳнинг жасади Хи-

нпшл узи курдирған мадраса ичидаги макбарага дағн
эдишан. Ҳозир мақбара вайрон бўлган, қабр ва унинг
упша ўрнатилган «Санги ҳафт қалам» сақланиб қол-
1им Уйинг замонида Хурросон мулкида нисбатан тинч-
||ик адолат ўрнатилади, иқтисодий ҳаёт, савдо-сотиқ
ииножланади, юзлаб карвонсаройлар, работ, куприк,
мпктаб мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхо-
...., стимхоналар, сув ҳавзалари курилади, каналлар
қнишлади, боғлар барпо этилади: султон, шахзодалар,
нмирлар, ҳатто, малика-бегимлар ўз номларидан мас-
АИД, мадраса куришга киришиб кетишади. Ҳирот чи-
нлкам маданий қурилиш майдонига айланади. Айрим
опноларнинг қурилиши узок давом этган. Жумладан,
ш гила пайтида шикастланган Ҳирот Жомъеси таъми-
рнга 6-7 ой вакт кетган; 403 гумбаз, 133 равоқ ва 44
ла устунга эга бўлган бу бино бевосита Алишер На-
иоий назорати остида қайта тикланган. Сарчашмалар-
на Ҳусайн Бойқаро ва Навоийлар сайъ-ҳаракати билан
қад ростлаган иншоотларнинг ўзи юзга яқин эканлиги
қайд этилган.

Ҳусайн Бойқаро хукмронлиги даврида турли юрт-
иардан Ҳиротга юзлаб олимлар, санъаткорлар оқиб ке-
нишади. Зероки бу ерда маънавиятга ҳомийлик қили-
иар, Жомий, Навоий сингари устодлар яшашарди. На-
1'ижада табобат, тарих, тил, адабиёт, ҳандаса, тасвирии
санъат, китобат санъати, кофоз ишлаб чиқариш, муси-
қа, томоша санъати, масҳарабозлигу кўзбойлағич, кў-
1 ирчокбозлигу муқаллидлик, хуллас, илм-фан, маъна-
ниятнинг барча жабҳалари гуллаб-яшнади. Кўплаб еш
ижодкорлар балоғатга етиб, бебаҳо дурданалар яратиши-
ди. Султон Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот маданий
|аётининг гуркираб яшнаши ҳақида Бобур «Султон Ҳу-
сайн Мирзонинг замони ажаб замона эди. Ахли фазл
ва беназир элдин Хурросон, батахсис, Ҳирий шаҳри мам-
1у эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллиги бор
эрди, химмати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолга
тегургай» — деб ёзади «Бобурнома»да. Камолиддин
Беҳзод, Маҳмуд Музаххиб, Султон Али Машҳадий, Би-
ноий, Васифий, Кошифий, Ҳилолий сингари унлаб
алломалар ана шу мухитда камолга етганлар. Султон
Ҳусайн Бойқаронинг бу соҳадаги жонбозлигини Абду-
раҳмон Жомий билан Алишер Навоий каби даҳолар
қўллаб-куvvатлаб турдилар. Ҳусусан, Алишер Навоии
унинг фаолиятини йўналтиришда ҳамиша саркорлик,
ҳамроздлик вазифасини ўтади.

Хусайн Бойқародан бизга қадар шеърлар девони ва бир рисола мерос қолган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек тилини давлат тили, ўқиш-ўқитиш, бадиий ижод тили даражасига кўтарган Хусайн Бойқаро — Хусайний она тилида гўзал ғазаллар битган. Унинг ижодини ўрганишда Олим Шарафитдинов, Ҳоди Зарифов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суюма Ғаниева ҳамда Турғун Файзиев каби олимлар жиддий меҳнат қилишган.

Хусайнийнинг яқин дўсти, бутун сиёсий ва маданий фаолиятида энг яқин кўмақдоши Навоий «Мажолис-ун нафоис»нинг саккизинчи мажлисини шоир ижодига бағишилаган. «Ул ҳазратнинг хўб ашъори ва марғуб абёти бағоят кўпдур ва девон ҳам мураттаб бўлубтур» деган Навоий шоир ғазалларининг биринчи байтлари ни келтиради. Айни пайтда муаллиф ҳар бир матлаънинг мазмун, ғоявий йўналиш ҳамда бадиийлиги жиҳатидан тўлик баёни ва таҳлилини ҳам беради. Хусайний девонидаги ғазаллар фақат ишқ мавзусида бўлиб, унда лирик қаҳрамон кечинмаларининг бошқа санъаткорлар илғай билмаган қирралари юксак санъаткорлик билан тасвирланади, гаройиб лавҳалар китобхон кўз ўнгидаги жилваланади, камёб бадиий сўз воситалари қўлланилади: агар масиҳо нафаси бир неча ўликка жон баҳш эта олса, маъшуқанинг лаъли лаби, ширин гуфтори «юз минг ўликни» тирилтиради:

Гар масиҳо умрида тиргузди бир неча ўлук,
Дилбарим юз минг ўлукни тиргузур гифтор аро.

Куйидаги байтларда эса ошиқ қалби туғёнининг ўзгача оҳанглари айрича бадиийликда, Хусайнийга хос нозикликда ифодаланган:

Кўнглаки гулгунмидир ё гул юзининг аксиdir,
Ё қуёшнинг тобидин гардун уза қўймиш сахоб.

Томса бағрим қони ўқидин, чиқар кўнглимдин ох,
Дуд ўлур чун қонини ўт узра томизса кабоб.

Фалак узра бўлган қизил алвон ёримнинг кўйлагими ёки гул юзининг аксими? Ё қуеш нурими? Ёр ўқи теккан ошиқ бағридан оққан қон таъсирида тортган тутуни, ўт узра кабоб қони томгандаги кўтарилган тутунга ўхшайди. Мижгон ўқидан жароҳатланган ошиқ

холати оташ устида жизганоқ бўлаётган кабобни эслатади.

Бошқа бир ғазалда ёр дудоги олдида Исо нафаси кесилиб, обиҳаёт шарманда бўлди, лаълингдин хижолат тортиб лола қизарди, навот суюлиб кетди, деса тубандаги мисраларда янги манзарани кузатамиз: ошиқ учун ёр кўйи юз фирмавс гулзорича бор; унинг жаври ханжари ўтлуғ қўнгулга осойиш бахш этади. Хуллас, маъшуқанинг нозу карашмаси ҳам, жабру жафосию ҳижрон азоблари ҳам ошиққа таскин беради:

Эмдиким бўлдум гирифтординг, туман минг ноз ила,
Бевафолик расму оинини қилдинг ошкор.
Айласам лаъли равонбахшингта жоним фидо,
Ханжари мужгон била жонимни айларсан фигор.
Гунчадек қўнглум бошингта уйрулурни истаса,
Анда, эй гул, ғамза нешиндек колурсан хор-хор.

Ғазал мактаъида фикр келажакка умид руҳи билан тугайди ё тангри ёр қўнглига раҳм берсин ёки лирик қаҳрамонга бардош ато этсин. Чунки, у маъшуқасисиз ҳайти тасаввур этолмайди, шунинг учун доим унга интиқ. Бадий тасвирида шоир ҳам фикрнинг тадрижий такомилига жиддий эътибор беради, ҳам қўлланилаётган тасвирий воситалар таносибини назарда тутади:

Сарв узра гул қўрмаган бўлсанг, қаду юзини кўр,
Жони ширин истасанг, лаъли шакарборига бок,
Эйки жаннат равзаси ичра тиласен сарву гул,
Гулшани қўйига кир, қад бирла рухсорига бок.

Шоирнинг «Хижил», «Йўқ», «Ниҳон» радифли ўнлаб ғазаллари ҳам мумтоз шеъриятимиздаги якпора ғазалларнинг энг яхши намунаси ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакким, «Оқибат бўлгай васли дилҳоҳинг сенинг» деган Ҳусайнин ёрнинг жабру-жафоси, бевоғолигидан шикоят замирига даврондан етган азият, ташвишлардан дилгирлигини сингдириб юборади. Бундай ҳолатларда Соқийга мурожаат этиб, «Дамо-дам соғар» узатиб «дардини» дафъ этишни илтижо қиласди. «Ҳар неча тухми вафо эксам, жафо берди самар», холик мени жавр тортишга яратгандек «қўнглима бир неча андухи даврон», «Жонимға даврон жаври ҳам» деган шоир бир ғазалида қуйидаги ларни таъкидлайди:

Кечакундуз жонима, ваҳқим бололар юз кўюб,
Шом то субҳ уйку йўқдин кўнглима юз минг ситам.
Эй Ҳусайнин, мотамим шарҳини дедимки ёзай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушди, ҳам куйди қалам.

Юз балоларга гирифтор бўлган лирик қаҳрамон дарди, изтироби шу даражада оташборким, унинг шарҳини ёзмоқчи бўлса, қофозу қалам ёниб кетади. Бундай дардчил байтларни ўнлаб ғазалларда учратиш мумкин.

Навоийдан тортиб барча тазкиранавислар Ҳусайнининг «Қилни қирқ ёрадиган» шеършунос эканлигини таъкидлаганлар. Бир адабий баҳсада Ҳусрав Дехлавий байтини ҳаммадан кўра Ҳусайнин мантиқан тўғри таҳлил этиб, барчанинг эътирофига муяссар бўлгани ҳам буни тасъдиқлайди. Шоир асарларида мутлақо янги юзлаб бадиий тасвирий воситалар, радиifu қоғиялар, ўзбекона сўзлар шундан далолат беради. Ер лабидаги қора холни «бол устига кўнмиш чибин»га, маъшуқанинг қомату рухсорини «сарв узра унган гул»га қиёслаш, хатти меҳрни «хатти мусҳаф»га тенглаштириш ўша давр ғазалиётида фақат Ҳусайнин қаламига хос ҳодисадир. Шоир бошқа замондошлиаридан фарқли ўлароқ араб ва форсийча сўз ҳамда тасвирий унсурларни жуда кам кўллайди. Ишлатганда ҳам «турктоз», «ҳамсол», «саъди кавкаб», «моҳруҳсор», «ғайр аз» каби ўша вақт ўзбек шоирларида учрамайдиган сўзларнигина ишлатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ҳусайнин асарлари XV аср ўзбек ғазалиётининг муайян зарварақаларини ташкил қиласди. Шоир ижодини ўрганиш ва чоп эттиришда олимларимиз маълум ютуқларни қўлга киритган бўлсалар-да аммо унинг санъаткорлик маҳоратини маҳсус тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг галдаги вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

ЮҚСАҚ АХЛОҚ ТАРҒИБОТЧИСИ

Кошифий Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг назари тушган, Ҳусайн Бойқаро билан шахсан ошно бўлиб, фарзандларига дарс айтган улкан санъаткордир. У тахминан 1440—1450 йиллар орасида Сабзавор вилоятининг Байҳақ ноҳиясида дунёга келган. Бўлғуси адабининг болалик ва дастлабки таҳсил йиллари ўз ва-

гаида ўтган, ўзининг илмсеварлиги, зукко нотиклиги (н.лан эл ҳурматини қозонган). Сўнгра у Нишопур ва Машҳад шаҳарлариға бориб, замонасидағи барча бичимларни қунт билан ўрганади. 1470 йили Хиротга ке-!иб, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг суъбатларида иштирок этади, воиз, олим, мударрис сифатида шуҳрат қозонади, илмий, ижодий ва таълимгарбия ишлари билан машғул бўлади. 1505 йили шу срда вафот этади.

Асл касби нотиклик бўлган Кошифий умр бўйи табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида илмий асарлар ёчди, бадиий ижод билан шуғулланди. Ундан бизга қадар, математика, тарих, астрономия, ахлоқ, фалсафа адабиёт, нужум, тарбия, наср ва назм назарияси, иншо қоидалариға доир 37 та асар мерос бўлиб қолган. Улар орасида «Искандар ойнаси», «Ахлоқи Муҳсиний», машъур хинд масали «Калила ва Димна»нинг мутлақоқайта ишланган янги форсий нусхаси — «Анвори Суҳайлий», илми нужумга доир «Сабъай Кошифий» (етти рисоладан иборат), мактуб ёзиш ва иншо битишга доир «Махзан ус-иншо», ҳисоб илмига доир «Рисола дар илми аъдод», ганчкорлик кимёсига доир «Мафотех ул-кунуз фи кимё», мурувват ҳамда жавонмардликка доир «Футуватномаи сultonий», «Саҳифаи Шоҳий», «Равзатус шуҳадо» («Шаҳидлар боғи»), «Рисолаи Хотамия» каби асарлари Шарқу Farb илм-адаб аҳли орасида хийла машҳурдир. Бу китобларнинг аксарияти ёш авлод тарбиясига, мактаб ва мадраса таълимига мослаб ёзилган илмий-таълимий рисолалардир. Адиб бадиий асарларида «Кошифий — кашф этувчи» таҳаллусини қўлланган. Катта йигинларда, диний маросим, тадбир ва байрамларда нутқ сўзлашга, ваъз айтишга моҳир бўлгани учун Воиз деб ном олган.

Хусайн Воиз Кошифий ўз асарларида инсондўстлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, мардлик ва жасорат, поклик ва саҳоват, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, камтарлик, хайр-мурувват, меҳр-оқибат сингари ғояларни илгари суради, улкан мутафаккир сифатида панд-насиҳат беради. Адибнинг 1500—1501 йиллари ёзилиб, Хусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишлиланган «Ахлоқи Муҳсиний» асари соғ таълим-тарбияга бағишлиланган асардир. Кирқ бобдан иборат бўлган китобда ёзувчи ибодат, ихлос, шукр, ризо, ҳаё, шафқат, адаб, химмат, сабот, адл, авф, яхшилик ва марҳамат, таъзим-тавозу, аҳдга вафо, омонат



ва диёнат, файрат, шижаат, сиёсат, ҳақ ва хуқуққа риоя қилиш каби кўплаб инсон камолоти учун муҳим бўлган сифатларни таърифлайди. Ҳар бир бобда ана шундай фойдали муаммолар хусусида ўзининг назарий фикрларини баён этар экан, уларнинг афсонавий, тарихий ва ҳаётий ҳикоятлар билан исботлаб б^оради, қиссадан ҳисса шаклида насиҳатомуз байтлар билан якунлайди. Бу асар ўтмишда инглиз, немис, ўзбек, турк тилларига таржима қилинган.[^]

Кошифийнинг асарлари Ўрта Осиё ҳалқлари фалсафий, илмий-назарий, ахлоқий-таълимий қарашлари тарихида муҳим ўрин тутади. Хусусан, унинг фалсафий қарашлари силсиласида сўғизм таълимотига доир мулоҳазалари муҳим аҳамиятга эгадир. Буюк бобомиз Алишер Навоий Кошифийни адиб, нотик, нозик таъб шоир сифатида алоҳида эъзозлаган. «Машюно Ҳусайн Воиз Кошифий таҳаллус килур, сабзаворликдур. Йигирма йиддурки, шаҳардадур ва Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеа бўлубдур. Оз фан бўлгайким дахли бўлмағай (яъни, у билмаган фан кам — X. X.). Хусусан ваъз, иншо ва нужум анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутаййин ва машҳур ишлари бор».

Кошифий «Анвори Суҳайлий»ни яратар экан, кўҳна ҳинд масалларини қайта ишлайди, ўзидан янги ҳикоя ва мақолалар киритади; ўтмиш ва замондош форсигўй шоирларнинг ҳикматомуз байтларини қиссадан ҳисса тарзида матнга сингдириб юбориб, асарнинг дидактик моҳиятини янада оширишга эришган. Натижада анъанавий сюжетлар янгича моҳият касб этиб, ўзига хос бир масаллар мажмуаси ҳосил бўлган.

Адибнинг фикрича, инсон камолоти заминини илм ҳосил қилиш ва касб ўрганиш, пок диёнатлик, имоннинг бутунлиги ташкил этади. Оллоҳга яқинлашмоқ учун ҳам азият чекмоқ, маърифатли бўлмоқ, ҳалол меҳнат жараённида тоат-ибодат қилмоқ, хунар эгаллаб, ақлзаковат билан камолотга интилмоқ зарур. Олимнинг бир неча рисолаларида Қуръон суралари, оят ҳамда ҳадислар келтирилиб, шарҳланган, тасаввуф ва унинг оқимлари хусусида мушоҳада юритган. Бу эса унинг диншунос аллома эканлигини ҳам кўрсатади.

Ўтмиш мактаб ва мадрасаларида «Ахлоқи Муҳсими» ва «Анвори Суҳайлий»лар дарслик сифатида ўқитилганд. Айрим шарқшуносларнинг аниқлашича, ҳозирги кунларда ҳам Эрон ва Ҳиндистон олий ўкув юртларида бу асарлар ахлоқ ва тарбия кўлланмалари си-

флтнда ўқитилар экан. Машхур маърифатпарвар шоирчлrimiz Сидқий Хондайлиқий ва Абдулла Авлонийлар VI иедагогик рисолаларида Кошифий меросидан файз шпган.

Кошифий ижодини ўрганиш ва тарғиб этишда IV Мусулмонкулов, X. Алиқулов, М. Ахмедов, Э. Вазирои, С. Воҳидов каби олимларнинг хиссаси катта. Адибиинг «Бадоеъ ул-афкор фи саноэъ-ал ашъор» («Бадиий фикрлар ва шеърий санъатлар», Москва, 1977), «Анвори Суҳайлӣ», «Футуватнома». (Душанбе, 1977—1991) сингари асарлари нашр этилган. Афсуски, бу ажойиб лдиб, нозиктаб шеършунос, ахлоқ-одоб назариётчисининг асарлари хозирги ўзбек тилига таржима қилинма-1лн. Лоақал «Ахлоқи Мухсиний»нинг 1858 йилги Оғажий бажарган ўзбекча табдили нашр этилмаган.

ТИЛ ОДОБИ

Сендан тил одоби қандай бўлади, деб сўрасалар, шундай жавоб бер: Яхши фикрни ифодалаш учун оғиз очиш лозим, ёмон гап учун оғизни берк тутгин.

Агар сендан қандай ҳолатларда гапириш маъқул деб сўрасалар, шундай жавоб бер: дилда пинҳон бўлган нарсаларни изҳор қилиш учун, мазлумларга ёрдам қўлинни чўзиш ва марҳумларнинг доду фарёдига этиш учун.

Нималардан тилни тийиш даркор деб сўрасалар шундай дегин:

Биринчи: ёлғон гапиришдан, зеро ёлғончилик душмандир.

Иккинчи: ваъдага хилоф иш қилишдан, чунки оу иккюзламачилик нишонасидир.

Учинчи: ғийбат ва бўхтондан, сабаби — бу фосиклар ишидир.

Тўртинчидан: жанжалдан, хусуматдан, гап ташишдан ва шайтоннинг васвасаси бўлган айбжўйликдан.

Бешинчи: ўзни мақаш ва таърифлашдан тийилиш, чунки булар ўздан кетиш, такаббурликнинг аломатидир.

Олтинчи: хизматкорларни лаънатлашдан узни тииш, чунки бу золимлар феълидир.

Еттинчи: Ёмон дуо ва ҳақоратдан.

Саккизинчи: одамларнинг ранжишига сабаб бўладиган кулгу ва масҳаралашдан.

ЖАВОНМАРДЛИК ОДОБИ

Агар сендан жавонмардлик одоби неча турли бўла-ди деб сўрасалар олти хилдан иборат, деб жавоб бергин.

Жавонмардликнинг зоҳирий белгилари қуидагилардан иборат:

Б и р и н ч и: тилни ғийбат ва бўхтондан, ёмон сухан айтишдан тийиш:

Гар мард эрсанг тилингни сақла,
Ғийбату бўхтону дилозорликдан асра.

И к к и н ч и: қулоқни ёмон сўзни эшишидан асраш. Зероки, ғийбатга қулоқ солмоқ ҳам ғийбатчилик саналади:

Сўнгра ёмон сўздан қулоқни берк тут,
Ёмон гап ақлни хиралаштиради.

У ч и н ч и: кўриш зарур бўлмаган, яъни ботил нарсаларни кўришдан (сўздан) асрамоқ:

Қўзни юмгину қалбни қўлдан берма,
Ёмон нарсага назар солмасанг, бас.

Т ў р т и н ч и : ҳаром нарсани олиш ва халққа озор етказишдан қўлни тиймоқ:

Қулингни зулм-озордан йиф,
Иньом-эҳсонга очиқ тут.

Б е ш и н ч и: гина ва адоват қўзғаладиган, гап терадиган жойга оёқ қўймаслик:

Борилмас ерга оёқ босмагил,
Тўғри йўл юриб, муродга етгил.

О л т и н ч и: нафсни ҳаром таом ейишдан тийиш:

Халқ наздида ифрат асра,
Кўнглинг мардликка яйрат.

ФАНОИЙ ВА ПУРЁРВАЛИ

Ўтмиш мутафаккирлари, хусусан машойихлар ҳақида маноқиб ҳамда тазкиралар яратиш Шарқ илмий адабий ҳаётида ўзига хос бир анъанага эга. Ун бешинчи асргача ана шундай тазкиралардан ўндан зиёди яратилган. Улар орасида Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сайфиддин Али Сафийларнинг асарлари алоҳида кимматга молик. Бу адибларнинг «Тазкират-ул-авлиёлари», бир томондан, ўзларигача яшаб ўтган ирфоний тафаккур донишмандлари ҳаёти, ижодий мероси, ақидалари, улар ҳақидаги нақллар, ҳикматлари, ўзга бандаларига насиб этмаган ногиҳоний руҳий қудратлари ҳақида яхлит маълумот берса, иккинчи томондан, ўша орифлар яшаган давр ижтимоий-фалсафий қарашлари тарихини, турли сўғистик оқим ва таълимотларнинг пайдо бўлиши, ўзига хос жиҳатларини ўрганишда ҳам энг нодир манбалар ҳисобланади.

Шоир ва адабиётшунос Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг «Мажолис-ул-ушшоқ» китоби ҳам ана шу туркумга кирадиган асарлардан ҳисобланади. Фаноийнинг ҳаёти ва ижодий мероси ҳақида маълумот жуда кам. Навоий «Мажолис-ун-нафоис»да Мавлоно Фаноий ҳам Машҳадлигдур. Бу матлаъ анингдурким:

Мани жўлидамў бо ақд аз он бегонаги дорам,
Ки дар ишқи парирёе сари девонаги дорам, —

(сочи тўзиган мен ундан бегонаман, чунки бир пари юзли ишқида девонаман)» деган маълумотни беради. Бошқа тазкираларда шоир ҳақида маълумот учрамайди. У XV асрнинг ва XVI асрнинг биринчи чорагида яшаган санъаткордир.

«Мажолис-ул-ушшоқ» муқаддимасида адаб Навоии билан «дабистонда ҳамсабақ бўлганини», китоби «Ҳусайн Бойқаронинг бевосита таҳти назари остида» яратилганлигини уқтирган.

Бундан ташқари ҳамд ва наътлардан сўнг «Ишқ» тавсифига батафсил тўхтаган шоир фард, рубоий, байт, қитъа, газал, шеър рукнлари остида бир қанча шеърлар келтиради. Муқаддима катта ҳажмдаги маснавий, Жомий, Аттор, Румий каби шоирлардан келтирилган газаллар билан якунланади. Мажлислар таркибидаги муаллиф қаламига мансуб шеърлар ҳам Фаноийнинг хийла иқтидорли шоир эканлигидан далолат беради. Қўлёзма

билин нашрий нусхалардаги шеърларнинг жанр хусусиятларида ҳам, байтлар миқдорида ҳам жиддий тафовут мавжуд. Афтидан, ноширлар «Мажолис-ул-ушшоқ»нинг мукаммалроқ нусхасидан фойдаланганга ўхшайдилар.

Тазкирада «Ҳазрати И мом Жаъфар Содик разияллоҳу анху»дан тортиб, Ҳусайн Бойқарогача 78 бобда аксарият машҳур машойихлар ҳамда илм ва давлат арбоблари ҳақида ғоятда қизиқарли маълумотлар берилади. Мансури Халлож, Жунайд Бағдодий, Боязид Бастомий, Саъдиддин Тафтазоний, мавлоно Муҳаммад Табадгоний, шайх Нажмиддин Розий, Абулҳасан Ҳаррақоний, Шайх Нажмиддин Боҳарзий, Шайх Азиз Насафий, Фаридиддин Аттор, Қосими Анвор, Амир Имодиддин Насимий, Мажудиддин Саноийлар хусусидаги маълумотлар бу зотлар сиймосини янада тўлароқ тасаввур этишга ёрдам беради. Муаллифнинг ўтмиш мутафаккирлари ҳақидаги тафсилот ва маълумотлари иккни жиҳати билан киши дикқатини ўзига жалб этади: биринчидан, адаб у ёки бу мутафаккирнинг ҳаёти, ижтимоий келиб чиқиши, маслаги ҳақида фикр юритар экан, кўпинча туғилган ийли, манзили, болалик ва йигитлик онлари, қайси касб эвазига кун кечириши, фаолияти ҳақида батафсилроқ маълумот беришга интилади. Айни пайтда ўша донишманднинг дунёқараши, устоди-пири, насл-насабини ҳам уқтирадиким, бу унинг руҳий оламини чуқурроқ идрок этишда муҳим омил хисобланади. Масалан, «Илм-адаб ахли орасида Мавлоно Муҳаммад Мағрибий номи билан шуҳрат қозонганд Мавлоно Муҳаммад Ширин шайх Абдураҳмон Исфароиний муридларидандир», «Мавлоно Ҳусайн Хоразмий Кубравий шайх Нажмиддин Кубро саҳобаларидандир». Иккинчидан, ҳар бир шайх сиймосини китобхон назарида тўлароқ намоён этиш мақсадида Фаноий ўша мутафаккир ҳаётида рўй берган фавқулодда руҳий ҳолатлардан, илмий ва жисмоний қудратию қароматларидан энг дикқатга молик лавҳаларни келтириб ўтади. Шайх Зуннун Мисрий, Иброҳим Адҳам, Абулҳасан Ҳаррақонийлар фаолиятлари билан боғлиқ баъзи тафсиллар бунга мисол бўла олади.

Бошқа тазкиранавислардан фарқли ўлароқ Фаноий Шарқ илм-фани, ирфоний аҳкомлар тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт равнақида муҳим ўрин туттган, маънавият ва маърифат ривожининг бошида туриб, унга ҳомийлик қилиб, йўналиш бериб борган

(>укж тарихий шахслар фаолияти баёнига ҳам китобдан муносиб ўрин ажратган. Жумладан, Хайрулхокимин ибн и Сабуктегин, Султон Маъсуд, Абулфаттоҳ Султон Жалолуддин Маликшоҳ, Мухаммад бинни Маликшоҳ, Искандар бинни Маликшоҳ, Алӣ Арслон, Абулфаттоҳ Иброҳим Султон, Ҳусайн Бойқаролар ҳақидаги тафси-КУГ ва маълумотлар ҳам гоятда завқлидир.

Бундан ташқари китобда Шайх Камол Ҳўжандии, Косими Анвор, Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозии, Ҳусрав Дехлавий, Шайх Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳолар ижоди ҳам хийла кенг ва атрофлича баён этилган. Умар Мардии ҳамда Камол Ҳўжандийларнинг форсий ва туркиида баробар ижод қилганликлари маҳсус қайд этилган. Ушбу санъаткорларга бағишлиланган мажлисларни бошқа маълумотлар билан қиёсий ўрганиш шубҳасиз, Шарқ адабиётига доир қарашларимизнинг айрим жиҳатларини тўлдиришга хизмат киласди.

«Мажолис-ул-ушшоқ»нинг энг мароқли мажлисли-ридан бири «Хоразм Хайёми» — Паҳлавон Маҳмуд Пурёрвалийта бағишиланган фаслдир. Зероки, унда муалтиф бир томондан шоирнинг ижтимоий келиб чиқиши ' қасб-кори, илмий иктидори, жаҳонпаҳлавонлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради, тасаввуф тариқида яхши шеър, расо рисолалар битилган яхши руబойлари борлигини, «Ал ҳақойик» китобини езганилигини, Паҳлавон Маҳмуднинг жавонмардлик хислатини баён этаётib, ёзувчи унинг кураги ерга тегмаган баҳодирлигини қўрсатадиган учта ҳикояни батафсил нақл қиласди. Унда шоирнинг танти, жўмард, инсондўст, аини пайтда ватанпарвар инсон эканлиги ўз ифодасини топган Нақл этишларича Пурёрвалийнинг донғи Ҳинд шоҳи Жўна қулогига етиб борибди. Жўна кўп инъом-эҳсонлар ваъда килиб, бир заргар йигитни Хоразмга жўнатибди. Чопар Жўна таклифини келтирган Паҳлавон Маҳмуд куйидагича жавоб берибди:

Заргарбачае гуфт: «Рав Мўлтонро»,
Овард ба ман қоидай Султанро.
Он жоки ману химмати пирони ман аст,
Ба як жав наҳарам Жўнаю Ҳиндустонро.

(Заргар йигит Султон номасини келтириб, «Мўлтонга бор» деди. Ватаним ва устозларим хоки турган жойда Жўнаю Ҳиндистонни бир арпага олмасман).

Мана"шу рубоидан сўнг яна гап Паҳлавон Маҳмуднинг жўмардлиги ҳақида кетади-ю бир нақт келтири-

лади: Иккинчи сафар Дехли султонининг таклифини рад этмай, Ҳиндистонга боради. Шу ўринда муаллиф Паҳлавон Маҳмуднинг султон саройидаги ёш баҳодир билан кураш тушиши ҳақидаги машхур ривоятни келтиради. Ҳикоя охирида қўйидаги байтлар билан бошлиланадиган 22 мисрадан иборат шеър шоир тилидан келтирилади:

Мо санги ният ба тарозу ниҳодаем,
Суду зиёни хешро ба як сў ниҳодаем.
Саргаштагони бодияи меҳнату ғамем,
Дар роҳи висол ҳамин рӯ ниҳодаем.
Бар гардани умеди тани нотавони худ,
Занжирҳо аз он ҳамгесу ниҳодаем.

(Биз тарозуга ният тошини қўйганмиз, фойдаю зиёнимизни бир ёққа қўйганмиз. Биз меҳнату ғам саҳро-сининг саргашталариданмиз, висол йўлида шу қўйга юз бурганмиз. Нотавон танимизнинг умид гардонига ўша тажак сочлардан занжирлар согланмиз).

Шеърда орифнинг маслак йўлида событқадам, фидоийлиги ранг-бараңг ташбеҳларда, гоятда таъсирчан ифодаланган.

Дикқатга сазовор жиҳати шундаки мажлисда гоҳ муаллиф, гоҳ Паҳлавон Маҳмуд тилидан келтирилган байтларнинг барчаси (улардан бирида «Фаной» тахаллуси қўлланилган) поклик, имон-эътиқодли, фидоий мусулмон бўлиш, мардлик, олийжаноблик тарғибиға бағишланган. «Маснавий» рукунида келтирилган мана бу байтлар фикримизни тасдиқлайди.

Чи неки гуфт он марди сухандон,
Бад он сўфию саргардону хайрон.
Ки сўфию имому шайху зоҳид,
Си моҳ рўзадору хилватнишину обид.
Мураққаъ пўшу жамжамдору ҳожи,
Масалагиру масжиджўю ножи.
Хатибу воизу муфтию қози,
Мударрису фатхҳои ҳолу мози.
Ҳама кишту шудгорат басомон,
Вақтаст агар гарди мусулмон.
Мусулмони дораи ину он аст,
Ки он аз илми хоссаи хоси жонаст.

(У сўзамол донишманд, ўша хайрон ва саргардон сўфига кўп яхши айтган: Эй сўфи имому шайху зоҳид: ўттиз кун рўзадору кунжакнишину обид: мураққаъ пў-

шу ҳашамлию ҳожи, масала айтиб, масжид қидириб юрувчи ножи: имому муфтию, воизу қози, мударрису, ўтмиши ҳозирни билгучи, ҳамма экину текининг кўкка совирилгай, сенинг мусулмон бўладиган вактинг етди Муеулмонда ҳамма нарса бордир, зероки у жонга хос оўлган илмдир).

Демак Паҳлавон Маҳмуд ақидасича, мансаб, марта-оа, амал, давлат, мол-дунёга хирс қўйиш, унга ружўъ >тиш исломий аҳкомга зид: у мўъминни ҳақ йўлидан гафлатга тортибгина қолмай, балки имоннинг мустаҳкамлиги-бутлигига ҳам футур етказади: чунки у «жонга тааллуқли илмдир».

Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги мажлис «Сайёр ру-боиинга» айланган форс-тоҷик адабиётининг «Одам отаси» Рудакий қаламига мансуб, инсонпарварликни тар-Иб этувчи

Гар бар сари нафси худ амири-марди,
Вар бар дигаре нукта нагири-марди,
Марди набувад фитодаро пой задан,
Гар дасти фитода бигири-марди.

(Уз нафсингни тия олсанг, бировга қаттиқ гапирманг, мардсан. Ииқилганни тепиб ўтган мард эмас, қоқилганни суюб қўйган марддир) деган машҳур рубоий ва Ҳамадонлик еш йигитнинг Пирёrvалийга шогирд тушиби ҳикояти билан тугайди. Демак, Фаноий Паҳлавон Маҳмудни, бир томондан, атоқли олим, моҳир рубоийнавис шоир сифатида тасвирласа, иккинчи томондан, бутун Шарқда донг таратган баҳодир, инсонпарвар, ватандуст, ҳамиша бева-бечора, йўқсиллар, бекасларнинг пушту паноҳи сифатида таърифлаган. Шоир сиймоси ҳамма замонларда барча табака кишиларига ибрат бўлиб қолаверади.

ШОҲ ВА ИЖОД ТАНОСИБИ

Шўролар ҳокимияти даврида, ҳусусан, коммунистик мағкура зугуми шароитида ўтмишдаги жуда кўп давлат арбобларининг фаолиятлари қасдцан ўрганилмай, эътироф этилмай келинди. Зуллисонайн шоир ҳамда илм-маданият ҳомийси Убайдий ижоди ҳам шундай таҳқирга учраган. Ваҳоланки, Абулғози Убайдуллоҳ Баходирхон бин Маҳмуд султон бин шоҳ Будоғ султон бин Абулхайрхон-Убайдий амирлашкар, хон ва шоир^к бўлган.

Убайдуллоҳон 1486 йили зодагон оиласида дунёга келади, хусусий муаллимларда хат-саводини чиқаргач, мадрасаларда ўқийди, диний ва дунёвий билимларни эгаллади. Ҳасанхўжа Нисорий «Музаккири ахбоб» таз-кирасида Убайдуллоҳоннинг зукколиги, билим олиш йўлидаги заҳматкашлиги хусусида гапириб, «илм йўлида тиришқоқлик намунасини кўрсатганлар, хеч қачон баракатли вақтларини беҳуда ва бекор кетказмаганлар» деб ёзади. (Ҳасанхўжа Нисорий, «Музаккири ахбоб», 1993, И smoil Бекжон таржимаси, 23-бет).

Мадраса хатмидан сўнг «Убайдий» ёки «Қул Убайдий» тахаллуслари билан шеърлар ижод қила бошлаган шоир амакиси Шайбонийхон қўшинида ноиб ва амирлашкарлик қилади. Сарчашмаларнинг гувоҳлик беришича, шайбонийлар сулоласида энг жасоратли ва шиддаткори Убайдуллоҳон бўлган. У уч минг қуролланган чавондозлари билан шоҳ И smoilнинг олтмиш минглик лашкарини тор-мор қилган, унинг шарофати билан Мовароуннаҳр сафавийларнинг хужумидан халос бўлган. Убайдуллоҳон 1533 йил, Абу Сайд бин Кўч-кинчихон вафот этгач, хонлик тахтини эгаллади ва пойтахти Самарқанддан Бухорога қўчиради. Чунки Кўчкинчихон авлодлари Убайдуллоҳоннинг тахтни эгаллашига қаршилик қилади. Убайдуллоҳон қаттиқ-қўллик билан юртни бошқариб, хонлик худудида нисбатан одилона ҳукм суриб, 1540 йили 54 ёшида вафот этади.

Убайдуллоҳон даврида Бухоро хонлиги иқтисодий, маданий жиҳатдан юксалади, илм-фан, адабиёт, маданият ривож топади, шаҳар ободончилигига, масжид, мадрасатар, хонақоҳу йўллар қурилишига жиддий эътибор берилади. Устоди ҳамда раҳнамоси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг муриди Амир Абдулло Яманий номи билан аталган Мири Араб мадрасаси, Мирак Сайд Ғиёс боғи, Кўҳак дарёсига қурилган Мехтар Қосим қўприги Убайдуллоҳон замонида бунёд этилган энг муҳташам обидаларданdir.

Убайдуллоҳон ўз замонасининг дурбин лашкарбониси, тадбиркор хони бўлиш билан бирга, илм-адаб аҳли ҳомийси, ижоднинг кўп соҳаларида қалам сурган зукко донишманд бўлган. У мусиқа, қироат, ҳадису тафсир илмларида устод даражасига етган: бир неча мусиқа асбобларини яхши чала олган, хушхон ҳофиз сифатида давраларни қизитган, Қуръонни тафсир этган, қорилар учун маҳсус қўлланма яратган, ҳадислар-

н и шархлаб рисола битган. «Тарихи Рашидий»да Убайдийнинг бу ва бошқа хислатлари қуйидагича таърифланган: «То Абу Саидхонғача анингдин ёши чўмгрок киши қолмади. Хон тахтга ўлтурди. Адлу эҳсон масими бирла дунёнинг димогини муаттар қилди... Убайдуллоҳон подшоҳ эрдики соҳибдиёнат ва парҳезкор. Ҳамма дин, миллат, мулк, давлат, сипоҳ ва раийялар ишини шарънинг андозаси бирла файсалга берур •>рди... Нихояти сахий, навъ-навъ фазилатлар бирла ораста эрди. Ўз қўли бирла неча Каломулло футуб (кигобат) килиб эрди.

Шеър ва девонлари арабий, форсий ва туркийда айтибдурлар, ҳоло бор. Илми мусикийға кушиш айлар эрди. Алғараз подшоҳ эрдики, жами сифатларда баркамол эрди. Анинг тириклик вактида Бухородаги фузало иа булағолар, ҳалойиқ ва алойиқ Ҳиротдин — Мирзо Ҳусайн замоносидин ёд берур эрди» («Тарихи Рашидий», қўллэзма 10191/11, 224 б-варақ). Шундан сўнг Рашидиддин Мирзо Ҳайдар Убайдий қилқалам хаттот эди, «етти навъ ҳат футур» эди, Куръон ва бошқа қўп китобларни ўз қўли билан кўчирган, «замона котибларининг устоди» эди деб мақгайди ҳамда девонлари орасида арабий ғазаллар девони хийла шуҳрат топганини уқтиради. Ҳасанхўжа Нисорий ҳам шоирнинг араб ти-лидаги ғазалларини таърифлаб, «Ёр жамоли ҳайратга солур, қадди камоли қўзни олур» мазмундаги мисра билан бошланадиган бир шеърини намуна сифатида келтиради. «Тарихи томм» муаллифи Шарофиддин Рокимий (XVII аср) ҳам Убайдуллоҳоннинг маданий қурилишларга катта эътибор бергани, бадиий ижод ахлига ҳомийлик қилгандигини тўлқинланиб ёзиб қолдирган ва Мири Араб мадрасаси курилиши тарихини келтирган.

Убайдийдан катта ҳажмдаги адабий мерос қолганига қарамай, ҳали улар жиддий ўрганилмаган, девонлари тўла тасниф килинмаган. «Ёзувчи» нашриёти 1994 йили Қўл Убайдийнинг «Вафо қилсанг» номли ихчам шеърлар мажмуасини чоп этди. Тўпламни профессор А. Ҳайитметов мухтасар сўз боши билан нашрга тайёрлаган. Олимнинг таъкидлашича Убайдийнинг ҳар уч тилдаги шеърларини жамлаган девони 1533 йили Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган ягона нусхаси Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг захирасида 8931-ракам билан сақланмоқда. Унда ғазал, рубойй, туюқ, қитъа, нома, муаммо, маснавий,

хикмат, «ёр-ёр», таржеъбанд каби лирик тур жанрлари-даги шеърлар жамланган. Демак, Убайдий шеърияти жанр жиҳатидан ҳам, мавзу ҳамда гоявий йўналиши нуктаи назардан ҳам ўзига хос ва ранг-барангдир. Шоир маъшуқанинг шаклу шамойили, рафторию гуфторини, ҳаётбахш лутфу назокатию, нозу карашмасини мутлақо янги ташбеҳлар, сўз ўйинлари, ибора ва ифодалар орқали тасвирашга интилади, фикрни ихчам ва тадрижий такомилда ривожланиб, авж нуктага етишига эришади. «Билдим», «Керак», «Тиларман» радифли ғазаллар ана шундай хусусиятга эга. Шоир учун ёр висолини ўйлаш ғам тунини мунаввар этади, жамолининг шамъи ҳижрон кечасини ёритади, ёрнинг лаъли лаби Хизр суви-Оби ҳаёт ўрнини босади. Куйидаги байтларда ана шундай фикр изчил давом этади:

Фурқат туни айёми висолингни тилармен,
Ҳижрон кечаси шамъи жамолингни тилармен.
Ҳайвон суйини Хизр кўзим қошида кўйса,
Найлай ани, кўзумга зилолингни тилармен.
Гар жону кўнгул қилса талаб холу хатингни,
Мен жоду кузинг бирла ҳилолингни тилармен.

Ғазалнинг мақтаигача лирик қаҳрамоннинг ёрига интилаётгандаги ички туйғулари ана шундай омиёна сўз ва иборалар, бир кўринишда жўн, аммо гоятда жозабали ташбеҳлар орқали ифодаланиб боради. Шоир назарида ҳақиқий ошиқ муҳаббат йўлида куймоғи, фидойӣ, бағри бирён бўлмоғи, сўзлари дардли, кўзлари намнок бўлмоғи зарур. Ишқнинг бундай тасвири факат Убайдийгагина хосдир:

Ишқдин ғунча каби кўнгли тўла қон керак,
Юзи ҳам сорику гулдек яқоси чок керак.
Ишқ жон бермаку бош ўйнамоку куймакдур,
Ошиқ ул ишларида чобуку чолок керак.

Убайдий шеърларида ўзбек тилининг ранг-баранг бадиий имкониятидан саррофона фойдаланган, янги янги сўз ва ибораларни кашф этиб, адабий тил меъёрига дохил этган, анъанавий ибораларнинг янгн қирраларини намойиш этган.

Маълумки форсий тилда «солеки накӯст, аз баҳораш маълум аст» (йилнинг қандай келиши баҳоридан маълумдир) деган ибора бор. Шоир уни «йилеки яхши

К1- |ур, билгирур баҳориндин» деган мисра сифатида оюнгина құллайды. Бундан ташқари у «бу гулистондин шраз ул иккى нарғисдур манга», дидаи гирёнимда су-рлgi күрінсін учун уни күңгил лавхіда накш эттім, ку 1им йўлингга дурлар сочадир, кўнглим фалакдек сар-предон, бошимдаги фатила соч қушлар уя қуриш учун 1шққан хордир, сингари ўнлаб образли лавхалар яратар »кан, қўйидагича манзара чизади:

Шомдек зулфунгни олғил субҳ юздин, — дедим,
Дедиким: «бўлғон эмастур кеча кундуздин йироқ.
Кўзки, билмон неча юмдум васл айёмидаким,
Кўз юмиб очқунча бўлдум ул қаро кўздин йироқ.

Бунга ўхшаш юзлаб қуйма байтлар Убайдий поэтик гили бой ва хилма-хил эканлигини кўрсатади. Мазкур сеҳрангиз ҳодисани алоҳида тадқиқ этиш шоир ижодий бисотини кашф этиш имкониятини беради.

Убайдий ғазалларида тақдирдан нолиш, замондан шикоят оҳанглари ҳам учраб туради. Бундай мулоҳазалар кўпинча маъшуқанинг жафосию ағёрнинг ғала-муслигидан азият чекиши билан коришиб кетади. Бир рубоийсида санъаткор «Ўлмай ситаму ғаму аламдин кутулуб» бўлмас эмиш, деган хуносага келса, «Замонадин» радифли ғазалида ҳеч бир замонда жароҳат ахлига марҳам етмаслигини дард ва ҳасрат билан таъкидлайди:

Бир лаҳза кўнглим ўлмади беғам замонадин,
Тўйди замона мендину мен ҳам замонадин.
Етмай кўнгулга, эй ҳамдамим, етар —
Юз минг ғаму алам анга ҳар дам замонадин.
Жамиятеки бор эди кўнглум диёрида,
Ул доги бўлди бир йўли барҳам замонадин.

Убайдий шеърларининг талайгина қисмини орифона, ахлоқий-таълимий ҳикматлар, панду насиҳат руҳидаги асарлар ташкил қиласи. Шоир назмининг бу хусусиятига диққат қиласи Нисорий қўйидагиларни езган: «Тасаввуда фикрлари мазмуни асосли ва кучли намоён бўлар, баланд маъноларни дилписанд иборатлар билан баён қиласи эди. Ва мана бу рубоийни Ҳазрат Махмудий Мавлоно Косонийга — сирлари муқаддас бўлсин, юборган:

Аҳволи ним, эй дуст, яке бинам,
Ҳар чиз, ки бинам, ҳама бо у бинам.
Мустағраки «ху» чунон шудам дар ҳама хол,
«Ху» гүяму, «ху» бишнаваму «ху» бинам.

(Ярим аҳволимни, эй дўст, бир-кўраман, нимани кўрсам барчасини у билан бирга кўраман. Барча ҳолатда ҳам «ху»га шунча фарқ бўлибманки, фақат «ху» дейман, «ху»ни эшитаман ва «ху»ни кўраман). Айни пайтда Убайдий бир қанча байтлари, қитъа, рубоий ҳамда туюқларида дўстлик ва садоқатни, поклигу ҳалоллик, ростлигу ростгўйликни тарғиб этади, бадбинлик, жаҳолату риёкорликни қаттиқ танқид қилади, китобхонни некбинлиги адолатпешаликка даъват этади:

Гар уруш тушса ики ҳамдам аро,
Бот анинг тадбирини этмак керак.
Биридин айб ўтса зохир, ул бири,
Узр айтиб, айбини ёпмак керак.

Айрим байтларида шоир ҳаёт тажрибасидан, аждодлар сабогидану ўзгалар рафторидан панд, ибрат олишига чорлайди, надоматга қолмаслик учун «насиҳат ганжидан» баҳраманд бўлишгага ундейди, «Шайтон беадаблигидан шарманда бўлди, одам одоби билан юксалди», дейди:

Ўқ киби туз бўлса ҳар ким, солур ўзин илгари,
Ё киби ким эгри бўлса, ўзин солур кейин.
Ўқни кўрки тузлукдин илгари борур мудом,
Ёга боққим, эгрилиқдин муттасил қолур кейин.

* * *

Зинҳор адаб ўрганинг, эй аҳли талааб,
Ким бордур адаб гули саодатқа сабаб.
Шайтонки адабсиз эрди, қолди маҳрум,
Одамни кўрунг-не ерга еткурди адаб.

Ҳатто «От олинг» радифли туюғида санъаткор ёшлиларни бу дунёда касб-кор эгаллашга, яхши ишлари билан «яхши» деган ном қолдиришга ундейди.

Жасоратли ва тадбиркор хон, исломий аҳкомлар дошишманди ва тарғиботчиси, ҳофиз ҳамда мусиқашунос, уч тилда баробар ижод қилиб «зуллисонайн санъаткор-

1шр устози» даражасига етган Убайдий мероси жиддии Уртниш ва чоп этишни кутмоқда. Шоир ижоди мумм->I адабиётимиздаги камёб ҳодисадир.

КЎХНА ЧОЧ ОШИФИ

Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро ҳамда Ҳусайн Воизи Кошифий каби машхур гаиъаткорларнинг назари тушган, уларнинг тарбиясим п олган шоир ва ёзувчилардан бири Восифийдир. Кошифий 12 яшар боланинг нотиклик санъатидаги маъоратига таҳсин айтган. Навоий бўлса Восифийнинг шсьрий топишмоқ-муаммо ечишдаги зеҳни ва топқирчиғига тан берган. Чунончи, Восифийнинг замондоши Амир Муҳаммад у ҳақда шундай нақл этади: «Восифии кўп ишларда даврнинг дурдонаси ва замонасининг яго-иаси эди: биринчидан, унинг билаклари шу даражада бақувватки, Ҳурсонда ҳеч бир баҳодир уни енга олма-1пн, сарпанжасини бука олмаган, иккинчидан, унинг гуз юриш ва югуриш маҳорати шу даражага етди, 65 (>арсанг (520 километр)дан иборат Машҳад Ҳирот иў-чини икки кунда босиб ўтган, учинчидан сувда сузишда ҳам унга teng келадиган одам топилмасди. Кунлардан бир кун Ҳиротнинг Бозизагонида Фаридун Ҳусайн Мирзонинг буйруғи билан Восифийнинг икки қўли ва икки оёғини боғлаб, ҳовузга ташлаб юбордилар. У ана шу холатда пешиндан оқшомгача ҳовузда сузибюрди, чўртингчидан, у хушхон ҳофизликда ҳаммадан ўзарди, бешинчидан, у Мавлоно Ҳусайн Воизнинг шогирди эди Мавлоно хушвазлиқда Восифийни ўзидан устун қўярди, олтинчидан, у ҳар қандай кишининг овози ва харакатига айнан тақлид қила оларди, еттинчидан, муаммо ечишда унга етадиган донишманд топилмасди, саккизинчидан, бир кунда «Қоғия», «Шоғия» номли машҳур китобларни битта ҳатога йўл қўймаи, олии даражадаги ҳусниҳатда қўчиради, тўққизинчидан, ниҳоятда чидамли эди. Айтишларича, 10 кеча-кундуз ҳеч нарса емай юравераркан, ўнинчидан, бадиҳа тарзида шеър айтиш, машҳур шоирлар асарларига ўхшатмалар яратишга уста эди. Агар ҳоҳласа, бир кечада атокли шоирларнинг 50—60 байтли қасидасига жавоб айта оларди».

Восифий 1485 йили Ҳиротлик маърифат шаидоси Абдужалил оиласида дунёга келади. Бўлажак шоирнинг

болалик йиллари Ҳирот гоҳ Шайбонийхон, гоҳ Эр шоҳи Исмоил кўлига ўтиб турган бир вақтга тўғри к_.ди. Шунга қарамай Восифий қунт билан билим олдй, Ҳирот мадрасаларида ўқиди. 12—13 ёшида кўп фанларни пухта эгаллаб, шеърни яхши тушунадиган иқтидорли йигитча сифатида илм-адаб ахли назарига тушди, Навоийнинг олқишини олди. У хукукшунослик, мантиқ, астрономия, математика, тилшунослик ва замонасининг бошқа барча билимларини пухта ўрганди. 1510 йили шоҳ Исмоил Шайбонийхонни ўлдириб, Ҳирот шахрини ишғол этади. Восифий ҳаётини хавф остига кўйиб бўлса ҳам кўп дўстларини қатл этилишидан халос этади. Хурросон ва Мовароуннаҳрда дарбадарликда юради. Сайрам, Бухоро, Уратепа, Хўжанд, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида бўлади. Наврўз Аҳмад ҳамда Келди Мухаммадхонлар хукмронлиги даврида Тошкентда бўлган Восифий муаллимлик қиласи, шаҳар илмадаб аҳлига раҳбарлик лавозимида ишлайди. Адаб тахминан 1552—1555 йиллар орасида шу ерда вафот этади.

Восифийнинг ижодий мероси «Бадоёй-ул вақоёй» хотира-саргузашт асари, бир қанча ўзбек ва тоҷик тилидаги шеърларидан иборат. «Бадоёй-ул вақоёй» юзлаб ҳикоят, ривоят латифа, хотиралардан ташкил топган. Бу асар Хурросон ва Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихи, илмий, маданий, адабий муҳити, ҳалқ санъати, турли элатларнинг келиб чиқиши, урф-одати, кўғирчоқбозлиқ, масҳараబозлиқ, театр томошасини билишда, Жомий, Навоий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Паҳлавон Муҳаммад, Жалолиддин Юсуф сингари ўнлаб маданият арбоблари фаолиятини ўрганишда ноёб манба ҳисобланади. Ёзувчининг Тошкент шахри маданий ҳаёти, унинг бофу роғлари ҳақидағи мулоҳазалари, хусусан диққатга сазовордир. Унинг 150 мисрадан иборат «Тошкент ва унинг бофу роғлари васфида» деб номланган қасидасини ўқир эканмиз, биз кўхна шаҳримизнинг ўша даврдаги ҳолатини кўз олдимизга келтирамиз. Восифий Тошкентдаги мунозаралар, адабий анжуманлар ҳақида фикр юритар экан, аксарият пайтларда шоҳномаҳонлик қилинишини, Ибн Сино, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Навоий, Котибий каби шоирларнинг ижоди ҳақида баҳс бўлиб туришини уқтиради. У Тошкентда яшаб ижод этган шоир Фиркатий, адабиётшунос, астроном Мавлоно Қатилий, шоир Мавлоно Конибодомий, Саид Туркистоний, Мав-

юмо Нодирий, Мавлоно Матлаъий, олим ва рассом-
•тран Мавлоно Самарқандий, ШоҳХусайн, Жамолид-
/ИП Юсуф ва бошқаларни хурмат билан тилга олади.
Бундан ташқари қасидада Тошкентнинг равон сувла-
ри. бофу роғлари, ҳайратомуз биноларию турли-туман
мсиалари завқ билан тасвирланади:

Сувларини кўрганда бу оби ҳаёт,
Тортиниб зулматта яширинди бот.
Бурак анхорларнинг сувлари равон,
Жаннат боғларида салсабилсумон...
Хусайнин узумин килгин тамошо,
Дурдона янглиғ кўп қимматбаҳо.

Зайниддин Маҳмуд Восифий ёзиб қолдирган нодир
ҳикоятлар, ажойиб воқеалар бизга қадимий мадания-
гимиз ҳақида қимматли маълумотлар бериш билан бир-
га, ҳамиша қалбимизга қувонч, чехрамизга табассум
бахш этади: жасоратга, гўзалликка, инсонпарварликка
мсҳр кўйишга ундейди. Шунингдек, бу ҳикоятлар Ху-
росон ва Мовароуннахрда яшаган баъзи адаб ва давлат
арбоблари ҳаётининг айрим жиҳатларини ўрғанишга ҳам
ёрдам беради.

Куйида Восифийнинг Навоий ҳақидаги ҳикоялари-
дан намуналар келтирилди.

* * *

Бу факир мавлоно Соҳибдорога она томонидан қа-
риндош бўларди. Бир куни отам билан у кишининг
уйига бордик. Камол аҳлию фазилат арбобларидан ан-
ча киши бор экан. Бу факирнинг отасига хитоб қилиб,
ўғлингиз толиби илм, хушхон ҳофиз ва паҳлавон шоир
екан. Ҳар қандай номи айтилмай ўқилган мушкул муам-
мони ечаркан, деган шов-шув юради, деб бир муаммо
ўқидилар, мен топдим...

Биз уйимизга кайтиб кетдик. Бир оз фурсат ўтгач,
мавлоно Соҳибдоронинг хабарчиси келиб, хожам сиз-
ни сўрамоқдалар деди. Биз етиб боргач мавлоно деди:

— Амир Алишер хузурларига борган эдик. Мир-
нинг одати шуки, ҳар куни мени чакириб, бутун ша-
қарда бўлиб ўтган ажойибу гаройиб ҳодисалардан нени
кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайди-
лар, Мен жавоб бердим: «Бир кишини учратдим. Узи
16 ёки 17 ёшда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай

мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофиз шоирликда катта иқтидори бор». Мир таажжуб билан, сен уни имтиҳон қилдингми, дедилар. Мен бир мушкул муаммонинг номини айтмай ўқиган эдим ечди, дедим. Ҳазрати Мир менга у кишини бизнинг хузури-мизга нега олиб келмадинг, деб эътиroz билдирилар, Мен ўз гапларимдан пушаймон бўлдим. Чунки, Мирнинг суҳбати ҳайратли ва даҳшатангиздир. Масалан, бирор мажлисда бирор фозилнинг номини сўрасалару айтиб беролмасангиз, койийдилар. Мабодо бир муаммо ўқилсаю тополмасангиз, шарманда ва хижолат бў-лишингизга сабаб бўлади. Энди ҳозирлигингизни кў-риб эрта эртароқ бу ерга келиб турингиз, Ҳазрати Мир сиз билан кўришмоқ иштиёқидалар.

Кечқурун уйга қайтдиму, ажойиб кайфият мени чулғаб олди. Илон чаққан кишидек у ёқдан-бу ёққа ага-наб, ухлаёлмадим. Фақирнинг отаси изтиробимдан во-қиф эдилар:

Эй жони падар, чи қол дори,
Аз рўи чи дард бекарори?
(Эй, жоним ўғлим, нечуксен,
Не дард учун сен бекарорсан?)

Мен у кишига: «Э, ота! Нимасини сўрайсиз. Эртага Мир Алишер мажлисига боришим лозим. Ҳолим не кечарини билмайман», дедим. Отам кўз ёши қилиб, дедилар: «Эй жоним ўғлим, сен бир инсон суҳбатидан бу қадар қўркув ва ваҳимадасан?» Тасалли бердилар.

Алқисса, эрта билан Мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим. Мендан бошқа у кишининг хузурида яна уч толиби илм бор экан. Мавлоно Соҳибдоро менга вактида келдинг, бу уч ёшни Мирнинг хузурида таъриф қилганман, дедилар. Уларнинг бири Муаммой эди. Маҳорати шу қадар эдики, уни бу санъатда мавлоно Ҳусайн Нишопурий билан тенглаштирар эдилар. Иккинчиси қасидагўйликда шухрат топган эди. Учинчиси маснавийни жуда яхши айтар эди. Олий мажлисга кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати Мир ўз надимлари билан ҳозир эканлар. Жаноби Мир биз томон қардилар. Фақирга ишора қилиб, помини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шу кишиими, дедилар. Мавлоно Соҳибдоро: бали, ўша маҳдум, деб жавоб бердилар. Мавлоно Мұхаммад Бадаҳший суҳбатга аралашдилар: «Маҳдумлар, худо ҳаққи муаммо ечишда сиз-

ики ўтадигани йўқ-ку?..» Мир дедилар: «Мен унинг муаммо ечишга иктидорини кўзидан билдим. Зеро, уиимг фикрлари кўзларидан зоҳир бўлиб турибди». Кей-**11И** шу муаммони ўқидилар:

Боғро бин хазон бефарру аз жо шуда,
Булбулаш барҳам зада минкор ў ногёё шуда.

(Боғни кўр, хазонрезлиқдан кўрки қолмабди, тожи уриида эмас, булбулнинг тумшуғи йўқолиб, куйлашдан қолибди).

Иттифоқо, мен бу муаммони ёд билардим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб ўзимни гўлликка солиб, маж-'шени ўтказаверсамми ёки тўғрисини айтайнми? Оқи-)атда ростини айтишга аҳд қилдим. Дедим: маҳдум, мен бу муаммони ёд биламан. Ҳазрати Мир бир оз Гюшларини эгиб турдиларда, ёнидагиларга, азизлар би-часизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради? Ўз қудратини изҳор қилиб, бунисини биламан, бошқаси-ни айтинг, демоқчи. Мир бошқа муаммони ўқимади-тр . Анчагина лутфомуз сўзлар айтиб сўнгида мавлоно Соҳибдорога «биз унинг даъвосини қабул қилурмиз», дедилар.

ЗАРИФ ҲИКОЯТЛАР УСТАСИ

Алишер Навоий даври Ҳиротида кичик ҳикоя жанри, айниқса тез ривожланади. Чунки, XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида бу шаҳарда ўзига хос бир адабий муҳит вужудга келганди. Дастлаб Абдураҳмон Жомий, кейинчалик Навоий сардорлик қилган бу катта ижодий мактабда илмий-назарий баҳслар, қисса-хонликлардан ташқари воизлик, латифагўйлик, лутф ва зарофаттга жиҳдий эътибор бериларди. Мушоираю мубоҳисларда адаб ва нокиллар ўз нукталарида ўтмиш ва замон воқеалари, буюк кишилар ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳикоятлар келтиришар, Қуръони Кариму Пайғамбар ҳадисларидан кироат қилишарди. Кейинчалик бундай ҳикоятлар «Ҳабибус сияр», «Макоримул ахлоқ», «Мажолисун ошиқин», «Бадоєъ-ул вақоеъ», «На-фаҳотул унс», «Футувватнома» сингари асарлар таркибига киритилди. Улуг адаб Ҳусайн Войиз Кошифийнинг ўғли Сафий ҳам ана шундай ҳикматомуз ҳикоятлар муаллифларидан биридир. 239

Мавлоно Фахриддин Али Сафий 1463 йили **Сабза**-ворда дунёга келади. Унинг болалиги она шаҳрида ўтади, йигитлик йиллари Ҳирот мадрасаларида ўқиди. Кейинчалик Самарқандга бориб Ҳожа Убайдулла Аҳрорга мурид бўлади ва котиблик қиласи. 1504 йилдан бошлаб Фахриддин Ҳиротнинг Жомеъ масжида отаси ўрнида воизлик қиласи ва мадрасаларда дарс айтади. Ҳирот Бухоро амири Убайдуллахон томонидан қамал қилингандан адаб бир йил давомида зинданда ётади, озод бўлгач, Гуржистонга ҳижрат қилди. Эрон сафавийларининг Ҳирот учун жанглари пайтида Сафий шаҳарга қайтиб, воизлик ишини давом эттириди. У Абдураҳмон Жомийдан таълим олган, Восифий билан яқин дўст бўлган. Сафий 1534 йили Ҳиротда вафот этади.

Фахриддин Али Сафий нозиктаб шоир, фикҳ дошишманди, зарофатли ҳикоянавис, нуктадон муаррих сифатида кўплаб асарлар ёзган, таржималар килган. Аммо бизга кадар адабий мъеросидан «Рашоҳот-ул-айн-ул ҳаёт», «Маҳмуд ва Аёз», «Кашф-ул-асрор», «Латоиф-ут тавоиф», «Лугатнома» сингари асарларнинг дастхатларигина етиб келган, халос.

Ўзбекистон ФА академиги Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашича, «Рашоҳот-ул-айн-ул ҳаёт»ни ёзишда Сафий Ҳожа Муҳаммад Порсонинг (1419 йили вафот этган) «Фасл-ул-хитоб», «Шахобиддин-Ибни Амир Хамзанинг (1405 йили вафот этган) «Мақолоти Амир Кулол», Муҳаммад ал-Бухорийнинг (ХII аср) «Маслак-ул-орофин», Мавлоно Муҳаммад Қозининг (1516 йили вафот этган) «Силсилатун орифин ва тазкират ас-сиддикин» асарларидан ижодий фойдаланган» (Б. Аҳмедов. Узбекистон халқлари тарихи манбалари. 1991, 159-бет).

Ушбу асарда ёзувчи нақшбандия тариқати шайхларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритган. Китобнинг Ҳожа Убайдулла Аҳрорга бағишлиланган қисми муаллифнинг устози билан бўлган мулоқотлари, кундаликлари, шахсий кузатишлари таассуроти асосида ёзилган. «Рашоҳот» нақшбандия тариқати тарихи, унинг тарқалиши, бу сүлук алломаларининг маънавиятини билиш жиҳатидангина эмас, балки XV аср охири ва XVI аср бошларидағи Мовароуннаҳр иқтисодий, ижтимоий ҳаётини ўрганишда ҳам қимматли манба ҳисобланади. Бундан ташқари ундаги баъзи маълумотлар Ҳожа Убайдулла Аҳрор ва Абдураҳмон Жомийларнинг ижодий биофафиясини яратишда, ирфоний тафаккур тарихини ўрганишда тадқиқотчиларга асқотмоқда. Шунингдек, ушбу рисола ўша

/шнрдаги Мовароуннахрдаги феодал муносабатларни, хўжалик юритиш, солиқ гизими, кўшни ўлкалар билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни ўрганишда ҳам тарихий аҳамиятта эгадир. Бундан ташқари рисола Шарқнинг Г>уюк машойихлари фаолиятини ўрганишда ҳам муҳим сарчашмалардан бири ҳисобланади.

Сайфиддин Али Сафий зариф ҳикоятлар устаси сифагида шу давр адабиётида ўзига хос мавқега эга. Зероки, у Шарқ адабиётида биринчилардан бўлиб ўзигача ўтган буюк тарихий шахслар, адиблар ҳақидаги ҳикоятларни турли китоблардан йигди, халқ оғзидан ёзиб олиб «Латоиф-ут-тавоиф» («Турли тоифалар ҳақидаги латифалар») китобини (1481) яратди ва Туркистон ҳокими Мухаммад Сайфулмулукка тақдим этди. Асар муқаддима ва хотимадан ташқари 24 бобдан иборат бўлиб, мавзу ҳамда гоявий йўналиши жиҳатидан рангбаранг латифаларни ўз ичига олган. Ёзувчи уларда ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, таъзим-тавозе, зукколик, сухандонлик, нуктасанжлик, меҳнат эвазига кун кечириш ва бошқа кўп инсоний хислатларни тарғиб этади, инсонпарвар адаб сифатида оддий меҳнаткаш халқни таъриф ва тавсиф этади. «Латоиф-ут-тавоиф» жуда катта илмий, адабий кимматга эга. Чунки, унда адаб Рудакий, Фирдавсий, Анварий, Лутфий, Жомий, Навоий, Мирзо Бойсунқур, Улуғбек сингари 88 та шоир ва ёзувчи ҳақида маълумот беради, асарларидан баъзи намуналар келтиради; 20 та бадиий-шъерий санъат хусусида баҳс юритади ва уларни ишончли мисоллар билан исботлайди. Шу китоб туфайли айрим ҳикоятлар кейинчалик асардан асарга ўтиб юрувчи нақлларга айланди. Буюк бобомиз Навоий «Мажолисун-нафоис» асарида Сафий истеъодига юқори баҳо бериб, шундай ёзади:

«Мавлоно Ҳусайн Воизнинг ўғлидур. Бағоят дарвешваш ва фонийсифат дардманщева йигитдир. Ҳирийдан Самарқандга ҳазрат Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор сұхбатига мушарраф бўлур учун борди ва андок дерларким анда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатига сарафроз ўлуб, яна Хуросонга келди. Табъи хуб воқеъ бўлубтурким, бу матлаъ анингдурким:

Бо лаби лаълу хату голиягун омадаи,
Ажаб ораста аз хона бурун омадаи.

(ЛАЙДЕК ҚИЗИЛ ЛАБ ВА ХУШ ИС БИЛАН КЕЛИБ, АЖОЙИБ
БЕЗАК БИЛАН УЙДАН ЧИКИБСАН).

Демак, Фахриддин Али Сафийнинг барча асарлари жуда катта илмий-маърифий аҳамиятга эга. У ўша давр Мовароуннаҳр халклари маънавияти ҳамда адабий, ахлоқий қарашлари тарихини ўрганишда камёб дурдоналар ҳисобланади.

САФИЙ ҲИКОЯТЛАРИДАН

Шиддатли жанглардан сўнг Ҳабаш подшоси Яман ҳокими Сайфи Зиязан устидан ғалаба қозонди. Сайфи юртидан қочиб, Эрон шоҳи Анушервондан мадад сўради. У ўз лашкаридан уч минг йигитларни ажратди.

— Эй, Анушервон, эллик минглик лашкарга уч минг сипоҳий қандай бас кела олади, — сўради Зиязан.

— Кўп ўтинни озгина оташ ҳам ёндириб юборади, — жавоб берди Анушервон.

* * *

Искандар Эронга қарши лашкар тортишга тайёр-гарлик кўраётганини эшитган Доро уни ваҳимага солмоқчи бўлиб, «Доро шоҳ саксон минг йигитлар орасида жавлон урмоқда», деган гап тарқатади. Буни эшитган Искандар «чаққон қассоб учун қўйнинг кўп бўлиши аҳамиятсиз» деган хабар юборади.

* * *

Бир сипоҳи Хорун ар-Рашиддан инъом тилади.

— Шундай узун сокол билан ақлинг кирмабди, мендан эҳсон сўрайсан, — деди Хорун ар-Рашид.

— Тақсир, кишининг соқоли ўssa, ақли кўса бўлади, деган нақлни эшитмаганмисиз, — деди сипоҳ.

Бу лутф Хорун ар-Рашидга хуш ёқди ва сипоҳийни инъомдан сероб этди.

* * *

— Шўрвани араб тилида нима дейдилар, — сўрашибди бир арабдан.

— Сахун! — жавоб берибди араб.

— Совуғини-чи? — яна сўрашибди.

— Биз шўрвани совутмасдан ичиб қўямиз — таъкидлабди у.

* * *

Ота-бала айбдорни ҳоким олдига элтиб, аввал ота-1'ими юз дарра урдилар, гинг демади. Сўнгра ўғлини сгқизиб, бир дарра уриб эдилар, нола-фарёд чекди.

— Ўзингга юз дарра сукқанда «вой» демадинг, нега •)иди буни бир дарра ургандаёқ фарёд чекасан, — сў-рабди жаллодлар.

— Олдинги калтаклар менинг танамга ботганди, бу шрбалар эса, жигаримга тегмоқда, — дебди ота.

* * *

Бир Сайид билан омининг ўзаро хусумати бор эди. Мунохиша пайтида Сайид «Во Мұхаммадоҳ!» деб ба-қирса, оми «Во одамоҳ!» деб қичқириди.

— «Во одамоҳ»нинг маъноси нима? — сўрашди оми-дан.

— У ўзини Мұхаммаднинг фарзанди санаб, «Во Мұ-хаммадоҳ» демоқда. Мен эса «мен одам фарзандиман» деяпман. У Мұхаммад авлодидан эканлигини исботла-ши лозим, менинг одам фарзанди эканлигимга ҳеч шуб-ха бўлмаса керак.

* * *

Бир дошинманддан сўрадилар:

— Қай маҳалда овқатланиш маъқул?

— Бадавлат киши қорни очикканда, камбагал эса, таом топганда егани маъқул, — жавоб берди донишманд.

Балх бозоридан ўтиб бораётган Анварий бир изди-хомни кўрди ва бориб қулоқ солса, бир киши қасида-ларини ўз номидан ўқир, хозирлар офарин айтишарди.

Анварий олдинроққа ўтиб сўрабди:

— Дўстим, ўқиётган шеърларингиз қайси шоирни-ки?

— Анварийники!

— Анварийни танийсизми?!

— Нима деяпсиз ўзи, Анварий менман, — дўқ қи-либи шеърхон.

— Товба, шеър ўғрисини эшитгандиму шоир ўғри-сини эшитмаган эканман, — дебди кулиб Анварий.

* * *

Шайх Камоли Хўжандий шеърларида «ит» сўзини, Ҳасан Дехлавий эса «дилбанд» калимасини кўп ишлатишаркан. Бир шоир буларнинг бирга муқоваланган девонларини бир кишининг қўлида кўриб:

— Буларни ажратиб, бир-биридан узокроқда тут, яна Камолнинг «итлари» Ҳасаннинг «дилбандларини» еб қўймасин, — дебди шўхлик билан.

УСТОДГА ЁДНОМА

Ўн бешинчи аср Шарқ илм-фани зарваракларини кўздан кечираб эканмиз, ҳар бир саҳифа бўстонида улуғ бобокалонимиз, устод санъаткор Алишер Навоийнинг муборак нафаси эсиб туради. Зероки, бу обидалар Навоий маслакдоши ёки шогирди ёки шоирнинг моддий ва маънавий кўмаги билан камолотга етган ижодкор ёхуд улуғ шоир ижод мактабидан сабоқ олиб, унинг кутлуг анъанасига содик бирор санъаткор томонидан яратилган бўлади. Машхур ёзувчи Садриддин Айнийнинг аниқлашиб Суҳайлий, Сайфий, Осафий, Биноий, Котибий, Ҳилолий, Кошифий, Мушрифий, Биҳиштий, Фахрий сингари ўнлаб форс-тожик шоирлари бевосита Навоийнинг моддий ва маънавий ёрдамида камолот чўққисига кўтарилган.

«Бадоёй-ус саноёй» асарининг муаллифи Атоулло Маҳмуди Ҳусайний қам гениал мутафаккир ёрдами, мададидан баҳраманд бўлган ижодкорлардан ҳисобланади.

Атоулло Маҳмуд Ҳусайний XV асрнинг 30—40 йиллари ўртасида Нишопурда туғилди. Атоулло Ҳиротда тахсил кўради, тез орада «адабиёт билимдони» сифатида шухрат қозонади. Истеъдодли адабиётшуноснинг довругуни Навоий ҳам эшитади. Навоий Атоулло билан шахсан танишиб, уни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб-кувватлайди. Машхур тарихчи Фиёсиддин Ҳондамирнинг «Макорим-ул-ахлоқ» асарининг тўққизинчи бобида ҳикоя қилинишича, Ҳиротнинг «Ихлосия», «Султония» сингари катта мадрасаларида мударрислик қилган Атоуллога Навоий давлат ҳисобидан маош ажратган ва «жаннатмисол» ҳовли инъом этган. «Хулосат-ул-ахбор», «Макорим-ул-ахлоқ», «Мажолис-ул-нағис» каби манбалардаги маълумотларга қараганда, На-

иоий Атоуллонинг хаёти ва фаолиятини доим кузатиб Гюрган, ўз хузурига чорлаб, адабиётшунослик масалалари бўйича сухбатлар курган, бадиий санъатга доир асар яратишга унданаган. «Бадоеъ-ус-саноеъ» ана шу кўмак ва даъват натижасида юзага келган.

Атоулло Маҳмуд Хусайнний адабиётшуносликка доир бир неча асарнинг муаллифи, истеъододли шоир хисобланади. Афсуски, хозиргача ана шу забардаст донишмандинг хаёти ва ижодий мероси эътибордан четда қолиб келмоқда. Айрим маколалардаги Атоуллога доир (И)икрлар чалкаш, ноаниқ. Истеъододли шарқшунос олим профессор Р. Мусулмонкулов якин ўн йил давомида олимнинг ижодий меросини ўрганди, дунё дастхат ҳачиналаридаги асарларининг нусхаларини қиёсий таҳлил этиб, «Бадоеъ-ус-саноеъ»нинг илмий-оммавий нашрини («Ирфон»—1974) яратади. «Атоулло Маҳмуд Хусайнний ва форс-тожик шеърияти поэтикаси масалала-ри» рисоласини ёзди. Олимнинг кўп йиллик заҳмати натижасида шоирнинг хаёт йўли ва ижодий мероси мукаммал аникланди. Тадқиқотчи китобга ёзган сўз бошиси ва илмий рисоласида Атоулло ва унинг «Бадоеъ-ус-саноеъ» асарининг яратилиши ҳақида фикр юритиб, Алишер Навоий билан Атоулло ўртасидаги якин дўстлик, ижодий ҳамкорликни алоҳида қайд этади. XV аср адабий-назарий қарашларида катта бир воқеа бўлган бу асар бевосита Навоийнинг хоҳиши, моддий-маънавий ҳомийлиги туфайли яратилганлигини исботлайди ва «бу бир томондан, у (Навоий)нинг олижаноб инсон, олим ва адилларнинг мураббийси ҳамда ҳомийси эканлигини кўрсатса, иккинчи тарафдан, ўзбек ва тожик ҳалкларининг икки улуг фарзанди ўрталаридаги самимий муносабатларни кўрсатади».

Ҳақиқатда ҳам Навоий билан Атоулло бир-бири билан доим мулоқотда бўлган, бир-бирларининг ижодий ишларини ҳамиша кузатиб борган. Масалан, Навоий «Мажолис-ун-нафоис»да Атоуллонинг истеъододи ҳақида самимий фикрларни айтиб, бир ўринда «Бадоеъи Атоий» номли асар ёзаётганлигини таъкидласа, кейинроқ бу асарни битиб, «баёзга борғони»ни айтади.

«Бадоеъ-ус-саноеъ» «Дебоча» ва «Хотима»дан ташкири яна уч катта бобдан иборат. Унда 150 га яқин сўз санъати ва қисман адабиётшунослик терминларининг қонун-қоидаларини баён этиб, изоҳни беради, машхур шоирлар ва ўз шеърларидан намуналар келтиради. Кўп адабиётшунослардан фарқли ўлароқ Атоулло санъат ва

терминларни мукаммал ёритади, муфассалроқ шархлаб, характерли далиллар келтиради. Асар жуда катта адабий, назарий, илмий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, адабиёт тарихини, айрим адабий-тарихий ҳодисалар ва фактларни ўрганишда ҳам ғоятда қимматли манба хисобланади. Зероки, Атоулло элликка яқин шоирлар ижодидан мисоллар келтирган, машҳур санъаткорлар билан бир қаторда хали илм-адаб аҳлига кам маълум бўлган, Баҳромий, Ризоий, Нишопурий, Котибий, Назирий каби ижодкорларнинг шеърларидан ҳам намуналар берган.

«Дебоча»да Атоулло ўз асарини «мулку миллатнинг куввати» Алишер Навоийга бағишлианганини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари олим «Бадоёъ-ул-саноёъ»нинг кўп жойларида, турли муносабатлар билан Навоийни қайта-қайта тилга олади, унга атаб ёзган шеърларини илова қиласди, шоир асарларидан байтлар келтиради. Атоуллонинг Навоий ҳакидаги фикр ва шеърлари улуғ шоир ҳаёти ва ижодининг айрим томонларини ўрганишда жиддий аҳамиятга молик. Ўз устоди, ҳомийсига атаб битилган мазкур асарнинг кўп ўринларида Навоий билан бўлган муносабати ҳакида самимий ва мамнуният билан ёзади. Чунончи, Алишер Навоий ниҳоятда муҳташам мадраса курдиргани, 1486 йилнинг 9 июлида унинг очилиш маросими бўлганини қаламга олади:

Чун мадраса соҳт Мир бо илму адаб.
Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.
Чун дар шашўми моҳи ражаб кард ижлос.
Таърих талаб аз «шашўми моҳи ражаб».

(Мир (Навоий) илму адаб билан мадраса куриб, мени унга мударрис этиб тайинлади. Бу воқеа ражаб ойининг олтинчисида бўлгани учун унинг тарихини «шашўми моҳи ражаб»дан топ).

Дарҳақиқат «шашўми моҳи ражаб»нинг тарих моддаси хижрий 891 йил, ражаб ойининг олтиси, мелодий 1486 йил 9 июль бўлади. Айрим насрый ва шеърий мисраларда эса, бевосита буюк шоирнинг ҳаёти ҳамда фаолияти билан боғлиқ саналар, воқеалар зикр қилинади.

Қўйидаги тўртликда Алишер Навоийнинг Астрабодга ҳоким этиб юборилиши санаси ўз ифодасини топган:

Он мири олисайр — Алишер
К-ўрост камоли фазлу тадбир,
Чун кард қабул боз аморат,
Таърих шудаш: «аморати мир».

(Фазлу тадбирда камол бўлмиш ул олижаноб мир
Алишер яна амирликни қабул этганда тарихи «аморати
мир» бўлди).

«Аморати мир»нинг тарих моддаси ҳижрии ЪЭI, ме-
•юдий 1487 йил бўлади.

Саҳли мумтанеъ — (осону номумкин) истилоҳини
шарҳлар экан, Атоулло Навоийнинг «туркӣ ва фор-
сий тилдаги асарлари» ҳам «саҳди мумтанеъ»дир, дей-
ди-да «бу китоб ул ҳазратнинг давлат ва ҳимматлари,
лаъватлари билан ёзиб битказилди» (204-бет) деб ало-
їда таъкидлайди.

Атоулло Маҳмуд Ҳусайнний мададкори ва ҳомииси
Иавоийга асарларининг манзур бўлишини истар, «унда
бирон бир хато учраса, узр рақамин чекиб, мушк ҳиди
анқиб турувчи қаламлар билан ислоҳ этишларини» (12-
бет) хоҳлар эди. Алишер Навоий ўз вақтида «Маълум
^маским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жомеъ ва
муғид китоб битмиш бўлгай» («Мажолис-ун-нафоис»),
деб рисолани юксак баҳолаган эди.

Атоуллонинг «Бадоеъ-ул-саноеъ» асари шарқшунос
олим Алибек Рустамов томонидан ўзбек тилига ҳам (1981)
таржима қилинган. Таржима хусусида шуни
таъкидлаш лозимки, «Бадоеъ-ул-саноеъ» назарий асар
бўлгани учун услуби оғир, адабий терминлар XV аср
адабиётшунослиги анъаналарига қатъий риоя қилинган
холда кўлланилган. Мутаржим асл нусхани бус-бутун
сақлашга муваффақ бўлган. Матндаги кўпгина термин
ва ибораларнинг тутиб қолиниши, шеърий парча, ми-
солларнинг аслини текст таркибида келтириб, мазмуни
ёки шарҳини изоҳда берилиши ҳам мақсадга мувофиқ-
дир.

Ўрта Осиё ҳалклари адабий-эстетик қарашлари та-
рихини айрим жиҳатларини ўрганиш, Навоий фаолият-
тининг баъзи томонларини янада тўлароқ тасаввур
этишга ёрдам берадиган бу китоб ҳозирги адабиётшу-
нослик, айниқса, арузашуносликда муҳим дастуруламал
бўлиб қолади.

ЧЕХРАКУШОЛАР САРВАРИ

Ўн бешинчи аср Шарқ илм-фани, маданияти тараққиёти тарихида ўзига хос бир палла бўлди. Зероки, Амир Темур 150 йиллик мўғул истиносига барҳам бериб, тадбиркорлик, жасорат ва акл-заковат билан улкан бир империяни ташкил этди. Унинг бемаҳал вафотидан сўнг тўрт йил ворислик учун жанг бўлган эрсада, аммо Шоҳруҳ даврида 40 йил жиддий урушлар юз бермади. Темурий шаҳзодалар тўплантган сон-саноқсиз бойликлару турли минтақалардан марказларга жалб этилган хунармандлар, олимларни, маданият, илм-фан, санъат, бадиий ижод, меъморчиликни равноқ топтиришга сафарбар этдилар. Натижада Ҳирот, Самарқанд, Балх, Бухоро шаҳарларида маданий ҳаёт, санъат гулгул яшнади. Жумладан, Мирзо Бойсунқур ташкил этган Ҳирот «Нигористон»ида кўплаб санъат ва хунар мактаблари ташкил этилади; уларда «юзлаб хунар эгалари» (Хўжандий) тарбияланади, булар бутун Шарқ нафис санъати, илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшадилар. Ана шулардан бири даҳо санъаткор — «Монии Соний», «Шарқ Рафаэли» Камолиддин Беҳзоддир.

Камолиддин Беҳзод 1455 йили Ҳиротда зиёли оиласида дунёга келади. Ёшлигига ота-онасида етим қолган Беҳзод мустақил савод чиқаради. Наққошлигу чехракушоликка меҳр қўяди. Йигитлик онларида шоҳ китобдори Амир Рухуллоҳдан рассомлик сирларини ўрганиди, кейин эса ўзи мустақил суратда Ҳусайн Бойқаро китобхонасида китобларга зийнат беради, ихчам суратлар-миниатюралар чиза бошлайди. Бу орада у Султон Али Машҳадий ва Саидаҳмад Табризийлардан наққошлик бўйича дарс олади. Беҳзод камолоти ва ижодининг равнақида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг маънавий ҳамда моддий ҳомийликлари муҳим омил бўлади. Ҳусайн Бойқаро эса уни 1487 йили ўз саройининг китобдори этиб тайинлаб, чорбоғи ўртасида махсус ижодхона куриб беради. Китобхонадаги музахҳиб, халкор, зарқўб, лаввоҳ, сахҳоф, жадвалкаш, наққош ва қоғозрезу давотчилар бевосита Беҳзод раҳбарлигига ишлашарди. Худди шу даврда Ҳирот нафис китоб ва тасвирий санъатининг марказига айланади, юзлаб китоблар, баёзлар кўчирилиб, зийнатланиб, маданиятимизнинг зарварақларига айланади.

Исмоил Сафавий 1512 йили Ҳиротни забт этгач, ҳаммаёқни вайрон қиласиди, маърифат масканларининг

кули кўкка соврилади, кўплаб хунар эгалари, жумладан, Беҳзодни Табризга элтади. Беҳзод бу ерда ҳам шоҳ китобхонасида ишлайди ҳамда таҳт вориси ёш шаҳзода Таҳмасибга рассомлик сирини ўргата бошлиди. 1524 йили Исмоил Сафавий вафот этиб, ўрнига 12 яшар Таҳмасиб таҳтга ўтиради. Лекин сарой атрофидағи маш-машаларга бардош беролмаган Беҳзод Ҳиротга қайтиб, яна ижодга шўнгийди ва 1535 йили вафот этади. Унинг қабри Ҳирот яқинидаги Мухтор тоги этағида, мақбараси илм-адаб аҳлиниң зиёратгоҳи сифатида сақланмоқда.

Беҳзоддан бизга қадар ранг-баранг жанрларда куплаб асарлар қолган. У Шарқ тасвирий санъатини жанр, мавзу, гоявий йўналиш, тузилиши, ранглар таносиби, шакл ва воқеалар мутаносиблиги жиҳатидан янги гаракқиёт чўққисига кўтаради; оддий ҳаётӣ воқеа-хрдисалардан тортиб, машриқзаминда кенг ёйилган анъянавий лавҳалар асосида гўзал миниатюралар чизди, даҳо алломаларнинг шоҳ асарларини, тарих китобларини безади; замонасидаги буюк шахсларнинг аксиони-портретини яратди.

Рассомнинг дастлабки миниатюралари Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган Саъдийнинг «Бўстон» асарига 1478 йили чизилган асарлардир. Бу дастнавис Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида сақланмоқда. Ундаги ўндан ортиқ миниатюраларда шоҳлар, зодагонлар, олиму фузалолар, ошику дарвешлар, дашту сахро, боғу-роғлар, анҳору чашмалар сеҳрангиз бўёқларда тасвирланади. 1488 йили «Бўстон»ни Султонали Машҳадий Ҳусайн Бойқаронинг хоҳишига кўра кўчиради, Ёрий Музахҳиб зийнатлайди. Беҳзод эса унга 6 та сурат чизган ва тагига «Амалилабди Беҳзод» деб кайд этган. Ушбу дастхатдаги асарларда табият манзаралари-гулзору ўрмонзорлар, зилол сувли чашмаю анхорлар, шоҳлару сипохийлар, илм-адаб аҳли, ошику маъшуқлар, сарой аъёнлари, оддий меҳнаткаш халқ ва-киллари сиймоси юксак санъаткорлик билан тасвирланган.

1467 йили Шерали Хаттот машхур тарихчи Шарафутдин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини кўчирган. Мазкур дастхат АҚШнинг Балтимор шаҳридаги Жон Хопкинс университети кутубхонасида сақланмоқда. Асардаги 12 расмнинг саккизтаси Беҳзод мўйқаламига таалуклуки. Уларда шоҳ саройидаги қабул маросимлари, жанг манзаралари, бинокорлик жараёнию, ов палласи

акс топган. Характерлиси шундаки ушбу миниатюраларда иштирок этувчилар қиёфаси табиат манзаралари, қасру уй анжомлари билан ғоятда мутаносиб-пайваст тарзда тасвирланган; ҳар бир шахс ўз қиёфасига эга, анжому либослар шарқона миллий рух ҳамда шаклдадир; оммавий лаҳзалар тасвирида санъаткор ранглар таносибининг энг нозик жиҳатларини сакдашга эришган.

Шайх Саъдий ҳикоятига чизилган «Доро ва йилқибоқар» миниатюрасида Шаҳаншоҳнинг осмонўпар тоғ этагидаги ям-яшил ўтлоқда йилқибоқарлар билан учрашиб, киборларга хос шавкат, викор ва келбат билан суҳбати, иккинчи отбоқарнинг саночдан қимиз олиб тавозеъ билан узатиши акс топган бўлса, «Амир Темур саройида қабул» суратида мутлақо бошқача манзара кўзга ташланади. Бог ўртасидаги муҳташам сарой. Ўртада Амир Темур салобат тўкиб ўтириби. Ўнг қўлда сарой аъёнлари, чап қўлда эса, турли мамлакатлардан Соҳибқирон қабулига келган меҳмонлар. Улардан ташқари икки киши эшик олдида туриби, бир неча қора танли аёллар ҳам бор. Рассом ана шу катта-гавжум шахсларнинг ҳар бирини факат ўзига хос қиёфада, кўринишу ҳаракатда, либосу нигоҳда турли-туман рангда тасвирлаган. Айни пайтда яхлит мазмун ифодаланиши, ягона композицион қурилишга эга бўлишига эришган. Бошқа бир суратда «Хеванинг забт этилиши» манзарасини ниҳоят даражада кўтаринки, жанговар руҳда тасвирланганки, асарни томоша қилган киши Беҳзоднинг муҳораба лаҳзаларини, алomon жанг манзараларини кичик ҳажмдаги суратларда нақадар юксак маҳорат билан акс эттира олганлигининг гувоҳи бўлади.

Агар Беҳзод ижодининг дастлабки йилларида кўпроқ тарихий, замонасининг долзарб мавзуларида (масжид қурилиши, туялар жанги, Доро саргузашти, Амир Темур саройида қабул маросими), қаҳрамонлик мавзуларида асарлар яратган бўлса, кейинчалик кўпроқ анъанавий, ҳалқ оғзаки ижоди ва лирик қаҳрамонлар тимсолларини яратишга киришади. Жумладан у Низомий Ганжавий «Хамса»си, Амир Ҳусрав Дехлавийнинг «Мажнун ва Лайли» (1492), Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайр» (1494) асарларига ғоятда гўзал миниатюралар чизган. Бу асарлар достон ёки ҳикоятда тасвирланган воқеанинг мўъжаз бир тарзда ўзига хос музассамлаштиргани, қаҳрамонларнинг ҳар бири ўзига хос бир тарзда ифодаланган-

лиги билан киши диққатини ўзига тортади. Масалан,

Ипюмий «Хамса»сига чизилган «Лайли ва Мажнун мак-
|м(>дл» номли сурат ўзининг ҳар жиҳатдан мукаммаллиги
Оидан дикқатга молик. Тўрт томони нақшинкор бино-
нири, майсазору гуллар, сермева дараҳт оғушидаги синф-
конлда бир гурух болалар дарс ўқимоқда, бошқа бир
г'Удлси эса болаларга хос шўху шанглик билан ўйнаш-
моқда, овқатланишмоқда, баъзилари либосларини
кимоқда. Аммо Лайли билан Мажнун маҳзун, чор
и I роффаги воқеага бепарво, аллақандай хаёлот оламига
|лрқ, бир-бирларини зимдан кузатиб ўтиришибди. Хус-
рлн Дехлавийнинг «Мажнун ва Лайли» достони асосида
ирилтилган «Дўстларининг Мажнунни отаси хузурига кел-
I иришлари» миниатюраси ҳам бенаво ва номурод ошиқ-
пипг зоҳирий ҳамда ботиний дард-аламини бокира бир
прзда акс этганилиги билан мумтоздир. Беҳзод ҳар бир
мсаарда воқеанинг ҳаққоний, жозибадор тасвирланиши-
I л, шакл ва мазмун мутаносиблигига эришишга, тасвир-
ил иштирок этган ҳар бир шахс қиёфаси, либосиу хатти-
лракатини айрича бўлишига, рангларнинг турли хил,
айни пайтда тиник, шаффоф чикишига эришган буюк
санъаткордир.

Юкорида таъкидлаганимиздек Беҳзод Шарқ миниа-
пора санъатига ҳаётийлик, ҳаққонийликни-реализмни
олиб кирган ижодкордир. Зероки, у тарихий, замона-
ний мавзуларда ўнлаб асарлар яратиш билан бирга ўзи
бевосита мулоқотда бўлган, мурувват кўрган маслак-
дошлари, замондошларининг суратларини чизиб, тас-
вирий санъатимиз тарихига портрет жанрини олиб кир-
ди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Абдуллоҳ Хо-
тифий, Султон Али Машҳадий, Ҳоким Мухаммад, Сул-
тон Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон каби тарихий
шахсларнинг портрети Беҳзод мўйқалами туфайлигина
бизгача етиб келган. Маълумки, Захириддин Мухаммад
Бобур «Бобурнома»да Ҳусайн Бойқаронинг шаклу ша-
мойили, афту андомини сўз билан гоятда комил тас-
вирилаган. Агар биз Бобур тасвирини Беҳзод чизган
«Султон Ҳусайн Бойқаро» суратига қиёсласак, мусав-
вир асарининг нақадар ҳаққонийлигига яна бир карра
ишонч ҳосил қиласиз.

Камолиддин Беҳзод ижоди кейинги асрлар Хуросо-
ну Мовароуннаҳр, Ҳиндистон миниатюра санъати ри-
вожига сезиларли таъсир этган. Қосим Чехракушо, Мах-
муд Музахҳиб, Мулло Дарвеш Мухаммад, Дўсти Дево-
на, Мухаммадмурод Самарқандий сингари мусаввир-
лар Беҳзод миниатюралар мактабидан бевосита сабоқ

олиб, унинг илғор анъаналарини муваффакият билан вом эттирган санъаткорлардир.

Беҳзод ижодини тадқиқ ва тарғиб этишда санъа шунос, файласуф, тарихчи олимлардан М. Ашрафи Ў. Пулодов, О. Усмон, И. Низомиддинов ҳамда Норқуловларнинг хизматлари катта. Жумладан, Ори Усмонов «Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби» (1974) рисоласини чоп эттирган.

ЗАМОНА ҲОФИЗИ

Ҳирот илм-адаб ахли орасида дув-дув гап: шоирлар-орасида бир йигитча пайдо бўлибди, ҳофизаси кенг, ғазални даҳанака ижод этаркан, қироати басо мақбул эмиш. Амир Низомиддин Алишер Навоий кунлардан бир кун Соҳиб Дорога:

— Ўша бадехагўй йигитчани бизнинг навбатдаги шеърият мажлисимиизга таклиф этсангиз, ўзининг хушилҳон хонишидан бизни ҳам баҳраманд этса, — деди.

— Хўп бўлади Амири Кабир, — таъзим қилди Соҳиб Доро.

Навоийнинг хос хонасига Ҳиротнинг энг сара шоирлари жамланган. Устод Абдураҳмон Жомийнинг фотиҳаси билан мушоира бошланди. Бирин кетин Риёзий, Ахлий, Фазлий, Суҳайлий, Ҳотифийлар янги ғазалларини устодлар хузурида ўқидилар. Навбат янги меҳмонга етганда у таъзим билан ўрнидан турди-да бир ғазал ўқиди. «Ҳам» радифли ғазал мақтаида «Ҳилолий» тахаллуси қўлланилганди. Ушбу шеърни маҳлиё бўлиб тинглаб ўтирган Навоий шоир қўлидаги қофозни одди-да:

— Бундай бокира ғазалга яримта тахаллус етарли эмас, у бутун бўлиши керак, — деб «Ҳилолий»нинг устидан хат чизиб, «Бадрий» деб ёзиб қўйди.

Шундан сўнг бу шоир ўз ғазалларида «Ҳилолий» ёки «Бадриддин Ҳилолий» тахаллусини ишлатадиган бўлди.

«Замонасининг Ҳофизи Шерозийси» деб донг тарратган, Жомий ва Навоийдек буюкларнинг нафаси теккан, уларнинг бевосита ҳомийлигидан баҳраманд бўлган Ҳилолий XV асрнинг 70- ийларида Астрободда дунёга келади. Алишер Навоий «Мажолис-ун-нафоис» («Гўзал мажлислар») тазкирасида уни «туркийнажод» деб атайди. Бўлажак шоир ибтидоий таълимни ўз шаҳрида олгач, 1491 йили ўқишни давом эттириш мақса-

дида Ҳиротга келади ҳамда Навоий ва Жомийлар эҳтиярмига мушарраф бўлади. Улар мадраса толиби Ҳилолийни ўз паноҳларига оладилар: маънавий ва моддий кумакларини аямайдилар. Аслида заҳматкаш, илмга чанқоқ йигит ана шу мададкорлик туфайли тез орада «Шсьриятнинг барча жабҳаларида маҳорат пайдо қилили ва ўз замонасиning ягонасига айланди» (Фахрий Қиротий). Ҳилолийнинг фавқулодда кудрати, илм эгал ишидаги бетиним интилишлари, ижод заҳмати йўлида-1и бардоши ҳакида ўша давр адабиётшуносларию тарихчиларидан Восифий, Соммиро ва Хондамирлар кўп илиқ фикрлар ёзиг қолдирган. Жумладан, Бобур Ҳилолийнинг қувваи ҳофизаси ҳакида фикр юритиб «ўтгич-кирк минг шеър биларди. Низомий ва Ҳусрав Дехниний «Ҳамса»ларини ёддан ўқири», — дейди.

Ҳаёт саҳнасидан Жомию Навоийларнинг бирин-кечип ўтишлари, Ҳусайн Бойқаро (1506)нинг вафоти гул-ул яшнаган Ҳирот, ундаги илм-адаб аҳли бошига кўп кулфатлар келтирди: шаҳар хонавайрон қилинди, кўркам бинолар, мадрасаю мактаблар, нигористону табобатхоналарнинг кули кўкка совурилди, кўп фозил кишилар нисбатан осойишта Ҳиндуда Арабга ҳижрат қилдилар. Уз юртида яшаб қолган адиллар сафавийлар, шайбонийлар ҳамда Убайдуллоҳон тарафдорлари томонидан таъқиб, кувғин қилинди, қатл этилди. Жумладан, Жалолиддин Оғаҳий номли шоир Амир Ҳусрав Дехлавийнинг «Дарёи аброр» қасидасига татаббу таржда асар яратиб, бир неча байтида замонидаги зулмзўрликни танқид қилади. Шу «гуноҳи учун» Ҳирот ҳокими Амирхон фармонига кўра адилнинг тилини кесадилар; шеърларидаги кескин мулоҳазалари сабабли Аҳмад Табасийнинг ўнг қўли ва тилини кесиб ташлайдилар.

Ана шундай қонли ва мусибатли кунларда ҳам Ҳилолий Ҳиротни тарқ этмайди. 1529 йили Убайдуллоҳон Ҳурсонга ҳужум қилиб, халкни талайди, Ҳирот ахлига зуғумлар ўткизади, маърифат аҳли таҳқир этилади. Бу бедодликка чидай олмаган Ҳилолий Бухоро хонининг босқинчилигини лаънатлаб иккита рубоий ёзади. Шоирга ҳасадгўйлик ва баҳиллик назари билан караб юрган Мавлоно Бақрий ва Мавлоно Шамсуддин Кўҳистонийлар Убайдуллоҳонга бу рубоийларни жўнатиб, фитна уюштирадилар. Натижада «Ягонаи даврон ва нодираи замон» Ҳилолий 1529 йилнинг октябрь ойида Ҳиротда қатл этилади.

Ҳилолий нозикбин шоир, эҳтиросли олим, забар , даст достоннавис бўлган. Афсуски унинг мукаммал ижодий мероси бизгача етиб келмаган. Сайд Нафиси, Камол Айний, Аълохон Афсаҳзод сингари олимларнинг аниклашларича Ҳилолийнинг ҳозирча битта шеърий девони, уч достони ҳамда қофия илмига оид рисоласи маълум. Шоир девони фазал, қасида, рубоий, қитъя, чистон, соқийнома, мухаммас каби жанрлардаги асарлардан иборат.

Юқорида таъкидланганидек Ҳилолийнинг йигитлик йиллари Жомиу Навоийдек буюк даҳолар қаноти остида кечди; бу зотлар ўлгач, хусусан, Ҳусайн Бойқародек илму урфон мададкори вафотидан сўнг юз йилга яқин даврда гул-гул яшнаган маърифат нури сўна бошлиди, бутун Ҳурросон айниқса, Ҳирот шахри горатгарлар оёғи остида пайхон бўлди; барча ижод соҳиблари Шарқнинг тўрт томонига зада бўлган күшлардай тўзиб кетдилар, қолгандар эса қўркуву даҳшат исканжасида яшашга маҳкум этилгандилар. Мана шу ҳодисаларнинг барчасини Ҳилолий кўрди, бошидан ўтказиб, бевосита шоҳиди бўлди. Шунинг учун ҳам шоир девонини кузатар эканмиз, биз навқирон қалбнинг гўзаллигу шодлика интилишини, гул гаштию баҳор латофати, маҳбубанинг нозу истигносию майнинг руҳафзо файзи тараннуми, васфига дучор бўламиз. Бундай кезларда шоир чинакам табиат шайдоси, гўзаллик мубталоси, чин севги фидойиси сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Газалларда биз гул, баҳор, бўстон, май, соғар каби тимсолларни кўп учратамиз:

Хез, то имрўз бо ҳам соғари сахбо кашем,
Хешро доман кашон то домани сахро кашем.
Богу бўстон дилкаш асту кўку саҳро ҳам хуш аст,
Ҳар кучо гўйи бисоти айшро ончо кашем.

(Тур бугун биргаликда тонг майини сипқарайлар, бир-биримизнинг этагимизни тутиб, сахро четига борайлик. Богу-бўстон дилкашу сахрою гоғлар дилрабо, қаерни истасанг, ўша ерда айшу роҳат қиласлийк).

Аммо Ҳилолий шеъриятидаги бундай ҳаётбахш, кўтаринки руҳни кўпинча замондан, нобоп маслақдошлардан, сарватдору давлатмандлардан шикоят, бაъзан уларни рўйи-рост танқид эгаллайди. Шоир ёрнинг тошбагирлигию бевафолиги, ағёрнинг ғаламислигию буз-

гунчилиги, кажрафтор фалакнинг нобоплиги замирида

Освосита нобакор ҳокимлару талончи хону-султонлар-І ш назарда тутади, танқид килади, фалак шўъбадабозлигидан қон қақшаб нолийди. Газаллардаги «ситамкаш и даврон», «дилтангি фалак», «сар дар хок», «куштай гам», «жабрдидай фалаки кажрафтор», «расвои олам» ка-Ои сўз ва ибораларда бевосита адібнинг фам-ҳасрати, доду фарёди ўз аксини топган. Хуллас, Ҳилолий лирикасида мавжуд ижтимоий тузум иллатларини фош этиш, әдолатпарварлик, ижтимоий руҳ хийла кучли. Жуда кўп газалларида «кажрафтор фалак», «чархи кажрафтор», «бузилган замон» сўз ва ибораларини қўллаб, шеъринг танқидий руҳини янада оширишга эришади. Бир байтида шоир менинг бу нолаю фифоним ой юзли ёрдастидангина эмас, балки бу кулфатларни менинг бошимга тескари айланувчи чарх солди, дейди:

Нолай ман ин ҳама з-он моҳи хушрафтор нест.
Ҳарчи бо ман кард даври чархи кажрафтор кард.

Баъзан бутун бир ғазал шикоят мотивида, танқидий руҳда ёзилганлигини ҳам кузатиш мумкин.

Ҳилолий ўз асрининг ғазал устаси бўлиш билан бирга маснавийда моҳир санъаткор ҳисобланади. Ундан бизга қадар «Сифатул ошиқин», «Шоҳу Дарвеш» ҳамда «Лайли ва Мажнун» достонлари сақланиб қолган. Ҳилолийнинг ҳар уч достони аҳлоқий-таълимий, инсондўстлик, әдолатпешалигу ишқ-муҳаббат тасвирига бағишлиланган. Чунончи, «Шоҳу Дарвеш»да тасвирланишича ҳаётдаги турли-туман тўсиклар, рақибнинг фитнаси, айрим нобоп гурухларнинг баҳилликлари ҳам мактабдаги ўқиши, меҳнат, ҳаётдаги зиддиятларни матонат билан енгиб ўтиш жараёнларида шаклланган Шоҳ ва Дарвеш ўртасидаги метиндек дўстликка раҳна соломайди. Шоҳ отасининг васияти ва дўстининг маслаҳатига кўра юртни акл-заковат билан, әдолат билан бошқаради, фуқаропарварлик йўлини тутади.

Низомийнинг «Махзан-ул-асрор», Ҳусрав Дехлавийнинг «Матлаъ-ул-анвор», Жомийнинг «Тухфат-ул-аҳрор» достонларига ўҳшатма тарзида яратилган «Сифат-ул-ошиқин» достонида Ҳилолий вафо ҳамда садоқат, ҳалолу поклик, илм ўрганиш, меҳнатсеварлик, жавонмардлик, хайру саховат, ҳаёв тавозу, тил ва сўзлашув одоби, ҳалимлик ва ширинсуханлик, инсондўстлик сингари масалалар хусусида панд-насиҳат беради. Айни пайтда 20 бобдан иборат бу маснавийда

муаллиф зулм-зўрлик, жаҳолат ва разолатни, тамаъгирлигу дилозорликни, бағритошлиғу аччиқсўзликни, танбаллигу бепарволикни, судхўрлигу гаразгўйликни ғайриинсоний хатти-харакатлар сифатида қаттиқ қоралайди. Санъаткор ҳар бир мулоҳазасини турли масал ва ҳикоятлар билан, ўзи яшаётган турмушдан олинган бирон лавҳа орқали асослаб, тасдиқлаб боради.

Гарчи Ҳилолий «Лайли ва Мажнун»ни ёзишда устозлар анъанасидан бевосита файз топган бўлса ҳам, аммо воқеалар тавсилоти, тимсоллар талқини, хусусан, бадиий тасвирида ўзига хос бир санъаткор эканлигини кўрсата олган. Чунончи, Лайли ва Мажнунлар ўқиётган мактаб, қабилаларо илм маскани сифатида тасвирланиб, унда юзта ўғил бола, юзта қиз бола биргаликда таълим оларди, Мажнуннинг отаси катта қабила бошлиғи, энг бадавлат кишилардан, деб тасвирланади. Ҳилолий назарида Лайли хийла дадил, ошиқ ахволига куйинади; унинг дардига малҳам бўлишга интилади; ўзининг олийжаноб мақсадига эришиш йўлида ҳаракат қиласи, ҳар қандай тўсиқларни ҳам енгиб ўтиш пайидан бўлади.

Хуллас, устозлар васияти ҳамда анъанасига содик қолган Ҳилолий ўз асарларида ҳаётга, гўзалликка, инсонга муҳаббат ғояларини тарғиб этди; қатли ом, зулм-зўрлик авж олган кунларда жонини жаллодга тикиб бўлса ҳамadolатни, фуқаропарварликни ёқлади. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ҳамиша ҳалқ билан ҳамроҳ: эллиқдан зиёд ғазаллари «Шашмаком» таркибидан жой олган; машҳур адабимиз Оғаҳий «Шоҳу Дарвеш» достонини ўзбек тилига таржима қилган.

«ШОҲНОМА»ХОН МУСАВВИР

Юртимизнинг энг кўхна шаҳарларидан бўлмиш Сармарқанд қадим-улайёмдан илм-фан, тасвирий санъат, бадиий адабиёт ҳар томонлама тараққий топиб, турли даврларда ўз мавқенини сақлаб келаётган шаҳардир. Афросиёб ва бошқа мавзеларни қазиши пайтида қадимшуносларимиз қўлга киритган ашёлар ушбу шаҳар худудида яшаган аждодларимиз қадимги замонларда ёғоч ва ганж ўймакорлиги, нақкошлиғу мис кандакорлиги хунарлари, ранг тасвир ҳамда ганжда қиёфани ифода этишда юксак тараққиётга эришган, мумтоз асарлар яратишганлигини исботлашган. Афросиёб қалъаси де-

норларидаги манзара тасвири, сипохлар, элчилар, хоиаки ҳамда ёввойи қушларнинг мой бўёқдаги тасвирлари бу фикрни яна бир карга тасдиқлайди. Ана шу анъана Самарқандда китобат санъатининг ривожланип|и билан XV—XVIII асрларда янада давом эттирилди ва ўзига хос бир миниатюра мактаби вужудга келди. Самарқанд миниатюра доираси тараққиётида машхур мусаввир Мухаммад Муроднинг хиссаси, айниқса, каттадир.

Мухаммад Мурод Самарқандий XVI асрнинг охирларида Самарқандда туғилган. Ёшлигидан чехракушоликка қизиққан, хусусий муаллимлардан хаттотлик ва китоб наққошлиги бўйича дарс олган. Кейинчалик Улугбек мадрасасида таълим олиб, илмий маъкул ва манқул (диний ва дунёвий билимлар) бўйича яхши савод чи-карган. Мадраса хатмидан сўнг у китоб кўчириш ва уларни рангли суратлар, нақшларла безаш билан шуғулланади. Аммо мусаввирнинг жонзорлар, хусусан, инсон ташки кўриниши, табиат манзаралари, сарбозлару жанг жараёнларини гоятда маҳорат билан чиза бошлаганини сезган мутассиб уламолар уни таъқиб эта бошлайдилар. Буни сезган рассом дўсти Мухаммад Нодир

Самарқандий билан маҳфий тарзда Хиндистонга кетишга мажбур бўлади. Бобурийлар сулоласи хукмронлари замонида Агра ва Дехлида яшади, дўсти Мухаммад Нодир билан биргаликда Аграда санъат мактаби ташкил этди. Мухаммад Мурод Самарқандий ўз мактабида ўнлаб мусаввирларни тарбиялаб етиштиришга муваффақ бўлади. Ҳинд тасвирий санъатининг атоқли вакиллари Басрант, Бихаши, Гужаратий, Иброҳим Қаҳор, Банвари Хурд, Сури Гужаратий, Парвин, Ром Да-ва бошқалар бевосита Мухаммад Муроднинг шогирдларидирлар. Мусаввир XVII асрнинг биринчи чорагида Дехлида вафот этган. Мухаммад Мурод Самарқандий хаёти ва ижодий меросини топиш ва ўрганишда профессорлар И. Низомиддинов ҳамда М. Ашрафийларнинг хизматлари катта.

Маълумки тасвирий санъат оламида «чеҳракушолар сарвари», «Шарқ Рафаэли» деб донг таратган Камолиддин Беҳзод Хурросону Мовароуннахр халқлари тасвирий санъатини янги тараққиёт чўққисига олиб чиқди. У кичик ҳамждаги рангли суратларда табиат тасвири, киборлар сухбати, қабул маросими, ошиқлар учрашуви, муҳориба асноси, донишманлар баҳси, инсон ташки қиёфасини гоятда нафис, мукаммал тасвиrlаш-

га эришди; ранглар таносибини сақлаш, тасвиrlанаётган шахслар қиёfasининг ўзига хослигига эришиш мусаввир асарларининг нозик жиҳатларидандир. Мұхаммад Мурод Самарқандий Беҳзоддаги ана шу ўта нағислигу бокира кўтaringилик рухини муваффакият билан давом эттирган санъаткордир. Тадқиқотчилар-нинг таъкидлашича мусаввир Шарқ мутафаккирлари-нинг ўнлаб асарларини безаган, уларга юзлаб миниатюралар чизган; Ҳиндистоннинг бетакрор табиатининг муайян гўшалари рассом мўйқалами орқали қоғоз юзида қайта жонланган, темурий зодагонларнинг аксини яратган. Лекин бундай асарларга Мұхаммад Мурод имзо чекмагани сабабли уларни аниқ ажратса олиш қийин. Аммо шунга қарамай санъатшунослар ватандошимиз миниатюраларининг услубига қараб маълум миқдорини муайян этишга эришганлар. Уларнинг бизгача мұкаммал сақланиб қолганлари 200 дан ортиқдир.

Мусаввирга жуда катта шуҳрат келтирган асари Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сига чизилган ва Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1811 рақамидаги дастхат таркибида сакданаётган 115 миниатюрадир. Бундан ташқари Мұхаммад Мурод томонидан Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўйстон» асарларига чизилган миниатюралари Париж миллий кутубхонасида ҳам мавжуд. Мұхаммад Мурод Самарқандий Мовароуннаҳрда яшаб ижод этган мусаввирлардан асарлари энг кўп бизгача етиб келган рассом ҳисобланади. Мұхаммад Мурод билан ҳамроҳ Ҳиндистонга келган Мұхаммад Нодир Самарқандий Бобурийлар сулоласининг «Шаҳаншоҳлик муроққаъси» (Империя альбоми)ни тузган. Баъзи санъатшунослар муроққаъдаги шахзодалар портрети Мұхаммад Мурод қаламига мансуб деган фикрни биддирмоқдалар. Чунки, бир қанча портретлар манзара тасвири замирида чизилганким, бу услуб Мұхаммад Муродгагина хосдир. Йигитлик онларидаёқ «Шоҳнома»дек буюк асарда тасвиrlанган тимсоллар сиймосини баркамол тасвиrlай олгани ҳам бу мулоҳазани қувватлайди.

Маълумки Фирдавсий «Шоҳнома»си яратилгандан бери турли асрларда юзлаб котиблар уни қайта-қайта хушнавис қилдилар, наққошлар турли лавҳалар билан безадилар; мусаввирлар ҳар бир достон воқеасига мос расмлар чиздилар. XIII асрдан бошлаб Миср, Табриз, Исфаҳон, Шероз, Ҳирот, Марв, Урганч, Тошкент, Дехли, Самарқанд шаҳарларида «Шоҳнома» дастнависла-

)И1п турли-туман услубдаги чехракушолар миниатюрашр чиздилар. Улар орасида 1556—57 йилларда кўчирилган «Шоҳнома» нусхасига Муҳаммад Мурод томонидан чизилган суратлар энг кўп ва хўп хисобланади. 1 сроки, мусаввир ҳар бир достондаги воқеа жараёнига, мюир ижодий ниятига мос суратлар чизган. Буюк шоир •111оҳнома»да ҳалқ қаҳрамонлиги, инсондўстлик, вакшиарварлик, мардлик ва жасорат, адолагли шоҳ бошчилигига марказлашган давлат учун кураш, жанг ўрни-1а сулҳнинг афзалиги, ҳалқдар дўстлиги, тинч-тотув яшаш, ишқ-муҳаббат каби ҳамиша инсониятни лол қолнириб келаётган гояларни баланд пардаларда куйлаган, жақолат ва разолатта нисбатан заковат ва маърифатни қарши қўйган, зулмат устидан ҳамиша нур-рўшнолик-инг ғалаба қилиши тарафдори бўлган.

Муҳаммад Мурод Самарқандий 115 миниатюраларда Фирдавсий достонларидағи ана шу юксак инсониарварлик, адолатпешалигу маърифатпарварлик гояларини ўта лиизм ва юксак кўтаринкилиқ, жанговарлигу шердиллик руҳида ранг-баранг лавҳалар орқали тадрижий такомилда тасвирилашга эришган.

«Темиричи Кова қўзғолони», «Захҳокнинг Фаридун томонидан асир олиниши», «Золи Зарнинг Мехроби Қобулий билан сухбати», «Фаридуннинг ўғиллари Яман 1моҳи хузурида», «Рустамнинг туғилиши», «Бежон ва Манижа», «Таҳминанинг Рустам билан учрашуви» сингари ўнлаб асарлар бу фикрни тасдиқлади. Чунончи, Шаҳзодаларнинг Яман шоҳи томонидан имтиҳон қилинишида Фирдавсий асарида кўзда тутилган ниятва достон воқеаси ихчам тарзда мукамал акс топган. Ўртада шаҳаншоҳ ўтириби. Унинг чехраси, келбат ва салобати кўпни кўрган, донишманд эканлигини кўрсатиб туриби. У кўлларини кўтариб Салм, Тўр ва Эражларга мурожаат қилмоқда. Рӯпарада ўтирган шаҳзодалар бош эгиб нимтаъзимда.Faқат Эражнинггина икки кўли олдинда — таъзимга қовушган. Эраж билимдон, заковатли, инсондўст, акалари эса такаббур, шаҳзодалиги тутиб туриби. Чап томонда эса Яман шоҳининг қизлари қизил, жигарранг, нофармон рангдаги арабий либосларда ўтириби. Бошлари таъзимда. Олдиндаги дастархонга уч шаҳзодага мўлжалланган тожсимон тилсим анжомлари қўйилган. Суратда барча чизик, лавҳа, лаҳза ва ранглар ниҳоятда уйғун ва мутаносиб, саволжавоб, сухбатнинг самимийлиги яққол сезилиб турибди. Захҳокнинг хибсига олиниши тасвирида эса ҳалқ

кудратининг разолат устидан ғалаба қозониши оломон рухияти орқали кўрсатилган. Жанглар тасвири, Рустамнинг Оқ фил, Акван дев билан олишуви, Анўшервони Одилнинг сарой аъёнларига насиҳати, темиртирноқ руйинатан Исфандиёр келбати тасвиirlари ҳам «Шоҳнома» сюжетларига мутаносиблиги, нозик ранг, мўъжаз тасвиirlар орқали юксак гояларнинг ифодаланиши жиҳатидан дикқатга сазовордир. «Гулистон»га чизилган икки миниатюра остига муаллиф имзо чеккан «Шаҳзода», «Шива Парвати» суратлари ҳам ўзининг композицион бутунлиги, ранг танлаш ҳамда тасвиirlанаётган сиймо руҳий дунёсини ҳам изчил акс эттирилганлиги билан алоҳида қимматга молик.

Шуни атоҳида таъкидлаш керакки Муҳаммад Мурод Самарқандий ижоди маҳсус ўрганишга арзирли мерос. Унинг «Шоҳнома»га чизган миниатюрапарини алоҳида альбом сифатида нашр қилинса, нур устига аъло нур бўлар эди.

САРКАРДА ШОИР

Ўн биринчи асрдан бошлаб Ҳиндистон форсий ва туркий тиллардаги шеърият равнақига улкан ҳисса қўшиб келган минтақага айланади. Шижаотли қўшин бошлиғи, доно давлат арбоби Байрамхон ана шундай Ҳиндистонлик туркийгўй форсийзабон шоирлардан бири эди.

Ўн олтинчи асрда яшаб ижод этган Муҳаммад Байрамхон 1504 йили Газнада туғилиб, 1555 (айрим манбаларда 1561 йил ёзилган) йили Ҳиндистоннинг Патна шаҳри яқинидан ҳаж сафари пайтида Муборак лаханий томонидан ўлдирилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича Байрамхон ҳарбийлар хонадонидан бўлиб, ота-боболари туркманларнинг Баҳорлу қабила-сидандир. Отаси Сайф Алибек Газна вилоятининг ҳокими бўлган, онаси эса Балх ҳокимининг қизи эди. Отасидан ёш етим қолган Байрамхон Балхга — она томонидан қариндошлари ҳузурига боради. Хат-саводини чиқаргач, Балх ва Бадаҳшон мадрасаларида ўқийди, диний, дунёвий, хусусан, ҳарбий билимларни пухта эгаллайди. Натижада файласуф олим, лашкарбoshi, давлат арбоби, бастакор ҳамда шоир сифатида шухрат крzonади.

Ўз шижаоту жасорати билан алоҳида ажралиб турган

Байрамхон ўша йиллари Бадахшон волийси бўлган Ҳумоюн қўшинига сарбозликка қабул қилинади. Ушанда у »мди 17 ёшга тўлган йигитча эди. Байрамхон турли ички можароларда зўр мардлик ва қахрамонлик кўрсатади. Шупинг учун ҳам у Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюнга (и)ш маслаҳатчи бўлиб келади. У Ҳиндистондаги бобурйлар сулоласини мустаҳкамлаш, кенгайтиришда энг кўи жасорат кўрсатган қўмондонлардан хисобланади. ۯлто у Каннауж яқинидаги жангда Шершоҳга асир тушади. Баҳти тасодифга кўра қочишга муваффақбўлган Байрамхон икки йилдан сўнг (1542) кўп сарсонликлардан ксийин яна Ҳумоюн даргоҳига кириб келади.

Ҳумоюн давлатини мустаҳкамлаш, ака-укаларни муросага келтириш, бобурийлар душмани Шершоҳга қарп ш курашда Эрон шоҳи Тоҳмасбнинг ёрдамини уюшгириш ва бошқа давлат аҳамиятига молик тадбирларни лмалга оширишда Байрамхон ҳал қилувчи шахс бўлган. Шунинг учун ҳам Ҳумоюн унга Қандаҳор ҳокимлигини инъом этган, ўз ўғли Ақбарнинг «оталиқи»ни унга топширган. Бундан ташқари бобурийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Байрамхон турли ҳарбий вазифалар ҳамда давлат лавозимларида хизмат қиласди; Ақбарпюҳ замонидан бош қўмондон даражасигача кўтарилади. Хуросону Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонга бориб қолган машҳур кишилардан Байрамхонгина «Хони хонон», «Вакилуссалтана» ҳамда «Эътимодуддавла» мартабалари га раига эришган. Саройдаги галамисликлар, айрим сафдошларининг фитналари туфайли бир оз вақт Байрамхон билан Ақбар муносабатлари бузилиб, ўзаро душманга айланган бўлсалар-да, умрининг охирги йилларида яна саройга қайтиб, ўз лавозимига тикланади. Лекин шундай буюк шахс фитна туфайли номардлар кўлидан ҳалок бўлади.

Байрамхон туркий, форсий, ҳамда ҳиндуда тилларида мумтоз шеърлар яратган. Унинг туркий тилдаги шеърлари девони 359 байтдан, форсий тилдагиси эса 608 байтдан иборат. Девонларда газал, маснавий, рубоий, китъя, фард, тарих каби жанрлардаги шеърлар жамланган. Шоирнинг Ҳумоюн ва Ақбарларга бағищланган бир неча қасидалари ҳам сакланиб қолган. У ўз шеърларида Саъдий, Ҳофиз, Ҳусрав Дехлавий, Жомий ҳамда Навоий каби санъаткорларнинг кутлуғ анъаналарини давом эттириб, инсонпарварлик гояларини, севгি-муҳаббатни юксак бадиийликда ифодалашга муваффақ бўлган.

Байрамхон анъанавий мухаббат мавзусини тасвирилар экан, кўпроқ маъшука чиройи, нозу карашмасини, ошиқнинг садоқатини ўзига хос нағислик, ўйноқилида ифодалашга, рангин бадиий-тасвирий воситалар ишлатишга, соғ туркий ибора ва бирималарни қўллаб, услубда айрича бир равонликка эришишга интилади. «Санга», «Сочинг», «Бўлмасам», «Хандонгинам», «Худройлиф», «Инонма», сингари ўнлаб ғазаллари ана шундай халқона, равон, мусиқий ғазаллар ҳисобланади. Аксарият классикларимизнинг ғазалларида ёрнинг сочи мушки анбар таратувчи аъзо, ошиқ гарданига ташланган занжир, тузоқ тимсоли сифатида тасвиранади, ишлатилади. Байрамхон тасвирилаётган маъшуқнинг сочи гўзаллик тимсоли, ошиққа нур, рўшнолик баҳш эта-диган бир мўъжиза. Ялдо кечаси ёр сочини паришон қилиб, тарагани учун ҳаммаёқ ёришиб кетади. Ошиқ ёрига содиклик изҳор этар экан, ундан ҳам садоқатли бўлишни ўтинади:

Ҳар неча эй бевафо, васлингта лойик бўлмасам,
Ишқ аҳли бўлмайин, ишқингда содик бўлмасам.
Топмайин сендин муроде, эътиқодим бўлмасам,
Сен менга бўлгил мухолиф, гар мувофиқ бўлмасам.

Маълумки, Байрамхон даврида мусулмонлар билан Хиндиистондаги бошқа эътиқод вакиллари ўртасида жиддий келишмовчиликлар юз берар, баъзан бундай зиддиятлар қирғинработ жангларга сабаб бўларди. Шоир айрим ғазаллари, бир қанча рубойларида ана шу гайриинсоний ҳодисаларни бир мутафаккир сифатида қоралаб, инсонпарварлик, халқлар дўстлиги, тотувликини тарғиб этарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шоир асарларида мавжуд ижтимоий мухит иллатларини танқид қилиш, айрим дин арбобларида икки юзламачилик, феодал зодагонлар ўртасидаги бузғунчиликни қоралаш, оддий меҳнаткаш халққа зулм-зўрлик ўтказишга ачиниш оҳанги хийла кучли. Айниқса туркий ва форсий тиллардаги қонтияларида ижтимоий адолатсизликни фош этиш анча устун. Бир форсий қитъасида шоир: «Эй, Хожа, узугингга адолат ва ҳақиқат ҳикматини ёздиргансану етиму беваларнинг ҳаққини ейсан, молини талайсан. Сенинг шуҳратингу давлатинг камбағаллар гарданига юкланган» дейди.

Байрамхон рубойлари ўзининг шакли, мавзу дои-

раси, бадий унсурлари жихатидан Бобур шеърларини эслатади. Чунки, бу саркарда шоир ҳам худди Бобур сингари замонғшинг тескари айланишини лаънатлади, аччиқ қисматидан зорланади, юксак инсоний хислатлар, одамийлик, илм-маърифатни тарғиб қилади:

Байрамга басе ғарифлик кор этди,
Ғурбат ани хору, зору, бемор этди.
Ё рабки балоларга гирифтөр ўлсун,
Ҳар ким ани ғамларга гирифтөр этди.

Юқорида таъкидлаганидек саройдаги ғаламусликлар, «бек атка»даги такобур ва мансабга кўз олайтириш туфайли Акбар билан ўзаро низога боришади. Шоҳ ҳам дастлабки пайтларда ўз «пушту паноҳи»ни кечирмайди. Куйидаги рубоийда Байрамхоннинг бошига тушган ана шу мудхиш кунлар ўз ифодасини топган:

Аввал мени хизматингга маҳрам қилдинг,
Базмингоро ҳамзабону ҳамдам қилдинг.
Охирида илтифотни кам қилдинг,
Расвои тамоми алам қиддинг.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Байрамхон касидалари, айрим ғазаллари, хусусан, рубоийларида ахлоқий-таълимий мулоҳазалар, инсонпарварликка, илм ўрганиш, касб-хунар эгаллашга даъват, мазлумларга раҳм-шафқатли бўлишга ундаш ҳам хийла устун.

Ҳар сўзки ғаразгў деса, эй ёр инонма,
Арбоби ғараз сўзига, зинхор инонма.

Шоир уч тилда баробар ижод этгани учун, баъзи ғазаллари, рубоийларида алоҳида байтлар «Ширу шакар»га ўхшаб кетади:

Жон топар юз Масиҳ лаълингдан,
Лаби лаълинг кужо, Масиҳ кужо.

Хуллас, буюк саркарда, донишманд мураббий, шоир Байрамхоннинг туркий ва форсий тилларида ижоди XVI аср бобурийлар даври Ҳиндистондаги шеъриятининг зарваракларини ташкил этади. Шоир ижодини ўрганишга С. Фаниева ҳамда Р. Иномхўжаевлар муносаби улуш қўшишган.

ТАРИХЧИ ОЛИМ ВА САЙЁХ

Ўрта Осиёлик шоир, тарихчи, табиб, адабиётшунос, сайд ёх Махмуд ибн Валининг номи[^] 80-йилларга қадар илм-адаб ахлига таниш эмас эди. Ўзбекистон Республикаси ФА академиги Бўривой Аҳмедов «Баҳр-ул асрор» китобини форсийдан рус тилига таржима килгандан сўнг унинг сиймоси китобхонларга маълум бўлди. Мутаржимнинг аниклалича, бўлажак донишманд Махмуд ибн Вали 1595—1596 йиллар орасида Балхда туғилади. Махмуднинг отаси мир Муҳаммад Вали Косонсой саййидларидан бўлиб, Шайбоний амирларидан бўлмиш Пирмуҳаммадхон ҳукмронлиги (1546—1567) даврида — йигитлик палласида Балхга келиб қолган. У ўз даврининг донишмандларидан ҳисобланиб, «Мири Хислат» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Махмуднинг акаси Амир Абдулбори бўлса табиб ва фикҳ олимларидан экан.

Махмуд ибн Вали ўз давридаги барча билимларни қунт билан эгаллади. Йигитлик онларидаёқ хуштаъб шоир, кўп билимларни пухта эгаллаган, фикҳ бўйича баҳсларда ўзғирлик қиласиган олим сифатида танилади. Шунинг учун ҳам машхур диншунос шайх, олимнинг поччаси Миракшоҳ Ҳусайний 19 яшар Махмуд ибн Валини ўзига мурид килиб олади. У ўз даврининг улкан табиби ва фикҳшуноси Миракшоҳ Ҳусайнийдан кўп нарса ўрганади, унинг бой кутубхонасида муттасил китоб мутолаа қилиш имкониятига эга бўлadi. Махмуд ибни Вали Ибн ал-Фақиҳ, Муқаддасий, Истахрий, Закриёи Қазвиний, Банокатий, Вассоф, Ҳамидуллоҳи Қазвиний, Рашидиддин Жувайний, Мирхонд сингари олимларнинг асарлари билан устози Ҳусайний даргоҳида танишишга муюссар бўлганлигини ёзиб қолдирган.

1625 йили (Миракшоҳнинг вафотидан кейин) Махмуд ибн Вали «ўқиган ва билганларини ўз кўзи билан кўриш» мақсадида карвонга ҳамроҳ бўлиб Ҳиндистон ва Сарандибга йўл олади. Махмуд бу ўлкаларни етти йил кезиб чиқади: Дехли, Лохур, Пешовар, Агра, Ҳайдаробод, Калькутта, Бихар, Виджянагар, Гонконда сингари ўнлаб шаҳарларда бўлади, ҳинд ва цейлон халқлари юртларининг тарихи, географияси, ҳайвонот олами, маданияти, касб-корини ҳар томонлама пухта ўрганади. 1631 йили сафардан кайтгач Махмуд ибн Вали Балх ҳокими саройи китобдори вазифасига тайинлана-

ди. Олим умрининг охиригача шу мансабда ишлайди ва XVII асрнинг 60-йиллари ўрталарида вафот этади.

Махмуд ибн Вали адиб, минералог, ўсимлиқшунос, табиб, фикъшунос, тарихчи ва географ олим сифатида ўзидан кейин ўнлаб асарлар қолдирган. «Равойиха тайиба» («Ёқимли тароват») «Мухаббатнома», «Нажми соҳиб» («Ёрқин юлдуз»), «Рисолай баҳория», «Ахлоқи Ҳусайнний», «Баҳр-ул асрор» хамда 50 минг байтдан иборат шеърлар девони шулар жумласидандир. Ағусуки, бу асарларнинг аксариятининг дастхати бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилмаган.

Махмуд ибн Валига олим сифатида шуҳрат келтирган асар, ҳар бир жилди тўрт қисмдан иборат етти жилдлик «Баҳр-ул асрор»дир. Мазкур асар Балх ҳокими Нодир Муҳаммадхон топшириғига мувофиқ 1645—1651 йиллар орасида форсий тидда ёзилган. Муаллиф ушбу китобни битишда ўзидан олдин ўтган Ибн ал Фақих, Табарий, Истахрий, Ибн Ҳуакал, Масъудий, Абу Дулаф, Яъқубий Муқаддасий (IX—X асрлар), Екут Ибн Фадлон, Закриёи Қазвиний, Ал Гарнатий (XI—XII асрлар) сингари ўнлаб арабийнавис ва форсий қалам олимларнинг асарларидан, ўзининг бевосита сафар кундаликларидан фойдаланган. Бундан ташқари мусанниф рисоласининг баъзи ўринларида «Гершаспнома», «Тарихи Кўрагониён» номли илмий жамоатчиликка кам маълум манбаларга ҳам суюнганини уқтиради.

«Баҳр-ул асрор» тарих китоби бўлса-да, қомусий характеристердаги асардир. Зероки, унда адиб, бир томондан, Мовароуннаҳр, Хурросон, Ҳиндистон, Сарандиб, Шарқий Туркистон ва бошқа ўлкаларнинг тарихи, географияси, этнографияси, маданияти хақида маълумот беради. Иккинчи томондан эса, тилга олинган мамлакат, юрт, вилоят, ноҳия, қаря, қишлоқ ҳалқларининг ўзга эллар билан муносабати, эътиқоди, урф-одати, касбкори, ҳарбий санъати, хунармандчилик, дехқончилик, боғдорчилик, чорвачилик, ҳалқнинг маданий-маънавий юмуши, савдо-сотиги, дунё бозорига чиқарадиган маҳсулотлари хақида аник далиллар келтиради. Бундан ташқари китобнинг алоҳида қисмларида турли қитъаларнинг хайвонот ва ўсимлик олами, қазилма бойликлари, сув, чашмаларининг маъданлари, доривор ўсимликлари, ҳалқ табобати удумлари хусусида ҳам завқпаниб ёзади ва қизиқарли маълумотлар беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Махмуд ибн Вали тарихий фактлар, воқеаларни, турли манзилгоҳдар

манзарасини тарихчи нигоҳи билан кўради, кузатади, ёзувчи диди билан идрок этиб, саҳифага туширади. Асарнинг бадиий-эстетик қимматини ошириш мақсадида шеърий парчалар билан безатади. Натижада бундай саҳифалар у ёки бу тарихий воеа, юрт тасвирига бағишинланган бадиий лавҳани эслатади. Ёзувчининг ота юрти тасвири фикримизни исботлайди. «Косон-Фарғона Ахсикентига қарашли манзилгоҳдир. Унинг гўзал далаларию мафтункор саҳролари ҳамда дилрабо иқлими кўрар кўзни қамаштиради. Ноҳия боғу роғларую экинзорлари равзай ризвонни эслатади. Жаннатосо бўстонларио ерларининг серхосилиги ҳадду худудсиз. Меваларидан ўрик, шафтоли, узум ва қовунлари ҳаддан ташқари зебо ва тотлидир.

Бу ернинг аҳолисидан, айниқса, саййидларидан бўлмиш икки уруг алоҳида мартабага эга. Уларнинг бирини ойма саййидлари, иккинчисини эса, тайёқ саййидлари дейилади. Даҳбеднинг энг машҳур саййидларидан Маҳдуми Аъзам, Хўжа Исҳоқ, Хўжа Ҳошим, Хўжа Солиҳлар асли косонликлардир. Ушбу сатрлар муаллифнинг отаси ҳам косонлик бўлиб, худо раҳмат қилгур Бурхониддин Қилич авлодларидан эди. Унинг насли тайёқ саййидларига бориб тақалади». Фарғона вилоятининг маркази бўлмиш Андижон ҳакида сўз юритар экан, Маҳмуд ибн Вали шаҳар халқининг сипохийлик, жангариликка ўчлигини, халқ доимий ҳарбий тайёрликда юриши, турли-туман куроллар ишлаб чиқарилиши, ҳатто қўшчилар ҳам иш пайтида ўзлари билан ҳарбий курол олиб юришлари ва бунинг сабабини батафсил ёзиб қолдирган. «Аҳси гўзал ва обод шаҳар, шайх ва олимлар маскани, шоир Асириддин ҳам Ахсикатийдир», дейди муаллиф. Бухоро араб тарихчилари томонидан «Ислом гумбази», «Илм ва олимлар чашмаси» деб аталаркан.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр-ул асрор» («Сирлар уммони») асари Ўрта Осиё ва Хурросон, Ҳиндистон, Сарандиг, Қашқар юртларининг тарихи, илм-фани, маданияти, географияси, табиити, аҳолиси, турли ижтимоий табакалар ҳакида муқаммал маълумот берадиган мўътабар китобдир. Бундан ташқари, ушбу китоб XII—XIV асрлар орасида араб ва форсий тилда Шарқ тарихи, илм-фани, географиясига оид битилган ўнлаб нодир китоблар, улардаги камёб фикрлар ҳакида ҳам маълумот берадиган қиммат баҳо манбадир. Қомусий билим соҳиби, ватандошимиз

Махмуд ибн Валининг асарлари ханузгача ўзбек тилига таржима қилинмаганлиги афсусланарли бир ҳолдир.

СОҲИР САНЪАТКОР

Кўхна машриқзаминда шундай даҳо санъаткорлар этишиб чиққанки, уларнинг асарлари бутун инсониятни ҳамиша лол қолдириб келаётган муаммоларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатларини ҳал этишга ёрдам беради. Мирза Абдулкодир Бедил ана шундай буюк инсонлардандир. Бўлажак файласуф шоир, нозикбин адаб, фикҳ донишманди, табиатшунос олим 1644 йили Хиндистоннинг Азимобод шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида дунёга келди. Унинг боболари асли Шаҳри-сабзлик бўлган. Бедил бир яшарлигига отадан етим колади, онаси тарбиялаб, 5,5 яшарлигига мактабга беради. У 7 яшарлигига яхшигина савод чиқаради. Амакиси Мирза Қаландар ва тоғаси Мирза Зарифлар ҳомийлигига Бедил замонасадаги барча диний ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллади. Бедил 17 яшарлигига тоғаси билан Удеса шаҳрига сафар қилиб, машхур руҳшунос Шоқосим Хувалло қўлида уч йил таълим олади. Ҳинд, араб ва форсий тилларни ҳамда уларда яратилган бадиий адабиётни пухта ўзлаштиради. Бедил 10 яшарлигига шеър ёза бошлаган бўлса ҳам, баъзи ғаламус ижодкорлар унинг иқтидорига шубҳа билан ҳарашгани учун асарларини дўстларининг илтимоси билангина 20 ёшида китоб ҳолига келтиради. Бу орада Мирза Зариф ва Мирза Қаландарлар оламдан ўтадилар. 21 ёшида Бедил батамом мустакил ҳаёт йўлига киради.

Ўша йиллари Бедил шаҳарни тарк этиб, Дехлига боради ва Шоҳкобулий номли донишманд билан танишиб, сўғизмнинг мажзубия оқимини қабул қиласиди. Ундан сеҳргарлик-психологик таъсир илмини ўргана-ди. Бедил 25 яшарлигига уйланиб, Аврангзебнинг ўғли Аъзамшоҳ даргоҳида навкарлик хизматида бўлади. Бедилнинг шоирлигини сезган Аъзамшоҳ ундан ўзи ҳақида қасида ёзишни истайди. Ҳеч қачон ҳеч кимга маддоҳлик кilmagan хур фикрли Бедил бу хошишни бажармай, навкарликдан воз кечиб, Ақбарободга бора-ди: Зухурий, Иззат номли шоирлар билан танишиб, адабий мажлисларда иштирок эта бошлайди, шоир ва фозил Мирза Комгор билан ошналик пайдо қиласиди.

Лекин бу е₀л_я

6 * * ° ° * Й £ ° ч б у Д & №ДУРУст сиёсати
 бадан Пад X шүнинг учун ^{ВИЛО} ке »тлард^а ^Чу~
 тон б' ^{ад}*обга кети...», Дил ЛҮГТГ^а адаш нлап
 А И Р & ^ о ар ^ б и л и н ^ ^ ^ р н и А Ч И А -
 Даи қилиб ^{о ятла} 16% Рини ўп ^ а ^ и , Кэдимги ч^а,
 соңидкада ^ ⁹ э ^ илгача хал^а ил Я ия ^ ири ^ шди т
 ДИМГ Т ^ якиндан тани,,,? ^ ОФз аки и! п * асти ^ маданияти Р ~
 "Усулмонлап шди: т адт-тож ^ д сно малапи £1, Ва

=2^N_0^{\infty}\lambda^{\frac{1}{2}}\sqrt{55}

M O ^ T ^ TM a n T_{III}⁶ o III ^ ^ P " ^ - o a^a, ":

аиX^и5-=-,ГГ-^

$\wedge^{\text{TM}}_6 \circ T,, p; T\Gamma^{\text{H}\Gamma} \gg "P \ll \text{га а}$, ро TMНИ

Λ_ο_н Λ£ " - ° я Г Ж ^ Г Й К Ъ ^ -

лиги, турли элат ва миллатлар бирлиги, комил инсон гарбияси, меҳнатсеварлик ғояларини илгари суради; кишиларни илм ўрганишга, қасб-хунар эгаллашга, ҳаётга гетик кўз билан қарашга даъват этади. Айни пайтда шоир танбаллик, очкўзлик, макр, тамаъгирлик, хукмрон табақаларга лаганбардорлик, хиёнат, судхўрлик, кибрхаво, жоҳиллик сингари ғайринсоний хислатларни қаттиқ танқид қиласди. Бедил Ҳиндистоннинг бетакрор табиатининг рангоранг жилоларда тасвирлашга муваффақ бўлган шоирдир. Жумладан «Тури маъри-фат» маснавийсида (1687) Байрот тоги атрофлари шу даражада сеҳрли ва жозибали тасвирланганки, достон-нинг ҳар бир фасли китобхон қалбida гўзал табиат-нинг инсонга инъом этган барча неъматларига меҳр, завқ-шавқ уйғотади, ҳаётсеварлик руҳини тетиклашти-ради. Ўн бир минг байтдан иборат «Ирфон» (17)2 маснавийсида эса шоирнинг фалсафий, тасаввуфий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари ифодаланган. Қому-сий характердаги бу асарда Бедил ижтимоий ҳаёт ва коинот, инсоннинг зохирий ва ботиний моҳияти хусу-сидаги мулоҳазаларини кўплаб ҳаётий ҳикоят ҳамда ма-саалар билан исботлаб беради; инсонни барча мавжу-доднинг энг комили, деб атайди; дехқонларни жамият-даги энг зарур ва олийжаноб қасб эгтари сифатида алоҳида таърифлайди. Шунингдек асарда адибнинг адабий-эстетик қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Бедил ижоди Сайдои Насафий, Мирза Ғолиб, Аҳмад Дониш, Нақибхон Тўғрал каби шоир ва адиблар ижодига баракали таъсир этган. Улар шоир асарларини тўғри тушуниб, ҳалқ орасида бедилхонликлар уюштириш билан бирга, унинг шеърларига пайравликда янги газаллар яратганлар.

Бедилнинг бадиий ва илмий мероси ўтмишда ва ҳозир ҳам ҳалқимиз орасида машҳур ва манзур бўлган. Мактаб ва мадрасаларда Бедил асарлари маҳсус ўқитилган; шоир газаллари, рубоий ва қасидаларини тушунишни осонлаштириш учун кўлланма тарзида маҳсус шарҳлар битилган; Бедил куллиёти қайта-қайта китобат қилинган, тошбосма усулида бир неча бор нашр этилган. Характерлиси шундаки, гулободлик Саъдихон домла ҳовлиларида Чустий, Хуршид, Ҳабибий, Бокий, Анисий ва бошқа санъаткорлар тўпланишиб, бедилхонлик қилишган. 20-йиллардаёқ юртимизда Бедил ижодини ўрганишга қизиқиши бошланди. Атоқли адиб ва

олимлар Абдурауф Фитрат ҳамда Садриддин Айнийлар Бедил ижодига доир бир неча мақолалар ёздилар.

Бугина эмас, 60—70 йилларга келиб Бедил ижодини тадқиқ этиш, асарларини ўзбек тилига таржима қилиш кенг кўламда олиб борилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, машхур жамоат арбоби Иброҳим Мўминов Бедилнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари хусусида бир қанча мақолалар, китоблар ёзган, докторлик рисолаларини ҳимоя қилган. Профессор Шавкат Шукуров эса шоирнинг меҳнат ва меҳнат аҳли ҳақидаги қарашлари хусусида докторлик диссертация ҳимоя қилган, махсус тадқиқот яратган, илмий рисола чоп эттирган.

Бедил асарларини бевосита аслиятдан ўзбекчалаштиришда шоирларимиз бирмунча ютуқларни кўлга киритишган. Жумладан, таникли шарқшунос адиб, халқаро Фирдавсий мукофоти совриндори, профессор Шоислом Шомуҳамедов Бедил рубойларидан бир гулдаста яратдилар. Бу таржима икки марта алоҳида китоб шаклида нашр этилди. Адибнинг «Комде ва Мудан» достони шоир Назармат томонидан ўзбекчалаштирилган. Ана шу таржима асосида кейинчалик «Икки дил достони» бадиий фильмни яратилди. Бедил асарларини ўзбек тилига таржима қилишда Узбекистон халқ шоири Жамол Камол ҳам заҳмат чекиб келмоқда.

АЛИИ СОНИЙ, ДЕРЛАР

Тарих — Шарқ классик адабиётининг энг мўъжаз, аммо кенг тарқалган жанрларидан бири ҳисобланади. Шеършунослар унинг вужудга келишини IX аср билан боғлайдилар. Аммо тарихнинг жанр сифатида тўла шакланиши X—XI асрларда юз беради. Бу даврларда бир байт ёки тўртликда у ёки бу тарихий сана, бирон бир буюк шахс — давлат арбоби, адиб, машойихнинг туғилган йили, вафот этган санаси қайд этилади. Борабора бу жанрда сўз ўйини ёки ҳарфлар қайди (таъкиди) орқали муҳим бир воқеа, санани ифодаланганингiga ишора килинади. Бунда бир томондан, байтда бирон бадиий санъат, ибора ишлатилишига эришилса, иккинча томондан, араб графикасидаги ҳарфларнинг қайси рақамни ифодалаши ҳисобга олинган. Тарихнинг маънавий, ноқис, зоид, қитъаи тарих каби турлари мавжудким, улар санъаткордан ўзига хос зукколик-

пи талаб этган. Масалан, шоир байтда бир ёки икки йўпа ўқувчи дикқатини жалб этиб, унинг тарих моддасига ишора қиласди:

Сару саркардаи арбоби сухан,
Аз ғамободи жаҳон хуррам рафт.
Гуфт таърихи вафоташ Озод,
«Мирзо Бедил аз олам рафт»

(Сўз мулки арбобларининг саркардаси бу жаҳон ғамхонасидан шод кетди. Унинг вафоти тарихини Озод «Мирзо Бедил оламдан кетди» деб таъкидлади).

Охирги мисра ҳарфлари микдорини топиб, бир-бiringa кўшсак, Бедил вафот этган 1721 йил чиқади.

Ўтмишда шоир ва ёзувчилар йўл-йўлакай турли воқеа ва ходисалар санасига бағишилаб тарих ёзишдан ташқари, бир неча асрларда юз берган воқеалар йилномасига бағишлиланган маҳсус тарих китоблари ҳам яратишган. Сайд Аълам Шарофиддин Роқимиининг «Тарихи томм» асари ана шундай китоблардан биридир. Адибнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар етарли эмас. Туғилган ҳамда вафот этган йили ҳам аниқланмаган. Унинг ёшлиги Андижонда ўтган. Уқиши мақсадида Самарқандга келиб, шу ерда мадрасани ҳатм этади ва муқим яшаб қолади. Биз Роқимиининг ижодий фаолияти қачондан бошлиланглигини билмаймиз. Унинг бизга қадар 1680 йили ёзилган катта ҳажмдаги «Тарихи томм» асари маълум. Муаллиф 1701—1702 йиллари рисоланинг мухтасарроқ бир нусхасини ҳам яратган. Ана шу нусха 1913—1914 йиллари тошбосма усули билан Вазехнинг «Тухфат-ул-аҳбоб фи тазкиратул ас-ҳоб» тазкирасига илова тарзда чоп этилган. Ушбу нусханинг бизга қадар бир неча дастхати сақланиб қолган. Асар жуда катта илмий, адабий тарихий, маърифий, эстетик аҳамиятга эга. Унда ўнлаб фиқҳ донишмандлари ҳақида ҳам кўп маълумот бор. Яқинда ана шу нодир китобни профессор Ҳайдарбек Бобобеков шахсий ҳазинасида сақланаётган нусхасини нозикбин шарқшунос, доцент Наим Норкулов форсийдан ўзбек тилига таржима қиласди. Биз асл нусхани ҳам, ўгирмани ҳам синчиклаб ўқиб чиқишига мұяссар бўлдик. Китоб шу хилдаги бошқа асарлардан бир неча жиҳатлари билан жиддий фарқ қиласди.

Дастлаб шуни таъкидлаш лозимки «Тарихи томм»да 1633—1644 ҳамда 1645—1701 йиллар давомида Эрон ва

Ўрта Осиёда юз берган воқеалар, содир бўлган ҳодисалар, яшаб ўтган тарихий шахсларнинг ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида маълумот мавжуд. Ундаги тарих-шеърлар мундарижка, гоявий йўналиш жиҳатидан фойтдан ибратли, насрий киритма ёки хотималар далилларга бой ва қизиқарлидир. Тарихларни мавзу доирасига кўра шартли равишда уч гурухга ажратиш мумкин. Бир силсила тарихлар Шарқ ижтимоий-сиёсий ҳаёт дарғаларининг туғилган йиллари ёки вафоти, бирон урушдаги ғалаба ёки бирон ўлкани забт этиш саналари, бир сулоланинг салтанатдорлик муҳлати, бирон шаҳар ёки обиданинг бунёд этилишига бағишлиланган тўртликлардир. Бундай шеърлар бизнинг Ўрта Осиё халқлари тарихи, давлатдорлиги ҳақидаги билимимизни мукаммаллаштиради, тафаккуrimизни чархлайди. Масалан, муаллиф Соҳибқирон Амир Темур вафот этган йилига бағишлиланган тарихларни келтирас экан, «Ул ҳамида сифатлар ҳаётининг муддати етмиш икки йилу икки ой 8 кун бўлди. Соҳибқироннинг эр авлодидан вафот вақтида ўттиз олти нафари ҳаёт эди... Соҳибқироннинг мукарарам қизларидан исмат пардасида бўлган ва ухоб лиҳофидаги мағрур ўн етти нафари мавжуд эди» деб аниқ таъкидлаган ва Амир Темур вафоти санасига бағишлиланган саккизта тарихни келтирган. Убайдуллоҳоннинг Нажми Сонийни дафъ этиб, Мовароуннаҳрни эронийлар босқинидан батамом халос этганини алоҳида қайд этар экан, муаллиф «уругларидан бирон чўнг бўллатурғонда таҳтни ихтиёр этмасдилар» деган фикрни баён этади. Асли яманлик бўлган Мири Араб билан Убайдуллоҳон ўртасидаги устод-шогирдлик, пири муршидлик ҳақидаги қизиқарли маълумотлар Мири Араб мадрасасининг қурилиши тарихини шеърга солиш муносабати билан келтирилган. Мирзо Улуғбек, Шайбонийхон, Амир Шайхимлар ҳақидаги далиллар ҳам асосли ва хийла мароклидир.

Мазкур рисоладаги тарихларнинг катта қисми XV—XVI асрларда Эрону Турон сарзаминаларида яшаб ўтган машҳур машойихларнинг ҳаёт саналарига бағишлиланган. Биз бу фаслларда ҳам ранг-баранг лавҳалар, далилларни учратамиз. Хусусан Саид Али Ҳамадоний, Лутфуллоҳ Нишопурний, Баҳовуддин Нақшбанд, Тафтазоний, Муҳаммад Порсо, Қосим Анвор, Ҳасан Кубровий, Ҳожа Убайдулло Аҳрор, Шайх Худойдод, Махдуми Аъзам, Абубакр Тойободий, Қози Поянда Зоминий, Ҳожаги Амканагий, Юсуф Қарабогий сингари ўн-

лаб машойхлар хусусидаги лавҳалар ҳам катта илмий иа бадиий қимматга эга. Зероки, Роқимий тарих баҳонаи сабаби билан, бир томондан, бу зоти бобаракотларнинг ҳақ йўлида чеккан риёзатларини баён этса, иккинчи томондан, уларнинг илм ўрганиш, ҳалқ орасида исломий аҳкомларни тарғиб ва ташвиқ этиш борасида чеккан заҳматларини кайд этади: каромат ва башоратларидан баъзи лавҳалар чизади. Агар халифа ғазрати Али ислом давлатини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудини кенгайтиришда катта жасорат кўрсатган бўлса, шайх Саид Ҳамадоний Мағрибу Машриқни пиёда кезиб, юз минглаб гайридинлар қалбини ислом нури билан ёритишига мусассар бўлган алломадир. Шунинг учун «Ул зотни «Алии Соний» дер эрдилар... Уч навбат рубъи маскун аксарини сайр қилди. Шу саодатли йўлда бир минг тўрт юз нафар валийнинг сухбатига мушарраф бўлди». Асарда жуда кўп машойхларнинг хаётлари хақида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар, китобларининг аниқрўйхати берилган. Ҳозирга қадар илмий-назарий адабиётларда тошкентлик фикҳ донишманди, «Самарқанд вилоятининг аъзам-ул уламоси» даражасига етган Амир Фатҳий ҳакида маълумотлар кам. Роқимий 1635 иили вафот этган Фатҳий хусусида қуидагиларни ёзган: «Хуллас, бул фазилатлар баҳри муҳити, хикмат ва камол манбаининг тасниф ва таълифлари жуда кўп. Жумладан «Китоби жомеъ-ул маъқул ва манқул», икки жилдан иборат «Китоби зодил охират»: биринчи жилди «Қисас-ал анбиё», иккинчи жилди «Салот ир-Рахмон»дир. Бошқа асарлари ҳам кўп. Шунча фазилатларга қарамай, гоҳида шеър ҳам битур эрдилар». Роқимийнинг аждодлари асли тошкентлик экан. Чунки китобда «Фатҳий менинг бобокалоним эдилар. У кишининг айрим асарлари қўлёзмаси менда сакланади» деган фикр мавжуд.

Маълумки, ўтмишда кўхна Хуросону Мовароуннахрда етишиб чиқсан сўз санъаткорларининг аксарияти жаҳонгаштаю жаҳондида бўлган. Шу сабабли уларнинг хаёт йўли ва ижодий фаолиятлари хусусидаги далиллар ҳам дунёга сочилиб кетган, турли сарчашмаларда сабт этилган. Вақтлар ўтиши, янги дастхатларнинг топилиши муносабати билан бу буюк зотлар фаолиятининг янги қирралари муайянлашиб боради. «Тарихи томм» ана шундай далилларга бой, серфайз дастхатлардандир. Унда Ҳофиз, Саъдий, Камол, Жомий, Навоий, Биноий, Бобур, Кошифий, Котибий, Мушфикий сингари

улкан санъаткорларнинг шахсияти баёни ва асарлари тавсифи ҳам анча бойдир. Улар бу адиларнинг таржи-маи ҳолини янада мукаммалроқ тасаввур этиш, ижодий ниятларининг баъзи жиҳатини тӯла идрок этишга кўмаклашади. Ҳозиргача адабиётшуносликда Тўхтамишхон Табрезни форат килганда Камол Ҳўқандийни ҳам Сарой шаҳрига асир қилиб элтган, шоир бу ерда ғаризона умр кечирган: Амир Темур Тўхтамишни енгач, шоир яна Табрезга келиб, Валиёнкўҳдаги «Биҳишт» отлиф боғида ночор ҳаёт кечирган, мазмундаги фикр мавжуд. «Тарихи томм»даги мулоҳазалар бу фикрни тузатди ва тўлдиради. «Вилоят фатҳ этилгандан кейин ҳазрати Шайхни Тўхтамишхон фармонига кўра Даشتி Қипчоққа — Сарой шаҳрига олиб кетганлар. Ул жойларнинг об ҳавоси ғрятда яхши эди, Ҳазрати Шайх табъига хуш келди. Ўша ҳолда бу матлаъ ул Ҳазратнинг хуршед каби табълари уфуқидан тулуъ қилди. Матлаъ:

Агар сарой ҳамин аст, дилбарони саройи,
Биёр бода, ки фориғ шавам зи ҳар ду саройи.

(Агар Сарой шаҳри шу бўлса, эй сарой дилбарлари! Менга бода келтиринглар, токи ҳар икки олам ташвишидан қутилай).

Тўрт йилдан кейин Шайх Табрез вилоятига қайтдилар. Султон Ҳусайн Нўён Табрез вилоятида ҳазрати Шайх учун Хонақоҳи Нодирийни қурдирди. У хизматкорлар Каъбаси ва зоҳидлар қибласидир. Бу иморатнинг пештоқи ниёз ахлининг меҳробидир, дарвозалари файз эшигидек ахли диллар учун ҳамиша очиқ. Олий мартабали султон мулкининг кўпини ўша хонақоҳ учун вакф қилиб берганди.

Ҳазрати Шайх амирзода Мироншоҳ давлати ва салтанати давригача ҳаёт эдилар. Санайи 793 йилда (мелодий 1391) қазо котиби ул зот ҳаёти девони матлаъини мамот мақтаига киритди. Табрезнинг Сурхоб мавзизидаги Валиёнкўҳда ул зот мадфундурлар. Нурларга тўла қабри лавҳига бу матлаъни рақам қилганлар. Матлаъ:

Камол аз Каъба рафти бар дари дўст,
Ҳазорат оғарин, мардона рафти.

(Камол, Каъбадан дўст эшигига кетдинг, минг оғарин, мардона кетдинг).

Шарқ адабиётшунослигию фикҳ фанида Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёти ва юкодий фаолияти хийла пухта ўрганилган. Ҳатто у ҳақда «Хамсатул мутаҳайирин», «Мақомоти Жомий» сингари китоблар ҳам яратилган. Шарофиддин Роқимий ҳам Жомий вафотига аталган тарихларни келтиришдан олдин шоирнинг аждодлари, ота-онаси, ватани, Навоий билан устоз-шогирдлиги ҳакида батағисироқ нақл этади, 40 та асарининг рўйхатини беради, тавсифлайди. Муаллифнинг мана бу қайдлари, айниқса, эътиборга лойикдир: «Айтишларича ул зотнинг волидаи шарифлари замон ҳодисалари ва даврон инқилоби туфайли Исфаҳондан Хурросон мулки тарафига кўчгандар. Жом вилояти Харжурд қасабасида Ҳазрати Зиндафили Аҳмади Жом турбати яқинида мақом туттганлар. Кейин, шу ерда оила курганлар».

Улкан лирик шоир, забардаст достоннавис Урфии Шерозийнинг ҳаёт йўли ғоятта мураккаб кечган. Бир умрга муҳтоҷликка маҳкум этилган шоир ҳеч кимга бош эгмаган, бирорвга тамаъ қўлини чўзмаган. Кўп амирлару шаҳзодалар уни ўз даргоҳларига тортмоқчи бўлишган, аммо бунга эришолмаган. «Тарихи томм»да Урфийнинг Ҳиндистонда кечган умри хусусида кўидаги лавҳа келтирилган: «Ул зот лодшоҳи Жам сұҳбатидан ўзини канорга тортиб юрди. Қанча таклиф қилишмасин, даргоҳни ихтиёр этмади. Охири бир кун Мавлоно Урфий учун бир пора олтин жўнатишиди. Ул Мавлоно болаҳонасида ўтирганича подшоҳ инъомини истиқбол этмади ва ушбу рубоийни бадеҳа тарзида айтди. Рубоий:

Урфии мо дили худ дигаргун накунад,
Дарюза ба жуз дарун пурхун накунад.
Сомони биҳишт агар аз ин кўча кашанд,
Уммеди сар аз дарича берун накунад.

(Урфимиз ўз қалбини ўзгартирмайди, ошуфта дилини фақат пурхун этади. Тақдир биҳиштни шу кўчадан ўтказса, умид бошини даричадан ташқари чиқармайди).

Форс-тожик шеъриятининг забардаст сиймоларидан бири Абдураҳмон Мушфикий нозиктаб ғазалгўй, салиқали достонсаро бўлиш билан бирга ўткир ҳажвчи сифатида Шарқда машҳурдир. У ҳатто ҳозиржавоб зарофатгўй донишманд тарзида ҳалқнинг иккинчи Насриддин Афандисига айланган. Айни пайтда Мушфикий

пешқадам математик, астроном ҳамда раммол ҳам экан. «Тарихи томм»даги маълумотлар адаб ижодининг ана шу камёб саҳифалари хусусидаги тушунчамизни ойдинлаштиради: «Мушфиқийнинг табъи обу тоби илми ҳикматдан Жолинус каби боҳабар, ҳайъат бобида Батлимус эрди. Ҳисоб илмида шундай комил эдики, оқиллар ақли унинг тасаввуридан ожиз ва зако аҳли зеҳни уни фаҳмлашдан қусурли ва ноқис эди». Айрим тадқиқотчиларнинг асарларида «Улуғбекдан сўнг Мовароуннахрда математика ва астрономия фанлари мутлақо таназзулга юз тутди» деган мушоҳадалар мавжуд. Мушфиқий ва Ҳожи Юсуф Ҳайъатилар ҳандаса ҳамда ҳайъатшунослик соҳасида эришган ютуклари бундай фикрлар асоссиз эканлигини исботлайди. «Тарихи томм» Ҳали жиддий ўрганилмаган. Улардаги айрим тарихлар марҳум шарқшунос А. Жувонмардиевнинг «Ҳарфлар рақамларга айланганда» (1966) китобида келтирилган ва изоҳланган, холос.

Хулоса қилиб айтганда Шарофиддин Роҳимийнинг асари ҳалқимиз тарихи, маданияти, илм-фани, бадиий адабиёти, фалсафий ҳамда исломий тафаккури тарихидан ранг-баранг далилларга бой манбаа. У қанчалик тез чоп этилиб, оммалаштирилса, илм-адаб аҳли шунчалик хушнуд бўладилар. Асарнинг мукаммал нусхасини топиш ва ўзбек тилига ўғириш матншунос ҳамда мутаржимларимизнинг кечикирилмас вазифаларидан биридир.

^*Г<ЖМЖМЖМЖМЖ><ЖМ1^<ЖМЖМЖ:*



*м шът Ф ж
ялоштоит*

*5 ^



КОМИЛЛИККА ЙЎЛЛОВЧИ БАЙТЛАР

Ўтмишдаги мактаб ва мадрасаларимизда, хусусий муаллимлар ихтиёридаги таълим тизимида Қуръони Ка-рим, Ҳадиси шариф, Ҳафтияқ, Чор китоблар билан бирга машхур зуллисонайн лирик шоир, достоннавис, исломий аҳкомларнинг жонфидо тарғиботчиси Сўфи Оллоҳёрнинг «Саботул ожизин» «Маслак-ул-туттакин» асарлари ҳам бир дарслик сифатида ўқитилган. Афсуски коммунистик мафкура ва шўроларнинг шовинистик сиёсати бу адид ижодини ўрганиш, нашр этиб ўрга-тишга йўл қўймади. Халқимиз миллый мустақилликка эришгандан сўнг бошқа исломий шеърият сингари Сўфи Оллоҳёр ижоди ҳам жиддий ўрганила бошланди, «Саботул ожизин» нашр қилинди. Хусусан, филология фанлари доктори Иноятулло Сувонқуловнинг бу соҳадаги изланишлари-ю заҳматкашлиги таҳсинга лойик.

Бўлажак санъаткор 1644 йили Каттақўғроннинг Минглар қишлоғида зиёли оиласида дунёга келади. Отаси Темир Ёр ўғлиниң тарбияси билан жиддий шуғулланди: у 12 ёшигача ўз қишлоғида ўқийди, кейинчалик Бухорога бориб мадрасаларда билим олиб, замонасида-ги барча фанларни ўрганади, бадиий ижод сехрини эгаллайди, ўзбек ва тожик тилларида асарлар ёза бошлайди. Мадраса хатмидан сўнг Сўфи Оллоҳёр бир неча йил Бухоро амирининг Ҳисор ва Кубодиён туманлари солиқ маҳкамаларида ишлайди, «Шумлиғим, расвонлиғим тегди вилоят ҳ&ечқига», деб кейинчалик адид ўзи-нинг ана шу фаолиятидан надомат чекади.

Сўфи Оллоҳёрнинг исломий ақидалар яловбардори даражасига етишида унинг шайх Наврўзга кўл бериб, ундан дарс олиши, машхур Офоқхўжа эшон, оташзабон шоир Машраблар билан мулоқотлари, оддий меҳнаткаи! хапқ хаёти, руҳияти билан яқинроқ танишуви муҳим босқич бўлган. Умрининг кўп қисмини сўфистик ғояларни тарғиб этиб, комиллик сари интилган забардаст шоир 1721 йили Вахшиворда вафот этган. Профессор И. Сувонқуловнинг уқтиришича бу сана «Саботул-ожизин»нинг бир дастхати ҳамда «Шархи Сўфия» китобида аниқ кўрсатилган.

Сўфи Оллоҳёрдан бизга қадар катта ҳажмда мжодий мерос қолган. Турли мажмуалар, баёзларда сакланиб қолган лирик шеърлар, «Мурод-ул-орифин», «Маслак-ул-муттакин», «Махзан-ул-мутеин», «Сабот-ул-охизин» каби ахлоқий-тъалимий, ижтимоий фалсафий маснавийлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари И. Сувонкулов шоирнинг «Мевалар мунозараси» номли манзумаси ҳам мавжудлигини аниқлашга мусассар бўлган.

Сўфи Оллоҳёр ўзбек ва тожик тилларида битилган лирик шеърларида, бир томондан, дунёвий муҳаббатни, ёрнинг чиройи ҳамда нозу истигносини турли-туман бадиий бўёкларда тасвирласа, иккинчи томондан, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини, одамлар орасида учрайдиган кина-адоватни танқид қилиб уларни пок ва рост йўлга даъват этади: нафис бадиий воситалар, ташбеҳлар ишлатади, мутлақо ўзига хос қиёслар яратади:

Кўрк учун тушти зилоли лаъла мушкин хатту хол,
Тузди сухбат Хизр ила Кавсар қирогинда ҳилол.
Наргиси мастинг хумори бодадин гулгунмудур,
Ё будурким лолазор ичра тушан ваҳший ғизол.

Биринчи байтда ёрнинг лаъли зилоли соҳилида турган мушк таратувчи хат (кора тук) ва хол жаннатнинг Кавсар ховузи лабида Хизр билан сухбатлашаётган ойга ўхшатилса, кейинги мисраларда, бодадин гулгун бўлган ёрнинг хумор кўзлари лолазорга тушган ҳуркич-ёвойи кийикка ўхшатилади. Куйидаги байтардан ҳам шоирнинг чинакам ҳаёт гўзалини васф этганлигини, маъшуқанинг вафосию жафоси ошиқ учун бирдай тотли, фараҳбахш эканлигини ҳис этамиз. Шунга кўра шоир ўз ёрини турли хил ҳаётий деталларга ўхшатади:

Сен бу нозиклук била ё хур, ё айёрсан.
Ё пари, ё лола, ё гулшани баҳорсан.

«Ўлмас» радифли ғазалида шоир соликнинг мақсад йўлида риёзат чекмоғлиги, албатта, устод-пирга эргашмок, қўй бермоқ лозимлиги, бу йўлдаги ҳар қандай тўсиқ, монеъликни «Жон чекиб, гусса ютиб, жигарни қон қилиб» мардонавор енгигб ўтмоқ зарурлигини уқтиради:

Бошини доша уруб, дони элақдин ўтмай,
Мушт емай, ўт ичина солсалар, нон ўлмаз.
Эй йигит маслаҳатинг билгали бир пир керак,
Бекамон ўқ неча тузлик ила паррон ўлмас.

Умрининг асосий қисмини ҳақ йўлига, ирфоний билимлар тарғибига, сўғизм таълимотини кенг халқ оммасига сингдиришга сафарбар этган Сўфи Оллоҳёр зулм-зўрлик, такаббур, судхўрлик, вафосизлик, лоқайдлик, таъмагирлик, танбаллигу бехунарликни; мансаб-мартаба, мол-дунёни деб жанжалкашлик қилиш, дилозор, ноиттифоқ бўлишни қаттиқ қоралайди; замондошлирига танбех беради, бир мутафаккир сифатида панд-насиҳат қилади. «Арзимас» радифли ғазали ана шундан шаҳодат беради:

Дўстлар, бу бевафо дунёда молу-мулк учун,
Бир-бирингни оғритиб ношод қилмоқ арзимас.
Мансабу дунё учун ахли хукumat олдида,
Қўл-қовуштуриб турибон дод қилмоқ арзимас.
Олиғу солиғ билан мулло-ю хожа — барчани,
Юз жафоу жабр ила афтода қилмоқ арзимас.
Турку тожик ўзбеку, сахронишинларни мол учун,
Кечаю кундуз уриб, ношод қилмоқ арзимас.

Демак, маълум муддат давлат хизматини адо этган шоир ўз замонасидаги феодал ўзаро низоларни, меҳнаткаш халқ бошига кулфат тушираётганларни ўз лирик шеърларида рўй-рост танқид қилган, ҳукмрон табақаларни инсондўст, адолатли бўлишга ундалган. Тожик тилидаги ғазалларида ҳам ҳикматомуз байтлар кўплаб учрайди.

Сўфи Оллоҳёр маснавийлари мавзу доираси жиҳатидан ҳам, гоявий йўналиши нуқтаи назаридан ҳам ўзбек дидактик шеъриятида катта ҳодиса бўлди. Зероки уларда шоир комиллик сари йўллайдиган барча шарт ҳамда қарзларни бирма-бир баён этади; исломий фарз ва сунъатларнинг моҳиятини тушунтиради, уларни бажариш йўл-йўриқларини шарҳлайди, кўрсатади. Шунинг учун ҳам бу манзумалар ўтмишда мактаб ва мадрасаларда асосий қўлланмалардан бири ҳисобланган. Жумладан, «Саботул-ожизин», «Мурод-ул-орифин» китобларида асосан, Муршид ва Муриднинг бурч ҳамда вазифалари, сўфиларнинг дунёқарапи, қандай билимларни ўрганиши ҳақида мулоҳаза юритилсада шоир

толиблик, таъма қилмаслик, аҳд, вафо, сидк, муҳаббат, саховат, тўғрилик, хиёнатдан йироқ бўлмоқ, чин эрга эргашмоқ ва бошқа жуда кўп ҳаётий масалалар хусусида фикр юритади; имонда событқадамлик, аҳдга вафо инсон камолотида мухим босқичдир. Шоир фикрича инсон умр бўйи илм ўрганмоғи, маърифат касб этмоғи лозим; ҳар қандай ҳолатда ҳам хокисорликни унутмаслик даркор.

Муяссар бўлса тиллодин сангага таҳт,
Ўзингдин пастга зинҳор айтмагил саҳт.

Инсон ақли етадиган ишни қилиши, қўлдан келадиган юмушни бажармоғи лозим. Айни пайтда аҳдига содик, ваъдасига вафодор бўлиши зарур. Бажара олмайдиган ишга қўл уриб, ваъда бериб, аҳдида турмаслик инсонни бу дунёу у дунё бадном қилади:

Хилоф этган забунлардан забундур,
Бу дунёу у дунёси нагундур.
Хилоф этсанг агар айфон сўзингдин,
Кўтар эркаклик отини ўзингдин.
Чиқормогил оғиздин, қилмас ишни,
Қилурман, дема қўлдан келмас ишни.
Керак эрман деганинг ваъдаси туз,
Агар туз бўлмаса, ондин кўнгул уз.

Сўфи Оллоҳёр кишиларни билим эгаллаш, касб ҳунар ўрганишга даъват этар экан, ҳалол меҳнат билан пешона терисини тўкиб ризқу рўзи топиб ейиш, пок ва покдоман яшашни, бирорлар миннати жаврини тортмасликка, сабр-канотли бўлишга ундаиди, таъмагирликни қоралайди:

Худойим ҳар на берса қил қаноат,
Юракни қилма миннатдин жароҳат.
Бу меҳнат бирла топсанг парча нон,
Кишининг миннатидин улдур осон.
Таъма nonига лаб очгунча ўл оч,
Таъма бўйи кўринмай бўйдин коч.

Хуллас, Суфи Оллоҳёр асарларида китобхонни ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, одамохун бўлиш, ёшлиқдан илм-маърифат эгаллаш, садоқатли, қаноатли, ризоли, таъзим-тавозели, имон-эътиқодли бў-

лишига ўргатади; ғайриинсоний, ғайришаръий ишлардан парҳез қилишга ундаиди. Булар эса комилликнинг асосий белгилариданdir. Демак, шоир асарлари инсондўстлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган экан.

САРОЙ АДАБИЁТИ ХУСУСИДА

Кишилик жамияти пайдо бўлгандан бери маданият, илм-фан ҳамда маънавиятнинг бошқа шохобчалари, асосан, шаҳарларда — у ёки бу хукмдорнинг, ҳокимиятнинг атрофига, ўрда билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, ривожланган¹. 32 хунарли манзилгоҳлар — шаҳарларда вужудга келган илк феодал давлатларнинг зодагонлари, кейинчалик, шоҳлар ўз юртлари худудида, саройларида илм-адаб аҳли қанча кўп бўлса, шунча қувонишган. Зероки, олиму фозиллар, бадиият соҳиблари салтанатнинг кўрки бўлиб, унинг шуҳратини ортирган. Чунончи, Эрон шаҳаншохи Хусрав Парвиз (570—628 йиллар хукмронлик қилган) севикли ёри Шириннинг маслаҳати билан Мадойин қасри — Токи Хусравни бунёд этар экан, турли ўлкалардан даъват этилган меъморлар, ганчкор, ўймакор, тоштарош, мисгар, оҳанрез, нақбкан, гармобасозлар ёрдамида ўнлаб саройлар курдиради. Шундан сўнг у Эрону Хуросон, Мовароуннаҳдан икки мингдан зиёд чехракушо, сангбур (мармарга сайқал берувчи, ҳайкал ясадиганлар), адаб, раққоса ва ракқос, ҳофиз, ноқил ва ровийлар, оҳангоззларни жамъ этиб, турли хил дасталарни тузиб, маҳсус ижодхоналар ташкил этади. Фирдавсий, Низомий, Саолибий Мадойин қасридаги санъат аҳлини алоҳида санаб, таърифлашган; Хоқоний Шервоний бўлса «Мадойин айвони» номли қасида ёзган. Ҳарбий ва тўй маросимлари, диний маросимлар, фасл маросимларига оид дасталарга Саркаш, Саркаб, Некисо Чангий, Соруш сингари бастакорлар, қизлар гуруҳига эса 300 оҳанг муаллифи шоира, раққоса ва бастакор Озадвар Чангий раҳбарлик қилган. Уларнинг ягона сардори Борбад Марвазий бўлган. Характерли жиҳати шундаки, Токи Хусрав атрофига уюшган барча хунар эгалари хос қароргоҳларда яшаганлар, шоҳлик хазинасидан маош билан таъминланганлар. Шунинг учун ҳам кандакорлик-

Ушбу лавҳа проф. А. Ҳайитмстов билан ҳамкорликда ёзилган.

дан шоирликкача ижоднинг барча соҳаси юксак дара-
жада тараққий топган.

Ўрта аср Шарқи тарихига синчиклаб назар ташла-
сак, деярли барча даврларда ҳукмрон синфларнинг ил-
гор тоифалари илм-фан, маданият, санъат ва бадиий
ижод ривожига алоҳида эътибор берганларини кўрами-
зиз. Улар ижодкорларга жамиятнинг энг пешқадам ва-
киллари сифатида қараб, фаолиятларини кузатиб бор-
ган, баъзан йўналиш берган, ўз химояларига олиб, ило-
жи борича рағбатлантириб туришга интилган.

Араб халифалиги нисбатан осойишталик вужудга
келиб, босиб олган ерлардаги ҳалқларнинг хуружу исён-
лари пасайгач, Маъмун (786—833) Бағдодда «Байтул
хикмат» деб аталмиш маҳсус илмгоҳ ташкил этади ва
Эрону Хурон ҳамда Мовароуннахрдан юздан зиёд
олимларни таклиф этади, янги тиббий ва математик
мактаблар очади. Улар илм-фаннынг деярли барча со-
ҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борадилар, жаҳоний
аҳамиятга молик асарлар яратадилар. Таборак, Тус ҳамда
Исфаҳон расадхоналари Мовароуннахрдан борган олим-
лар иштироқида давлат маблағи ҳисобига курилган. Но-
сирип Хисравнинг гувоҳлик беришича, худди шу йиллари
Балх, Марв, Тус, Ҳалаб ва Шом шаҳарларида ер ости
кувур сувлари (водопровод), ташландиқ ва оковалар
йўли (канализация) курилишига шоҳлик хазинасидан
катта маблағлар сарфланган.

Араб халифалиги емирилиб, Эрону Мовароуннахр-
да янги миллий марказлашган давлатлар пайдо бўлиши
билан маҳаллий шоҳ ва амирлар ҳалқнинг кўхна анъа-
на, удумларини қайта тиклаб, ривожлантиришга жазм
этдилар. Улар ҳалқ тили, маданият, илм-фан билан
биргаликда инсоннинг маънавий камолотида муҳим
ўрин тутган бадиий адабиётга ҳам алоҳида эътибор бер-
дилар. Натижада сомонийлар, қораҳонийлар, газна-
вийлар, хоразмшоҳлар, салжуқийлар, ширвоншоҳлар
(XI—XIII асрлар) сулолалари ҳукмронлиги даврида фор-
сий ва туркий тиллардаги, адабиёт ўзининг янги тарақ-
киёт босқичига кўғарилди. Унсурий, Манучехрий, Амъа-
ки Бухорий, Фаррухий, Муиззий, Рашиди Самарқандий,
Адид Собир Термизий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад
Юғнакий, Рашидиддин Вотвот, Зоҳири Фарёбий, Хо-
коний Шервоний ва бошқа ўнлаб санъаткорлар бево-
сита Сарой адабиёти доирасида қалам тебратдилар.
Низомий Арўзий Самарқандий Хоразмшоҳлар ва сал-
жуқийлар саройи доирасида эллиқдан ортиқ шоир яшаб

ижод этганлигини ёзиб қолдирган. Маҳмуд Ғазнавий Беруний бошчилигидаги олимлар ҳамда адилларга хос қароргоҳ-саройлар курдириб берган; Султон Ҳусайн Жалойирий (1375—83 йиллари ҳукмронлик қилган) Валиёнкӯҳдаги мулкини Камол Хўжандийга инъом этган. Агар халифа Маъмун Абўмансур Муаммарийга Ажам афсоналари асосида насррий «Шоҳнома» тузишни, сўнгра Сомоний ҳукмронлар аждодлар анъанасини тиклашга киришиб, дастлаб Дақиқийга (956—980), сўнгра Фирдавсийга (941 — 1025) шеърий «Шоҳнома» ёзиши топширмаганларида, эҳтимол Ажам халқларининг энг кўхна тарихию маънавий дунёси бу даражада балоғат ва фасоҳат билан назм силкига тушмаган бўларди. Айрим олимлар Фирдавсийнинг «Султон Маҳмуд ҳакидағи ҳажв»идан миллий ихтилофлар қидириб топишга уринишади. Бу шоир эҳсосоти, шеъриятнинг ўзига хос ҳусусиятини ҳисобга олмаслик натижасидир. Бунинг устига шаҳаншоҳ Маҳмуддинг «Шоҳнома»дек асарни ўқишига вақти бўлмасди. Аёз ва Унсурий сингари султоннинг яқин одамлари Фирдавсийнинг саройда мартабаси ошиб кетишини истамасдилар. Шунинг учун улардаги ифво, кўролмаслик, худбинлик шеърда шахсий адоватдек руҳнинг бўртиб ифодаланишига сабаб бўлган.

Маълумки, Низомий (1141 — 1209) бир умрга муҳтожликца яшаган бўлса ҳам бирон ҳукмрон саройида хизмат қилишни ихтиёр этмаган. Аммо шоир ижодининг равнақи, шуҳратида ҳукмрон табақаларнинг хизмати ҳам йўқ эмас. Чунки «Хамса»даги барча достонлар у ёки бу шервоншоҳнинг буюртмаси билан битилган ва шоир тақдирланган ҳам. У ёки бу ҳукмрон ҳомийлигида, унинг қасрида яшаган ижодкорнинг ўз мамдўхини таъриф ва тавсиф этадиган қасидалар битиши, баъзан тор интим ҳиссиятларни ифодалайдиган ғазаллар ёзиши табиий. Аммо улар ижодини мукаммал ўрганиб, унинг санъаткорлик маҳорати тўғри тадқиқ этилса, бу ижодкорларнинг адабий жараёнда тутган ўрни тўғри баҳоланганди бўлади. Бундан ташқари Рудакий, Низомий Арўзий Самарқандий, Кайковус, Амир Ҳусрав Дехлавий каби бевосита сарой билан боғлиқ ижодкорлар форсий тилдаги бадиий адабиётнинг равнақига кўп ҳисса қўшдилар, Камол Хўжандий, Адид Собир Термизий, Авҳадиддин Анварий, Саноий, Хоқонийлар сарой доирасида бўлсалар-да шоҳлар наздидаги обруйларига, халқ ҳурматига суюниб ўз асарларида* ватандўстлик, инсонпарварлик, адолатпешалик ғояларини

• ШШшаш!

тарғиб этиб, мавжуд ижтимоий тузум иллатларини, хусусан, юртни ҳароб этадиган феодал ўзаро урушларни рўй-рост қораладилар. Ажабланарлиси шундаки, бу шаддодликлари учун улар таъкиб этилмади.

Тўғри, баъзи адиллар саройдаги феодал фитна ва иғволардан азият тортдилар, тухмат, бўхтонларга учрадилар, ҳасад ва хусумат орқасида таҳқирландилар. Лекин бари бир оқибат натижада ҳомийлари мурувватидан маҳрум бўлмадилар. Саройга яқин турган адиллар, яъни сарой адабиети вакиллари адабий тилни юксалтириш, ғазал, қасида, маснавий, ёднома жанрларини такомиллаштиришга бенихоят катта хисса қўшдилар. Худди шу даврда, сарой доирасида энг кўп қасида ёзилди. Масъуд Саъди Салмон, Амир Муиззий, Хоқоний Шервоний, Фаррухий, Анварийлар бу жанрнинг мавзу доирасини, ифода имкониятларини янги тараққиёт чўққисига олиб чиқдилар: кўплаб фалсафий, ҳасби-ҳол, баҳория харакгеридаги ҳамда ижтимоий-сиёсий, танқидий руҳдаги қасидалар яратилди. Бугина эмас, Шарқ илм-фанининг асосий қашфиётлари сарой доирасида юз берганидек, ёдноманавислик, тарихнавислик ҳамда ахлоқий-таълими мөхиятдаги «Тарихи Табарий», «Тарихи Наршахий», «Тарихи Байҳақий», «Зафарнома», «Матла-ул саъдайн ва мажмаъ-ул-баҳрайн», «Футухоти хоний», «Мехмонномаи Бухоро», «Тарихи Муқимхоний», «Сиёсатнома», «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсиний» каби асарларнинг кўпи у ёки бу сулола ҳукмронларининг ҳоҳиши, истаги, буюртмасига кўра таълиф этилган. Шуни ҳам таъкидлаш керакким, сарой адабиёти доирасидаги аксарият санъаткорлар бағишлов ёки тавсиф характеристидаги асарларида кўпинча мамдўх — мадҳ этилаётган ҳукмроннинг қандай эканлигини кўрсатишдан кўра, қандай бўлиши лозимлигини кўзда тутганлар.

Ўзбек адабиёти ҳам бой тарихга эга бўлиши билан бирга мураккаб йўллар билан ривожланди, унинг шу кунгача ҳал этилмаган муаммолари ҳам йўқ эмас. Шулардан бири сарой адабиёти ёки феодал-сарой адабиёти масаласидир. Феодал-сарой адабиёти деганда биз подшоҳ саройида яшаб, ижод қилган, шоҳга яқин, шоҳлик манфаатларини ҳимоя қилувчи, куйловчи шоирларни тушунгандикиз. Лекин бу адабиётни биз умумадабий жараён билан боғлаб, муайян тарихий аспектда холис ўрганмаганмиз. Кўпроқ бу адабиётга биз юқоридан туриб, менсимай қараганмиз, унинг вакиллари доим камситилиб келинган.

Бунинг бош сабаби адабиётга синфий нуқтаи на-
зардан қарашимиз эди. Ош, нон, сув, туз синфий бўл-
магани каби ишқ-севги, ўртоқлик, дўстлик, гўзаллик,
табиат ва унга муҳаббатни ҳам синфий деб бўладими?
Тўғри, масалан, дўстлик, ўртоқлик синфий қарап, ман-
фаат асосида юзага келиши мумкин. Бироқ бундай му-
ҳаббат, дўстлик, ғаразга асосланган бўлиб чиқмайди-
ми? Бундай дўстликни, холис, самимий деб бўладими?

Биз узоқ вақт ишқ ҳақида Хоразмий, Лутфий, На-
воий, Мунис, Огаҳий, Муқимий кабилар ёзган шеърий
ва насрый асарларни қабул қиласан, эъзозлаган ҳолда бу
мавзудаги Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Амирий, Феруз
каби шоирларимизнинг шеърларига бепарво қараб кел-
дик. Масалан, Огаҳийнинг «Устина» радифли ғазалига
юксак баҳо берганимиз ҳолда Ҳусайн Бойқаро (Ху-
сайнний)нинг ҳам шу радиф билан бешта ажойиб ғазал
яратганини, улар бадиийликда Огаҳийникидан асло қо-
лишмаслигини гапирмадик. Ҳусайн Бойқаронинг «Ўр-
тама» радифли ва бошқа ғазаллари ўз замонида ҳам,
кейинги даврларда ҳам ишқий шеърнинг юксак наму-
налари эканидан кўз юмдик:

Оразинг меҳрин очиб, жисмим аро жон ўртама,
Ошкоро лутф этиб, кунглумни пинҳон ўртама.
Барки ҳижрон нолдек жонимда басдур, сен доғи
Ваъдаи васл айлабон, эй аҷзи ёлғон, ўртама.

Шу билан бирга биз сарой шоирларини доим боши
маишатдан чиқмайдиган, инсоний дард-аламлардан фо-
риғ кишилар, деб тасаввур қилдик ва уларнинг ҳам ўз
драма ва фожиалари бўлиши, тахт деб бола отасини, ота
боласини аямаслиги, вақти келса «бойлар ҳам йиглаши»
мумкинлигини тушуниб етмадик. Шундай бўлмаса, Ҳу-
сайн Бойқаро мана бу шеърини ёзмаган бўларди:

Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени:
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.
Зальфим ошти ҳажр богида сиришку оҳдин;
Қутқар, эй васл, ул чаман обу ҳавосидин мени.
Эй ажал, кўрқутма ултургум дебон: ўлтургасен, —
Гар тирик топсанг фироқининг жафосидин мени...

Албатта, биз ҳамма подшоҳлар адолатли бўлган ва
адабиёт ривожига қайишган, — деб айта олмаймиз.
Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Адип Собир Термизийнинг

Амударёда бўйнига тош боғлаб чўқдирилиши, Субҳонкулихон томонидан Турди Фарогийнинг таҳқир этилиши, Маҳмуд Қатоғон буйруғига биноан Машраб дорга осилиши, Насруллоҳон жаллодлари томонидан Нодиранинг сўйилиб, Ҳозиқнинг боши танасидан жудо этилиши — буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир.

Лекин шу билан бирга ўзбек адабиётини феодал сарой мухитида яратилган Бобурнинг «Бобурнома»сизиз, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»сизиз, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларисиз тасаввур эта оламизми? Агар Муҳаммад Хўжабек Хоразмийга мурожаат қилиб, унинг шеърий истеъодини қадрламагандা, ундан ўзи учун ҳам, замондошлари учун ҳам дунёда қоладиган бир асар ёзиши илтимос қилмагандা «Муҳаббатнома» юзага келармиди? Мана, Муҳаммад Хўжабекнинг адабиётни қандай яхши қўрганини кўрсатиб турувчи ширин-шакар сўзларига эътибор килинг:

Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда парсий дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини кўплардин уттунг,
Шакартек тил била оламни туттунг.
Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо —
Китобе айласанг бу қиши қотимдо.
Ким уш елтек кечар айёми фоний,
Жаҳонда қолса биздин армугони.

Муҳаммад Хўжабекнинг бу сўзларининг маъносини чақмай, «Муҳаббатнома» тарихини тўла билиш қийин. Шоир ҳалқига эътиқод, уларга меҳрибонлик бўлса, шунчалик бўлар! — деб ўйлаймиз!

Умуман ўзбек адабиёти ва адабий тилининг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда шаклланишида сарой адабиёти шеъларида, хусусан, қасидаларида ҳукмдор қандай эканлигини тасвирлашдан кўра унинг қандай бўлиши лозимлигини кўзда тутиб, унда мавжуд бўлмаган хусусиятларни бўрттириб акс эттиришга интилиш, адолатпешалик, мардумсеварлик сингари сифатларни турли йўллар билан баён этиш кўпроқ ўрин туттган. Лекин Саккокий олим Улуғбекни ва туркий шеъриятда ном чиқарган шоирлардан бири бўлмиш ўзини мақтаб, бир қасидасида қуидаги байтни битар экан, бунда мутлақо ҳақ эди:

Фалак йиллар керак айланса-ю кетирса илкига,
Менингдек шоири турку сенингдек шохи донони.

Шунинг учун ҳам бундай асарлар ҳукмрон табақаларнинг назар-эътиборида турган, кенг ҳалқ меҳрини ҳам қозонишган.

Амир Темур вафотидан сўнг беш йил давом этган мерос талашиши жангларида Шоҳрух Мирзо ғалаба қиласиди. У вилоятларни ўғилларига тақсимлаб бериб, Ҳиротда туриб, марказий ҳокимиётни бошқаради. Қизиги шундаки, кўпроқ диний юмушлар билан машғул бўлган Шоҳрух ўғилларининг илмий, маърифий фаолиятларига монеълик кўрсатмайди. Натижада Улуғбек ва Бойсунқур сингари шахзодалар илм, санъат, маданият ҳамда адабиёт масалаларига жиддий эътибор бера бошлиядилар. Уларнинг саройлари чинакам илмий, маърифий марказга айланади. Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Абдураззок Самарқандий, «Латофатнома» муаллифи Хўжандийлар маълумотига кўра, Бойсунқур ташкил этган Ҳирот «Нигористон»ида тил билими, зироат илми, тиббиёт, фалакиёт, ҳандаса, адабиёт, жуғрофия, тарих ва бошқа фанлар билан шуғулланган юздан ортиқ олим ишлаган. Уларнинг бари Шоҳрух давлати таъминотида бўлган. Навоий, Жомий, Ҳилолий, Амир Шайхим Суҳайлӣ, Восифий, Амир Шоҳий, Беҳзод, Султон Али, Кошифий ва бошқаларнинг фаолиятини сарой адабий мухитисиз тасаввур қилиб бўладими?! Ахир Ҳусайн Бойқаросиз Ҳирот маданий ва адабий мухити бу даражага ета олармиди?!

Айрим сарчашмаларнинг, хусусан, Жомийнинг Навоийга йўллаган мактубларининг гувоҳлик беришича, Ҳусайн Бойқаро салтанатида ҳамма мадраса талабатарию олиму фузалоларга вақф мулки, девон-хазина ҳисобидан маош тайинланган, уй-жой билан таъминланган. Масалан, Навоийнинг кўрсатмасига кўра, шоир ва адабиётшунос Атоулло Маҳмуди Ҳусайнийга шоҳ девони ҳисобидаги боғчали ҳовли хатлаб берилган ва маълум миқдорда маош белгиланган. Ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоси Захириддин Бобурни эсланг. У ўз ҳаётини шеърсиз, мухаббатсиз, дўстларисиз кўз олдига келтира олмас, ҳаётининг маъносини шунда деб билар эди:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сухбати,
Шеър баҳси, ишқдарди, боданинг кайфияти.

Назаримизда, сарой адабиётининг тематик доирасини, унинг қизиқишиларини кўп вақт биз торайтириб кўрсатишга ҳаракат қилганимиз. Аслида бу адабиёт ҳеч қачон ўзини халқчил адабиётга, диний адабиётга, тасаввуф адабиётига зид кўймаган. Кўп вақт бу адабиётда ҳам умуминсоний қадриятларни куйлаш мухим ўрин тутган. Бу шоирларнинг Навоий, Ҳофиз, Фузулий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, ўхшатмалари бунинг яққол далилидир. Масалан, Амирий (1787—1822) шеъриятида маъшуқанинг мадхи, унга мұхабbat бир газалда умуман аёл зотини севиш ва улуглашга олиб келган. Амирий бу газалида бир гулзорда ўзларича хурсанд бўлиб, чақчақлашиб, ўйин-кулги 'қилиб ўлтирган хотин-қизлар базмини тасвирлаган. Уларнинг бири қўшиқ айтса, иккинчиси ўйнаган, шўхликлари авжида:

Ишқ элин қатл этгучи берахм дилозорлар,
Жамъ ўлуб бир базм аро суҳбат этарлар ёрлар.
Ғунча янглиғ кўнглуми юз ноз ила қон эттилар —
Шўхлар, бебоклар, раққосу хушрафторлар...
Жилва айлаб анжуман саҳнини гулшан эттилар —
Гулжабинлар, ғунча оғизлар, шакаргуфтторлар...

Бу газалда заррача бўлсин хотин-қизларни камситиш, уларга ғараз билан қараш сезилмайди, уларнинг баҳтиёрлигидан холисона хурсанд бўлиш туйгусигина кўзга яққол ташланиб турибди. Бу шуни кўрсатадики, Амирий Нодирадек нозиктабъ аёл-шоирага муносиб эр бўлган ва унинг чин хурматини қозонган. Унинг вафоти муносабати билан Нодиранинг кўзёшлари дарёсига гарқ бўлгани бекорга эмас эди.

Аслда Нодира ҳам сарой шоираси. Ахир, у эри — Амир Умархон билан бир жон, бир тан эди-ку! Уларни қандай килиб бир-биридан ажратиш мумкин?! Демак, сарой адабиётини халқчил адабиётдан ажратиш шартли, адабиётшунослик учунгина зарур бўлган бир нарасадир.

70 йилдан зиёд вақт давомида кўплаб ижодкорларимизни «диний-мистик адабиёт вакили», «сарой тарихчиси», «сарой маддоҳи», «хоннинг маддоҳи», «ялангоч севгини куйлаган» деб таҳқирлаб, ижодини бир чекка-га суриб кўйдик. Ваҳрланки, ўзбек классик адабиётининг катта қисми, айтиб ўтганимиздек, ана шу саройда яратилди. Эқтимол тарих майдонига Амир Умархондек зукко шоир келиб, ўз саройида бир адабий даста туз-

маганда, «Қўқон адабий мухити» деган ибора ҳам пайдо бўлмасди. Умархоннинг хизмати шундаки, у чор атрофдаги ижодкорларни — созанда, бозанда, ҳофиз, наққош, хаттот, адилларни марказга йигди, уларга бошқош бўлди, ҳомийлик қилди. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари шахсан Амирий ташаббуси билан яратилган. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин-ул-маоний»си Умархоннинг топшириги билан 300 нусха кўчирилиб, ҳалқ орасига тарқатилди. Унинг даврида кўплаб асарлар китобат этилди, таржима қилинди, битилди. Биргина Абдукарим Наманғоний Фазлий «Мажмуат-ушшуаро»сида Қўқон хонлиги ҳудудида яшаб ижод этган 101 шоир асарларидан намуналар келтириб, улардан 75 таси ҳақида муҳтасар маълумот беради, шеърларини баҳоли қудрат гоявий-бадиий жиҳатдан баҳолайди. Қувончлиси шундаки, Нодира, Увайсий, Маҳзуна сингари шоиралар ижод қилган адабий доирада шоиралар мероси ҳам ўзига хос мавқеъга эга бўлган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Қаюмов таъкидлаганларидек, ушбу тазкира XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларидағи ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда энг нодир манба ҳисобланади. Фазлий асари кейинги йиллардаги тазкиранавислар ижодига баракали таъсир этган. Жумладан, Кори Раҳматулло Возех, Афзал Пирмастий, Садри Зиё сингари тазкиранавислар Фазлий мажмуасидаги далиллардан бевосита фойдаланган.

Демак, Амир Умархон саройи ва унинг атрофидаги адабий доира давр ижодий жараённида етакчи мавқеъга эга бўлган. Шунинг учун ҳам бу адабий мухитни Амирий ва муҳиблари ижодини пухта ўрганмай туриб, мукаммал тасаввур қилиш мумкин эмас.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи Хива адабий мухитининг вужудга келиши, инкишофида Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг (1863—1910 йилларда хонлик қилган) фаолияти мухим роль ўйнади. Зероки, у илм-маърифат ҳомийси, ташкилотчиси, санъат ва адабиётнинг чинакам фидоийси сифатида катта ишларни амалга оширди. Шоир ва тарихчи Баёнийнинг ибораси билан айтганда, «унинг даврида ҳар бир маҳалла ўз мачити ва мадрасаси»га эга бўлди; ўндан зиёд нодир асарлар араб ва форсий тиллардан ўзбек тилига ағдарилди. Ферузнинг саъй-ҳаракатлари асосида ташкил этилган матбаада 1876 йилдан бошлаб Навоий, Комил, Мунис, Оғаҳийларнинг девонлари, куллиёти

чоп этилди. 1897 йили эса Баёний, Огаҳий, Рожий, Мирзо, Табибий, Гуломий, Султоний, Асад, Гозий, Пиркомил, Девоний каби Хоразм адабий мухитида қалам тебратган 30 дан зиёд шоирларнинг асарлари жамланган маҳсус тазкира нашр қилинган. Унга Аҳмаджон Табибий сўзбоши ёзган. Бундан ташқари матбаада бир неча таржима асарлар, турли шаклдаги тўпламлар, хотира китоблари ҳам чоп қилинган. Муҳаммад Раҳимхон ва отаси замонида, Шарқ ҳалқлари тарихига, хусусан, Ўрта Осиё ҳалқлари тарихига доир энг ноёб асарлар яратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, Феруз ва унинг саройи атрофига жипслашгган илм-фан, санъат ва адабиёт ахллари ўзбек ҳалқи маънавияти тарихида чукур из қолдирган ижодий ишларни амалга ошириллар. Бу улкан меросни ҳар томонлама, мукаммал ўрганиш энг долзарб масалалардан биридир.

Ўтмиш маданий-адабий меросга, қадриятларимизга муносабат ўз жойига тушаётган ҳозирги пайтда сарой адабиёти ва унинг фидоийларига муносабатни жиддий ўйлаб кўришимиз керак. Бунда ижодкор зодагонлар, феодал ҳукмдорлар, бек ва амирлар меросини умумадабий жараёндан ажратмай, ҳар томонлама пухта ўрганиб, уларнинг маънавият, бадиий сўз санъати тарихида тутган ўринларини аник кўрсатиш лозим. Зинхор бундай тадқиқотларда бир ёклама хулосалар чиқаришга йўл қўймаслик керак. Бир томондан, уларнинг ўз синфининг вакили, тахту тож соҳиби, кенг меҳнаткаш омма хисобига яшаб, доим ҳазинасини тўлдира борганини, иккинчидан, шундай шароитда маданий ҳаёт, хусусан, бадиий сўз санъати тараққиётига ўз ҳиссасини кўша олганини холис баҳолаш зарур.

Тоталитаризм давридаги катта хатолардан бири шундай бўлдики. қайси ижодкор руҳида миллий ифтихор сезилса[^] она тилини, адабий меросини улуғлаган бўлса, у миллатчи сифатида кораланди; турмушдаги камчиликлар, бошқарувдаги нуқсонлар, лаганбардорлик ва тўрачилик кораланса, мавжуд тузум душмани, деб қувгин қилинди. Натижада бадиий адабиётда йўқни йўндиришишга интилинди. Бу эса, охир-оқибатда маънавий қашшоқликка олиб кела бошлади.

Муддао шуки, ўтмишдаги адабий, маданий меросимиз, жумладан, сарой доирасидаги бадиий ижод неъматлари ҳам ҳар томонлама, турли чиқитларга чиқазилмасдан мукаммал ўрганилса; унинг илгор анъаналари,

хусусан, маънавиятга ҳомийлик қилишдаги ибратли жиҳатлари давом эттирилса. Зероки, қайси жамиятда маънавий ҳаёт эътибордан соқит қилинса, у таназзулга маҳкум этилса, ўша жамиятнинг истиқболи ҳам бўлмайди.

ИРФОНИЙ БИЛИМЛАР ҚОМУСИ

Тасаввуф тарихи, шеърияти, ундаги мазҳаб ва оқимлар, улар ўртасидаги назарий курашлар, бу таълимотниг инсонпарварлик моҳияти, жабр-зулм ва жаҳолатга қарши событ қадам кураши тўғрисида Е. Э. Бертельс, Ф. Кўпрулюзода, В. Зоҳидов каби таниқли олимлар қимматли тадқиқотлар мерос қолдиришган. Шунингдек, Н. Маллаев, М. Зокиров, Н. Комилов, И. Ҳаққулов, С. Олим, О. Усмон каби олимларимизнинг рисола ва мақолаларида ҳам тасаввуф шеърияти хусусида қимматли мулоҳазалар мавжуд.

Айниқса, олим ва адаб Ради Фиш ўзининг «Жалолиддин Румий» номли тарихий романи билан тасаввуфшуносликка бебаҳо ҳисса қўшди. Бу асар 1986 йилда Жамол Камол таржимасида ўзбек тилида чоп этилди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, тасаввуф фалсафий маслак сифатида ислом дини майдонга келгандан кейин феодал реакциясининг, зулмининг кескинлашуви ва бунинг натижасида адолатсизликнинг, қашшоқликнинг кучайишига қарши кўтарилган норозиликнинг оловланиб кетиши натижасида шаклланди, ривожланди. VII—XI асрларда, айниқса, араб диёрида сўфизм тезлик билан ривожланади, Увайс Қараний, Ҳасан Басрий, Робия Адавия, Иброҳим Адҳам, Боязид Тайfur ал-Бастомий, Абубакр Шиблий, Абумансур ал-Хусайн, ал-Халлож каби мутасаввуфлар майдонга келади. Натижада тассаввуф араб оламида кенг тарқалиб, сўнг Хурросон ва Мовароуннаҳрга ислом дини билан бирга кириб келди. Бунинг натижаси ўлароқ, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Низомий, Хусрав Дехлавий, Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳоний мутафаккирлар етишиб чиқди. Бу мутасаввуфларнинг яратган илмий, бадиий асарлари, достон ва газалларини кўздан кечирсангиз, улар тасаввуфдан четга чиқмаслик учун «Қуръон» ва Мухаммад алайҳиссалом ҳадисларидан четга чиқмаслик лозим, деб уқтирадилар.

Хўш, бу ҳукмрон мафкура билан анъанавий муро-сан-ймадорами ёки чинаккам ихлос иқрорими?

Мошайихлар ўзларини пайғамбарларнинг маънавий меросхўрлари, деб ҳисоблайдилар. Биз XIII аср охири XIV аср биринчи ярмида яшаган Носириддин Рабгузийнинг «Қиссаи Рабғузий»¹ асарини кўздан кечириб, ушбу саволга жавоб топгандек бўлдик. Рабғузий Муҳаммад Алайҳиссалом (570—632) асхобларининг сифатларини, яъни қандай инсон пайғамбарларга саҳоба бўла олишини қўйидагича таърифлайди:

«Қамуғ саҳобаларнинг сифати бу эрди — улар тенгри азза ва жалла фармони уза эрдилар. Шуғллари тенфи азза ва жалла қуллуғин қилмоқ эрди. Жиҳод қилмоқға ануқ, тилаклари мавло таолонинг хушнудлуқи эрди, душманлиқлари шайтон бирла эрди. Балоға сабр, қазоға рози, балоға шокир эрдилар. Кишиларни ўзлариндин илгари туттилар, рағбатларики дунё молинга оз эрди, тириклари ҳақ сўзламак бирла, бермаклари ҳадя эрди. Дойим қўрқинч ичинда эрдилар, бир-биринга меҳрибон эрдилар. Нимарсани ёд қиласалар эзгулик бирла ёд қилур эрдилар. Фийбатдин, ҳасаддин, бўхтондин қўрқиб, сўзлари ҳикмат, нафслари ибратлик, турмушлари фикрат эрди. Аччиғ вақтинда сабр қилмоқ, хушнудлик вақтида узр қилмоқ, ўз ҳожатларидин киши ҳожатларини илгари тутмоқ, ўзлари чигай эркан (йўқсул бўлсалар ҳам) ҳалқга нафъ еткурмак. Ёзуқлуғлар узрин қилмоқ (гуноҳкорлар учун худодан узр тиламоқ), ваъданни рост тутуб, охират савобини умид тутмоқ. Ёзуқлуғлар ёзуқин, айбларин ўрттилар (кечирдилар), ислом ҳақин сақладилар».

Муҳаммад пайғамбар ҳадислари ҳам юкоридаги фикрлар билан уйғун эканлигини эътиборга олсак, тасаввуф таълимотига Муҳаммад алайҳиссалом асос солган, десак асло янглишмаймиз, балки тарихий ҳақиқатни тан олган бўламиз².

Шу боис бўлса керак, ўтмишда пайғамбарлар, уларнинг саҳобалари, азиз-авлиёлар, машайихлар, сўфилар, қаландарлар тўғрисида жуда кўп хотира, қисса, достон ва зикрлар яратилган. Улардан ёш авлодни тарбиялаш,

¹ Рабғузийнинг бу асари турли данрларда китобат килиниб, кснг таркалган. Унинг XV асрга оид қадимий нусхаси Британия мухйида сакланади. Бу нусханинг факсимлеси К. Гронбек томонидан 1948 йилда Конснгагенда нашр этилган. Биз шу манбага суюндиқ. Асар А. Юнусов томонидан хозирги алифбога кўчирилиб, икки жилдда нашр қилинди.

² Ушбу лавқа И. Остонакулов билан ҳамкорликда сизлган.

тўғри йўлга бошлаш воситаси сифатида фойдаланишган. Бундай китоблар жумласига араб, форс-тожик ва туркий тилларда яратилган Абу Исо Термизий (IX аср), Абдулоҳ Ансорий (XI аср), Фарииддин Аттор (XII аср), Юсуф Ҳамадоний (XIII аср), Носириддин Рабгузий (XIV аср), Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Исҳоқ Богоистоний (XVII аср), Муҳаммад Яъқуб Ёркандий (XIX аср) сингари адилар асарларини келтириш мумкин.

Яқинда ана шундай улуғ китоблардан яна бирини топиш баҳтига мушарраф бўлдиқ. Китоб номи «Тазкират ул-авлиёт туркий» бўлиб, унинг муаллифи Муҳаммад Сиддик Рушдийдур.

Хозирги замон адабиётшунослиги учун бутунлай янги сиймо бўлган улкан ўзбек шоири, носири, таржимони ва олимни Муҳаммад Сиддик Рушдий ва унинг илмий-адабий мероси ҳақида тўла маълумотга эга эмасмиз.

Асарнинг муқаддимасидаги қайдларга қараганда адаб Кўкон, Ёркент шаҳарларида, Қошғар, Хўтан диёрларида умр кечирган. Тазкирани эса Хўтан диёрида таваллуд топган Ёркент ҳокими Ҳожа Кефакбек илтимосига кўра ёзади. Ҳожа Кефакбек «дониш аҳлиниңг фойики ва заррот мақомининг лойиқи», ўз юртида маданият ва илм-фан аҳлига ҳомийлик қилган, мадраса ва масжидлар барпо этган тараққийпарвар киши эди.

Муҳаммад Сиддик шеъриятда, хусусан ғазал, муҳаммас, рубоий жанрларида ўз замондошлари ўртасида катта шуҳрат қозонади. «Куръон», хадис баёнига доир билимларни, тасаввуф фалсафасини пухта эгаллаган. Араб, форс-тожик ва туркий тилнинг нозик жиҳатларини мукаммал эгаллаган билимдан киши бўлгани учун дўстлари унга «Тазкираи туркий» битишини илтимос киладилар.

Муҳаммад Сиддик бу ҳақда шундай ёзади:

«Фаригонда кўриштум тоғ била,
Қозидим ул тоғни тирноғ била.

Тарихқа минг икки юз тўқсон эрди ибтидо қилдим,
тўрт йил тамом бўлғонда итномомига еткурдим...

...Тўрт йил ўтрусида чектим рақам
Не илик ором олиб, не қалам».

Демак, бу асар 1870 йилда ёзиб тамомланган. Адаб ўз асарини ёзиш учун катта тайёргарлик кўради. Ара-

бий, форсий манбаларни «Шарх ул-қулуб», «Кашфул асрор», «Мағфират ул-нафс», «Тазкират ул-авлиё» сингари ўнлаб китоблардан ижодий фойдаланган.

Муқаддимада таъкидланишича, муаллиф «арабий иборатлар» ҳамда «форсий алфоз» билан битилган китоблар туркй талабалар учун тушуниш оғир бўлиши, замондошлари орасида «Қуръон» ва пайғамбар ҳадисларини изоҳлаб тушунтириб бера оладиган алломалар камёблашиб бораётгани учун хосу оммга тушунарли содда тилда ўз китобини яратади.

Уни қўлига қалам олишга ундаган яна бир жиҳат адид яшаган замонда фиръянсифат одамхўр, сангдил, бешафқат, бемурувват кишилар қўпайиб кетиб, «машойихлар сўзини эл-улус унутиб», маънавий қашшоқлашиб бораётгани эди.

Пайғамбарлар ҳакида қисса ва нақллар кўп ёзилгани, агар уларни ҳам қўшиб, сўнг шайхлар зикрини қилсан сўз узоққа чўзилади, деган андиша билан Муҳаммад Сиддик факат авлиёлар зикри билан кифояланади. Унда, гарчи 95 машойих зикри ваъда қилинган бўлсада, факат 83 бузруквор зикри баён этилган. Эҳтимол бунга адиднинг умри кифоя қилмаган ёки китобат пайтида котиблар айрим зикрларни «иккинчи даражали» деб билиб тушириб қолдирган бўлиши мумкин.

Қўлёзма 382 варақ бўлиб, гоят сифатли қоғозга, гўзал настаълик хати билан қўчирилган. Зикрлар тартиби, оят, ҳадислар ва нақллар қизил рангда ёзилган. У ўтган аср Қашғар китобат санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланади. Китоб котиблари қўрсатилмаган, саҳҳофи эса Сайид Муҳаммад отлиғ киши бўлиб, муқованинг ички тарафида елим-мухрга туширилган.

Қўлёзма муаллиф дастхати ёки у ҳаёт пайтида китобат қилинган бўлиши мумкин. Чунки унда юзлаб тузатишлар, киритмалар мавжуд.

Муҳаммад Сиддикнинг тахаллуси масаласига келсак, ўтмишда бундай тахштлус қўллаган шоир учрамайди. Бу жиҳатдан «Рушдий» ўзига хос тахаллус. Лувавий маъноси ҳидоят, яъни рост йўлга кирган киши маъносини билдиради. Эҳтимол, адид улуғ файласуф Ибн Рушд (Х аср) даҳосига иқтидо қилиб мазкур тахаллусни қўллагандир.

Ушбу китоб кўп жиҳатлари билан шу хилдаги асарлардан тубдан фарқ қиласиди. Ўзига хос композицион курилиш ҳамда мундарижага эга. Боблар зикр тарзида келади. Ҳар бир зикрда, дастлаб қаламга олинган шайх-

авлиёning илм-фан, дин, адабиёт оламида тутган ўрни, тасаввуфнинг қайси маслагига мансублиги, илмий қудрати, унинг қайси илмлар билан шуҳрат қозонгани сажъ йўлида юксак кўтаринки руҳда тавсиф этилади.

Шундан сўнг ўша авлиёning туғилиб ўсган юрти, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олган шаҳарлари, устозлари, у ёки бу мутасаввуфий оқимга қўшилиб, ишқи илохий йўлига ўткунга қадар бажарган ишлари, чеккан риёзатлари, тавбасига сабаб бўлган ногихоний туртки — ваҳий баён этилади.

Китобхонда ўша шахс ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилдиргач, Мұхаммад Сиддиқ «Келтирибдурларким» бошланмаси билан у киши ҳақидаги ривоятларни, «Нақл қилибдурларким», «Нақлдурким», «Дебдурларким» киритмаси билан унинг сафдошлари, муридлари ва замондошларининг сухбатлари, хотиралари ва хикояларини беради.

Шундан сўнг, «Дебдур» бошланмаси билан ўша маъшихининг «Қуръон» оятлари ва пайғамбар ҳадислари билан боғлиқ кўплаб панд-насиҳатлари, диний тушунчалар, тасаввуф таълимотига доир мушоҳадалари ва ибратли хулосалари келтирилади.

Бу панду насиҳатлар, мақоллар Шарқ донолигининг бебаҳо дурданалиридурки, уларнинг ҳар бири қўйма мазмун заминига эга. Мана шайх Самнун Мұхіб тасаввуфга қандай баҳо беради:

«Тасаввуф улдурки, сен ҳеч кимарсанинг мулки бўлмагайсан ва ҳеч нимарса сенинг мулкинг бўлмагай!»

Озодлик, тенглик ва инсоний эркни мундан ортиқ сўз билан ифодалаб бўлмаса керак.

Фузайл Аёз шундай дейди:

«Бадбахтнинг нишонаси беш нимарсадур: аввал, кўнгли қаттиқ бўлмоқ; иккинчи, кўзи уятсиз бўлмоқ; учинчи, бешарм ва беҳаё бўлмоқ; тўртинчи, дунёга мояил бўлмоқ; бешинчи, умид риштасин узокға солмоқ, яъни бу йил мундок қиласай, келурға андоғ қиласай демак».

Ином Жаъфар Содиқ шундай насиҳат қиласилар:

«Беш кишининг сухбатидан ҳазар қил: аввал, ёлғончиким, анинг бирла ҳамиша фиреб ерсан; иккинчи, аҳмоқ ва соддаким, сенга манфаат деб бир иш қилур, зиёнинг андадур; учинчи, баҳилким, ўбдан вактида сендан айрилур; тўртинчи, кўркунчоқким, хожат вактида сени ташлар; бешинчи — фосиқки, бир луқманинг гамъасида сени ярим луқмага сотар».

Шуниси диққатга сазоворки, муаллиф панд ва фалсафий мушоҳадалардан сўнг мамдӯхининг вафоти, жанозаси тафсилотини баён этади. Бу баён шунчаки қайд этиш бўлмай, балки маълум бир ибратни кўрсатиш учун истифода этилган воқеа хисобланади. Шунингдек, мурид ёки шогирдининг туши орқали мархумнинг руҳий тақдири ҳам кўрсатиб ўтилади. Натижада ҳар бир зикр яхлит бир асар даражасига етказилганлиги маълум бўлади. Бунга Иброҳим ибн Адҳам, Боязид Бастомий, Абул Ҳасан Ҳаррақоний зикрлари мисол бўла олади. Зероки, бу типдаги кўплаб зикрлардан на бир тавсиф, на бир ривоят, на бир накл ва на бирор пандни гушириб қолдириш мумкин.

Муҳаммад Сиддик ўз тазкирасида Шарқ фалсафийдиний қарашлари, хусусан, тасаввуф таълимоти, мөхияти, унинг юзлаб атамалари лугавий маъноси тўғрисида кенг маълумот беради. Ўз назарий фикрларининг тасдиғи-исботи учун Қуръондан кўплаб оятлар келтиради, ҳадислардан фойдаланади. Асарни варақлар экансиз, донишманд машойихларнинг зикрлари орасида тасаввуф, таваккал, варъ, тафвиз, зухд-тақвий, парҳезкорлик, илм ул-яқин, айнул-яқин, ҳақ ул-яқин, риёзат, имо-ишора, каромат, валоят, фиросат, тафсир, суннат, фарз, мароқаба, самоъ, тавба, тавозе сужуъ, рукуъ, гавҳид, вахдат каби тасаввуфий илмлар ва расм-русумлар, увайсийлар, тайфурий, маломатийлар, аҳийлар каби мазҳаблар билан яқиндан ганишасиз.

Ҳозир биз англағандан кўра бошқача бўлган тала-
балик, муридлик, зоҳидлик, дарвешлик, сўфилик, омил-
лик, олимлик, орифлик, аминлик, шайхлик, жавонмард-
лик мартабатарига қандай йўллар билан етишиш мум-
кинлигини англағаб оласиз.

«Тазкират ул-авлиёи туркӣ» соғ диний-назарий асар бўлиш билан бирга, жуда катта ирфоний, маърифий, адабий аҳамиятга ҳам эга. Ҳар бир ривоят, накл ва ҳадис даражасидаги пандларда тарбия камолоти учун зарур бўлган тарбия унсурлари барқ уриб туради. Улар инсонни имоннинг бутунлигига эришиш, эътиқод поясини мустаҳкам этиш, кўзланган мақсад йўлидаги риёзатлардан тушкунликка тушмаслик, ижтимоий адолат, тўғрилик ва ҳақиқат учун кураш ва бу йўлда метиндек иродали, пок ниятли бўлишга чорлайди.

Инсон учун, она-замин, табиат учун яхшилик қи-
лиш, эътиқодлар турличалиги билан инсон зоти асли
бир эканлигини доимо ёдда сақлаш, элпарварлик, ва-

тандўстлик, нафсга банда бўлмаслик, бойлик ва пурба-
ҳо кийим кетидан қувиб, ўзи ва бошқалар жонига зиён-
захмат еткурмаслик ҳар зикр ғоявий йўналишини таш-
кил этади. Жунаид Бағдодий тавҳидга берган шарҳида
Оллоҳ билан банда ўртасидаги фарқ ва унинг моҳияти
ҳақида тўхталиб шундай дейди: Унингча, қудратлилик,
саҳоватлик, мурувватлик, қаҳхорлик, раззоқлик, беҳо-
жатлик, ёлгиз худога хосдир. Инсон-банда эса гариб,
мискин, ҳожатманд, оқиздир. Яъни инсон мол-мулки-
га, амалига бино қўйиб бошқалардан ўзини қудратлилик,
беҳожат, мурувватлик, қаҳхорлик, мангу яшовчиман, деб
англаса —худо сифатларини ўзида бор деб билса у,
албатта, ҳаётда янгишиди, қоқилади, ўсал бўлади, азоб-
укубатга гирифткор бўлади, вақтингчалик муваффақия-
ти, сохта буюклиги ошкор бўлади. Мана, Оллоҳнинг
бирлигини таъкидлаувдан мақсад! Асарда тилга олин-
ган шахсларнинг ҳар бири илм-фаннинг у ёки бу соҳа-
сида кўплаб китоблар битиб, устод даражасига етган,
фавқулодда қудратга, илоҳий кучга эга бўлган киши-
лар. Чунончи, Ҳаким ат-Термизий илму амал, фала-
киёт, ҳайвонот илми, тафсир соҳасида улуғ китоблар
тасниф қилган «Ҳаким ал-авлиё» унвонига сазовор бўл-
ган. Робия яккаю ягона аёл — авлиё бўлиб, сеҳрлайди,
ҳавода муаллақ тура олади. Абу Туроб Нахшабий қў-
лини темирчилар кўрасига тутиб тура олади, ерни теп-
са чашма кайнаб чикади, Ҳабиб Ажамий, Иброҳим
Адҳам дарёдан юриб ўта олади, дараҳтни ўзи билан
юргизади. Ҳасан Басрий, Боязид Бастомий, Башир Ҳо-
фий истиқбодда бўладиган ишларни башорат қиласиган,
фиросат —руҳшуннослик илмida комил: Абул Ҳа-
сан Харрақоний шер, илон, йўлбарслар билан дўст-
инок, томда туриб ердаги болтани воситасиз кўлига
олади, у шаҳардан бу шаҳарга яёв юриб юзлаб фарсанг
масофани оз фурсатда босиб ўтади. Мансур Ҳаллож
кўл ҳаракати билан уюм паҳтани момиққа ва чигитга
ажрата олади. Баъзи шайхлар (ёши катта бўлгач албат-
та) емак-ичмакни кунда бир марта бўлганига раво кў-
радилар. Уларча орифлар бир кунда бир марта овқат-
ланадилар, мўъминлар икки марта, ҳайвонлар эса уч
марта. Бир шайх ҳар куни етти дона узум ейиш бмлан
қаноатланса, бошқаси, олма бўйини ҳидлаб юриб кун
кечиради. Улар назокат бобида ҳам барчага ўрнак: Боя-
зид мачитга етгунча, мачит ҳурматини сакдаб, ҳаргиз
тупирмайди, Оллоҳ сўзини тилга олишдан аввал оғзи-
ни чайқайди. Хотам Асим ўзи ёнида ел қўйиб юборган

хотин ўсал бўлмасин деб, ўша захоти «кар» бўлади. То ўша хотин оламдан ўтмагунча «карқулок» лақаби билан яшайди.

Ҳайратланарлиси шундаки, бу художўй шайхларнинг ҳар бири ўз тариқати ва мазҳабини бошқаларга мажбурламайди. Айрим шайхлар эса шогирд тарбиялашга бутун умрини бағишлайди. Уларни «учар қушларим» деб атайди. Сиртдан қараганда барча шайхлар факат Оллоҳга етишмак йўлида бу дунёning барча юмуш ва неъматларидан, энг жигарбонд кишиларидан ҳам воз кечган. Аммо синчковлик билан қаралса, уларнинг ма-на шу аҳдларида ҳам комил инсонийлик бор. Авваламбор, бу шахсларнинг ўзи бирон қасб-кор эгаси; ёшлигидан устод кўриб, кўп илмларда камолот чўққисига етган; юзлаб шогирдларни вояга етказган; аксарияти мурид ёки закот берувчилар инъоми эвазига эмас, ўз меҳнатига яшайди. Баъзи шахслар шогирд ҳамда фарзандларига қасб-хунар ўргатишга астойдил ҳаракат қилишади:

«Келтурибдурларким, Абдулло Мағрибийнинг тўрт ўғли бор эрди. Ҳар бир ўғлига бир хунар ўргатмак буюрди.

Сўрдиларким:

— Не учун ўғлонларга хунар ўрганмакни лойик кўрдингиз?

Абдулло дедиким:

— Ҳар бир ўғилга бир хунар ўргатурман, то мендан кейин «фалонийнинг ўғлимани» деб ростгўй элнинг жигарларини емагайлар ва ҳожат вақтида қасб-хунар қилиб рўзонасига сабаб бўлгай ва элдин тамъа килмагай».

Айрим шайхларнинг халқдан узилиш, хилватда ўтириш, факат Оллоҳ ёди билан яшаб, жанинат умидида умр ўтказиш тўғрисидаги кўпдан-кўп мулоҳазалари улар яшаган ижтимоӣ-сиёсий мухит билан бевосита боғлик. Улар жабр-зулмнинг интиҳосиз, енгиб бўлмас даражада томир отганлигини кўриб, шундай ҳолат билан таскин топиш мумин, деб ўйлар эдилар. Асли фарғоналиқ бўлиб, Восит ва Марв шаҳарларида яшаган Абубакр Воситийнинг куйидаги сўзлари фикримизни тасдиқлайди: «Бизлар мубтало бўлибдурмиз бу замонада бир тоифалар орасидаки, уларда на ислом одобларидан нишона бўлгай ва на муруvvват ҳукми уларда зохир. Ҳамма жоҳиллик ва бадхўйлик уларда мавжуд ва пайдодур».

Еки Жаъфар Содик раҳматуллоҳу алайхининг «Бу замона ҳалқининг дўстлукини бозор таоми янглиғ то-пибурманким, ранги-бўйи хушдур, аммо таъми но-хушдур» деган сўзлари афсуски, барча даврлар учун айтса бўлгулик аччиқ ҳақиқатдур.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳалқдан, оломондан узилиш маслаҳатини муршид муридга, сўфи дарвешга тавсия этади, бутун оммага эмас! Бу таълим ҳам доимий бўлмай, кўзланган билим эгаллангунча давом этади.

Энди бир-икки оғиз Муҳаммад Сиддиқнинг бадиий маҳорати масаласи хусусида. Юқорида айтганимиздек, муаллиф ўз даврининг етук шоири, ноқили, зокири, тилшуноси ва тасаввуфшуноси бўлган. У фойдаланган манбалар арабий, форсий бўлгани учун мазкур асарда ҳам баъзан форсий гап қурилиши таъсири устиворлик қиласи. Матнда инверсия ҳодисаси кучли бўлиб, бу Муҳаммад Сиддиқнинг насрдаги ўзига хос услубини белгилайди. Муаллиф ора-сира келтирилган арабча, форсча шеърларни туркийга таржима қилганда аруз вазнининг усталаридан эканлигини намойиш этган.

• Муҳаммад Сиддиқ ўз ўқувчисини мутолаа қийинчиликларидан қутқариш учун сўз ва атамаларни ўрнида изоҳлаб кетади. Арабча, форсча сўзларни иложи борича туркий шаклини қидириб топади. «Наззора» сўзини «қароламоқ», «воситачи» сўзини «орачи», «бог-бон» ўрнида «мевачи» синонимини қўлладайди. Китобда ёзувчи юзлаб номлар ва географик атамаларнинг келиб чиқиши, маъносини изоҳлайди.

Агар асар лексикаси бўйича тадқиқот олиб борилса, шоирнинг ўзбек тилини бойитишдаги катта хизмати яққол кўзга ташланган бўлур эди. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ўзбек насрининг улкан на-мояндаси сифатида адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин эгаллади. Накл ва ривоятларда классик наср ва ҳалқ оғзаки ижодига хос бўлган фразеологик бирикмалар, иборалар, ўхшатиш ва жонлантиришлар, тажнис, ташбиҳлар кўп учрайди: «зор-зор чун абри навбаҳор йиғлади», «умр кемаси ажал гирдобига етди», «олами фонийдан дорул бақоға риҳлат қилди», «маърифат да-рахтини фикр-андиша суви бирла сугоргайлар», «ҳай-рат бармогини тишлади».

Шайхлар васфи дебоча, баъзан хотимада машойихларнинг муножотини беришда сажъ санъатидан усталлик билан фойдаланади. Шу билан бирга ўта жимжи-

мадорлик, ортиқча гапдонникка ҳам йўл қўймайди, лўндалилкка интилади. Бу хусусият ривоятлардаги диалогларда яққол кўзга ташланади. Диалогларда фикрий таранглик ўқувчини шу қадар ўзига тортадики, у якун топгунча нафас олмай кутуб гурасиз. Хуносадан эса олам-жаҳон ҳикмат оласиз.

Дунёни тушунтиришда сўфилар имо-ишорат, рамз, мажоз билан сўзлаганлари учун фалсафий мушоҳадаларни бирданига идрок этиш осон эмас. Муҳаммад Сиддиқ бундай ҳолларда ўзи ҳам қаттиқ масъулият билан масалага ёндашганлигини айтади. Узи яхши идрок этмаган ўринларни хато қилиб қўймаслик учун тушурриб қолдиради. Агар ўқувчи менинг сўзим билан қониқиши ҳосил қилмаса Фаридиддин Аттор асари ҳамда «Кашфул асрор» каби китобларга мурожаат этиши мумкин, дейди. Бу эса адебнинг юксак маданият ва идрок соҳиби эканлигидан далолат беради.

Қисқаси Муҳаммад Сиддиқнинг маҳорат билан ёзилган кўпгина ривоятлари ўзбек саргузашт-сехрли асарларининг энг яхши намунаси хисобланishi мумкин. Ўнлаб наклларни эса тарихий ҳикоячилик жанрининг мумтоз тури деб аташ ўринлидир. Шунингдек, бу асар Шарқ тарихи, жуғрофияси ва этнографиясига оид кўплаб маълумотларни ўзида жам этган ёдгорлик сифатида ҳам қимматлидир. Кичик мисол келтириш билан чегараланамиз. «Ажам» сўзи илмий рисолалар ҳамда изоҳли лугатларда «араб бўлмаган юртлар ёки хатклар» деб шарҳланган. «Тазкират ул-авлиёи туркий»да эса бу сўзга янада аниқроқ изоҳ берилган. Басралиқ шайх Абу Шақони ҳалқ Ҳабиб Ажамий деб атайди. Бунга сабаб у «Куръон»ни яхши ўқий олмайди, кироат қишлоғмайди. Шу сабабли уни «ажамий» яъни «араб бўлмаган мусулмон» дейишган. Абу Шако ҳам «Мен ажамий, яъни туркман, қалбим арабий» дея хитоб қилади. Ҳабиб эса худонинг дўсти маъносини билдиради.

Демак, «Ажам» сўзини араблардан бошқа ҳалклар деб эмас, умуман араб бўлмасада мусулмон динини қабул қилган ҳалклар, мамлакатлар деб аташ тўғрирок ва мукаммалроқ бўлади. Шунда Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарининг маъноси ҳам янада мукаммал тушунилади.

Кишида ўринли бир савол туғилиши мумкин. — Бу китобда зикр этилган шайхларнинг бари араб, Хурросон диёрида яшаб ижод этган бўлса, бизга қандай аҳамияти бор?

Кишини қувонтирадиган, қалбларимизни фахр ва ифтихорга тўлдирадиган жиҳати шундаки, китобда зикр этилган улуғ инсонлар орасида Ўрта Осиёда камол топган, илм-фан, маориф ва майший маданият тараққиёттига сезиларли ҳисса қўшган, номлари мусулмон Осиёдагина эмас, бутун жаҳонга машҳур бўлган, айримлари олдинги китобларда тилга олинмаган Муҳаммад Али Ҳаким ат-Термизий, Абубакр Варрок Термизий (машҳур муҳаддис Абу Исо ат-Термизийнинг тоғаси), Абу Туроб Нахшабий, фарғоналик Абубакр Воситий, марвлиқ Фузайл Аёз, Абу Али Ибн Синонинг дўсти, катта замондоши Абул Ҳасан Харрақоний, Абубакр Сайдалоний каби илми хикмат, фалсафа ва фикҳ донишмандлари бор. Бундан ташқари китобда зикр этилган баъзи авлиёлар хаёти ҳамда фаолиятининг маълум даври Насаф, Марв, Урганч, Бухоро, Самарқанд шаҳарларида кечади ёки авлодлари Мовароуннаҳриқидир.

Муҳаммад Сиддик ўз фикрларини далиллаш, тўлароқ ўқувчига тушунтириб бериш учун Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Шавкат сингари улууглар ижодига суюнибгина қолмай, Навоий, Сўфи Оллоҳёр асарларига ҳам мурожаат этади.

Хулоса қилиб айтганда, бу асар шу қадар серфайз ва хосиятли ёдгорликки, ундан ҳар бир киши хоҳ кичик, хоҳ катта бўлсин ўзига керакли маънавий озиқ олади:

Қрри ва уламолар ўқиса «Қуръон» ва ҳадис шарҳини янгидан кашф этади; талаба ва шогирд ўқиса, билим дунёси кенгайиб, кўнгли қувватга тўлади; хукмдор, сарватманд ўқиса, факир-бечорага раҳм-шафқатли, саховатли бўлади, зулм ва бедодликдан қайтади; йўлдан адашган, маломатга қолган, ўғирлик қилиб юзи шувит бўлган одам ўқиса гуноҳига тавба-тазарру қиласи; отаона ўқиса фарзандларига янада меҳрибон, ширинсўз бўлади, фарзандлар ўқиса, ота-она, яқинлар қадрига етадиган бўлади; кибру ҳавога берилган, ўз ҳолидан ғофил кимсалар ўқиса, кўнглида такаббури сусаяди; эътиқодсиз ўқиса, эзгулик ва яхшилик йўлига киради; имони мустаҳкам бўлади, ҳаётнинг маъносини англайди.

Бу китоб ирфоний билимлар қомуси бўлиб, бир лавҳада уни атрофлича таҳлил этиш, унинг аҳамиятини бор бўйича кўрсатиб бера олиш мушкул иш. У алоҳида, тарихий, қиёсий-типологик нуқтаи назардан жиддий тадқиқ этишни талаб қиласи.

ЗАРОФАТ СОҲИБИ

Азиз китобхон! Сиз мулло Насриддин, Насриддин Афанди, ОтаҚўпек Мерган, Алдар Кўса, Умирбек Лакки сингари Ўрта Осиё халқ зарофатгўй донишмандлари қаторига **XVIII** асрда қўшилган Мушфиқий, Мулло Мушфиқий номини ҳам кўп эшитгансиз. Аммо Мушфиқий ким? У асли тарихий шахсми ёки тўқима тимсолми? деган савол қўпчиликни қизиқтиrsa керак. Биз шу саволга тўлароқ жавоб беришга уринамиз.

Тожик халқ латифа ва ҳикоятларининг асосий қаҳрамонига айланган Мушфиқий тарихан яшаб ўтган шахс, унинг асли исми Абдураҳмон, **XVI** асрда яшаган аянчли тақдир соҳиби. У саргардон лирик шоир, хозиржавоб ҳажвгўй, достоннависидир. Мушфиқийнинг ота-боболари асли Марвликдир. Шоир 1525 йили Бухорода қашшоқ оиласда дунёга келган, ёшлигига отонасидан етим қолади. Натижада бўлажак шоир бухоролик бир ҳунарманд хонадонида хизматкорлик қилиб юриб, хат-саводини чиқаради, мадрасада таҳсил кўради. У фавқулодда истеъдод соҳиби сифатида математика, астрономия, ҳикмат, мантиқ, араб тили, фетсафа, башорат ва бошқа билимларни мукаммал эгаллаб «Илмада Птоломей ва Аристотель» («Тарихи Роқимиј») даражасига етади. Аммо ёшлигидан шоиртабиат бўлган Мушфиқийда бадий ижодга рағбат устунлик қилади ва у тез орада машҳур шоир сифатида шуҳрат қозона бошлайди, хажвий шеърлар ижод қилади.

Мушфиқий Аминий ва Махрамий каби шоирлар билан бирор бирор муддат давлат хизматкори, зодагонлардан Бурхонхон ҳузурида бўлган ва жуйбор хўжалиридан баъзиларига маддиялар ёзган бўлишига қарамай, она шаҳрида шуҳрат топа олмади, бирон ҳомий пайдо қилолмади. Шунинг учун Мушфиқий 1564 йили Самарқандга кетиб қолади. Шоир бу ерда сарой китобдори вазифасига эришган бўлса ҳам, лекин моддий ахволи яхшиланмайди. Шоир Бухорога қайтиш мақсадида Абдуллахонга қасидалар йўллайди, «Гулзори Ирам» маснавийсини тутгатади. Бу орада Самарқанд ҳокими Абу Саид вафот этади; Абдуллахон Самарқандни қўлга киригади. Мушфиқий унинг зафарини муборакбод этиб, қасидалар битади, аммо хон унга илтифот кўрсатмайди. Натижада бир қанча адиллар сингари шоир Мовароуннахрни тарқ этиб, Хиндистонга кетиб қолишга мажбур бўлади. Ва 1577 йили Акбаршоҳ ҳузурига боради, ле-

кин унинг умидлари пучга чиқади. 1578 йили Бухорога қайтиб, Абдуллахон саройидаги адабий доирага дахил бўлишга эришади. Ва катта адабий жараён, жиддий ижтимоий-сиёсий воқеалар оғушида яшаб, 1588 йил вафот этади.

Мушфиқийдан бизга қадар жуда катта ҳажмда бадиий мерос колган. Уларни ўрганиш, тасниф этиш ва нашр қилдиришда тожик олимларидан З. Ахроров, С. Айний ва У. Каримовларнинг хизмати катта. Унинг тўртта девони мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси 1558 йили тузилган, фақат ҳажвиялардан иборат, қолганлари қасида ва газалларни ўз ичига олган. Бундан ташқари Мушфиқий «Соқийнома», «Гулзори Ирам», «Жаҳоннамо» сингари маснавий-достонлар ҳам ёзган. Девонларида қасида, газал, рубойи, китъя, мухаммас, маснавий, таркибанд, таржеъбанд, мустазод сингари лирик тур жанрларида асарлар жамланган. Шоир ўз ҳажвияларида кишилар ўртасида учрайдиган нуқсонлар, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар устидан кулади, адолатсизликдан нолийди. Машхур «Мерос тақсими» ҳажвиясида эса, қайси бир ақидага кўра киз болани отона меросидан маҳрум қилиш одати устидан ку-либ, бу хусусдаги мунофиқлик ва риёкорликни қаттиқ ганқид остига олади. Мушфиқий Шарқ шеърияти та-рихида маҳсус ҳажвий шеърлар девони тузган шоир сифатида ҳам диққатга сазовор. Профессор А. Болди-рев бундай асарларни халқчил, шаҳар ҳунармандлари руҳиятини ифода этадиган ҳаққоний асарлар, деб таъкидлаган. У нисбатан илм маданият равнақи учун имконият пайдо бўлган осойишта муҳитда маликушшу- аро даражасига этади. Ҳасан Дехлавий ҳамда Камол Хўжандий сингари буюк шоирларнинг илгор анъана-ларини давом эттиради, уларнинг санъаткорлик даҳо-сидан файз топади.

Шоир лирикаси гоявий йўналиши, тематик доираси, хусусан, санъаткорлик жиҳатидан ўзига хос хусусиятга эгадир. Чунки, уларда анъанавий образ ва мавзулар янгича моҳият касб этиб боради, у лирик қаҳрамоннинг дард-ҳасрати, шоду-хуррамлиги ўзига хос ҳазил мутойибага мойиллилиги, маъшуқанинг сервиқор нозу таманноси, опшқ илтижосио, нолаю зорисига бепарво, «Ўз таҳтидан тушмаслиги», (Навоий)ни ниҳоятда таъсирчан, бадиий уйнокликда тасвирлайди. Профессор Зохир Ахрорий Мушфиқий санъаткорлик маҳоратини шоир ижодига бағишлиланган рисоласида маҳсус ўрганганди. Машхур адид ва қомусий билим соҳиби

Садриддин Айний ўз тадқиқотларида шоир поэзиясинг бу сехрига бир неча бор ишора қилган. Маъшуқасининг дардида юрмоқ, унинг кўйи тупроғини кўзиға тўтиё этмоқ ошиқ учун баҳт, фидойиликка ундовчи бир рамз:

Волаи хусни хати ғолиябўи ту шавам,
Ваҳ чи зебо шудаи, бандай рўи ту шавам.
Гар шавад ҳар нафасе дар тани ман жони дигар,
Ҳар нафас чон диҳаму зинда бар бўи ту шавам.
Ман на он ошиқам имрўз, ки чун булҳавасон,
Талабам коми дилу ранжа зи хўи ту шавам.
Сари мўе шудаам аз ғаму доғам ҳавасе,
Ки фидои ҳаваси ҳар сари мўи ту шавам.

(Сенинг мушкин ҳидли лабинг хатига вола бўлибман, шу қадар гўзаллашибсанки, юзинг бандаси бўлибман. Ҳар нафасда танамда бир жон пайдо бўлса, ҳар дақиқада жон бергиму ҳидингдан қайта тирилгум. Мен бул ҳаваслар сингари бугун парвона бўлиб, ҳажр азоби онларида сандин воз кечмасмен. Ишқинг кўйида соч толасидек бўлиб қолдим, лекин ҳамон ҳар сочининг толасига фидойилигича қолибман). Барча ўтмиш тазкирнавис ва шеършунослари Мушфиқийни нозикбин ва нозикбаёнликда алоҳида маҳорат соҳиби сифатида таърифлайдилар.

Мушфиқий қасидатарининг кўпии васфий характерга эга. Уларнинг баъзилари шоир ўзига бир пуштипа ноҳ ҳомий топаолмай, шаҳарма-шаҳар юрганида турли ҳукмронларга йўлланган асарлардир. Аммо «Қасидалар девони»да шундай шеърлар ҳам борки, уларда муаллиф, бир томондан, ўзининг оғир, мусибатли ҳаётини, моддий қийинчилклари, бекаслигини ифодалаб, замона носозлигидан шикоят қиласа, иккинчи томондан, шоҳ наздидаги обрўсига суюниб, мавжуд ижтимоий тузумдаги адолатсизликни, айрим беклар, идора амалдорлари, хусусан, вазир Осаф томонидан содир қилинаётган зулм-зўрлик, гайри қонуний хатти-ҳаракатлар қаттиқтанқид килинади, фош этилади, уларни адолатпеша бўлишга ундейди.

«Соқийнома» ҳамда «Жаҳоннамо» нисбатан ихчам достонлар бўлиб, уларда шоир сўфиёна майллар, ахлок-одоб масалалари, комиллик шартлари хусусида бир мутафаккир сифатида мулоҳаза юритиб, китобхонни поктийнат, маърифагли бўлишга даъват этади. Саргу-

зашт достон «Гулзори Ирам»да эса муаллиф икки ёш ўртасидаги фидой ишқни, Ҳусн, Дил, Ишқ, Ақл, Ҳаёл, Ғамза, Мехр, Вафо, Номус сингари рамзий образлар орқали тасвирлаган. Айрим адабиётшунослар Мушфиқий бу достонни ёзишда Фаттоҳий Нишопурийнинг «Ҳусну Дил» достонидан илҳом олганлигини қайд этишган. Лекин Фаттоҳий достони халқ китоблари сингари назму наср аралаш усулида ёзилган, Мушфиқий асари эса анъанавий маснавий жанрида битилган. Бунда жанрлар қоришимаси сезилмайди. Бу мавзунинг кейинги асарлардаги туркий ва форсий тилларда анъанага айланишида Мушфиқий асарининг ҳам ўрни бор.

Хулоса қилиб айтганда, Мушфиқий ёшлигидан барча билимларда камолот касб этиб, ўзининг зукколигиу ҳозиржавоблиги, нотикдигиу бадеҳагўйлиги, латифагўйлиги асия айтиши билан ҳаммани лол қолдирган, ноқиллигу ғазалгўйлиги билан мана-ман, деган шоирлар назарига тушган санъаткордир. Шунинг учун ҳам ўша асрдә ё Мовароуннаҳрга тез ёйилиб халқ латифалари, хикоятларининг қаҳрамонларига, зарофатгўй эртакчиларнинг тимсолларига айланган. У ҳозиржавоб ҳажвгүй қаҳрамон сифатида ҳамиша омма билан баробар қадам ташлаб юриди.

ЖИСМИМ НОТАВОНДУР МЕНИНГ

Ўн еттинчи асрда Мовароуннаҳр минтақасидан форс-тожик адабиётининг бир неча ёрқин ўлдузлари етишиб чиқдиким, улар орасида оташзабону ширинка- лом шоир Сайидои Насафий алоҳида мақомга эга. Ли- рик турнинг деярли барча жанрларидаги асарлардан катта ҳажмдаги девон тузган, «Баҳориёт» (Ҳайвонотнома), «Шаҳрошӯб» (шаҳар ҳунармандлари хусусида манзума)лар яратган сермаҳсул бу санъаткорнинг ижодини ўрганиш ва нашр этишда Холиқ Мирзозода, Садриддин Айний, Абдуғани Мирзоев ҳамда Жўраҳон Шанбездодаларнинг хизмати катта.

Бўлажак шоир Миробид Сайидои Насафий XVII асрнинг 30-йилларида Бухорода ҳунарманд оиласида дунёга келади. Авлодлари Қаршилик бўлгани учун «Насафий» тахаллусини қўллаган. Болалигиданоқ зехни ўт-кир бўлган Миробид беш яшарлигидан мустакил мутлаа, хат машқига берилиб, тез орада саводини чиқаради, йигитлик пачласида кимсасиз қолгани учун Лаби Ҳовуз

масжиди хузуридаги Девонбеги мадрасасидан бир хужра олиб яшай бошлайди. Мадраса таҳсили жараённада ёк у нистеъоддли шоир сифатида кўзга ташланади. Натижада талабалар, шаҳар хунармандлари орасида шуҳрати ошиб, кўплаб дўстлар орттиради. Ана шу дўстлари уни моддий ва маънавий жиҳатдан кўллаб юрадилар ва давридаги барча билимларни эгаллаб, замонасининг энг пешқадам шоири даражасига етади. Аммо Бухоро шаҳрида шоир эътибордан четда қолади, бирон ҳомий топилмайди. Шунинг учун у пушту паноҳ излаб, Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарларини кезади, лекин «бирон харидор» топилмайди, Ҳиндистонга бормокчи бўлади, аммо аксарият ҳамроҳлари кетишса ҳам «ватан меҳри» юрт ҳудуди и тарқ этишга йўл бермайди. Тўкувчиликдан келадиган даромади моддий ахволини яхшиламаса ҳам, умрининг охиригача ўша хужрада яшаб, хунармандлар ва косиб дўстлари қаторида бўлди. Сайидо Насафий узок умр кўриб, 1707—11 йиллар орасида вафот этган.

Юқорида таъкидланганидек, бизга қадар Сайидо Насафийнинг мукаммал куллиёти етиб келган. Унинг кўлёзма нусхаларида 8500 байтдан иборат турли жанрлардаги шеърлар жамланган. Уларнинг мавзу доираси кенг, гоявий йўналиши ранг-баранг, бадиийлиги энг авж нуктада. Ўша давр шоири ва адабиётшуноси Малеҳои Самарқандий ўзининг «Музаккир-ул-аҳбоб» тазкирасида Сайидо ижодига куйидагича баҳо берган: «Мақташда унинг номи пайваста келмаган ғазал учрамайди, у мухаммас боғламаган ғазал ҳам топилмайди Бокира ғазаллари сўз усталарини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тоҷидир. Шаҳрошублари бозорларга ғавғо солған, руబойлари сўз арбоблари эътиборини қозонган, қасидалари салмоқли, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустаъзодлари қалбларни ром этувчи, мувашшаҳлари муаммо, чистонлари дилписанд нимаики ёзган бўлса бари мумтоз ва олийқадрдир».

Ҳақиқатда ҳам Сайидо Насафийнинг шеърлари ҳар жиҳатдан бошқа салафлари асарларидан фарқ қиласи. Жумладан, у ғазат жанрида анъанавий мұхабbat мавзусидан ташқари инсон турмуш уринишлари, унинг маънавий олами, мавжуд ижтимоий тузумнинг барча жабҳалидаги ҳаётий ҳодисаларни тасвирлашга, акс эттиришга эришган санъаткордир. Шоир кўпинчча 7—8 байтли ғазаллар иншо этса ҳам, баъзи ғазалларида байтлар сираси йигирмадан ошади. Улардаҳамиша воқеабандликка, ҳақ-

қонийликка жиддий эътибор берилади, ҳар бир газал шоир яшаётган даврнинг муайян ҳаёт лавҳасидек туюлади. Шунинг учун ҳам шеърларида азалий ва абадий муҳаббат мавзусининг янги қирраларини кашф этиш билан бирга лирик қаҳрамоннинг ўзини ўраб олган муҳитга муносабати ранг-баранг бўёкларда ўз ифодасини топган. Шубҳасиз ошиқ висол онларига интилади, ёрининг бетакрор гўзаллигини васф этади, ундан вафо, садоқат, мурувват тилайди; уни гул гашти, баҳор фаслини, бўстон сайрини ғанимат билишга чорлайди. Ошиқ чинакам гўзаллик, ҳаёт шайдоси:

Омад баҳору сайри гулистон ғанимат аст,
Базми висоли ғунча хандон ғанимат аст.
Бо қомати хамида равам сўи бўстон,
Наззорай бунафшаву райхон ғанимат аст.

(Баҳор келди, гулистонни сайд этмоқ ғаниматдир, хандон ғунча висоли или базм этмоқ ғаниматдур, бўстон сари қоматимни эгиб бораман, чунки бунафша билан райхон тамошоси ғаниматдир).

Бир қанча газалларида шоир ошиқ қалбининг турли-туман кечинмаларини табиат гўшасининг сўлим ёки сўлғин лавҳаларини чизиш билан мутаносиб тасвирлаб, инсон руҳий олами нечоғлиқ нозик ва ранго-ранг кўринишиларга эга эканлигини кўрсатишга муваффақ бўлади. Ана шундай кезларда табиат ошиқ нияти, хоҳишига терс келиб қолади. Бундай кезларда энди лирик қаҳрамоннинг мавжуд ижтимоий тузум иллатлига, бадкирдор замондошларию бевафо дўстларига муносабати, зулм исканжасида инграётган оддий хунармандлар аҳволига, замондошлар дардига ҳамдардлик изҳор этиш яққол кўзга ташлана бошлайди. Шу зайлда ошиқ гоҳ ёр жабридан, гоҳ бежизликтан мунг торгади, баъзан ҳаётдан норози ошиқнинг «тизза кўзгусига бош кўйиб», маҳзун ўтириши нафис чизилади. Кўпинча замон ва замон аҳлининг бевафолигию зулми танқид қилинади: «Менинг» радифли ғазалида шоир ўзига ўхшаган минглаб жисми нотавонларнинг умумлашма образини яратади:

Мазраи хушкам, назар ба осмон бошад маро,
Мепарад чашмам, умед аз Каҳқашон бошад маро.
Партави хурshed бар дўшам гарони мекунад,
Баски ҳамчун жисми нотавон бошад маро.

(Куруқ шудгорман, күзларим осмондадур менинг,
Күзим учади, умидим Самон йўлидантур менинг
Куёш нури танамга оғир ботади,
Жисмим зору-нотавондур менинг).

Шу туркумга кирадиган газалларда шоир ўзини «Кудукка ташланган Юсуфга», бўм бўш саҳро «этагида кун кечираётган мингларнинг бирига» ўхшатади; «зогу зағона йўлдош» бўлгандан, «уйга замона аҳлидан бири ташриф буюрса даштга қочиб кетишга» мажбур бўлганидан, «жаҳон таланган қишлоққа», «гул қонга бўялган ханжарга ўхшаганидан» озор чекади; «халқ тожтахт талашиб», «сув ўрнига бир-бирининг қони»ни ичаётганидан нолиб, даврининг аянчли манзарасини чизади.

Бошқа туркум асарларида, хусусан «Шоир уйининг ўтри уриши» шеърида қаллоблик, бемехрлик, судхўрлик, «етўнимчилик» авж олган, адл ўрнини зулм эгаллаган замонасининг ёрқин лавҳаларини зўр санъаткорлик билан чизади:

Ба дарҳо медаванд одамиро нафси гарданкаши,
Харидоре набошад ғайри саг нони гадоиро.

Ба муфлис рўйихат дунё, кунад савдогари пеша,
Гадо мунъим чу гардад мефурӯшад ошноиро.
Насихат мекунад ба аҳли дунё бештар воиз,
Намегўянд мардум бе тамаъ ҳарфи худоиро.

(Инсонларни муҳтожлик эшикларига турмилтиради, гадойлиқда топилган нонга кучукдан бошқа кимса қарамайди. Йўқсилга дунё учраса, савдогарлик даъвосини қиласи, гадойнинг қорни тўйса дўстликни сотади. Воиз дунё аҳлига ваъзхонлик қиласи, аммо ҳеч ким художўйлик ҳакида тамаъсиз гапирмайди). Ҳасби ҳол характеристидаги бундай шеърларда лирик қаҳрамон замона зулмидан, муҳтожлигу бенаволикдан, зулм исканжасида нолиётган, охидан «оташ ўрлаётган» меҳнаткаш ҳалқнинг умумлашма образини яратади; «дастурхони тиланчиликка узатилган гадо қўлидек бўшлиги»дан шикоят қиласи: «Ҳурросону Хиндистонда шеърларимни ўқийдилару юртим Туркистонда қадр топмадим» дейди.

Сайдои Насафий куллиётининг катта бир қисми-ни маснавийлар ташкил қиласи. Улар 27 та бўлиб, анъанавий ишқий-саргузашт, ижтимоий фалсафий ха-

рактердаги маснавийлардан фарқ қиласы. Шоирнинг бу хилдаги шеърлари бирон бир тарихий воқеа ёки шаҳар, тарихий шахс, табиат манзараси, йил фасллари тасвирига бағишиланган ихчам достонни эслатади. Жумладан бундай асарларнинг бир нечаси қишининг қаттик совуғио, ёз чилласининг инсон тоқат қилаолмайдиган иссиғи тасвирига, Бухоро, Боқижон чорбоги, Накшбанд равзаси таърифларига бағишиланган.

Бир туркум маснавийлар Бухоро амирлари Абдул-азизхон ҳамда Субхонқулихон хукмронлиги давридаги Мовароуннарда рўй берган воқеалар тасвирига бағишиланган. Улар бир томондан, шоир ижодидаги ҳаққонийлик, реалистик тамойилларни билиб олишга кўмаклашса, иккинчи томондан, ўша даврдаги баъзи тарихий воқеаларни аниқ тасаввур этишга кўмаклашади. Айрим тарихий шахсларнинг мавжуд ижтимоий тузумдаги ўрни ҳамда мавқеларини мукаммал англашга ёрдам беради. Умуман Сайидо маснавийлари тузилиши, мавзу доираси, тимсоллар силсиласи, ғоявий йўналишию бадиийлиги жиҳатидан ушбу жанрнинг тарихий тараққиётида муҳим бир ҳодиса хисобланади. Шарқ мумтоз адабиётида бу туркумдаги асарлар факат Сайдои Насафий ижодигагина мансуб бўлиб, тили, услуби, бадиий тасвир усуллари ҳам ўзига хосдир. Қасида, китъя, рубоий каби жанрлардаги асарлар ҳам ана шу маснавийлардаги фикрларни тўддиришга хизмат қиласы. Жумладан, Баҳовуддин Накшбандга бағишиланган қасидалар шайх равзаси ҳақидаги маснавийларда ифодатанган мулоҳазаларни ривожлантиради, янада такомиллаштиради.

Олдин қайд этганимиздек, Сайдо бир умр шаҳар аҳли билан хусусан, хунармандлар билан ҳамкор ҳамнафас бўлган санъаткордир. Шунинг учун ҳам шоир асарларининг етакчи мавзуларидан бири оддий меҳнаткаш халқ ҳаётини тасвирлашдир. Үнинг девонида косиблар, турли касб эгалари, шаҳарнинг майда-чуй-да-кундалик юмуш билан банд аҳолига бағишиланган маҳсус «хунармандлар шеърлари» мавжуд. Уларда шоир, бир томондан, Бухоро амирлиги замонида меҳнаткаш халқ турмушининг нечоғлик аянчли эканлиги ҳаққр-ний инъикос эттираса, иккинчи томондан, маснавийларга кирган турли ҳажмдаги асарларида батафсил тасвирланган.

Сайдо маснавийларидан саккизтаси турли тоифадаги хунармандлар тавсифига бағишиланган. «Хожа Мир-

зажон баққол таърифида». «Шустагар хожа Нурхолму-хаммад таърифида», «Баққол хожа Шафе таърифида», «Нонвойлар таърифида», «Қассоб таърифида», «Нажжор таърифида» сингари асарлар шулар жумласидандир. Бундай маснавийларда шоир оддий меҳнаткаш халқнинг хаётини кўтаринки бир руҳда тасвирлайди; уларнинг жамият моддий неъматларини яратишдаги ўрни, мавқеини алоҳида эътироф этади; улар жамият кўркига кўрк қўшиб, инсонларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришларига қарамай гоятда оғир аҳводда яшайтганларини дард-ҳасрат билан кўрсатади. Бундай «хунармандлар ҳакидаги шеърлар» тоҷик адабиётдагина эмас, Ўрга Осиё халқлари мумтоз адабиётидаги мутлақо ўзига хос ҳодисадир.

Маълумки, ўтмиш мумтоз адабиётимизда шаҳарларда яшайдиган турли ижтимоий табақаларни жамиятда тутган ўрнини тасвирлаш, кўпинча хукмон табақалар гурухларининг салбий кирдикорларини танқид ҳамда фош қиласидиган асарлар яратиш анъанаси мавжуд. Лекин фақат меҳнаткаш халқнинг турли тоифаларини назм ришишасида бир силсилада тасвирлаш — шаҳрошуб яратиш ҳам Сайидо Насафий қаламигагина хосдир. 404

байтдан иборат Сайидо шаҳрошубида чарчинфурӯш таърифиға багишлиланган ғазалдан бошланиб, заргар, ҳалвогар, кулол, қандолатчи, тоқидўз, баққол, камонгар, саройбон, этиқдўз, пахсачи, ошпаз, хаймадўз, тандирчи, танбурчи, совунпаз, дегрез, кўхнадўз, дукчи, курашчи, темирчи, мусаввир, котиб, даллол сингари 212 хунар эгаси 2 байтдан тортиб 5 байтгача бўлган шеърий шаклларда таъриф ва тавсиф этилади, баъзан енгил юмор ёки лутф орқали мутойибага тортади, уларнинг моддий неъмат яратиш жараёнидаги кайфиятлари тасвирланади. Бошқа шаҳрошублардан Сайидо асарининг фарқи у асосан фардда ёзилган. Ушбу манзумалар мавзу доираси ва гоявий йўналиши жиҳатидангина эмас, балки маърифий, тарихий ва этнографик нуқтаи назардан ҳам катта аҳамиятга молик. Зероки, шоир шаҳрошублари орқали биз ўша давр Бухоро музофотидаги хунар ва хунармандлар хусусида, ҳар бир касбнинг ўзига хос мураккабликлари ҳакида мукаммал маълумотга эга бўламиз. Чунончи, Бухоро шаҳрида махсус «шустагир» (кир юувучи)лик касби мавжуд бўлиб, шоир уларни ҳаёт покизалиги тимсолидек таърифлайди.

Сайидо Насафийнинг оддий меҳнаткаш хштқقا меҳри, инсонпарварлиги, турли хунар эгаларининг яратув-

чилик құдратига комил ишонч «Баҳориёт» («Ҳайвонотнома») манзумасида ҳам яққол ўз ифодасини топған. Күнлардан бир кун шоир ғам гүшасидан чиқиб, саҳроға յөзләнибди, қараса бир сичқон уяси оғзига ўтириб олиб ўзини таърифлаётғанмиш. Унинг мақтанчоқлигина эшитган мушук келиб, сичқонни паст уриб, ўзини мақтаб кетибди. Буни эшитган ит келиб мушукни қоралаб ўзини оқлай-мақтай бошлабди, шу зайлда қўй, бўри, хўқиз, туя, тошбақа, типратикан, тулки, қуён, маймун, оху, арслон, фил, каркидон бирин-кетин келиб, дастлаб ўзидан олдин гапирған ҳайвонни қора-лаб ёмонлаб, сўнг ўз-ўзини таърифлабди. Ва ниҳоят «ҳайвонлар подшоси» дағ-дагаю, ас-аса билан келиб ўзининг ҳаммадан катта ва бақувват эканлигини викор билан таърифлабди. Бир донни судраб бораётған чумоли шернинг гапини эшитгач, йўлидан тўхтаб дебди: «Эй, замонанинг Рустами Достони чумолилар иттифоқидан бехабармисан. Биз бирлашганда оиласиз ризқиси сенинг айшингдандир, қумурқалар овқати шербаччалардир». Шоир 18 ҳайвонни ўзаро, ўз-ўзини таърифлаш мунозараси орқали мажозий йўл билан тасвирлар экан, асар охирида чумоли тилидан «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар», «якка отнинг чангি чиқмас экан» деган хуносага келади. Маснавий йўлида ёзилган ушбу достон катта таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга. Зероки, асар замирида меҳнаткаш ҳалқ құдратли кучдир, деган фикр мужассамланган.

Форс-тожик адабиёти тарихида Сайидо энг кўп муҳаммас ёзган шоирлардан бири ҳисобланади. У Ҳофиз, Жомий, Урфий, Ҳилолий, Назарий, Фифоний, Соиб, Камол, Калим, Толиб, Мушфиқий сингари 70 дан ортиқ ўтмишдошлари ғазалларига муҳаммаслар битган, ўзи ҳам замон ва нобоп замона аҳлини танқид қилиб, муҳаммаслар ёзган. У Соиб Табризий ижодини ўзи учун бир мактаб, деб билган ва шунинг учун унинг кўплаб ғазалларига муҳаммаслар ёзган.

Кўриниб турибдики, бутун умрини gox гүшанишинликда, gox хунармандлар орасида, баъзан эса муҳтоҗлик азобидан қутилиш учун Самарқанду-Тошкент, Каршию-Шахрисабз шаҳарларида сафарда ҳомий, пуштипаноҳ излаб сафарда ўтказган Сайидо тожик классик адабиётидаги чинакам ҳалқ-хунармандлар шоири экан. У бир умр косиблар даврасида юрди, жавонмардлик ўчоғи бўлмиш хунарманд тоифалар гурунгида бўлди, ҳаҷқ дардига ҳамроз бўлиб, байтлари билан кўнгилла-

рини кўтарди. Шунинг учун ҳам унинг асрлари ҳамон ўзи айтганидек «Ҳинду Хурсонда» эл оғзида.

СЎЗ ГУҲАРШУНОСИ

Ўн саккизинчи асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярми кўхна Кўқонда ўзига хос бир маданий, илмий ва адабий мухит вужудга келди: турли шаҳар, қишлоқлардан олим, хаттот, мусаввир, муаллим, шоир, машшоқу муганнию муқаллид, зарофатгўйлар шаҳарга жамланди, маҳсус ҳунар мактаблари, мадрасалар ривожига алоҳида эътибор берилди. Ҳатто соҳавий-рассомлик, нақошу музахҳиблиқ, хаттотлик, машшоқлик со занда-навозандалик ҳунар мактаблари ташкил этилди. Энг мумтоз асрларни сарштаб кўчиртириш, таржима қилдириш йўлга қўйилди. Уларга аркони давлат хомийлик қилди, хаттот ва мутаржимлар моддий жиҳатдан таъминлаб турилди. Элликдан зиёд ижодкорлар ягона адабий мухитда жамланди. Ҳатто чекка Аштда ҳам Муҳаммадамин Косоний бошчилигида котиблар ва раскомлар-мусаввирлар тайёрлайдиган маҳсус мактаб очиленган. Ана шу катта бир ижодий жараённинг раҳнамоси-саркори Амир Умархон-Амирий эди.

Бўлажак шоир ва давлат арбоби Умарбек 1787 йили Кўқонда зодагон оиласида туғилади. У бошлангич таълимни хусусий муаллимларда олгач, мадрасада ўқиди: араб ва форсий тилларни, замонасидағи барча билимларни, мукаммал эгаллади. Шундан сўнг акаси Олимхон хизматида бўлади. Ўз билимдонлигию маърифатлилиги билан кўпчиликнинг дикқатини тортади. 1807 йили акаси Фарғона ҳокимлигини топширади. У Андикон ҳокими Раҳмонқулбийнинг қизи Моҳларойим (Нодира)га уйланади. 1810 йили Олимхон фитна оқибатида ўлдирилгач, Умарбекни хон этиб кўтардилар. Ўн йилдан зиёд хукмронлик қилган Умарбек маданий хаётни юксалтиришга, мадраса, мактаб, мачит, хона-қоҳ, ҳаммом, карvonсаройлар қурдиришга, адабий хаётни жонлантиришга, қўшни давлатлар билан маданий, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор берган. Унинг ўзи ҳам Амирий тахаллуси билан ғазаллар ёзган. Амир Умархон 1822 йили вафот этган.

Амир Умархон давр фарзанди сифатида салтанатини мустаҳкамлаш, хонлик ҳудудини кенгайтириш йўлида қаттиққўллик сиёсатини олиб борди, ҳатто, бос-

қинчилик урушларини ҳам уюштириди, юргирлик сиесати ғолиб келиб, эл-улус ахволидан хабар олмади. Дилшоди Барно: «Амир Умархон вужудан олим ва буюк шоир эди. Шундай олим ва шоир бўлсада, мазлум аҳолига раҳм-шафқат қилмади» деб ёзгани бежиз эмас.

Амирий ўзидан ўзбек ва тожик тилларида катта ҳажмдаги шеърлар девонини қолдирган. Шоир девони [1887 йилдан 1909 йилгача бир неча бор чоп этилган. Ўша давр Қўқон адабий муҳити, Амирий ижодини ўрганишда академик Азиз Қаюмов, филология фанлари доктори Маҳбуба Қодироваларнинг хизмати катта. М. Қодирова 1972 йили Амирий девонини чоп эттирган эди. Лекин ўша йиллардаги хукмрон мафкура «ўтмишни идеаллаштириши», «сарой адабиёти вакили» тамғалари билан китоб ман этилди ва тарқалишига йўл кўйилмади.

Амирий Қўқон адабий муҳитининг бошқа шоирлари сингари ўзбек ва тожик тилларида баробар ижод қилиб, хар икки тилда мумтоз газаллар, мухаммас, муррабба, мусаддаслар яратган. Шарқнинг даҳо шоирлари Ҳофиз, Камол, Лутфий, Жомий, Навоий, Бедил ҳамда Фузулийларнинг энг сарағазалларига мухаммаслар битган, ўҳшатмалар ёзган. Бир ғазалида шоир Навоий ижоди ўзига бадиият сарчашмаси бўлганлигини қайд этган. Шу далилнинг ўзи унинг ижодхонаси қай таҳкурси асосига қурилганлигини қўрсатади. Амирий ижодига Навоий даҳосининг таъсири, шоир ғазалларининг халқона руҳда эканлигига М. Қодирова «Девон»га ёзган сўз бошисидаёқ илм-адаб аҳли диққатини жалб этганди.

Шоир ғазалларини кўздан кечирар эканмиз, уларда абадий мавзулар, ишқ тасвириланганлигини кузатамиз. Аммо ана шу анъанавий муҳаббат тасвирида Амирий мутлақо ўзига хос бир йўл туттган. У Лутфий, Навоий, Бобур ғазалларидан файз топиб, арузнинг халқ қўшиклирига яқин баҳрларида ижод этишга, муайян инсон-маъшуқа чиройини нафис чизишда, ошиқ илтижоси, дард-хасратини ифодалашда хапқ лапарларидек содда, равон шеърлар яратишга эришади. У кўпинча севгининг файзу тароватини умумлашма қаҳрамон — ошиқ тилидан ёрининг руҳсори, гуфтори, рафттори, андоми, қошу кўзи, нозу карашмасини таъсирчан, бокира тарзда тасвирилашга мұяссар бўлади; кичик бир лавҳа воситасида олам-олам таассуротлар туғдиради.

Чунончи, классик ғазалиётимизда кўпинча ёр лаби

устидаги нафис кора тук гўзаллик тимсоли сифатида мушки анбар, райхонга қиёсланади. Амирий ғазалларида ана шу «хат»нинг юзлаб ҳолатларда бадий ташбех, тимсол сифатида акс топганлигини кузатамиз. «Хатти анбарфом», «хатинг нуктаси», «санбарин хат», «сабзаи хатти», «хатти шабранг», «хатинг райхони», «хатинг даври», «хат зохир ўлди лаълидин» сингари сўз ва ибораларнинг хилма-хил товланишларда келиши фикримизни тасдикдайди. Шоирнинг тожикча ғазаллари ва мухаммасларида ҳам ана шу анъана устивор. Жумладан, бир ғазалида «сенинг хатинг Қуръон сатрларини эслатади» деган фикрни беради.

Хати зоги учун икки қаро зулфи тузоф эрди,
Баногўши сафосин боға тушган қора ўхшаттим.

Амирийнинг «Тасаддуқ», «Санга», «Дерман», «Ногоҳ», «Чўх», «Ухшайдур», «Дермишлар», «Гулнор» сингари ўнлаб ғазаллари чинакам ҳалқона асарлар бўлиб, уларда ошиқ қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари беҳад нафис, ихчам ва равон йўлда ифодаланган, муракқаб ташбехлар, турли фикрларнинг қўшилиб-қуюқпаниб келиши ҳолати учрамайди: бадий-тасвирий воситалар ҳаммабоп тарзда қўлланган:

Зохир этмиш гар шафақ ул лаъли хандондин ҳаво,
Йигламоқ қасб айламиш бу чашми гириёндин ҳаво.
Бўлмаган бўлса агар лаълинг майдин сурх рў,
Не учун ҳар тун шафақ зохир қилур қондин ҳаво.

Бундай ғазалларда маълум даражада Фузулий ва Машраблар анъанаси ҳам мавжуд:

Лабинг сарчашмаи оби бақодур,
Хизр хатти зилолингта тасаддуқ,
Тутарман танаро жонни гироми,
Бўлур бир кун висолингта тасаддуқ.

Кўпинча шоир анъанавий образларни ёки бадий тасвирий воситаларни қўллашда айрича йўл танлайди. Аксарият шоирларимиз масалан, ёр гажагини, бавзан сочини ҳам ошиқ учун қўйилган тузокка ўхшатганлар. Ёки ёрнинг ошикка қиё боқишини, кайрилиб кўз кирини ташлашини «мўрчанигоҳ» деб таърифлаганлар. Амирий ана шу анъаналарга ўзгача ёндашади; гажагу

зулфни кўп ҳолатларда қуллоб, яъни қармокқа қиёслаб, фикрни теран ифодаланишига, ғазалсароликка янги бир лавҳа олиб киришга мусассар бўлади:

Ишқ баҳрида кўнгил моҳисини сайд этгали,
Зулфин ҳар бир кажи юз ҳалқаи қуллоб эрур.

Демак, ёр сочининг ҳар бир жингалаги ишқ денгиздаги балиқларни (ошиқларни) овлаш учун ташланган қармоқ илгичларини эслатади. Мумтоз ғазалларимизда кўп учрайдиган «мўрча нигоҳ» иборасини шоир содда қилиб «нимнигоҳ» тарзида ишлатаверади:

Нимнигоҳинг кўз учидин, турди мижгон саф тузуб,
Хам бўлиб, таъзим этиб, ер ўпди фармонингда қош.

Ёрнинг қатли учун қасд этиш — лутф айлаши ҳам ошиқни тетиклаштиради, унга таскин беради. Зероки, маъшуқа кўзидан отилган ўқлар ошиқ қалбини чок этса, дудоғида зухур этган ширингуфтторлик унга жон бағишлайди. Ёр лабларини таърифлаб хат иншо этган қалам бол чўқиган қуш тумшуғига ўхшайди:

Ҳар қаламким лаблари васфида таҳrir этса хат,
Тўтидурким бўлур шахҳ ичра минқори сучук.

Қуйидаги байтда ҳам ўзгача, мутлақо янги бир қиёс мавжудким, шоирнинг сўзга заргарона муносабати ҳайратомиздур:

Ғизо ўлмиш агар кўрсам кўзингни рўза чогида,
Нехуш улким қилур бодом ила ифтор мен янглиғ.

Фарғона водийси ҳалқлари орасида рўза кунлари ифторга бодом қўйиш ёки ифторда бодом мағзи тановул этиш анъанаси мавжуд. Шоир бу ерда классик шеъриятимиздаги ёр кўзини — қабогини бодомга ўхшатиш анъанасини давом эттирган ҳолда, ана шу таомилга ишора қилиб, фикрнинг қабариқ ифодаланишига эришган.

Анъанавий тазод, тарсеъ, ғулу (ўта муболаға), ўхшатиш, тадриж сингари қатор шеърий ва лафзий санъатлардан фойдаланишда ҳам биз гўзал, бетакрор байтлар яратилганлигининг гувоҳи 316 йўламиз. Ёр лабидаги қоп-

қора холни «болга күнгөн чибинга, ошиқ бошини гүйга, ёр гажагини чавгонга» ўхшатиш турли-туман кўринишларда зухур этган. Бу ворисийлиқда ҳам Амирий кашфиётлар килишга интилади:

Бошим гүй ўлди, жавлонгоҳида ман бенаво қолсам,
Бижамдиллоҳ жони зоримни помоли саманд этди.

Бошқа бир ўринда боши (гүй), ёр гажаги (чавгон)га илинганидан шод эканлигини изхор этса, бу ўринда ошиқ ёр отлари туёғи остида гүйдек топталганидан шод. (Чавгон от устида майсазор майдонда ўйналади).

«Сутун», «Зеб», «Яктараф» радифли ғазалларда ҳам бир-бирини тақрорламайдиган, бошқа санъаткорлар ижодида кам учрайдиган ранг-баранг ташбеҳлар кўлланилган ва жозибали тасвирлар яратишга эришилган. Ёрнинг оппоқ яноғидаги қоп-қора холи момикдай кор устидаги қора қаргага ўхшайди. Аммо ана шу ҳинду хол ёр баногўшини равшан этади, яъни ўзидан шаффоф нур таратадиган мўъжиза:

Холи ҳиндуси баногушини равшан айлади,
Фаслидай топғон киби зоғи сиёҳдин қор зеб.

Жуда кўп классик шоирларимиз ёр сочини мушкка, мушки Хўтан тарқатадиган бир мўъжизага таққослайдилар. Кўйидаги байтда Амирий зулф образини янгича талқин этган:

Ики фаттон кўзунг Чин шаҳридин бож олса, тонг эрмас
Хўтан мушкига тушмиш шуҳрати зулфингдан овоза.

Демак, ошиқ назарида унинг ёри оламоро бўлиб, зулфларини паришон қилгандан сўнггина энг зўр хид тарқатадиган Хўтан мушки шуҳрат пайдо қилган экан, яъни ўша мўъжизанинг манбаи ёр сочи.

Баъзан шоир ошиқ қалбининг энг нозик туйгуларини маъшуқага хитоб, илтижо усуслари билан ифодалаб, муайян бадиий лавҳалар яратади. Мана бу байтда ошиқ ёрига «сочингга тароғингни авайлаб ургин, яъни тарагин, чунки унинг ҳар торида юз асирнинг кўнгли бор» демоқчи:

Гар тарап бўлсанг сочингни чекма бепарво тароғ,
Баски бордур юз асир ўлғон кўнгул ҳар тор аро.

Аксарият ғазалларида фақат шодлиғу гүзәлликни таъриф этиб, маъшуқанинг сафоли руҳидан, шириң гуфтарию охудек хиромидан гулгул яшнаган лирик қаҳрамон баъзан унинг бевафолигиу ағёрга лутф этиб, «харидорига жабр» этишидан шикоят қиласади. Амирийнинг «Хофиз», «Тамаъ», «Фалак», «Янглиғ», «Заиф» радифли ғазалларида ёрининг озоружафоси, «дилсанглиги», «саҳт-рўлиги»дан нолиш мавжуд. У ёрига «пора-пора кўнглум устурлобтек», умр ўгар «хаёлу хобтек», шунинг учун «соғар ичиб набот газак» этмоқ керак, деб мурожаат қиласади. Амирий ғазалларидан маълум бўлишича ўтмишда «шароби ноб» истеъмол қилгандан сўнг «набот газак» этиш расм экан:

Бизга то чанд жаҳон кулфатию даҳр гами,
Бода ичмак билан дафъи ғаму кулфат қилоли.

Амирий ўтмишдошлари анъаналарини давом эттириб, муваффақият билан туюқлар яратган шоирдир. У ўзбек тилидаги сўзларнинг оҳангдошлиқ хусусиятига эътибор бераркан, ўзгалар ишлатмаган сўзлар асосида туюқ ёзишга интилган. «Чин» ва «Богидур» каби туюқлар фикримизга далил бўла олади:

Оразинг гулзори жаннат боғидур,
Тори зулфинг жон қушининг боғидур.
Ҳалқай зуннор зулфинг даврида,
Кофири ишқ ўлмағонлар боғидур.

Демак, Амирий ҳам шаробни қайгу хасратни, замон кулфатларини унутиш воситаси, деб билган.

Маълумки, Амирий билан Нодира муносабатлари, устозу шогирд мушоиралари ҳақида кўп ва хўп нақллар бор. Нодира ўз девони дебочасида устози — ўзининг биринчи ўкувчиси, мунаққиди ва мухаррири эканлиги ҳақида илиқ гапларни ёзиб қолдирган. Афтидан Амирий девонида ҳам бевосита умр йўлдоши бўлмиш Нодирага бағишлиланган бир қанча ғазаллар борга ўхшайди. Буни Амирий ва Нодиралар томонидан мушоира тарзida яратилган «Бор» радифли ғаз&чнинг шоир девонига киритилганлиги ҳам тасдиклайди. Бундан ташқари айрим шеърлардаги маъшуқа ошиқ кулбасини доимий мунаvvар этгувчи сиймо. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардик. Айрим мунаққидлар Нодира ғазалларида Умархон ҳаддан ташқари идеаллашти-

рилган, деган фикрни билдирадилар. Бу, очиги, «феодал ўтмишни идеаллаштириш» сингари хукмфармо мафкуравий зуғумнинг асорати бўлиб, уларнинг мутлақо асосизлиги барчага аён. Навқирон, кўлига қалам туткизган устози, давлатни тадбиркорликла бошқариш билан бирга, илмий, адабий муҳитга йўналиш бериб турган одамидан жудо бўлган шоира қалбидаги айрилиқ дарди асарларининг том томирига айланниб, уларни фирқономага табдил этиши табиий бир ҳол. Шунинг учун Амирий газалларида Нодира тимсоли, шоира асарларида Умархон сиймоси алоҳида ўрганишни тақозо этади.

Кўриниб турибдики, Шўролар даврида мавзу жиҳатидан маҳдуд, ғоявий йўналиши нуқтаи назардан қашшоқ, фақат ялонгоч, шахватпарастликни тараннум этган, шаклбозлиқдан иборат, деб камситиб келганимиз Амирий асарлари ўзбек ғазалиётининг зарварақларини ташкил этаркан. Хусусан, шоирнинг сўз танлаш маҳорати кўп жиҳатдан ибратлидир. У шеърларида биронта ҳам мураккаб ёки бепарда сўз ишлатган эмас.

Демак, Амирий девонини қайта нашр қилиш ҳамда илмий-танқидий матнини яратиш галдаги вазифа бўлиб қолмоқда.

АСРИМИЗГАЧА НАСРИМИЗ

Маълумки ўзбек халқи минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган бой адабиёт яратган. Классик адабиёт, деб аталадиган бу маънавий зарваракларимиз қўлам жиҳатидан ҳам, мавзу ва ғоявий йўналиш нуқтаи назаридан, жанрлари ҳамда бадиийлиги томонидан ҳам ниҳоятда ранг-барангдир. Ана шу бебаҳо хазинанинг катта қисмини насрый асарлар ташкил қиласди. Биз кўп йиллик кузатишларимиз, ўнлаб насрый асарларнинг бевосита асл қўллэзмаларини мутола қилиш натижасида қадимий насримизни жанр, тематика, ғоявий йўналиш ҳамда услуг жиҳатидан қўйидагича муҳтасар тасниф этишни лозим қўрдик. Зероки, ҳозиргача «диний», «мистик», «хурофий» деб назардан соқит қилган ўнлаб насрый китобларимиз маърифат кони, аҳлоқ-одоб дастуридир. Уларда исломий аҳкомлардан ташқари халқимиз маънавиятининг кўп қирралари ўз ифодасини топган, унинг турмуш уринишлари акс этган.

Ҳикоя, ҳикоят, тамсиллар. Бу турга «Қиссаи Рабгу-

зий» (XIV аср), «Насойимул мұхаббат» (XV аср), «Гулзор», «Мифтохул адл», «Жомеъул-ҳикоёти туркий» (XVI аср), «Тазкиратул авлииे туркий», Гулханий ва Нозил Хўжандийларнинг «Зарбулмасал» китоблари киради. Мазкур мажмуалардаги ҳикоя, ҳикоят ва масалларнинг етакчи мавзуси панд-насиҳат, яхши хулқ-одобни, фарз ва суннатларнинг бажарилиши шартлиги, илм, ҳунар ўрганиш, сабр, қаноат, ризо, шукр, эътиқод, зикр, ишқ, маърифат, жавонмардлик, адолат ва бошқаларни тарғиб этиб, исломий одобга зид хислат, айб, гуноҳлардан пархез қилишга чорлашдир. Ушбу китобларнинг аксариятини ўзига хос одобнома дейиш мумкин. Уларнинг тили ва тасвир усулига «нақлдурким», «айтибдурларким», «ҳикоятда келур», «аймишлар», «хабарда келур», «хабарда келмиш», «ҳикоятларда сўз бу турур», «ҳикоятларда андоғ келурким», «бурунги ўткан замонда» сингари бошланмалар характерлидир. Деярли кўпчилик ҳикоятларда қиссадан-ҳисса чиқариш характерида якуний байтлар келади. Бундай асарларнинг тили фоятда равон ва фикр образли иборалар, лафзий ва шеърий санъатлар орқали лўнда ифодаланади.

Турли мавзулардаги ишқий-саргузашт, ахлоқий-таълимий, қаҳрамонлик руҳидаги қиссалар: «Қаҳрамони қотил», «Қиссаи Жамшид», «Қиссаи Дилнавоз», «Қиссаи Аҳмадбек ва Юсуфбек», «Девонаи Машраб», «Иброҳим Адҳам», «Ҳазрати Али қиссаси», «Қиссаи ма-ликаи Дилором», «Қиссаи Дороби зарринкамар», «Жангномаи Сухроби Ял», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Сиёвуш қиссаси» ана шу хилдаги асарлар сирасига киради. Афросиёб ҳақидаги қиссанинг бир қисми 1914 йили ҳозирги Туркияning Диёрбакр шаҳрида нашр этилган «Чаноқ калья» ойномасида ҳам босилган. Буларнинг услугига «Ровийлар ривоят қилурларким», «Аммо ро-виёни ахбор ва ноқилони осор ва мұхаддисони достон» каби бошланмалар, бобдан бобга ёки воқеадан воқеага ўтишда «алқисса» боғламаси хосдир. Бундай асарларда сюжет бир меъерда, фавқулодда ўзгаришлар, ногаҳо-ний воқеаларсиз баён этилади. Асосий дикқат бош қаҳ-рамон саргузаштини мукаммал, фоятда нафис, образли баён этишга қаратилган. Уларнинг таркибида руҳий ҳолат, табиат манзараплари, жангу жадаллар, қаҳрамон-ларнинг келбат ва салобати тасвирига бағишлиланган кўплаб рубоий, газал, марсия, маснавийлар учрайди. Баъзи-ларида воқеа бошидан охиригача назм ва наср аралаш тарзда тасвирланади.

Саргузашт романлар: «Самироншоҳ», «Барзунома», «Доробнома», «Хотамнома», «Жаҳонгирнома», «Сайдбаттоли гозий», «Абомуслимнома» каби ўнлаб асарлар ўзбек романчилигининг классик намуналари ҳисобланади. Бу хилдаги китобларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда воқеа кўлами жуда кенг. Асосий қаҳрамонлардан ташқари, унинг фаолиятини тўлдириб, муаллиф и-жодий ниятининг мукаммал тарзда ифодаланиши учун хизмат қиласидан ўнлаб образлар: воқеа ичидаги воқеалар ёки ҳикоя таркибидаги ҳикоялар жуда кўп. Бир романнинг ўзи бир неча ўнлаб ҳикоятлардан ташкил топган. Уларда муаллиф қасрлар, осмоний боғу-роғлар, сув ости шаҳарлар, даврий ва босқичли воқеаларни тасвиirlайди. Қаҳрамонлар воқеалар жараёнида шажаратари билан иштирок этади. Ушбу романларнинг бадиий нафосати, тасвирий воситаlardан истифода этилиши ҳам ана шу қамровнинг худудсизлиги, асосий қаҳрамонлар ва иккинчи дараражали тимсолларнинг гоятда кўплиги билан белгиланади. Жумладан, анъанавий бошланма ҳамда воқеадан воқеага ўтишдаги восита лавхалар ҳам турли-тумандир. Сўз, ибора, ифода, анъанавий бошланма ва боғланмалар ҳар бир романда айрича нафосатга эга. «Аммо ровиёни ахбор, ноқилони осор муҳаддисони достони кўхан, хушачинони хирмани сухан», «Бу воқеаларнинг донанда ва бинандаси андоғ ривоят қилибдурларким» сингари бошланмалар, воқеадан воқеага ўтиш тасвирида эса «Эмди бир калима сўзни бошқа ердин эшитинг», «Буларни бу ерда қўюнг, икки калима сўзни ўзга жойдин эшитинг» каби боғловчи кириш гаплар ушбу романлар услубига хосdir. «Або Муслим Жангномаси»да эса бундай бошланманинг янада мураккаброқ кўринишини учратамиз. «Аммо ровиёни ахбор ва ноқилони осор ва муҳаддисони достони бўстони гулистанни кухан ва хушанчинони хирмани сухан ва саррофони дорулаёни жавҳариёни риштаи бозори маоний ва суройороёни тасвири ажойиб ва чехракушоёни ҳикоёти гаройиб... Ҳаким Тарсусий ва Хожа Муҳаммад Тоҳир Хўжандий шундоғ ривоят қилибдурларки».

Ўн саккизинчи асрда яшаб ижод этган андижонлик шоир ва ёзувчи Шоҳ Ҳижрон «Барзунома»сида шу хилдаги бошланма лавҳанинг ўзгача кўриниши мавжуд. Унда сажъни ташкил этувчи сўзларнинг тизими ҳам, ифодалар таносиби ҳам ўзига хос жозиба ва равонликка молик. Бу асар асримизнинг бошида яшаган шоир ва мутаржим, ношири Ҳайбатуллоҳўжа Хислат «Барзу-

нома» сидан ҳам бадий тил воситалари, нафосати жиҳатидан устун туради. Чунки, Шоҳ Хижрон кириш гап ва қистирма ибораларнинг нисбатан соддароқ турларидан фойдаланган, арабий ва форсий сўз ва жумлаларни камроқ кўллашга интилган.

Тарихий, тарихий-ёднома характеридаги насрый асарлар: «Тарихи Мулуки Ажам», «Тарихи анбиё ва хукамо», «Бобурнома», «Шажараи турк», «Шажараи тарокима», «Гулшани давлат», «Фирдавсул иқбол», «Шажараи Хоразмшохий» ва бошқа асарлар. Бу китобларда тарихий воқеалар муаллифлар томонидан олим кўзи билан кўриб, саралаб чиқилади, кузатилади, ёзувчи диди, қалами билан қоғозга туширилади, баён этилади, тасвиirlанади. Шунинг учун уларда тарихий воқеалар тасвири бадиийликка йўғирилиб, кўпинча шеърлар, пандомуз маснавийлар билан безаниб, ҳаётий, афсонавий ҳикоятлар, нақллар билан сайқалланиб борилади. Бундай китоблар ўқувчига билим бериш билан бирга, катта бадиий-эстетик завқ бағишлайди. Улар шубҳасиз насримиз тарихининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Илмий-фалсафий, таълимий характердаги наср намуналари: «Маҳбуб-ул-кулуб», «Гулшани роз», «Тазкираи қаландарон», «Қоралар фалсафаси», «Тарихи мухожирон», мактублар, саргузаштномалар, муншаотлар, маоқиблар шундай асарлар сирасига киради. Уларнинг кўпи наср ва назм аралаш битилган. Мазкур ёдномаларнинг асосини жамиятдаги ижтимоий табакаларнинг бурч ҳамда вазифалари, ахлоқ-одоб, инсонпарварлик, маърифатпарварлик, ижтимоий адолат хусусидаги мушоҳадалар ташкил этади.

Бу ерда биз классик насримизнинг барча асарларини қамраб олиб, уларнинг мукаммал тасниfinи бердик, деган фикрдан йироқдамиз. Ҳали биз кузата олмаган наср намуналари жуда кўп бўлиши мумкин. Чунки, қиссаларнинг ўзи юздан зиёд. Баъзи саргузашт романларнинг бир йўла 2—3 кўриниши ҳам яратилган. Уларнинг ҳар бири алоҳида бадиий нафосат қирраларага эга.

Олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун тузилган жорий дастурлар ва улар асосида яратилган дарсликларда қадимги насримиз намуналарига ажратилган соатлар фоятда чегараланган. Биринчи ва иккинчи курсларда Навоийнинг насрый асарлари мухтасар тарзда, Хожанинг ҳикоялари ва «Бобурнома» ўрганилади, холос. Насириддин Рабғузийдан бир

неча «дунёвий хикоялар» таҳлили билан чекланилган; учинчи курсда эса тарихий руҳдаги наср намуналари санаб ўтилиб, бир-икки «халқ китоблари» кисқача шархланиб, Гулханийнинг «Зарбулмасал»ини юзаки ўқитиш билан чекланиб келмоқдамиз. Ваҳоланки, классик насторимиз бир тизимда, тадрижий такомилда ўргатилиши зарур. Тўғри, Республикамиз олимлари бу соҳада ҳозирги қадар бирмунча ишларни амалга оширидилар. Олимларимиздан Ҳ. Оқбўтаев, Т. Қобулов, Р. Мажидов, Р. Жуманиёзов, И. Остонақулов, С. Жамолов, М. Мирзамуҳамедова ва бошқалар наср ^{намуналари таҳлилига} доир тадқиқотлар яратишган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиёт институти олимлари «Ўзбек насли тарихидан» номли маҳсус рисола чоп эттиридилар. Унда ўзбек насрининг пайдо бўлиш тарихи, юқорида таъкидлаганидек «Бобурнома», Ҳожа хикоялари, Умар Бокий китоблари, «Тоҳир ва Зухра», «Латойиф-уттавойиф»нинг таржимаси ва XIX асрнинг иккинчи ярмидаги наср намуналаридан айримларига доир тадқиқотлар жамланган. «Тарихи муҳожирон» ва «Қоралар фалсафаси» асарлари ўша давр адабиётшунослиги руҳида таҳлил этилган. Афсуски, бу китобдан биз юқорида тилга олган аксарият асарлар таҳлили ўрин олмаган. Ачинарлиси шундаки, бу тадқиқотни маъруза жараённига олиб кириш у ёқда турсин, айрим педагогларимиз шундай илмий асар яратилганлигини билмайдилар ҳам. Эндиликда ёзиладиган дастурлар ва улар асосида битиладиган дарсликларда бу масалага жiddий ёндашишимиз, мумтоз насторимизни ҳам шеъриятимиз каторида баробар ўрганиб боришимиз лозим.

Бундан бир неча йил мұқаддам забардаст адабиётшунос, ҳозирги адабий жараённинг зукко мунаққиди, касбдош дўстимиз, профессор Азимжон Раҳимов «Ўзбек романи поэтикаси»га бағишиланган докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Муаллиф ўзбек романчилигига учта сюжет чизиги мавжудлигини айтиб, ҳар бир йўналишнинг илмий жиҳатдан чукур, мукаммал таҳлилини келтирган. Қизиги шундаки, олим кўрсатиб ўтган Оврўпа ҳамда ҳозирги ўзбек романнавислигидаги ана шу уч устивор сюжет тизими классик романларимиз бўлмиш «Самироншоҳ», «Доробнома» ва «Барзунома»ларда тўла мавжуд. Улардаги воқеалар камрови ҳам, тимсоллар силсиласию бадиий унсурлар ҳам ҳозирги романлар талаби ва табиатига ғоятда яқиндир. Демак, биз келажакда ўзбек классик адабиёти билан,

хусусан, қадимги наср билан ҳозирги проза ўртасига хитой девори қўймай, уларни яхлит, тадрижий такомилда ўрганишимиз лозим экан. Зероки, ҳозирги хикоя, қисса ва романларимиздаги кўп бадиий унсурлар классик насримизда «мана ман» деб кўзга ташланиб турибди. Ушбу масала ҳозирги замон адабиёти билан шуғулланадиган олимларнинг қадимги насрй меросимизни ҳам жиддий тарзда ўрганиб боришларини тақозо зо этади. Умуман, ўзбек адабиётини даврларга бўлиш нисбий нарса. Шунинг учун бу соҳа олимлари ҳар икки босқич адабий ҳодисаларини пухтароқ билишга интилишлари фақат фойда келтиради, холос.

ЭЛ ҲОЗИФИ

Бухоро Амири Насрулло 1842 йили сон-саноқсиз лашкар билан Кўқонга бостириб келиб, катли ом уюширади. Муҳаммадалихон, укаси, ўғли ва шоира Нодира ни ўлдириб, халқни хонавайрон этади. Насрулло ИброХим Ҳаёлни Кўқонга ҳоким этиб тайнинлаб, хунарманд, олим, шоир ва усталардан кўп кишини асир қилиб Бухорога ҳайдаб кетади. Улар орасида машҳур шоир, олим ва табиб Ҳозик ҳам бор эди. Шаҳарга қайтгач, Амир шоирга ўз зафари ҳақида бир фард айтишни буюради. Ҳозик аркони давлат ва лашкарбошилар хузурида баланд овоз билан қуйидаги байтни ўқиди:

Буриди бар қади худ аз маломат,
Либосе то ба домани қиёмат.

(Сен ўзингга лаънатдан шундан бир либос бичдингки, у кийим устингда қиёматгача қолади).

Амир Насрулло шоирга ҳеч нарса демайди. Аммо дилига ундан касд олишни тугиб қўяди.

Жунайдулло Ҳозик XVIII асрнинг 80-йилларида Хиротнинг Карх номли маҳалласида туғилган. Бўлажак шоирнинг болалиги она шаҳрида ўтади. Амир Ҳайдар хукмронлиги даврида (1800—1827) Бухорога келиб, мадрасада таҳсил кўради, замонасидаги барча илмларни, жумладан, тиббиётни пухта эгаллайди ва илм-адаб аҳли орасида шоир, олим сифатида шуҳрат пайдо қилади. Ҳозик аввал ўзи ўқиган Оли мадрасасига имом қилиб тайнинланади ва орадан кўп ўтмай амир Ҳайдар саройига жалб этилади. Лекин, эркин фикрли, ростгўй

ва зукко Ҳозикни саройдаги лаганбардор, тамаъгир ижодкорлар кўролмайди. Ҳатто, Маҳдум Жалолий деган бир қаламкаш уни масхаралаб ҳажвия ёзид тарқатади. Ҳозик ҳам «Мавлоно Жалолий ҳажвиясига жавоб қасида» ёзди ва саройни тарк этиб, фуқарою фузалога эътибор нисбатан яхширок бўлган Кўқонга боради. У дастлабки пайтларда катта обрўга эга бўлади. Амир Умархонга мадҳиялар битади, унинг газаллариға ўхшатма-тахмислар ёзди. Лекин саройдаги ҳаёт уни сикиб кўяди. Хусусан, Умархон вафотидан сўнг (1822) Ҳозик саройни тарк этиб, Кўқон ва Бухоро хонлиги ҳудудидаги турли вилоят ва шаҳарларда табиблиқ қилиб юради, ҳамда «Юсуф ва Зулайҳо» номли достонини тугатади. 1824 йили у табобатга доир «Шархи Қонунчча» китобини ёзди. Бухоронинг чекка шаҳарларида яшириниб яшаб юрган Ҳозик 1826 йили Хоразмга боради. Бу ердаги олим адиблар шоирни яхши пешвоз оладилар. Орадан кўп ўтмай шоир Хива хони Оллоқулихонга (1825—1842) «Равзатус-сафо»нинг таржимасини тақдим этади. 1829 йили Бухорога қайтган Ҳозик гоҳ Кўқон, гоҳ Шаҳрисабзда табиблиқ қилиб яшашга мажбур бўлади.

Юкорида таъкидлаганимиздек, Амир Насрулло Кўқонни конга ботирганда Ҳозик ҳам тасодифан шу ерда эди.

Фардни ўқигандан сўнг Амир уни омон қолдирмаслигини ҳис этган Ҳозик дўстлари ёрдамида мустақил вилоят бўлмиш Шаҳрисабзга қочиб бориб, ҳоким Хўжакули парвоначи паноҳида яшай бошлади. Дастлаб Насрулло шоирнинг ўғли Мирза Муҳташам орқали хат ёзб чақириради. Ҳозик қуидаги фард билан рад жавобини юборади:

Чун хузурам сабаби ранчиши табъят гардид,
Мегурезам, ки малулат макунам бори дигар.

(Менинг ҳозир бўлганим табъингнинг хирадлашишига сабаб бўлди. Сенга яна маломат етказмаслик учун қочаман).

Шундан сўнг амир ҳибсда ётган ўғри Душабойни зиндандан бўшатиб, озодлик ва катта инъом ваъда қилиб, Шаҳрисабзга бориб шоир Ҳозикнинг бошини олиб келишни буюради. Душабой уч шериги билан Шаҳрисабзга келиб, тонг саҳарда Ҳозикнинг уйига бостириб кириб, бошини танасидан жудо қилиб олиб кетишади. Бу пайтда Амир Насрулло Қаршида эди. Ўғрилар

шоирнинг бошини ўша ерга элтиб берадилар. Ҳозиқнинг бошсиз танаси Хўжақули парвоначи бошчилиги-даги умаролар иштироқида дафн этилади. Бу қонли фожия 1843 йилнинг январь ойида рўй беради. Шоирнинг қабри Китоб туманидаги Охунд мозоридадир.

Инсонпарвар, жасур, зулм-зўрликка рўй-рост қарши турган, бутун умри дарбадарликда, таҳликаю нотинчлиқда ўтган Жунайдулло Ҳозик ўзидан сўнг катта ижодий мерос қолдирди. Муқаммал шеърлар девони, «Юсуф ва Зулайҳо», «Воқеоти исломи», «Тахқиқ-ул-кафонд» («Шарҳи Қонунча») ва пароканда шеърлари баёзларда, дастхатлар хазиналарида сакланмоқда. Биргина «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг 21 та кўлёзмаси бизгача етиб келган. Бу шоирнинг улкан санъаткор сифатидаги шуҳратини кўрсатади.

Жунайдулло Ҳозик асосан тожик тилида, қисман ўзбек тилида ижод қилган зуллисонайн шоирдир. У Амирий (Амир Умархон), Навоий ва бошқа ўзбек шоирларининг ғазалларига мухаммаслар битган, Мирхондинг тарихий асарини форсийдан таржима қилган. Шоир ғазалларида анъанавий муҳаббат мавзусини тасвирлаб, йигитликда кечган шоду хуррамлигию висол нашидасидан сероб бўлган кайфиятларини ифодалайди, баъзан айрилиқ дардидан, ағёр, ноаҳил сафдошларидан етган азиятдан изтиробга тушади. Хусусан, Навоий ғазалларига боғланган мухаммасларида биз Ҳозиқни чинакам шодлик ва гўзаллик кўйчиси сифатида кўрамиз:

Бири бор эрди хинонинг ранги пайдо илкида,
Ё тегиб ушшоқнинг қони сумансо илкида,
Бодадин сармаст ўлуб бир тўда миймо илкида,
Бири қоши кифригидек ўқ била ё илкида,
Деким ул ўқ бирла кўп жонларни қурбон айлабон.

Аммо шоир бошига тушган кулфатлар, сарсон-саргардонликдаги ҳаёт, ижодкор мухолифларнинг ғаламуслиги, табиатдаги фавқулодда таъсирчанлик лирик қаҳрамоннинг ҳаётга, доноларга «тикон», нодонларга «гул» берган мавжуд ижтимоий тузумга муносабатини кескин ўзгартириб юборади. Шунинг учун ҳам Ҳозик асарларида зулм-зўрликка, илм-адаб ахлига нописанд муносабатда бўлишга, ҳамма нарсани бойлик, мансаб-мартабага қараб баҳолашга кескин қарши кайфият кучаяди. Маълумки, Амир Насрулло замонида зулм хаддан ошади. Маҳаллий феодаллар, лашкарбошию ас-

карлар халкни бемалол талар, бечораларнинг ноласи замину замонни ларзага келтирарди. Шунинг учун Ҳозик амирга йўллаган касидаларидан бирида уни халқпарвар, адолатпеша бўлишга ундайди, элнинг фаронлигию юртнинг ободонлигини одил ҳукмдордан, деб билади:

Баҳри он подшоҳ кард худо,
Ки низоми жаҳон бувад барпо...
Яъни кас моли дигаре нахӯрад,
Сари мазлум золиме набурад.

(Сени худо жаҳонни қонун-қоида билан бошқаргин, бирор ўзганинг ҳақини емасин, бирон золим мазлумнинг бошини кесмасун, деб подшо қилган).

Бошқа бир ғазалида шоир лаганбардор ижодкорлар, амалдорларни, иккιюзламачи дўстларининг мунофиқлигини танқид қиласиди, фош этади.

Бунда у чаён характеристидаги бир ҳикматдан усталик билан фойдаланган:

Қасди золим аз тавозуъ нест жуз тамхиди зулм,
Мешавад ҳам неши ақраб заҳар чун бармекашад.

(Золимнинг тавозу қилишидан ҳам мақсади зулм этмоқдир, чунки чаён ҳам заҳар сочишдан олдин найзасини қуиға эгади).

«Надорад», «Афтад», «Зараст», «Кунам» радифли ғазалларида шоир мавжуд феодал тартиб-интизом иллатларини, юрт бошига тушган зулму талон-тарожни рўйрост лаънатлади.

Маълумки, Шарқ адабиётида Юсуф ва Зулайҳо севги саргузашти ҳақида Фирдавсий, Қул Али, Дурбек, Жомий, Нозим, Ҳиравийлар достон яратган. Жунайдулло Ҳозик ҳам ана шу қўхна мавзуга мурожаат килиб, ўзига хос янги достон ёзган. Жумладан, Ҳозик ўз ижодий ниятидан келиб чиқиб Юсуф билан акалари ўтрасидаги келишмовчиликни, акаларининг Юсуф жонига қасд қилишларини феодал ўзаро низолар тизимида анча шиддатли тасвирлаган. Анъанавий сюжетга кўра Зулайҳо тушида қўриб севиб қолган йигит ўзини «Миср Азизиман» деб гойиб бўлади. Қизининг арз-ҳохишига кўра Мағриб шохи Таймус Миср Азизига совчи юборади. Ўрта Осиё халқлари одатича, ўз ижодий ниятига кўра Ҳозик достонидаги тасвирда Миср Азизи Мағ-

рибзаминга совчи жўнатади. Асарда бошқа янги жиҳатлар ҳам кўп. Энг асосийси, шоир анъанавий мавзува образлар орқали ўзининг зулм-зўрликка, фирабгарлик, ёлғончиликка қарши нафратини ифодалашга эришган: чин севги, садоқат, ҳалолу поклик, ростгўйлик, мардлик, жасорат, ақл-заковат қудрати, адолат хусусидаги фикрларини тарғиб ва ташвиқ этган.

Бухоро ва Кўқон хонлигига қарашли кўп шаҳарлар ҳалқи дардига малҳам бўлиб, ўлимга тик қараган, жасур ва оташнафас шоир — эл Ҳозигининг асарлари **XVIII** аср ва **XIX** аср бошлари ўзбек ва тожик адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Шоир ижодини ўрганишда С. Амиркулов, У. Каримовларнинг ҳиссаси катта. 1957 йили Узбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, устоз Азизхон Қаюмовнинг «Ҳозик» номли рисоласи чоп этилди. Биз ушбу лавҳани ёзишда шоир асарлари билан бир қаторда мазкур муаллифларнинг тадқиқотларидан ҳам баҳраманд бўлдик.

УЛУҒБЕКНИНГ ИЗДОШИ

Мен 1978 йили таникли ёзувчи Раҳим Жалилнинг «Кўнгил ошиёни» қиссасининг дастлабки уч фаслини таржима қилиб «Ленин учқуни» газетасининг бир неча сонида эълон қилдирган эдим. Қисса ёднома характеристига эга бўлиб, ёш Раҳимнинг кўрган-кечиргандарига гоятда нафис бир тарзда, шифохий адабиёт усули-накл йўли билан битилган. Асарнинг дастлабки саҳифаларида ёднома қаҳрамонининг машҳур сайёҳ, мироб, ҳайъатшунос Ҳожи Юсуф билан учрашуви тасвирланган. Шундан сўнг мен кўхна дастхатлар, тожик олимларининг асарлари, хотиралари ва қомусларни ўрганиб, бу забардаст олим ҳақидаги тасаввуримни мукаммаллаштиридим. Маълум бўлишича, Ҳожи Юсуф Улуғбекнинг издошларидан экан.

Ҳожи Юсуф 1842 йили Хўжанднинг Оғолиқон маҳалласида пиллакаш оиласида дунёга келади. 6—7 яшарлигига уни мактабга берадилар. Мактаб таълимидан қаноатланмаган Ҳожи Юсуф мустақил ўқиш билан машғул бўлиб, Шарқ шеърияти, табииёт, география, математика, астрономия ва бошқа фанларни ўргана бошлайди. Кунлардан бир кун ёш Юсуф онасидан отасиниң сўрайди. Мехрибон она эса кўз ёшларини тўкиб отаси Мирфаёз ҳажга бориб, Маккада вафот этганли-

гини айтади. Мурғак Юсуфнинг қалбида отаси ҳокини топиш истаги туғилади. 1854—1855 йилларда бир гурӯх ҳўжандликлар ҳажга жўнашга тайёргарлик кўраётганини эшишиб 12 яшар Юсуф ялиниб-ёлвориб онасидан руҳсат олади ва уларга ҳамроҳ бўлади. Раҳим Жалилнинг ёзишича, Юсуф Мадина шаҳридаги «Ғариблар қабристони»дан отасининг гўрини топиб, қабр устига лавҳа тош ўрнатади.

Ҳожи Юсуф 10—12 йилча Мисрда қолиб кетади. Уни асли хўжандлик бўлган Ҳожисайдулло ўз тарбиясига олиб, онасига мактуб ёзиб юборади. Хушфеъл ва ўткир зеҳни Юсуфга Ҳожисайдулло араб тилини ўргатади, сўнгра «Жомеъ-ул азҳар» мадрасасига киритиб қўяди. Ҳожи Юсуф беш йиллик мадраса таҳсили давомида риёзиёт, хикмат, илми нужум, араб ва форс адабиёти бўйича пухта билим олади. Мадрасани тутатгач, етти йил мударрислик хизматида бўлиб, ўз билимини оширади, камолотга етказади. У рус тилидан ташқари араб, форс, юнон, инглиз, француз, тилларини мукаммал билган.

Ҳожи Юсуф 12 йилдан сўнг Хўжандга қайтиб келганида яккаю ягона суюнчиғи — онаси оламдан ўтганди.

Ҳожи Юсуф биринчи сафарида Юнонистон, Сурияда, иккинчи сафарида Испания, Франция, Ҳабашистон, Италия, Жазоир, Туркия, Петербургда бўлади, бу юртлар ҳақида маълумот тўплайди.

Астрономия, тиб илми, янги илм-фан, техникага майли кучли бўлгани учун маҳаллий руҳонийлар уни «коғифир» деб эълон қиласидилар. Ҳожи Юсуф яна ватанини тарк этиб, шоир ва соатсоз Абдулла Файёз билан Тошкентга отланади. Бу ерда бир неча муддат тайёргарлик кўрилгач Оренбург, Москва, Одесса орқали Оврўпа ва Африка мамлакатлари бўйлаб сафарга жўнайдилар, Абдулла Файёз соатсозлик, Ҳожи Юсуф мардкорлик, ҳаммоллик билан кун кечирадилар. Бу икки дўст 10—12 йил давомида Оврўпа, Африка ва Араб¹ мамлакатларини кезиб чиқиб, 1885—1887 йиллар орасида Эрон орқали ватанга қайтадилар.

Ҳожи Юсуфдаги қобилият ва билимдонликни кўрган рус амалдорлари уни миробликка, идора ишларига жалб этадилар. У Хўжанд атрофидаги ерларни сугоришини яхшилаш, янги ариқдар чиқазишини режалашибтиришда хийла фаол қатнашган. Гарчи у турли вазифаларда, жумладан, Хўжанд оқсоқоли лавозимида иш-

ласа ҳам ажойиб донишманд, илм-фан, янги техника тарафдори сифатида Ер, Осмон, Қуёш, Ой умуман, сайёralар ҳақидаги илмий кузатиш ва асарлари билан мутаассиб тушунчаларга зарба беради. Ҳожи Юсуф 1925 йили 83 ёшида Ҳўжандда вафот этган.

Маълумки, Ўрта Осиё олимлари дунё астрономия ва география фанининг тараққиёти тарихида муносиб ўрин эгаллаб келганлар. Жумладан, Беруний астрономия ва географияга доир кўплаб асарлар ёзиш билан бирга, каттагина глобус тузган, Улуғбек бошчилигига Самарқанд расадхонасида ҳам глобус ясалганлиги маълум. Улкамиз фани тарихида учинчи глобусни мана шу ажойиб сайёҳ ва олим Ҳожи Юсуф ясаган. У ҳўжандлик заргар, наққош, рассом, дурадгор ва сайёҳлар билан маслаҳатлашиб, шоир Тошхўжа Асирий, Ҳусайн Рожеъ, Абдулло Файёз, мисгар Нурмаҳаммад, уста Ёкубхон ва бошқаларнинг кўмаги билан 1895 йили Ер куррасинингшакли-куrrai арз, яъни глобус ясади. Глобус Москва, Петербург, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида тури кўргазмаларда намойиш этилади. Уша вактдаги рус географ ва картограф олимлар, география жамияти глобусни синчилаб текшириб, унинг бенуксон, илмий жиҳатдан мукаммалигини эътироф этадилар, Ҳожи Юсуф ихтиро учун муаллифлик гувоҳномасини олади.

1896 йили Самарқандда қишлоқ ҳўжалиги кўргазмаси очилади. Ҳожи Юсуф ўз глобусини ўша кўргазмага юборади. Глобус аввал Улуғбек мадрасасидаги музейга қўйилган. Ҳозир Самарқанддаги Узбекистон халклари тарихи ва маданият музейида сақланмоқда.

Ҳожи Юсуф Ернинг тузилиши ва сайёralарни ўрганишга бағишлиб бир қатор рисолалар ҳам ёзган. Тоҷикистоннинг харитасини тузган. Ўз ҳовлисида мактаб очиб, болаларни ўқитган. Васиятига кўра, вафотидан сўнг ҳовлиси етим болаларни ўқитадиган мактаб биносига айлантирилган.

У 1911 йили ўзининг «Мухтасари илми афлок ва илми арз» номли рисоласини тутатган. Асар саккиз фаслдан иборат бўлиб, ҳар бир фасл бир неча қисмга бўлинади. Ушбу рисола муаллиф таржимаи ҳолини, глобус ясаш жараёнини ўрганиш жиҳатидан ҳам қимматлидир. Чунки, унда олим Ҳўжанд илмий муҳити, ўзи билан ҳамкорлик қилган заргар, мисгар, ганчкор, сахҳоф ва бошқа хунар эгалари ҳақида батафсил маълумот беради. Чунончи, ўз курраи арзи тақдири ҳақида кўйи-

дагиларни битган: «Улар маҳаллий халқдан курраи арз шаклини ясайдиган одам топилганидан ҳайратга тушдилар ва бу ҳақца Петербургга хабар қилдилар. Подшоҳ менин ўз ҳузурига чақириб, таҳсин ва оғаринлардан сўнг менга мукофотлар берди ҳамда давлатнинг олий нишонлари билан сарафroz этди» (Хожи Юсуфи Ҳайатий. «Илм-ул афлок». «Садои Шарқ», 1989, 5-сон, 45-бет). Хожи Юсуф бошқа астрономлардан фарқли ўларок, ЕР, бошқа сайёralарнинг тузилиши, ўзаро муносабати, ҳаракатини содда бир услубда, ҳамма тушунадиган қилиб тасвирлаган.

Толмас сайёҳ, синчков ихтирочи, илм-маърифат ҳомийси ва дўсти Хожи Юсуф Ҳайъатийни авлодлари ҳамиша ифтихор билан эслайдилар.

ДОНИШ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Кўхна сарчашмаларда «Ислом гумбази», «Илм макони» деб эъзозланган Бухорои Шарифдан ўтган замонларда Рудакий, Дақиқий, Муродий, Авфий, Носирий, Сайдои, Мушфиқий, Ҳилолий, Турди, Мужрим, Мирза Содик, Мирза Сирож, Ҳайрат, Шоҳин каби юзлаб санъаткорлар етишиб чиқиб, Хуросону Туронзамин шеъриятига, бадиий насрини юксак чўққиларга олиб чиқишга муносиб улуш кўшганлар; бадиий сўз санъатини мавзу, жанр, тимсоллар ҳамда нафосат жиҳатидан хийла бойитганлар. Ана шу маънавият даргалири орасида шоир, мусаввир, хаттот, меъмор, мирзо, ёзувчи-мударрис, маърифат тарғиботчиси, давлат арбоби Аҳмад Дониш сиймоси алоҳида ажралиб турди.

Бўлажак аллома Аҳмад маҳдум ибни Носир 1826 иили Бухоро шаҳрида зиёли оиласида дунёга келди. Хатсаводини онаси бошқарган маҳалла мактабида чиқаргач, Аҳмад корилар мактабига дохил бўлди. Бу ердаги ўқиши узоқ давом этмади — отаси уни мадрасага берди. Ўқиши давомида Аҳмад замонасидағи барча билимларни мустакил ўргана бошлади. Наққошлиқ, сураткашлигу хат кўчириш санъатини пухта эгаллади. Дониш тахаллуси билан ғазаллар машқ қила бошлади. Одамларга, хусусан, мадраса талабаларига турли китоблардан нусха кўчириб, уларни хар хил расмлар, турли-туман нақшлар билан безаб бериб моддий аҳволини яхшилади. Истеъододли наққош ва котиб сифатида шуҳрат қозонди.

Мадраса хатмидан сўнг устодлардан бирининг кўмаги билан Аҳмад Доңиш Амир Насрулло саройига меъмор ва хаттот сифатида ишга жойлашди. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи қуидагиларни уқтирган: «Кунлардан бир кун мени устодим Ҳазрати султон ҳузурига элтиб, бу йигит хушнавислик ва китобларга зийнат беришда беҳамтодир, унинг зеб-зийнат санъати монийсифату беҳзодсийратдир; у расмий ва ғайрирасмий хатларни нуқсонсиз ёзади, деб таърифлади.

Шундан сўнг Султон мени ҳузурига даъват этиб, бир китобни содда хатда кўчиришни буюрди. Мен бу юмушни тез ва хушсифат бажардим. Буни кўрган амир менга ҳар куни тиб, тарих, ҳисоб, маърифий масалага доир китобларни хушнавис қилишни буюрар ва бир жузвга ўн дирамдан маош берарди. Бу орада устодим фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилдилар. Амир мени устодим ўрнига вазифадор этди ҳамда ойига минг дирамдан маош тайинлади. Энди амир мени субҳидамдан оқшомгача ўрдада ушлаб, муаллимим бажарган ҳамма ишларни менинг зиммамга юкларди. Шундай қилиб, саройдаги барча меъмор ва наққошлар бевосита менинг раҳбарлигимда фаолият кўрсатадиган бўлди» («Наводирул вақоєъ»дан).

Бу ерда у нозиктабъ рассом, математик, хушнавис хаттот сифатида обрўга эришди. Шунинг учун Амир Насрулло 1857 йили Бухородан Петербургга бораётган элчилар гурӯхига Аҳмад Доңишни мирзо этиб тайинлади.

Бу сафар ёзувида жуда катта таассурот қолдирди. У амирга Русия подшосининг идора усули, ҳарбий қудрати ва техникаси хусусида батафсил маълумот ёзиб беради.

1860 йили таҳтга ўтирган Амир Музаффар кўп илмадаб аҳлини, донишманд, тадбиркор арбобларни саройдан четлаштириди, уларнинг ўрнига жоҳил, порахўр, худбин одамларини жойлаштиради. Аҳмад Доңишнинг мартабаси ҳам пасайтирилади. У энди кўпроқ расмий ҳужжатларни кўчириш ва ижод билан машғул бўлади. Жумладан, 1865 йили юлдузларнинг жойлашиш-тартиби ҳақида биринчи ҳайъатшунослик рисоласи «Манозир-ул-кавокиб»ни ёзади. Бу асар юллузлар туркуми ва уларнинг самовий ўрнашуви ҳақидаги муҳтасар бир кўлланма эди.

«Тарих ҳақида рисола» китобида Аҳмад Доңиш аштархонийлар сулоласи амирларининг юз йиллик тари-

хи ҳақида хийла мукаммал маълумот берган. Хусусан, Амир Музаффар салтанатдорлиги тарихи, унда зулм-зўрлик, бебошликларнинг авж олиши, пешқадам, хур фикрли зиёлиларнинг таъқиб этилиб, бир ҳовуч жоҳи-лу нодон, амалпаратларнинг ҳокимият идораларини эгаллаб олганликлари қаттиқ қораланган.

Амир Музаффар хукмронлигининг дастлабки йилларида Россия билан муносабатларни кескинлаштирган бўлса ҳам, 1868 йилги жангдаги мағлубиятдан сўнг рус подшолиги билан дипломатик муносабатларни яна тикилашга интилиб, 1869 йили Петербургга элчилар юборади. Улар орасида Аҳмад Дониш ҳам бор эди. Бу сафар олим музокараларда тажрибали давлат арбоби сифатида Бухоро амирлиги манфаатларини донолик билан ҳимоя қиласди. Шунинг учун элчилар 1870 йили ватанига қайтгач, амир унга «Ўроқ» унвонини беради ва ўз давлатида бирон катта мартабани танлашни таклиф этади. Аммо Аҳмад Дониш Амир Музаффарнинг жоҳил, қайсар ва худбинлигини билгани учун бу истакни рад этиб, илмий, ижодий ишлар билан машгул бўлади. Натижада «Рисола дар назми тамаддун ва таовун» («Халқ ва маданият низоми ҳақида рисола») асари вужудга келади. Унда адид Бухоро амирлигидаги давлат бошқарув тизимини жиддий ислоҳ қилишғоясини илгари суради. Жумладан, турли табака намояндадаридан иборат олий мажлис тузиб, барча конун, низомларни шу мажлисда ишлаб чиқиб, муҳокама қилиниши, сўнг Амир томонидан тасдиқланиши лозимлигини, шунингдек, амирликда давлатнинг барча соҳалари бўйича назорат маъмуриятини ташкил қилишни таклиф этганди. Шубҳасиз, бу ва бошқа мулоҳазалар Амирнинг мутлак ҳокимиятини чеклаб кўярди. Бундан ташқари маърифатпарвар адид замонавий жиҳозлар билан зийнатланган мактаб, мадрасалар қуриш, уларда турли тилларни, табиий фанларни ўрганишга ҳам жиддий эътибор бериш, муаллим ва мударрисларнинг масъулиятини ошириш масалаларини ҳам қўйган эди. Шунинг учун ҳам Амир Музаффар Аҳмад Донишини Россияга учинчи сафаридан сўнг (1873) саройдан четлатиб, якин ўн йил давомида Гузор ва Нарпай туманларида қозилик вазифасини бажаришга мажбур этади. Бу Дониш учун амалда сургун ва кувғин эди. Аммо маърифатпарвар адид узок гўшаларда ҳам дардини илмдан, ижоддан олиб юрди.

Гарчи Аҳмад Дониш Амир Абдулаҳад томонидан

яна саройга даъват этилиб, китобдорлик вазифасига тайинланган бўлса ҳам, унинг фаолияти қатъий назорат ва таҳқир остида эди. Адиб умрининг охирги йилларини муттасил илмий, бадиий ижодга сарфлаб, 1897 йили вафот этади. Аҳмад Донишдан бизга қадар унинг 15 йил давомида ёзган «Наводир-ул вақоёе» («Нодир воқеалар»), «Тарих ҳақида рисола» сингари китоблари мерос бўлиб қолган.

«Наводир-ул вақоёе» 23 фаслдан иборат бўлиб, унда муаллиф жуда кўп ижтимоий-сиёсий, фалсафий, адабий, ахлоқий-таълимий, ирфоний-маърифий масалалар хусусида замонасининг пешқадам зиёлиси сифатида мулоҳаза юритади, ислоҳотчи маърифатпарвар сифатида бу соҳадаги нуқсон ва этишмовчиликларни бартараф этиш йўл-йўриклигини тавсия этади. Масалан, адиб асарнинг биринчи — «Ота-онанинг вазифалари ҳамда ҳак-хуқуқлари» бобида ота-онанинг оиласидаги бола тарбияси борасидаги бурч ҳамда вазифаларини баён этса, «Оқилларнинг азият чекиши ва жоҳиллар давлатининг юксалиши сабаби» номли бобида донолар кулфатда-ю нодонлар иззатда бўлган. кўп илм-адаб ахли хору зорликка маҳкум этилган замонасининг иллатларини рўйрост танқид қиласиди. Муаллиф ўз фикр-мулоҳазаларини тарихий воқеалар, машҳур кишилар ҳаёти ҳамда замонасининг бевосита ўзи билан боғлиқ ҳикоятлар, накл ва тамсиллар билан тасдиклаб, далиллаб боради. Натижада сиёсий, фалсафий, ахлоқий, назарий фикр-мулоҳазалар муайян далилларга асосланади.

Аҳмад Донишнинг айрим мулоҳазалари ўша даврда ҳам, ҳозирги вакѓда ҳам дикқатга молик. Масалан, асарнинг ўн олтинчи бобида тог жинсларининг пайдо бўлиши, конлар, турли маъданларнинг хоссалари, ер қимирлаши хусусида маълумот берса, йигирманчи бобда эса Бедил шеърларини қандай тушуниш хусусида фикр юритиб, шоир байтларидаги зоҳирий ва ботиний маъненинни бир зукко шеършунос сифатида таҳлил қиласиди. «Тарих ҳақида рисола» китобида Дониш аштархонийлар сулоласининг юз йиллик тарихи ҳақида мукаммал маълумот беради. Хусусан Амир Музаффар салтанати тарихи, унда зулм-зўрлик, бебошликларнинг авж олиши, бир ҳовуч нодонларнинг давлат идораларини эгаллаб олиши қаттиқ танқид қилинган.

Аҳмад Дониш асарлари XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё минтақасида янги ижтимоий тафаккурнинг вужудга келиш заминини, маърифатпарвар-

лик, ислохотчилик, жадидчилик тарихини ўрганишда энг нодир манбалар хисобланади. «Наводир-ул-вақоє»нинг бевосита муаллиф кўчирган икки нусхаси бизгача етиб келгандик, унда ҳозирги истиқлол давридаги демократик жараённинг айрим унсурлари борлиги диққатга моликдир.

Ахмад Донишнинг жуда катта илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий моҳиятга эга бўлган «Наводир-ул-вақоє» («Нодир воқеалар») рисоласи 1965 йили доцент Абдураҳмон Ҳамраев томонидан тожик тилидан таржима қилиниб, машҳур академик Иброҳим Мўминов сўз бошиси билан чоп этилганди. Китобни қайта нашр этиш шу кунларда айни муддао бўлур эди. Чунки бу асарда, юкорида таъкидланганидек, ўша давр мактаб ва мадраса тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқишиш-ўқитиш, тарбия усулларини янгилаш, таълим жараёнига табиий, техникавий фанларни киритиш сингари дол зарб, илғор ғоялар ўз ифодасини топган. Дониш ижодини ўрганишда машҳур ёзувчи Садриддин Айний ҳамда профессор Расулхон Ҳодизодаларнинг хизматлари катта. Ҳодизода ёзувчи ҳақида «Зулматдан зиё» номли тарихий роман ҳам ёзган.

ҚУТЛУФ АНЬАНА

Ўзбек ва тожик халқлари қадим замонлардан бир заминда яшаб, моддий ва маънавий бойликлар яратиб келган. Улар ўртасидаги тарих ва тақдир бирлиги тасвирий санъат, музика, хусусан, бадиий адабиётда тематик, ғоявий руҳий яқинликни вужудга келтирган. Ҳар икки халқ ижодкорлари бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлган. Бу кутлуг анъанада икки тилда баробар ижод этиш — зуллисонайнлик ўзига хос бир моҳиятга эга.

Зуфархон Жавҳарий ана шу зуллисонайн шоирлар вакилларидан биридир. Жавҳарий 1860 йили шоир Назмий Истаравшаний оиласида дунёга келди. Дастраси таълимни отасидан олди, сўнгра Бухоро шаҳрида мадрасани хатм этди. Араб, туркий тилларни ўрганди, ўз давридаги барча билимларни пухта эгаллади. Шарқ поэзиясидан мукаммат сабоқ олди. Айни пайтда Бухоро, Самарқанд ва Кўқон адабий мұхити билан яқиндан алоқада бўлди. 1945 йили ўз шахри — Ўратепада вафот этди.

«Кичиклигимдаёқ, яъни ўн беш яшарлигимдан боШлаб тожик, туркий ва арабий тилларда шеър ўқиши ҳамда ғазал ёзиши, маснавий битиш, рисолалар ёзиши, Бедил, Соиб, Ҳофизи Шерозийлар ғазалларига тахмислар яратиш билан шугулландим», деб таъкидлайди ўз таржимаи ҳолида Жавҳарий.

Жавҳарий Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Бедил, Навоий, Ҳусрав каби улкан санъаткорлар анъанасини давом эттириб, дунёвий муҳаббатни куйлади, илм-адаб, маърифатни тарғиб этди. Шарқ поэзиясидаги барча жанрларда ижод этди, забардаст достоннавис сифатида танилди. «Табрик», «Иқбол байрами», «Илм навбаҳори», «Тожикистон қасидаси» каби шеърларида озодлик, меҳнат эркинлиги, ҳуррият, маърифатни, меҳнат кишилалининг бунёдкорлигини тараннум этиб, чинакам замон қуичисига айланди. Шоир ватанпарварлик мавзуларида кўплаб шеърлар, достонлар яратди.

Классик адабиёт анъаналари руҳида камол топган Жавҳарий илм-маърифат, хур фикрни тарғиб этди. Унинг 30-йиллар ижодида ҳалқ жасорати, қаҳрамонлигини мадҳ этилди. Адид асарларида юксак инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик руҳи барқ уриб туради. «Одамхўр жаллод», «Тешабойдек мардона бўлинг», «Йигитларга», «Хуш келибсиз» сингари шеърлари фашист газандалар устидан ҳалқнинг галаба қозонажагига даъват этган жанговар поэтик асарлар жумласидандир.

Характерлиси шундаки, Жавҳарий ўзбек тилида ҳам кўплаб баркамол шеърлар битган, ўзбек демократ шоирлари, зиёлилари билан яқиндан ижодий ҳамкорликда бўлган. Унинг Муҳий Кўқоний, Боқий Ришдоний, кўп тилларни билган ажоиб олим, шоир Муқимиининг якин дўсти Мавлоно Йўлдош, Абдулҳофизи Зоминий билан дўстлиги ҳақида далиллар, шеърий мактублар сақланиб қолган.

Жавҳарий ижодида чиркин феодал ўтмишга нафрат, ҳалқлар дўстлигини тараннум этиш ўз ифодасини топган. У асарларида ўзбек ҳалқи ҳаёти тасвирига жиддий эътибор берган. Шоирнинг «Офтобхон» достони бевосита ўзбек ҳалқи ҳаёти тасвирига бағишлиланган. «Офтобхон»да бир камбағал қизнинг аччик, фожиавий ҳаётини тасвиrlаш орқали шоир хонликлар давридаги ўзбек хотин-қизларининг умумлашма образини яратган. Ҳақ-хуқуки поймол этилган, иззат-нафси тоиталган шўрлик қиз феодал зодагонлар, хонларнинг ифлос

чангалида хўрланади. Қўқонни қонга ботириб, Нодирадек донишмандларни қатл этган амир Насрулло Офтобхонни кул қилиб Бухорога элтади. Қиз бошига яна хўрлик, ҳақорат ва маломат тошлари ёғилади. Камбағал қиз Насруллонинг гайри шаръий ишларини рўйрост айтади, қариб қўйилмаганингда лаънатлади. У Насрулло онасининг буйруги билан саройдаги хизматкор аёллар томонидан бўғиб ўлдирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Офтобхон тақдири айрим тарихий китобларда ҳам қайд этилган. Атоқли ёзувчи Абдулла Қодирий Амир Умархон саройидаги бу канизак фожиаси ҳақида роман битмоқчи бўлгану ёзиб улгурмаган. Шоир ва драматург Туроб Тўланинг «Кувваи қаҳ-қаҳа» драмасида ҳам Офтобхон эпизодик образ сифатида иштирок этади. Ҳозирча бу тарихий ҳақиқат ҳақидаги энг баркамол асар Жавҳарийнинг достони хисобланади.

Зуфархон Жавҳарий ўзбек демократ шоири Муқимий билан яқиндан таниш, ижодий ҳамнафас бўлган. Муқимий вафотидан ўн йил ўтгач, Жавҳарий «Фарғоналик Муқимийнинг кечмиши» номли достон яратди. Автор асарда Муқимий ижодининг етакчи гоявий йўналишини тўғри кўрсата билган: нодонларга иззат, дононларга кулфат келтирган хонликлар даврини қоралайди, аждодлар қолдирган мерос барча замонларда авлодлар қалбини маърифат ёғдуси билан мунаvvар эта-веради, улар мангу барҳаёт, дейди. Достонни нозик табъ шоир Муҳаммадати Кўшмоқов ўзбек тилига таржима қилган.

Зуфархон Жавҳарий ижоди «куйласа чолгуси бир, ийгласа қайғуси бир» бўлган ўзбек ва тожик халқлари ўргасидаги абадий биродарликнинг ёрқин намунаси хисобланади. Тожик шоирларининг ўзбек тилидаги ўзбек адиларининг тожик тилидаги меросини ҳар гомонлама илмий асосда холис ўрганиш зарур. Буларни йиғиб алоҳида китоблар сифатида нашр этиб, гарғиб ва ташқиқ қилмоқ лозим. Бундай хайрли ишлар икки қардош халқ адабий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади, ёш авлодни халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга хизмат килади.

НАЗМ ГУЛШАНИДА ПАИВАСТ

Шеъриятимиз бўстонида шундай ижодкорлар ҳам борки, улар мумтоз адабиётимиз билан бутунги назмимизни пайваст қилиб турадиган бир кўприк вазифасини ўтагандилар. Ҳазрат Муқимий, Фурқат, Ҳамзалар билан ҳамнафас бўлган Ҳайратий ана шундай забардаст ижодкорлардандир.

Бўлажак шоир — Мулла Ҳошим Солиҳмаҳдум ўғли Ҳайратий 1870 йил Шахрихонда хунарманд-аравасоз оиласида дунёга келади. У мактабдор амакиси Жамол Қори қўлида тарбия топади, савод чиқаради, мактабдош дўсти, шоир мулло Алихон Оразий таклифи билан мирзолик хизматига ўтади. Ҳайратий 1909 йилдан 1917 йилгача Аҳмадохунбой заводида хисобчи ҳамда мирзалик қилади. Ана шу йиллари у шоир сифатида танила бошлайди ва арузнинг халқ қўшиқларига яқин вазиларида ғазаллар ёза бошлайди. У Муқимий, Ҳамзалар билан яқин ҳамсұхбат бўлиб, ўз машқларини улар на-заридан ўтказиб юради. Нуктафаҳм шоирнинг дастлабки шеърлари 1908—1909 йилларда Фарғона ва Самарқанд шаҳарларида чиқадиган газета ва журналларда чоп этила бошланади. Ҳайратий ўзбек мумтоз шеъриятимиз анъаналарини муваффақият билан давом эттириб, муҳаббатни ҳаётбахш файзини, ёрнинг нозу карашмасию бетакрор шаклу шамойилини, нозу итобиу руҳафзо табассумини ўзига хос соз ва оҳангларда тасвирлай бошлади. «Маҳвашим», «Ким десун», «Нигорим келинг», «Нозанин ёрим учун», «Сўранг» сингари асарлар ана шундай жўшқин руҳдаги шеърлар ҳисобланади:

Доги ҳижрон дардини ёрдан жудолардан сўранг,
Биз каби ҳижронзада юрган гадолардан сўранг...
Ошиқ улдурким нигорин куйида жондин кечиб,
Сарбасар куйган нужуди қаҳраболардан сўранг.

Ҳайратий ўз тенгқурлари орасида ўзбек ва тоҷик тилларида баробар маҳорат билан ғазаллар ёзган ўтмиш санъаткорлар асарларига назиралар, мухаммаслар.

ўхшатмалар битган шоирлардан ҳисобланади. Унинг На-войй, Фузулий, Муқимий сингари мумтоз назм усталарида ёзган мухаммаси, Амирий ғазалига битган назираси ижодкорнинг иқтидори, жасоратини кўрсатади. Зероки, ўша йиллари Амир Умархон ғазалига назира ёзиш у ёқда турсин, унинг номини тилга олиш ҳам хавфли бўлиб, бу бир жасорат эди.

Ҳайратий 1917—1920 йиллари Шахриxonда маориф раҳбари ва муаллим, 1920—1922 йиллари Марғилон шаҳар нозирининг иш бошқарувчиси, 1922—1930 йиллар орасида турли жамоат ташкилотларида ходим бўлиб ишлайди. 1932—33 йилларда Тошкент вилояти қишлоқлариға Фарғона дехқонларидан бу минтақада пахтацилигни янада ривожлантириш учун бир қанча хонадонлар кўчирилади. Ана шулар қаторида Ҳайратий ҳам Зангигита қишлоғига келиб жойлашади. Нафақага чиқкан бўлишига қарамай шоир турли идораларда фоалиятини давом эттирди. Ҳайратий 1963 йили 93 ёшида оламдан ўтади.

Узок умр кўриб, муттасил ижтимоий-маърифий фаолиятда банд бўлган Ҳайратий бадиий ижод билан ҳам узлуксиз машғул бўлади: ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалклар дўстлиги мавзуларида ғазаллар яратади, ҳаётдаги нуқсонлар, кишилар ўртасида учраб турадиган ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни фош этувчи ҳажвий шеърлар ёзди. Унинг лирик ва сатирик шеърлари ўша вактда матбуот саҳифаларида, «Муштум» журналида тез-тез чоп этиб туриларди. Атокли адабиётшунос ва адиблар Ҳошимжон Раззоқов ва Тўхтасин Жалоловнинг сайъ-ҳаракатлари билан 1960 йили шоирнинг «Ҳайратнома» шеърлар тўплами чоп этилди. Китобга муаллифнинг 1908 йилдан то умрининг охирги йилларигача бўлган ижоди намуналари ҳамда «Ҳайратнома» манзу-маси киритилган.

Мажмуудаги шеърлар Ҳайратий ижодининг мавзу доираси кенг, жанрлари ранг-баранг, бадиий жиҳатидан хийла ўқишли эканлигини кўрсатади. Хусусан, лирик шеърлари, форсий тилдан қилган таржималари китобхон қалбида қониқиши туйғусини ҳосил қиласи. Улар равон, омиёна бир услубда турли-туман, ўзига хос ба-

дий-тасвирий воситалар, ташбехлар қўллаб битилган-ким, бир ўқишида китобхон қалбидан жой олади. «Хоразмча» деб номланган ғазалнинг қуидаги байтларига эътибор беринг:

Куйингда қаландарман, куймакда самандарман,
Рахм айла бу ҳолимга, ҳажрингда хуноб этма,
Эй кўзлари жаллодим, етсин сенга бу додим,
Кўй, жабру жафоларни, ҳолимни хароб этма.

Ҳайратийнинг кўпгина шеърлари панднома харак-терида. Уларда шоир кишиларни ҳалолу пок, хушхулқ, саховатпеша, мард-жасур, илм-маърифатли бўлишга, ка-сб-хунар ўрганиб, ҳалол меҳнат эвазига кун кечиришга даъват этади; дайди, бебурд санъаткорларни, товлама-чи ва судхўрларни қаттиқтанқиц қиласди.

«Ҳайратнома» шоирнинг ўзига хос саргузаштнома шеърий қиссасидир. Уни ўқир эканмиз, бир томондан, адабнинг мураккаб ва зиддиятли ҳаёт йўли кўз олдимизда намоён бўлади. Даврнинг энг муҳим воқеалари билан танишамиз. Катта Фарғона канали қурилиши манзаралари билан ошно бўламиз. Айни пайтда хукмрон коммунистик мафкура ҳамда шўролар тузумининг ёш авлодга қоронги кўп салбий жиҳатлари аён бўлиб боради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ҳайратий зуллисонайн шоирдир. Ҳакиқатда ҳам шоир қўлёзмалари бисотида тоҷикча шеърлар, таржималар талайгина. Машҳур маърифатпарвар адаб Маҳмудхўжа Беҳбудий ташкил этган «Ойна» журналида Ҳайратийнинг бир неча тоҷикча шеърлари эълон қилинган. Ушбу сатрлар муаллифи 1962 йили ёзувчи Эркин Маликов ҳамроҳлигида домла Ҳайратий хузурларида бўлиб, мусаввада дафтарлари-шеърларининг асли битилган қаламий дафтарни кўришга муюссар бўлган. Унда ҳали чоп юзини кўрмаган кўплаб мумтоз ғазаллар, ҳажвиялар мавжуд эди. Шунинг учун Ҳайратий меросини тўла тўплаб, саралаб, ўрганиб, нашрга тайёрласак, хайрли ишни бажариб, шоир руҳини шод қилган бўлурдик.

КОСОНИЙ РУХИ

Бир куни кафедрада ўтирсам, таникли шарқшунос, филология фанлари доктори Ориф Усмонов кириб келдилар. Салом аликдан сўнг:

— Мана шу китобни Наимжон Норқуловга бериб қўйсангиз, кафедраларида йўқ экан, шошилиб турувдим, кутолмайман, — дедилар.

— «Хўб бўлади» дедим-да китобни столга олиб қўйиб, домлани кузатиб чиқдим. Қайтиб келиб, араб алифбосида босилган китобни қўздан кечирсам, Сайидмубоширхон Косонийнинг уч жилдлик «Ўрта Осиё тарихи» асарининг биринчи ва иккинчи жилдлари экан. Унинг мундарижаси, муқаддимаси билан танишиб чикқач, муаллифнинг ҳамюртим эканлигини билб олдим.

Кечга яқин доцент Норқулов китобни олиб кетди ва «ҳамشاҳарингиз билан таништираман» деган ваъда берди. Кунлардан бир кун дўстим Олой бозори мавзеида яшайдиган Сайидмубоширхон домла ҳузурига бошлаб борди. Бизни қотмадан келган, арабий аврастар чакмон кийиб олган, 60 йилдан зиёд ватанидан жудо булиб, Шарқ мамлакатларини кезиб юрса хам ҳамон косонлик лаҳжасида гапирадиган нуроний инсон очиқ чехра билан кутиб олдилар. Вақт тушликка яқинлашиб қолгани учун бир пиёла чойдан сўнг.

— Наимжон, овқат тараддудини кўрмаймизми? — сўраб қолдилар.

— Энди, домла, ҳамшаҳар келганда палов бўлса, зўр бўларди-да, — ҳазиллашди Наимжон.

— Бале, аз дустон ишорат, аз мо бо сар давидан, деганлар. Сиз нимани буюрсангиз, ўшада, — фикрни тасдикладилар устоз.

— Сиз масалликларни кўрсатиб қўйсангиз бўлди, бүёғини ўзимиз боплаймиз, — деб Наимжон ишга киришиб кетди.

Биз сухбатни давом эттирдик. Маълум бўлишича, Сайидмубоширхон 1929 йили Косонсойнинг Дарвоза — қишлоқ (Асп бозор, Кўччи Чак, Шахраб кўчаларини бирлаштирган) маҳалласида катта мулқдор Сулеймонхўжа оиласида дунёга келган. Оналарини Ла-

тифабиби, деб аташган. Шахрабдаги тўрт тошли тегирмон ҳам Сулаймонхўжага қараган. 30-йилларнинг бошларидағи мулкдорларни қулоқ қилиш, мол-мулки, ери ва бошқа бойликларини мусодара этиб, тортиб олиб, колхозга қўшиб бериш каби мудҳиш сиёсат Сулаймонхўжа оиласини ҳам четлаб ўтмади. Отаси қамоқда оламдан ўтади. Бошпанасиз, тирикчилик ўтказишидан маҳрум оила кўчада қолди. Тўғаси Сайидаҳмадхон онаси ва Сайидмубоширхонни олиб, шаҳардан чиқиб кетади ва Кўлобдаги Қаймоқчи қишлоғига боради. Аммо ҳамشاҳарларидан бири қишлоқда «бой-қулоқнинг фарзандлари» юрганини давлат хавфсизлик идораларига етказишиди. Натижада «хукумат кишилари» уларни бу ердан ҳайдаб юборади. Улар неча сарсонликдан сўнг Афғонистон билан чегарадош Курбони шаҳид (ҳозирги Восеъ тумани) қишлоғига бориб, бошпана топиб, бир йил колхозда ишлашади. Бу орада Сайидаҳмадхоннинг оналари ва тоғаси ҳаётдан кўз юмишади.

Жудолик дардига бардош беролмаган Сайидаҳмадхон кунлардан бир кун Дарқад кечувидан гупсарчилар ёрдамида хамроҳ қариндошлари билан Афғонистонга ўтиб кетади. Шундан сўнг Сайидумбоширхоннинг ҳаёти гоҳ Ҳиндистон, гоҳ Афғонистон ва ниҳоят Арабистонда кечди.

У кишининг тўрт ўғли ва тўрт қизи бор. Катта ўғли тижорат ишлари билан машғул. Қаерда яшамасин Сайидумбоширхон қалбida халқи меҳри, Ватан соғинчи туғён уради. У тожирлик ишларидан фориғ пайтларида она юрт илҳақлигига халқи тарихи ҳақида кўхна китобларни вараклаш, улардаги жасорат, матонат тўла саҳифаларни кўчириб олиш, ўнлаб шоирлар девонлари асл нусхаларини кўздан кечириш, бу хусусда бирон бир китоб яратиш илинжи билан таскин берди. Шу йўлда у Ҳиндистон, Афғонистон, Эрону Вашингтон китоб хазиналаридаги дастхат сарчашмаларни 20 йил давомида ўрганиб чиқди: кекса ватандошлари билан суҳбатлашди, баҳсу мунозаралар қилди. Натижада уч жилдан иборат «Ўрта Осиё тарихи» китоби вужудга келди. Ушбу асарга сўз боши ёзган Эргаш Мухаммад Булоқбоши қуйидагиларни таъкидлайди: асарнинг бি-

ринчи жилди 351 саҳифадан иборат ва бир неча бобларга бўлинган 7 бўлимдан ташкил тоган бўлиб, Ўрта Осиё ерлашган қадимий халқлари ва уларнинг биринчи мустақил давлатчилиги ташкил топган IX—X асрга қадар бўлгап тарихни ўз ичига олади. Муаллиф бу тараққиёт даври тарихини ёритаркан, умуминсониятнинг қадимий тарихий тараққийси билан боғланган ҳолда мулоҳаза юритади.

Асарнинг 394 саҳифали иккинчи жилди бир қатор боблардан иборат беш бўлимдан ташкил топган. Унда асосан Ўрта Осиё тарихи устида сўз юритилган бўлиб, Туркистонда Қорахонийлар давлати қурилишидан то Темурийлар давлатчилигини ўз ичига олгандир. Бу жилдда айрим сулолалар тузилиш жадвали ва хариталар бериш орқали муатлиф кўп тарихий ҳодисаларга атрофлича аниқдик бериб ўтади. Ушбу китоб ўтмиш тарихимизнинг ҳамма жабҳаларини чиқитларга чиқармай, сиёсий, мафкуравий чеклашларга берилмай холис, мукаммал ёритиб берилганлиги билан қимматлидир. Китобнинг нашри кутилаётган учинчи жилдидага ҳалқимизнинг XV асрдан тортиб ўлкамизда Октябрь тўнтириши юз бериб, ҳалқ бошига тушган мудҳиши тарихий воқеалар ёритилади.

Косоний ўз китобида илмий-назарий фикрларни катъий далилланган бўлишига, у ёки бу тарихий воқеаларни, давр, сулолалар шажараси, салтанатдорлигини бор бўй-басти билан кўрсатишга, ёритишга интилган, хуносаларнинг лўнда бўлишига эришган; адабиёт ва маънавиятнинг бошқа турлари ҳақидаги фикрларда қамровни кенгроқ олишга; унинг ҳомийлари фаолиятини ҳам тўқисрок ёритишга ҳаракат килган ва бунга тўла маънода муваффақ бўлган.

Саййидмубоширхон Косоний шоиртабъ, шеърият нафосатини нозик идрок этадиган олим эди. У кишининг «Ғазнавийлар даври адабиёти ва маданияти», «Қори Раҳматулло Парстав Косоний», «Мир Атоулло Косоний», «85 Косоний муҳожирлар тарихи», китоблари ҳамда Темурийлар даври санъати тарихига доир сочма мақолалари дастхатлари ҳозир Жиддада яшаётган ўғиллари Маҳмудхоннинг кўлида сакланмоқда. Уч жилдан иборат «Ўрта Осиё тарихи» китоблари эса «Мовароуннахр» нашриёти тасарруфида.

Косоний билан бўлган бир суҳбатда «Форсий тилдаги адабиёт айнан газнавийлар хукмронлиги даврида жанр нуқтаи назаридан ҳам, гоявий йўналиш, бадиий кудрати жиҳатидан ҳам янги тараққиёт чўққисига кўтарилди. Уни Фаррухий, Унсурий, Фирдавий, Асжадийларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фирдавсий ва Султон Маҳмуд муносабатини янгитдан, холис ўрганиш керак», деган эдилар. Саййидмубоширхон Косоний оиласлари билан икки йил Тошкентда яшаб, 1996 йили вафот этганлар. Иншоолло, келгусида ана шу фарзандлари кўлидаги дастхат ёзғулардан ҳозирги ҳарфга кўчириб, Сизнинг эътиборингизга ҳавола қи́лурмиз. Токим сизлар марҳум ёки барҳаёт муҳожир ҳамюртларингиз, эҳтимол қариндошларингиз кечмишидан хабардор, маънавиятингиз тарихининг янги зарвараклари билан ошно бўлинг. Зероки устоз Косонийнинг хотираси, ҳамиша барҳаёт руҳи бизни шунга даъват этади.

ХОТИМА

Хирот шахри илм-адаб ахлининг навбатдаги мушоира оқшоми Жомий ҳовлисида ўтадиган бўлиби. Тонг саҳардан бошлиб турли шаҳар ва қишлоқдардан шоирлар устод хонадонига кела бошлабди. Эшик олдида юпунгина кийиниб олган, жиккаккина нуроний мўйсафид елиб-югуриб хизмат қиларкан: у гоҳ одамларни таъзим-тавозе билан пешвоз олиб, уйга таклиф қилар, гоҳ отда келган адилларни суяб тушуриб, аргумогини оғилхонага элтиб боғлар экан. Шу пайт кўпдан бери устод сухбатида бўлишни орзу қилиб юрган вилоят ҳокимларидан бўлмиш ёш шаҳзода, хаваскор шоир ҳам кўринибди. Ҳалиги хизматкор мўйсафид тезлик билан ҳокимни отдан суяб тушириб, отини оғилхонага боғлаб қайтиби. Ҳокимни меҳмонлар ҳузурига элтиб, тўрга ўтқазибди-да, ўзи яна пойгакка бориб чўкка тушибди.

— Жаноблар, ҳамма келиб бўлди, шекилли, ул улут зот қани? — сўрабди шаҳзода.

Меҳмонлардан бири пойгакда ўтирган бояги хизматкорга ишора қилибди. Ҳалиги хизматкор Абдураҳмон Жомий эканини энди билган ҳоким хижолат тортганидан ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига отиладиган бўлиби. Жомий уни ўз ўрнига ўтқазиб, шеърият баҳсими бошлиб юбориби.

Шарқнинг машҳур санъаткори, юзлаб илм-адаб ахлининг устози, Навоийнинг яқин дўсти, маслақдоши Жомий жуда катта обрў, ҳурмат-эҳтиромга эга бўлишига қарамай, ана шундай камтарона ҳаёт кечирган. Шогирдлари, ҳукмронлардан келадиган инъом-эҳсонларни бева-бечоралар, етим-есирларга улашиб берган.

Шарқнинг аксарият улкан мутафаккирлари оғир кун кечиргандар, қандай вазифани бажаришмасин, қай мансабда бўлмасин оддий халқни, элни, юртни ўйлаган: улар ёқкан маърифат чироги феодализм зулмати ичра порлаган юлдуздир. Ким эканлиги ва қайси табақага мансублигидан қатъи назар маданият ривожига ҳисса қўшган, халқ анъаналарини тиклаш, давом эттиришга интилган,adolatни ёқлаб, маънавиятга ҳомийлик қилган, ғайри инсоний иллатларни қоралаб, одамзодни

эъзозлаган боболаримиз ўз мардумсеварлик ва маърифатпарварлик қараплари билан ҳамиша бизга йўлдошу қўлдошдирлар. Зероки, машхур озарбайжон шоири Низомий Ганжавий, еру кўкнинг барча иши инсонга боғлиқ, уни ҳалқ ҳал этади, деган эди:

Осмону заминда нарсалар бари,
Одамнинг фикридан эмас ташқари.

Азиз китобхон! Ушбу лавҳалар Сизга бирон-бир маърифат бера олган бўлса, таъбингизни равшан, кайфиятингизни чоғ этишга жилла улуш қўшган бўлса, муаллиф муродига етибди. Чунки яхши сўзни тарғиб қилиш ҳам савоб. Ёмон сўздан ўзи арасин. Зероки, ҳазрат Навоий айтганларидек:

Ёмон сузки келиб жонға урғай,
Ки жондин ҳам ўтиб имонға урғай.

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3

МАЪНАВИЯТИМИЗ САРЧАШМАЛАРИ

Зардушт	6
Авесто	8
Шарқ мусикасининг асосчиси	13
Ал-жабр, яъни алгебра	18
Табарий сабоклари	22
Муаллими Соний	25
Асрнинг ноёб ходисаси	28
Тўнгич тарихнавис	30
Қомусий билим соҳиби	34
Халқ қаҳрамонлиги куйчиси	39
«Офариннома» муаллифи	43
Биринчи султон	45
Хайратангез истеъод	59
Ғазнавийлар маликушшуароси	63
Тиббийёт бобокалони	68
Байҳакий — бош мирзо ва тарихчи	73
Маърифатпарвар вазир ва олим	76
Риёзиётшунос файласуф	79
Тил билимининг донишманди	84
Достоннавис ва лугатшунос	87
Фидоий эътиқод	90
Билимлар хазинаси	95
Ҳикматлар атриёти	100
Маънавият пешвоси	105
Жаҳолатни коралаб	109
Андух кошонаси	117
Ахсикат андалиби	122

Хоразм фахри	125
Нуктасанж шеършунос	129
Халқ дардига ҳамроэ	132
Ҳамсачилик қашшофи	136
Жасоратли адид	141
Адид ва адабиётшунос	145
Мазлумлар кўз ёши оташ	147
Жаҳонгашта шайх	152
«Дил ба ёру»	159
Нозиктабъ бадиҳагўй	164
Жонбахш шеърият	169
Паҳлавон ва шоир	171
Фаҳруззамон	175
Инсондўстлик куйчиси	176
Зоконлик ҳажвгўй	180
Ҳикматлар гулдастаси	182
Маърифатни олқишлиб	186
Ҳаёт шайдоси	192
Нигористон соҳиби	196
Заминда осмон яратган олим	200
Илму урфон пешвоси	207
Улкан муаррих	212

ДАҲОЛАР ДАВРАСИДА

Ҳамиша бедор қалб	216
Юксак ахлоқ тарғиботчиси	220
Фаноий ва Пурёрвали	225
Шоҳ ва ижод таносиби	229
Кўҳна Чоч ошиги	235
Зариф хикоятлар устаси	239
Устодга ёднома	244
Чехракушолар сарвари	248
Замона ҳофизи	252
«Шоҳнома» хон мусаввир	256
Саркарда шоир	260
Тарихчи олим ва сайёҳ	264

Сохир санъаткор	267
Алии Соний, дерлар	270

ҲАҚИҚАТ ВА МАЪРИФАТ ЯЛОВБАРДОРЛАРИ

Комилликка йўлловчи байтлар	278
Сарой адабиёти хусусида	282
Ирфоний билимлар қомуси	292
Зарофат сохиби	303
Жисмим нотавондур менинг	306
Сўз гуҳаршуноси	313
Асримизгача насримиз	319
Эл Ҳозиги	324
Улуғбекнинг издоши	328
Дониш ҳақиқатлари	331
Қутлуг анъана	335
Назм гулшанида пайваст	338
Косоний руҳи	341
Хотима	345

ҲАМИДЖОН ҲОМИДИЙ

КҮХНА ШАРҚДАРҒАЛАРИ

(Бадиий-илмий лавҳалар)

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
Бош таҳририяти
Тошкент — 1999

Муҳаррир *A. Бобониёзов*
Рассом *Ш. Одилов*
Бадиий муҳаррир *М. Аъламов*
Техник муҳаррир *Л. Хижсова*
Мусаххилар *Ж. Тоирова, Н. Муҳаммадиева*

◀ ▶

C

Теришга берилди 01.02.99 й. Босишига рухсат этилди 30.03.99.
Бичини 84x108'/. Таймс гарнитураси. Оффсет босма. Шартли босма
табоги 18,48. Нашриёт хисоб табоги 18,08. Адади 10000.
Буюртма № 3636. Баҳсси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41-уй.

X-63

Хомидий, Ҳамиджон.

Күхна Шарқ даргалари: Бадий-илмий лавҳалар.-Т.:«Шарқ», 1999.-352 б.

ББК 72.3